

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ
ҚУМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ
КЕНГАШИ

МУНДАРИЖА

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

- Д.ҚУҒУЛТИНОВ. Дунёга ёғдулар таратиб яша 3
Б. ВАҲОБЗОДА. Юрагингни севинчга тўлдир 59

НАСР

- Э.РЕМАРК. Ғарбий фронтда ўзгариш йўқ. *Роман*. Охири.....8
Л. ФИЛАТОВ. Каккули соат. *Комедия*. 65

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ 10 ЙИЛЛИГИГА

- А.ИБРОҲИМОВ. Ёзувчи хусусий ҳодиса эмас..... 89

ПУБЛИЦИСТИКА

- Қўланкадаги Россия. Охири 97

МОЗИЙДАН САДОЛАР

- Г.ВИШНЕВСКАЯ. Галина110

АДАБИЙ ТАНҚИД

- М.ЦВЕТАЕВА. Менинг Пушкиним128
Ш.ТҮЙЧИЕВА. Чўлпон ва Камю146

Июн 2001

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

Ҳ.ДАДАБОЕВ. *Жавоҳирлар сандиғи* 152

САРГУЗАШТ. ДЕТЕКТИВ. ФАНТАСТИКА

САН АНТОНИО. *Таъқиб. Роман* 156

Бош муҳаррир:
Озод Шарафиддинов

Таҳрир ҳайъати:
Мирпўлат Мирзо
(бош муҳаррир муовини)
Файзи Шоҳисмоил
(масъул котиб)
Амир Файзулла
Раҳматилла Иноғомов
Абдуҳамид Пардаев

Жамоатчилик кенгаши:
Юсуф Абдуллаев
Аслиддин Болиев
Жамолиддин Бўронов
Одил Ёқубов
Хайрулла Жўраев
Рисбой Жўраев
Неъматулла Иброҳимов
Абдулла Оринов
Жавлон Умарбеков
Рустам Шоғуломов
Тўлапберган Қаипберганов
Саидахор Филомов

Жаҳон адабиёти, 6. 2001

ИНДЕКС 828, 829

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасида рўйхатга олинган, №172

Таҳририят манзили:
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.
Телефонлар: 144-41-60; 144-41-61; 144-41-62.

Навбатчи муҳаррир Г. МУҲАММАДЁРОВА
Рассом Ю.ГАБЗАЛИЛОВ
Техник муҳаррир М.НИЗОМОВА
Мусаҳҳиҳлар Д.АЛИЕВА. Н.АШРАБХЎЖАЕВА
Компьютерда саҳифаловчи А.СУЛТОНОВ

Теришга берилди 11.06.2001 й. Босишга рухсат этилди 08.08.2001й. Бичими 70x108 1/16.
Газета қоғози. Офсет босма. Шартли босма тобоқ 18,2. Нашриёт босма тобоғи 20,0.
Жами 1700 нусха. К-8656 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

“Жаҳон адабиёти” журнали компьютерида териблиб, Ўзбекистон Республикаси
Давлат Матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида босилди.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Жаҳон адабиёти, 2001 й.

Давид ҚУҒУЛТИНОВ

Дунёга ёғдулар таратиб яша!

ҚАЛМОҒИСТОНИМ

Халлоқнинг ҳукмига келтирмасман шак.
Қачондир тўхтайтиди умр карвоним.
Онамдай бағрингга олурсан бешак,
Менинг ҳам танимни, Қалмоғистоним.

Инсон бўлиб келдим дунёга, шукур,
Доим тиниқ тутдим орзу осмоним.
Шундай соф қалб билан бир куни мағрур,
Сен-ла видолашай, Қалмоғистоним.

Кимнидир ранжитдим, билмай эҳтимол.
Бировга тегмасин дедим зиёним.
Ўзинг меҳрибонсан, ҳакамсан ҳалол,
Кечир мени, кечир, Қалмоғистоним!

ОҒОҲЛИК

Тонгда газеталар саҳифасидан,
Ўқийман дунёвий ахборотларни.
Сўнг инграниб, ташвиш исқанжасидан,
Тинглайман Ердаги ун-фарёдларни.

Бутун тажрибамни ишга соламан,
Ҳар бир ахборотдан излайман маъно.
Шу кетишда бўлса, ҳайрон қоламан,
Эртага қай ҳолга тушади дунё?

Эртага, юз йилдан кейин не бўлар?
Тўғри, яна юз йил кўрмасман умр.
Бугун эрта билан юзлашгим келар,
Айтинг, кейин қандай биламан, ахир?!

Гоҳо газетага излайман қиёс.
Менимча, ундаги саф тортган сўзлар —
Умид шудгорида қачондир қийғос
Униб чиқадиган эзгу орзулар.

*Асрор
МУМИНОВ
таржимаси*

Давид Қуғултинов 1922 йил 13 мартда Россиянинг Қалмоғистон Республикасидаги Гахан-Авгана қишлоғида дунёга келди. У болалигидан адабиётга меҳр қўйди. Илк шеъри 14 ёшида матбуотда эълон қилинган. Шоирнинг ўнлаб фалсафий шеърлари, “Моабит тутқуни”, “Тафаккур исёни”, “Шоҳмотчи” каби дostonлари адабиёт ихлосмандлари орасида катта шухрат қозонган.
Д.Қуғултинов Қалмоғистон Халқ шоири унвони ва Россия Давлат мукофотида сазовор бўлган.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Умид уругини ҳар битта инсон,
Меҳри-ла парвариш қилар ҳар кун.
Сўнгра ҳосилини айлайди хирмон,
“Вақт олий ҳакамдир!” дейдилар бун.

Йиққан ҳосилини қопчиққа солар,
Қийиқча боғлайди манглай, кўзига.
Дардларини қайта эсига олар,
Донга кўшиб сепар шудгор юзига.

Қадалган уругдан не бўлар зоҳир,
Кўриниб қолади яқин йилларда.
Қайси бири чуқур отади томир,
Қайси бири учиб кетар елларда...

Эҳтимол, ниш отди, қувон одамзод,
Ота-боболарнинг асрий орзуси.
Эҳтимол, бирорта қонхўр маҳлуқот,
Кўз очди, ҳозирча йўқдир кутқуси.

Илгимда экан шу ганимат дамлар,
Уйғотгим келади инсониятни:
“Ҳали вақт бор, огоҳ бўлинг одамлар,
Кеч бўлмасдан янчинг ёвуз ниятни!”

АРАСТУНИНГ ХАТОСИ

Юнон файласуфи — доно Арасту
“Метафизика”дай асар ёзса ҳам,
Шу оддий пашшада хато қилди у,
Тўртоёқли, деди санамай бир дам.

Нима бўпти? Хато даҳшатли эмас,
Ахир, пашшадан фил ясагани йўқ.
Эҳтимол, хаёли кетган бир нафас,
Ва лекин айтилган сўз — отилган ўқ!
Ҳамма кўникди шу оддий хатога,
Эътироз билдирмас ҳеч ким донога.

Шеър бағишлаш шартми, қадим хатога?
Кимдир шундай дея менга бошлар ҳарб.
Не дердим, зийракроқ боқинг дунёга,
Бундай масалалар ҳозир ҳам долзарб.

* * *

Ўтган асрларни санайсан нечун,
Мозий оқиб ётган дарёдай узун,
Уларнинг олдида лаҳзадир бугун.

Келажак асрлар туришар қат-қат,
Қамрашга ақлимиз етмайди фақат,
Улар олдида ҳам умр бир фурсат.

Ошна, ўз умрингни, суравермай ўй,
Ўтмиш ва келажак ўртасига кўй,
Балки боқийлик ҳам кўрсатади бўй.

Бизга донолардан мерос шу ҳикмат:
“Яхшиликни кўрсанг қувватла, сақла.
Ёмонликни кўрсанг ўтказмай фурсат,
Полапон чоғида янчгин, мажақла”.

“Эҳтиёткорликдан йиғламас она!”
Бизнинг халқимизда бор шундай матал.
Нурга талпинсам-да, мисли парвона,
Сергак қаршилайман тоңгни ҳар маҳал.

Ахир, келажакка етмас кўлимиз,
Эртага не бўлар, билмайди инсон.
Ишқилиб, бехатар кечсин йўлимиз,
Амалга ошмасин бугунги гумон...

Ҳафсалам пир бўлар газеталар ҳам,
Афсус, рўй берибди кўп хунук ишлар.
Хаёл кўзгусидан ўтади бир дам,
Маҳзун болалигим, таниш ташвишлар...

Шу оддий хатога йўқдай ниҳоя...
Ҳолбуки, чек кўйиш учун хатога,
Пашша оёқларин санаш кифоя!
Фақат ким ҳам қарши чиқар донога.

Ўтса ҳамки асрлар, барча бирдай жим,
Арастуга қарши чиқолмас ҳеч ким.
Ўйлар: эътирозим айтсам мабодо,
Кейин кўзларимга тор бўлар дунё.
Ҳеч киши бу ишга шимармади енг,
Бу иш олов билан ўйнашишга тенг.

Умринг ҳам, ишинг ҳам, тафаккуринг ҳам,
Билгин, шу уч даврда бўлар мужассам.
Шу уч давр уларга энг олий ҳакам.

Ўлчовдан ўтганда хизмат-беминнат,
Номингга айтилурашараф ё лаънат,
Бу ҳукм муҳокама этилмас фақат.

Ва лекин ёдда туг, унутма бир он:
Сенда ҳам боқийлик акси намоен,
Меҳнат қил, ижод қил, ўзингга ишон!

БЕТХОВЕН СЕЗГИСИ

Эй воҳ, Бетховенни карлар деди кар,
Энди у эшитмас деб солдилар жар.
Бироқ сезги билан ёзган куйида,
Мужассамдир не бор хоксор ўйида.
Куйдан кенгайди бахтнинг ҳудуди,
Тинглаб кўз очади инсон умиди.

Қара, кимсалар бор, ҳеч нарса сезмас,
Куй сеҳри, ҳамдардлик, ишқдан беҳабар.
Учар, мисли сувсиз қудуқдаги хас,
Эҳтимол, уларни аташ керак кар.
Кимки Бетховендай сезса оламини,
Оллоҳ ёрлақасин ўша оламини.

* * *

Ҳисобчидай кўтарсанг дод-вой,
Яхшилигинг санаб чиққан он:
“Унга тутдим бир пиёла чой,
Бунисига бердим бурда нон...”

Эзгу ишлар қилинар пинҳон,
Чиқарилмас кўнгилдан ташга.
Уни ошкор этганинг замон,
Бўлса яхши пешонанг қашқа...

Аянчлидир бу ҳисоб-китоб,
Тушиб кетди қадр қимматинг.
Доим пинҳон эзгулик савоб,
Шундай эса ошар ҳурматинг.

* * *

Ким она тилини суймаса жондан,
Ифтихор этмаса она тилидан
(Аслида бу туйғу ўтади қондан),
У кимса адашиб кетган йўлидан.
Бундайларга лаънат ёғилар абад,
Чунки онасига бермаган мадад.

Унга қайта-қайта уқтир, тушунтир:
Барча тиллар билан дунё бутундир.
Тиллар оға-ини, ўзаро якдил,
Ўзига хос гўзал, бойдир ҳар бир тил.
Тафаккурнинг олий ихтироси тил,
Толе йўлларининг нур-зиёси тил.

Кимки ўз исмининг жарангига маст,
Кибр-ҳаво отидан ҳеч тушмаса паст,
Кимки ўз тилига бўлиб маҳлиё,
Менсимаса ўзга тилларни асло,
Бундайлар сўқирлар ичида сўқир,
Бурнидан нарини кўрмайди, ахир.

Кимки ўйламасдан аччиқма-аччиқ,
Ўзгалар тилига чапласа балчиқ,
Деса: менинг тилим баридан устун,
Қолган тиллар турсин олдида забун.
Бундай иғволарга солмасмиз қулоқ,
Уни даврамыздан ҳайдаймиз шу чоқ.

Миллатлар суяшиб бири-бирини,
Улғайтирди замин тафаккурини.
Кўйганлари учун тилларга ихлос,
Бизга қолди шундай ҳамкорлик мерос.
Пок ниятда учди фазога одам,
Чароғон келажак унда мужассам.

* * *

Чашмадай тиниқ халқ нақл-мақоллари,
Ва лекин маъноси уммондай чуқур.
“Дунёда уч нарса ўткирдан ўткир”,
Шундай дейди қалмоқ оқсоқоллари.

“Кўчманчи йўл излар, оч-наҳор ҳақир,
Қолмаган увоғи, унинг ҳар тиши
Бўри тишларидай бўлади ўткир”,
Бизда шундай дейди кекса ҳар киши.

“Қанчалар зўр бериб ёғмасин ёмғир,
Куёш булутларни ташлагай ёриб,
Чунки унинг нури қиличдан ўткир”,
“Жангар” дostonида бор шундай таъриф.

“Она ҳаёт билан видолашган чоқ,
Ташна бўлиб қарар фарзандларига,
Барчасини босмоқ истар бағрига...”
Дерлар: жуда ўткир шу сўнги нигоҳ!

Бизни эзгуликка чорлар доимо,
Ота-боболарнинг шундай пандлари.
Тўртинчи ўткирлик ҳақида аммо,
Сўз очмайди қалмоқ донишмандлари.

Агарда соф севги (бу ҳаёт сўқир)
Урилса турмуш деб аталган тошга,
Унинг азоблари ўткирдан ўткир,
Буни мен айтдим...
Ҳажр тушганда бошга.

* * *

Эзгулик қилмоқчи бўлсанг мабодо,
Кимгадир ва ёки бутун бир халққа.
Бундай эзгу йўлда чекинма асло,
Ўзингни ўйламай интилгин ҳаққа.
Эзгулик йўлида ёқилган олов,
Аввало қалбингда гурласин лов-лов.

Бу муқаддас гулхан сўнмасин ҳеч вақт,
Асрагин ва олсин кўпроқ аланга.
Қонинг йўқотсанг ҳам айлагин тоқат,
Тирик ҳужайрангдан ташла гулханга.
Ўз хоҳишинг билан бажар бу ишни,
Шараф бил эзгулик учун ёнишни.

Кун сайин, ой сайин кетсин мадоринг,
Қалбингни парчалаб гулханга ташла.
Ёлқинга айлансин борлигинг, боринг,
Дунёга ёғдулар таратиб яша!
Шунда бу дунёда сен ёққан олов,
Ҳеч қачон ўчмайди, гурлайди лов-лов.

* * *

Айтгин, сабаб излайсан нечун,
Ақл-кучингни сақлаб қолишга?
Сабаб топдинг дам олиш учун,
Яна бир оз мизғиб олишга.

Ҳиссиз, ухлаб вақт ўтказишни,
Ҳозирчалик ўйлама минбаъд.
Келажакка қолдир бу ишни,
Ахир, бир кун ухлайсан абад!

ШОҲМОТ ЎЙИНИ

Икки қадрдон уста ўйнашар шоҳмот,
Ҳатто бошларини кўтармас бир дам.
Улар бир-бирини аяшмас, ҳайҳот,
Бунда ҳам бор ўша учинчи одам.

Оқлар рақибига ташланди чунон,
Гўё қора шоҳга йўқ эрур нажот.
Қоралар фарзинни этишиб қурбон,
Танг қолган оқ шоҳга эълон қилди мот.

У кимса тахтадан кўз узмас асло,
Ўзича ўйлайди, орзиқиб кутар —
Усталар қаерда қилишар хато,
Ким қайси юришда адашиб кетар.

Учинчи одам ҳам бош чайқар аранг,
На чора, у яна қолди ғафлатда.
Чунки кучли юриш қилинмиш, қаранг,
У шўрлик хатони излаган вақтда.

ИНДИРА ГАНДИ

Ҳиндистоннинг қизи эди у,
Қора ўқдан ҳаёти сўлди.
Ўша машъум кундан у мангу,
Ҳиндистоннинг онаси бўлди.

* * *

Агарда сен изласанг бу дам,
Ким дунёда пакана одам?
Дейман: чекма бўйингдан озор,
Билгин, сендан паканалар бор.
Борига қилсанг шукур,
Бағишлар бу ҳам ҳузур.

Агарда сен изласанг бу дам,
Ким дунёда энг бўйчан одам?
Дейман: мағрур юрибсан бекор,
Билгин, сендан бўйчанлар бисёр.
Борига қилсанг шукур,
Бағишлар бу ҳам ҳузур.

* * *

Умид, ишонч билан олдга қараймиз,
 Ёрқин истиқболни кўрамиз аён.
 Лекин бу юмушга қандай яраймиз,
 Ахир, измимизда шу кунги мезон.

Олдимизда имлар жилвагар ҳаёт,
 Ҳатто қамаштирар ақл ва кўзни.
 Ва лекин билмаймиз келгуси авлод,
 Қайси мезон билан ўлчайди бизни?!

* * *

Тоза бўлса сендаги виждон,
 Қиёматдан қўрқмагин бир дам.
 Сени йўлдан оздирмас шайтон,
 Ҳатто дўзах ёқасида ҳам.

Агар қинғир ташласанг қадам,
 Қанча яшир, охири йиқар.
 Ҳатто жаннат эшик очган дам,
 Қинғир ишнинг қийиғи чиқар.

* * *

* * *

Қанча қайра ёғоч пичоқни,
 У темирни кеса олмайди.
 Қанча ўқит телба-аҳмоқни,
 Улар доно бўлиб қолмайди.

Дейдилар: донога фазилат —
 Ҳар гапни ўйлаб сўнг сўзламоқ.
 Дейдилар: пасткашга хос хислат —
 Сўздан ҳам манфаат кўзламоқ.

* * *

Кўз билан кўрганинг бари ҳақиқат,
 Улардан излама қинғир тарафни.
 Бари ҳақиқат деб ўйлама фақат,
 Қулоқларинг билан эшитган гапни.

БАЙТЛАР

Ўзгалар кўзи-ла қарар ҳаётга,
 Кўзойнак керакмас бундайин зотга.

Тан-бўй ўсишининг чегараси бор,
 Илминг бойитишга чегара бекор.

* * *

* * *

Бир мақсадда ёнмас экан дил,
 Уни отсиз арава деб бил.

Бўрон турса уммон гулдирад,
 Жилга эса доим чулдирад.

* * *

* * *

Ҳақ ҳакамдир! Ҳақ ҳукми барҳақ!
 Ҳатто қабрда тинч қўймас бешақ.

Фанимингдан топурсан ҳурмат,
 Уни жангда мағлуб этган вақт.

* * *

* * *

Ҳозир кўримсиздир қалмоқ чўллари,
 Ундан гўзал жой йўқ баҳор кунлари.

Сенга ёқсин, ёқмасин ёлгон,
 Унинг иши қора бегумон.

Эрих Мария РЕМАРК

Гарбий фронтда ўзгариш йўқ

Роман¹

VII

Бизни фронт орқасига, тақсимлаш пунктларидан бирига одатдагидан кўпроқ муддатга олиб келишади. Бу ерда рота қайта тузилади. Сафимизга яна юздан ортиқ одам қўшилиши керак.

Ҳозирча қиладиган ишимизнинг тайини йўқ, вақтимиз бемалол. Икки кундан сўнг Химмельштос қорасини кўрсатади. Окоп азобларини тортганидан бери попуги анча пасайиб қолган. У ярашишни таклиф этади. Мен эътироз билдирмайман, — Хайе Вестхус яраланганда уни жанг майдонидан олиб чиқишда ёрдамлашганини ўз кўзим билан кўрганман. Қолаверса, у тўғри иш қиляпти, шунинг учун бирга ошхонага бориш ҳақидаги таклифини қабул қиламиз. Фақат Тьяденгина ҳамон тутун қайтаради.

Ахийри у ҳам инсофга келади, — Химмельштос таътилга кетаётган ошпазнинг ўрнида ишлашини айтганидан сўнг ён беради. Бунинг далили сифатида у шу заҳотиёқ столга биз учун икки қадоқ шакар билан шахсан Тьяденга аталган ярим қадоқ сарёғни қўяди. Кейин шундоқ қиладики, уч кун давомида биз ошхонага картошка ва ошқовоқ арчгани борамиз. У ерда Химмельштос бизни зобитларга аталган тансиқ таомлар билан сийлайди.

Хуллас, ҳозир биз учун аскарга бахт бўлиб туюладиган ҳамма нарса муҳайё: ширин таом ва ҳордиқ. Бундай олиб қаралса, арзимаган гап. Икки ёки уч йил олдин буни бахт деб аташни ўзимизга ор деб билардик. Ҳозир эса хурсандмиз. Инсон ҳамма нарсага кўникаркан, ҳатто окопга ҳам.

Фаромушхотир бўлиб қолганимиз ҳам шу кўникиш оқибати. Кечагина ажал оғзида эдик, бугун тараллабедод қилиб юрибмиз, эртага яна окопларга жўнаймиз. Йўқ, аслида биз ҳеч нарсани унутмаганмиз. Ҳозирча шу ерда, урушда эканмиз, ҳар бир кунимиз юрагимиз тубига тошдай чўкиб қолади, чунки бундай кунларни унутиш қийин. Агар ўйлайверсак, хотиралар бизни эзиб ташлайди; ҳарҳолда мен бир нарсани пайқадим: тақдирга тан бериб қўйганинга барча азобларга чидаш мумкин, лекин улар ҳақида ҳадеб ўй сурсанг, бу ўйлар сени адою тамом қилади.

Модомики олдинги маррага борганда йиртқичга айланиб кетарканмиз, — шундай қилмасак жон сақлашнинг иложи йўқлигини биламиз, — дам олиш пайтида бир пулга қиммат масхарабозларга айланамиз. Бу ихтиёримиздан ташқари юз беради. Биз яшашни, қандай қилиб бўлмасин, омон қолишни хоҳлаймиз; тинчлик чоғида кишига зеб бўладиган фазилатларни бу ерда ортмоқлаб юролмаймиз, чунки улар фронтда ўринсиз ва кулгили кўринади. Кеммерих ўлди, Хайе Вестхус жон беряпти, снаряд тўғри келиб теккан Ганс Крамернинг танаси маҳшар кунни кўп ташвиш туғдиради — уни битталаб те-

Охири. Боши ўтган сонда.

риб чиқиш керак; Мартнеснинг энди оёғи йўқ, Майер ўлди, Маркс ўлди, Байер ўлди, Хеммерлинг ўлди, юз йигирма киши яраланиб, дала шифохоналарида ётишипти... Бунга чидаш осон эмас, лекин начора, осмон узоқ, ер қаттиқ. Биз тирикмиз-ку! Уларни сақлаб қолиш қўлимиздан келганда эди. — О, унда ернинг киндигигача ҳам борган бўлардик, бошимиздан айрилишдан ҳам ҳайиқмасдик, — биз бир ишга киришсак, шер бўлиб кетамиз, кўрқув нималигини билмаймиз, ўлим даҳшати нима бўпти — бу тана сезгиси, холос.

Аммо... ўртоқларимиздан жудо бўлдик, уларга ҳеч қандай ёрдам беролмаймиз, улар бу машаққатлардан ўлиб қутулишди, бизни яна нималар кутаётганини ким билади? Шунинг учун ҳозирги ғанимат кунларимизнинг беташвишлигидан севиnamиз, ухлаймиз, қорнимиз ёрилиб кетай дегунча овқат еймиз, арақ ичамиз, сигарета чекамиз, ишқилиб, вақтимиз хушнуд ўтса бас. Умр қисқа.

* * *

Олдинги маррадан узоқлашишимиз билан уруш даҳшатлари онгимиз тубига чўқади; улардан қутулиш учун майнавозчилик қиламиз, уят гаплардан гапирамиз. Шунда сал енгил тортамиз. Ҳамма нарсани ҳазилга йўйиш орқали мудҳиш ўйлардан халос бўламиз.

Лекин биз ҳеч нарсани унутмаймиз! Ҳарбий газеталар, жангчилар ҳазил-мутойибага уста бўлишади, улар ўқ ёмғири остидан чиқибоқ ўйин-кулгини бошлаб юборишади, деб ёзишади. Бу гаплар гирт уйдирма. Биз қизиқчи бўлганимиз учун қизиқчилик қилмаймиз, фақат ана шу туйғуни йўқотмасликка тиришамиз, акс ҳолда хароб бўламиз. Қолаверса, бу ҳолатимиз узоққа чўзилмайди, ой сайин ҳазилимизнинг таги зил бўла боради.

Шунга ишончим комилки, ҳозир онгимиз тубида чўкиб ётган хотиралар кейин, урушдан сўнг тепага қалқиб чиқади, ана ўшанда булар тўғрисида енгил-елпи гапириб бўлмайди, бундан кейин яшай оламизми-йўқми, масала шунга бориб тақалади.

Олдинги маррада ўтган кунлар, ҳафталар, йиллар яна қайтади, ҳалок бўлган ўртоқларимиз ҳам ер остидан чиқиб, сафимизга қўшилишади, миямиз яна тиниқлашади, аниқ-равшан мақсадимиз бўлади ва биз қайта тирилган дўстларимиз билан елкама-елка, фронт хотираларини юракка жо қилиб, олға босамиз. Лекин қаёққа? Қайси душман устига?

* * *

Қачонлардир шу атрофда фронт театри бўларди. Бир деворда ҳали ҳам ўша пайтдан қолган ранг-баранг афишалар осилиб турипти. Кропп иккаламиз уларни ҳайратланиб томоша қиламиз. Наҳотки бу дунёда шунақа мўъжизалар ҳануз мавжуд бўлса? Масалан, бир афишада ёзги оқ кўйлак кийган қиз тасвирланган. Белида қип-қизил боғич. Ўнг қўлини нақшинкор панжарага тираб, чап қўлида похол шляпасини ушлаб турипти. Оёғида оқ пайпоқ билан пошнаси баланд туфли. Туфлисида бир тугам майда оқ чилвир кокилдай тарам-тарам бўлиб турипти. Қизнинг ортида мовий денгиз, бир ёнда эса куруқликка анчагина суқулиб кирган чиройли кўрфаз. Қиз кетворган, бурни тугмадай, лаблари гунчадай, узун-узун оёқлари келишган, хуллас, ниҳоятда озода ва истарали қиз. Кунига икки марта чўмилса керак ўзиям, шундай бўлганда кейин, тирноқларининг остида кир нима қилсин, фақат соҳилдаги қумлоқда ётганида илашаран битта-иккита қум бор бўлса бордир.

Унинг ёнида эгнига оқ шим, кўк камзул, бошига денгизчиларнинг фуражқасини кийган бир эркак, лекин шу тобда у бизни қизиқтирмайди.

Панжара ёнидаги қиз кўзимизга фариштадай кўринади. Унинг одам зотидан эканига ишонгимиз келмайди. Бир неча йилдан бери бунақа мўъжизага

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

дуч келганимиз йўқ-да. Лоақал бундай гўзал, бундай бокира, бундай лато-фатли қизни эслатувчи жонзотни кўрмаганимизга ҳам кўп бўлди. Бу бутун бир олам, дунё ўзи шунақа бўлиши керакмасми, ахир?!

— Йўқ, сен туфлиснинг нозиклигига қара, бу туфлида у бир чақирим ҳам юролмайди, — дейман Кроппга ва шундай манзара қаршисида аллақандай чақиримлар ҳақида ўйлашнинг ўзи галварслик эканини англаб қоламан.

— Қизик, ёши неччидайкин? — сўрайди Кропп.

Чамалаб кўраман:

— Узоғи билан йигирма иккида бўлса керак.

— Ие, унда биздан катта бўлади-ку. Ўн еттидан ошмаган, гаров бойлашман!

Иккаламининг ҳам этимиз жимирлашиб кетади.

— Зўр қиз экан-а, Альберт?

У бош силкийди:

— Уйда менинг ҳам оқ иштоним бор.

— Иштонга бало борми! — уни жеркиб ташлайман. — Қиз ҳақида гап кетяпти-ку!

Бир-биримизга бошдан-оёқ разм солиб чиқамиз. Иккаламизда ҳам туси ўчган, ҳамма ерига ямоқ тушган исқирт ҳарбий кийим. Солиштириб бўларканми?

Ҳафсаламиз пир бўлиб, аввалига афишадаги олифта эркакка тишимизни гичирлатамиз, қиз сезмайдиган қилиб, албатта. Кейин Кропп таклиф кирилади:

— Битхонага бориб келмаймизми?

Эътироз билдираман, сабаби кийим ишдан чиқади, қолаверса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, бит яна пайдо бўлаверади. Афишага яна бир тикилиб тураман-да, сўнг рози бўламан:

— Балки тоза кўйлак бериб қолишар?

Альбертнинг нафси ҳакалак отиб кетади:

— Пайтава ҳам беришса зўр бўларди-да!

— Қанийди. Юр, уриниб кўрамыз. Биздан нима кетди. Ишимиз ўнгидан келса, бирор нарсага алмаштирамиз.

Шу пайт биз томонга келаётган Леер билан Тьяденни кўриб қоламиз, уларнинг кўзи афишага тушади, дарров айнимачилик бошланади. Леер синфимизда биринчи бўлиб аёл киши билан яқин бўлган, ҳаммасини бизга ипидан игнасиғача, оқизмай-томизмай гапириб берган. У афишадаги қизни ўша таассуротидан келиб чиқиб баҳолайди, Тьяден унинг завқ-шавқига жўр бўлади.

Уларнинг ҳазил-ҳузуллари бизга қаттиқ ботмайди. Уят гапларни билмайдиган аскар аскарми?! Лекин ҳозир бизнинг бошқа ташвишимиз бор, бинобарин, ўзимизни секин четга олиб, битхонага қараб жўнаймиз, у ёққа худди серҳашам кийимлар тикиладиган устахонага кетаётган кишилардай, виқор билан йўл оламиз.

* * *

Биз жойлашган уйлар анҳор бўйида. Анҳорнинг нариги соҳилида атрофига толлар экилган ҳовузлар кўп; энг муҳими, аёллар ҳам бор.

Ўз вақтида биз томондаги уйлardan эгалари кўчириб юборилган. Лекин нариги соҳилда аҳён-аҳён одам шарпаси кўзга ташланиб қолади.

Кечқурун чўмиламыз. Мана, соҳилда учта аёл пайдо бўлади, қип-яланғоч бўлсак ҳам тортинмай, тик бостириб келишяпти.

Леер уларни чақиради. Аёллар тўхтаб, бизга қараб қулишади. Кетиб қолишмасин деб, бузуқ француз тилида бисотимиздаги бор сўзларни ишга соламыз. Одобсизлик, албатта. Лекин бизда одоб нима қилади?

Аёллардан бири — озгин, қорамағиз. Кулганда тишлари садафдай ялтирайди. Ҳаракатлари енгил, кенг юбкаси оёқлари атрофида гир айланади. Сув совуқ, лекин кайфимиз чоғ, уларнинг диққатини тортиш мақсадида ҳазил-

ҳузул қиламиз, аёллар ҳам шу тақлид жавоб қайтаришади; гапларига тушунмаймиз, лекин кулиб, имо-ишоралар қиламиз. Тьяден қаловини топади. Уйга чопиб бориб, бир буханка нон олиб келади-да, уни баланд кўтариб, кўз-кўз қила бошлайди.

Қаловини топсанг, қор ҳам ёнар экан. Аёллар бош ирғаб, бизни ўзлари турган соҳилга имлаб чақиривади. Лекин биз бундай қилолмаймиз. Нариги соҳилга ўтиш ман этилган. Ҳамма кўприкларда соқчилар бор. Рухсатнома керак. Шунинг учун, ўзинглар бу ёққа ўтинглар, деган фикрни уқдиришга уринамиз. Аёллар бош чайқаб, кўприкка ишора қилишади. Уларни ҳам биз томонга ўтказишмас экан.

Аёллар бурилиб, соҳилдан оқим бўйлаб қуйи томон аста юра бошлашади. Биз ҳам ўша ёққа қараб сузамиз. Бир неча юз метр йўл босгач, улар тўхташади ва бизга бутазорлар орасида турган бир уйни кўрсатишади. Леер, шу ерда яшайсизларми, деб сўрайди.

Аёллар қулишади: ҳа, шу уй уларники.

Биз соқчилар сезмайдиган пайтда, кечаси, бугун кечаси келишимизни айтиб, қичқирамиз.

Улар кафтларини бирлаштириб, унга юзларини босганча кўзларини юмишади. Бизни англашипти. Қорамангиз озгин аёл рақс тушиб бўлгандай гир айланиб, тиззаларини букади. Бошқаси, маллароғи:

— Нон... Яхши... — дейди.

Нон ҳам, бошқа ширин нарсалар ҳам олиб келишимизни жон-жаҳдимиз билан, ҳар хил ишоралар орқали тушунтирамиз. Леер қўлини кўтариб, колбасани тасвирламоқчи бўлганида чўкиб кетишига сал қолади. Шу тобда уларга бутун бошли озиқ-овқат омборини ваъда қилишдан ҳам тоймаймиз. Аёллар кета туриб, бир неча марта орқаларига ўгирилишади. Соҳилга чиқиб, кузатиб турамиз, — ўша уйга киришадими-йўқми, билишимиз керак, — бизни лаққилатаётган бўлишлари ҳам мумкин-да. Кейин яна сувга тушиб, бояги жойимизга қараб сузамиз.

Рухсатномасиз кўприкдан ҳеч кимни ўтказишмайди, шунинг учун кечаси анҳордан сузиб ўтишимизга тўғри келади. Ҳаяжонимизнинг чеки йўқ, ўзимизни қўйгани жой тополмаймиз. Ошхонада бизни пиво билан пунш¹ кутаётганини биламиз.

Пунш ҳўплаб ўтириб, бир-биримизга хаёлий саргузаштларимиздан сўзлаб берамиз. Ҳикоя қилувчининг ёлғон-яшиқ гапларига ҳамма ишонади ва ҳар ким ўз навбатини кутади. У ҳам аравани қуруқ опқочишга ҳаракат қилади. Сирли бир энтиқишдан кетма-кет сигарета тутатамиз.

— Сигарета ҳам олиб борсак-чи у ёққа? — дейди Кропп.

Тунги маишатни ўйлаб, бараварига қўлимиздаги сигаратани фуражкаларимизга яшираамиз.

Осмон гўр олмадай кўкимтир тус олади. Биз тўрт кишимиз, лекин тўртинчи одам ортиқча, шунинг учун Тьядендан қутулишга келишамиз ва у алжираб қолгунга қадар ичираамиз, ўзимизнинг ҳиссамизни ҳам унга қуйиб берамиз. Қоронғи тушганда уйга қайтамиз, Тьяденнинг тирсагидан икки киши авайлаб ушлаб олган. Ичимизга сиғмай кетяпмиз, хаёлимизда тунги саргузашт. Менинг чекимга анови озгин, қорамангиз аёл тушган, — уларни аллақачон тақсимлаб олганмиз.

Тьяден каравотида хурракни уриб ётибди. Бир оз вақт ўтгач, уйғониб, бизга маъноли жилмаяди. Нафасимиз ичимизга тушиб кетади, бу тентак бизни аҳмоқ қилганга ўхшайди-ку, шунча пунш қулоғини ушлаб кетган бўлмасин тағин. Йўқ, хайрият, салдан кейин яна хуррак ота бошлайди.

Ҳар биримиз бир буханкадан нонни газетага ўраймиз. Ноннинг ёнида сигарета билан кечки овқатимизга қўшиб берилган колбаса ҳам бор. Ёмон совға бўлмади.

Уларни этигимиз қўнжигга жойлаштираамиз, — этикни олмасликнинг иложи йўқ, у ёқда оёқни бирор нарса кесиб кетиши мумкин. Нариги томонга сузиб

П у н ш — шакар, сув ва мева шираси қўшиб қайнатилган спиртли ичимлик

ўтадиган бўлганимиздан кейин бошқа кийим ортиқча. Қоронғида ким кўриб ўтирибди, ораси ҳам узоқ эмас.

Этикларимизни қўлтиқлаб, йўлга тушамиз. Апил-тапил ўзимизни сувга ташлаб, орқа билан сузиб кетамиз, этикларни бошимиз узра кўтариб олганмиз.

Соҳилга етгач, тепага бешовқин тирмашиб чиқамиз, қоғоз халталарни суғуриб, этикларимизни киямиз. Қип-яланғоч, жикқа хўл, оёқда фақат этик, қўлтиқда қоғоз халта — шу қиёфада яна йўрғалашга тушамиз. Уйни тез топамиз. Бутазор ортида кўриниб турипти. Леер очилиб қолган бир илдизга қоқилиб, йиқилиб тушади, тирсаги шилинади.

— Ҳечқиси йўқ, — дейди у кулиб.

Дераза эшиклари берк. Уй атрофини айланиб, тирқишлардан мўралаймиз. Ҳеч нарса кўринмайди. Бетоқат бўла бошлаймиз. Кропп хавотирга тушиб қолади:

— Ичкарида бирорта майор ўтирган бўлса-чи?

— Куённи сурворамиз, — дейди Леер. — Агар қисмимизнинг рақамини билмоқчи бўлса мана бу ерга ёзилган, — шундай деб, яланғоч думбасига шапатайлади.

Лекин уй эшиги ичкаридан илгакланмаган. Оёқларимизни дупурлатамиз. Эшик қия очилиб, бир тутам нур тушади, қандайдир аёл кўрққанидан қичқириб юборади. “Жим!— шивирлаймиз биз, — хавотирланманг... дўстлармиз...” — шундай деб, халталаримизни юқорига кўтарамиз.

Ҳаял ўтмай, бошқа икки аёл ҳам пайдо бўлади; эшик ланг очилади, биз ёп-ёруғ нур ўртасида қоламиз. Бизни танишади, аҳволимизни кўриб, қотиб-қотиб кула бошлашади. Остонада турволиб, кулгидан буралиб-буралиб кетишяпти. Оҳ-оҳ, қоматларини кўрсангиз!

— Ҳозир.

Улар ичкарига кириб, бизга аллақандай кийимларни улоқтиришади, биз амал-тақал қилиб, уят жойларимизни беркитамиз. Кейин киришга рухсат беришади. Кичкина чироқ ёритиб турган мўъжазгина хонада атир ҳиди кезади. Халталаримизни узатамиз. Аёлларнинг кўзлари чақнаб кетади, — сезилиб турипти, қоринлари оч.

Улар тараддулланиб қолишади. Леер, халталарни очиб, ичидаги нарсаларни олинглари, деган ишорани қилади. Аёлларга яна жон киради, пичоқ ва ликопчалар келтириб, ўзларини емакка уришади. Бир бўлак қолбасани оғизларига олиб боришдан аввал ҳар гал санчқида юқорига кўтариб, унга суқ билан тикилишади, биз уларни ғурур билан кузатамиз.

Аёллар ўз тилларида тинмай чуғурлашишади, биз яши тушунмаймиз, аммо қандайдир илиқ, мулоим сўзлар эканини сезиб турамыз. Эҳтимол, уларга жудаям ёш туюлаётгандирмиз. Қорамағиз аёл бошимни силаб, ҳамма француз аёллари гапирадиган гапни такрорлайди:

— Уруш ўлсин... Турган-битгани кулфат... Шўрлик болалар...

Унинг тирсагидан ушлаб, кафтига лабларимни босаман. Бармоқлари юзимни сийпалайди. Бошини эгиб турипти. Жонсарак кўзлар, қабарик лаблар, сипсиллиқ бадан. Бу лаблардан мен англамайдиган сўзлар тўкиляпти. Кўзлардаги маъно ҳам сирли, сеҳрли, — бу кўзлар мен кутгандан кўра ҳам кўпроқ нарсаларни ваъда қиляпти.

Девор ортида бошқа хоналар ҳам бор. Ўтиб кета туриб, Леер билан малла сочли аёлга дуч келаман. Леер уни маҳкам бағрига босиб, қиқир-қиқир кулади. Бунақа ишлар унга янгиликмас-да. Мен бўлсам, аллақандай мубҳам, синалмаган, бетоқат ғалаён оғушидаман. Туйғуларим беҳушлик ва жазавадор ҳирс орасида сарсон. Бошим айланади, таянч нуқтасини тополмайман. Этикларимиз даҳлизда қолган, бизга шиппак беришган, менда аскарлик ишончи ва журъатини тиклай оладиган ҳеч нарса йўқ; на милтиқ, на камар, на фурашка. Мен ҳузурбахш аллақандай бўшлиққа ғарқ бўламан, юрагим қинидан чиқиб кетай дейди.

Озгин, қорамағиз аёл хаёл сурганда қошлари чимирилади, гап бошлаганда эса яна ўз ҳолига қайтади. Баъзан у сўзни охиригача айтмайди, ярми лаб-

ларида илиниб қолади ёки менга шундай туюлади, — бу ҳол битмаган кўприк, чўрт кесилган сўқмоқ, кўкда учган юлдузни эслатади. Олдин нимани билардим? Ҳозир нимани биламан? Маъноси деярли ноаниқ бу сўзлар мени мудроққа солади, хира ёритилган хонанинг жигарранг гулқоғоз ёпиштирилган деворлари айқаш-уйқаш бўлиб кетади, фақат тепамга энгашиб турган чехрагина уйқу салтанатига нур таратади.

Бир соатгина бурун бегона бўлган, ҳозир эса устингга эгилиб, меҳр ҳадя этиб турган чехрадан кўп нарсани уқиш мумкин. Бу меҳр юзнинг ўзидан тўкилаётгани йўқ, у тун қоронгисидан, биз яшаётган заминдан, қондан сизиб чиқиб, мана шу чехрада намоён бўлмоқда. Бу меҳр ҳозир ҳаммаёқни забт этган. Мен баданимга, қорамгаиз қўл сирғалаётган оппоқ баданимга қараб-қараб кўяман.

Бу ер қаёқдаю бизга ҳар замонда боришга рухсат этиладиган ва оддий аскарларга мўлжалланган тирбанд фоҳишахоналар қаёқда! Эсламай дейман-у, хотиралар бостириб келаверади. Баъзан қўрқиб кетаман: наҳотки бу чиркин хотиралардан умрбод қутулолмасам?

Мана, озгин, қорамгаиз аёлнинг лаблари яқинлашяпти, мен ҳам сабр-сизлик билан шу лабларга талпинаман ва ҳамма нарсани: урушни, унинг даҳшат ва қабоҳатларини унутиб, қайтадан ёш ва бахтиёр йигит бўлиб уйғониш илинжида кўзларимни юмаман; афишадаги қиз ёдимга тушади, келажакдаги бутун ҳаётим фақат шу қизга боғлиқдай туюлади. Мени маҳкам кучиб турган кўлларни қаттиқроқ қисаман, — ҳозир бир мўъжиза юз бериб қолса-я!

Орадан маълум вақт ўтгандан кейин яна бир хонага жам бўламиз. Леернинг оғзи қулоғида. Аёллар билан илиқ хайрлашиб, этикларимизни киямиз. Тун ҳавоси ҳали совумаган баданимизни жунжитади. Толлар забардаст паҳлавонлардай қоп-қорайиб турипти, новдалари оҳиста тебранади. Осмонда ва анҳор сувида тўлин ой сузади. Биз катта-катта қадам ташлаб, ёнма-ён боряпмиз.

— Бир буханка нон бошимиздан садақа, — дейди Леер.

Индамайман, негадир хомуш тортиб қолганман.

Шу пайт қадам товушлари эшитилади, ўзимизни дарров буга панасига оламиз.

Шарпа яқинлашади, ёнгинамиздан ўтиб кета бошлайди. Яланғоч аскарни кўрамиз, оёғида этик, қўлтиғида қоғоз халта, зинғиллаб кетяпти. Бу — Тьяден. Ётиб қолгунча, отиб қолмоқчи. Ана-мана дегунча, кўздан гойиб бўлади.

Роса куламиз. Эртага сўқиниш бошланади!

Ҳеч кимга сездирмай, уйга етволамиз.

* * *

Мени идорага чақиртиришади. Рота командири қўлимга таътил гувоҳномаси билан йўл ҳужжатларини тутқазиб, оқ йўл тилайди. Таътил неччи кунлигига қарайман. Ўн етти кун — икки ҳафта, уч куни йўлга. Жудаям оз, йўлга беш кун беришларини сўрайман. Бертинг гувоҳномага ишора қилади. Фронтга дарҳол қайтмаслик ёзиб қўйилганини шундагина кўраман. Таътил тугаганидан сўнг фронт орқасидаги лагерлардан бирига ўқишга боришим керак.

Ўртоқларимнинг ҳаваси келади. Қандай қилиб, “осойишта ҳаёт”га эришишим мумкинлиги тўғрисида маслаҳатлар беришади.

— Бўшанглик қилмасанг, ўша ёқда қолиб кетасан.

Менга қолса, ҳозир эмас, бир ҳафтадан кейин кетганим маъқул, нимагаки, бу ерда яна бир ҳафта тураммиз, шароит яхши.

Ошхонада, одатдагидай, ювасан деб тиқилинч қилишади. Озгинадан ичамиз. Кўнглим бари бир хижил; олти ҳафтага кетяпман, албатта, шукур қилишим керак, лекин қайтганимдан сўнг нима бўлади? Бу ердаги дўстларим сафига тагин қўшила олманми-йўқми? Хайе билан Коммерих ўлди: энди кимнинг навбати?

Ҳаммага бирма-бир разм соламан. Ёнимда Альберт чекиб ўтирипти, кайфияти тетик; у билан доим биргамиз. Рўпарамда Кат, елкалари салқи, бармоқлари йирик, овози босиқ. Анови тишлари олдинга туртиб чиққан, кулгиси кучукнинг вангиллашига ўхшаган йигит Мюллер. Анови сичқонқўз Тьяден. Анови Леер, соқол кўйворган, кўрган одам қирққа кирган дейди.

Тепамизда паға-паға тутун сузиб юрипти. Яхшиям аскарнинг бахтига тамаки бор! Ошхона биз учун сокин бандаргоҳ, пиво оддий ичимлик эмас, сенинг бежавотирлигингдан, бемалол ҳордиқ чиқаришинг мумкинлигидан дарак берувчи мужда. Мана ҳозир ҳам оёқларимизни узатиб, ялпайиб ўтирибмиз. Эртага жўнаб кетадиган бўлганингдан кейин булардан кўнгил узиш осонми!

Кечаси анҳордан яна сузиб ўтамиз. Озгин, қорамғиз аёлга уйга кетаётганимни, қайтганимда қисмимиз бошқа жойда бўлиши мумкинлигини, демак, қайтиб кўришолмаслигимизни қийнала-қийнала тушунтираман. У парво қилмайди, бошини ликиллатади, холос. Аввалига таажжубланаман, кейин сабабини англайман. Леер тўғри айтади: агар мени яна фронтга жўнатишганда, аёлдан “шўрлик болалар” деган гапни эшитган бўлардим, ҳозир уйга кетяпман, уларга бунинг қизиғи йўқ. Билганини қилмайдами! Мўъжиза кутиб ўтирибман-а, пировардида ҳамма гап бир буханка нонга бориб тақаларкан-ку.

Эртасига эрталаб, дезинфекциядан ўтгач, темир йўл бекатига йўл олам. Альберт билан Кат мени кузатиб кўймоқчи. Бекатда поездни анча, эҳтимол, бир неча соат кутишга тўғри келишини айтишади. Кат билан Альберт қисмга қайтиши керак. Хайрлашамиз.

— Оқ йўл!

— Яхши қолинглар!

Улар кетишади, нарироқ бориб, яна қўл силкишади. Шарпалари кичрая боради. Қадам ташлашлари, гавдаларининг ҳар бир ҳаракати менга ёд бўлиб кетган. Уларни узоқданоқ танийман. Мана, икковлари ҳам кўздан ғойиб бўлишди.

Халтамга ўтириб, кута бошлайман.

Бирдан вужудимни бетоқатлик ҳисси чулғаб олади — юрагимнинг туб-тубида бу ердан тезроқ кетиш истаги гупуради.

* * *

Қанча бекатдан ўтдим, қанча қозон ёнида овқатга навбатда турдим, қанча вагоннинг қаттиқ ўриндиқларида тонг оттирдим — буларнинг ҳисобига етиш қийин; мана, ниҳоят, таниш манзаралар кўзга ташлана бошлайди, юрагим ҳаприқиб кетади. Деворлари оққа бўялган уйлар устига телпақдай кўндирилган похол томлар, ботаётган куёшнинг қия нурларида садафдай товланаётган жавдор пайкаллари, мевазор боғлар, омборлар, қари аргувонлар вагон деразалари олдидан лип-лип сузиб ўтяпти.

Ҳар бир бекатнинг номи — ўзи бир тимсол. Филдираклар узлуксиз тарақлайди, мен дераза олдида турибман. Бу номлар — болалигимнинг чегара устунлари.

Сув босган ўтлоқлар, далалар, деҳқон ҳовлилари; уфқ бўйлаб чўзилган йўлда ёлғиз бир арава худди осмонда сузиб кетаётганга ўхшайди. Шлагбаум олдида турган деҳқонлар, поезд ортидан рўмолчасини силкитиб қолган қизча, темир йўл четида ўйнаётган болақайлар, олисларга чўзилиб кетган тептекис йўллар, бу йўлларда тўплардан ном-нишон йўқ.

Оқшом. Агар филдиракларнинг тарақа-туруқи бўлмаганда қичқириб юборишдан ўзимни тиёлмасдим. Текислик кенг қулоч очади; олисда, кўм-кўк осмон остида тоғ тизмаси кўзга ташланади. Мен Дольбенбергнинг ўрмон этагида бўй чўзган ўрқачларини дарров танийман. Унинг орқасида шаҳар бор.

Ҳаммаёқ сўнаётган қизғиш шафақ шуъласига ғарқ бўлган; поезд пишқирганча аста бурила бошлайди, — ё қудратингдан! — ана, қатор саф тортган толлар кўринди, улар туман пардасига бурканган, бу парда нур, соя ва соғинчдан тўқилган.

Ер толлар билан бирга секин-секин сурила боради; поезд толзорни айлана-б-туб ёқда, дарахтлар ораллиги қисқаради, шох-шаббалар яхлит бир деворга айланади, бирдан якка-ёлғиз қад кериб турган толга кўзим тушади; кейин орқадаги дарахтлар яна олдингиларининг кетидан саф тортади, бу манзара дарахтлар то дастлабки уйларнинг панасида қолгунга қадар кўриниб туради.

Темир йўл кўтармаси. Дераза олдида туриб, ташқаридан кўз узолмайман. Ҳамроҳларим нарсаларини йиғиштиришяпти. Мен ҳозир кесиб ўтиладиган кўча номини қайта-қайта кўнглимдан ўтказаман: Бремерштрассе ... Бремерштрассе...

Пастда — велосипедчилар, мошиналар, одамлар; кулранг виадук, кулранг кўча, аммо шулар ҳам мени ҳаяжонга солади, худди онамни кўраётгандай бўламан.

Поезд тўхтади, вокзал ғала-ғовур. Халтамни елкамга осиб, милтиғимни қўлга оламан, кейин вагон зинасидан аста пастга тушаман.

Атрофга аланглайман. Перронда чопиб юрган одамлар орасида бирорта табиби йўқ. Қандайдир шафқат ҳамшираси бир стакан қаҳва узатади. Юзимни четга бураман: тиржайишга бало борми! Ўзини улуг бир ишни адо этаётган кишидай тутгани-чи. Кўриб қўйинглар, аскарни қаҳва билан сийлаяпман, демокчи-да. Тагин: “Ака...” — дейди. Ака эмишман-а!

Вокзалга туташ кўчадан дарё кўриниб турипти; оппоқ кўпикка қоришган сув Тегирмон кўприги ёнидаги шлюздан отилиб чиқади. Кўприк бошида соқчилар минораси, тарвақайлаган арғувон, минора ортида эса қуюқлаша бошлаган қоронғилик.

Бир маҳаллар бу ерда кўп ўралашардик — ўшандан буён қанча вақт ўтди-ю! — тўғондаги сувнинг муздай, андак димиққан ҳидидан нафас олиб, шу кўприкдан ўтардик, дарёнинг шлюздан тепароқдаги сокин сатҳига узоқ-узоқ термулардик, кўприк тиргакларидан яшил чирмовуқ ва сув ўтлари осилиб ётарди, кун қизиган пайтларда шлюз пойидаги кўпиклар рақсига маҳлиё бўлиб, ўқитувчиларимизнинг гийбатини қилардик.

Кўприкдан ўтарканман, ўнгу сўлимга қарайман; тўғонда ҳалиям бақатўнлар мўл, шлюздан ҳамон гувиллаб сув отилиб турипти; минора биноси ичида, бир уюм чойшаблар ёнида, худди илгаригидай, энглари шимариглик дазмолчи хотинлар куймаланишяпти, очиқ деразалардан ташқарига дазмолларнинг иссиғи уфурияпти. Тор кўчада кучуклар ивирсиб юрипти, дарвоза олдида турган одамлар менга — сассиқ ва иркит аскарга зимдан назар ташлашади.

Мана бу қандолатхонада музқаймоқни кўп еганмиз, чекишни ўрганганмиз. Мен бу кўчадаги ҳар бир уй, ҳар бир баққоллик дўкони, ҳар бир дорихона, ҳар бир новвойхонани беш кўлимдай биламан. Мана, ниҳоят, тутқичи эскирган жигарранг эшик олдида турибман, қани кўлимни кўтаришга чоғим келса!

Эшикни очаман; мени зинапояннинг салқин ғира-шираси чулғаб олади, кўзим буюмларни аранг ажратади.

Оёқларим остида зиналар ғичирлайди. Тепада эшик кулфи ширқ этади, кимдир панжарадан эгилиб қарайди. Бу ошхонанинг эшиги, ичкарида картошкали котлет қовуришяпти, ҳиди бутун уйни тутиб кетган. Бугун шанба, демак, панжарадан опам энгашиб қараган бўлса керак. Аввалига турган жойимда қотиб қоламан, кейин темир қалпоғимни ечиб, тепага қарайман. Ҳа, опам.

— Пауль, — қичқиради у. — Пауль!

Мен бош силкийман, халтам зинапоя панжарасига илиниб қолади, милтиғим оғир.

Опам меҳмонхона эшигини очади:

— Ойи, ойи, Пауль келди!

Оёқларим кўзгалмайди, — “Ойи, ойи, Пауль келди!”

Деворга суяниб, кўлимдаги қалпоқ билан милтиқни қаттиқ қисаман.

Уларни қисиб турибман-у, қани бирор қадам босолсам! Зинапоя чаплашиб кўринади, милтиқ кўндоғи билан оёғимга ураман, тишларимни ғичир-

латаман, аммо опам айтган бир оғиз калима бор қувватимни суғуриб олгандай туюлади. Жилмайишга, бирор нарса дейишга уринаман, қаёқда! Абгор ва ночор аҳволда миқ этмай зинапояда турибман, кўзларимдан ёш қуйиляпти.

— Чиқмайсанми, нима бўлди сенга? — дейди опам тепадан туриб.

Аранг ўзимни қўлга олиб, бир амаллаб даҳлизга кўтариламан. Милтиқни бурчакка, халтамни девор ёнига, қалпоқни халта устига қўяман. Энди камарни ечиш қолди.

— Рўмолча берсанг-чи! — дейман опамга зарда билан.

Опам жавондан рўмолча олиб узатади, юз-кўзларимни артаман. Деворда бир маҳаллар ўзим йиққан турли-туман капалаклар солинган ойнаванд қути осилиб турипти.

Ойимнинг овози ётоқхонадан эшитилади.

— Нега ётиптилар? — сўрайман мен.

— Тоблари йўқ, — жавоб беради опам.

Ётоқхонага кирман, ойимга қўлимни узатиб, иложи борича хотиржам гапиришга тиришаман:

— Мана, келдим, ойи.

Ойим индамайди. Хона ним қоронғи. Кейин кўзларимга синовчан тикилиб, сўрайди:

— Яраландингми?

— Йўқ, таътилга чиқдим.

Ойимнинг ранг-рўйи бир аҳволда. Чироқни ёқмай қўя қоламан.

— Эсим курсин, суюнишнинг ўрнига йиғлаб ётибман-а, — дейди ойим.

— Нима бўлди, ойи?

— Ҳечқиси йўқ, бугун оёққа туриб кетаман, — шундай деб, ошхонага кириб-чиқиб турган опамга мурожаат қилади: — Брусника мураббосини оч... Сен яхши кўрардинг, тўғрими? — сўрайди ойим мenden.

— Ҳа, ойи, емаганимга анча бўлди.

— Келишингни кўнглимиз сезувди, — дейди опам кулиб. — Худди билгандай, сен ёқтирадиган картошкалик котлет пишираётгандим... бунга брусника мураббоси ҳам қўшилди.

— Бугун шанба-ку, — жавоб бераман унга.

— Яқинроқ ўтир, — дейди ойим.

Кейин менга тикилиб қарайди. Қўллари шалвираган, меникидан ҳам ингичка. Уч-тўрт оғиз гаплашамиз, ойим ҳеч нарсани сўрамаётганидан хурсандман. Ҳозир ҳар қандай гап ортиқча. Умид қилиш мумкин бўлган энг эзгу тилак ушалди-ку, — мен тирикман, ойимнинг ёнида ўтирибман, опам ошхонада бир қўшиқни хиргойи қилганча овқат пиширяпти.

— Болагинам, — дейди ойим шивирлаб.

Оилада бир-биримизга ҳеч қачон сертакаллуф бўлмаганмиз, — умри меҳнату машаққатда ўтадиган камбағал хонадонларда бунақа муомала урф эмас. Шундоқ ҳам равшан ҳақиқатни ҳадеб таъкидлайверишни ёқтиришмайди. Ойим “болагинам” дедими, шу бир оғиз сўзда ҳамма нарса мужассам. Биламанки, уйда бир бонка мураббодан бошқа ширинлик йўқ, уни ҳам менга асраб қўйишган. Ҳозир олдимга қўйиладиган қотган печенъени ҳам ойим аллақайси гўрдан амал-тақал қилиб топган-у, дарров яширган. Менга илинган.

Ойимнинг тўшаги ёнида ўтирибман, дераза ортида, рўпарадаги ресторан чорбоғида каштан япроқлари олтиндай товланади. Энтикиб кетаман, миямда фақат бир сўз айланади: “Уйдаман, уйдаман”.

Лекин ҳамон ўзимга келолмайман, атрофимдаги нарсаларга кўниколмайман. Анови ойим, анови опам, анови капалак қутиси, қизил пианино, — ичимда шундай дейман-у, аммо ўзим ҳануз аллақаерлардаман. Орамизда қандайдир тўсиқ бор, уни ҳатлаб ўтиш керак.

Шу мақсадда ётоқхонадан чиқиб, даҳлизда қолган халтамни ойимнинг ёнига олиб келаман. Ичидаги нарсаларни битта-битталаб каравот бошидаги пастак столга қўяман: Кат топиб келган бир думалоқ пишлоқ, икки буханка нон, бир қадоққа яқин сариеғ, икки банка ўпка-жигар колбасаси, бир қадоқ чўчка мойи, озгина гуруч.

— Мана, сизларга обкелдим, асқотиб қолар.

Ойим бош силкийди.

— Бу ерда озиқ-овқат тақчил бўлса керак? — сўрайман мен.

— Ҳа, тақчилроқ, у ёқда-чи?

Жилмайиб, олиб келган совғаларимга ишора қиламан:

— Албатта, ҳар кунни бунчаликмас, лекин яшаса бўлади.

Эрна ҳалиги нарсаларни опчиқиб кетади. Ойим бирдан билагимга ёпишиб сўраб қолади:

— Фронтда жудаям қийналдингми, Пауль?

Нима деб жавоб қайтарай, ойи? Сиз ҳеч қачон тушунмайсиз, тасаввур этолмайсиз буни. Шундай бўлгани яхши. Қийналдингми, деб сўраяпсиз. Эҳ, ойи, ойи!

Кейин бош чайқаб, жавоб бераман:

— Йўқ, нега қийналаман? У ёқда кўпчиликмиз.

— Яқинда Генрих Бредмайер келувди, шунақа ваҳима қилдики... снаряд дейдими-ей, газ дейдими-ей...

Ҳа, онагинам-ей. Газ ҳақида гапиряпти, лекин газнинг нималигини билмайди, фақат мендан хавотирда. Бир гал душманнинг учта окопида газдан тарракдай қотиб қолган аскарларни кўрганимиз ҳақида оғиз очолмайман-ку. Окоп тепасидаги дўнгликлар атрофи, ўралар ичи юзи кўкариб кетган мурдаларга тўла эди.

— Вой, ойижон-ей, одамлар оғзига келганини гапираверади-да, — жавоб бераман мен. — Ўша Генрихнинг нима деяётганини ўзи билмайди. Кўриб турибсиз-ку, соппа-соғман, ҳатто семириб кетганман.

Ойимдаги безовталиқ қайтанга мени сергаклантиради. Ўрнимдан туриб, хоналарни айланаман, гаплашаман, саволларга бемалол жавоб қайтараман. Биламанки, ҳозир деворга қапишиш хавфи йўқ, мени осуда муҳит қуршаб турипти.

Ойим тўшакдан турмоқчи бўлади, ошхонага, опамнинг олдига чиқаман.

— Касаллари нима? — сўрайман ундан.

Опам елкасини қисади.

— Ётиб қолганларига икки-уч ой бўлди, сенга билдирмасликни тайинлаган эдилар. Кўп дўхтирлар кўрди. Биттаси, ракка ўхшайди, деди.

* * *

Рўйхатдан ўтиш учун округ ҳарбий бошқармасига йўл оламан. Шошмасдан кетяпман. Ора-сира танишлар учраб қолади. Кўп гаплашмайман. Хоҳиш йўқ.

Бошқармадан қайтаётганимда кимдир орқамдан чақиради. Ўз хаёлларимга фарқ бир алфозда ўгирилиб қарайман ва рўпарамда турган майорни кўраман. У менга ўшқира кетади:

— Саломлашишни ўргатишмаганми сизга?

— Узр, жаноб майор, — дейман гарангсиз. — Кўрмай қолибман.

У баттар қичқиради:

— Қандай гаплашишни ҳам билмас экансиз-ку!

Юзига тарсаки тортгим келади-ю, ўзимни босаман, акс ҳолда таътилим ҳаромга чиқади. Кафтимни чаккамда қотириб:

— Жаноб майорни кўрмай қолибман! — дейман чертиб-чертиб.

— Кўриш керак! — тўнғиллайди у. — Фамилиянгиз?

Айтаман.

Унинг гўштдор юзи ҳалиям жаҳдан қип-қизариб турипти:

— Қайси қисмдансиз?

Низомга риоя қилган ҳолда жавоб бераман. У сўроқни давом эттиради:

— Қисмингиз қаерда қўйлашган?

— Лангемарк билан Б. қўл оралигида.

— Қаерда, қаерда? — қайта сўрайди у ишонмагандай.

Таътилга келганимга бир соат бўлганини айтаман, бу гапимни эшитганидан сўнг тиргалмаса керак, деб ўйлайман. Қаёқда! Баттар авжга чиқади:

— Фронтдаги қилиқларингиз бу ерда кетмайди! Овора бўласиз! Худога шукур, шаҳримизда тартиб бор!

Кейин буюради:

— Йигирма қадам орқага ташлансин!

Жоним ҳалқумимга келади. Лекин унинг олдида ожизман, — бир оғиз ортиқча гапирсам, ҳибсга олиши мумкин. Санаб туриб йигирма қадам орқага тисариламан, сўнг яна олдинга юриб, майорга олти қадам қолганда кафтимни чаккамда қотираман, тагин олти қадам босаман-да, шундан кейингина кўлимни тушураман.

— Орқага тўла бурилиб, жўнанг!

Қойиллатиб буриламман. Қутулдим-э!

Бари бир дилим хуфтон бўлган эди. Уйга келибоқ, ҳарбий кийимни ечиб, бурчакка улоқтираман, — бусиз ҳам шундай қилмоқчи эдим ўзи. Жавондан костюмимни олиб кияман.

Бунақа кийимдан узоқлашиб кетган эканман. Костюм калта, елкалари қисиб турипти — аскарларнинг бўтқасини еявериб, тарвақайлаб кетгандирман-да. Аммо-лекин галстук таққунча она сути оғзимга келади, ахири тугунини опам боғлаб беради. Ўзимни қушдай енгил сезаман, эгнимда гўё кўйлакиштондан бошқа ҳеч нарса йўқдай.

Ўзимни ойнага солиб кўраман. Ажабо! Ундан офтобда қорайган, ёшига нисбатан анча дароз бир йигит қараб турипти.

Оддий кийимда юрганымдан ойим хурсанд. Шунда яқинроқ туюлсам керак-да. Аммо отамга ҳарбий кийим маъқул: мени ана шу қиёфада танишларига кўрсатмоқчи.

Мен кўнмайман.

* * *

Шовқинсиз бир ерда, масалан, кегли майдонига туташ ресторан боғида, каштанлар тагида холи ўтиришга нима етсин! Япроқлар чирт-чирт узилиб ерга тушади; ҳали кўп эмас, хазонрезлик энди бошланяпти. Олдимда бир кружка пиво — ҳарбий хизматда одам ичишга ўрганиб қолади, кружка ярим, демак, яна уч-тўрт қултум бор, агар хоҳласам, тагин иккинчи, учинчи кружкани буюришим мумкин. Бу ерда окоп ҳам, снарядлар ҳам йўқ, кегли майдончасида хўжайиннинг болалари ўйнашяпти, кучуги тиззамга бошини кўйиб олган. Осмон кўм-кўк, каштан шохлари орасидан муқаддас Маргарита черковининг баланд яшил минораси кўриниб турипти.

Бу ер менга ёқади. Одамлар нигоҳидан четда. Мендан ҳеч нарсани сўраб-суриштирмайдиган ягона инсон — онам. Отам унақамас. Фронт ҳақида сўрайверади, унинг саволлари қизиқ, айни пайтда, фирт бемаъни. Кун бўйи эшитса ҳам чарчамайди. Тушунаман: ҳамма гапни гапириб бўлмаслигини отам билмайди, суриштираверади; бошдан кечирганларимни сўзга кўчириш эса мен учун оғир: воқеалар қайта жонланиб, кўз олдимга келаверади. Уруш саргузаштлари ҳақида сўзлайверсанг, жинни бўпқолиш ҳеч гапмас.

Шунинг учун қизиқ-қизиқ ҳангомаларнигина гапириб бераман. Қўл жангида қатнашганмисан, деб сўрайди отам.

— Йўқ, — дейману ўрнимдан туриб, хонадан чиқиб кетаман.

Аммо бу билан мушқулим осон бўлмайди. Кўчадаги трамвайнинг ҳар ғийчиллаши учиб келаётган снарядни ёдимга солаверади.

Биров орқамдан кўлини елкамга ташлайди. Немис тили ўқитувчим, ҳе йўқ, бе йўқ, сайраб кетади:

— Хўш, у ёқда ишлар қалай? Даҳшат бўлса керак-а? Тўғри, осонмас, лекин бўш келмаслик керак. Эшитишимча, фронтда озиқ-овқат масаласи чакимас, дейишади. Кўринишингиз яхши, Пауль, полвон бўп кетибсиз. Бу ерда тирикчилик оғир, лекин илож қанча, ҳозирги вазият⁴ бошқача бўлиши мумкин эмас, тушунамиз: энг аъло нарсалар фронтга ж, натилиши керак!

Кейин қаҳвахонага, дўстлари даврасига судрайди. Мени ҳурматли меҳмондай қарши олишади, қандайдир директор кўлини узатиб, гапини саволдан бошлайди:

— Фронтдан келдим, денг? Қўшинларимизнинг жанговар руҳи қанақа? Қойил, қойил!

— Ҳар биримиз жон деб уйга жўнаворган бўлардик, — дейман мен.

У хахолаб қулади:

— Тўғри, тўғри! Ишонаман. Лекин аввал французларнинг таъзирини бериш керак. Чекасизми? Мана сизга сигара, олинг! Ҳў йигит, ёш жангчимизга бир кружка пиво обкелинг!

Пешанам қурсин, сигарани тутатиб қўйган эдим, энди ўтиришга мажбурман. Атрофимдагилар менга меҳр билан тикилишади. Аммо нинанинг устида ўтиргандай ўтирибман, тезроқ тугасин, сигарани зўр бериб тортаман, кружкадаги пивони бир кўтаришда ичиб юбордим. Улар менга яна пиво буюришади; аскарнинг олдидаги бурчларини яхши билишади-да. Кейин қайси худудларни забт этиш хусусида баҳсга кириб кетишади. Айниқса, темир занжирли соат таққан директорнинг иштаҳаси ҳамманикидан ошиб тушади: Бельгиянинг барча худуди, Франциянинг кўмир ҳавзалари, Россиянинг каттагина қисми. Бу жойларни босиб олиш зарурлигини исботловчи далиллар келтиради, пировардида бошқалар ҳам шу фикрга қўшилишади. Кейин Францияга қаердан бостириб кириш мақсадга мувофиқлигини тушунтиради, сўнг менга мурожаат қилади:

— Сиз фронтчилар ҳимоя жангидан воз кечиб, ҳужумга ўтишинглар керак. Французларни улоқтириб ташлаш зарур, шундан кейингина сулҳ тузиш мумкин.

Мен душман маррасини ёриб ўтиш қийинлигини, кучлар нисбати баравар эмаслигини айтаман. Иннайкейин, уруш, баъзилар ўйлагандай, енгил-елпи ишмаслигини ҳам қистириб ўтаман.

Директор кескин эътироз билдириб, бунақа нарсаларга менинг ақлим етмаслигини тушунтира бошлайди:

— Гапингизда жон бор, — дейди у, — лекин сиз масалага битта аскар кўзи билан қарайсиз, ҳамма гап кўламда. Сиз фақат ўзингиз турган маррани кўрасиз, шунинг учун кенг фикрлай олмайсиз. Сиз бурчингизни бажарасиз, керак бўлганда, жонингизни фидо қиласиз, — бунинг учун сизга ўхшаганларнинг барига шон-шарафлар бўлсин, сизларга “темир хоч” бериш керак. Лекин аввал Фландрияда душман фронтини мажақлаб, шимол томондан айланиб ўтган маъқул. — У ҳарсиллаб, соқолини артади. — Фронтни узил-кесил шимолдан жануб сари йўналтириш зарур. У ёғи — Париж!

Буни сиз қандай тасаввур этасиз, дейдиган одам йўқ! Индамай пивони симираман. Директор яна бир кружка буюрмоқчи бўлади.

Мен ўрнимдан тураман. У чўнтагимга уч-тўртта сигара солиб қўяди. Елкамга қоқиб, хайрлашади:

— Омон бўлинг! Сизлардан хушхабар кутамиз!

* * *

Таътилни бошқача ўтказаман деб ўйлагандим. Ўтган йилгиси бунақа бўлмаганди. Балки ўзим ўзгариб қолгандирман. Ҳар иккала кўз оралиғида гўё жарлик пайдо бўлгандай. У пайтда уруш нималигини билмасдим, — биз нисбатан тинчроқ марраларда турган эдик. Энди ўйласам, ўзим сезмаган ҳолда, анчагина тоб ташлабман. Нуқул бетоқат бўламан — мени бегона олам қуршаб турганга ўхшайди. Бировлар сўраб-суриштиравереди, бошқалар маъноли сукут сақлайди, шу билан фахрланаётганликлари чехраларидан сезилиб туради, буни баъзан очиқ айтишади ҳам: биламиз, бу мавзуда гапириш мумкин эмас, дейишади. Ўзларини сермулозамат қилиб кўрсатмоқчи бўлишади-да.

Шунинг учун ёлғиз қолишга интиламан, ҳеч ким бошимни қотирмас, дейман. Чунки ҳар қандай суҳбат бир нуқтага бориб тақалади: фронтда иш-

лар яхши, фронтда ишлар ёмон — бировга ундоқ, бировга бундоқ, кейин баҳслашаётганлар тезгина бошқа мавзуга ўтиб кетишади. Тўғри, илгари ўзим ҳам шунақа эдим, лекин ҳозир уларга ҳамсуҳбат бўлолмайман.

Назаримда улар жудаям кўп гапиришади. Ҳар кимнинг ўз ташвиши, мақсад ва орзуси бор, лекин мен бу нарсалар тўғрисида уларга ўхшаб фикр юритолмайман. Ресторан боғида баъзан бирортаси билан гаплашиб қолсам, мана шундай тинч ва хотиржам ўтириш катта бахт эканини, инсонга бошқа ҳеч нарса керакмаслигини тушунтиришга ҳаракат қиламан. Улар жим қулоқ солишади, фикримга қўшилиб, тўғри-тўғри, дейишади — аммо фақат оғизда, ҳамма бало шундаки, фақат оғизда; тўғри, тушунишади, аммо қисмангина тушунишади, уларнинг мияси бошқа ташвиш билан банд, гўё икки ўт орасида қолган одамга ўхшади, лекин буни яхши идрок этишолмайди. Дарвоқе, ўзим ҳам нимани хоҳлаётганимни аниқ айтолмайман.

Уларни хонадонларида ёки ишхоналарида кўрсам, ҳавасим келади, ўшаларга қўшилиб яшасам, урушни буткул унутсам, дейман; айти пайтда бу олам мени ўзидан нари итаради, кўзимга жудаям тордай кўринади. Нима қилиш керак? Бундай оламни парчалаб ташлаш керак. У ёқда снарядлар портлаётган, осмонга ракеталар отилаётган, ярадорларни жанг майдонидан ёпингичларда кўтариб чиқишаётган, аскар дўстларим окопларга биқиниб жон сақлаётган бўлса-ю, бу ёқда одамлар беғам-беташвиш ҳаёт кечирса! Бу ердагилар бошқача одамлар, мен уларни тушунмайман, уларга ҳасад ва нафрат билан қарайман. Беихтиёр Кат ва Альберт, Мюллер ва Тьяден ёдимга тушади. Ҳозир нима қилишаётганикин улар? Балки ошхонада ўтиришгандир, балки чўмилишаётгандир. Тез кунда уларни олдинги маррага жўнатишади.

* * *

Хонамда, стол ортида, мўъжазгина жигарранг чарм диван бор. Ўшанга ўтираман.

Деворларга журналлардан қирқиб олинган суратлар ёпиштирилган, уларнинг орасида почта откриткалари ва ўзимга ёққан расмлар ҳам талайгина. Бурчақда темир печка. Рўпарада китобларим терилган тахта тоқча.

Аскар бўлганимга қадар шу хонада яшаганман. Китобларни репетиторлик қилиб топган пулимга битта-биттадан йиғганман. Кўплари китобфурушлардан харид қилинган, масалан, мумтоз адибларнинг барча асарлари, — жилди бир маркаю йигирма пфеннигдан, — кўк рангли қалин муқовада. Ҳамма жилдларни олганман, — китобга ўч эдим-да, лекин танланган асарларга кўпам ишонмасдим, — балки ноширлар энг яхшиларини танлашмагандир? Шунинг учун фақат тўла асарлар тўпламини харид қилардим. Барини эринмай ўқиб чиққанман, тўғриси, кўплари менга ёқмаган. Ўтиборимни аксарийат замонавий асарлар жалб этарди; албатта, уларнинг нархи ҳам қимматроқ. Китобларнинг айримлари нопок йўл билан қўлга киритилган: ўқишга олиб, қайтариб бермаганман, кўзим қиймаган-да.

Тоқчаларнинг бир қисми мактаб дарсликлари билан тўла. Уларни авайлаб ўтирмасдим. шунинг учун барининг увадаси чиқиб кетган, айрим саҳифалари йиртиб олинган, — қайси эҳтиёж учун йиртиб олингани барчага маълум. Тоқчанинг энг пастки кўзида дафтарлар, қоғозлар, хатлар, расмлар ва менинг адабий машқларим тахлоғлиқ.

Хаёлан ўша олис дамларга қайтишга уринаман. Ахир, мазкур дамлар шу ерда, хонамда, — уни деворлар сақлаб қолган. Қўлларимни диван суянчиғига ташлаб, оёқларимни тагимга буқлаб, ўрнашиб ўтириб оламан. Дераза очиқ, кўчанинг таниш манзараси, олисроқда черков гумбази кўриниб турипти. Столда бир даста гул, қаламлар, ручкалар, сиёҳдон — ҳеч нарса ўзгармаган.

Агар омадим келиб, урушдан эсон-омон қайтсам, ҳаммаси шундайлигича қолади. Худди ҳозиргидай ўтираман, хонамга назар ташлайман ва кутаман.

Юрагим ҳаприқиб кетяпти, лекин ҳаяжонимни босишга тиришаман. Шу тобда қачонлардир китобларим ёнига борганда вужудимни чулғайдиган сир-

ли талпиниш, сўз билан ифода қилиб бўлмайдиган жўшқин эҳтиросни яна бир туйгим келяпти. Майли, мана шу ранг-баранг муқоваларни кўрганда ичимда кўзгаладиган тўфон мени яна ўз домига тортсин, майли, юрагимга чўкиб қолган қўрғошиндай оғир тошни эритиб, менда яна келажакка умид уйғотсин, тафаккур оламига кирганда тугиладиган қувончни яна армуғон этсин, майли, ҳаётга ташна, топталган болалигимни бир лаҳзага бўлса ҳам қайтарсин.

Мен шуни кутиб ўтирибман.

Бирдан миямга, Кеммерихнинг ойисидан хабар олиш керак, деган фикр келади; Миттельштедтни кўриб қўйиш ҳам савоб, — ҳозир у казармада. Деразадан қарайман: офтоб нурига ғарқ бўлган кўча манзараси ортидан қатор тизилган тепаликларнинг шарпаси гира-шира кўзга ташланади, кейин унинг устини аста-секин бошқа манзара тўса бошлайди: чароғон куз кунни, биз — Кат, Альберт ва мен — гулхан ёнида қовурилган картошка еб ўтирибмиз.

Лекин ҳозир буни эслашни истамайман, хаёлда кўринган шарпани кўз олдимдан нари қуваман. Ўтирган хонам тилга кириши ва мени ўз бағрига сингдириб, юксакларга олиб чиқиши керак; мен шу хона билан ягона, яхлит бир вужуд эканимни ҳис этишим зарур, токи фронтдан қайтганимдан сўнг шунга амин бўлайки, уйга қайтиш қувончи уруш доғларини ювиб юборади, жанг васвасаси темир зангидай танамизни кемирмайди, у энди бизнинг устимиздан ҳеч қачон ҳукмронлик қилолмайди!

Китоб муқовалари бир-бирига ёпишиб кетган. Лекин қайси китоб қаерда турганини ёддан биламан. О қадрдонларим, мени сафингизга қўшинг, мен билан сўзлашинг. О аввалги фараҳбахш, осуда ҳаёт, мени бағрингга қайтариб олгин...

Кутаман, кутаман.

Кўз ўнгимда манзаралар бирин-кетин ўтаверади, лекин тутқич бермайди, чунки улар рўё, бор-йўғи хаёлот.

Ҳеч нарса йўқ, ҳеч нарса йўқ.

Безовталана бошлайман.

Бирдан мени бегоналик ҳисси чулғаб олади. Ўтмишга йўлни йўқотдим, қувғиндига айланиб қолдим; қанча уринмай, қанча ёлвормай, ҳамма нарса сукутда; хонамда маъюс ўтирибман, ўтмиш худди маҳбусдан юз ўгиргандай, мендан ўзини олиб қочади. Лекин унга лаънат ўқимайман, балки вақти-соати келиб, менга яна кўксини очар. Мен аскарман, аскар ҳамма нарсага тай-ёр туриши керак.

Кечинмаларимдан мажруҳ бўлиб, токча ёнига бораман. Бир китобни қўлимга олиб, ўқишга тутинаман. Кейин уни жойига қўяман-да, бошқасини оламан: Варақлайман, варақлайман, бирини ташлаб, бирига ёпишаман. Олдимда китоб уюлиб кетган. Ёнига янги-янгилари қўшилади, — тезроқ, тезроқ, — сархифалар, дафтарлар, мактублар.

Уларнинг қаршисида, худди суд рўпарасида тургандай, миқ этмай турибман.

Ишлар пачава.

Сўзлар, сўзлар, сўзлар, — лекин улар миямга кирмайди.

Китобларни аста жой-жойига тераман.

Бари тугади.

Ана шундай кайфиятда хонадан чиқаман.

* * *

Лекин ҳали умидимни узганим йўқ. Тўғри, хонамга энди кирмайман, айти пайтда, бир-икки кун ҳеч нарсани ҳал қилмайди, деб ўзимга тасалли бераман. Кейинроқ вақтим мўл бўлар, балки йиллаб хонамдан чиқмасман. Ҳозир эса казармага Миттельштедтни кўргани жўнайман. Мана, хонасида ўтирибмиз; хонада таниш ҳид, менга ёқмаса ҳам, ҳарқалай кўникиб кетганман.

Миттельштедтнинг гапи йиғилиб қолган экан, берилиб тинглайман. У Канторекнинг кўнгилли аскарлар сафида эканини айтади.

— Фалакнинг гардишини қара-я, — дейди у бир нечта ажойиб сигара чиқазиб, — дала шифохонасидан мени бу ёққа жўнатишади, ўша куниеқ Канторекка дуч келаман. У қўл бериб сўрашмоқчи бўлади. “Ие, ўзимизнинг Миттельштедт-ку, хўш, ишлар қалай?” — дейди. Жиддий туриб, жавоб қайтараман: “Кўнгилли Канторек, дўстлик ўз йўлига, хизмат ўз йўлига, шуни билиб қўйишингиз керак. Қаддингизни ғоз тутинг, бошлиқ билан гаплашяпсиз”. Ўша пайтдаги аҳволини бир кўрганингда эди: бақа бўлиб қолди. Кейин ялтоқлана бошлади. Баттар жеркидим. Ноилож энг зўр деб билган қуролини ишга солди: “Балки имтиёзли имтиҳон топширишни хоҳларсиз? Ёрдам беришим мумкин”. Эски гапни ёдимга солмоқчи, тушуняпсанми? Мен ҳам дарров ёпиштирдим: “Кўнгилли Канторек, икки йил бурун ўз ваъзларингиз билан бизни кўнгиллилар сафига йўллагандингиз. Иозеф Бемнинг боргиси йўқ эди. У ҳалок бўлди, фронтга чақирилиш муддатига уч ой қолганда ҳалок бўлди. Иозефнинг бошига сиз етдингиз. Энди — орқага тўла бурилиб, юрилсин! Сиз билан ҳали гаплашамиз”. Атайин ўшанинг ротасига ёзилдим. Биринчи қилган ишим уни кийим-кечак омборига олиб бориб, яхшилаб ясантирдим. Ҳозир ўзинг кўрасан.

Биз ҳовлига чиқамиз. Рота саф тортган. Миттельштедт “эркин ҳолатда турилсин” деган буйруқни бергач, текширишни бошлайди.

Шунда кўзим Канторекка тушади, кулгидан ўзимни аранг тияман. Эгнида фракка ўхшаган олдинги этаги қисқа, орқа этаги узун ола-була кийим. Елкаси ва енгларида катта-катта қора ямоқ. Бу либосни илгари барваста одам кийган бўлса керак, Канторекнинг жуссасида ҳалпиллаб турипти. Эски қора шим, аксинча, калта-почаси болдирига аранг етади. Аммо ботинка охурдай, учлари қайрилган, икки ёнида боғичлари ҳам бор. Бошидаги шўри чиқиб кетган фуражка, ботинкадан фарқи ўлароқ, жудаям кичкина. Қисқаси, шўрликнинг кўриниши қип-қизил тасқара.

Миттельштедт унинг олдида тўхтади:

— Кўнгилли Канторек, тугмаларингизга бир қаранг. Қачон ўрганасиз? Уят, Канторек, уят.

Мен ҳузур қиялман. Мактабда Канторек Миттельштедтга худди шундай оҳангда танбех берарди: “Уят, Миттельштедт, уят...”

Миттельштедт уни эзишда давом этади:

— Беттхерни кўряпсизми? Ҳақиқий аскар мана шунақа бўлади, ўрناق олинг!

Кўзларимга ишонмайман. Ҳа, ростдан ҳам, Беттхер, мактабимизнинг қорувули. Канторекка ўрناق қилиб кўрсатаётган кишисини қаранг! Қойил! Канторек менга қаҳр билан кўз қирини ташлайди — еб қўйса-да! Аммо мен уни танимагандай, бошдан-оёқ разм солиб, бепарво жилмайиб қўя қоламан.

Аммо-лекин Миттельштедт тушмагур кийимни ҳам топибди-да! Бир маҳаллар шу тулум олдида ҳаммамиз зириллардик, ўтдан кўрққандай кўрқардик, у қалам учи билан бирортамизга ишора қиларди-да, француз тилидаги феълларни такрорлатгани такрорлатган эди, лекин кейинчалик, Францияга борганимизда бу феъллар бизга сариқчақалик ҳам асқотгани йўқ. Шундан бери ордан икки йилча вақт ўтди, мана рўпарамда оддий аскар Канторек турипти, — олдинги важоҳат қаёқда дейсиз: шалвираган, оёқлари қийшиқ, тугмалари иркит, кийимлари-чи, кийимлари? Аскар эмас, циркдаги масҳарабознинг ўзгинаси. Қачонлардир унинг ҳаммани зир титратадиган даҳшатли одам бўлганига ақл бовар қилмайди.

Ҳозирча Миттельштедт аскарларга занжир шаклида юришни тушунтиряпти. “Хурмат” юзасидан Канторекни бўлинма командири қилиб тайинлайди.

Бекорга бундай қилгани йўқ. Гап шундаки, занжир шаклида юрилганда командир ҳар доим сафдан йигирма қадам олдинда бўлиши керак. Бирдан, “тўла орқага бурилиб, юрилсин!” — деган буйруқ янграйди, занжир орқага бурилади, командир эса сафдан йигирма қадам орқада қолади, у югуриб, яна занжирдан йигирма қадам олдинга туриб олиши керак. Жъми қирқ қадам. Аммо у тегишли жойга етиб келиши билан яна ҳалиги буйруқ эшитилади, командир яна изига қараб чопади. Шу тариқа, бўлинма ортиқча азият чек-

майди: буйруқ янграганда орқага буриладию ўн қадамча юради, холос. Командир эса тилини осилтириб, бўзчининг моксидай у ёқдан-бу ёққа югураверади. Бу Химмельштос бисотидаги синалган усуллардан бири.

Канторекнинг Миттельштедтдан шафқат кутишга ҳаққи йўқ, — қачонлардир у буни синфда иккинчи йилга қолдириб юборган, фронтга жўнашдан олдин мана шу имкониятдан фойдаланиб қолмаса, Миттельштедт гирт аҳмоқлик қилган бўлади. Шукрки, ҳарбий хизмат шундай ажойиб шароитни яратиб қўйпти. Кейин ўлиб кетсанг ҳам алам қилмайди.

Ана, Канторек ўпкасини қўлтиқлаб, ит қувлаган тулкидай у ёқдан-бу ёққа зир югурапти. Ахири, Миттельштедт машқни тўхтатишни буюради, энди навбат қоринда судралишга, машгулотнинг энг масъулиятли қисми. Тизза ва тирсақларга тиралиб, милтиқни қоида бўйича кўксига босиб, Канторек қумлоқ ерда, биздан икки қадам нарида судраляпти. Нукул пишиллайди, овози бизга мусиқадай эшитилади.

Миттельштедт оддий аскар Канторекка синф раҳбари Канторекнинг сўзлари билан далда беради:

— Кўнгилли Канторек, бизга буюк даврда яшаш бахти насиб этган, бинобарин, йўлимизда учрайдиган ҳар қандай говни енгиб ўтиш учун бутун кучимизни сафарбар қилишимиз керак.

Канторек оғзига кирган чўпни туфлаб ташлайди, юзидан шашқатор тер қуюлади.

Миттельштедт пастроқ энгашиб, астойдил куф-суф қилади:

— Сиз майда-чуйда нарсаларга алахсиб, бемисл воқеаларнинг иштирокчиси эканингизни унутманг, кўнгилли Канторек!

Шу пайтгача Канторекнинг ичаги узилиб кетмаганига ҳайронман, айниқса, ҳозир, судралиш гимнастика машқлари билан алмашингандан сўнг. Миттельштедт собиқ ўқитувчисига қойиллатиб тақлид қиляпти: Канторек турникка осилганда кетидан хиёл кўтаришворади ва иякни тутишни ўргатади; яна шунақа ақлли маслаҳатлар берадики, ёқангни ушлаб қоласан. Канторекнинг ўзи ҳам мактабда унга худди шундай муомала қиларди.

Ниҳоят Миттельштедт навбатдаги буйруқни беради:

— Канторек ва Беттхер, нонга бориб келинглар! Аравачани олинглар.

Бир неча минутдан сўнг Канторек шериги билан аравачани судраб, дарвозадан чиқиб кетади. Унинг боши ҳам, енгил иш топширилгани учун қоровул хурсанд.

Горнизон нонвойхонаси тупканинг тагида. Демак, улар бутун шаҳарни икки марта босиб ўтишларига тўғри келади.

— Иккаласи у ёққа бир неча кундан буён қатнаяпти, — дейди Миттельштедт мийиғида қулиб. — Уларни кутиб туришади. Ёқиб қолишган-да.

— Қойил, — дейман мен. — Шикоят қилгани йўқми?

— Уриниб кўрди. Командиримиз нима гаплигини эшитганидан сўнг роса қулди. Мактабдан чиққан насиҳатгўйларга сираям тоқати йўқ.

— Канторек имтиҳон пайтида оёғингдан чалади.

— Туфурдим, — дейди Миттельштедт беписанд. — Шикоятини бари бир эътиборсиз қолдиришди, чунки мен уни ҳамма вақт енгил ишга жўнатишимни исбот қилдим. — Оғирроқ ишга ташламайсанми?

— Овора бўлиб юраманми! Калласи тузукроқ ишласа ҳам майли эди, — жавоб беради Миттельштедт қўл силтаб.

* * *

Таътил нима ўзи? Икки йўл орасидаги интиқлик, у ёғи яна узлуксиз машаққат. Ҳозирданоқ айрилиқ нафаси сезилиб турипти. Ойим менга унсиз термилади. Биламан, кун санаяпти. Эрталаблари хомуш бўлиб қолади. Мана, яна бир кун кетди. Халтамни яшириб қўйган — жудоликни эслатмаслиги учун шундай қилган.

Вақт тез ўтяпти. Опамни кузатиб қўяман. У қушхонага отланган, озгина суяк олмоқчи. Бу қатта имтиёз, шунинг учун одамлар тонг қоронғисидан навбатга туришади. Кўплари ўша ернинг ўзида йиқилиб қолади.

Омадимиз келмади. Бир-биримиз билан ўрин алмашиб, уч соат кутамиз, кейин навбат тарқаб кетади — суяк тугабди.

Толемизга менинг паёгимни беришади. Уйга олиб келаман. Шу баҳона тузукроқ тамадди қиламиз.

Кун ўтган сайин кўнглимиз хижил бўлаверади, ойимнинг кўзлари тўла мунг. Тўрт кун қолди. Кеммерихнинг онасидан хабар олишим керак.

* * *

Буни тасвирлаб бўлмайди. Титраб-қақшаб, ўкириб йиғлаётган аёлнинг ҳолатини ифодалашга сўз ожизлик қилади. Бояқиш елкамдан силкитиб, қичқи-ради: “У ўлган бўлса, сен нега тириксан?” Кейин йиғи аралаш жавраб кетади: “Нега сизларни у ёққа жўнатишади, ахир ҳали гўдаксизлар-ку!” Ахири стулга ўтириб қолади: “Уни кўрдингми? Кўришга улгурдингми? Қандай жон берди?”

Юрагидан ўқ еб, бир зумда ўлди, дейман. Ишонмайди.

— Ёлғон гапиряпсан. Ҳаммасини биламан. Қийналиб жон берган. Овозини эшитдим. Ростини айт, мен билишим керак.

— Унақамас, — дейман мен, — ёнида эдим. Жони дарров узилди.

Энди аврашга тушади:

— Айт. Тўғриси гапир. Билиб турибман, мени аяябсан, лекин баттар қийнаётганингни сезмаяпсанми? Ундан кўра, алдама. Бехабарликдан ёмон нарса йўқ, ҳақиқатни ошкор қил, ҳар қанча оғир бўлса ҳам, айт. Бу мен тасаввур қилаётганимдан кўра афзалроқ-ку.

Мен ҳеч қачон ҳақиқатни айтмайман. Айтолмайман. Аёлга раҳмим келади, ғалатиноқ экан ўзи: ҳақиқатни билди нимаю, билмади нима, Кеммерих қайта тирилмайди-ку. Улимни кўравериб, дийдам қотиб кетган. Битта ўлимга ҳам шунчаликми? Сал дағалроқ жавоб қайтараман:

— Тил тортмай ўлди. Оғриқни сезганиям йўқ. Уйқуга кетган кишидай кўзларини юмди-қўйди.

Аёл бир оз сукут сақлаб яна сўроққа тутлади:

— Қасам ичасанми?

— Албатта.

— Азиз авлиёларни ўртага қўйиб, а?

Ё тавба, азиз-авлиёлар нима бўпти? Бу мен учун нисбий тушунча.

— Ҳа, тезгина жон берди.

— Орқамдан такрорла: “Агар гапим ёлғон бўлса, уйимга тирик қайтмай”.

Такрорлайман. Бундан баттар қасамларни ҳам ичишим мумкин. Энди ишонди шекилли. Ўтириб, узоқ йиғлайди. Кейин қандай бўлганини гапириб беришимни илтимос қилади; мен бир балоларни тўқийман, чўпчагимга ўзим ҳам ишониб кетишимга бир баҳя қолади.

Кетаётганимда пешонамдан ўпиб, Кеммерихнинг суратини совға қилади. У ҳарбий кийимда, оёқлари пўстлоғи шилинмаган қайин ёғочидан ясалган доира столга суяниб турипти. Орқа томонда — ўрмон манзараси. Стол устида бир кружка пиво.

* * *

Жўнаш арафасидаги сўнгги оқшом. Деярли гаплашмаймиз. Мен барвақт ётаман; ёстиқларни устма-уст қўйиб, юзимни босаман. Яна қачонлардир пар ёстиққа бош қўйиш насиб этармикин менга?

Алламаҳалда хонамга ойим кириб келади. Мени уйқуга кетган деб ўйлайди, мен ҳам ўзимни ухлаётганга соламан. Ҳозир суҳбат қуришнинг мавриди эмас.

У қарийиб тонггача ёнимда ўтиради, жони оғриётган, азобга чидаёлмай афти бужмайиб кетаётган бўлса ҳам ўтираверади. Ахири сабр-бардошим тугаб, уйғонган киши бўламан.

— Кириб ухланг, оий, бу ерда шамоллаб қоласиз.

— Ухлашга улгураман, — жавоб беради оийм пинагини бузмай.

Ёстиққа ёнбошлайман.

— Ҳали фронтга кетаётганим йўк, оий. Тўрт ҳафта лагерда бўламан. Эҳтимол бирор яқшанба келиб кетарман.

Индамайди. Кейин шивирлаб сўрайди:

— Кўрқяпсанми?

— Нега кўрқаман, оий?

— Шу гап қулоғингда турсин: Францияда аёллардан эҳтиёт бўл. У ернинг жувонлари сал енгилроқ.

Эҳ, оий, оий! Сиз учун ҳалиям гўдакман — нима учун тиззангизга бош кўйиб йиғлаёлмайман? Нима учун ҳар доим сипо ва жиддий бўлишим керак? Ахир менинг ҳам йиғлагим, юпатувчи сўзларни эшитгим келади-ку. Ростдан ҳам гўдакман-да ҳали: калта бўлиб қолган иштоним, ана, жавонда турипти. Шу иштонда чопиб юрганларим кечагинамасмиди, қаёққа кетди ўша дамлар, оий?

Иложи борича хотиржам жавоб қайтаришга уринаман:

— Қисмимиз турган жойда аёллар йўк.

— Фронтда ҳам ўзингни эҳтиёт қил, у ёғ-бу ёғингга қараб юр, Пауль.

Эҳ, оий, оий! Нима учун бағрингизга қайтадан сингиб, сиз билан бирга жон беролмайман, оийжон? Қандай бахтиқаро одамлармиз!

— Эҳтиёт бўламан, хавотирланманг.

Эҳ, оий, оий! Келинг, ўрнимиздан турайлик-да, ўтмишимизга қайтайлик, то бошимиздан кулфат аримагунча кетаверайлик, кетаверайлик...

— Балки хавфсизроқ жойга ўтказишларини сўраб кўрарсан?

— Мени ошхонада қолдиришлари мумкин.

— Йўк дема. Одамлар гапирса гапирар.

— Гапиравермайдими, менга нима, оий.

Ойим хўрсинади. Қоронғиликда юзи оппоқ доғга ўхшаб кўринади.

— Энди кириб ухланг, оий.

Жавоб бермайди. Ўрнимдан туриб, аделимни елкасига ёпиб кўяман, билатимга суюнади, — оғриқ зўрайди чамаси. Ётоқхонага олиб кириб, анчагача ёнида ўтираман.

— Қайтгунимча тузалиб кетинг, оий.

— Худо шифо берса.

— Менга ҳеч нарса жўнатманглар. Овқатимиз етарли. Ўзинглар қийналмасанглар бас.

Ана, оийм тўшакда ётибди, мени еру кўкка ишонмайди. Чиқиб кетаётганимда яна луқма ташлайди:

— Сенга бир жуфт иштон олиб кўйганман. Тоза юнгдан. Иссиқина юрсан. Ҳалтага солиш эсингдан чиқмасин.

Эҳ, оий, уни осонликча топмаганингизни мен биламан-ку. Нечта жойда сарғайгансиз, навбатда тургансиз! Эҳ, оий, оий, оий, сизни ташлаб кетаётганим инсофданми — менда сиздан бошқа яна кимнинг ҳақ-ҳуқуқи бор? Мен ҳали шу ерданман, сиз тўшакда ётибсиз, бир-биримизга айтадиган гапларимиз кўп, лекин уларни ҳеч қачон охиригача изҳор этолмаймиз.

— Яхши ётиб туринг, оий.

— Яхши тушлар кўргин, болагинам.

Хона қоронғи. Ойимнинг бир текис нафас олиши ва соатнинг чиқиллаши эшитилиб турипти. Кўча шамол. Каштанлар чайқалади.

Даҳлизда халтамга қоқилиб кетаман, — у тахт қилиб кўйилган, эртага барвақт жўнаб кетишим керак.

Ёстиқни тишлаб, бармоқларим билан каравот панжарасини қисаман. Бу ёққа келмаслигим керак эди. Фронтда лоқайд-бепарво юрардим, ҳамма нарсадан умидимни узиб кўйгандим, энди унақа бўлолмайман. Мен аскар эдим, энди эса вужудим буткул оғриқдан иборат, бу оғриқ — ўзимга ва оиймга ачинишдан, эртанги кунимизнинг зимзиё ва тамомила мавҳумлигини англашдан туғилган оғриқ.

Таътилга келмаслигим керак эди.

VIII

Бу лагернинг бараклари ҳануз ёдимда. Химмельштос шу ерда Тьяденни “тарбиялаган”. Лекин одамлари деярли нотаниш: ҳамма нарса ўзгариб кетган. Эскилардан уч-тўртга кишига кўзим тушди, холос.

Хизмат бир маромда ўтяпти. Кечкурунлари аскарлар клубига бораман; столларга журналлар териб қўйилган, лекин ўқигим келмайди. У ерда рояль ҳам бор, мириқиб чаламан. Бизга иккита қиз хизмат кўрсатади, бири жудаям ёш.

Лагерь баланд сим девор билан ўраб олинган. Кечаси клубдан қайтганда рухсатномани кўрсатиш керак. Соқчилар билан тил топишишнинг уддасидан чиққанлар бундан мустасно, албатта.

Ҳар куни бизни атрофи қайин ва арча дарахтлари билан қуршалган сай-хонликка машққа олиб боришади. Ҳозирча оғир эмас, чидаса бўлади. Югурамиз, ерга ётамиз, гул барглари ва майсалар нафасимиздан тебриниб туради. Оппоқ кум яқиндан тикилганда шунақа тиниқ кўринадики, бамисоли кумуш зарралари дейсиз. Кафтингни ботириб-ботириб олгинг келади.

Лекин бу ердаги энг гўзал жой — қайинзор этаклари. Дарахтлар лаҳза сайин тусини ўзгартириб туради. Ҳозиргина қайин туплари оқ шоҳидай товланаётгани, ҳаял ўтмай, қарабсизки, кўкимтир-сарғиш ранг касб этиб турибди-да, айрим жойлари шу заҳотиёқ қорая бошлади — булут куёш юзини тўсганда шундай бўлади. Кўланка қайинзор оралаб сирғала-сирғала даштликка чиқиб олади, сўнг уфққа бебилиска сингиб кетади, дарахтлар яна дастаси оқ байрам туғларидай кўзни ўйнатади, япроқлари ял-ял ёнади.

Нур ва соя ўйинини кўп кузатганман, маҳлиё бўлиб қолганимдан ҳатто командирнинг буйруқларини эшитмаган пайтларим ҳам йўқ эмас; киши танаҳо қолганда табиатдан юпанч қидиради. Бу ерда мен ёлғизман, ҳеч ким билан дўст тутинганим йўқ, бунга интилмаيمان ҳам, шунчаки салом-алик. Нари борса, валақлашиб ўтирамиз ёки “йигирма бир” ўйнаймиз.

Баракларимиз ёнида ўрис ҳарбий асирларининг каттакон лагери бор. Ўртада тиканли симдевор. Шунга қарамай, асирлар бир амаллаб биз томонга ўтишади, албатта, кўрқа-писа ўтишади. Кўплари барваста, соқолли кишилар, лекин ит талаган мушукнинг аҳволига тушиб қолишган. Улар баракларни айлана-йўриб ўтиб, овқат қолдиқлари ташланган бочкаларни титкилашади. Нима топишади, ҳайронман. Ўзимиз ярим очмиз, емишимиз — шолғом, чўпдан фарқ қилмайдиган савзи, чириган картошка-ку хушхўр овқат ҳисобланади; энг тансиқ таом — суюқдан-суюқ мастава, ичида чандир қиймалари сузиб юради, шунақа майда кесилганки, қошиқда турмайди.

Бари бир паққос туширилади. Мабодо бирорта нозиктабброғи охиригача емаган тақдирда ҳам, кўз тикиб турганлар сони мингта. Биз бочкага фақат қошиққа илинмаган овқат юқини, шолғом пўсти ва моғорлаган нон ушоқларини ташлаймиз.

Асирлар ана шу чиқиндини титкилашади, қўлларига илинган нарсани олишади-да, гимнастёркаларининг остига яшириб, зипиллаб жўнаб қолишади.

Душманингни яқиндан кузатиш мароқли. Уларга қараб туриб, ўйланиб қоласан. Чехраси очиқ, пешонаси кенг, бурни катта, лаблари қалин, қўллари бақувват, сочлари майин кишилар. Уларни далада ер чопдирган, ўроқ ўрдирган, мева тердирган маъқул эмасми? Кўринишлари ҳам бизнинг фрисланд деҳқонларникига қараганда анча мулойим.

Уларнинг бир ташлам егулик илинжида қўл чўзиб туришларини кузатиш оғир. Ҳаммалари мадордан кетишган, — очдан ўлмайдиган миқдорда овқат беришади. Ялписига ичбуруғ касалига йўлиқишган, ичларидан қон кетади. Баъзилари бекитиқча қўйлақларининг қон теккан этакларини кўрсатишади. Қадлари букчайган, бошлари эгилган кўйи бизга ер остидан мўлтираб қўл чўзишади, бисотларидаги битта-иккита немисча сўзни ишлатиб, майин, йўғон овоз билан егулик нарса сўрашади. Бу овозлар печка чирсиллаб турган тинч деҳқон хонадонини ёдга солади.

Бизникилар баъзан уларни тепиб ҳам юборишади, асирлар мук тушиб қолишади, хайрият, унақалар кам. Кўпчилигимиз уларга тегмаймиз, лекин эъти-

бор ҳам бермаймиз. Шуниси ҳам борки, айрим пайтларда асирлар ўзларини шу даражада абгор тутишадики, беихтиёр жаҳлинг чиқиб кетади. Намунча мўлтираб қарашмаса! Бир жуфт кўзга шунча ғам, шунча дарду алам қай йўсинда жо бўлди экан?

Кечкурунлари ўрислар барак олдида бозор ташкил этишади. Бор нарсаларини нонга алмаштиришади. Уларнинг этиги бизникидан яхши, чарми юмшоқ. Уйидан посилка оладиган аскарларимиз этикли ҳам бўлиб олишади. Бир этик учун икки-уч буханка нон ёки бир буханка нон билан бир ҳалқа дудланган колбаса беришга тўғри келади.

Аммо асирларнинг деярли барчаси бор-шудини алмаштириб бўлган. Ўзлари жудур кийимда. Ҳозир ёғочдан ёки пистон ва снаряд мисларидан ясалган майда-чуйда буюмларни таклиф этишади. Албатта, баҳоси ҳам шунга яраша, қанча меҳнат сарф қилингани ҳисобмас — шунақа буюмларнинг биттасига икки-уч бурда нон берилади. Бизнинг деҳқонларимиз мумсик ва айёр, савдолашишни билишади. Бир бўлак нон ёки колбасани чиқазиб, асирнинг тумшуғи олдида ўйнатиб туришаверади, асир ахири таслим бўлади. Энди унга бари бир. Деҳқон ўлжасини шошмасдан, ҳафсала билан қопининг таг-тагига яширади, кейин пичоғини олиб, ўзига қолдирган ноннинг бир четидан кесади-да, колбасага қўшиб, намойишкорона ея бошлайди. Бундайларни кўрганда қонинг қайнаб кетади, башарасига солворинг келади.

* * *

Ўрисларнинг лагери олдидаги постда кўп тураман. Қоронғида уларнинг шарпаси ярадор лайлакка, улкан қушларга ўхшаб кўринади. Асирлар тўсиқнинг ёнгинасига келиб, тиканли симларни чангаллаганча қапишиб туриб олишади. Улар шамол дашт ва ўрмондан элтаётган ҳаводан нафас олишади.

Кам гаплашишади, икки-уч оғиз луқмадан нарига ўтишмайди. Бир-бирларига, бизнинг лагерларимиздагиларга нисбатан, оқибатли. Эҳтимол, ўзларини биздан кўра бахтсизроқ ҳис этганлари туфайли шундайдир. Аслида улар учун уруш аллақачон тугаган. Лекин ичбуруғ бўлиб, қон кетишини кутиб ётиш ҳам тирикчилик эмас, албатта.

Мана, тиканли сим олдида туришипти, агар бирортаси нари кетса, ўрнини бошқаси эгаллайди. Чурқ этишмайди. Баъзилари фақат сигарета қолдиғини сўрашади.

Қора шарпаларни кўриб турибман. Соқоллари шамолда хилпираяпти. Уларнинг маҳбуслар эканидан бошқа ҳеч нимани билмайман, худди мана шу нарса мени саросимага солади. Булар айбсиз айбдорлар, исмсиз жонзотлар; агар булар тўғрисида кўпроқ маълумотга эга бўлганимда, — исмлари нима, қандай кун кечиришяпти, нимадан умидворлар, нимадан азоб чекишяпти, — унда балки саросима ўрнини ҳамдардлик эгаллармиди! Ҳозир мен уларнинг сиймосида беадад кулфатни, зимзиё ҳаётни, одамларнинг шафқатсизлигини кўряпман.

Кимнингдир буйруғи бу тилсиз ҳайкалларни бизнинг рақибимизга айлантирган; бошқа бир буйруқ уларни дўстга айлантириши ҳам мумкин эди. Ҳеч қайсимиз танимайдиган аллақандай кишилар идорада ўтирволиб, ҳужжатга имзо чекишган, мана энди бир неча йиллардан буён инсоният лаънатлайдиган ва бунинг учун энг оғир жазо тайинланадиган юмушни ўзимизга олий мақсад қилиб олганмиз. Ювош, чехраси ўсмирларникига, соқоли муллаларникига ўхшайдиган бу одамларни ҳозир қайси биримиз душман деб биламиз? Аммо асирлар шу тобда озодликка чиқишса уларга қарата яна ўқ узамиз, улар ҳам бизни ўлдириш пайдан бўлишади.

Даҳшатга тушаман; ўйлаб, ўйимнинг охирига етолмайман. Бу йўл жаҳаннамга элтиши муқаррар. Бунақа фикр-мулоҳазаларнинг ҳозир мавриди эмас. Аммо мен бугун кўнглимдан кечган ўйларни унутмайман, урушнинг охиригача эслаб қоламан. Юрагим санчади: окопларда ётиб хаёл қилганим бирдан-бир улуғ мақсад, мен излаган ва инсон орзулари чил-парчин бўлганидан сўн

ҳам одамларга яшаш имконини берадиган олий мақсад шу эмасми? Бундан кейинги ҳаётингда ўз олдинга қўядиган вазифа, шунча йил дўзах азобини тортган одамларга ярашадиган иш айнан мана шу бўлиши керак эмасми?

Сигаретамни чиқазаман-да, ҳар бирини иккига бўлиб, ўрисларга улашаман. Улар таъзим қилиб, тутатишади. Сигарета чўғи чехраларида ёниб-ўчаётган қизил нуқталардай кўринади. Бирдан енгил тортаман: гўё қоп-қоронғи қишлоқ уйлариининг деразаларида чироқ ёна бошлаган, деразанинг нарёғида эса илиқ-иссиқ, осуда хоналар борлигидан дарак бераётгандек бўлади.

* * *

Кунлар ўтяпти. Бугун эрталаб ўрислар яна бир шерикларини дафн этишди. Кейинги пайтларда кунига уч-тўртта одам ўляпти. Ҳалигини қабрга туширганларида постда эдим. Маҳбуслар мотам кўшиғини айтишди, ҳар хил овоз, лекин хорга ўхшамайди, кўпроқ поёнсиз даштга ўрнатилган органнинг садосини эслатади.

Мотам маросими тез тугайди.

Кечкурун асирлар яна симтўсиқ олдиға келишади. Қайинзордан шамол эсиб турипти. Осмонда юлдузлар совуқ йилтирайди.

Ҳозир немисчани туппа-тузук биладиган маҳбуслардан анча-мунчасини танийман. Шулардан бири — созанда, қачонлардир Берлинда скрипкачилик қилган экан. Рояль чалишимни эшитиб, скрипкасини олади-да, чала бошлайди. Бошқалар ўтириб, сим деворга суюнганча жим тинглашади. У тик туриб чалапти, ора-орада чехраси суратдай жонсиз тусға киради, одатда, созандалар кўзларини юмганда шундай бўлади, кейин скрипка яна унинг қўлларида рақсға тушиб кетади, у менга қараб жилмаяди.

Халқ куйларини чалапти шекилли: шериклари сўзсиз, димоғларида унга жўр бўлишади. Гўё қоп-қора дўнгликлар йўғон, бўғиқ овозда хиргойи қилаётганга ўхшайди. Скрипканинг тиниқ овози уларнинг тепасида янграйди, шунданми, дўнглик устида нозик-ниҳол бир қиз тургандай таассурот уйғонади. Овозлар тинади, лекин куй тўхтамайди, худди скрипка совуқда дилдираётгандай, оҳанг ингичкалашиб бораверади. Бундай созни ёпиқ жойда, бино ичида тинглаган маъқул чамаси. Бу ерда, очиқ ҳавода эса унинг танҳо, муштипар овози кўнгилни тилка-пора қилади.

* * *

Якшанба кунлари менга жавоб беришмайди, — таътилдан эндигина қайтганман-да. Шунинг учун бу ердан жўнаб кетишимдан олдин, охириг якшанбада дадам билан опамнинг ўзлари келишади. Кун бўйи аскарлар клубида ўтирамыз. Бошқа қаёққа ҳам борардик? Баракка оёқ тортмайди. Тушда даштга чиқиб кетамиз.

Вақт секин ўтади; нимани гаплашишни билмаймыз. Суҳбат ойимнинг касалиға бориб тақалади. Раклиги рост экан, шифохонаға ётқизишипти, операция қилишармиш. Ойимнинг соғайиб кетишиға дўхтирлар умид боғлашаётганмиш, лекин раkning тузалганини биз эшитмаганмиз.

— Қаерда ётипилар?

— Муқаддас Луиза ҳарбий шифохонасида, — жавоб беради дадам.

— Нечанчи тоифадаги хона?

— Учинчи. Операция баҳосини айтишгунча кутишға тўғри келади. Ойингнинг ўзи шунақа хонаға ётқизишни илтимос қилди. Зерикмай ётаман, деди. Бунинг устиға, арзонроқ.

— Унақа хонада одам кўп бўлади-ку! Кечасилари миужа қоқмай чиқсалар керак.

Дадам бош силкийди. Юзи ҳорғин, ажинлари кўпайган. Ойим кўп касал бўларди; тўғри, шифохонада бир марта ётган, холос, ўзимиз зўрлаб ётқиз-

ганмиз. Шунда ҳам анчагина пул кетган. Бутун оғирлик дадамнинг гарда-нида.

— Операция қанчага тушишини билиб қўйсақ, ёмон бўлмасди.

— Сўрамадингларми?

— Йўқ. Томдан тараша тушгандек шу саволни берсақ, дўхтирнинг жаҳли чиқиб кетиши мумкин. Нима бўлганда ҳам ойингни шу одам операция қила-ди-да.

Ҳа, камбағалнинг шўри курсин. У оддий нарсани ҳам сўрай олмайди, ичи-ни ит тирнаб юраверади. Бошқалар эса сўраб ўтиришмайди, баҳосини олдин-дан келишиб қўя қолишади. Дўхтир хафа бўлмайди.

— Ундан ташқари, ярани боғлаш, латтани алмаштириб туриш ҳам пул, — дейди дадам.

— Шифохона маблағ ажратмайдими?

— Ойинг узоқ ётадиган бемор.

— Озгина бўлса ҳам пулинглар борми?

Дадам бош чайқайди:

— Йўқ. Қўшимча иш топмасам бўлмайди.

Биламан: кечаси соат ўн иккигача столи ёнида тик туриб, қирқади, бук-лайди, елимлайди. Кечқурун саккизда карточкага олинган озгина маҳсулот-дан тайёрланган ёвғон шўрвани ичади. Кейин бош оғриғи дорисини ютиб, яна ишга киришади.

Сал бўлса ҳам уни алахситиш мақсадида хаёлимга келган қизиқ-қизиқ воқеалар, фельдфебель ва генераллар билан боғлиқ латифаларни айтиб бера-ман.

Кечга яқин дадам билан опамни темир йўл бекатига кузатиб қўяман. Улар менга бир бонка мураббо билан картошка унидан тайёрланган бир халта нон беришади — ойим мен учун атайлаб печкада пиширган.

Улар жўнаб кетишди, мен баракка қайтаман.

Кечқурун нонга мураббо суртиб ея бошлайман. Томоғимдан ўтмайди. Нон-ларни ўрисларга бериш ниятида ташқарига чиқаман.

Шунда бирдан бунга ойимнинг ўзи пиширганини, қизиган печка олдида турганида жони оғриганини ўйлаб, нонларни қайтадан халтамга соламан, ўрис-ларга атиги иккитасини ажратиб қўяман.

IX

Бир неча кундан бери йўлдамиз. Осмонда дастлабки аэропланлар пайдо бўлади. Юк ортилган эшелонларни қувиб ўтамиз. Тўплар, тўплар... Кейин по-ездга ўтирамыз. Мен полкимни қидиряпман. Қаердалигини ҳеч ким билмайди. Қаердадир тунаб қоламан, қаердадир нонуштага паёқ оламан, кимлардир чала-чулпа йўл-йўриқ кўрсатади. Елкамга халтамни осиб, милтиғимни қўлимга олиб, яна йўлга тушаман.

Белгиланган жойга келиб, ўзимизникилардан бирорта одамни учратмай-ман. Полкимиз сайёр дивизия таркибига қўшилганини айтишади. Бундай ди-визияларни қаерда аҳвол танг бўлса, ўша ерга ташлашади. Албатта, ёмон. Пол-кимиз катта талофот кўргани тўғрисида ҳам гап-сўзлар бор. Кат билан Аль-бертни суриштираман. Ҳамма елка қисади.

Қидиришни тўхтатмайман, теварак-атрофни изғиб чиқаман. Кўнглим хи-жил. Бир кеча ўтади, икки кеча ўтади, нуқул очиқ ҳавода тунайман. Лўлига ўхшаб қолдим. Ниҳоят, учинчи кун худонинг раҳми келади: тушдан кейин рота идорасини топиб, келганимни маълум қиламан.

Фельдферель мени қисм ихтиёрида қолдиради. Рота икки кундан кейин олдинги маррадан қайтаркан, мени у ёққа жўнатишдан маъни йўқ.

— Таътил қалай ўтди, — сўрайди фельдфебель. — Зўр бўлдими?

— Яхши, — дейман беҳафсала.

— Ҳа, — энтикади у, — қайтиб келинмаса, ундан ҳам яхши бўларди-я. Шуни ўйлайвериб, таътилнинг ярми ҳаромга чиқиб кетади.

Бизникилар қайтадиган кунгача саланглаб юраман. Ниҳоят, келишади — афтларига қараб бўлмайди: биров мудраган, биров дарғазаб, биров хомуш. Мошинанинг кузовига чиқиб, аскарлар орасидан дўстларимни қидираман, — ана Тьяден, ана Мюллер, ана Кат билан Кропп. Тўшакларимизга похол тиқиб, ёнма-ён тўшаймиз. Уларга қараб туриб, ўзимни гуноҳкордай сезаман, лекин бунга сабаб йўқ. Ухлашдан олдин халтамдан қолган-қутган нон билан мураббони чиқазаман, — ўртоқларим ҳам уй неъматларидан татиб кўришсин-да.

Иккита нон сал моғорлапти, лекин еса бўлади. Уларни ўзимга қолдириб, тузукроқларини Кат билан Кроппга узатаман.

Кат нонни кавшаркан:

— Ойинг пиширганми? — деб сўрайди.

Мен бош силкийман.

— Мазали, — дейди у, — уй нони бошқача бўлади.

Ўпкам тўлиб кетади. Яна шу ҳақда гапирса, йиғлавораман. Ҳечқиси йўқ, тезда кўниқиб қоламан. Бу ерда Кат бор, Альберт бор, бошқалар бор. Ўз ротамдан.

— Омадинг бор экан, — дейди Кропп тўшакка чўзилиб, — бизни Россияга жўнатишармиш.

— Россияга? У ерда уруш тугаган-ку.

Олисда тўплар гумбурлайди. Барак деворлари титраб кетади.

* * *

Полкда тартиб ва озодаликка зўр бера бошлашади. Бошлиқлар текшириш касалига йўлиққан. Йиртиқ кийимларни бутунлари билан алмаштиришади. Мен ҳам янги гимнастёркали бўлиб оламан, Кат-ку кийимларини бошдан-оёқ ўзгартиради. Бировлар, ҳадемай уруш тугармиш, деса, бошқалар — Россияга борармишмиз, дейишади. Лекин Россияга янги кийимнинг нима кераги бор? Ниҳоят, бизни кўриқдан ўтказиш учун шахсан кайзернинг ўзи келаётганмиш, деган миш-миш тарқалади. Бошлиқларнинг типирчилаб қолгани бежиз эмас экан-да.

* * *

Бир ҳафтадан буён қайтадан казармага тушиб қолгандаймиз, — машқ қилдиравериб, тинкамизни қуришиб юборишди. Ҳамма асабий ва тажанг, супүрсидир жонга тегиб кетди. Саф-саф бўлиб, ер тепинишни-ку азалдан жинимиз суймайди. Бизга бундан кўра окоп яхши.

Ниҳоят ҳаяжонли дақиқалар етиб келади. Ҳайкалдай қотиб турибмиз, саф олдида кайзер пайдо бўлади. Ҳаммамизнинг кўзимиз унда. Кайзер саф олдида юриб ўтади, шунда ҳафсалам пир бўлади, суратини кўриб, уни бошқача тасаввур қилардим, — баланд бўйли, серсавлат, энг муҳими, у ҳеч кимни-кига ўхшамайдиган гулдурак овоз билан гапириши керак эди.

Кайзер “темир хоч”ларни тарқатаркан, ора-сира бирорта аскарга луқма ташлаб қўяди. Шу билан кўрик тугайди.

Ўзимиз қоламиз. Тьяден ҳайрон:

— Демак, энг мартабали одам шу экан-да! Бундан чиқди, ҳамма беистисно унинг олдида ғоз туриши керак, шундайми? Масалан, Гинденбург ҳам кафтини чаккасида қотириши шарт?

— Албатта, — дейди Кат.

Тьяденни бу жавоб қаноатлантирмайди. Бир оз ўйлаб туриб, яна сўрайди:

— Қирол-чи? У ҳам кайзернинг рўпарасида ғоз туришга мажбурми?

Бунини ҳеч ким билмайди, лекин, унақа бўлмаса керак, деган ўй кўнглимиздан ўтади, чунки иккаласи ҳам олий даражадаги шахслар, бир-бирининг олдида ғоз туриши ноқулай.

— Нима ишинг бор улар билан, — дейди Кат. — Лекин сен умрбод ғоз турасан. Бу аниқ.

Тьяден тинчмайди. Кўрик воқеаси миясига уриб қолган.

— Менга қара, Кат, кайзер ҳам менга ўхшаб ҳожатхонага борармикин?

— Ҳа, бунга шубҳа қилмасанг ҳам бўлади, — кулади Кропп.

— Вой, тўнка-ей, — дейди Кат, — сал анақароқ бўпқопсан! Олдин ўзинг бориб кел ўша ҳожатхонангга. Ичинг бўшагандан кейин эсинг кириб қолса ажабмас.

У кетади.

— Лекин мен бир нарсани билмоқчи эдим, — гапга қўшилади Альберт, — агар кайзер “йўқ” деганида уруш бошланармиди, бошланмасмиди?

— Бошланмас эди, — дейман мен ишонч билан. — Айтишларича, бошда у урушни хоҳламаган экан.

— Битта ўзи эмас, дунё бўйича йигирма-ўттиз киши “йўқ” деганида-чи?

— Унда балки уруш бўлмас эди, — Альбертнинг фикрини қувватлайман, — ҳамма бало шундаки, улар шуни хоҳлаган-да.

— Қизиқ, — дейди Кропп, — биз нима учун турибмиз бу ерда? Ватанни ҳимоя қилиш учун. Французлар ҳам шу ерда, улар ҳам ватанларини ҳимоя қилишяпти. Хўш, ким ҳақ?

— Менича, биз ҳам, улар ҳам, — жавоб қайтараман мен, лекин бунга ич-ичимдан ишонмайман.

— Бор, ана, шунақа ҳам дейлик, — Альберт мени мот қилмагунча тинчмайдиганга ўхшайди. — Лекин бизнинг профессорларимиз, руҳонийларимиз, газеталаримизнинг фикрича, фақат биз ҳақмиз. Айни пайтда уларнинг профессорлари, руҳонийлари, газеталари ҳам фақат биз ҳақмиз, дейишяпти. Хўп, кимга ишониш керак?

— Билмадим, — дейман мен, — шуниси аниқки, уруш давом этияпти, кун сайин унга янги-янги мамлакатлар қўшиляпти.

Тьяден қайтиб келади. Яна баҳсга киришиб кетади. Энди уни урушнинг келиб чиқиш сабаблари қизиқтиради.

— Кўпинча бир мамлакат иккинчисини қаттиқ ҳақорат қилиши уруш чиқишига сабаб бўлади, — жавоб беради Альберт ҳеч иккиланмай.

Тьяден ўзини гўлликка солади:

— Мамлакат? Тушунмадим. Германиядаги тоғ Франциядаги тоғни ҳақорат қилолмайди-ку. Ёки дарё, ўрмон, ғаллазорлар...

— Сен ростдан ҳам ақлдан озгансан ёки ўзингни жинниликка оляпсан, — дейди Кропп. — Мен бунақа маънода гапирганим йўқ. Бир халқ иккинчисини ҳақорат қилади, демоқчиман.

— Демак, мен бу ерда ортиқчаман, — жавоб беради Тьяден. — Мени ҳеч ким ҳақорат қилгани йўқ.

— Сен тўнка нимани тушунардинг! — дейди Альбертнинг жаҳли чиқиб. — Гап сенинг устингда ёки фақат қишлоғинг устида кетаётгани йўқ ҳозир.

— Ундай бўлса, уйимга жўнаворсам ҳам бўлаверар экан! — Тьяденнинг бу сўзларидан ҳамма кулиб юборади.

— Эҳ, Тьяден, Тьяден, халқ деганда давлатни тушуниш керак, қанақа овсарсан ўзи! — хитоб қилади Мюллер.

— Давлат эмиш! — Тьяден кўзларини қисиб, бармоғини қимирлатади. — Дала жандармерияси, полиция, солиқ маҳкамаси — мана сенга давлат. Агар шуларни назарда тутаётган бўлсанг, тан бердим сенга!

— Сен ҳақсан, Тьяден, — дейди Кат. — Умрингда бир марта маънили гап гапирдинг. Давлат билан Ватан — ростдан ҳам битта нарса эмас.

— Ҳарҳолда бир-бирига боғлиқ, — бўш келмайди Кропп, — давлатсиз ватан бўлмайди.

— Тўғри, лекин шуни унутмаки, биз оддий одамлармиз. Францияда ҳам ишчилар, ҳунармандлар, майда хизматчилар кўпчиликни ташкил этади. Энди бирорта Француз чилангари ёки этикдўзини олиб кўрайлик. У бизга ҳужум қиладими? Йўқ, бунақа ишлар ҳукумат идорасида ҳал бўлади. Бу ерга келгунга қадар бирорта французни кўрмаганман, улар ҳам немисга дуч келмаган. Биздан сўрамаганларидек, улардан ҳам сўраб ўтиришмаган.

— Хўп, нега уруш чиқади бўлмаса? — сўрайди яна Тьяден.

Кат елкасини қисади:

— Демак, урушдан манфаатдор одамлар бор.

— Менга манфаати йўқ, — кулади Тьяден.

— Тўғри, сенга ҳам бизга ҳам манфаати йўқ.

— Кимга фойдаси бор унда? — Тьяден хиралигини кўймайди. — Кайзерга кераги йўқ менимча. Ўзи битиб кетган.

— Унақамас, — эътироз билдиради. Кат. — Шу пайтгача у урушга аралашмагани. Лекин ҳар қандай бамаъни кайзер умрида бир марта бўлса ҳам уруш қилиши шарт, акс ҳолда шуҳрат қозонолмайди. Мактаб дарсликларини бир варақлаб кўргин-а.

— Уруш генералларга ҳам шуҳрат келтиради, — дейди Детеринг.

— Албатта, подшолардан кўра ўшалар кўпроқ тилга тушади, — тасдиқлайди Кат.

— Менимча, уларнинг орқасида уруш баҳона бойлик орттирадиган бошқа кишилар бўлиши керак.

— Назаримда бу кўпроқ талвасага ўхшаб кетади, — дейди Альберт. — Бундай қарасанг, гўё ҳеч ким урушни хоҳламайди: биз ҳам, улар ҳам. Лекин ҳозир дунёнинг ярми бир-бири билан жиққа-мушт бўлиб ётипти.

— Шуниси ҳам борки, улар биздан кўра ёлгонни кўп ишлатишади, — эътироз билдираман мен. — Асирлардан қанақа варақалар топганимизни эслаб кўринглар: гўё биз бельгиялик болаларни тутиб ермишмиз. Бунақа гапни ёзган одамни оёғидан осиллари керак эди. Ҳақиқий айбдорлар ана ўшанақа галамислар!

Мюллер ўрнидан туради:

— Яхшиямки уруш Германияда эмас, бу ерда бўляпти. Оқопларга бир қаранглар.

— Тўғри, — дейди Тьяден, — лекин уруш ҳеч қаерда бўлмагани маъқул-да.

У гердайганча нари кетади, гердайишга ҳаққи бор — бизни мот қилди. Тьяденнинг фикрлаш тарзи бошқача; гапларини эшитиб туриб, қандай эътироз билдиришни билмайсан. Шинель кийган кишининг миллий ғурури фронтда эканида. Ғурур шу билан тугайди, бошқа ҳамма нарсани у ўз қаричи билан ўлчайди.

Альберт ўт устига чўзилади.

— Бунақа нарсалар тўғрисида умуман гапирмаслик керак, — дейди у зарда билан.

— Тўғри, бари бир ҳеч нима ўзгармайди, — уни қувватлайди Кат.

Дард устига чипқон, деганларидек, берган ҳамма янги кийимларини қайтариб олишади, яна эски тос — эски ҳаммом. Бизни фақат кўрик учун ясан-тиришган экан.

* * *

Бизни Россияга эмас, олдинги маррага жўнатишади. Йўл-йўлакай дарахтлари кўпориб ташланган ўрмондан ўтамиз. Ҳар қадамда катта-катта ўралар.

— Даҳшат-ку! — дейман Катга.

— Минемётлар, — жавоб беради у дарахтларга ишора қилиб.

Шохларда мурдалар осилиб ётипти. Дарахт билан битта шох орасига бир аскар қисилиб қолган. Қип-яланғоч. Бошидаги темир қалпоқдан бошқа ҳеч нарса йўқ. Тепароқда ярим аскар ўтирипти, тананинг тепа қисми бор, холос.

— Нима бўлган ўзи? — сўрайман мен.

— Кийими ичидан отилиб кетган, — дейди Тьяден.

Кат тушунтиради:

— Худо кўрсатмасин! Олдин ҳам бунақа манзарани кўрганман. Мина текканда одам ростдан ҳам кийимидан чиқиб кетади. Портлаш тўлқинининг кучи ана шунақа.

У ёқ-бу ёғимга аланглайман. Ҳа, шунақа. Бир ерда кийим бурдалари осилиб турипти, пастда қон аралаш бўтқа, бу бўтқа сал бурунроқ инсон танаси бўлган. Ана, яна бошқаси. У ҳам яланғоч, бир оёғида иштоннинг почаси, бўйни атрофида эса ёқа қолган, холос; кийим билан иштон дарахт шохида. Иккала қўли ҳам йўқ, гўё биров бураб чиқариб олгандай. Қўлнинг биттасини йигирма қадам наридан топаман.

Мурда ер бағирлаб ётипти. Иккала қўлнинг узилган жойида қон қотиб қолган. Оёғи остидаги япроқлар эзилган, роса типирчилаган шекилли.

— Ёмон қийналипти-да, Кат, — дейман мен.

— Қоринга снаряд парчаси кирганда ҳам енгил бўлмайди, — жавоб беради у.

Бу воқеа яқиндагина юз берган чамаси, кўп жойда қон ҳалқоблари қотиб улгурмаган. Тезроқ кетиш керак бу ердан. Биз тиббиёт пунктига хабар етказамиз. Ўзлари шуғулланишсин. Ҳар ким ўз ишини қилиши керак.

* * *

Душманнинг мудофаа истеҳкомларини аниқлаш учун разведкачилар юборишимиз керак. Таътилдан кейин ўртоқларим олдида ўзимни ноқулай сезиб юрганлигим сабабли мени ҳам жўнатишларини сўрайман. Биз ҳаракат режасини келишиб оламиз, симтўсиқлар остидан ўтиб, ҳар томонга тарқаламиз. Мен саёзроқ бир ўрага дуч келаман, унга таппа ўзимни ташлаб, атрофни кузата бошлайман.

Мен турган жойга ўқ ёғилиб турипти. Унчалик эмас-у, лекин ҳадеб бошни чиқазавермаган маъкул.

Тепамда ёритувчи ракета парашюти очилади. Унинг хира ёруғида ҳаммаёқ сукутга чўмгандай, қоронғилик баттар қуюқлашгандай туюлади. Кимдир, французларнинг окопларида негрлар бор, дегандай бўлувди. Шуниси чатоқда. Қоронғида уларнинг юзини илгаш қийин, бунинг устига, бари моҳир разведкачи. Лекин баъзан ўйламай иш тутишади. Бир гал Кат разведкага бориб, негрларнинг анча-мунчасига қирон келтирган, сабаби оғизларида сигарета билан эмаклаб келишаётган экан. Ўлгудай кашанда-да улар. Кропп билан ҳам шунақа воқеа бўлган. Кат иккаласи фақат сигарета чўғини нишонга олишаверган.

Ёнимда вишиллаб снаряд портлайди. Учиб келаётганини сезмай қолибман, ўтакам ёрила ёзади. Кейин кўрқув бутун вужудимни чулғаб олади. Бу ерда ёлғизман, бунинг устига, зимзиё тун. Эҳтимол, бир жуфт кўз бирорта ўрдан мени кузатаётгандир, танамни тилка-пора қилиб ташлайдиган қўл гранатаси тайёр тургандир. Ўзимни қўлга олишга ҳаракат қиламан. Разведкага биринчи чиқишим эмас, бугунгисининг эса кўрқинчли ери йўқ, фақат бу жойларни ҳали яхши билмайман.

Бари бир ваҳима бостириб келаверади. Ҳар хил ўйлардан миям ғовлаб кетган: ойимнинг “эҳтиёт бўл!” деган овозини эшитгандай бўламан, сим тўсиқ олдида соқолларини ҳилпиллатиб турган ўрислар кўзимга кўринади, аскарлар ошхонаси, Валансьендаги кинони аниқ-равшан тасаввур этаман, хаёлим даҳшатли манзарани чизади: оғзи менга қаратилган милтиқ бошимни қаёққа бурсам, ўша ёққа бурилади. Юзимдан шув-шув тер қуйилади.

Ҳамон ўрадаман. Соатимга қарайман: орадан бир неча минут ўтган, холос. Ҳансирайман, қўлларим қалтирайди. Бу кўрқув аломати, ҳа, бошимни кўтариб, олга қараб эмаклашимга тўғаноқ бўлаётган шармандали кўрқув бу.

Қимир этмасам дейман. Қўл ва оёқларим ўра тубига қапишиб қолган. Туришга уринаман-у, уддасидан чиқолмайман. Баттар ерга ёпишаман. Шу ерда ётаверишга аҳд қиламан.

Ичимда яна бир-бирга зид туйғулар — уят, тазарру ва ҳозирча бежавотир жойда эканимдан мамнунлик туйғулари гупуради. Атрофга разм солиш ниятида бошимни хиёл кўтараман. Қоронғиликка шунақа тикиламанки, кўзларим лўқиллаб кетади. Осмонга ракета отилади, мен яна бошимни эгаман.

Ўзим билан ўзим шафқатсиз курашаман — ўрадан чиқмоқчи бўламан-у, баттар тубига шўнғийман. “Топшириқни бажаришинг керак — ортингда ўртоқларинг бор, бу бировнинг аҳмоқона буйруғи эмас”, — дейман-у, шу заҳоти кўнглимга бошқа гап келади: “Менга нима, бекордан-бекорга ўлиб кетишим керакми?”

“Ҳаммасига таътилим сабабчи” — шундай деб, ўзимни оқламоқчи бўламан. Аммо энди бунга ўзим ҳам ишонмайман; юрагим сиқилади, аста ўрнимдан тураман, тирсақларимга таяниб, гавдамни белимга қадар кўтараман-да, ўра четига чўзиламан.

Шунда аллақандай шитирлаган овозлар қулоғимга чалинади. Биз тўпларнинг гумбурлашига қарамай, ҳар бир шубҳали товушни илғашга ўрганганмиз. Қулоқ соламан — шарпа орқа томондан келяпти. Бизникилар, ҳандақ ичида юришипти. Энди гап-сўзлар ҳам элас-элас эшитила бошлайди. Гапираётган ким? Оҳангидан Катга ўхшайди.

Бирдан елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлади. Таниш овозлар, таниш қадамлар — булар мени бир зарб билан қўрқув исканжасидан суғуриб олади. Юрагим ёрилиб ўлишимга бир баҳя қолган эди-я! Бу овозлар мен учун қутқарилган ҳаётимдан ҳам азиз, ойимнинг эркалашларидан ҳам қадрли, ҳар қандай қўрқувдан ҳам қудратлироқ, бу овозлар — мен учун дунёдаги энг ишончли паноҳ, чунки бу — дўстларимнинг овози.

Энди мен тун бағрида танҳо қолган, жон талвасасида дағ-дағ титраётган жонзот эмасман, — ёнимда ўртоқларим бор. Ҳаммамиз ҳам ўлимдан қўрқамиз, ҳаммамизнинг ҳам яшагимиз келади, биз мустаҳкам ришталар билан бир-бирига боғланган яхлит вужудмиз. Шу тобда мени асраб қолган ва ҳеч қачон кулфатда қолдирмайдиган мана шу овозлар, мана шу шарпалар ичига сингиб кетгим келади.

* * *

Ўра оғзидан аста нариги ёққа думалаб, олдинга судрала бошлайман. Сўнг эмаклашга тушаман. Ҳозирча яхши. Ракеталар отилганда атрофга аланглаб, ротамиз турган жойни мўлжалга олиб қўяман — орқага қайтишни ҳам ўйлаш керак-да. Кейин ўртоқларим билан алоқа боғлашга уринаман.

Ҳамон қўрқув бор, лекин бу энди англандан қўрқув, аниқроғи, эҳтиёткорлик. Шамол эсяпти, тўп оғзидан олов чиққанда ерда кўланкалар тебранади. Шу боис нарсалар бир кўринади, бир кўринмай қолади. Гоҳо-гоҳо бир жойда қотиб қоламан, аммо ҳар гал хатар йўқлигига ишонч ҳосил қиламан. Шу алфозда анча илгарилаб кетаман, кейин кичкина доира ясаб, изимга қайтаман. Ўртоқларимни тополмадим. Ўзимизнинг окопга яқинлашяпман, босиб ўтилган ҳар бир метр масофа кучимга куч қўшади. Айни пайтда бетоқатлик орта боради. Шу тобда ўққа учиш алам қилади.

Юрагимга яна гулгула тушади. Адашдим шекилли, нотаниш ерлар. Ўрага кириб, вазиятни аниқлашга тиришаман. Айрим аскарларнинг ўзимизнинг окоп деб, бегона окопга сакраган ҳоллари кўп бўлган.

Бир оздан сўнг яна қулоқ соламан. Адашганим ростга ўхшайди. Ўралар бири-бирига тутшиб кетган, қайси томонга юришни билмайман. Окоп бўйлаб кетаверсам-чи? Унда йўлимнинг охири бўлмайди-ку. Ўйлаб-ўйлаб, на у ёқ, на бу ёққа бурилмасдан, тўғрига қараб эмаклайман.

Лаънати ракеталар! Бир соат ёниб тургандай туюлади. Сал қимирласанг — ўқ ёгилади.

Илож қанча, нима бўлганда ҳам бу ердан узоқлашим керак. Шошмасдан, нафасни ростлаб-ростлаб илгарилайвераман, тошбақадай ерга қапишиб олганман, қалашиб ётган снаряд парчаларидан кафтларим қонаб кетади. Баъзан уфқ ёришаётгандай бўлади ёки менга шундай кўриняптими? Ҳарҳолда бир жойда тўхтаб қолганим йўқ, жон сақлаш илинжида тинимсиз ўрмалаяпман.

Қаердадир чарсиллаб снаряд портлайди, кетидан яна ва яна. Бошланди. Пулемётлар тариллашга тушади. Энди қимирламай ётиш керак. Ҳадемай ҳужумга ўтишади. Ракеталар кетма-кет отилиб турипти.

Каттакон ўрада белимгача сувга ботиб ўтирибман. Ҳужум бошланса, шартта ётволаман. Ўзимни ўлганга солишим керак.

Бирдан ўра тепасидан снаряд учиб ўтади. Дарҳол қалпоғимни қаншаримга суриб, чалқанчасига ётаман, нафас олиш учун сувдан офиз-бурним чиқиб турипти, холос.

Мурдадай қотганман — ана, гупур-гупур қадам товушлари эшитилипти. Асабларим таранг. Тепамдан қандайдир қора шарпалар ошиб ўтди, — бу ҳужумга отилганларнинг биринчи сафи. Миямга бир фикр ўрнашиб олган: улардан бирортаси сен ётган ўрага сакраб тушса нима қиласан? Апил-тапил ханжаримни чиқазиб, сопини маҳкам қисаман, сўнг уни ушлаб турган қўлимни сувга тикаман. Агар бирортаси сакраб тушса, ханжарни суқаман, дейман ичимда. Бақариб юбормаслиги учун дарров кекирдагини узиб ташлаш керак, акс ҳолда мендан баттар қўрқиб кетиб, устимга ташланиши мумкин. Мен биринчи бўлишим шарт.

Тўпларимиз ўт очади. Бир снаряд ёнгинамга тушади. Жон-поним чиқиб кетади: ўзимизнинг снаряддан ўлишим қолувди энди! Бўралаб сўкинаман, оғзимга келган сўзни қайтармайман. Шу даражада қутуриб кетганман.

Портлашлар эшитилади. Бизникилар қарши ҳужумга ўтишса, тирик қолишим аниқ. Ўзимни ерга босаман, кон остидаги олис портлашни эслатувчи бўғиқ овоз келади, кейин бошимни кўтариб, тепадаги товушларга қулоқ соламан.

Пулемётлар тариллайди. Биламанки, бизнинг тўсиқларимиз мустаҳкам — айрим жойларидан юқори кучланишли электр токи ўтган. Душман ёриб ўтолмайди, орқага қайтади.

Яна сувга чўк тушаман. Тинка-мадорим қуриган. Тепадан ўқларнинг чийиллаши, қадам товушлари, қуролларнинг шақир-шуқури эшитилади. Мана, якка-ёлғиз сўнгги фарёд. Ҳужум даф этилади.

* * *

Уфқ ёриша бошлайди. Ўра тепасида гурс-гурс қадамлар. Кимдир келяпти. Йўқ, ўтиб кетди. Яна бировнинг шарпаси эшитилади. Пулемётлар бетўхтов ўқ узаяпти. Шу пайт устимга кимнингдир гавдаси гурсиллаб тушади.

Ўйлаб ўтирмасдан ханжар санчаман. Гавда бир сесканади, кейин шалвираб чўзилиб қолади. Сал ўзимга келгач, кафтим билч-билч этаётганини сезаман.

У хириллайди. Лекин менга қаттиқ қичқираётгандай, ҳар нафас олиши фарёддай туюлади, — аслида бу томирларимдаги қоннинг гупуриши. Овозини ўчиргим, оғзини тупроқ тўлдиргим, юзини сувга босиб тургим келади, жим бўлса бас, — ахир мени ошкор қилиб қўйиши мумкин, — лекин бундай қилолмайман, сабаби ҳозир сал ўзимни тутволдим, қолаверса, қўлимни қимирлатишга ҳолим йўқ.

Нарироққа суриламан, ханжар сопини қисганча ундан кўз узмай қараб турибман, хиёл қимирласа яна тиг урмоқчиман. Лекин у энди ҳеч нарса қилолмайди, хириллашидан маълум.

Уни ғира-шира кўряпман. Бу ердан тезроқ чиқиб кетишим керак. Ҳаяллаб бўлмади — ҳадемай кун ёришади. Аммо бошимни ўрадан чиқазаману бунинг иложи йўқлигини пайқайман. Ўқ тигиз. Бир қадам босмасимдан илматешик қилиб ташлайди.

Қалпоғим ёрдамида бунини яна бир карра текшириб кўраман; қалпоқни ўра четидан бир оз тепага чиқазаман. Шу заҳоти ўқ уни бармоғимдан улоқтириб юборади. Демак, ўқлар ер бағирлаб учаяпти. Душман маррасига шу қадар яқин жойда турибманки, ўрадан чиқишим билан уларнинг мерганлари мени дарров нишонга олишади.

Кун анча ёришиб қолди. Бизникиларнинг ҳужумини кутяпман. Муштимни қаттиқ қисганимдан бармоқларим оқариб кетган. Худога илтижо қиламан, отишма тезроқ тугасаю ўртоқларим кела қолса, дейман.

Вақт секин ўтади. Ўрада ётган қора гавдага қарашга ботинолмайман. Юзимни нуқул четга бураман. Кутяпман, кутяпман... Ўқлар ҳамон чийилляпти, жудаям тигиз, қачон тўхтайтиди, қачон тўхтайтиди...

Кафтим қонлигини эслаб кўнглим ағдарилади. Ердан бир ҳовуч тупроқ олиб, ишқалаб ташлайман, — кўлим ифлос бўлади, лекин қондан кўра тузук-ку.

Отишма пасаймайди. Иккала томон ҳам шиддат билан ўқ узиб ётишипти. Бизникилар мени аллақачон ўлдига чиқазиб қўйишган бўлса керак.

* * *

Эрта тонг. Ҳамма ёқ ёп-ёруғ. Хириллаш тўхтамаяпти. Кулоғимни беркитаман, аммо сал ўтмай, кўлимни тушираман. Бунақада бошқа товушларни эшитмай қоламан.

Гавда хиёл қимирлайди. Сесканиб кетаман. Энди ундан кўзимни узолмайман. Бурчакда ётган ингичка муртли одамнинг боши бир ёнга қийшайиб, букилган тирсагига қадалиб турипти, иккинчи кўли кўкрагида. Қон.

Ўлган, дейман ўзимга ўзим, албатта ўлган, ҳеч нарсани сезмайди, хириллаётган у эмас, танаси хирилляпти. Бирдан бошини кўтаришга уринади, қаттиқ инграб, яна қимир этмай қолади. Улмапти, эндигина жон беряпти. Уша томонга сурила бошлайман, тўхтайтман, тагин суриламман. Уч метрли масофа сўнгги йўқ йўлдаи тўюлади. Ниҳоят яқинига келаман.

У кўзларини очади. Шарпамни сезган шекилли, менга бениҳоя қўрқув билан тикилади. Танаси қимирламайди-ю, аммо нигоҳида шунақа кучли дард борки, бу дард назаримда танани мана ҳозир кўкларга учириб кетадигандай. Бир ҳамла билан уни юзлаб қақирим нарига элтиб қўядигандай. Ҳозир жим ётипти, бу кўзларда ўлимдан ва мендан кўрқиш талвасаси, омон қолиш учун энг сўнгги уриниш ифодаси жамул-жам бўлган.

Тиззам букилиб, тирсагимга суяниб қоламан.

— Йўқ, йўқ, йўқ, — пичирлайман мен.

Кўзлар мени таъқиб этиб турипти. Қимирлашга журъат қилолмайман.

Кейин кўкракдаги кўл аста сирғалиб тушади, шу заҳоти нигоҳидаги бояги таъқиб ғойиб бўлади. Устига энгашиб, бош чайқайман. “Йўқ, йўқ, йўқ” — дейман, унга ёрдам бермоқчилигимни англантиш ниятида кўлимни кўтараман, — ва пешонасини силаймаман.

Оғзи ним очиқ, бир нима демоқчи бўлади-ю, тили айланмайди. Лаблари қуруқшаб кетган. Аксига олиб, флягам ёнимдамас. Хайрият, ўранинг тубида лойқа сув бор. Рўмолчамни ҳўллаб, оғзига томизаман.

У ютинади. Яна томизаман. Кейин ярасини боғлаш мақсадида тугмаларини ечаман. Шу ишни қилмасам бўлмайди, чунки уларга асир тушиб қолишим мумкин. Унга ёрдам берганимни кўришса, мени отишмайди. У қаршилиқ кўрсатишга уринади, лекин кўлларида дармон йўқ. Кўйлаги ёпишиб қолган, ечиш қийин, — орқа томонида ҳам тугмаси бор. Фақат кесиш мумкин.

Ханжаримни оламан. Кўйлакни кесаётганимда кўзларини очади. Нигоҳида яна ваҳима пайдо бўлади, кафтимни беихтиёр юзига қўйиб, бармоқларим билан қовоқларини босаман. “Сенга ёрдам бермоқчиман, оғайни” — дейман. То англаб етмагунча шу жумлани такрорлайвераман.

Уч ерида яра бор. Халтамдаги докани ишлатиб бўлдим. Бари бир қон силқиб турипти. Қаттиқроқ боғлайман, у инграйтиди.

Кўлимдан келгани шу. Энди кутишдан бўлак чора йўқ.

* * *

О, сўнгсиз дақиқалар! Яна хириллаш эшитилади. Одам жон бериши учун қанча муддат керак? Биламанки, уни қутқариб қолишнинг иложи йўқ. Авваллига, у оёққа туриб кетади, деб ўзимни ишонтирмоқчи бўламан, лекин тушга яқин ярадорнинг ўлимолди ингроқлари бу умидни чил-парчин қилади. Тўппон-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

чамни йўқотиб қўймаганимда отиб ташлаган бўлардим. Ханжар уришга қўлим бормайди.

Идроким хиралаша бошлайди. Қорним оч, чидаб бўлмайдиган даражада оч, йиғлаворай дейман. Анови одамнинг оғзига сув томизганда ўзимни ҳам унутмайман.

У мен ўлдирган ва қўлимда жон бераётган биринчи инсон. Бунақа воқеа Катнинг ҳам, Кроппнинг ҳам, Мюллернинг ҳам бошидан ўтган. Айниқса, кўл жангида бусиз иложи йўқ.

Шунга қарамай, ярадорнинг ҳар бир нафас олиши юрагимга тикандек санчилади. Унинг дардкашлари бор, бу — дақиқалар ва соатлар; унда мени аёвсиз бўғизлаётган кўринмас пичоқ бор, бу — вақт ва ўзимнинг кечинмаларим.

У тирик қолиши учун ҳамма нарсага тайёрман. Бировнинг ўлаётганини томоша қилиб ўтиришдан оғир азоб йўқ.

Кундузи соат учда бари тугайди.

Сал энгил тортаман. Лекин узоқ муддат эмас. Кўп ўтмай, сукунатга чидаш ундан ҳам оғир эканини ҳис этаман. Хирилласа ҳам овози чиқиб тургани яхши эди.

Ўзимни алахситиш учун, гарчи марҳум ҳеч нарсани сезмаса ҳам, қайтадан ўраб-чирмайман. Қовоқларини ёпаман. Кўзлари қўйкўз, сочлари қора, иккала чаккаси жингалак.

Мўйлов остидаги лаблари лўппи, қирра бурун, юзи буғдойранг; ҳозир тирик пайтидагидай қонсиз эмас. Қайтанга жонланиб қолгандай туюлади. Сўнг яна ҳамма мурдаларники каби ёт ва карахт тусга киради.

Шу тобда хотини у ҳақда ўйлаётган бўлса ажабмас; нима бўлганини билмайди. Марҳумнинг кўринишидан тахмин қилишимча, у уйига тез-тез хат ёзиб турган. Хат ҳали бораверади — эртага ҳам, бир ҳафтадан кейин ҳам, кечиккани, эҳтимол, бир ойдан кейин борар. Хотини мактубларни ўқиб, у билан суҳбатлашгандай бўлади.

Миямга ҳар хил ўйлар келаверади: хотини қанақайкин? Анҳорнинг нариги томонида яшайдиган хў анави озгин, қора-мағиз аёлга ўхшаган бўлса-я? Энди меникимасмикин? Балки мана бу воқеадан кейин меники бўлгандир? Канторек шу ерда етишмай турибди-да! Қилиб қўйган ишимни ойим кўрса, нима дерди?

Агар орқага қайтишда йўлдан адашмаганимда бу одам яна ўттиз йил яшармиди! Агар у икки метр чапроқдан ўтганида ҳозир ўз окопида хотинига навбатдаги хатни ёзиб ўтирган бўлармиди!

Энди бундай тахминлардан фойда йўқ, — ҳар кимнинг пешонасига ёзилгани бўлади: агар Кеммерих қадамини ўн сантиметр ўнгроққа ташлаганида, агар Хайе беш сантиметр пастроқ эгилганида...

* * *

Сукунат чўзилиб кетди. Овоз чиқазиб гапира бошлайман, акс ҳолда ёрилиб ўламан. Марҳумга юрагимни бўшатаман:

— Оғайни! Сени ўлдирмоқчи эмас эдим. Ҳозир ўрага қайтадан сакраганимда бу ишни қилмасдим, — сен ҳам ёмонлик қилмаганимда, албатта. Илгари сен мен учун фақат мавҳум тушунча эдинг, миямга ўрнашиб олган ва мени шу ишга ундаган ғоялар қоришмаси эдинг. Мен ана шу қоришмани ўлдирдим. Энди кўриб турибманки, сен ҳам ўзимга ўхшаган одам экансан. Сенда қурол бўлишини, найза ва гранаталар бўлишини эслаб қолганман, холос; ҳозир юзингга қараб туриб, хотининг ҳақида, умуман, иккаламиз учун ҳам муштарак бўлган нарсалар тўғрисида ўйлапман. Кечир мени, оғайни! Ҳамма вақт кўзимиз кеч очилади. Эҳ, сизлар ҳам биз каби ожиз бандалар эканингиз ҳақида, сизларнинг оналарингиз ҳам ўз фарзандларидан хавотир олишлари, баримиз ўлимдан бир хилда қўрқшимиз, бир хилда жон беришимиз, оғриқдан бир хилда азоб чекишимиз тўғрисида кўпроқ гапирганла-

рида эди! Кечир мени, оғайни: сен менга нега душман бўларкансан? Агар қурулларимизни ташлаб, ҳарбий кийимларимизни ечсак, сен менга худди Катдай, худди Альбертдай дўст бўлишинг мумкин-ку. Йигирма йиллик умримни ол, оғайни, тур ўрнингдан. Хоҳлаган нарсангни олавер, менга энди ҳеч нарса керак эмас!

Тўпларнинг гумбур-гумбури пасаяди, фронт нисбатан тинч, фақат милтиқ овозлари эшитилиб турипти, лекин ўқ тигиз, ўрадан бош чиқазиб бўлмайди.

— Хотинингга хат ёзиб юбораман, — дейман мурдага шоша-пиша. — Тўғриси айтман, ўзимдан эшитгани яхши. Ҳозир сенга нима деган бўлсам, барини ёзаман. У муҳтожлик сезмаслиги керак, хотинингга ҳам, ота-онангга ҳам ёрдам бераман.

Камзулининг олди очиқ. Қийналмасдан ҳамёнини топаман. Унда фамилияси ёзиғлиқ аскарлик гувоҳномаси бор, албатта. Ҳозирча кимлигини билмайман, ўзини ҳам, қиёфасини ҳам унутворишим мумкин, лекин фамилияси миямга михланиб қолади, уни суғуриб ташлаш қийин. Бу фамилия бошимда тегирмон тошидек айланиб, бугунги воқеани умрбод ёдимга солиб туради.

Ҳамён қўлимдан тушиб кетиб, ичидан атрофга бир нечта хат ва суратлар сочилади. Дарров йиғиштириб, жойига солиб қўймоқчи бўламан, аммо очлик, ўлим ваҳимаси, мурда ёнида кечган дақиқалар мени буткул пажмурда қилиб қўйган. Азоблардан бир йўла қутулишга аҳд қиламан. Ҳозирги ҳолатим чидаб бўлмас даражада оғриётган қўлини дарахтга қарсиллатиб урган одамнинг ҳолатини эслатади. Нима бўлса бўлар! Бир суратдан аёл киши билан ёшгина қизалоқ қараб турипти. Бу чирмовиқ қоплаган девор ёнида олинган хирагина сурат. Ёнида хатлар бор. Уқимоқчи бўламан, аммо ҳеч нарсага тушунмайман, — дастхат хунук, бунинг устига, французчани яхши билмайман. Лекин англаган сўзларим юрагимга ўқдай, найзадай санчилади.

Миям говлаб кетган. Лекин бир нарсага ақлим етиб турипти: мен бу хонадонга хат ёзолмайман. Журъат этолмайман. Суратларга разм соламан. Камбағал одамлар. Имзо қўймасдан пул жўнатиб туришим мумкин — кейинроқ, пул топадиган бўлганимда. Шу фикрга маҳкам ёпишиб оламан. Ҳалок бўлган аскарнинг яшамаган умри менинг ҳаётимда давом этади, бинобарин, қўлимдан келган ҳамма яхшиликни қиламан, бутун ҳаётимни унга ва оиласига бағишлайман. Шояд гуноҳим жиндай бўлса ҳам камайса, зора бу ердан эсон-омон чиқиб кетсам! Ана шундай хаёллар билан аскарлик гувоҳномасини очаман: “Жерар Дюваль, матбаачи”.

Марҳумнинг қаламини олиб, яшаш жойини ёзиб оламан, кейин ҳамма нарсасини ҳамёнига жойлаб, чўнтагига соламан.

“Матбаачи Жерар Дювални ўлдирибман. Энди мен ҳам матбаачи бўлишим керак, — ўйлайман ичимда — матбаачи бўлишим керак, матбаачи бўлишим керак...”

* * *

Тушдан кейин сал ўзимга келаман. Бекорга кўрққан эканман. Унинг фамилияси мени безовта қилаётгани йўқ.

— Оғайни, — дейман мурдага бурилиб. — Бугун сен, эртага мен. Агар уйга эсон-омон қайтсам, бунга қарши курашаман, яъни сен билан мени жувонмарг қилган урушга қарши астойдил курашаман. Сени ҳаётдан маҳрум этишди. Мени-чи? Менинг ҳам ҳаётим барбод бўлди. Бу ёвузлик энди такрорланмаслиги керак.

Куёш анча пастлаган. Очлик ва чарчоқдан қимирлашга ҳолим йўқ. Кечаги воқеа тушга ўхшаб кўринади. Бу ердан чиқиб кетишдан умидимни узиб қўйдим. Мудраб ўтириб, кеч кирганини ҳам сезмай қолибман. Қоронғи туша бошлайди. Назаримда энди вақт тез ўтаётгандай.

Бирдан вужудимга титроқ киради. Мурдани аллақачон унутганман. Ичимда яна яшаш иштиёқи гупуради. Кўпи кетиб, ози қолганда бир фалокатга йўлиқмасам бас. Беихтиёр мурдага юзланаман:

— Ваъдаларимни албатта бажараман, оғайни, менга ишон, — шундай дейман-у, кўлимдан ҳеч нарса келмаслигини сезиб тураман.

Ҳозир эмаклар чиқсам, ўртоқларимнинг ўзлари менга қараб ўқ узишлари мумкин, — менлигимни билишмайди-ку, ахир. Шунинг учун узоқдан бақираман. У томондан жавоб бўлмагунча окоп ёнида ётавераман.

Мана, дастлабки юлдуз кўринди. Отишма тўхтаган. Енгил тортиб, ўзим билан ўзим гаплашаман:

— Бу ёғига эҳтиёт бўл, Пауль. Шошма, ҳовлиқма, Пауль. Худо хоҳласа, ажал сени четлаб ўтади, Пауль.

Ўзимнинг исмимни такрорлаганим сайин кўнглим хотиржам бўлади: гўё биров менга мурожаат қилиб, тасалли бераётгандай туюлади.

Қоронғилик куюқлашади. Ракеталар отилишини кутаман. Кейин ўрадан эмаклар чиқаман. Рўпарамда тун ва ўқтин-ўқтин хира шуъла ёритиб турган даштлик. Бир ўрага кўзим тушади. Шуъла сўниши билан югуриб бориб, ўзимни унга ташлайман, кейин бошқа ўрани мўлжалга оламан, пайт пойлаб туриб, ҳалиги чуқурга сакрайман, шу тариқа, ўғри мушукдай, илгарилайвераман.

Ниҳоят, окопга яқинлашаман. Ракета ёруғида сим тўсиқнинг хиёл теб-ранганини пайқайман. Дарров ётволаман. Навбатдаги ракета отилганда сим яна қимирлаганини илғайман. Окопдагилар ўзимизнинг аскарлар шекилли. Лекин темир қалпоқларини танимагунча ўрнимдан турмайман. Кейин овоз бераман.

Шу заҳоти исмимни эшитаман: “Пауль! Пауль!”

Яна бир чақириб кўраман. Бу Кат билан Альберт. Ёпингични кўтариб, чопиб келишади.

— Ярадормисан?

— Йўқ.

Окопга тушамиз. Овқат сўрайман. Бир нарсаларни тутқазишади, ютақиб ея бошлайман, Мюллер сигарета узатади. Нима бўлганини қисқа қилиб гапириб бераман. Ҳеч кимга янгилик эмас: бунақа воқеа кўп бўлади. Фарқи шундаки, бу гал ҳужум тунда бошланди. Аммо Кат Россиядалигида, ўзимизникиларга кўшилиб олгунча, ўрислар эгаллаб турган жойда икки кеча-кундуз қолиб кетган.

Ҳалок бўлган матбаачи тўғрисида миқ этмайман.

Эртасига эрталаб, қарасам, сир сақлашга сабрим чидамайди. Кат билан Альбертга гапириб бераман. Улар мени юпатишади:

— Уйлама. Бошқа иложинг ҳам йўқ эди-да. Сен бу ерда шунинг учун юрибсан-ку, ахир!

Уларнинг сўзларини эшитиб, кўнглим таскин топади, шулар бор экан, кўрқмаслигим керак. Кеча ўрада ўтирганимда нима хаёлларга бормадим-а!

— Анови ёққа бир қара, — дейди Кат.

Окоп тепасидаги дўнгликлар панасига бир нечта мерган жойлашиб олган. Дурбинли милтиқларини ўрнатиб, душман маррасининг кенг қисмини назорат қилиб туришипти. Аҳён-аҳён ўқ узилади.

Орқасидан хитоблар эшитилади:

— Бопладим-а!

— Сакраб тушганини кўрдингми!

Сержант Эльрих виқор билан бурилиб, ўзига очко ёзади. Бугун унинг ҳисобида нишонга аниқ теккан учта ўқ бор. Мерганлар жадвалида биринчи ўрин уники.

— Хўш, бунга нима дейсан? — сўрайди Кат.

Бош чайқайман.

— Шу кетиши бўлса, кечгача погонига яна битта жияк кўшилади, — дейди Кропп.

— Ёки бўлмаса, фельдфебелликка кўтаришади, — кўшиб кўяди Кат.

Бир-биримизга қараймиз.

— Мен бундай қилолмасдим, — дейман мен.

— Ҳарҳолда, — жавоб беради Кат, — буни айни шу пайтда кўрганинг яхши бўлди.

Сержант Эльрих яна дўнглик ёнига боради. Милтиқ оғзини тагин кимгадир тўғрилайди.

— Бундан кейинги ҳолатинг ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, — Катнинг фикрини қувватлайди Альберт.

— Бари узоқ вақт ҳалиги мурданинг ёнида ўтирганимдан, — дейман мен. — Начора, уруш уруш экан-да.

Эльрихнинг милтиғидан ўқ узилади.

X

Бир неча кундан кейин ҳужумга ўтамиз. Кичкина бир қишлоқни ишғол этишимиз керак. Рўпарамиздан қочоқлар — ўша қишлоқдан кўчирилганлар келишяпти. Улар қўлларига илинган бисотларини олволишган — бировда замбилгалтак, бировда болалар аравачаси, бошқа бирови юкини елкасига ортган. Бошлари ҳам, юзларига қайғу-ҳасрат, хўрлик ва итоаткорлик ифодаси чўккан. Гўдаклар онасининг бўйнига ёпишади, опалари етаклаб олган ёш болалар ўқтин-ўқтин орқаларига ўгирилиб қарашади, қоқилиб кетишади. Баъзиларининг кўлида иркит кўғирчоқ. Ёнимиздан ўтаётганда овоз чиқазишмайди.

Ҳозирча саф тортганча бемалол кетяпмиз, — ҳамюртлари қишлоқдан батамом чиқиб кетмагунча французлар ўт очишолмайди-ку. Аммо, орадан кўп вақт ўтмай, ҳавода чийиллаган овоз эшитилади, ер титрайди, дод-войлар қулоқни қоматга келтиради, — снаряд сафнинг охиридаги взвод устига тушган. Ҳаммамиз ҳар томонга сочилиб, ўзимизни таппа-таппа ерга ташлаймиз. Шу он ўқ ёмғири остида қолганда менга ҳаммавақт тўғри йўл кўрсатадиган хушёрлик сезгиси бу гал панд берганини ҳис этаман. “Тамом бўлдим” — миямга дабдурустдан шу фикр келади. Юрагимни ваҳима босади. Кейин чап оёғимда қаттиқ оғриқ сезаман. Альбертнинг вой-войлагани эшитилади; у мендан салгина нарида.

— Тур, қочамиз, Альберт! — қичқираман унга, чунки биз очиқ жойда ётибмиз.

У базўр ўрнидан туриб, чопа кетади. Мен ҳам ёнма-ён югурияпман. Биз буга ғов орқасига ўтиб олишимиз керак, баландлиги одам бўйи келади. Кропп бугага ёпишган, мен бир оёғидан кўтараман, у додлаворади, кейин бир амаллаб жонли девордан ошиб ўтади. Орқасидан мен ҳам сакрайман, сакрайману шалоп этиб сувга тушаман, — ғов ортида ҳовуз бор экан.

Ҳамма оёғимиз ифлос, юзимизга балчиқ ёпишган, лекин зўр жой топдик. Томоғимизгача сувга кирамиз, снаряд овозини эшитганда дарров шўнғиймиз.

Бу иш ўн мартача такрорлангач, тинкам қуриydi. Альберт ҳам тамом бўлди.

— Чиқамиз, — дейди у, — ҳолим қолмади, чўкиб кетаман.

— Қаеринга тегди? — сўрайман ундан.

— Тиззамга шекилли.

— Югуришга чоғинг келадими?

— Иложим қанча.

— Бўлмаса, кетдик.

Биз йўл бўйидаги зовургача етиб оламиз, кейин зовур бўйлаб чопамиз. Ўқ ёғилиб турипти. Йўл бизни ўқ-дори омборига олиб келади. Агар омбор портласа, урвоғимизни ҳам топиб бўлмайди. Шуни ўйлаб, дала томон югураемиз.

Альберт ортда қола бошлайди.

— Кетавер, етволаман, — шундай дейдию ерга қулайди.

Уни силкитиб, қўлидан тортаман:

— Тур, Альберт! Ётиб қолсанг, кейин турулмайсан. Кетдик, сени суяб бораман.

Ниҳоят, кичкина бир блиндаж олдидан чиқамиз. Кропп ерга чўзилади, ярасини боғлайман. Ўқ тиззасидан тепароққа кириб қопти. Кейин ўзимни кўздан кечираман. Шимим қон, қўлим ҳам. Альберт жароҳатларини дока би-

лан боғлайди. У энди оёғини қимирлатолмайди, бу ергача қандай қилиб етиб келганимизга иккаламиз ҳам таажжубланамиз. Кўрққанимиздан, албатта, — мабодо товонсиз қолганимизда ҳам келардик.

Судралишга ҳали чоғим бор, — ўтиб кетаётган аравани тўхтатаман, бир амаллаб чиқволамиз. Арава тўла ярдорлар. Санитар кузатиб боряпти. У кўрагимизга қоқшолга қарши укол қилади.

Дала шифохонасида иккаламизни бир жойга ётқизишларига эришамиз. Бизга суюқдан-суюқ куруқ шўрва беришади, ўқчиб-ўқчиб ичамиз, иложимиз қанча?

— Уйга жўнатишармикан, Альберт? — сўрайман мен.

— Ажабмас, — жавоб беради у. — Оёғимга нима бўлганини билишим керак.

Оғриқ зўрайяпти. Дока боғланган жойларимиз чўғдай қизиб кетган. Тўхтовсиз сув ичамиз.

— Жароҳатим қаерда? Тиззадан тепароқда дедингми? — сўрайди Кропп.

— Ҳа, ўн сантиметрча юқорида, Альберт.

Аслида уч сантиметрдан ортиқ эмас.

— Агар оёғимни кесишадиган бўлишса, — дейди у бироздан сўнг, — ўзимни ўлдираман. Қўлтиқтаёқда яшашни хоҳламайман.

Ҳар қайсимиз ўз хаёлимизга берилиб, тақдиримиз нима бўлишини кутамиз.

* * *

Кечқурун бизни “пардозхона”га олиб киришади. Юрагим така-пука. Дала шифохонасида дўхтирлар қўл ва оёқларни шартта кесиб ташлашаверади, нимтанимта этларни ямаб ўтиришдан кўра осон-да. Бунинг устига, шифохона ярдорларга тиқилиб кетган, ҳамма операцияни кутиб ётипти. Кеммерихни эслайман. Ўлсам ўламанки, ухлатишларига йўл қўймайман.

Ҳозирча чидаса бўлади. Дўхтир ярани ковляяпти, кўзимни чирт юмиб олганман.

— Муғомбирлик қилманг, — дейди дўхтир.

Ҳар хил асбоблар қонхўр йиртқичнинг тишларидай чироқ нурида йилтирайди. Оғриқ кучайгандан кучайяпти. Иккита санитар кўлларимни маҳкам босиб турипти. Ахири бир кўлимни бўшатиб, дўхтирнинг башарасига солмоқчи бўламан, у сезиб қолиб, ўзини орқага ташлайди.

— Наркоз беринглар! — деб бақиради у.

Дарров мулойим тортиб қоламан.

— Узр, дўхтир, жим ётаман, фақат ухлатмасангиз бас.

— Ҳа, баракалла, — дейди у ва яна асбобни кўлига олади.

Бу тилла гардишли кўзойнақни бурнига қўндириб олган оқ-сарғиш бир одам, юзида чандиғи ҳам бор. Ўттиз ёшларда. Сезиб турибман, мени атайин қийнаяпти, — ярани шунақа титкилайдики, тагин ора-орада кўзойнаги остидан қараб ҳам қўяди. Тутқични жон-жаҳдим билан қисаман, — шу қилганига овозим у ёқда турсин, нафасимни ҳам чиқазмайман.

Дўхтир снаряд парчасини суғуриб, менга кўрсатади. У чидаш берганимдан мамнун. Кейин оёғимни тахтакачлайди.

— Ана, бўлди. Эртага поездга ўтириб, уйингизга жўнайсиз.

Тахтакач устидан гипсли дока ўрашади. Кропп билан хонада кўришамиз. Унга санитар поездди эртага келиши эҳтимоли борлигини айтаман.

— Фельдшер билан гаплашайлик, иккаламизни бирга жўнатишсин, Альберт.

Фельдшерга ёрлик ёпиштирилган икки дона сигара бериб, гапнинг учини чиқазаман. У сигараларни ҳидлаб кўриб:

— Яна борми? — деб сўрайди.

— Бор, — дейман мен, — ўртоғимда ҳам бор, — Кроппга ишора қиламан. — Эртага санитар поездининг ойнасидан жон-жон деб узатамиз.

У иккиланиб қолади, кейин сигараларни яна бир ҳидлаб, рози бўлади:

— Майли.

Кечаси билан мижжа қоқмаймиз. Хонамизда етти киши ўлади. Биттаси жон бериш олдидан бир соатча черков қўшиқларидан айтади, кейин қўшиқ хириллашга айланади. Бошқаси каравотдан тушиб, дераза ёнига эмаклаб боради, охириги марта ёруғ дунёни кўриб қолгиси келгандир-да.

* * *

Замбилларимиз вокзалда турипти. Поездни кутяпмиз. Ёмғир ёғяпти, вокзалнинг томи йўқ. Адёлларимиз юпқа. Бу ерга келганимизга икки соат бўлди.

Фельдшер атрофимизда парвона. Ўзимни ёмон ҳис қилаётган бўлсам-да, тузиб қўйган режамизни унутганим йўқ. Фельдшер сигараларни кўриши учун атайин адёлнинг бир четини кўтараман. Бунинг эвазига у устимизга ёпинғич ташлаб қўяди.

Таъбимиз хира. Агар поезд бир кун кеч жўнаганда Кат бизни қидириб топарди, овқат ҳам опкеларди.

Поезд эрталаб келади, унга қадар замбилларимиз сувга тўлади. Фельдшер бизни бир вагонга жойлаштиради. Вагонда Қизил Хоч ҳамширалари юришипти. Кроппга пастдан жой қилиб беришади. Мени тепага кўтаришади.

— Шошманглар, — дейман уларга.

— Нима гап? — ҳайрон бўлади ҳамшира.

Ўриндиққа назар ташлайман. Тўшак устига оппоқ чойшаб ёпилган, топ-тоза, дазмол излари кўриниб турипти. Мен кўйлагимни олти ҳафтадан буён алмаштирганим йўқ. Исқирт бўлиб кетган.

— Ўзингиз чиқоласизми? — сўрайди ҳамшира.

— Чиқишга чиқаман, — дейман унга, — олдин чойшабни олиб ташланг.

— Нега?

— Чунки... — у ёғига дудуқланиб қоламан.

— Нарӣ борса гижим бўлади-да, — дейди у менга далда бериб. — Ҳечқиси йўқ, кейин дазмоллаб юборамиз.

— Йўқ, гап унда эмас, — жавоб бераман минг истиҳола билан.

Бунақа маданий ҳаётга бирдан қайтишга ҳали тайёр эмасман.

— Сиз оқопларда ётгансиз, наҳотки биз чойшабни ювишга ҳам ярамасак? — дейди ҳамшира.

Унга тикилиб қарайман: ёш, беғубор, атрофимдаги барча нарсалардай пок-киза; буларнинг бари фақат зобитларга мўлжалланмаганига ишонини қийин. Лол қолади одам.

Аммо-лекин жудаям хира аёл экан, гапирмаганимга қўймайди.

— Биласизми... — у ёғини айтолмайман: ўзи тушуниши керак-да, ахир.

— Хўш, хўш?

— Ҳалиги... бит масаласи... — дейман ниҳоят.

У қулиб юборади:

— Битлар ҳам бир мазза қилсин-да!

Бу бошқа гап. Қийнала-қийнала ўриндиққа чиқволаман.

Кимнингдир бармоқлари адёлни пайпаслайди. Қарасам, фельдшер. Сигараларни олиб, чиқиб кетади.

Бир соатдан кейин поезд ўрнидан кўзғалади.

* * *

Кечаси уйғониб кетаман. Кропп ҳам нариги ёнбошига ағдарилади. Поезд бир маромда ўрмалаяпти. Ҳануз кўниколмайман: оппоқ тўшак, поезд. Наҳотки уйга кетаётган бўлсам?

— Альберт, — пичирлайман аста.

— Нима дейсан?

- Ҳожатхона қаердайкин?
- Йўлакнинг охирида бўлса керак.
- Ҳозир кўрамиз.

Вагон ичи қоронғи, ўриндиқ четидан ушлаб, пастга тушишга уринаман. Ҳарчанд қидирмай, таянч нуқтани тополмайман. Оёғим панд бериб, гурсиллаб полга йиқиламан.

- Оббо, палакат-ей!
- У ер-бу еринг синмадими? — сўрайди Кропп.
- Эшитмадингми? — дейман сир бой бермай. — Бошим билан тушдим-ку. Вагон охиридаги эшик очилиб, қўл чироғини кўтарган ҳамшира кўринади. Аста ёнимга келади.

- Йиқилиб тушдингизми?
- У томиримни ушлаб кўради, пешонамга кафтини босади.
- Ҳароратингиз йўқ...
- Тўғри, йўқ.
- Балки ёмон туш кўргандирсиз? — сўрайди ҳамшира.
- Қайдам...

Яна сўраб-суриштириш... У менга мовий кўзларини тикиб турипти, юзи шунақа тиниқ, шунақа жозибали, — йўқ, айтолмайман.

Мени яна тепага чиқазиб қўйишади. Меҳрибончиликни қаранглар! У кетганидан кейин бари бир тушишим керак-ку! Қарироқ бўлганда ҳам майли эди, тўғриси айтиб қўя қолардим. Бунга қайси тил билан гапираман, ёш бўлса, чиройли бўлса! — узоғи билан йигирма бешда. Йўқ, айтолмайман.

Альберт жонимга ора киради, — у уялмайди, ўзи ҳақида гап кетаётгани йўқ-да. Ҳамширани имлаб ёнига чиқариб олади.

- У бир чиқиб келиши керак.

Альбертдай юзи қотиб кетган одам ҳам очигини айтишга тортинади. Фрон-тда-ку бунақа гаплар оғизнинг бир чеккасидан чиқиб кетади, лекин рўпарангда шундай соҳибжамол қиз турганда... Альберт яна ишорадан нарига ўтолмайди:

- Чиқиб келмаса бўлмайди, ҳамшира.
- Э, шунақами! — дейди ҳамшира. — Бунинг учун тўшакдан туриш шарт эмас, қолаверса, оёғи гипсда. Қайси бири керак? — менга мурожаат қилади ҳамшира.

Гапнинг нишаби бу ёққа бурилиб кетишини кутмагандим, шунинг учун бир лаҳза довдираб қоламан. “Қайси бири керак” — дегани нимаси! Қийин аҳволдан ҳамширанинг ўзи чиқазади:

- Каттасими, кичигими?

Ана холос! Аъзойи баданимдан тер чиқиб кетади, кейин секин шивирлайман:

- Кичиги.

Менга “ўрдак” келтириб беришади. Бир неча минутдан сўнг бошқалар ҳам орқамдан навбатга туришади. Эртасига нима керак бўлса, тортинмай сўрайдиган бўламиз.

Поезд секин юради. Баъзан ўлганларни тушириб қолдириш учун тўхтайтиди. Бунақа воқеа тез-тез юз бериб туради.

* * *

Альбертнинг ҳарорати кўтарилади. Мен ҳам лоҳасман, оёғим оғрийди, бундан ҳам ёмони, гипснинг остида бит ўрмалагани. Оёғим қичийди, лекин қашлашнинг иложи йўқ.

Кунлар мудраш билан ўтади. Учинчи куни кечаси Хербесталга етиб келамиз. Альбертнинг ҳарорати баланд бўлгани учун кейинги бекатда тушириб қолдирмоқчи эканликларини ҳамширадан эшитаман.

- Қаерда тўхтаимиз? — сўрайман ундан.
- Кёльнда.

— Альберт, сен билан бирга қоламан, — дейман унга, — мана кўрасан!

Ҳамшира кейинги гал кирганида чуқур нафас олиб, ҳавони чиқазмай тураман. Юзим бўғриқиб кетади. Ҳамшира олдимда тўхтади:

— Оғрияптими?

— Ҳа, — жавоб бераман инграб, — бирдан бошланиб қолди.

У менга ҳарорат ўлчагич бериб, йўлида давом этади. Энди нима қилишни ўзим биламан, — Кат ўргатган-да. Бу ўлчагич пихи қайрилганларга мўлжалланмаган. Симоб юқорига кўтарилгач, чиққан жойида тураверади, пастга тушмайди.

Ўлчагични қўлтиғимга тескари қўяман, яъни симоб турган учи тепада. Кейин уни кўрсаткич бармоғим билан қоқа бошлайман. Олиб қарасам: 37,9. Бу кам. Ёниб турган гугурт чўпига тутиб, ҳароратни 38,7 га етказаман.

Ҳамшира қайтиб келганида ўзимни юз ҳунарга соламан: инграймаман, тўлғанаман, ҳансирайман, кейин аста пичирлаб қўяман:

— Вой, ўлиб қоламан шекилли!

Ҳамшира фамилиямни ёзиб олади. Биламанки, оёғимдаги гипсни очиб ўтиришмайди.

Кёльнда мени Альберт билан бирга тушириб қолдиришади.

* * *

Биз католиклар ибодатхонасига жойлашган кўчма шифохонада ётибмиз. Омадимиз бор экан: католиклар шифохонаси ўзининг шарт-шароити ва сифатли таомлари билан шуҳрат қозонган. Бу ерда бизнинг поездимиздаги ярадорлар гиж-гиж; кўплари оғир аҳволда. Бугун бизни кўришмайди, дўхтирлар кам. Йўлакдан резина гилдиракли аравачалар у ёқдан-бу ёққа ўтиб туради, ичида ё ярадор, ёки омонатини топширган кишилар ётган бўлади.

Тун нотинч ўтади. Ҳеч ким ухламайди. Тонгга яқин пича мизғиймиз. Кўзимга ёруғ тушиб, уйғониб кетаман. Эшик очик, йўлакдан гўлдир-гўлдир овозлар эшитилиб турипти. Бошқалар ҳам уйғонишади. Ярадорлардан бири, — у бу ерда анчадан буён ётипти, — тушунтиради:

— Тепада ҳар куни саҳар пайти қизлар ибодат қилишади. Бизга ҳам савоб улашиш мақсадида эшикларни очиб қўйишади.

Бунинг учун раҳмат, лекин бизнинг суякларимиз зирқираб, бошимиз лўқиллаб ётипти-ку!

— Бу қанақа бемаънилик! — дейман мен. — Кўзим эндигина илинувди-я!

— Тепада енгил ярадорлар ётипти, ўшалардан чиққан бу гап, — дейди ёнимда ётган йигит.

Альберт инграйди. Менинг хунобим ошади:

— Ҳой, қизлар, бас қилинглар!

Сал ўтмай, хонага ҳамшира кириб келади. Эғнида роҳибалар киядиган оқ-қора кийим. Худди қўғирчоққа ўхшайди.

— Эшикни ёпинг, ҳамшира, — дейди кимдир.

— Эшик шунинг учун очиқки, йўлакда ибодат қилишяпти.

— Уйқумиз ҳаром бўлди.

— Ҳадеб ухлайвермай, ибодат қилиш керак, — дейди у жилмайиб. — Ундан ташқари, ҳозир соат еттидан ошди.

Альберт яна инграйди.

— Ёпсангиз-чи! — бақираман мен.

Ҳамшира саросималаниб қолади, унга ҳеч ким қаттиқ гапирмаган-да.

— Сизларга ҳам худодан шифо тилаяпмиз.

— Жуда соз, ёпинг эшикни!

У чиқиб кетади. Эшикни ёпмайди. Йўлакда яна гўлдир-гўлдир бошланади. Жоним ҳалқумимга келади:

— Учгача санайман. Агар шу вақт ичида тўхтатишмаса, ўзларидан кўришсин.

Бешгача санайман. Кейин бўш шишани олиб, эшикдан йўлакка улоқтираман. Шиша чил-чил бўлади. Овозлар тинади. Хонага бир гала ҳамширалар чопиб кириб, бизни койиб кетишади.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

— Ёпинглар эшикни! — бараварига қичқирамиз биз.

Улар изларига қайтишади. Энг олдин кирган ҳамшира энг кейин чиқади.

— Осийлар! — дейди у, лекин бари бир эшикни ёпади.

Биз галаба қиламиз.

* * *

Тушга яқин шифохона бошлиғи кириб, бизни роса обориб-опкелади. Қаль-ага жўнатаман, дейдими-ей, ертўлага қамайман, дейдими-ей. Лекин булар бор-йўғи ҳарбий дўхтирлар, форма кийиб, қилич тақиб юргани билан оддийгина тўралардан фарқи йўқ. Шунинг учун она сути оғзидан кетмаган аскарлар ҳам улардан ҳайиқмайди. Гапирса гапиравермайдими, қўлидан нима келарди?

— Шишани ким отди? — сўрайди у.

Оғиз жуфтлашга улгурмасимдан кимдир қичқириб қолади.

— Мен!

Каравотларнинг биридан серсоқол бир одам хиёл қаддини кўтаради. Нега у бу ишни бўйнига олганидан ҳаммамиз ҳайрон.

— Сизми?

— Худди шундай. Бемаврид уйғотиб юборишганидан жаҳлим чиқиб, ўзимни туюлмаб қолдим, нима қилганимни ҳам билмайман, — дейди у бидирлаб.

— Фамилиянгиз?

— Иозеф Хамаҳер, заҳирадан чақирилганман.

Бошлиқ чиқиб кетади.

Биз ҳалиги одамга қизиқиб қоламиз.

— Нега ўзингга олдинг? Шишани отган бошқа одам-ку?

У жилмаяди:

— Нима қипти? Менда гувоҳнома бор.

Қанақа гувоҳномалигини ҳаммамиз тушунамиз. Бунақалар кўнглига келган ишни қилишаверади.

— Бир куни, — давом этади у, — бошимдан яраландим, шундан кейин қўлимга, эси кирди-чиқдироқ, деган қоғоз ёзиб беришган. Менга ҳаяжонланиш мумкин эмас. Охири вой бўлади. Шунинг учун мени ҳеч ким кўрқитолмайди. Ўзимга олганимнинг сабаби, шиша отганинглар айна муддао бўлди. Агар эртага ҳам эшикни очиб қўйишса, яна отамиз.

Биз хурсанд. Орамизда Иозеф Хамаҳер бор экан, бундан баттарини ҳам қиламиз.

Кейин бизни олиб кетгани резина филдиракли аравачалар кириб келади.

Докаларимиз қуриб қолган. Оғриққа чидаб бўлмайди.

* * *

Хонада саккиз кишимиз. Яраси энг оғири Петер, сочлари жингалак қорача йигит, — ўпкасини ўқ тешиб ўтган. Унинг ёнида ётган Франц Вехтернинг билаги маҳалланган. Лекин аҳволи яхшидай кўринганди. Учинчи кечага ўтганда навбатчи ҳамширани чақиришни илтимос қилиб қолди, — қон докадан си-зиб чиқипти.

Кўнғироқни босаман. Ҳамшира келмайди. Кечқурун роса югуртирганмиз — ҳаммамизнинг ярамизни боғлаган, шундан кейин жароҳат баттар оғрийди. Биров оёғимни сал силжитиб қўйинг, дейди, бошқаси яна бир нарсани баҳона қилади, учинчиси сув сўрайди, яна бирови ёстиғимни тўғрилаб қўйинг, деб чақиради, хуллас, бесўнақай кампирнинг тинка-мадори қуриб, эшикни қарсиллатиб ёпганча чиқиб кетади. Мана энди келмаяпти. Ҳаммаси қайтадан бошланади, деб кўрқяпти-да.

Кутамиз. Францнинг сабри чидамай:

— Яна бос кўнғироқни! — дейди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Босаман. Ҳамширадан дарак йўқ. Кечасига бир ўзи қолади, эҳтимол, бошқа хонага кириб кетгандир.

— Франц, қон кетаётганига ишонасанми? — сўрайман ундан. — Тагин эртага гап эшитиб юрмайлик.

— Дока жиққа ҳўл. Чироқни ёқсак бўларди-да.

Лекин чироқни ёқиш ҳам осонмас. Тугмача эшик ёнида. Ҳеч ким туриб боролмайди. Кўнғироқни бармоғим оғригунча босиб туравераман. Балки мудраб қолгандир? Иши кўп-да, чарчаган. Бунинг устига, ибодатни канда қилмайди.

— Шиша отамизми? — дейди гувоҳномаси бор Иозеф Хамахер.

— Кўнғироқни эшитмаган, шишанинг синганини эшитармиди?

Ниҳоят, эшик очилади. Остонада қовоқлари салқиган ҳамшира пайдо бўлади. Францнинг аҳволини кўриб, типирчилаб қолади.

— Нега шу пайтгача чақирмадинглар?

— Кўнғироқни чалдик. Ҳеч ким юриб боролмайди.

Ростдан ҳам кўп қон кетган экан, кампир ярани қайтадан боғлайди. Эрталаб юзига қарасак, сап-сарик, фақат бурни қолган, кеча кечқурун туппатузук эди-я! Шундан кейин ҳамшира тез-тез кириб турадиган бўлади.

* * *

Баъзан бизга Қизил Хочнинг ҳамширалари қарашади. Улар оққўнгил, лекин сал эпсизроқ, замбилдан олиб, каравотга ётқизаётганда одамни қийнаворишади, кейин ўзлари хижолат бўлишади, буни кўриб, биз баттар эзиламиз.

Бизга роҳибалар маъқул. Қиттай ҳам озор беришмайди, фақат чехраларини очиброқ юрсалар бас. Дарвоқе, баъзилари ҳазил-хузулни тушунишади, офарин ўшаларга. Мана, масалан, ҳамшира Либертинани олайлик. Ҳар биримиз оёғини ўпишга тайёрмиз. Узоқдан кўргандаёқ кайфиятимиз кўтарилади. Бунақалар анча-мунча. Улар учун жонимизни берамиз. Йўқ, нолисак нонкўрлик бўлади, — роҳибалар жудаям меҳрибон. Гарнизондаги шифохоналарга солиштирганда бу ер жаннат.

Франц Вехтер бари бир ўнганмади. Бир куни опчиқиб кетиб, қайта опкиришмади. Сабабини Иозеф Хамахер тушунтирди:

— Уни энди кўрмаймиз. Азроилхонага олиб кетишган.

— Азроилхонаси нимаси? — сўрайди Кропп.

— Ҳалиги... ўлимга маҳкумлар хонаси-да.

— Қанақа хона бу?

— Бинонинг охирида. У ерга тузалмайдиганларни ётқизишади. Иккита каравот кўйилган. Номи шунақа бўлиб кетган.

— Нега унақа қилишади?

— Хархаша камроқ-да. Бунинг устига, қулай, — хона лифтнинг ёнига жойлашган, лип эткизиб, ўликхонага опчиқиб кетишаверади. Балки ярадорнинг жон беришини бошқалар кўрмаслиги учун шундай қилишар. Қолаверса, кўз-қулоқ бўлиб туриш ҳам осонроқ.

— Лекин ўша ярадорга осонмас-да.

Иозеф елкасини қисади:

— Начора, у хонага тушган одам буни сезмайди ҳам.

— Аммо бошқалар билишади-ку?

— Тўғри, узоқ ётганлар билишади.

* * *

Тушдан кейин Франц Вехтернинг ўрнига бошқа ярадорни ётқизишади. Бир неча кундан кейин уни яна олиб кетишади. Иозеф кўли билан маъноли ишора қилади. Бу охириги эмас. Кўз олдимизда нечтаси келиб, нечтаси кетяпти.

Каравот ёнида баъзан қариндошлар ўтирган бўлади. Улар унсиз йиғлашади ёки бир-бирлари билан шивирлаб гаплашишади. Бир кампир кетишни хоҳла-

майди, аммо бу ерда қолиш мумкин эмас. Эртасига жуда барвақт келади, лекин бундан ҳам барвақтроқ келса яхши бўларди, — каравот ёнига бориб, бошқа одам ётганини кўради. Уни ўликхонага йўллашади. Олма олиб келган экан, бизга тарқатади.

Петернинг ҳам аҳволи оғир. Ҳарорати кўтарилиб кетяпти. Ҳадемай унинг каравоти олдида ҳам пастак аравача тўхтади.

— Қаёққа? — деб сўрайди у.

— Ярани боғлаш хонасига.

Уни аравачага ётқизишади. Аммо ҳамшира хатога йўл қўяди. Каравотдаги илгакдан унинг камзулини олиб, ёнига ташлайди. Яна келиб юраманми, дейди-да. Петер нима гаплигини дарров пайқайди, аравачадан тушиб қолмоқчи бўлади.

— Бормайман!

Уни қамирлатишмайди. Йиғи аралаш хириллаб қичқиради:

— Азроилхонага бормайман!

— Ярангдаги докани алмаштирмоқчимиз.

— Камзулни нега олдинглар бўлмаса?

Бошқа гапиролмайди. Фақат хирилдоқ овозда энтикиб шивирлайди:

— Шу ерда қолдириглар!

Улар ҳеч нима демай, хонадан олиб чиқиб кетишади. Остонага етганда Петер ўрнидан туришга уринади. Қоп-қора жингалак сочлари ҳурпайиб кетган, кўзларида ёш.

— Қайтиб келаман! Қайтиб келаман! — қичқиради у.

Эшик ёпилади. Ҳаммамиз ҳаяжондамиз, лекин миқ этмаймиз. Ниҳоят Иозеф тилга киради:

— Биринчи марта эшитаётганимиз йўқ. У хонага борган одам қайтиб келмайди.

* * *

Мени операция қилишади, шундан кейин икки кунча қусиб чиқаман. Дўхтирнинг айтишича, суякларим битмаётганмиш. Бир ярадорнинг суяги қий-шиқ ўсган экан, қайтадан операция қилишмоқчи. Ўзи бўладими! Янги келган икки аскар япасқитовон. Кўрик пайтида бош дўхтир пайқаб қолиб, севиниб кетади:

— Сизларни бу дарддан халос этамиз, — дейди у. — Арзимаган операциядан сўнг йўрға отдай бўлиб кетасизлар. Ҳамшира, ёзиб қўйинг.

У кетгач, билагон Иозеф аскарларни огоҳлантиради:

— Кўнманглар! Бу қария илмий иш юзасидан тажриба ўтказяпти. Нуқул ўзига керакли беморларни қидиргани қидирган. Операциядан кейин баттар бўлади, умрбод ҳассага таяниб қоласизлар.

— Нима қилишимиз керак? — сўрайди улардан бири.

— Рози бўлманглар! Сизларни бу ерга жароҳатни даволаш учун ётқизишган, оёқ кафтини рандалаш учун эмас. Фронтда туппа-тузук юргансизлар-ку! Мана ҳозир ҳам юрибсизлар, лекин чолнинг тиғи текканидан кейин майиб бўлиб қоласизлар. Унга тажрибабоп куёнлар керак, уруш унинг учун энг қулай пайт, бошқа дўхтирлар учун ҳам. Пастки қаватда ўша қариянинг қўлидан чиққан ўнга яқин одам бор. Баъзилари кўп йиллардан буён ётишипти, ўн бешинчи, ҳатто ўн тўртинчи йилдан бери. Ҳеч қайсисининг юриши ўзгармаган, қайтанга баттар бўлган, кўпларнинг оёғи гипсда. Ҳар ярим йилда уларни қайтадан операция қилиб, мана энди зўр бўлди, дейишади. Яхшилаб ўйлаб кўринглар. Сизларнинг розилингсиз ҳеч нарса қилишолмайди.

— Эҳ, дўстим-ей, — дейди ҳалиги аскар, — бош кетгандан кўра оёқ кетгани яхши. Яна фронтга жўнатишса ўқ қаерингга тегишини билмайсан-ку! Нима бўлса бўлар, уйга етволсам бас. Оқсоқлансам ҳам тирик юрганам маъқул.

Унинг шериги, биз тенги йигит, розилик бермайди. Эртасига эрталаб бош дўхтир уларни пастга олиб тушишни буюради. Аскарларни кўндиришга роса

уринади, кейин дўқ-пўписага ўтади, охири йигитлар рози бўлишади. Иложлари қанча? Улар бир махлуқ, қария эса катта одам. Икковларини ҳам хонага оёқлари гипсланган ҳолда олиб келишади.

* * *

Альбертнинг иши чатоқ. Уни операция хонасига олиб кетишади. Оёгини бутунлай, сонининг энг тепасидан кесиб ташлашади. У ҳеч ким билан гаплашмайди. Бир куни, ўзимни ўлдираман, тўппонча қўлимга тушиши билан юрагимга ўқ узаман, дейди.

Янги ярадорларни олиб келишади. Кўзидан айрилган икки аскарни бизнинг хонамизга жойлаштиришади. Бири ёшгина мусиқачи. Овқат келтирилганда ҳамширалар пичоқни яшириб қўйишади. Бир гал у ҳамширанинг қўлидан пичоқни юлқиб олган ҳам. Мусиқачини аранг тўхтатиб қолишади.

Бошқа сафар эса кечки овқат пайтида ҳамширани кимдир йўлакка чақиради, у ликопчани санчқи билан столда қолдириб чиқиб кетади. Мусиқачи пайпаслаб санчқини топади-да, шартта кўкрагига уради. Ҳай-ҳайлаб қола-миз, бир кишининг кучи етмайди, санчқини ундан тортиб олиш учун камиде уч киши керак. Санчқи анча чуқур ботган экан. Кечаси билан бизни сўкиб чиқади, ҳеч кимни ухлатмайди. Тонгга яқин алаҳсирай бошлайди.

Хонамизда яна иккита каравот бўшайди. Кунлар шу зайлда ўтаверади, ҳар бир кун — дод-вой ва кўркүв, хириллаш ва ингроқлардан иборат. Аэроилхона торлик қилиб қолади, одамлар энди хонанинг ўзида жон беришяпти.

Кунлардан бир кун эшик очиладию остонада жингалак сочли Петер ўтирган аравача пайдо бўлади. Ҳамшира Либертина жилмайганча аравачани каравот ёнига итариб юборади. Петер аэроилхонадан қайтди. Биз уни аллақачон ўлдига чиқазиб қўйган эдик.

У ҳаммамизга бир-бир разм солади.

— Хўш, қайтиб келаман, демаганмидим?

Ҳатто Иозеф Хамахер ҳам, бунақа мўъжизани биринчи кўришим, деб тан олади.

* * *

Орадан маълум муддат ўтгач, айримларимизга тўшакдан туришга рухсат беришади. Менга ҳам қўлтиқтаёқ тутқазишади, аста-аста юра бошлайман. Аммо-лекин Альбертнинг нигоҳига дош бериш қийин, — мўлтираб қараб тураверади. Жудаям бошқача қарайди. Шунинг учун кўпинча йўлакка чиқиб кетаман, у ёқда ўзимни эркинроқ ҳис этаман.

Пастки қаватда қорнидан, умуртқасидан, бошидан яраланган ва иккала қўли ёки оёғи кесиб ташланган аскарлар ётишади. Унг қанотда газдан заҳарланганлар, ияги ва бурни мажақ бўлганлар, қулоғи ва томоғи тешилганлар жойлашган. Сўл қанот кўзидан айрилганлар, ўпкаси, думғазаси, бўғими, буйраги ва моягидан жароҳат олганларга ажратилган. Инсон танаси нақадар заифлигини фақат шу ерда кўриш мумкин.

Икки ярадор қоқшолдан ўлади. Иккаласининг ҳам юзида қон йўқ, танаси тарракдек қотиб қолган, ҳаёт нишонаси фақат кўзларида яна бир оз вақт милтираб туради. Кимнингдир синган қўли ёки оёғи шифтга боғланган чил-вирга осиб қўйилган. Бошқасиники бир учида оғир тош осилиб турган арқон билан боғланган. Фельдшер йигит менга елка, умуртқа ва бўғим суяклари майда-майда бўлиб кетган рентген суратларини кўрсатади.

Шу даражада дабдаласи чиққан танада бош ҳамон қаққайиб турганига ақл бовар қилмайди. Бу фақат битта шифохонадаги манзара. Бунақа шифохоналар Германияда сон мингта, Францияда сон мингта, Россияда сон мингта. Ер юзида мана шундай кўргуликлар юз бериб турган экан, одамларнинг ижоди ҳам, ихтироси ҳам, кашфиёти ҳам бир пул! Қон дарёсини тўхтатишга қурби

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

етмаган, юз минглаб бунақа даҳшатхоналарни очиб қўйган жамиятнинг минг йиллик тараққиётига мен ишонмайман, бари ёлғон, бу тараққиётдан инсонга сариқ чақалик наф йўқ. Урушнинг нималигини фақат шифохонада тўла англаш мумкин.

Мен ёшман — эндигина йигирмага кирдим, лекин кўрганларим — қон, ўлим, қўрқув ва мудҳиш азоб-уқубатдан иборат нурсиз, бемақсад ҳаёт бўлди. Кимдир бир халқни иккинчисига гиж-гижлайди, одамлар бировнинг ирода-сига бўйсуниб, бир-бирларини ўлдирадилар, лекин жиноят қилаётганликлари ва гуноҳга ботаётганликлари ҳақида ўйламайдилар. Инсониятнинг энг доно вакиллари янги-янги қуроолларни яратадилар ва буни оқлаш учун қоп-қоп сўзларни топадилар. Жазосини биз тортамыз, ер юзидаги жамики тенгдошларим тортишади. Вақт-соати келиб, қабрдан бош кўтарсагу ота-боболаримиздан ҳисоб сўрасак, нима деб жавоб беришаркин? Урушдан омон чиқсак-чи, биздан нимани кутишлари мумкин? Узоқ йиллар биз қотиллик қилдик. Вазифамиз шу эди, ҳаётимиздаги энг биринчи юмуш одам ўлдириш эди. Ҳаёт ҳақидаги тушунчамиз, бу — ўлим. Хўш, кейин нима бўлади? Бизнинг тақдиримиз қандай кечади?

* * *

Ичимизда энг каттамиз — Левандовский. Ёши қирқда, қорнидан оғир яранган, шифохонага келганига ўн ой бўлган. Ўрнидан туриб, белини чангаллаганча тета-поя қилаётганига бир ҳафтадан ошгани йўқ.

Кейинги кунларда қаттиқ ҳаяжонда. Польшанинг олис бир шаҳарчасида яшаётган хотинидан хат олган. Озгина пул тўпладим, кўргани бораман, деб ёзипти у.

Ҳозир хотини йўлда, бугун-эрта етиб келади. Левандовскийнинг иштаҳаси йўқолган, ҳатто ёнига қарам солинган сосискани ҳам бир оз чўқилаб, шерикларига узатади. Хатни кўтарволиб, хонада у ёқдан бу ёққа юргани юрган; ҳар биримиз мактубни ўн мартадан ўқиб чиққанмиз, конвертдаги муҳрларни текширганмиз, хат қўлдан-қўлга ўтавериб, латтага ўхшаб қолган, ёзувлари ўқиб бўлмайдиган даражага етган. Ахири Левандовскийнинг иситмаси кўтарилиб, яна ётиб қолади.

Хотини билан кўришмаганига икки йил бўлипти. Бу орада у фарзанд кўрипти, янги меҳмонни ҳам олиб келаётганмиш. Аммо Левандовскийнинг хаёли бошқа ёқда. Кампири келганда шаҳарга чиқишга рухсат беришлари шубҳасиз, — хотиннинг ҳуснига термилиб ўтириш яхши, буни ҳамма билади, лекин шунча вақт кўришмагандан кейин эр деган ўзининг бошқа хоҳишларини ҳам қондириб олиши керакми-йўқми?

Левандовский бу масалани биз билан узоқ муҳокама қилади, — аскарнинг орасида сир бўлмайди-да. Шаҳарга бориб келганлар унга боғ ва хиёбонлардаги ҳеч ким кўрмайдиган бир нечта пастқам жойларни айтишади, бир аскарнинг кўз остига олиб қўйган алоҳида хонаси ҳам бор экан.

Лекин булардан нима фойда? Ўзи кўрпа-тўшак қилиб ётган бўлса. Левандовский мана шунга хуноб. Наҳотки шундай қулай имкониятни қўлдан чиқазса? Унга тасалли берамиз: дунёда иложи йўқ иш борми, бир чораси топилар, деб кўнглини кўтарамиз.

Эртаси кун хотини етиб келади. Жуссаси кичик, озғин, кўзлари ўйнаб турадиган аёл. Елкасига ола-була жияклар қадалган қора тўр рўмол ташлаб олган. Рўмолни қайси гўрдан топган — худо билади, катта бувисидан мерос қолган бўлса керак-ов.

Аёл остонада туриб, бир нима деб гўлдирайди. Олти киши ётганини кўриб, кўрқиб кетди шекилли.

— Киравер, Мария, — дейди Левандовский ўзини шўх йигитдай кўрсатишга уриниб. — Кўрқма, еб қўйишмайди.

Левандовская каравотлар оралаб юриб, ҳамма билан қўл бериб сўрашади, кейин тагини булғашга улгурган чақалоғини кўз-кўз қилади. Ҳар хил мун-

чоқлар терилган каттакон сумкасидан тоза мато чиқазиб, чақлоқни бошқатдан йўргаклайди. Шу аснода бояги довдираши тарқалиб, эри билан гаплаша бошлайди.

Тоқати тоқ бўлган Левандовский, бизга жаҳл билан қараб-қараб кўяди. Сабабини биламиз.

Ҳозир энг қулай пайт — дўхтир кўрикни тугатган, хонага фақат ҳамшира бош суқиб қолиши мумкин. Ҳар эҳтимолга қарши бир киши йўлакдан хабар олади. Қайтиб кириб, Левандовскийга белги беради:

— Ҳеч ким йўқ, Иоганн! Бошлайвер.

Эр-хотин бир-бирлари билан полякчалаб нималарнидир гаплашишади. Аёл бизга хижолатомуз назар ташлаб кўяди, юзи сал қизарган. Биз беистеҳзо жилмайиб, тескарига қараймиз, — нима қипти, уят жойи йўқ бунақа ишнинг! Истиҳола бошқа замонларга ярашади. Бу ерда урушда мажруҳ бўлган дурадгор Левандовский ётипти, ёнида хотини. У билан яна қачон кўришади — худо билади. Майли, бир хумордан чиқсин. Шунга ҳам ота гўри қозихонами!

Йўлакда бирорта ҳамширанинг шарпаси эшитилиб қолса, уни гапга солиб туриш учун икки йигитни эшик олдида қоровулликка кўямиз. Улар чорак соат туриб беришни бўйинларига олишади.

Левандовский фақат ёнбошлаб ётиши мумкин. Шунинг учун белига яна икки-учта ёстиқ тираб кўямиз. Чақалоқни Альбертга тутқишишади, кейин ҳаммамиз орқа ўирамиз, аёл адёл остига кириб кетади, биз ҳазил-хузул, шовқин-сурон билан қартавозликни бошлаб юборамиз.

Ҳаммаси жойида. Менга нуқул чиллик тушипти, тагин денг майдалари, бир амаллаб вазиятдан чиқиб кетаман. Ўйинга берилиб, Левандовскийни ҳам унутамиз. Кейин чақалоқнинг йигиси эшитилади, Альберт минг лалов-лалов қилмасин, минг ликиллатмасин, чинқириб ётипти-да. Адёл тагидан аёлнинг пичирлагани, эрининг тўнғиллагани қулоққа чалинади. Бир оздан сўнг бошимизни кўтарсак, чақалоқ онасининг тиззасида ўтирипти. Иш битган.

Энди ўзимизни каттакон бир оиладай ҳис этамиз. Левандовскийнинг хотини гул-гул очилиб кетган, жиққа терга ботган Левандовскийнинг оғзи қулоғида, нуқул тиржаёди.

Аёл сумкасидан антиқа колбасаларни чиқазади, Левандовский пичоқни олиб, уларни ҳафсала билан кесади, кейин тантанавор бир қиёфада бизга ишора қилади. Жиккак озгин аёл ҳар қайсимизнинг ёнимизга келиб, табасум билан ликопдаги колбасани туттади. Энди у кўзимизга бинойидек кўрилади. Биз уни ойижон деб чақирамиз. Аёл хурсанд.

* * *

Бир неча ҳафтадан сўнг ҳар кунни даволаш гимнастикасига қатнай бошлайман: оёғимни педалга боғлаб, чигилини ёзишади. Қўлимнинг жароҳати аллақачон тuzалган.

Фронтдан янги-янги ярадорлар келиб туришипти. Боғлоғичлар энди докандан эмас, бурма қоғоздан — фронтда тиббий жиҳозлар ҳам тақчил бўлиб қолган.

Альбертнинг жароҳати тез битяпти. Яра деярли қуриган. Ҳадемай протез кўйишади. Ўзи ҳалиям кам гапиради, илгаригидан оғир-вазмин. Баъзан сўзини тугатмай, бир нуқтага тикилиб қолади. Биз бўлмаганимизда аллақачон жонига қасд қиларди. Хайрият, ҳозирча тақдирга тан берган. Қарта ташлаганимизда баъзан томоша қилиб ўтиради.

Шифохонадан чиққанимдан кейин менга таътил беришади.

Ойим ўтган галгидай, қайтаётганимда йиғи-сиги қилади. Жудаям қувватдан кетган. Хайрлашиш осон бўлмади.

Кейин полкдан чақириб қоғози келади. Яна фронтга жўнайман.

Альберт билан хайрлашаман. Аскарнинг қисмати шу — у ҳамма нарсага кўникади.

XI

Кейинги пайтларда кун санамайдиган бўлиб қолдик. Бу ерга келганимда қаҳратон қиш эди, портлаш тўлқини ҳавога учирган яхлар снаряд парчаларидан қолишмайди. Ҳозир дарахтлар барг чиқарди. Гоҳ барақдамиз, гоҳ фронтда, — ҳаётимиз шундан иборат. Уруш рақ ва силдай, грипп ва ичбуруғдай хавфли касалликка ўшаркан. Фақат урушда ўлим кўпроқ бўлади, шаклу шамойили ҳам даҳшатлироқ.

Бизнинг ўй-у хаёлларимиз — гард-ғуборнинг нақ ўзи. Дам олаётганимизда яхши нарсалар тўғрисида ўйлаймиз, тўплар ҳайқириви эса ҳар қандай хаёлни тўзғитиб юборади. Қалбимиз, худди атрофдаги ўралардай, ўйдим-чуқур бўлиб кетган.

Ҳозир фақат биз эмас, бошқаларнинг турмуши ҳам шу: ўтмиш ўз қадр-қимматини йўқотган, одамлар ростдан ҳам ўтмишни унутишган. Таълим ва тарбия яратган тафовут йўқ бўлиб кетган, аҳён-аҳёнда сезилади, холос. Бу тафовут баъзан вазиятни тўғри илғашда қўл келади, лекин унинг чатоқ томонлари ҳам бор: ўринсиз инжиқлик ва вазминликни юзага чиқаради, буни енгиб ўтиш қийин. Гўё биз қачонлардир турли мамлакатларнинг бошқа-бошқа тангалари бўлганмиз; кейин уларни эритиб, бир хил тамғали тангалар ясашган. Фарқига бориш учун ўша тангалар қандай металлдан қуйилганини синчиклаб текшириш зарур. Биз энг аввало аскармиз, вужудимизнинг аллақайси бурчида инсонга хос хислатлар бир мўъжиза билан сақланиб қолган.

Ҳаммамиз ғалати ришталар билан боғланган оға-инилармиз, бу ришталар халқ қўшиқларида қуйланган дўстликни, маҳбусларнинг бирдамлиги, ҳукм этилганларнинг бир жон-бир танлигини эслатади. Бизни ўзимиз яшаб турган ҳаёт, доимий хавф-хатар ва юрак ютиб, ўлим дақиқаларини кутишдан иборат ўзига хос турмуш тарзи жипслаштирган. Айни пайтда шунақа бир ёлғизлик ҳисси ҳам мавжудки, киши ўзига ҳада этилган умр соатларини ўйламай-нетмай ўтиб кетган умрига қўшиб ҳисоблайди, энг қизиғи, шундай қилади-ю, бирон-бир эҳтиросни заррача идрок этмайди. Қаҳрамонлик билан сийқаликнинг омухтаси — ҳаётимизга ана шундай таъриф бериш мумкин, лекин бу ҳақда ким ўйлайди, дейсиз. Мана бир жузъий мисол: бизни душман бостириб келаётганидан огоҳлантиришади, Тьяден буни эшитиб, ўзини овқатга уради, — бир соатдан кейин тирик бўладими-йўқми, билмайди-да. Тьяденнинг бу иши хусусида узоқ баҳслашамиз. Катнинг фикрича, бундай қилиш нотўғри. — Жанг пайтида қориндан яраланишинг мумкин, ошқозон тўла бўлса, жароҳатнинг битиши оғир кечади.

Мана шунақа ҳодисалар ҳам биз учун муаммо, биз бунақа нарсаларга жиддий қараймиз, бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Гап ҳаёт-мамот устида кетяпти. Қолгани бир пул. Мана шу соддалигимиз бизни асрайди. Агар мураккаброқ мавжудот бўлганимизда аллақачон ё ақлдан озардик, ёки қочоқлик қилардик, ёинки ер тубида ётган бўлардик. Биз қорли чўққиларга тирмашаётган альпинистларга ўхшаймиз, — фикру зикримиз қоядан учиб кетмаслик-да. Бошқа нарсани хаёлимизга келтирмаймиз, акс ҳолда кучимиз қирқилади. Омон қолишнинг бирдан-бир йўли шу. Фронтда сокинлик ҳукм сураётган кезларда, ўтмишнинг сирли ёғдулари бугунги турмушимга гира-шира шуъла ташлаган дақиқаларда ўзимни ўзим танимай қоламан, ҳаёт деб аталмиш умр қарвони ақл бовар қилмайдиган укубатларга қай йўсинда мослаша олдийкин деб ёқа ушлайман. Ҳар томондан хавф солаётган ажалга чап бериш ҳаётимизнинг моҳиятини ташкил этади. Бу ҳаёт бизни ақлли жонворларга айлантирган. Равшан фикрлаш оқибатида юз бериши мумкин бўлган вазвасаларнинг олдини олиб, вужудимизни карахт қилиб қўйган. Ёлғизлик гирдобига тушиб қолмаслигимиз учун биродарлик туйғусини ато этган. Бу ҳаёт бошимизга ёғилган жамики кўргуликларга аччиқма-аччиқ, йилт этган ёруғ сониялардан лаззатланиш ва ушбу ҳузур-ҳаловатни танҳолик сиқувиға қарши ҳимоя воситаси сифатида асраб-авайлашимиз учун танамизга ёввойи одам-

нинг лоқайдлигини сингдирган. Бизнинг оғир турмушимиз ўз қобигига ўралган, у ҳаётнинг энг юза қисмида сузади, аҳён-аҳёндагина заиф бир учқун кўзга ташланиб қолади. Ана ўшанда ич-ичимизда мудраб ётган беадад ҳасрат жунбушга келади.

Хатарли вазиятларга мослашувимиз қандайдир сунъийлигини, бу ҳақиқий хотиржамлик эмас, балки хотиржам кўринишга зўр бериб тиришиш эканини ҳам сезиб турамиз. Ҳаётимиз четдан қараганда ёввойи қабилаларнинг турмуш тарзидан деярли фарқ қилмайди, бу қабилалар бемалол яшайверадилар, чунки худо уларни шундай яратган, жиндай таълим-тарбия берилса, закий одамларга айланиб кетишлари ҳеч гапмас. Биз эса куч-қувватимизни камолотга эришишга сарфламаймиз, аксинча, бир неча поғона тубанлашишга сарфарбар этамиз. Уларнинг турмуши ўзлари учун табиий, бундан асло азият чекмайдилар, биз эса тубанликка сунъий равишда, қўп куч сарфлаш эвазига эришамиз. Баъзан кечалари шунақа тушлар кўрамизки, уларнинг фусункорлигидан уйғониб кетамиз, аммо бизни жаҳолатдан ажратиб турган остонанинг омонатлигию чегаранинг кўз илғамаслигини даҳшат билан ҳис этамиз. Биз ҳалокат ва телбалик шамолидан омонат девор базўр ҳимоя қилиб турган, ҳар лаҳзада абадул-абад сўнишга маҳкум бўлган аланганинг кичкина тилларимиз. Отишманинг бўғиқ наъраси бизни ҳалқадай қуршаб олган, биз гужанак бўлиб, юрагимизни ҳовучлаб, қоронгилик қаърига тикиламиз. Фақат ухлаб ётган ўртоқларимизнинг нафас олиши бизга андак таскин беради. Тонг отишини кутамиз.

* * *

Ҳар бир кун, ҳар бир соат, ҳар бир снаряд ва ҳар битта ўлим ушбу бепанд иморатни емира боради, йиллар ўтиб, иморат қулаб тушади. Менинг атрофимдаги суянчиқлар ҳам мустаҳкам эмаслигини мудом ҳис этиб турман.

Мана, масалан, Детеринг билан юз берган воқеани олиб кўрайлик.

У ҳар доим бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қиларди. Уни қийғос гуллаган олча йўлдан оздирди. Бир куни олдинги маррадан қайтаётгандик. Тонг пайти эди. Баракка етмасимиздан кўча муюлишида гуллаб ётган олча дарахтини кўриб қолдик. Новдаларда ҳали барг йўқ, фақат гул, гўё оппоқ капалаклар маржондай тизилиб турганга ўхшайди.

Кечқурун Детеринг ғойиб бўлиб қолди. Кейин бир нечта олча шохларини кўтариб қайтиб келди. Унга тегажоглик қила бошладик: бирортаси ёқиб қолдим, ўзингни бозорга солмоқчимисан, деб роса жигига тегдик. Детеринг индамай ўрнига ётиб олди. Кечаси қарасам, ҳадеб тимирскиланяпти, менга халтасини боғлаётгандай туюлди. Хавотирланиб олдига бордим. Пинагини бузмади.

— Тентаклик қилма, Детеринг.

— Нима қипман, уйқум қочиб кетди, ўзимни овутиб ўтирибман.

— Олча гулини нега опкелдинг?

— Гул опкелиш ҳам мумкинмасми! — деб тўнғиллади у, кетидан қўшиб қўйди: — Боғимизда олча кўп. Ҳар йили шу пайтда бараварига гуллайди, пичанхона томидан туриб қарасанг, оппоқ чойшаб ёйиб қўйилганга ўхшайди.

— Балки ҳадемай таътилга чиқарсан. Ёки уйингга бориб келишга рухсат беришар — хўжалигинг катталигини билишади-ку, ахир.

У бош қимирлатиб кўя қолади, нигоҳида бирон бир маъни йўқ. Деҳқонларнинг қитиқ патига тегсанг шунақа бўлади, дарров тумшайиб олишади. Уни чалғитиш мақсадида нон сўрайман. Детеринг шоша-пиша узатади. Бу иши шубҳалироқ, чунки ўзи хийлагина хасис-да. Шунинг учун мен ҳам ухламайман. Кечаси тинч ўтади, эрталаб қарасам, туппа-тузук.

Менинг кузатаётганимни пайқаб қолган шекилли. Эртасига эрталаб яна жойида йўқ. Сездим-у, бировга чурқ этмадим. Майли, ҳамма нарсанинг да-

воси вақт, балки ўзига кепқолар. Голландияга қочиб кетган одамлар ҳам кўп бўлган.

Аммо йўқлама пайтида ҳам кўринмади. Бир ҳафтадан сўнг Детерингни дала жандармчилари тутиб олганини эшитдик. Германияга йўл олган экан (топган жойини қаранг!) Ўйламай, қизиқ устида қилган бу ишни. Соғинч изтироби устун келган-да. Бунақа вазиятда фронтдан юзлаб чақирим олисда ўтирган ҳарбий ҳуқуқшунослар қандай ҳукм чиқазишади, билмайман. Детерингни қайтиб кўрмадик.

* * *

Баъзан бу хавфли, аста-секин яқинлашиб келадиган портлашлар қизиб кетган буғ қозонининг ёрилишини эслатади. Шу ўринда Бергер қандай ҳалок бўлганини гапириб бермоқчиман.

Оқопларимизни снарядлар аллақачон дабдала қилиб ташлаган, олдинги марра деган тушунча ҳам нисбий, чунки ҳозир жанговар нуқталарда туриб олиб, жанг қилаётганимиз йўқ. Хужум қарши хужум билан алмашиниб туради, худди денгиздаги тўлқиннинг бир кўтарилиб, бир қайтишига ўхшайди. Шундан кейин окоп оралиғида фарқ қолмайди, ҳар бир ўра учун шафқатсиз жанг бошланади. Олдинги марра деган гап йўқ, аскарлар тўп-тўп бўлиб олишган, у ер-бу ерда ўт очиш нуқталари жойлашган, ана шу ўралардан туриб ўқ ёғдирилади.

Бир ўрада ўтирибмиз, нарироқда инглизлар. Салдан кейин қарасак, байроғимизни кўтариб туришипти, орқа томонимизга ўтиб олишипти. Демак, қуршовдамиз. Ердан бош кўтаролмаймиз, тепамизда тутун билан туман қоришиб кетган. Таслим бўламизми? Балки таслим бўлмасмиз — тўғриси, нима қилишимизни ўзимиз ҳам билмаймиз. Қўл гранаталари борган сари яқинроқда портляпти. Пулемётимиз рўпарамиздаги майдонни ўққа тутяпти, қизиб кетганидан тепасидан ҳовур кўтарилади. Пулемётга сепиш учун тунука бонкага навбати билан сийиб, қўлма-қўл узатиб турибмиз — яна маълум муддат чидаш берса бўлади. Аммо орқа томонимиздаги портлашлар тобора яқинлашяпти. Тамом бўлдик шекилли.

Кутилмаганда қўшни ўрада иккинчи пулемёт сайраб қолади. Уни Бергер судраб келган. Кейин қарши хужум бошланади, биз қуршовдан чиқиб, орқага чекинамиз-да, ўзимизникиларга қўшилиб оламиз. Эндиги панажойимиз анча бежавотир. Дала ошхонасига эмақлаб борган бир аскар биз турган жойдан юз метрлар нарида яраланган алоқачи ит ётганини айтади.

— Қаерда? — сўрайди Бергер.

Ҳалиги аскар тушунтиради. Бергер итни хавфсиз ерга олиб чиқиш ёки отиб ташлаш ҳаракатига тушиб қолади. Ярим йил бурун бунақа аҳмоқона фикр хаёлига ҳам келмасди. Биз уни шаштидан қайтаришга уринамиз. У қулоқ солмайди. Бунақа пайтда одамни шартта ерга қулатиб, оёқ-қўлидан босмасанг, кейин эплаш қийин. Фронт васвасаси ёмон бўлади. Бунинг устига, Бергернинг бўйи юз саксон сантиметр, ротадаги энг бақувват йигит шу.

Бергер ростдан ҳам ақлдан озипти — ўзини нуқул ўқ ёғилиб турган жойга отади, ҳозир миясига яшин урган пайт, бундай ҳолат ҳар биримизнинг бошимизга тушиши мумкин, уни ҳам шу тобда савдойига айлантириб қўйган. Лекин бу ҳар қимда ҳар хил кечади: бировлар тўполон қилади, бировлар қаёққадир қочмоқчи бўлади. Бир аскар тупроқни тимдалаб, ер остига кириб кетишга уринаётганини ҳам кўрганмиз.

Тўғри, баъзи бировлар атайин ўзини жинниликка солади, аммо мана шундай ҳатти-ҳаракатнинг ўзиёқ телбалиқдан нишона. Итни азобдан қутқармоқчи бўлган Бергерни ўқ ёмғири остидан тос суяги мажақланган аҳволда олиб чиқишади, уни кўтариб келаётган аскарлардан бири болдиридан яраланади.

Мюллер ҳалок бўлади. Яқин атрофда отилган ёритувчи ракета қорнига тушади. У ярим соатгача эс-хушини йўқотмай, кейин қийналиб жон беради. Улимидан олдин менга ҳаменини бериб, ботинкасини ҳам васият қилади, қачонлардир Кеммерихдан мерос қолган ўша ботинка. Ҳозир кийиб юрибман, оёғимга лоппа-лойиқ. Мендан кейин уни Тьяден олади, ваъда берганман.

Мюллерни бир амаллаб дафн этдик, лекин қабрида узоқ ётмас керак. Биз турган маррани орқага силжитишмоқчи. У томонда инглиз ва америкаликларнинг янги полклари тўпланган. Дудланган гўшт ва буғдой унлари ҳам бисёр. Самолётлари беҳисоб.

Очликдан ҳаммамизнинг силламиз қуриган. Жудаям ёмон боқишади, овқатга сунъий нарсаларни шунақа кўп қўшишадики, орамизда соғ одам йўқ. Германиядаги фабрикачилар бойиб кетишган. Бизни эса ичбуруғ зир югуртиради. Ҳожатхоналарда бўш жой топиб бўлмайди. Фронт орқасидагиларга ранги бўйрадек сарғайиб кетган йигитларни бир кўрсатиб қўйиш керак эди. Қориннинг бурашидан башараларини буриштириб, қон томгунча кучаниб ўтириштириб тагин бир-бирлари билан ҳазиллашиб ҳам қўйишади:

— Иштонбоғни боғлаш шарт эмас, бари бир яна ечишга тўғри келади.

Тўпларимизнинг овози ўчган — ўқ-дори етишмайди, бунинг устига шунақа эскирганки, отган снарядлари мўлжалга тегмайди, баъзан ўзимизнинг окопга келиб тушади. Янги қисмларни касалванд ва нимжон болалар билан тўлдиришади, улар сафар халтасини ҳам кўтаришолмайди, лекин ўлишни қотиришади. Урушнинг нималигини билишмайди, ҳар қадамда ўзларини ўққа тутиб беришаверади. Бир гал, эндигина поезддан тушган пайтларида, душманнинг биттагина учувчиси мана шунақа гўр болалардан тузилган иккита ротани эрмакка теп-текис қириб ташлайди.

— Ҳадемай Германияда тирик жон қолмайди, — дейди Кат.

Бу одамқушлик ҳали-вери тугашига ишонмаймиз. Пешонангдан ўқ ейсан, — ўласан, мабодо ярадор бўлсанг шифохонага жўнатишади. Оёқ ёки кўлингни кесиб ташлашмас, суюнишга шошилма, эртами-кечми жанговар хизматлари учун хоч билан мукофотланган, капитан унвонидаги бирорта дўхтирнинг кўлига тушасан. Кўриқдан ўтишга кирганингга сенга шундай дейишади: “Нима, бир оёғим калтароқ, дейсанми? — Ҳечқиси йўқ, агар кўрқоқ бўлмасанг фронтда югурмайсан. Ёзамиз: “яроқли”... Боравер!”

Кат Вогездан то Фландриягача бутун фронтга тарқалган латифалардан бирини айтиб беради, — кўрик пайтида рўйхат бўйича фамилияларни ўқиётган ҳарбий дўхтир кириб келган йигитга қарамасдан: “Яроқли. Фронтга аскарлар керак”, — дейди. Кейин ёғоч оёқли бошқа аскар киради. Дўхтир унга ҳам: “Яроқли”, — деб фатво беради.

— Шунда, — Кат овозини кўтаради, — ҳалиги аскар мана бундай жавоб қайтаради: “Ҳозир бир оёғим ёғочдан, агар фронтга жўнатсангиз, бошимдан ҳам жудо бўлишим мумкин. Ана ўшанда ёғочдан бош ясатволиб, дўхтирлик қиламан”. Биз жавобга қойил қолиб, қотиб-қотиб куламыз.

Тан олиш керак: ҳамма дўхтирлар ҳам унақамас, яхшиларини ҳам кўрганмиз. Аммо аскар бир неча бор ҳар турли кўриклардан ўтади, охир-оқибат ўшанақа “фидойи”сига ҳам дуч келади-да. Бундай дўхтирлар рўйхатда яроқсизлар сони иложи борича камроқ бўлишига интилишади. Ярадорларнинг нолиганича бор, ахир, бунақа муносабатга қайси инсон чидайди? Очигини айтганда, ҳарбий хизматда мунофиқлик, адолатсизлик ва разолат ҳар қадамда учрайди. Шундай экан, интихоси кўриниб қолган урушга янгидан-янги полклар ташланаётганига, чегараси ноаниқ фронтда ҳужум уюштирилаётганига ажабланмаса ҳам бўлади.

Бир маҳаллар масҳара қилинган танклар ҳозир даҳшатли қуролга айланган. Пўлат зирҳлар билан қопланган ўрмаловчи бу ажал гумбазлари урушнинг бутун ваҳимасини ўзида мужассас этган.

Дўлдай ўқ ёғдираётган қуроллар олисда, кўзга кўринмайди, душманнинг аҳён-аҳён ҳужум қилиб турадиган қисмлари ҳам ўзимизга ўхшаган одамлар-

дан ташкил топган. Аммо танклар шуниси билан қўрқинчилики, улар темирдан ясалган; тўсиқни ҳам, чегарани ҳам билмайди, бостириб келаверади, гилдирак занжирлари урушнинг ўзи каби сўнгсиздай туюлади. Улар чинакам қиргин қуроллари, ҳайиқишни билмайдиган ҳиссиётсиз маҳлуклар; ўрага шўнғиб, ўлигу тирикни бараварига эзгилаб, яна ўрмалаб чиқиб кетаверишади. Уларни кўрганда ғужанак бўлиб оламиз, теримиз нақадар юпқалигини, қўлларимиз бошоқ қилтириғига, гранаталаримиз гугурт чўпига айланиб қолганини ҳис этамиз.

Снарядлар, газ булутлари, танк карвонлари — жароҳат, бўғилиш, ўлим.

Ичбуруғ, грипп, терлама — оғриқ, алаҳсираш, ўлим.

Окоплар, дала шифохоналари, қардошлик мозорлари — бошқа чора йўқ.

Навбатдаги ҳужум пайтида ротамиз командири Бертинк ҳалок бўлади. У ҳақиқий жангчи, мушкул вазиятларда ҳамма вақт ҳозури нозир зобитлардан бири эди. Икки йил бизга командирлик қилиб, бирор марта ҳам яраланмади. Охири ёмон бўлди.

Биз ўрада ўтирибмиз, қуршовдамиз. Устимизга порох тугуни билан бирга керосинни эслатувчи бадбўй ҳид ёпирилади. Нарироқда ўтпургагич кўтарган икки аскарга кўзимиз тушади. Бирининг орқасида бак, иккинчисининг қўлида оғзидан аланга отилаётган резина ичак. Агар яқинроқ келишса, ёниб кул бўламиз — чекинадиган жой йўқ.

Уларни ўққа тута бошлаймиз. Аскарлар яқинлашаверишади. Танг аҳволда қоламиз. Бертинк биз билан бир ўрада. Нишонга уролмаётганимизни кўриб, — сабаби, аланга кучли, бош чиқазиб бўлмайди, — ўрадан чиқади-да, ётволиб, ҳалиги аскарлардан бирини мўлжалга олади. Ўқ узилади, аммо шу пайт ёнига бир нарса келиб тушганини эшитамиз. Бертинк парво қилмай, яна милтиқни кўтаради. Кейин бир лаҳза қимирлолмай қолади, сўнг яна нишонга олади. Ниҳоят, ўқ узади. “Яхши!” — дейдию ўрага сирғалиб тушади. Орқада бакни кўтариб юрган аскар қулайди, иккинчи аскарнинг қўлидан ичак отилиб кетиб, аланга ҳар томонга ёйила бошлайди, ўзи ҳам ўт ичиди қолади.

Бертинкнинг кўкрагига ўқ теккан экан. Салдан кейин снаряд парчаси иягини учуриб кетади. Уша ўқ Леернинг ҳам белини жароҳатлайди. Леер типирчилаб ётипти, ярасидан тизиллаб қон отиляпти. Ҳеч ким жонига ора киролмайди. Бир неча минутдан сўнг суви оқиб кетган мешга ўхшайди-қолади. Хўш, мактабда математикадан “беш”га ўқигани нима бўлди?

* * *

Ойлар ўтяпти. Ҳозир 1918 йилнинг ёзи — энг қонли ва энг оғир дамлар. Ғўзал ва фараҳбахш ёз кунлари қора ажал тепасида қанот қоқиб турган фаришталарга ўхшайди. Урушни бой бераётганимизни ҳаммамиз биламиз. Лекин ҳеч ким гапирмайди. Биз чекинамиз, иттифоқчиларнинг кучли ҳужумига қарши туrolмаймиз, — бизда жангчилар етишмайди, керакли ўқ-дори ҳам йўқ.

Аммо уруш давом этяпти, одамлар қириляпти...

1918 йилнинг ёзи... Ҳаётимиз ҳеч қачон ҳозиргидай сержозиба бўлмаган, — қип-қизил лола қизғалдоқлар, нимқоронғи, салқин хоналардаги илиқ тунлар, ғира-ширада қорайиб турган дарахтлар, юлдузлар, ариқларнинг шилдираши, ширин уйқу ва ширин тушлар... О ҳаёт, ҳаёт!

1918 йилнинг ёзи... Олдинги маррада торган ва биров билмайдиган азобларимиздай оғир азобни ҳеч қачон кўрмаганмиз. Кейинги пайтларда қисмларда сулҳ ва тинчлик ҳақидаги миш-мишлар ўрмалаб қолди. Шу боис, қалбимизда умид учкунлари йилтирайди, жангга киришга безиллаймиз!

1918 йилнинг ёзи... Окопдаги ҳаётимиз ўқ ёмғири остида қолган пайти-миздагидан кўра юз чандон оғир. Ерга қапишиб, оллога нолалар қиламиз: “Йўқ! Йўқ! Ҳозир эмас! Уруш тугай деб турганда омонатингни олма, э худо!”

1918 йилнинг ёзи... Қавжироқ далалар устидан келаётган умид шабадаси, бетоқатлик, ўлим ваҳимаси, юракни ўртовчи саволлар: нега? Нега бу азобларга барҳам беришмайди? Уруш тўхташи тўғрисидаги гап-сўзлар ростми-ёлгонми?

Аэропланлар кўпайиб қолган, учувчилар кўённинг изига тушгандай ҳар битта одамни таъқиб этишади. Ҳар бир немис аэропланига инглизлар билан америкаликларнинг камида бешта аэроплани тўғри келади. Оқопларимиздаги оч-наҳор, тинка-малори қуриган битта аскарга душманнинг бақувват, янги келган беш нафар аскар қарши турипти. Бизда бир буханка нон бўлса, уларда эллик бонка гўшт консерваси бор. Биз энгилмадик, зеро чиниққан, тажрибали аскарлармиз; душманнинг беҳисоб кучлари томонидан орқага суриб ташландик, холос.

Икки-уч ҳафтадан бери ёмғир ёғади — осмон кўкимтир, ер кўкимтир, ажал кўкимтир. Чекинишни эндигина бошладик, аммо шинелимиздан нам ўтиб кетган. Қуритишнинг сира иложи йўқ. Этиги борлар сув ўтмаслиги учун кўнжининг оғзига гир айлантриб қум солинган халтачаларни тикиб қўйган. Милтигимиз лой, эгнимиз лой, ер устидаги тупроқ бўтқа, унда-бунда қон аралаш ҳалқоблар. Ўлганлар, ярадорлар ва тириклар секин-секин ана шу бўтқага ғарқ бўлмоқда.

Ўқ ёғилиб турипти, снаряд парчалари сарғиш-қулранг заминдан ярадор бўлганларнинг носасини суғуриб чиқиб, атрофга таратади, оҳ-фарёдлар тун бўйи босилмайди, ҳадемай мангуга сўниш учун тобора авжга чиқади.

Кўлимиз — тупроқ, вужудимиз лой, кўзларимиз — ҳалқоб. Ўликмизми, тирикмизми — билмаймиз.

Кейин ўрамизга намхуш аёз ўрмалаб киради, кузнинг ана шундай рутубатли кунларидан бирида Кат икковимиз овқат опкелишга борамиз, Кат бирдан чалқанчасига йиқилади. Иккаламиздан бошқа ҳеч ким йўқ. Ярасини боғлайман, болдир суяги майдаланганга ўхшайди. Ўқ этга эмас, суякка текканидан Кат изтиробда. Нукул инграйди:

— Кўпи кетиб ози қолганда-я...

Унга тасалли бераман:

— Яна қанчага чўзилишини худо билади. Энг муҳими, тирик қолдинг-ку.

Қон тўхтамаяпти. Уни ёлғиз ташлаб кетолмайман. Бу атрофда тиббиёт хонаси бор-йўқлигини ҳам билмайман.

Катнинг тоши энгил, — уни опичлаб, орқага қайтаман. Икки марта тўхтаб, нафасни ростлаймиз. Оғриқ Катга қаттиқ азоб беряпти. Деярли гаплашмаймиз. Камзулимнинг ёқасини очиб, тез-тез нафас оламан, юзимдан тер қуйилади. Шунга қарамай, Катни шошилтираман, тезроқ юриш керак, чунки бу ерлар хавфли.

— Хўш, Кат, жиламизми?

— Майли, Пауль.

— Кетдик.

Уни яна опичга оламан.

Юриш борган сари қийинлашади. Ўқтин-ўқтин учиб келаётган снаряднинг чийиллаши эшитилиб қолади. Қадамни илдамроқ босишга ҳаракат қиламан, чунки Катнинг жароҳатидан оқаётган қон энди ерга томчиляпти. Портлашлардан ўзимизни ҳимоя қилолмаймиз, — пана жой топгунимизча снаряд портлаб бўлади.

Ахири бир ўрага яширинамиз. Отишма камайишини кутмасак бўлмайди. Флягамдан Катга иссиқ чой қуйиб бераман. Сигарета тутатамиз.

— Мана, Кат, — дейман унга, — ажралишадиган пайт бари бир келди.

Кат менга синовчан тикилади.

— Ҳоз ўғирлаганимиз ёдингдами, Кат? Анови жангда мени қутқариб қолганинг-чи? Унда ёш бола эдим, биринчи марта яралангандим. Роса йиғлаганман. Шунга ҳам уч йил бўпти-я, Кат.

У бошини қимирлатади.

Ёлғиз қолишимни ўйлаб, ваҳимага тушаман. Уни шифохонага олиб кетишса, бир ўзим сўпайиб қоламан. Бу ерда бошқа дўстим йўқ.

— Агар қайтунингча сулҳ тузилса, албатта учрашишимиз керак, Кат.

— Шу оёқ билан мени фронтга яроқли деб топишадими? — сўрайди у маъюс оҳангда.

— Худо шифо берса ҳеч гапмас. Бўғимларинг бутун-ку. Секин-секин оёққа туриб кетасан.

— Чекишдан ол, — дейди у.

— Балки урушдан кейин биргалашиб бирор иш қилармиз.

Дилим хуфтон. Кат, солқи елкали, мўйлови сийрак дўстгинам Кат. Уни бошқалардан кўра яхшироқ биламан. У билан шунча йил ёнма-ён юрдим. Энди қайтиб кўришмасликни тасаввур қилолмайман.

— Ҳар эҳтимолга адресингни ёзиб бер, Кат. Мана меники.

Катнинг уй адреси ёзилган қоғозчани кўкрак чўнтагимга соламан. Ёнимда ўтирипти-ю ҳозирданоқ ўзимни ғариблардан ғариб сезаман. Ундан ажралмаслик учун товонимдан отсаммикин?

Бирдан Катнинг томоғида бир нарса қулқуллайди, юзи сарғиш-кўкимтир тусга киради.

— Кетдик, — дейди базўр.

Сакраб туриб, яна опичлайман. Тиббиёт хонасига тезроқ олиб боришим керак. Шу ўй билан энди югура бошлайман, унга озор етмаслиги учун бир маромда лўкилламан.

Томогим қуруқшаб кетган, кўз олдимда қизил ва қора халқачалар чарх уради, лекин мен тишимни тишимга босиб, қоқила-суртила чопавераман, ахийри тиббиёт хонасига етиб келаман. Катни соғ оёғига аста тушираман. Ўзим анча маҳалгача ўрнимдан туролмайман, тиззаларим қотиб қолган, қўлларим титрайди. Бир амаллаб флягамдан чой хўплайман. Энди кўнглим хотиржам — Кат бежавотир жойда.

Орадан бир оз вақт ўтгач, кимнингдир гўлдирагани қулоғимга чалинади, кўзимни очиб қарасам, тепамда санитар турипти.

— Бекорга жонингни қийнабсан-да.

Унга ҳайрон бўлиб тикиламан.

Санитар Катга ишора қилади:

— Улган-ку.

Ҳеч нарсага тушунмайман.

— Болдиридан яраланган, нега ўлади?

— Униси бошқа...

Ўгирилиб қарайман. Кўз олдим ҳамон қоронғи, тер куйилиб ётипти. Қовогимни ишқалаб, Катга назар ташлайман. У қимир этмайди.

— Ҳушидан кетган, — дейман мен.

Санитар ҳуштак чалиб кўяди.

— Сендан яхшироқ биламан-ку! Ўлган. Гаров ўйнашим мумкин.

Мен бош чайқайман:

— Бўлиши мумкин эмас! Ўн минут олдин гаплашиб келаётгандик. Ҳадемай кўзини очади.

Катнинг қўллари илиқ, елкасидан ушлаб, силкитмоқчи бўламан, шунда бармоқларим шилимшиқ бир нарсага тегади, қарасам, қон. Санитар яна ҳуштак чалади.

— Энди ишондингми?

Бу ёққа келаётганимизда Катнинг бошига снаряд парчаси текканини сезмаган эканман. Тешик кичкина, демак, олисдан учиб келган ўқ ҳам зиғирдайгина бўлган. Аммо шунинг ўзи кифоя қилган. Кат ўлган. Аста ўрнимдан тураман.

— Аскарлик гувоҳномасини олиб қоласанми? — сўрайди санитар.

Мен бош иргайман. Санитар ҳайрон:

— Қариндош эмассизлар-ку, тўғрими?

Йўқ, қариндош эмасмиз, қариндош эмасмиз.

Нима бўляпти, наҳотки қадам ташляпман? Наҳотки оёқларим ҳалиям бутун? Бошимни кўтариб, атрофга аланглайман. Бари ўша-ўша. Фақат оддий аскар Станислав Катчинский энди йўқ.

Бошқа ҳеч нарсани эслолмайман.

XII

Куз. Бизга ўхшаган “қария”лар фронтда оз қолган. Синфдошлардан, — биз етти киши эдик, — охиргисиман.

Аскарларнинг оғзидан сулҳ ва тинчлик деган сўзлар тушмайди. Ҳамма кутяпти. Агар бу гаплар яна ёлгон чиқса — чатоқ бўлади, чунки одамлар фақат шу умид билан яшашяпти, энди бу умидни маҳв этиш қийин. Мабодо тинчлик бўлмаса, инқилоб бўлиши муқаррар.

Икки ҳафта дам оламан — озгина газ ютиб қўйибман. Кун бўйи боғда офтобда тобланиб ўтираман. Ҳадемай сулҳ тузилади, энди мен ҳам бунга ишонаман. Кейин уй-уйга, тепа тўйга!

Шу ўринда хаёлим парвози таққа тўхтади, сира ўрнимдан қўзғалолмайман. Қизиқ, нима мени у ёққа судраяпти, у ерда нималар кутяпти мени? Ҳаётга ташналик, соғинч, эркинлик ва осойишталик. Лекин булар ҳиссиётлар, холос. Мақсад эмас.

Агар биз 1916 йилда уйга қайтганимизда, кечмишнинг босилмаган оғриқлари ва ҳали сўнмаган таассуротларимиз алангаси дунёни остин-устин қилиб юборарди. Ҳозир эса толиққан, қалбимиз бўм-бўш, ноумид ва беҳафсала бир алфозда уйга кириб борамиз. Бу ҳаётга энди мослашолмаймиз.

Қолаверса, бизни тушунишмайди ҳам, — ахир, олдинда кекса авлод бор, гарчи бу авлод урушнинг ачиқ-чучугини биз билан баҳам кўрган бўлса-да, урушга қадар уларнинг оиласи ва касби-кори бор эди, ҳозир яна жамиятдан ўз ўринларини топиб, қора кунларни буткул унутворишади. Иннайкейин, ортимиздан янги авлод ўсиб келяпти, худди ўзимизнинг болалигимизга ўхшашади, лекин улар учун ҳам бегонамиз, бизни йўлларидан супуриб ташлашади. Биз ўзимизга ҳам керак эмасмиз, амал-тақал қилиб яшаймиз, вақти-соати келиб, қариймиз, — биров мослашади, биров тақдирга тан беради, кўпчилик ўз ўрнини тополмайди. Йиллар ўтади, биз ҳам ҳаёт саҳнаси-дан тушиб кетамиз.

Балки бу мулоҳазалар соғинч ва эзилишдан туғилгандир, балки япроқлар шивирини тинглаш учун яна толзорга борганимда бадбин ўйларим пардек тўзиб кетар. Бир маҳаллар қонимизни гупуртирган ҳаёт жозибаси, келажакда рўпарангдан чиқадиган минглаб янги-янги чехралар, туш ва китоблардан тараладиган сеҳрли оҳанглар, аёл кишига интизорлик, — буларнинг бари беному нишон йўқ бўлиб кетиши мумкин эмас. Дунёнинг бу мўъжизалари ўқлар остида тилка-пора бўлишига ёки оддий аскарларга мўлжалланган фоҳишахоналар ичкарасида қолиб кетишига ақл бовар қилмайди.

Бу ерда дарахтлар олтиндай товланади, япроқлар орасида осилиб турган рябиналар шокиласи кўзни ўйнатади, дала йўллари уфққа талпинади, аскарлар ошхонаси гала-ғовур, ҳамма тинчлик ҳақида гапиради.

Ўрнимдан тураман. Хотиржамман. Майли, ойлар ўтсин, йиллар ўтсин — вақт мендан ҳеч нарсани тортиб ололмайди. Шу қадар танҳоманки, дунёдан умидимни узиб қўйганман. Лекин мени машаққатли йиллар орасидан опичлаб ўтган ҳаёт томирларимда гупуриб турипти. Бошимга тушган савдоларни енгиб ўтолдимми-йўқми, билмайман. Ҳозирча тирикман, ўлмаган қул бир кунини кўради.

* * *

1918 йилнинг октябрида, бутун фронт бўйлаб сокинлик ҳукм сураётган пайтда у ҳалок бўлди, ҳарбий ахборотлар биттагина жумладан иборат эди: “Фарбий фронтда ўзгариш йўқ”.

У юзтубан йиқилди, ағдариб кўришганда қийналмай жон бергандай туюлди, юзи ухлаб ётган кишиникидан фарқ қилмасди, гўё умри мана шундай хотима топганидан мамнунга ўхшарди.

Низом КОМИЛ таржумаси.

Бахтиёр ВАҲОБЗОДА

Юрагингни севинчга тўлдир

ОЗАРБОЙЖОН

Озарбойжон, сенсан менинг
Улуғлигим, шон-шуҳратим.
Номинг менинг ўз номимдир,
Сенсиз борми ҳеч қийматим?
Нафасимиз Бобакларнинг,
Собирларнинг ўт нафаси.
Навомизда яшар бизнинг
Боболарнинг доврўғ-саси.
Биз тарихга сифинмадик
Ўтмишимиз гарчи узоқ.
Гоҳ кечмишни ўйласак-да,
Келажақда эрур нигоҳ.
Озарбойжон, менинг ишқим,
Менинг онтим, менинг онам.
Биз иккимиз бир тупроқмиз,
Бир парчангман, ахир, мен ҳам.

Озарбойжон
тилидан
Носир
МУҲАММАД
таржимаси

Озарбойжон халқ шоири, таниқли олим Бахтиёр Ваҳобзода 1925 йил 16 августда Озарбойжоннинг Шеки шаҳрида туғилган. Боку Давлат университетининг филология факультетини битирган. Самад Вурғуннинг ижодий фаолияти таҳлилга бағишланган номзодлик ишини 1951 йилда, докторлик илмий ишини эса 1964 йилда ҳимоя қилган. Замонавий озарбойжон адабиёти ва адабиёт тарихи бўйича йирик мутахассис. У 40 йил давомида университетда талабаларга ана шу фанлардан дарс берган. Бугунги кунда Бахтиёр Ваҳобзоданинг номи ва асарлари ўз мамлакати ҳудудидан ташқарида ҳам маълум ва машҳур. У Озарбойжон Парламенти депутати, Озарбойжон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, адабиёт ва фан соҳасидаги юксак мукофотлар совриндоридир. Асарлари дунёдаги ўнлаб хорижий тилларга таржима қилинган. Ўзбекистонда шоирнинг “Менинг йўлим” номли шеърлар китоби 1981 йилда Жуманиёз Жабборов таржимасида чоп этилган.

БИР КЕМАДА

“Дунё” деган бир кемада сафардамиз —
 Сен ҳам, мен ҳам, у бири ҳам.
 Яратган ҳам асли бизмиз
 Севинчни ҳам, қадарни ҳам.
 Толеимиз азал-абад муштаракдир.
 Тўфон эрур бизлар учун танҳо душман.
 Ҳамроҳларим тақдиримга жавобгардир,
 Барчасининг қисматига мен ҳам эшман.

Бир кемада сафардамиз,
 Бирлаштирар йўллар бизни.
 Ўзган кема, сузган кема
 Қайларгадир йўллар бизни.
 Биз шерикмиз денгиздаги тўфонга ҳам,
 сабога ҳам,
 Хуш, ёқимли ҳавога ҳам.
 Кема сузар,
 Тўфонлардан ҳуркиб қочган
 тўлқинларнинг қучоғида
 қалқиб-қалқиб,
 Бир парчангман, ахир, мен ҳам.
 эниб-чиқиб...
 Эҳ, нақадар аянчлидир
 Бир кеманинг йўлчилари
 тиш қайраса бир-бирига,
 уриб-йиқиб.

БИР ЛАҲЗА СУКУТ

Мактабим сукутдир,
 Қаламим — фикр.
 Бу не сас,
 Бу не куй?
 Менга сукут бер.
 Чўкай ўз фикримнинг уммонларига
 Билай, фурсат недир, абадият не?
 Сукут истагайман...
 Тил лол,
 Кулоқ кар.
 Бир лаҳза сукутга минг йиллар сифар.

* * *

Тўлдир, юрагингни севинчга тўлдир,
 Бу ҳаёт гоҳ тикка, гоҳ чикка йўлдир,
 Дунёда дард ҳам мўл, лаззат ҳам мўлдир,
 Қайсини ололсанг ўз қисматингдир.

Шодлик керак бўлса, ол, ясоқ¹ эмас,
 Дард чеккан юракдан дард йироқ эмас,
 Дунё икки рангдир, фақат оқ эмас,
 Ёлғиз бирин кўрмоқ жаҳолатингдир.

Я с о қ — тақиқланган.

Пойга майдонидир бу ҳаёт, гулим,
 Маррага мардона сургил от, гулим,
 Умр текин келган, қиммат сот, гулим,
 Тенги йўқ бу бойлик — ўз сарватингдир.

Бахтиёр, билдингми, сен кимсан, несан?
 Айт, не шамоллардир бошингдан эсан,
 Дунё мотамида гар ғам чекмасанг,
 Дунёнинг тўйи ҳам мусибатингдир.

* * *

Ҳудудсиз англардик бир вақт дунёни,
 Тарқалди у қўҳна тасаввур, гумон.
 Соатларда кезиб чексиз самони,
 Англадик, не қадар кичик бу жаҳон.

Дунёни қайтадан бўлишмоқ учун,
 Қон тўқди қироллар, шоҳлар бир замон.
 Бугун бир оловда қалқийди очун,
 Гоҳида не қадар кичик бу жаҳон.

Ернинг у бурчидан лаҳзалар аро
 Хабарлар етади бизга кўп осон.
 Минг йиллар яшадик, сир эди дунё,
 Билгунча не қадар кичик бу жаҳон.

Дилда умидлари, орзуси чексиз,
 Хаёллар ортидан улғайди инсон.
 Оқиллар дунёга сиғмади ҳаргиз,
 Эҳ, баъзан не қадар кичик бу жаҳон.

* * *

Чамандаги гул, чечакнинг
 Соғ-сўлида алафи бор.
 Дунёда ҳар бахтсизликнинг
 Ҳам зарари, ҳам нафи бор.

Вақт — табиблар табибидир,
 Ҳаёт инсон ҳабибидир,
 Ёйдан чиққан ўқ кабидир,
 Ҳар умрнинг ҳадафи¹ бор.

Юракдадир сўз илдизи,
 Мангу қолар унда изи,
 Кўп оғирдир меҳнат ўзи,
 Адо этсанг шарафи бор.

Юрак — тилсим, ёнар пар-пар,
 Ҳар буржида минглаб гавҳар,
 Инсон кўкда ойга менгзар,
 Кўринмаган тарафи бор.

Х а д а ф — Нишон.

АЛВИДО

Дейманки, умримнинг сафоси битди,
Тоққа чиқдим, дала-тузга алвидо.
Кўзга туман чўқар, бошга қор ёғар,
Баҳорга алвидо, ёзга алвидо.

Ишқингни ҳамиша муқаддас дединг,
Кунлар қўлдан кетар, не ҳавас, дединг,
Кўпни истамадинг, ози бас, дединг,
Дедим, кўпи йўқса, озга алвидо.

Энди илдизидан узилган менман,
Ўзга навдаларга тизилган менман,
Энди на сен — сенсан, на-да мен — менман,
Биз агар эврилдик, бизга алвидо.

Бахтиёр, дилдаги яранг ҳар замон,
Сени кечмишингга боғлар бегумон,
Зулмат юрагингни айлаб нурафшон,
Йўлингга шам тутган кўзга алвидо.

КЕКСАЛИК

Муддат — шу, қисмат — шу, шумиди кадар?
Умр йўғрилганми ғамга сар-басар,
Танҳолик дардини юрак ҳам сезар,
Ҳозир бўл, эшикни қоқар кексалик.

Замон оқишидан айланади бош,
Ўзим ҳам билмасман, недан бу талош,
Фақат қоматингни эмас, эй қардош,
Инсонлик саботин эгар кексалик.

Баҳорни берибман, қишни олибман,
Йилларни берибман, ёшни олибман,
Тўлани топшириб, бўшни олибман,
Ким айтар: “Келтирар самар кексалик”?

Вақт умр гулини бир кун сўлдирар,
Тўлани бўшатар, бўшни тўлдирар,
Бахтиёр, ёшликни ғурур билдирар,
Кечмишдан хотира бўлар кексалик.

ЛОТИН ТИЛИ

Лотин тили!
Ҳар сўзингда дунё қадар маъно ниҳон.
Лотин тили!
Миллат ўлмиш, аммо тили яшар ҳамон.
“Онам” деган, “Замин” деган, “Ватан” деган

Калималар йўқ бу тилда.
 Лекин яна яшар бу тил.
 Тонглар бизнинг чегарадан
 Ўзга юртлар ҳудудига ошар бу тил.
 Балки... бутун юлдузларни кезар бу тил.
 Чўнг жангларда қолиб чиқиб,
 Ўлган мардга менгзар бу тил.
 Ватани йўқ,
 Миллати йўқ,
 Яшар ўзи.
 Билимларнинг тамалидир
 Луғатдаги ҳар бир сўзи.
 Ким ҳам дегай уни ўлик,
 Табибларнинг,
 Олимларнинг тилидир у,
 Доим тирик.
 Ой оти ҳам, йил оти ҳам бу тилдадир.
 Набототу ҳайвонотнинг,
 Табиату самовотнинг
 Номлари ҳам ушбу тилда битиладир.
 Ким ҳам дегай: “Ўликдир у”,
 Ўликларнинг тили эмас,
 Тирикларнинг тилидир у.
 Атлантика соҳилида
 Жўша-жўша,
 Тоша-тоша:
 — Мен озодман, мен бахтлиман, —
 Дейди нотик чет тилида.
 Сўзла, нотик,
 Ишонайлик энди нега —
 Қулоққами
 Ё кўзгами?
 Амалгами
 Ё сўзгами?
 “Мен озодман, бахтиёрман” сўзларини
 Ўз тилингда айтмоққа ҳам
 Ихтиёринг бўлмаса гар,
 Ким ҳам сени озод атар?..
 Сўзла, қандай озоддирсан
 Тор кулбада қолиб кетса она тилин?
 Неча улкан анжуманлар, йиғинлардан
 Гунгдай чиқсанг, ёниб дилин?
 Мажлисларда она тилин сўзи йўқдир,
 Балки... унинг улкан, расмий мажлисларга
 Чиқмоқ учун тузи йўқдир?
 Сўзла, балки сунъийдир у
 Отасидан йўқ хабари?
 Балки бу тил жуда ночор,
 Оғушига сиғмағайдир
 Буюк олам фикрлари?..
 Ажаб ҳолат:
 Ватан ҳам бор,
 Миллат ҳам бор,
 Аммо унинг тили йўқдир.
 Гўё кўзгу каби порлоқ юзи бор-у,
 Дили йўқдир...
 Ўзинг айтгил,
 Қайси тилни ўлик деймиз?

Ватани бор,
 Миллати бор,
 Кичик, йўқсил қулбаларда
 асир бўлган бир тилгами?
 Ёки узун асрлардан
 ўтиб келган,
 Халқи ўлган,
 Ўзи қолган бир тилгами?

Касабланка, 1967

ТИЛСИМЛИ ОЛМА

Митти бола эдим, сифмасдим ерга,
 Хаёллар парвози билмасди тиним.
 На қадар бахтлийдим, мўъжизаларга
 Ҳақиқат сингари ишонар эдим.

Чорларди эртақлар сирли олами,
 Тоғлар чўққисиди нур бор-ди суюк.
 Қушдай енгил эдим, орзу одами,
 Ўзим кичик эдим, хаёллар — буюк.

Умидлар ортидан елиб мисли ўқ,
 Тошқин дарёлардан ишонч-ла кечдик.
 Улғайдим...
 Эртақка энди ишонч йўқ,
 Ўзим катта бўлдим, хаёлим — кичик.

Гўзал эртақларга ишончим қани?
 Ишонч орзулар-ла қўша яшармиш.
 Ишондим, тилсимли қизил олмани
 Еган заҳот инсон ҳам яшарармиш...

У пайт гўдак эдим,
 бу гўзал ишонч
 Нега керак эди менга ўша дам?
 Улғайгач англадим: қандай зўр қувонч
 Яшариш бахтига эришса одам...

Дерларки, фазода суст кечар замон,
 Йўқ, кета билмасман она заминдан.
 Менга ишончимни қайтаринг бир он,
 Замон оқимини тўхтатай чиндан.



Леонид ФИЛАТОВ

Каккули соат

Комедия

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

Телевизорда хоккей ўйини кўрсатиляпти. Ялтироқ муз конкиларнинг ўткир тиғи остида гижирлар, чавгонлар бир-бирига қарсиллаб урилар, мухлисларнинг шовқини қулоқни қоматга келтирарди.

Кузнецов хотинининг бу ёққа келаётганини кўриб, ўрнидан туриб кетди.

К у з н е ц о в (шоша-пиша). — И-и, ўчирма, ўчирма!..

Л и з а (бари бир телевизорни ўчириб). Э, худо кўтарсин телевизориниям! Эрталабдан кечгача тикилганингиз-тикилган-а!

К у з н е ц о в (тарвузи қўлтиғидан тушиб). Атиги тўрт минут қолувди-я!..

Л и з а. Шу хоккей ўлгурдан бошқаям ташвишингиз борми-йўқми?! Телевизорнинг ичига кириб кетинг-э!

К у з н е ц о в. Бўпти, нима демоқчисан, ёрил-чи?

Л и з а. Тўғри айтасиз, бунақада ёрилиб ўлишам ҳеч гапмас! Шуюм турмуш бўлдими. Илгарилари ҳеч курса, жанжаллашиб турардик... Уй эмас бу, қабристон — жи-имжит! Зерикканидан одам ўзини осиб қўйгиси келади! Ҳаётимизда ҳеч қанақа ўзгариш йўқ, ҳаммаси бир хил! Эй, худойим-ей...

К у з н е ц о в. Қанақа ўзгариш бўлиши керак экан?

Л и з а. Билмайман. Ҳамманинг ҳаётида нимадир рўй беради, нимадир ўзгаради. Мана, масалан, Пашка билан Ирина дуппадуруст ажрашиб кетишди. Гарик билан Натальянинг далаҳовлиси ёниб кетди. Бориснинг оёғи синиб ётибди. Светканинг бувиси ўлиб қолди. Ахир, одамлар туппа-тузук яшашяпти-ку!

К у з н е ц о в (ўйланган бўлиб). Бўпти, бизам ҳозир туппа-тузук яшаймиз! Хў-ўш... (Атрофга аланглаб, қандилга кўзи тушади.) Анави қандилни шиппагим билан битта уриб, онасини кўрсатиб қўя қолсам-чи, а? Ахир, нимадир рўй бериши керак-ку!

Л и з а (асабий). Жиннилик қилманг! Нима демоқчилигимни жуда яхши тушуниб турибсиз! Биз ўз қобигимизга ўралиб қолганмиз, ташқарига мўралагани кўрқамиз. Ҳеч қаерга бормаймиз, ҳеч нимани кўрмаймиз, ҳеч нимага қизикмаймиз! Чувалчангга ўхшаб яшаяпмиз.

**Шароф
БОШБЕКОВ
таржимаси**

Леонид Филатов 1946 йилда Ашхабодда туғилди. Ижодини шеърлар ёзишдан бошлаган адибнинг дастлабки тўплами «Дайди театр» номи билан чоп этилди. Кейин у театр артисти сифатида машҳур бўлиб кетди. Москванинг Таганка театрида ишлаган Л.Филатов устози Владимир Висоцкий билан бетакрор образлар яратди. Киноактёр ва телевидениеда бошловчи сифатида ҳам шуҳрат қозонди. Унинг шеърлий эртаклари жуда оммалашиб кетган. «Аловуддиннинг сеҳрли чироғи» эртаги киноқиссага айланиб, кенг томошабинлар қалбидан жой олди. Шоир, актёр ва драматург Леонид Филатовнинг «Каккули соат» комедияси ҳаётимизда учраб турадиган ноҳўя ҳаракатларни фош этади.

К у з н е ц о в (*хотирэжам*). Бўлмаса, бор, кўр, қизик. Мен нима қилай?
Л и з а (*хўрлиги келиб*). Одамларга ҳавасим келади. Театрга боришади, ки-
нога, музейларга боришади... Аразлашади, кулишади, йиғлашади, касал бўли-
шади, ўлишади...

К у з н е ц о в (*тўнғиллаб*). Ниятининг совуқлигини...

Л и з а. Мен ишдан келаман-у, ошхонага кириб кетаман. Сиз келиб анаву
телевизор ўлгурга ёпишиб оласиз!.. (*Кўнгли тўлиб*). Шўрим бор экан ўзи...

К у з н е ц о в (*бирпас хотинига қарб туриб, юмшоқлик билан*). Гапинг
тўғри, Лиза. Чинданам ёввойилашиб кетяпмиз. (*Бир қарорга келиб*). Бўлмаса
менда битта таклиф бор: эртагаёқ Третьяков галереясига борамиз! Зўр дейи-
шяпти, лекин! Ахир ўзимизнинг тарихимизни, ўтмишимизни билишимиз ке-
ракми-йўқми!

Л и з а (*ёшли кўзларини артиб*). Тўғри айтасиз, уят-да энди, Москвада
яшаб туриб, Третьяковкани кўрмасак. Бўпти, демак, шу келаётган шанбада, а?

К у з н е ц о в. Йўқ, шанбада бўлмайди. Шанба куни комиссия келадиган.

Л и з а. Бўпти, унда бозор куни фотоқўрғазмага борамиз! Шу пайтгача
бориб кўрмаганимизни биров эшитса нима дейди?

К у з н е ц о в. Бозор куни дедингми? Сенга айтувдим-ку, якшанбада
чизмаларимни тайёрлайман, деб. Бошқа куни вақтим бўлмайди.

Л и з а. Бўлмаса, душанба куни расадхонага борамиз. Ўзини сал-пал зиё-
ли ҳисоблайдиган ҳар бир киши албатта расадхонани кўриши керак.

К у з н е ц о в. Ие, нима деяпсан, душанбага мажлис чақириб ўтириб-
ман-ку!

Л и з а (*фиғони фалакка чиқиб*). Ана! Ўзимам шунақа бўлади деб ўйлов-
дим! Ҳамма нарсага баҳонангиз тайёр! (*Бир оздан кейин*). Хўп, ҳеч бўлмаса,
битта-яримтани меҳмонга айтайлик? Худди уйимиздан илон чиққандай биз-
никига биров қадам қўймаганига ҳам минг йил бўп кетди.

Шу пайт эшик кўнғироғи жиринглаб қолади. Эр-хотин савол назари билан бир-
бирига қараган кўйи жим бўлиб қолишди.

К у з н е ц о в. Менимча, эшик...

Л и з а. Менимчаям.

К у з н е ц о в. Сенга бўлса керак.

Л и з а. Нега энди? Менга бўлар экан? Бундай бемаҳалда менинг олдимга
ҳеч ким келмайди!

К у з н е ц о в. Бундай вақтда менга ҳам ҳеч ким келмайди!

Л и з а. Бундан чиқди, бизга эмас экан.

К у з н е ц о в (*уйланиб туриб*). Агар сенгаям, менгаям бўлмаса, нега
бизнинг эшик жиринглаяпти?

Кўнғироқ яна жиринглайди.

К у з н е ц о в. Ким бўлсаям жа фаросатсиз одам экан, лекин! Ярим
кечасиям шунақа шовқин солладими!

Л и з а. Шуни айтинг. Ақли-ҳуши жойида одам бировникига боришдан
олдин “мен боряпман” деб кўнғироқ қилиб кўяди.

К у з н е ц о в (*бир оз кутиб*). Очмасак бўлмайди-ёв... Агар мени сўраса
“уйда йўқлар” дегин.

Л и з а. Нега энди мен очишим керак экан? Тавба!.. Менам уйда йўқман.

К у з н е ц о в. Ие, ўйлаяпсанми! Ахир ўзим эшикни очиб, “кечирасиз,
мен уйда йўқман” деёлмайман-ку!

Л и з а. Ўзингизам ўйлаяпсизми! Мен ўзим уйда йўқ бўлсам, қанақа қилиб
сизни “уйда йўқлар” дейман? Нима, мен кўзга кўринмайдиган арвоҳманми?

К у з н е ц о в (*хотинига бошдан-оёқ қараб*). Лекин нимангдир ўхшаб ҳам кетади...

Л и з а (*босиқ, лекин қатъий*). Асабимга тегманг, Кузнецов!

К у з н е ц о в. Бўпти. Демак, икковимиз ҳам уйда йўқмиз. Уйда ҳеч ким
йўқми — эшикниям ҳеч ким очмайди.

Кўнғироқ ғашга тегадиган даражада ўжарлик билан жиринглайди.

К у з н е ц о в. Жа эринмагаң одам экан-да, лекин!

Л и з а. Нима бўлгандаям, Пашка билан Ирина эмас. Улар ажралишган. Қўйди-чиқди бўлган эр-хотин қўлтиқлашиб бировникига меҳмонга бормас?

К у з н е ц о в. Тагин, ярим кечаси!

Л и з а. Бунинг устига улар билан яхшигина айтишиб қолганман.

К у з н е ц о в. Ё Гарик билан Наташамикан?

Л и з а. Улар Ессентукида дам олишяпти. Уч кун бўлди. Ўзим кузатиб қўйганман.

К у з н е ц о в. Унда — Борис.

Л и з а. Вой, тавба! Айтим-ку, оёғи синган, деб! Гипсда ётибди. Ўзингиз ҳам бугун телефонда гаплашдингиз-ку.

К у з н е ц о в (*ўйлашиб*). Демак, танишларимиздан битта Света қолди.

Л и з а. Света азадор. Мана шу сешанбада бувисидан ажраган.

К у з н е ц о в. Ажраган бўлса нима қипти? Илгарилариям бизникига бувисини ташлаб келарди.

Л и з а. Йўқ, Света эмас, у анча фаросатли қиз. (*Эшик томонга ишора қилиб.*) Анавига ўхшаган молфаҳм эмас. Безбет!..

Худди шу гапни кутиб тургандай кўнғироқ тагин жиринглайди.

Менимча, ким бўлсаям, бизнинг уйдалигимизни билади. Атай асабимизга тегаяпти.

К у з н е ц о в (*бирдан тутоқиб*). Э, падарига лаънат, жонгаям тегиб кетди, лекин!

Яна кўнғироқ жиринглайди.

Ким бўлсаям шундоқ ҳиқилдоғидан олиб, кўзларига бир тикилсам эди! Билиб олардим, одамми ўзи у ё чўчками?

Л и з а. Биров сизни ушлаб турибдими? Боринг, эшикни очиб, кўзига хоҳлаганингизча тикилавермайсизми?

Кузнецов жим бўлиб қолди.

К у з н е ц о в. Очиш керак деб ўйлаяпсанми?

Л и з а. Очиб, ўша безбетнинг таъзирини бериб қўйиш керак, деб ўйла-япман!

К у з н е ц о в (*ўрнидан туриб*). Гапингда жон бор...

Л и з а (*хавотирланиб*). Менга қаранг, фақат қизишманг, оғирроқ бўлиб гаплашинг, хўпми?

К у з н е ц о в. Ҳаракат қиламиз.

У даҳлизга чиқиб, дарров қайтиб кирди. Унинг изидан қувноқ ва сершовқин Меҳмон пайдо бўлади. У баҳайбат чамадон кўтариб олган.

М е ҳ м о н (*чамадонни ерга қўйиб*). Жудаям уйқучи экансизлар! Мана шу неча қаватли уйни бузворай дедим-а! Бир меҳмонхонага борсаммиям деб ўйладим, кейин шаштимдан қайтдим. Хўш, қалайсан, Валюха?

К у з н е ц о в (*ҳайратда*). Яхшимисиз?..

М е ҳ м о н. Кутмовдингми? Айтувдим-ку, бораман деб! Нима бўлса бўлсин дедим-у, шартга келавердим! Йигитнинг гапи битта бўлади, нима дединг?

К у з н е ц о в. Ҳеч нима демадим...

М е ҳ м о н (*жавоб ҳам кутмай*). Олдиндан хабар қилиб келсамми, деган фикр ҳам калламга келувди. Кейин нима кераги бор, деб ўйладим. Биламан, қўли очиқ йигитсан. Кутасан, овора бўласан, ҳаражат қиласан, тинчинг бузилади, хуллас, ортиқча ташвиш-да. Нима, мендан бошқа ишинг йўқми, нима дединг?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

К у з н е ц о в. Ҳеч нима демадим...

Лиза бу сершовқин ва сергап меҳмонга ёвқараш қилиб турарди.

М е ҳ м о н. Дам олишдаман, оғайни. Ваъдамнинг устидан чиқай деб келдим. Баҳонада шаҳарниям томоша қилиб кетаман. Ахир, ҳаётимда биринчи марта Москвага келишим! Эҳ, Москва!.. Пойтахтмисан — пойтахт-да! Шунақа катта эканки, бизнинг тайгада бировни топса бўлади, бу ерда топиб бўлмайди! Нима дединг?

К у з н е ц о в. Ҳеч нима демадим...

М е ҳ м о н (*хонани кўздан кечириб*). Уйинг ёмонмас, яшаса бўлади! Ёмонмас...

Л и з а (*эрига*). Бир минутга мумкинми?

К у з н е ц о в (*меҳмонга*). Сиз бемалол ўтираверинг, мен ҳозир... (*Хотинига эргашади*.)

Э р - х о т и н о шхонага чиқишди.

Л и з а. Ким у?

К у з н е ц о в. Ўзимам ҳайронман.

Л и з а. Бошимни айлантирмай, тўғрисини айтаверинг.

К у з н е ц о в. Қасам ичайми? Танайман деяпман, инсон!

Л и з а. У сизни танир экан-ку.

К у з н е ц о в. Шуниси қизиқ-да...

Л и з а. Исмингизниям билар экан.

К у з н е ц о в. Ё мени телевизорда кўрганмикан-а? Эсингдами? “Янгиликлар” да чикувдим?

Л и з а. Ҳм! Телевизорга чиқиб олиб, нақ икки соат нутқ сўзлагандай гапирадилар! Бир секунд чикдингиз. Шундаям орқангиздан олишган, асосан мартен печини кўрсатишди.

К у з н е ц о в. Унда билмадим. Лекин ўғри ё фирибгарга ўхшамайди, тўғрими?

Л и з а. Ўғри ҳеч қачон ростакам ўғрига ўхшамайди. Шунинг учун ҳам одамлар лаққа тушади.

К у з н е ц о в. Энди нима қилдик?

Л и з а. Нима қилардик? Шундоқ эшикни очиб, шартта сўраш керак кимсиз, нимага келдингиз — тамом!

К у з н е ц о в (*хотинининг гапини чамалаб кўриб*). Йўқ, ноқулай бўлади. Ўзинг кўрдинг-ку, худди жигариникига келгандай, қучоқ очиб кириб келди! Мен “сизни танимадим” десам фирт инсофсизлик бўлмайдами? Йўқ, бир йўлини қилиб сўраш керак.

Л и з а. Сиз йўлини қилгунингизча у ҳамма ёғимизни шилиб кетсинми?

К у з н е ц о в. Қўйсанг-чи, Лиза...

Л и з а. Сизга ноқулай бўлса ўзим сўрашим мумкин, еб қўймас, ахир!

К у з н е ц о в. Йўқ, йўқ, йўқ!.. Сен аралашма, худо хайрингни берсин! Бекордан-бекор бировнинг дилини оғритишнинг нима кераги бор? Ҳозир ўзим гаплашаман, деяпман-ку.

К у з н е ц о в хонага қайтиб чиқади.

М е ҳ м о н (*ҳамон қувноқ кайфиятда*). Валюха, мени келмайди деб ўйлагандирсан-а? Тўғрисини айтавер, мен хафагарчиликдан кейин туғилганман. Ҳа, нега ҳайрон бўп қолдинг? Нима шунақа ўзгариб кетибманми?

К у з н е ц о в. Ҳа, жуда ўзгариб кетибсан. Таниб ҳам бўлмайди...

М е ҳ м о н. Э-э, оғайни, умр ўтиб кетяпти, қарияпмиз, Мана, ўзинг ҳам куриб-қақшаб қопсан. Кўп чексанг керак-да, а? Ташлаш керак, оғайни, ташлаш керак. Сираям фойдаси йўқ. Ана, соғлиқни сақлаш вазирлигиям огоҳлантиряпти. (*Беғубор ва самимий кулади*.) Шунақа гаплар, оғайни...

К у з н е ц о в (*ўсмоқчилаб*). Хўп, уни-буни қўй, ишларинг қалай? Мундоқ гапирмайсан ҳам.

М е ҳ м о н. Нимасини гапираман? Пақир киши панада деганларидай, қимирлаб юрибмиз-да.

К у з н е ц о в. Ишларинг жойидами ўзи?

М е ҳ м о н. Жойида бўлмай қасққа борарди.

К у з н е ц о в. Уйинг ҳалиям ўша ердами?

М е ҳ м о н. Ҳа, ўша ерда. “Дарахт бир жойда кўкаради” деган мақолга амал қиляпмиз-да!

К у з н е ц о в. Илгариги жойида-да, а?

М е ҳ м о н. Ҳа-да, туғилиб-ўсган жойимиз...

К у з н е ц о в. Ишинг, дейман, ҳалиям ўшами?

М е ҳ м о н. Ўша.

К у з н е ц о в. Мабодо ўзгартириш ниятинг йўқми, дейман-да.

М е ҳ м о н. Қизиқмисан, қўлимдан бошқа иш келмаса, нима қиламан ўзгартириб.

К у з н е ц о в. Ҳа-а...

Сукут.

Дам олишга чиқибсан-да?

М е ҳ м о н. Шунақа бўлди.

К у з н е ц о в. Мени бир кўриб кетай, деб келавердинг?

М е ҳ м о н. Албатта-да! Озиб-ёзиб Москвага бир келсам-у, сени кўрмай кетсам! Кейин бир куни кўришиб қолсак, туф демайсанми башарамга!

К у з н е ц о в (*бутунлай руҳи тушиб*). Тўғри, туф дейман... (*Дарров гапири ўнглаб*.) Раҳмат, эсингдан чиқармабсан.

М е ҳ м о н. Ие, сени унутиб жинни бўпманми!

К у з н е ц о в (*хаёли қочиб*). Йўқ, жиннимассан...

М е ҳ м о н (*яйраб*). Уша вақтлар ҳам бир давр экан-да, а? Энди, мана, ёш ўтиб қолди, кичикроқ бўлсам қорин қўйвордик. (*Мақтангандай*.) Ҳозир мени исминни айтиб чақиримайди, билдингми, “Игнатич” дейишади! Шунақа.

К у з н е ц о в. Игнатич?!

М е ҳ м о н. Игнатич.

К у з н е ц о в. Нега энди исмингни айтиб чақиримайди? Отингни айтишса бўлмайдами... масалан... фалончи... деб, а?

М е ҳ м о н. Ким билади, дейсан, шуниси қулай бўлса керак-да.

Шўрлик Кузнецов қийналиб, қора терга ботиб кетади.

К у з н е ц о в (*довдираб*). Ҳа, албатта... Шуниси қулай... Қисқагина... (*Пешонасидаги терини артиб*.) Кечирасан, мен бир минутга чиқиб келаман...

М е ҳ м о н. Бемалол, оғайни.

Кузнецов гандираклаганича Лизанинг олдига — ошхонага кириб келади.

Л и з а. Хўш, гапирдингизми?

К у з н е ц о в. Гаплашдим, Игнатич экан...

Л и з а (*бирпас кутиб*). Бор-йўғи шуми?

К у з н е ц о в. Шу.

Л и з а. Буни қаранг-га, бутун таржимаи ҳолини билиб келибсиз-ку!

К у з н е ц о в. Э, шуниям зўрға суғуриб олдим!

Л и з а. Ҳеч нимани суғуриб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди! “Хуш кепсиз” деб жўнатвориш керак — тамом-вассалом!

К у з н е ц о в. Лиза! Лиза, ўзингни бос, оғирроқ бўл. Яна бир марта ҳаракат қилиб кўраман. Таваккал-да, биздан нима кетди.

Л и з а. Айтяпман-ку, ҳеч қанақанги таваккал-паваккалнинг кераккинаси йўқ, деб! Қип-қизил фирибгарлиги шундоқ башарасидан кўриниб турибди!

К у з н е ц о в. Мана, кўрасан, уч минутга қолмай кимлигини аниқлаб келаман. Биласан, отам молдўхтир ўтган, ҳар қанақанги ҳўкизнинг дардини икки минутда аниқлаб ташлаган. Сен менга уч минут вақт бер, инсон!

Л и з а. Бўпти, фақат уч минут. Уч минутдан уч секунд ошсаям ўзим аралашаман.

К у з н е ц о в. Бўпти, аралаш.

У хонага қайтиб чиқади.

М е ҳ м о н (*ўйчанлик билан*). Жа қизиқ бўляпти-да, оғайни...

К у з н е ц о в. Нимаси қизиқ?

М е ҳ м о н. Худди танимагандай, ҳадеб менга тикилаверасан... одамга ноқулай бўларкан...

К у з н е ц о в. Нега танимас эканман? Жа таниб турибман-да! Айниқса, юзинг таниш... Лекин хотирам зўр, бир кўрдимми, қиёматгача эсимдан чиқмайди! Мактабда ўқитувчиларим ҳам қойил қолишарди.

М е ҳ м о н (*ҳамон тушқунлик кайфиятида*). Ҳа-а, дунёнинг ишлари шунақа экан-да... Дийдор кўришай деб минг чақирим жойдан келсанг-да, сени танимай ўтиришса...

К у з н е ц о в. Ким айтди сенга танимади деб? Шундоқ кўришим билан танидим! Бу ғирт Игнатичнинг ўзи, дедим! Шунақа дедим... Айниқса ён томонингдан жуда ўхшайсан, ўлай агар!.. Худди куйиб қўйгандай ўзингсан!.. Айтим-ку, хотирам зўр деб! Мактабда-чи, ҳатто...

М е ҳ м о н (*илиб кетиб*). ... ўқитувчиларинг ҳам қойил қолишган. “Меҳр — кўзда” деган гап тўғри экан... Сал кўздан нари бўлдингми, тамом — унутворишади. Ахир бир эслагин, оғайни, мундоқ хаёлингни жойига қўйиб ўйла: Қирғизистон... Помир... альпинистлар қароргоҳи... А? Эсингга тушдими?

К у з н е ц о в. Бўлмасам-чи! Уч йил олдин ўша ерда дам олганман. Оёғимнинг эти узилувди! Кейин балчиқдан малҳам ҳам қўйишувди! Эсимда, эсимда...

М е ҳ м о н. Ана, отанга раҳмат! Энди мени эсла: дарё бўйидаги иккинчи чодир... маймунжон тергани чиққанларимиз... Колька Похомов эсингдами?

К у з н е ц о в. Э-э, бўлди, оғзига шамол! Энди эсимга тушди! Буни қара-я... Оббо, дўстим-ей!.. Омонмисан? Айтгим-ку, тилимнинг учида турибди, деб! Хўш, қалайсан, Колька?

М е ҳ м о н (*баттар руҳи тушиб*). Мен Колькамасман... У билан бир чодирда турардик... Доим гитара чалгани-чалган эди. Мен аксинча, радио эшитардим...

К у з н е ц о в (*вазиятдан чиқиш учун*). Шошма, шошма, шошма... Ҳозир, ҳозир... Э, бўлди, бўлди, оғзига шамол! Сен ҳалигисан... нима эди, анави... исминг анақа эди... Ўрисчамас-да, ишқилиб... Нима бўлди менга, ҳозиргина эслаб турувдим-а!..

М е ҳ м о н (*оғриниб*). Харитонман. Боборикин.

К у з н е ц о в (*севиниб*). Ана, айтмадимми, Харитон! Тилимнинг учида турибди, дедим-ку! Менинг ҳеч нарса эсимдан чиқмайди! Айтсам, ишонмайсан, қанча-қанча телефон рақамларини эслаб юраман! Мактабда ўқитувчиларимиз ҳам қойил қолишарди... Хўш, қалайсан энди, Харитон?

М е ҳ м о н. Раҳмат, оғайни, юрибман...

К у з н е ц о в (*ўзини оқлашда давом этиб*). Менга сал туртки бўлса бўлди, минг йиллик нарсалар ҳам эсимга тушаверади. Ишонсанг, костюминг ҳам эсимда!

М е ҳ м о н. Мен куртқада эдим.

К у з н е ц о в (*бўш келмай*). Куртканг ҳам эсимда! Зўр эди, лекин! Тўқ яшил.

М е ҳ м о н. Зангори.

К у з н е ц о в. Мундоқ занжирли, а?

М е х м о н. Тугмали.

К у з н е ц о в. Ана, эсимда экан! Тугмали эди. Айтдим-ку, бари бир эслайман, деб. Сен хафа бўлиб ўтирибсан.

М е х м о н. Ростдан ҳам энди хафа бўлятувдим. Тўғри-да, ўзи адресини берган бўлса, уйига таклиф қилса-ю, келсанг танимай ўтирса... Ҳаммагаям таъсир қилади-да...

К у з н е ц о в. Кел, қўй бунақа гапларни, бошқа нарсалардан гаплашайлик. Мана, эслашиб ҳам олдик... (*Ошхона томонга қараб олиб.*) Сен ўтириб тур, мен ҳозир келаман...

У шундай деб ошхонага чиқиб кетади.

(*Хотинига.*) Э, бўлди, иш пишди! Харитон экан, оғзига шамол!

Л и з а. Шунга ярим соат вақт кетдими? Энди фамилиясини билиб олишга икки соат керак бўлар?

К у з н е ц о в. У билан Қирғизистонда дам олган эканмиз. Ўшанда оёғимнинг эти узилувди...

Л и з а (*асабийлашиб*). Ўшанда бўйнингизнинг эти узилмабди-да! Менам бунақа латта эрдан қутулардим!

К у з н е ц о в. Бу нима деганинг? Нима, менинг олдимга биров келиши мумкин эмасми?! У менинг дўстим, тушуняпсанми, дўстим! Мени кўргани Сибирдан келиб ўтирибди!

Л и з а. Менга деса Арктикадан келмайдими?! Ҳали бу сибирлигингиз бир-икки кун қоларман ҳам дер?

К у з н е ц о в. Қолади, нима дейсан! Сал сиқилишиб турсак, ўлиб қолмасмиз!

Л и з а. Эсингиз жойидами ўзи? Танимаган, билмаган, етти ёт бегона кишига уйингизнинг тўрини бериб қўясизми?

К у з н е ц о в. Нега етти ёт бегона бўларкан? Деворга гапиряпманми, кадрдон дўстим, деб!

Л и з а. Ҳа, жудаям кадрдон экан! Шунақа кадрдон эканки, икки соатдан бери эслолмай ўтирибсиз!

К у з н е ц о в. Бари бир охири эсладим-ку! Бўпти, кел, жанжаллашмайлик энди. Лиза, тушунгин ахир, уни кўчага ҳайдаб юборолмаймиз-ку!

Л и з а. Москвада нима кўп — меҳмонхона кўп. “Интурист”да танишим бор, бемалол жойлаштириб қўяди. Шукур қилсин, отлиққа йўқ жойни тўғри-лаб беряпман.

К у з н е ц о в. Йўқ, бу одамгарчиликка тўғри келмайди. Яхши бўлмайди... Нима бўлгандаям, у бизни қора тортиб келган.

Л и з а. Агар юрагингиз бетламаётган бўлса, менга қўйиб беринг. Ҳозир бошқа жойни қора тортиб қолади!

Лиза хонага шиддат билан кириб келади. Кузнецов ноилож унга эргашади.

(*Ўзини аранг босиб, тишларининг орасидан.*) Яхшимисиз!.. Қалай, бемалолгина жойлашиб олдингизми? Ҳеч нима безовта қилмаяптими?

М е х м о н (*ўрнидан туриб, такаллуф билан*). Йўқ, раҳмат, ҳаммаси жойида. Адашмасам, сиз Валюханинг рафиқаси бўлсангиз керак? Топдимми?

Л и з а (*таъкидлаб, қатъий*). Валюханинг эмас, Валентин Николаевичнинг хотини бўламан!

М е х м о н. Танишганимдан хурсандман.

К у з н е ц о в (*вазиятни юмшатиш учун дарров гапни илиб кетади*). Лиза, бу киши менинг кадрдон дўстим бўлади. Исми — Игнат.

М е х м о н (*дўстининг гапини тўғрилаб*). Харитон. Боборикин.

Лиза эрига истеҳзо билан қараб қўяди.

Озиб-ёзиб, десангиз, бир дам олишга чиқувдим. Валюха таклиф қилган эди, гапи ерда қолмасин деб келавердим. Сизларга ташвиш бўлмадимми?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Л и з а (*кесатиб*). Йўқ, сиз бемалол жойлашаверинг. Худога шукур, уйимиз кенг. Биз шкафдаям яшайверамиз!

К у з н е ц о в (*меҳмонга*). Хотиним шунақа ҳазилкаш, сен парво қилма...

Меҳмоннинг кўзи девордаги соатга тушади.

М е ҳ м о н. Ие, манави зўр соат экан-ку!.. (*Яқин бориб*.) Ё тавба!.. Бунақасини биринчи марта кўришим.

К у з н е ц о в (*камтарлик билан*). Нимаси зўр, оддий соат-да. Каккуси бор демаса...

М е ҳ м о н. Оддий соат дейсанми? Йўқ, оғайни, бу оддий соат эмас... Гапимга ишонавер, соат масаласида менинг олдимга тушадигани йўқ, билсанг.

Л и з а. Балки яхшидир, лекин бунга бекорга кўз олайтиряпсиз. Бу соат бизга ёдгорликдай бўлиб қолган, Харитон Игнатич!

М е ҳ м о н (*сидқидилдан*). Э, қўйсангиз-чи, нималар деяпсиз!.. Тушунаман, бунақа нарса совга қилинмайди. Ҳечқиси йўқ, керак бўлса ўзим топиб оламан.

Л и з а. Тополмасангиз кераг-ов. Бу жуда ноёб нарса. Бутун Москвада ё иккита, ё учта бор холос.

Кузнецов хотинининг беандишалигидан ниҳоятда ҳижолат чекар эди. Лиза эса эрининг ўқрайиб қараб қўяётганини атайлаб сезмаганга оларди.

М е ҳ м о н. Топамиз. Мен истаган соатингизни топиб беришим мумкин. Жудаям ўжар одамман, бир нарсани қиламан дедимми, қилмасдан қўймайман. Мана, рўйхатиям бор...

У баҳайбат чамадондан нақ бир қулоч келадиган, думалоқ қилиб ўралган қоғоз чиқарди.

Л и з а. Нима у, деворга ёпиштириладиган гулқоғозми? (*Сохта қизиқиш билан*.) Гули қанақа экан?

М е ҳ м о н. Рўйхат деяпман-ку, соат сотиладиган дўконларнинг адреси.

Л и з а. Орқасидаги-чи, уям дўконларми?

М е ҳ м о н (*алоҳида меҳр билан*). Йўқ, орқасидаги маданий ҳордиқ чиқариладиган жойларнинг рўйхати.

Кузнецов ҳам хотини бошлаган ўйинга киришади ва “қизиқишга” мажбур бўлади.

К у з н е ц о в. Ўҳ-ҳў, зўр-ку! Шу жойларнинг ҳаммасига бормоқчимисан?

М е ҳ м о н. Нима бўпти? Уч ҳафтача вақтим бор, улгурганимча-да.

Л и з а (*кўзи хонасидан чиққудек бўлиб, эрига қараганича*). Уч ҳафта?!

М е ҳ м о н (*бамайлихотир*). Ҳа, вақтим бемалол. Кейин, сизлар ҳам қарашворасизлар деган умиддаман. Лекин каккули соатни ернинг тагидан бўлса ҳам топаман. Мана, кўрасизлар, албатта топаман. Мен бир сўзли одамман...

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Хона турли-туман соатлар билан тўлиб кетган. Осма соат, занг урадиган соат, стол соати, электрон соат, қўнғироқли соат, ҳатто одам бўйи келадиган соатлар ҳам бор.

Уйда Кузнецов билан Лизагина бор.

Л и з а. Меҳмонингиз ҳали-бери келмайди, шекилли?

К у з н е ц о в. Ҳа, шаҳар айланяпти.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Л и з а (*ўзича тўнғиллаб*). Айланиб-айланиб адашиб қолсин, илойим... (*Эрига*.) Жуда яхши, у йўқлигида баъзи нарсаларни гаплашиб оламиз.

К у з н е ц о в. “Баъзи нарсалар”инг нима экан?

Л и з а. Ўзингизни овсарликка солмай қўя қолинг. Уйимизнинг аҳволини кўринг.

К у з н е ц о в (*у ёқ-бу ёққа аланглаб*). Нима қипти, уйдақа уй. Тўғри, сал сиқилишиб қолдиг-у, бўлади-да шунақасиям.

Л и з а. Энди ўзингизнинг аҳволингизга қаранг.

К у з н е ц о в. Аҳволимга нима қипти? Ойдаيمان.

Л и з а. Лайлакка ўхшаб битта оёқда турибсиз-у, “ойдайман”миш!

К у з н е ц о в. Менга шунақаси кулай. Болалигимдаям битта оёқда туришни яхши кўрардим. Ҳатто ўқитувчиларим ҳам қойил қолишарди, билдингми?

Л и з а. Кулай бўлса ўзингиз тураверинг, билдингизми? Менинг бир оёқлаб туришга сираям тоқатим йўқ! Меҳмонингизга айтиб қўйинг манави ашқол-дашқолларингиз хотинимнинг асабига тегаётган экан, денг!

К у з н е ц о в (*босиқлик билан*). Бу ашқол-дашқол эмас, Лиза, соат булар. Устига-устига, жуда ноёб соатлар. Масалан, мана буниси ўн тўққизинчи асрада ясалган, анависи — ўн саккизинчи аср.

Л и з а. Униси билан иши йўқ, менга деса тош асрида ясалмайдими! Кеча ўша ўн саккизинчи асрага оёғимни уриб олиб, кун бўйи оқсоқланиб юрдим!

К у з н е ц о в. Ўша сен ўтирганинг — ўн еттинчи аср. Жуда нозик нарса, қўлда ясалган.

Л и з а. Яхши бўпти! (*Ўрнидан турмай*.) Ўтиришдан бошқасига ярамас экан ўзи!

Сукут.

Тавба, шунча соатни бошига урарканми, а? Битта одамга битта соат бўлади-да.

К у з н е ц о в. У соат жинниси.

Л и з а. Нима жинниси эканлигини билмадим-у, лекин жиннилиги аниқ.

К у з н е ц о в. Қаерга борса соат қидиради. Уйда минг хилидан бор. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Ишқивозчилик-да.

Л и з а. Майли, мен бир нима деяпманми? Менга деса, эксковатор йигмайдими! Фақат ўзининг уйида йиғсин, менинг бошимга бало қилмай!

К у з н е ц о в. Ахир у меҳмон. Меҳмоннинг озгина ҳурмати борми-йўқми! Нима қиламиз энди, бир оз чидаймиз-да.

Л и з а. Яна қайтараман, чидасангиз ўзингиз чидайверинг! Менинг сираям тоқатим йўқ бунақа музейга! Ўзи гугуртдаккина уй бўлса!.. Бизникида фақат марка йиғиш мумкин! Э, худо кўтарсин!..

К у з н е ц о в. Хўп, шунақа бўп қолди, нима қиламиз энди! Одам дегани сал кўнгилни кенгроқ қилиши керак. Мана, масалан, уруш вақтида одамлар бир тишлам нонниям бўлиб ейишган.

Л и з а. Бунга урушнинг нима алоқаси бор? Ҳали уйимизда ҳандақлар ҳам қазиб ташласа керак! Йўқ, менга айтинг-чи, биз ўзимизнинг уйимизда ўзимиз хўжайинлик қилоламизми-йўқми? Унингизнинг дастидан кийимим-ниям алмаштириб ололмапман!

К у з н е ц о в (*тушунмай*). Нега алмаштиролмайсан? Нима, қўлингни биров ушлаб турибдими, алмаштир!

Л и з а. Қаерда? (*Одам бўйи келадиган соатни кўрсатиб*.) Манави ўн саккизинчи асрнинг ичидами?

К у з н е ц о в (*соатларни айланиб юриб*). У ёқмаса, мана, ўн еттинчи асрнинг орқасидаям жой бор экан...

Л и з а (*атрофга чорасиз жовдираб*). Эй, худойим!.. Бу нима кўргулик, а?.. (*Тусатдан бақариб*.) Ўша меҳмонингиз гирт босқинчининг ўзи экан! Э, турқи кўрсин...

К у з н е ц о в. Танимаган, билмаган одам ҳақида бунақа дейишнинг нима кераги бор? Кейин, у бизнинг уйимизга ҳечам хўжайинлик қилмоқчимас. Ўзи қишлоқи бўлсаям, анча зиёли одам.

Л и з а. Ҳа, сиз билан бир марта хоккейга бориб, шунақа зиёли бўп қопти-да! Нечанчи синфни битирган ўзи?

К у з н е ц о в. Зиёлилик маълумотга қарамайди, Лиза. Мана, сенинг Светканг чет тиллар институтини битирган. Анави куни Герценнинг суратини кўрсатиб, “Манави Хемингвейни менга совға қилсанг-чи” деб ўтирибди! Унинг ўрнига мен уялиб кетдим.

Л и з а. Светкага тил теккизманг, унинг бувиси ўлган!

К у з н е ц о в. Сен ҳам дўстимга тил теккизма, саксон йилча олдин унинг ҳам бир қариндоши ўлган!

Л и з а. Вой-вой-ей, сиз пичинг қилмасангиз кимнинг қўнгли қоларкан!.. Хемингвейни ҳаммаям юзидан танийвермайди. Нима, у Никулинмидики ҳамма таниса!

К у з н е ц о в (*чапак чалиб*). Офарин!.. Э, қойил-е!.. Сеники Светканикидан ҳам ўтиб тушди-ю!..

Шу пайт эшикда қўнғироқ жиринглайди.

Л и з а. Боринг, нега қаққайиб турибсиз? Кучоқ очиб кутиб олмайсизми, кадрдон дўстингизни!

К у з н е ц о в. Лиза, сендан илтимос қиламан, сал хушмуомила бўлгин. Ҳадеб бировни ерга уравериш одобдан эмас. Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади.

Л и з а. Уям ўзини одамга ўхшаб тутсин бўлмасам. Ахир, мен уникидамас, у бизникида меҳмон!

К у з н е ц о в (*ялингандай*). Лиза...

Л и з а (*ён бериб*). Майли. Жудаям хушмуомила бўламан деб ваъда беролмайман-у, лекин бир уриниб кўраман.

Кузнецов чиқиб, каттакон соат кўтариб олган Меҳмон билан қайтиб киради.

М е х м о н (*завқ-шавқ билан*). Эҳ, Москва, Москва!.. Пойтахтмисан — пойтахт-да! Бутун шаҳарни бир йилдаям айланиб чиқолмайди киши! Бунинг устига манавини кўтариб олганман, зўрға етиб олдим, денг.

Л и з а (*ясама хушмуомилалик билан*). Муборак бўлсин, Харитон Игнатич! Вой-бў, катталигини-и!.. Мана шунақасидан битта бўлса сервантнинг ҳам кераги йўқ — ҳамма идиш-товоқ жой бўп кетади! Керакли тошнинг оғирлиги йўқ, а, Харитон Игнатич?

Кузнецов хотинига норози бўлиб қарайди.

М е х м о н (*олиб келган соатини меҳр билан силаб*). Ўн олтинчи аср!.. Афсуски, тоши йўқ экан. Рақамлари ҳам ўчиб кетибди... Агар юрганда борми, мўъжизанинг ўзи бўларди-қўярди!

Л и з а (*ўх тортиб, пичингли*). Шундоқ ҳам қип-қизил мўъжизанинг ўзи!

Кузнецов хотинини туртиб қўйишга мажбур бўлди.

К у з н е ц о в (*вазиятни юмшатиш учун*). Харитон, каккулигидан топдингми?

Л и з а (*сохта қизиқиш билан*). Ҳа-я? Шунақа ноёб соат топган одамга каккулиси чўт эканми? Топгандирлар...

М е х м о н. Каккулиси йўқ экан. Утган ойда келибди-ю, дарров тугабди. Талаб катта-да. Ҳозир унақасини фақат чет элда чиқаришаётган экан. Ҳечқиси йўқ, бари бир топаман.

Л и з а. Овқатга қалайсиз, Харитон Игнатич? Энди, жа қуюқ зиёфат қилолмаймиз-у, карам шўрвага қурбимиз етади. Кечаги бўлсаям туппа-тузик, ичса бўлади.

М е х м о н. Кечаги бўлса — кечаги-да. Биз оддий одаммиз, овқат танламаймиз, бориға шукур қилаверамиз.

К у з н е ц о в (*шошиб*). Дўконга чиқиб келайми, а? Анави муюлишда музлатилган чучвара сотилади.

Л и з а. Ҳаяжонланманг, жим ўтиринг. Айтяптилар-ку, бориға шукур қиламиз, деб. (*Меҳмонга*.) Ўзингиз тушунасиз, эрталабдан кечгача ишда бўлсак, дўконма-дўкон изгишга вақтимиз бўлмаса... Шўрва кечаги бўлсаям яхши турибди, холодильникда эди.

М е ҳ м о н. Жуда яхши. Шундай овқат увол бўладими? Озгина қатиқ қўшворилса, бир оз туриб қолгани билинмай кетади.

К у з н е ц о в. Харитон, у-будан олиб ўтирсанг-чи, ҳеч нима емаяпсан... Хоҳласанг, битта-яримта соатни тузатиб, эрмак қилиб ўтир. Анави ўн саккизинчи асринг яхши юрмаяпти. Мен ҳозир келаман. Лиза, бир дақиқага...

Л и з а билан К у з н е ц о в ошхонага чиқадилар.

(*Ошхонага чиққач*.) Аҳволингни тушуниб турибман, Лиза. Иш, югур-югур, бунинг устига инглиз тилидан дарс оляпсан, ўзинггаям қарашинг керак — ҳаммаси тушунарли. Лекин нима бўлгандаям, бирон ёвгон қилса бўларди-ку!

Л и з а. Нега энди? Шундоқ ҳам умрим ошхонада ўтятипти! Бу нима деган гап: биттаси телевизордан бери келмайди, иккинчиси куни билан шаҳар кезиб, кечқурун аждаҳодай овқат талаб қилади! Индамаса, жа чўри қилиб оласизлар! Менам одамман, ахир!..

К у з н е ц о в. Лиза, тушунгин, гап оиламизнинг обрўси устида кетяпти. Битта меҳмонни эплаб кутолмасак, нима деган одам бўламиз, ахир?

Л и з а. Менга нима дейсиз? У сизнинг меҳмонингиз, ўзингиз кутиб олаверинг! Ана шўрва холодильникда, нон шкафчада, гугурт шкафчанинг тепасида. Бошқа саволлар борми?

К у з н е ц о в. Тўғри, ўзим қилсам ҳам бўлаверади, ўлиб қолмайман. Лекин у қишлоқдан келган, уларда тартиб-қоида бошқача: бунақа ишларни хотин киши қилиши керак.

Л и з а. Ҳеч нима қилмайди. Уларда тартиб-қоида унақа, бизда бунақа! Қўяверинг, аста-секин кўниқиб кетади.

К у з н е ц о в. Кўниқмайди, Лиза, кўниқолмайди!.. Қон билан кирган — жон билан чиқади. Харитон болалигидан шунақа тарбияланган, билдингми? Уларда хотин уй, қозон-товоқ, бола-чақага қарайди, эр кўчадан топиб келади. Масалан, айиқ овлаб келади. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган удум шунақа: эр — эр, хотин — хотин. Яна қайтариб айтаманки...

Л и з а (*унинг гапини бўлиб*). Ҳожати йўқ, Кузнецов! Ундай бўлса, сиз ҳам айиқ овлаб келинг, мен дастурхон ёзиб, уйда кутиб ўтираман. Сиз овга эмас, дўконгаям чиқиб келолмайсиз! Айиқни эса фақат телевизорда кўрган-сиз!

К у з н е ц о в. Лиза, меҳмон кутиб қолди...

Л и з а. Яна меҳмон!..

К у з н е ц о в. Хўп дегин, бир йўлини топ, инсон! Ҳеч қурса, картишка қайнатиб бер! Уйда картишка борми ўзи?

Л и з а (*чуқур тин олиб*). Билиб қўйинг, бу охиргиси. Бўпти, энди оёғимнинг тагида ўралишмай, меҳмонингизга қаранг.

К у з н е ц о в. Сен дунёдаги энг ажойиб хотинсан!

Л и з а (*жилмайиб*). Бўпти, бўпти, кўп суюлманг...

К у з н е ц о в хурсанд ҳолда қайтиб чиқади.

К у з н е ц о в (*кўтаринкилик билан*). Ҳозир овқатланамиз, кейин мириқиб дам оламиз! Хўш, эртага мўлжал қанақа? Ҳа, айтгандай, эртага фин ҳаммомига борамиз! Ишдан ҳам жавоб олиб қўйганман. Ҳаммомга қалайсан?

М е ҳ м о н. Биз оддий одаммиз, ҳаммом бўлса — ҳаммом-да. (*Бир оз сукутдан сўнг*.) Лекин ўзимга қолса, кўрғазмага борардим. Импрессионистларниқига.

К у з н е ц о в. Кимларникига?

М е ҳ м о н. Импрессионистларникига.

К у з н е ц о в. Нима у? Янги партиями?

М е ҳ м о н. Йўқ, эски партия. Тўғрироғи, оқим. Тасвирий санъатда шундай йўналиш бор.

К у з н е ц о в (*вазиятдан чиқиш учун*). Э-э, бўлди, оғзига шамол! Биламан. (*Гапи сохта чиққанини ўзи ҳам англаб.*) Маърифатга интилганинг яхши, албатта... Лекин ҳар ким ўзига ярашган нарсага қизиққани дуруст. Ипра... Нима дединг?

М е ҳ м о н. Импрессионизм.

К у з н е ц о в. Ҳа, ўша импро... бир балони тушуниш учун кишида маълум тайёргарлик бўлиши керак.

М е ҳ м о н (*ух тортиб*). Гапинг тўғри, Валюха. Ўзимнинг ҳам ақлим етиб турибди, бизга ўхшаган оми одам мундайроқ кўргазмаларга борсаям бўлаверади. Лекин, шу, Сезаннани кўриб кетсам девдим-да...

К у з н е ц о в. Энди буниси ким бўлди?

М е ҳ м о н. Шунақа машҳур рассом ўтган.

К у з н е ц о в. Э-э, ўтиб кетганми? Танирмидинг?

М е ҳ м о н. Унча-мунча билардим...

Л и з а овқат олиб киради.

Л и з а. Мана, картишкаям тайёр бўлди. Устига қуйгани ҳеч нима тополмадим. Ё озгина писта ёғи қўшиб юборсаммикан, Харитон Игнатич?

М е ҳ м о н. Писта ёғиям бўлаверади. Тўғри, сал тахирроғ-у, лекин фойдали. Унда оқсил кўп.

К у з н е ц о в (*шоша-пиша*). Қўшнилардан сўраб кўрсакмикан-а? (*Меҳмонга.*) Меъмор қўшнимиз бор, овқат деганни жа зеру-забари билан тайёрлайди. Минг қилсаям армани-да, маишатни жойига қўйиб қўяди.

Л и з а. Ҳаяжонланманг, ҳаяжонланманг. Кузнецов! Харитон Игнатич бегонамас, ўзимизнинг одам. Шундоқ ҳам аҳволимизни тушуниб турибдилар. Кўзбўямачиликнинг нима кераги бор, бориға барака қилаверамиз-да, нима дедингиз, Харитон Игнатич?

М е ҳ м о н. Тўғри, кўзбўямачиликнинг кераги йўқ. Биз оддий одаммиз. Писта ёғи бўлса — писта ёғи-да, шунгайа ота гўри қозихонами. Бир марта тайгада адашиб қолиб, уч кунгача қарағай пўстлогини шимиб жон сақлаганман. Ўлиб қолганим йўқ.

К у з н е ц о в (*аламини ичига ютиб*). Харитон, кечирасан, дўстим, биз Лиза билан бир дақиқага чиқиб келамиз. Бемалол ўтиравер. (*Хотинига ишора қилади.*) Лиза...

Э р - х о т и н о шхонага чиқади.

(*Ўзини аранг босиб.*) Нима қиялсан? Сендан сўраяпман, нима қиялсан?!

Л и з а. Нима қилибман?

К у з н е ц о в. Сал хушмуомилароқ бўлсанг бир жойинг камайиб қоладими? Жилла курса, мундоқ жилмайиб қўйгин, инсон! Худди чойчақасиз қолган ҳаммолга ўхшайсан!

Л и з а. Ҳозир кайфиятим шунақа бўп турибди, нима дейсиз! Сизнинг буйруғингиз билан ҳиринг-ҳиринг қилолмайман-ку! Ие, дўқ қиладилар...

К у з н е ц о в. Ҳеч ким сенга ҳирингла деягани йўқ, ахир одамга ўхшаб гаплашса бўлади-ку! Нима, ё атай қиялсанми? Бу сенинг қўлингдан келади!

Л и з а (*бўш келмай*). Бўлганим шу! Саволлар борми? Ёлғондакамга тиржайиш қўлимдан келмайди, мен Жаконда эмасман! Картишка дедингиз, пишириб бердим. Боримни дастурхонга қўйдим. Кўзини сузиб, меҳмоннинг кўнглини овлаш хотиннинг вазифасига кирмайди! Сал-пал нафсонияти бор эркак бунга тушуниши керак! Яна осмондан келасиз!

К у з н е ц о в. Хўп, дейлик, у сенинг кўнглингга ўтиришмади. Лекин меҳмондўстлик, оддий одамгарчилик деган зормандалар бор, ахир!

Л и з а. Бугун йўқ!..

К у з н е ц о в. Нима — йўқ?

Л и з а. Сиз айтган зормандалар йўқ! Тавба!.. Ашқол-дашқоли билан уй-имни соат заводига айлантириб юборди — индамадим! Энди бир камим, унинг олдида қийшанглаб, ўзимни бахтли қилиб кўрсатиш қолувди!

К у з н е ц о в. Хўп, бу кўлингдан келмаса, ҳеч қурса, чой дамлаш кўлингдан келишини кўрсат! Менам мақтаниб юрай, бизнинг хотин дунёда ягона, ҳатто чой дамлашним билади, деб!

Л и з а. Э, пичингниям эплаган қилади-да!

К у з н е ц о в. Ҳа, пичингни сиз қойиллатасиз!

Л и з а. Афсус, Кузнецов, афсус...

К у з н е ц о в. Ҳа, афсусланиб қолдинг?

Л и з а. Афсус, менинг қадримга етмаяпсиз. Меҳмонингизнинг олдида қанчалик обрўйингизни кўтараётганимни сиз ҳатто тасаввур ҳам қилолмаёпсиз.

К у з н е ц о в. Минг раҳмат! Жа кўтаришним қойил қилдингиз! Мендан кўра чувалчангнинг обрўси баландроқ!

Л и з а. Ношукур бўлманг, Кузнецов, мендай хотинга етганлар бор, етмаганлар бор.

К у з н е ц о в. Ҳа. Етганлар — азада, етмаганлар — мазада!

Л и з а. Атай шундай қиялпман, Кузнецов. Мендай кўрс, беандиша аёлинг эри бўлиш, меҳмонингизнинг наздида, сизни фаришта қилиб кўрсатади. Энди тушундингизми?

К у з н е ц о в. Тушундим-у, лекин...

Л и з а. Ҳеч қанақа лекин-пекини йўқ. Энди бориб меҳмонингизга ялтоқ-ланаверинг.

У эрининг елкасидан тутганича эшикдан чиқариб юборади.

К у з н е ц о в (*Харитонга, ясама тетиклик билан*). Хўш, нима масалада гаплашаётган эдик? Картишка масаласида... Йўғ-э, империалистлар ҳақида...

М е ҳ м о н. Импрессионистлар ҳақида.

К у з н е ц о в. Ишқилиб, ўша-да... Менга қара, у ерга эртага борамиз, ундан кўра отчопарни кўриб келсак-чи, а? Лекин қиёмат томоша бўлади-да, оғзига шамол!

М е ҳ м о н. Менга бари бир. Биз оддий одаммиз, қаёққа десанг кетаверамиз. Отчопарми, итчопарми — фарқи йўқ. Лекин, ростини айтсам, Чайковский залига боргим келяпти...

К у з н е ц о в. Қаерга?

М е ҳ м о н. Чайковский залига.

К у з н е ц о в (бирпас ўйланиб туриб). Жудаям боргинг келяптими?

М е ҳ м о н. Жудаям.

К у з н е ц о в. Тушунарли... Мусиқага қизиққанинг яхши, албатта... Менам бир пайтлар ўқиганман. Ҳатто мактабни битириш кечасида пианино чалганман, оғзига шамол! Кейин, унча-мунча бастакорларни ҳам танийман. Масалан... (*Ўйланади, лекин хаёлига ҳеч нима келмайди.*) Хуллас, кўп, қай бирини айтай?

М е ҳ м о н. Сен, огайни, пойтахтда яшайсан, ҳамма нарсадан хабардорсан. Мен тупканинг тагидан келганман. Биз томонда бунақа ҳаёт қаёқда. Битта Генделни эшитсам ҳам оғзим очилиб, ҳайрон бўлиб ўтиравераман.

К у з н е ц о в. Кимни?..

М е ҳ м о н. Генделни.

К у з н е ц о в. Уям пианино чаладимиз?

М е ҳ м о н. Нима чалишини билмадим-у, аммо зўр бастакор!

К у з н е ц о в. Ҳа... зўр у, нимасини айтасан... Айниқса, ҳозирги пайтда Гендални албатта эшитиб туриш керак.

М е ҳ м о н (*уни тузатиб*). Геңдель.

К у з н е ц о в. Тўппа-тўғри! Ушани эшитиб туриш керак. Нимага десанг, сен билан биз замонавий кишилармиз, нима дединг? Хуллас, келишдик, а?

М е х м о н. Нимани? Генделни эшитишними?

К у з н е ц о в. Йўқ, отчопарга боришни.

М е х м о н. Хафа бўлма-ю, оғайни, дам олишим қисқа, бирпасда шув ўтиб кетиб қолади. Шунинг учун уни иложи борича мазмунли ўтказишим керак.

Л и з а чой олиб киради.

Л и з а. Энди чой ичамиз. Нок мураббосига қалайсиз? Харитон Игнатич?

М е х м о н. Нок бўлса — нок-да. Борига барака. Биз оддий одаммиз. Лекин асалга нима етсин, а, нима дединг?

К у з н е ц о в (*хотинига жовдираб*). Ҳеч нима демадим...

Л и з а (*мураббони меҳмон томонга суриб*). Буям қишлоқдан келган. Сиз бир татиб кўринг-а, Харитон Игнатич.

К у з н е ц о в (*хотинига*). Ё Синюхинга кўнғироқ қилиб кўрсаммикан? (*Меҳмонга*.) Шунақа бир кўшним бор, доим шамоллаб юради, оғзига шамол! Кейин асал билан даволанади. Жа фойдали нарса-да, қурмағур.

М е х м о н. Нима, тез-тез шамоллаб турадимиз?

Л и з а. Йилига ё уч юз олтмиш беш кун, ё уч юз олтмиш олти кун? Лекин асал билан дарров тузалиб кетади!

Кузнецовнинг энсаси қотиб, ўрнидан турмоқчи эди, лекин хотини тўхтатади.

Кузнецов, ҳаяжонланманг. Харитон Игнатич биз асалари тутмаслигимизни жуда яхши биладилар. Нок мураббосиям тешиб чиқмайди. Нима дедингиз, Харитон Игнатич?

М е х м о н. Биз оддий одаммиз, нима тўғри келса, ураверамиз. Ошқозон бақувват, мих ютсақ ҳам ҳазм қиворади.

Л и з а (*сохта афсусланиш билан*). Мих йўқ эди-ю, эссизгина... Эгов бўлмай-дими, Харитон Игнатич?

К у з н е ц о в. Лиза!.. Харитон, сен чойдан қуйиб ичиб ўтир, бизнинг гаплашиб оладиган гапимиз бор.

М е х м о н. Бемалол.

К у з н е ц о в (*ошхона томонга ишора қилиб*). Лиза...

Улар ошхонага чиқади.

Л и з а (*ошхонага кирар-кирмас*). Яна нима дейсиз? Айтганларингизни қиялпман; ҳатто бир марта жилмайиб ҳам қўйдим. Майли-да, ўлганимнинг кунидан бўлсам.

К у з н е ц о в. Кўрдик жилмаганингизни! Худди сирка ичиб қўйган одамдай афтингизни бужмайтирдинг — шу кулганинг бўлса керак-да, а? Афсуски, ёнимда фотоаппарат йўқ эди.

Л и з а. Бўлди қилинг! Бу майнавозчилик жонимга тегиб кетди! Тўйдим! Ё мени дейсиз, ё уни! Ҳозироқ биттамыз бу ердан даф бўлишимиз керак!

К у з н е ц о в. Қаёққа?

Л и з а. Очиқ мазорга!

К у з н е ц о в. Яхши. Бу ерда Харитон қолади. Сен кўнглингнинг кўчасига келганини қилавер. Очиқ мазорга борасанми, ёпиқ мазорга борасанми — ихтиёринг! Шу соатдан бошлаб сен тўла мустақил, озод ва суверен хотинсан!

Л и з а. Шунақами? Жуда яхши-да! Ўзимам бир кун шунақа бўлади, деб ўйловдим ўзи! Эй, худойим, мен аҳмоқ нега ўшанда Игорга тегмай сизга тегдим-а!

К у з н е ц о в (*ясама хурсандлик билан*). Э, қойил-э! Умрингда биринчи марта ўзинга тўғри ва холис баҳо беряпсан!

Л и з а (*бирдан жиддий тортиб*). Айтиб қўяй, шкаф меники. Раҳматли онамдан қолган.

К у з н е ц о в. Бемалол. Умуман жиҳозларнинг ҳаммаси сеники. Чангютгич, тикиш машинаси, телевизор, истасанг, пол латтаниям олишинг мумкин!

Л и з а. Буни қаранг-га, ҳатто телевизорниям-а? Телевизор жони-дилингиз-ку, усиз қандай яшайсиз?

К у з н е ц о в. Ўлиб қолмасман.

Л и з а. Менга қаранг, жа мард бўл кетяпсизми? Унда каккули соат ҳам меники.

К у з н е ц о в. Фақат...

Л и з а (*уни гапиришга қўймай*). Ҳа-а, ана шунақа! Чидайсизми? Чидасангиз шу, чидамасангиз — катта кўча!

К у з н е ц о в. Фақат, битта илтимосим шуки, соатга зинҳор ва зинҳор тил теккизмайсан!

Л и з а. Кечириб қўясиз! Агар мен унга тил теккизмасам, анави ҳамтовонинг қўл теккизади! Унақа кимсанинг қўлига тушди деган гап, соатнинг шўрига шўрва тўкилди деган гап!

К у з н е ц о в. Уни бировга бераман, деяпманми? Ўтаканг ёрилмасин, ўзимда туради. (*Таъкидлаб*.) Кўнглинг хотиржам бўлсин, уни жа эҳтиёт қилиб, гард ҳам юқтирмай сақлайман.

Л и з а. Бекоргинанинг ўнтасини айтибсиз! “Гард юқтирмай сақлайман”-миш! Сизни бугун кўриб турганим йўқ. Шу дангасалингиз, шу ландовурлигингиз бўлса, соат жонивор ҳам дунёга келганига пушаймон бўп кетади! Унга қараш керак, эътибор керак, қолаверса, меҳр керак! Ноёб нарса у.

К у з н е ц о в. Ҳо! Нимаси ноёб экан жа? ГУМдан етти сўм-у, ўттиз тийинга олганмиз.

Л и з а (*бўш келмай*). Нима қипти, мен учун — ноёб! Кейин, унга сизнинг нима алоқангиз бор? Ҳеч қанақа! У бизнинг пулчамизга келган!

К у з н е ц о в. Туҳмат балоингдан асра!.. У сизнинг пулчангизга келгани йўқ, сизнинг эчангиздан чиқиб қопти, оиламизнинг умумий пулига келган! Сотиб олганим икковимиз борганмиз! Сен сотувчи билан гаплашиб турувдинг, мен бориб чек урдириб келдим.

Л и з а. Урдириб келган бўлсанг, урдириб келгандирсан, ҳозир бунинг аҳамияти йўқ. Муҳими, соат менинг ташаббусим билан олинди, билдингми?

К у з н е ц о в. Демак, бермайсан?

Л и з а. Икки дунёдаям!

К у з н е ц о в (*у ёқдан-бу ёққа юриб*). Хў-ўш... Унда ўртасидан бўлиб оламмиз!

Л и з а. Қанақасига?..

К у з н е ц о в. Истасанг узунасига, истасанг кўндалангига!

Л и з а. Овора бўласан!

К у з н е ц о в. Ҳеч қанақанги оворагарчилиги йўқ, бирпасда тўғрилаб ташлаймиз-да!

Эр-хотин бараварига соат турган хонага югурадилар. Кузнецов соат томон интилади.

Л и з а. Қўлингизни тортинг! Эсингиз жойидами ўзи? Кимга айтяпман? Шундай нарсани жувонмарг қилмоқчимисиз, буюм кўр қилгур! Қўлингизни олинг, деяпман-э!..

Кузнецов соатни бир амаллаб олади ва ичини кавлаштира бошлайди.

К у з н е ц о в. Лекин ҳалол бўламиз: сен милини оласан, мен — каккусини! Ўзи болалигимдан қушларга ишқивозман. Ҳатто, ўқитувларимиз ҳам қойил қолишарди!

Л и з а (*нажот қидириб, атрофга аланглайди ва меҳмонга кўзи тушиб*). Харитон Игнатич, сиз нимага қараб турибсиз? Бунинг нима қил-

моқчилигини биялпсизми? (*Бақриб.*) Бир нима десангиз-чи, дўстингиз-ку, ахир!..

К у з н е ц о в (соатни кавлаштиришда давом этиб). Сен, Харитон, бемадол чойингни ичавер. Мураббо билан қўшиб ол... Бу ёғни ўзим эплаймаман! Ҳозирги соатларнинг фақат ғилофи мустаҳкам, ичидаги мурувватлари ўргамчакнинг ипидай нарса, сал тегсанг — тамом!

Лиза эрининг соатни дабдала қилишини кўрмаслик учун юзини қўллари билан бекитиб олади. Каттиқ гурсиллаган овоз эшитилади. Лиза кўрқа-пуса юзини очиб қарайди: Кузнецов қўллари кертганича ерда узала тушиб ётарди. Меҳмон афтини буриштириб, авайлабгина муштира пуфлаб қўяди...

Л и з а. Нима бўлди?.. Харитон Игнатич, урдингизми?

М е ҳ м о н (*ҳижолат бўлиб*). Билмадим... Нима бўлганига ўзим ҳам тушунмай қолдим... Кўз олдим қоронғилашиб, бошим гувиллаб, қўлим ўз-ўзидан кетиб қолди, шекилли...

Л и з а (*эрининг бошини секингина кўтариб*). Вой, худойим-ей, кўзингизни очинг, дадаси... Одамни кўрқитмасангиз-чи... (*Меҳмонга.*) Вой, нима қилиб қўйдингиз, ўлдириб қўйибсиз-ку!.. Мана, қаранг, ўлиб қопти...

Меҳмон тош қотиб қолган эди.

К у з н е ц о в (*кўзини очиб, аранг*). Бутунлай ўлганим йўғ-у, сал ўлдимда... (*Жағини силаб.*) Вой, оғзига шамол!.. (*Меҳмонга.*) Лекин бахтинг бор экан, Харитон, қаратэни ишга совормадим. Ҳа-а, энди ишондим...

Л и з а. Нимага ишондингиз?

К у з н е ц о в. “Меҳмон отангдан улуг” деган гапнинг тўғрилигига. Отамдан емаган калтакни меҳмондан еб ўтирибман — ишонмай бўладими?

М е ҳ м о н (*қизариб-бўзариб*). Мени кечир, оғайни... Нега бундай қилганимни ўзим ҳам билмайман... Пашшага озор берган одам эмасдим, нима жин урди, ҳайронман...

Л и з а (*ўзига келиб, тағин ролга кирди, шаҳдам юриб бориб, Меҳмоннинг қўлини маҳкам сиқиб қўяди*). Сизга каттадан-катта раҳмат, Харитон Игнатич! Агар сиз бўлмаганингизда шундай ноёб соат асфаласофинга равона бўларди! Ҳайрият, бизнинг уйдаям битта мард эркак бор экан!

М е ҳ м о н (*соатни меҳр билан силаб*). Чиндан ҳам ажойиб соат... Зўр... Бунақа соатга эрталабдан-кечгача тикилиб ўтиришга рози эдим... Қарасам, Валюха шундай нарсани дабдала қилмоқчи!.. Ўзимни тутиб туrolмадим-да...

Л и з а (*соатга қўлоғини тутиб кўриб*). Юряпти!.. Харитон Игнатич, биламан, сиз бу соатни анчадан бери кўз остингизга олиб юрибсиз. У сиз туфайли омон қолди. Мен розиман, олинг!.. (*Соатни узатади.*)

К у з н е ц о в. Мен қаршиман!

Л и з а. Биров сиздан сўраяптими, қаршимисиз-қаршимасмисиз, деб. Қарши бўлсангиз бўлаверинг. (*Меҳмонга.*) Олинг, Харитон Игнатич, арзимас одамларнинг арзимас гапларига парво қилманг.

М е ҳ м о н (*маъюс тортиб*). Қўйсанглар-чи... Валюха норози бўлганидан кейин... (*Бирпас жим қолиб.*) Ҳечқиси йўқ, ўзим топаман. Мана, кўрасизлар...

УЧИНЧИ КҮРИНИШ

Бу сафар хонада соатлар шу қадар кўп эдики, Лиза билан Кузнецов аранг йўл топиб юришарди.

К у з н е ц о в. Елизавета Антоновна! Биламан, сиз билан бизнинг муносабатимиз расмий. Лекин, эски танишлигимиз ҳурмати, битта савол берсам майлими?

Л и з а (*сумкасини кавлаштириб*). Лаб бўёгим қаёқда қолди шу пайт?.. (*Эрига*.) Бемалол. Фақат тезроқ. Ҳали замон Харитон Игнатич келиб қоладилар.

К у з н е ц о в. Бирон ёққа шошяпсизларми? Янги кўйлак ҳам кийиб олибсиз. Энди-и, менга ҳисоб бериб ўтиришингиз шарт эмас-у, сўраяпман-да.

Л и з а. Валентин Николаевич, менинг лаб бўёгимга кўзингиз тушмади-ми?.. Тўғри пайқабсиз, биз Харитон Игнатич билан театрга бормоқчимиз. (*Лаб бўёғини топиб*.) Ҳа, мана экан...

К у з н е ц о в. Яхши. Демак, меҳмонингизни маданиятга ошно қилмоқчисиз? Эзгу ният. Сибирь ўрмонлари сизни ҳеч қачон унутмайди! Қайси театрга бормоқчисизлар, сир бўлмаса?

Л и з а. Нега сир бўлсин, Катта театрга. “Оққуш кўлига”! Плисецкая ўйнаркан. (*Тагин ниманидир қидириб*.) Оббо, энди упамни тополмапман...

К у з н е ц о в. Бир бечорага жавр қиялпсиз-да, Елизавета Антоновна. У Плисецкаяни бошига урадимми? Сиз уни Халқ Хўжалиги Ютуқлари Кўргазмасига олиб боринг. У ерда ажойиб сут соғиш аппаратлари намоиш қилинапти!

Л и з а. Ўзингизга ортиқча баҳо беривормаяпсизми, Валентин Николаевич? Ахир, сиз умрингизда мартен печи-ю, телевизордан бошқа нарса кўрмагансиз-ку!.. (*Қидирган нарсасини топиб*.) Ҳа, упам бу ёқда экан...

К у з н е ц о в. Ҳа, энди, маданият, бадий фаросат масаласида ўша шогирдингизнинг олдига тушадигани йўқ-да! Бизга ўхшаганларга йўл бўлсин! Унингиз импрессионистларми, бир балолар билан офтобда қатик ялашган! Гендель деганиям катта холасининг ўғлидай гап экан! Шунақа... (*Ҳансираганича ўтириб қолади*.)

Л и з а (*яна ниманидир қидириб*). Валентин Николаевич, мунчоғимни кўрмадингизми?

К у з н е ц о в (*юзини четга буриб*). Йўқ, кўрмадим!

Л и з а. Харитон Игнатичнинг устидан бекорга қуляпсиз. У киши келгандан бери маънавий жиҳатдан анча ўсяптилар.

К у з н е ц о в (*артистона ҳаракатлар билан*). Ўсяпти, ўсяпти!.. Ўсгандаки! Шунақа ўсаверса, говлаб кетиб, яқинда уйимизга сифмай қолади!

Л и з а. Унинг соатларига шама қиялпсизми? Билсангиз, булар тарихий аҳамиятга молик санъат асарлари ҳисобланади. Шунақа! (*Эрининг кўлига кўзи тушиб*.) Вой, мана-ку, мунчоғим!.. Кўлингизда ўйнаб ўтирибсиз-у, кўрмадим дейсиз-а...

К у з н е ц о в (*мунчоғни бериб*). Балки бу бир мошина даҳмаза ким учундир “тарихий аҳамиятга молик”дир, лекин уларнинг орасида мен ўзимни худди баррикадада юргандай ҳис қиялман! Шу, ётиб олиб, пақиллатиб отгим келяпти-да!

Л и з а. Ичиқоралик қилманг, Валентин Николаевич. Одам деган сал багрикенг, очиққўнгил бўлиши керак. Ахир, ўзингизнинг меҳмондўстлик ҳақидаги доно гапларингиз қаёқда қолди?

К у з н е ц о в. Мен меҳмондўстликни қўлимдан келганча бажо келтирдим. Лекин у меҳмон жонивор нақ икки ҳафтадан бери кетай демайди! Бу ёқда зарур ишларим қолиб кетяпти! Душанба куни янги маҳсулотимизни си-наб кўрамиз, ахир!

Л и з а. Ишланг, биров қўл-оёғингизни боғлаб қўйибдими? Марҳамат, ошхона сизнинг ихтиёрингизда, у ерда ҳеч ким ҳалақит бермайди. Бунинг устига, биз Харитон Игнатич билан тез-тез у ёқ-бу ёққа чиқиб турамыз, уйда кам бўламыз...

Шу пайт эшик кўнғироғи жиринглаб қолади. Лиза шошиб чиқиб, тагин битта соат кўтариб олган Меҳмон билан қайтиб киради.

М е ҳ м о н (*пафос билан*). Эҳ, Москва! Пойтахтмисан пойтахт-да! (*Кузнецовга*.) Кўчада манавини кўтариб келяпман-у, ҳамма худди умрида соат кўрмагандай оғзини ланг очиб қарайди. Одамлар ҳам қизиқ-да...

К у з н е ц о в (*пичинг билан*). Энди-и, Харитон Игнатич, биз оддий одам бўлсак, оғзига шамол! Ҳалиги ўзимизнинг оддийгина кўнғироқли соат бор-у, ўшанга ўрганиб қолганмиз-да! Бунақа ваҳимали соатларни ҳар куниям кўравермаймиз. Уни айтасиз, мана, кўриб, менинг ҳам оғзим очилиб қолди... (*Оғзини катта очиб, анграйган бўлади.*) Сира ёпилмаяпти...

М е ҳ м о н (*олиб келган соатига маҳлиё бўлиб*). Зўр нарса, лекин! Италия усталари ясаган. Мана, ёзиб ҳам қўйибди, “Амедео Молина” деб! Ун еттинчи аср! Ҳозир бунақа соатлар йўқ бўп кетган.

К у з н е ц о в (*пичинг қилишда давом этиб*). Каккули соатдан гапиринг, Харитон Игнатич, каккули соатдан. Ё қидиришнйам йиғиштириб қўйдиларми? Умуман, тўғри қиласиз, ҳозир бари бир топилмайди. (*Тантана билан.*) Ноёб-да, ноёб!

М е ҳ м о н (*қатъий қилиб*). Йўқ, топаман. Топаман дедимми, топаман. Битта дўконда ваъда қилишди. Қисқаси, ҳозирча умидим сўнган эмас.

Л и з а. Кеч қоляпмиз, Харитон Игнатич. Келишганимиздай, бугун Катта театрга борамиз. Тагин айниб қолмадингизми, мен чипта олиб қўйганман-а?

М е ҳ м о н. Э, айниб ўлибманми! Катта театр бўлади-ю, бормайманми! Катта театр рўйхатимнинг биринчи қаторида турибди. Нима бўлар экан ўзи?

К у з н е ц о в. “Оққуш кўли” бўлар экан. Ҳалиги, оёғини кўтариб ўйнайдиган томоша-чи? Қушлар ҳаётидан. Отам раҳматлик яхши кўрарди — молдўхтир эдилар-да. Сиз ҳам боринг, Харитон Игнатич, зўр нарса! Бир марта кўрсангиз, умрингизнинг охиригача ҳайвонот боғига қадам қўймай кетасиз! Тушларингизга кириб чиқади!

Л и з а (*меҳмонни эрининг гапидан чалғитиш учун*). Харитон Игнатич, қўйлагим қалай? Атайлаб костюмингизнинг рангига мосини кийдим. Жа бачкана эмасми, нима дедингиз?

М е ҳ м о н. Ҳа энди, қўйлақдақа қўйлақ-да. Баъзи аёлларга ўхшаб шим кийиб олмаганингизгаям шукур. Ўшанақалардан худо сақласин.

К у з н е ц о в (*шкафдан бир қучоқ чизмалар олиб*). Илтимос, ошхонага ҳеч ким кирмасин, мен ишлайман! Кейин, иложи борича шивирлаб гаплашилсин, бўлмаса хаёлимни бир жойга йиғолмайман! (*Шахдам қадамлар билан ошхонага кириб кетади.*)

Л и з а. Ие, Харитон Игнатич, бўйинбоғ қани? Йўқ, бунақаси бўлмайди. Ҳозир бир йўлини қиламиз... (*Ошхонага кириб, эрига.*) Валентин Николаевич, ҳалақит берган бўлсам кечирасиз... Ёрдамингиз керак бўлиб қолди. Харитон Игнатичга бўйинбоғингизни бериб туролмайсизми?

К у з н е ц о в (*кўзининг пахтасини чиқариб*). Сизнинг, Елизавета Антоновна, ақли-хушингиз жойидами ўзи? Дуч келган қароқчига бўйинбоғимни беравераманми? Агар билсангиз, бўйинбоғ ташқарида турсаям, ички кийим ҳисобланади! Ўзингиз кўчадан кириб келган бир пандавақига ич кийимингизни берармингиз?

Л и з а. Эй худойим-ей, бериб турсангиз бир нарса бўп қоласизми? Ҳалиги йўл-йўл, кўки бор-ку? Ўша ҳечам ёқтирмайдиганингиз-чи?

К у з н е ц о в. Ким айтди сизга ёқтирмайди, деб? Агар керак бўлса, ўша йўл-йўл, кўки — энг яхши кўрган бўйинбоғим! Тақмай яхши кунларга асраб юрувдим.

Л и з а. Хўп, бўлмаса қизғишини беринг. Бир мартаям таққанингиз йўқ, сизга ярашмайдиам.

К у з н е ц о в. Анави арзандангизга ярашадими? Бўлмасам-чи, унга ҳамма нарса ярашади! Мана, сиз ҳам унга ажабтовур ярашиб турибсиз! Унинг ёнига ўқлоғни тикка қилиб қўйсаям ярашаверади! Айтиб қўйинг, бўйингизга капкир илиб олсангиз ҳам бўлавераркан, денг! Уям ярашаверади-да!

Л и з а. Курумсоқ! Сиз бировга қиш чилласида қор ҳам бермайсиз! Бўпти, Харитон Игнатичга шундай деб айтиб қўямиз.

К у з н е ц о в. Ҳа, худди шундай деб айтиб қўйинг! Ажабмас, ўшанда сал ўпкасини босиб олса! Бўлмаса жа иштаҳаси карнай бўп кетяпти! Айтгандай, сиз ўзингизни уринтирмай қўя қолинг, хоним, ўзим айтаман!

У шундай деб шиддат билан чиқиб кетади, Лиза унинг орқасидан югуради.

Л и з а (*шоша-пиша*). Биз, Харитон Игнатич, маслаҳатлашиб шу қарорга келдик: ҳозир бўйинбоғ тақиш расм эмас экан. (*Эрига.*) Валентин Николаевич ўзларининг Исламдияда чиққан свитерларини бермоқчилар.

К у з н е ц о в (*жаҳлдан ақлдан озадиган даражга етиб*). Свитер?! Атиги-я?! Жуда яхши... Шимимниям бераман!.. Кўйлагимниям!.. Анави... ҳалиги, калта иштон бўлади-ю, номи нимаиди... ўшаниям олиши мумкин! Мундоқ... сув парисининг сурати туширилган! А?

Л и з а (*эрининг дағдағасига аҳамият бермай*). Йўқ, униси ўзингизга сийлов, а, Харитон Игнатич, бизга керак эмас. Лекин туфли бўлса, йўқ демасдик...

К у з н е ц о в. Э, ана, туфлидан бир қопи турибди! (*Меҳмонга.*) Шиппагимниям беришим мумкин — Москва бўйлаб шапиллатиб юраверасиз! Сузадиган шиппак керак эмасми? Қўлмак-пўлмак чиқиб қолса, дейман-да...

М е ҳ м о н (*ҳижолат бўлиб*). Йўғ-э, шунча нарсани нима қиламан... Кейин, жа қиммат нарсалар экан. Менга мундайроғиям бўлаверади. Биз оддий одаммиз. Бунинг устига каттаям экан...

К у з н е ц о в. Ахир Катта театрга каттасини кийиб бориш керак-да, Харитон Игнатич! Плицеская кўрса нима дейди? Уят бўлмайдами? Туфлиси кичкина экан, деб устингиздан кулади!

Л и з а (*вазиятни юмшатишга ҳаракат қилиб*). Сиз тортинманг, Харитон Игнатич, ёққанини танлаб олаверинг. Валентин Николаевич чин кўнгилдан бераптилар.

К у з н е ц о в (*баттар авжига чиқиб*). Чин кўнгилдан, чин кўнгилдан, Харитон Игнатич! Жудаям чин кўнгилдан! Бемалол, менинг уйим — сизнинг уйингиз, менинг кийимларим — сизнинг кийимингиз, менинг хотиним — сизнинг...

Л и з а (*гапини бўлиб*). Валя!..

К у з н е ц о в (*хотинига*). Кечирасиз, Елизавета Антоновна... (*Меҳмонга.*) Тиш чўткамниям беришим мумкин! Жа зўр чўтка лекин, тишингизни ювсангиз ҳам бўлаверади, кўзингизни ювсангиз ҳам бўлаверади! Майли, орасира туфлингизга ишлатсангиз ҳам хафа бўлмайман! (*Таъкидлаб.*) Биз кичкина одаммиз...

Л и з а (*гапни буриб*). Харитон Игнатич, сиз бемалол кийинаверинг. Биз Валентин Николаевич билан ҳалақит бермай чиқиб тураммиз. Фақат тезроқ бўлинг, вақт кетяпти.

Э р - х о т и н о шхонага чиқадилар.

К у з н е ц о в. Бунақа безбет одамни умримда биринчи марта кўришим! Менимча, у масхара қилганимниям тушунмади, устидан кулганим ҳам етиб бормади, шекилли! Молфаҳм, бефаросат!

Л и з а. Сиз ҳали масхара қилганмидингиз? Харитон Игнатич очиқкўнгил, соддадил одам-да, гапларингизни самимий деб, чиппа-чин ишониб ўтирибдилар. Шундай бегубор, софдил одамни масхара қилиш одобдан эмас, Валентин Николаевич.

К у з н е ц о в. Бир нарсага ақлим етмаяпти, Елизавета Антоновна.

Л и з а. Хўш, нимага экан, Валентин Николаевич?

К у з н е ц о в. Бундан бир ҳафтагина олдин ўзингиз, “бу нуханинг турқини кўришгайм тоқатим қолмади” демаганмидингиз? Шунга сал ақлим етмай турибди-да!

Л и з а. Эҳ-ҳе, бир ҳафтада нималар бўлмайди дейсиз. Кўп нарсалар ўзгариб кетди, Валентин Николаевич.

К у з н е ц о в. Масалан, нима ўзгарди?

Л и з а. Масалан, мен ҳаётимни қайта қуриб олдим.

К у з н е ц о в. Табриклайман!

Л и з а (*пинагини ҳам бузмай*). Раҳмат. Харитон Игнатич менинг бир хил, зерикарли, қоронғу ҳаётимни ёритиб, уни бойитди, рангбаранг қилди.

К у з н е ц о в (*афтини буриштириб*). Нима қилди?

Л и з а. Рангба-ранг қилди, кармисиз?

К у з н е ц о в. Бу кунимдан кар бўлганим ҳам яхши эди!

Л и з а. Қўйинг, бу гапларни бафуружа ўтириб гаплашиш керак, йўл-йўлакай эмас. Ҳозир шошиб турибман. (*Ичкари томонга.*) Харитон Игнатич, бўлдингизми?

Улар хонага қайтиб чиқишди.

(*Лиза меҳмоннинг уст-бошига разм солди.*) Шим бир оз калта экан. Ҳа майли, ҳозирча кийиб туринг, кейин тушириб бераман. Умуман, кўринишингиз ёмонмас.

К у з н е ц о в. Ҳа, суқсурдай йигит бўпти! Энди Плисецкая илиб кетади, сиз чапак чалиб қолаверасиз!

Л и з а. Парво қилманг, Харитон Игнатич, мевали дарахтга тош отилади!

К у з н е ц о в (*ўзича тўнғиллаб*). Мевангдан ўргилдим!..

М е ҳ м о н. Туфлиям сал сиқаяпти. Валюханинг оёғи меникидан кичкина экан-да, а?

К у з н е ц о в. Ҳа, кичкина, оғзига шамол!.. Биз Ка-атта театрларга бориб ўрганмаганмиз-да!

М е ҳ м о н (*у ёқдан-бу ёққа юриб кўриб*). Майли, танаффус пайтида бир оз юрсам кенгайиб кетар?

К у з н е ц о в. Иложи бўлса югуринг — тоғорадай бўп кетади!

Л и з а (*эрининг гапини эшитмагандай*). Чиптани кўрмадингизми, Харитон Игнатич? Қаерга қўйдим экан-а?.. (*У ер-бу ерни қидириб.*) Бу ерда йўқ... Бу ердаям йўқ... Ҳозиргина шу ерда турувди...

К у з н е ц о в (*шартта ўрнидан туриб*). Бўлди, оғзига шамол! Бунақа майнавозчилик жонимга тегиб кетди! Қани, менга айтинглар-чи, бу уйда ким хўжайин ўзи?!

Л и з а (*чиптага кўзи тушиб*). Топдим! Сумкамга солиб қўйган эканман. Бўпти, кетдик, Харитон Игнатич. Ҳали такси тутишимиз керак.

К у з н е ц о в (*эшикни тўсиб*). Лиза! Биз бир-биримиздан ҳеч қачон ҳеч нимани бекитмаганмиз! Мана шу кўзини бақрайтириб турган одамнинг олдида айт: унга кўнглинг борми-йўқми?

Л и з а. Аҳмоқона саволларга жавоб бермайман. Йўлдан қочинг! Кетдик, Харитон Игнатич...

К у з н е ц о в. Тушуниб турибман, очиқ айтишга қийналяпсан. Бари бир масалани бир ёқлик қилишимиз керак! Биттамизни танла: ё у, ё мен!

Л и з а. Харитон Игнатич бизнинг меҳмонимиз, меҳмонни кўчага ҳайдаб солиш учун ғирт чўчқа бўлиш керак. Демак, бу киши шу ерда қоладилар. Сиз — бошқа гап. Агар кетмоқчи бўлсангиз, бўйнингизга осилиб олмайман.

К у з н е ц о в (*қиморда ютгандай*). Ана, ана! Дилингдаги тилингда чиқиб кетди! (*Бечорасифат.*) Майли, нимаям дердик... Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Шунисигаям раҳмат. Менам энди виждоним қийналмай кетаман...

Л и з а. Ихтиёрингиз. Сизни биров ҳайдаётгани йўқ, ўзингиз биласиз... (*Жонланиб.*) Лекин айтиб қўяй, шкафга тегмайсиз, у онамдан қолган!

К у з н е ц о в. Э, шкафингни пишириб е! Мана шу уйдаги ҳамма нарса-ни сепимга келган деб ҳисоблайвер! Мен фақат китобларимни, тиш чўткаю, каккули соатни оламан — бўлди.

Л и з а. Истаган нарсангизни олаверинг, фақат соатга тегманг! Хоҳласангиз, ўрнига тикиш машинасини бераман.

К у з н е ц о в. Мошинангни бошимга ураманми! Ўзингга сийлов! (*Меҳмонга ишора қилиб.*) Манавинақалар кеп турганда, менинг кийимларимни уларга мослаштиришга машина жа керак бўлади-да! (*Бир оздан кейин.*) Мен соатга ўрганиб қолганман, инсон, у мен учун жигардай гап! Кейин, қандайдир бефаросат, безбет, калтафаҳм одамларнинг қўлига тушишини истамайман!

Л и з а (*ўйланиб туриб, бир қарорга келганай.*) Шунақа денг?
 К у з н е ц о в. Шунақа-э, оғзига шамол!
 Л и з а. Хўп, майли. Унда бу соат сизникияммас, меникияммас. Шунда
 адолатли бўлади.
 К у з н е ц о в. Нима қилмоқчисан?
 Л и з а. Ҳозир кўрасиз.
 К у з н е ц о в. Синдирмоқчимисан?
 Л и з а. Деразадан ташлавормоқчиман.
 К у з н е ц о в. Бекор қиласан, Лиза!
 Л и з а. Тўғри қиламан!

Лиза девордаги соатга интилади, Кузнецов унинг йўлини тўсиб олади.

К у з н е ц о в. Лиза! Эсингни йиг!.. Хўп, бизнинг турмушимиз бўлмабди, лекин бунда соатнинг нима айби бор?! Тегма!.. Ахир, бу бебаҳо нарсаку, инсон!

Л и з а (*бир амаллаб соатни олади*). Нега бебаҳо бўларкан? Жудаям баҳоси бор-да, мана, етти сўм-у ўттиз тийин! Истасанг, ярим пулини беришим мумкин!

К у з н е ц о в (*нажот қидиргандай атрофга аланглаб*). Харитон, нега қаққайиб турибсан?! Ушла уни, деразага яқинлаштирма! Ун учинчи қават-а, ҳеч қанақанги соат омон қолмайди!

Бу шундай тез содир бўлдики, Кузнецов нима бўлганига ҳам тушунмай қолди. Лиза ўз кўлларига ажабланиб қарар, Меҳмон эса каккули соатни меҳр билан силар эди.

Л и з а (*меҳмонга*). Бу нима қилганингиз?.. Жа ҳаддингиздан ошиб кетмадингизмикан, Харитон Игнатич?! Кўлимни синдирворай дедингиз!.. Меҳмон бўлсангиз ўзингизга, иззатингизни билиб ўтиринг!

К у з н е ц о в. Яшавор, Харитон! Сенга доим ишонардим! Икки дунёда-ям бировнинг ҳақиқа хиёнат қилмайдиган одамсан! Отанга раҳмат!

Л и з а (*ҳолсиз ўтириб қолади*). Тамом... “Оққуш кўли” ҳам тугади...

К у з н е ц о в (*севинч билан*). Оққушлар учиб кетди, оғзига шамол!

Л и з а. Энди улгуролмаймиз, беш минутдан кейин бошланади... Билганимда Светка билан борган бўлардим.

К у з н е ц о в (*янада хурсанд бўлиб*). Светканинг бувиси ўлган!

Анча пайт шу куйи ўтиришди: Лиза — аламзада, Кузнецов — хурсанд, Меҳмон — хижолатда.

Харитон, дўстим, шу соат энди сеники, олавер! Сен бу соатнинг ҳаётини тенгсиз жангда сақлаб қолдин! Жангда голиб келган томон ўлжа олади. Шу соат сенинг ўлжанг, оғзига шамол!

Л и з а. Ҳо, ёқмай қолсин! Жа осон бўпти-да! Биз-чи, биз?

К у з н е ц о в. Нима — сиз?

Л и з а. Ўша соатда бизнинг ҳам ҳаққимиз бордир?

К у з н е ц о в. Буни ҳали соатни деразадан улоқтирмоқчи бўлганингизда ўйлашингиз керак эди, хоним! Олавер, Харитон, ҳар хил майда-чуйда одамларнинг гапига қулоқ солма!

М е ҳ м о н (*мабюс*). Йўқ, оғайни, Лизавета рози бўлмаганидан кейин... (*Бир оз сукутдан сўнг*.) Ҳечқиси йўқ, мен топаман. Албатта топаман. Энди бу какку мен учун бахт кушидай бўп қолди. Бахт кушимни, албатта, топаман!..

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

Хона жиҳозлари худди биринчи кўринишдагидай. Фақат у энди ёруғроқ ва тантаналироқ эди.

Кузнецов телефонда гаплашяпти. Лиза у ёқдан-бу ёққа юриб турибди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

К у з н е ц о в (*телефонга*). Ўн беш минутдан кейин?.. Раҳмат... Йўқ, нега эртага бўлар экан?.. Биз худди ўша пайтга чақирганмиз. (*Гўшакни қўяди*.)

Л и з а. Дараги йўқ-ку, а?

К у з н е ц о в. Москва билан хайрлашаётгандир. Майли, ҳали вақт бор. У ўзи шунақа, минут минутига тўғирлаб юради. Совға эсингдан чиқмадимми?

Л и з а. Йўқ, фақат нимага ўрасам экан, деб турибман. Газитга ўрасам ноқулай, у ер-бу ерга илиниб, миллари қийшайиб қоладими, дейман.

К у з н е ц о в. Ҳеч нимага ўрашнинг кераги йўқ, ўзи яхшилаб чамадонга жойлаб олади. (*Бирпас ўйланиб туриб*.) Йўқ, ўрамасак бўлмас экан. Совға қутилмаган бўлиши керак-да.

Л и з а. Менимча, ўрамаганимиз яхши. Тагин шундоқ очиб кўриб, севинганидан хушидан кетиб юрмасин. Биласиз-ку, бунақа соатни деб ўлиб қолади.

К у з н е ц о в. Йўқ, кел, яхшиси, ўрай қолайлик. Шунда совғага кўпроқ ўхшайди. Очигини айтсам, шунақа арзимас нарса совға қилаётганимиздан уялиб кетяпман.

Л и з а. Энди ўзлари шуни хоҳласалар, нияям қилардик.

Эшикда кўнғироқ жиринглайди. К у з н е ц о в даҳлизга чиқиб, каттакон сумка кўтариб олган Меҳмон билан қайтиб киради.

М е ҳ м о н (*ўзида йўқ шод, кўтаринкилик билан*). Эҳ, Москва! Пойтахт-мисан — пойтахт-да! Кўчада нималар йўқ дейсан! Фақат йўлини қилиш керак экан, бўлмаса шафтолиқоқиям тополмайсан.

Л и з а. Харитон Игнатич, такси чақириб қўйдик, ўн минутлардан кейин келиб қолади. Чамадонларингиз тайёрми?

М е ҳ м о н. Тап-тайёр!

К у з н е ц о в. Соатларни жўнатаётганингда, эҳтиёт бўлинглар, деб тайинлаб қўйдингми? Қутиларнинг устига ёзиб қўйиш керак экан-да, ўзи...

М е ҳ м о н. Ёзганман.

Л и з а. Мунча хурсандсиз, Харитон Игнатич? Кетаётганингизгами ё бирон ноёбидан топдингизми?

М е ҳ м о н (*илжайишида давом этиб*). Топ-дим!..

К у з н е ц о в (*хайратини яширолмай*). Наҳотки?.. (*Сумкани очиб кўриб*.) Лиза, қарагин, ахир бу каккули соат-ку!.. Вой-бу, мунча кўп бўлмаса!..

М е ҳ м о н (*оғзи қулоғида*). Йўқ, жа унчалик кўпмас, бор-йўғи ўнтагина.

Л и з а (*ҳовлиқиб*). Ҳаммаси кукулайдимми?

М е ҳ м о н. Бўлмасам-чи!

К у з н е ц о в. Юриши-чи, юриши?

М е ҳ м о н. Юришим яхши. (*Қулиб*.) Соатдай аниқ юради!

Л и з а. Нечанчи асрники экан?

М е ҳ м о н. Яхши асрники.

К у з н е ц о в. Яъни?

М е ҳ м о н. Ўзимизнинг аср-да!

К у з н е ц о в. Шунчасини нима қиласан?

М е ҳ м о н. Ҳар эҳтимолга қарши олиб қўйдим-да.

Л и з а (*ўнғайсизланиб*). Қаранг-а, Харитон Игнатич, биз сизга совға тайёрлаб қўйувдик. Энди билсак, кеч қолибмиз...

М е ҳ м о н. Қанақа совға?

К у з н е ц о в. Каккули соат-да. (*Хижолатли*.) Аввалроқ совға қилмоқчи эдиг-у, сира мавриди бўлмади, десанг... Мана энди сенга керак ҳам бўлмай қолди...

М е ҳ м о н. Йўқ, дўстларим, у соатни олмайман. Мендаям озгина инсоф бор. Соат — мўътабар буюм!

Л и з а. Ҳеч қанақа мўътабар эмас, ГУМда тонналаб сотилган. Ноёб деб ҳазиллашувдим...

М е ҳ м о н (*тўлқинланиб*). Раҳмат, азизларим, раҳмат. Ноёб бўлмаса бўлмай қўя қолсин. Ким билади, бугун ноёб бўлмаса эртага бўп қолар. Ахир вақт дегани физиллаб ўтиб кетяпти...

Л и з а (*ишчанлик билан*). Харитон Игнатич, паспорт, чипта, пулларингизни алоҳида қўйинг. Иложи бўлса, ички чўнтагингизга солиб, тўғноғич билан қадаб олинг. Ўзингни эҳтиёт қил — қўшнингни ўғри тутма, дейишган.

К у з н е ц о в. Сумкангни багажга топширма, дабдала қилишади. Ўзинг билан самолётга оливол, битта сумкага индашмайди.

М е ҳ м о н (*рўйхатига куз югуртириб*). Ҳаммаси яхши бўлди-ю, Смоктуновскийни кўролма кетяпман-да. Ўзимам ҳайронман, энди уйга қай юз билан бораман? Қанақасига эсимдан чиқиб қолди-а? Ҳеч ўзимни кечиролмайман...

К у з н е ц о в. Қўявер, кейинги сафар келганингда биргаллашиб борармиз.

Л и з а (*эрини қувватлаб*). Цирккаям тушамиз. Қаерга десангиз ҳаммамиз бирга борамиз.

К у з н е ц о в. Ишқилиб, келсанг бўлди, у ёғини қойил қиламиз.

М е ҳ м о н. Келаман. Мен бир сўзли одамман, биласан-ку.

К у з н е ц о в. Тўғри, сен албатта келасан. Оддий одамсан-да.

М е ҳ м о н (*чуқур тин олиб*). Хўп, дўстларим, энди хайрлашамиз...

Меҳмон аввал Кузнецов билан, сўнг Лиза билан қуюқ хайралашади. Шу пайт ташқаридан энгил машинанинг овоз бергани эшитилади.

Л и з а. Такси! Яна бир марта нарсаларингизни қараб чиқинг, Харитон Игнатич, ҳеч нима эсингиздан чиқмасин.

М е ҳ м о н (*ёнларини пайтаслаб кўриб*). Чипта бу ёқда... Ҳужжатлар билан пул ҳам жойида... Бўпти.

Л и з а. Яхши боринг, Харитон Игнатич!..

К у з н е ц о в. Етиб боришинг билан хабар бер.

М е ҳ м о н. Ҳаммаси учун раҳмат, азизларим! Мендан бирон гап ўтган бўлса, узр... Биз томонларга йўлинглар тушса — бош устига. Дуч келган симёғочдан сўрасаларинг ҳам уйимни кўрсатиб юборади. Хўп, яхши қолинглар...

У чиқиб кетади. Кузнецов билан Лиза анча пайтгача жим ўтирадилар. Улар гапирмасдилар ҳам, бир-бирига қарамасди ҳам.

Л и з а (*уҳ тортгандай*). Кетди... Фалати одам экан... Сираям бизга ўхшамайди. Сездингизми, ундан ер ҳиди келади?

К у з н е ц о в. Билмадим, мен ҳидлаб кўрганим йўқ.

Л и з а (*оғриниб*). Кузнецов!

К у з н е ц о в (*узрли оҳангда*). Хўп, хўп.. (*Орзумандлик билан*.) Чунки у, Лиза, одамга ўхшаб яшайди, шунинг учун бошқача. Бизми у, қобигига қамалиб қолган? Бир умр Москвада яшаб, бир мартаям Третьяковкага бормабмиз-а!..

Л и з а. Эртагаёқ борамиз.

К у з н е ц о в. Эртага мажлисим бор.

Л и з а. Хўп, индинга. Фотоқўрғазмага, а?

К у з н е ц о в. Индингаям иложи йўқ. Комиссия келадиган.

Л и з а. Майли, якшанба кuni расадхонага борамиз.

К у з н е ц о в. Якшанбага тегма. У кунни чизмаларимга бағишлаганман.

Л и з а. Ундай бўлса, кейинги ҳафтага кимнидир меҳмонга чақирамиз. Биласиз-ку, меҳмон кутишни ўлгудай яхши кўраман.

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглаб қолади. Кузнецов билан Лиза бир чўчиб тушадилар.

К у з н е ц о в (*шивирлаб*) Ким бўлди бу?

Л и з а (*секин*). Билмадим...

К у з н е ц о в. Харитон бўлса керак, бошқа ким ҳам бўлиши мумкин. Бирон нарсаси қолиб кетгандир.

Л и з а. Ҳеч нимаси қолиб кетгани йўқ, ўзим битта-битта текшириб жўнатганман.

К у з н е ц о в. Ё Пашка билан Иринамикан?

Л и з а. Улар билан уришиб қолганмиз-ку.

К у з н е ц о в. Ундай бўлса, Гарик билан Наталья.

Л и з а. Айтдим-ку, улар Эссентукига кетишган, деб. Бугун қўнғироқ қилишувди.

К у з н е ц о в. Унда Борис. Ёки Светка.

Л и з а. Бориснинг оёғи синиб ётибди. Светканинг бувиси ўлган.

К у з н е ц о в. Ўлганига уч ҳафта бўп кетди-ку.

Л и з а. Йўқ, бари бир Светка эмас. У фаросатли қиз, бемаҳалда биров-никого бормади.

К у з н е ц о в. Эшикка мўралайдиган “кўз” ўрнатиш керак экан ўзи.

Л и з а. Ҳа, албатта ўрнатиш керак.

К у з н е ц о в. Овоз чиқармай шундоқ борасан-у, кимлигини биласан-қўясан, бунақа фол очиб ўтирмайсан.

Л и з а. Тўғри. Керак бўлса очасиз, бўлмаса — йўқ.

К у з н е ц о в. Эртагаёқ ўрнатаман.

Л и з а. Ўрнатиш. Лекин эсингиздан чиқиб кетмасин.

К у з н е ц о в. Ўлсам ҳам эсимдан чиқмайди энди...

Тагин қўнғироқ жиринглайди. Яна, яна, яна... У борган сари қаттиқ ва узлуксиз жиринглар, эр-хотиндан садо чиқмас, бир-бирининг кўзига ҳам қарай олмас эди...

Тамом



Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ

Ёзувчи хусусий ҳодиса эмас

Милодий йигирма биринчи асрга қадам қўйдик. Инсоният тарихида эса янги минг йиллик — учинчи минг йиллик бошланди. 100 йилу 1000 йилда бир марта дуч келинадиган тарихий дамлар. Айна сарҳисоб қилинадиган палла. Сарҳисоб эса шу пайтгача босиб ўтилган йўлни, ушалмаган орзу-армонларни ёдга солади. Уларни рўёбга чиқаришга ундайди. Янги режалар тузишда омил бўлади.

Бундоқ чуқурроқ ўйлаб кўрсам, XX аср давомида халқимиз бошига не савдолар тушган бўлса, булар менинг аждодларим, ота-боболарим, қариндош-уруғларим, хонадоним тақдирида ўз изини қолдирибди. Халқимиз ниманики йўқотган бўлса, бизда ҳам шундай йўқотиш бўлган, халқимиз нималарга эришган бўлса, биз ҳам шуларга эришибмиз. Ушбу айтилганлардан чиқариладиган биринчи хулоса шуки, кишининг тақдири ўз халқининг қисмати билан бир бўлар экан. Ўз ватани ва халқ бағридан ташқарида ҳақиқий бахт-саодат бўлмас экан. Ҳар бир кишининг таржимаи ҳолидан халқнинг тарихи келиб чиқар экан. Қолаверса, ёзувчи ҳам хусусий ҳодиса эмас, балки ижтимоий ҳодисадир. Шу фикрга асосланган ҳолда бошидан бошлашга — ўз ҳаётим ҳақида ҳикоя қилиб беришга жазм этдим.

* * *

Мен 1939 йилнинг 16 августида Тошкентнинг Кўкча даҳасидаги Иккинчи Оқильон маҳалласида хизматчи оиласида туғилганман. Отам Абдусамад Иброҳимов 1914 йилда Тошкентнинг Бедабозор (ҳозирги Эскижўва бозорининг ғарбий тарафида бўлган) маҳалласида XIX асрнинг сўнгги чораги ва XX асрнинг биринчи чорагида бутун Туркистонда донг қозонган маърифатпарвар ва камбағалпарвар бойлардан бўлмиш Иброҳимхожи Каримбой ўғли хонадонида ўн иккинчи ўғил, ўн саккизинчи фарзанд бўлиб дунёга келган. Бобом Иброҳимхожининг ўн бир оиласидан жамми ўн тўрт ўғли, саккиз қизи бўлган.

Онам Офтобойим Миролимова 1916 йилда Тошкентнинг Хастимом (Ҳазрати Имом) мавзеидаги Ҳалимкўп маҳалласида, саккиз-ўн киши ишловчи хусусий корхона эгаси бўлган уста Миролим Мирқосим ўғли оиласида туғилган. Ота-оналарим тагли-тахтли, хонадонларнинг фарзандлари бўлганларидан бўлса керак, улар назари тўқ, сахий кишилар эдилар.

Гарчи отам ўз даврининг миллионери бўлган оилада туғилган бўлса-да, отадан ўн бир ёшида — 1925 йилда етим қолади. (Шу мақолани ёзиш асносида Ўзбекистон Давлат архивида бўлиб, бобом ҳақидаги материалларни кўздан кечирдим. У кишининг номи “Русский торговый дом” китобида қайд этилган. Ўз номида Тошкентда Жоме масжид ва мадраса қурдирган. Мадрасасида 40 талаба унинг таъминотида илм олган.) Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди деганларидек, тузлуқ тўрва ўспиринлигиданоқ елкасига тушади, катта акаларидек Олмонияда, ҳеч бўлмаганда Тошкентда ўқиб, олий маълумотли бўлиш унга насиб этмайди, ўрта маълумот билан чегараланиб қолади. Ўттизинчи йилларнинг бошида Бедабозор маҳалласидаги уч қаватли иморатлари бўлган катта ҳовлимиз ва Шофайзиқулоқ мавзеидаги ер-сувлар, бедапоялар мусодара қилинади, Оқильон мавзеидаги катта боғимиз ўттиз уч оилга “участка” қилиб тақсимланади, шундан бир бўлаги — олти сотих ер отамга ҳам бери-

лади. Отам тирикчилик важдан аввалига хусусий савдо-тижорат билан, кейин эса совет савдо тизимида магазин мудирини бўлиб ишлайди.

Отанинг бир неча одатлари ёдимда сақланиб қолган. Ширинликка ўч эдилар, каллақанд, новвот, пашмак, турли хил ҳолваларни, қора ва сариқ кишиларни уйга кўп олиб келардилар. Бувимлар “Буларингдан болаларга кўп берма, тиши оғриб қолади” десалар, “Оғриқ тиш ширинлик эмаса ҳам оғрийверади” дердилар. Қовун пишиғи маҳалида уйимизга ҳар куни нечта қовун олиб келинса, то ётганимизча адамлар (мен отамни ада дердим) ҳаммасини ҳам бир-бир сўйиб чиқардилар, ҳаммасидан ҳам татиб кўрардик. Бувим (исмлари Нисобиби эди) шундай кезларда “Болам, эртага ҳам кун бор-қу, ҳаммасини сўйиб нима қиласан”, десалар, “Эртага худо подшо...” деб кулиб қўярдилар. Сўйилган қовунларни эртаси куни болалар хотин-халаж ердик, боғ қўшнилариимизга чиқарардик.

Отам ёз кезлари супа ёки айвонда хонтахта атрофида, қиш кезлари танча атрофида катта мис баркаш устига қўйилган ўнинчи лампа ёруғида китобхонлик қилардилар. (Баркаш устида жийда, туршак, майиз ва ёнғоқ бўларди.) “Або Муслим”, “Иброҳим Адҳам”, “Аҳмад Замжий”, “Меърожнома”, “Шоҳ Машраб”, “Маликаи Дилором”, “Ҳикмат”, “Кунтуғмиш” ва шунга ўхшаш китобларни ўқирдилар, ўта таъсирли жойларида бувим, аммаларим кўзларига ёш олишарди. Мен кўпинча китобхонликнинг охиригача бормай бувимнинг тиззларида ухлаб қолардим. Бу китоблардан фақат “Або Муслим” менда ҳамон сақланиб келмоқда.

Отамдан менга ўтган биринчи фазилат ҳамшиша келажакка ишонч билан яшаш бўлса, иккинчиси китоб ўқишни севишдир.

Отам Абдусмад каби мен ҳам отадан ёш етим қолдим, у киши 1944 йилнинг кеч кўкламида урушга жўнаб кетганида мен ҳали беш ёшга ҳам бормаган эдим, асосан, онам Офтоббиви, тоғам Мирориф ва у кишининг рафиқаси Зухрабиви тарбиясида ўсиб-улгайдим. Зухра отининг менга таъсирлари шундай кучли бўлганки, мен туққан онамни “опа”, Зухрабивини эса “она” деб атардим. Зухра онам эскича ўқимишли, меҳрибон, мунис ва мушфиқ инсон эдилар.

Отам Офтоббиви асли исмлари Биби Рокия бўлиб, бу исмни Эшон Бобоҳон ибн Абдумажидхон ҳазратлари қўйган эканлар, 1917 йилги феврал инқилобидан кейин эса “Хуррият бўлди, энди бизнинг ҳам кунимиз туғади, офтобимиз чиқади” дея онамни “Офтоб, Офтоб ойим, Офтоббиви” деб чақира бошланган. У киши умр бўйи уй бекаси бўлиб ўтдилар. Араб алифбоси бўйича оз-моз саводли эдилар, билимли одамни жуда ҳурмат қилардилар, уста пазанда эдилар. Меҳмонга боришдан меҳмон кутишни ортиқ кўрардилар. Эшиқдан меҳмон бошлаб келганимда бирор мартаям қовоқ уюб қараганларини эслай олмайман. Шу боисдан бўлса керак, барча синфдошлариму курсдошларим бизникида бўлишган. Бир сўз билан айтганда, онам содда ва бағрикенг инсон эдилар. Иккинчи жаҳон урушида бедарак кетган отамни — кўз очиб кўрган умр йўлдошларини 54 йил садоқат билан кутиб, 1998 йилнинг 6 апрелида арафа куни вафот этиб, эртаси куни Қурбон ҳайитида Шайх Зайниддин жоме масжидида жаноза ўқилди. Онамнинг жанозалари ҳайит кунига тўғри келиб қолганини дафн маросимида қатнашган ва кейинчалик эшитган кишилар яхшиликка йўдилар: “Онангиз яхши ўлим топдилар, жаннати бўлиб кетдилар” дея юпатдилар.

Отам мени бирор мартаям уриб, сўкмаганлар, дўқ-пўписа ҳам қилмаганлар. Болалигимга бориб, шўхлик қилганимда бир қараб қўйишларининг ўзиёқ менга етиб ортарди. Топиш-тутишлари яхши бўлгани, оила таъминотини бадастир қилиб қўйганлари сабабли бўлса керакки, катта хонадонимизда ва қариндош-уруғларимиз даврасида отамнинг обрў-эътиборлари баланд эди. Совға қилишни яхши кўрардилар. Уч ёшга тўлган кунимда менга этикча совға қилганлари ҳамон ёдимда.

Ўзбек аёллари (умуман, аёллар десак ҳам бўлар) икки тоифага бўлинишса керак: уй бекалари ва ижтимоий фаолият билан шуғулланмасдан туролмайдиган аёллар. Онам том маънода уй бекаси эдилар. Улар учун уй юмушлари, бола тарбиясидан бошқа зарурроқ хизмат йўқ эди бу дунёда. Ҳозирги кунда замона тақозоси билан ҳам уй юмушлари, бола тарбиясини ҳам қўйилмақом адо этиш баробарида ижтимоий фаолият билан ҳам шуғулланаётган аёлларимиз вужудга келган. Бу давр талаби.

Отам мен учун эсимни таниганимдан бошлаб то вафот этгунларигача меҳрибонликнинг тимсоли ва турмушда суянчиқ бўлиб келдилар ва ҳамон шундай: лок руҳлари ва порлоқ хотиралари менга мададкор.

* * *

Улғайишимда менга кўрсатган омиллар хусусида сўзласам, бу борада юқорида қисман бўлса-да, айтиб ўтдим. Бобомни кўрган, ҳамсўхбат бўлган, мурувватидан баҳра олган, кўн заводларида ишлаган, мадрасасида таълим олган, жоме масжидада намоз ўқиган кекса кишиларнинг, отамнинг яхшиликларини кўрган одамларнинг “ўғлим, сен Ҳожи отанинг набирасисан, фалончининг фарзандисан, ўшалардай бўлишинг керак, асло ёмонларга қўшилма, ўқи, одам бўл!” каби панд-насиҳатлари ёшлигимда менга жамоатчиликнинг ижобий таъсири бўлган. Ҳозирги ёшлар агар ўқишга рағбатлари бўлса, илм йўлидан бориб, агар ҳунарга уқувлари бўлса, бирор касбни пухта ўрганиш йўлидан бориб ўз ҳаётларини уюштирганлари маъқул деб биламан. Табиатан илм-фан кишиси бўлиши керак бўлган одамдан яхши ҳунарманд чиқмаганидек, табиатан ақлий меҳнатга уқуви бўлмаган киши илм-фан соҳасида ўзини кўрсатолмайди. Яхши ҳунар эгасининг ўзига, оиласига ва жамиятга келтирган нафи таниқли олим келтирадиган фойдадан кам бўлмайди, деб биламан, Адабиёт, санъат, маданият, илм-фанда ўртача бўлиб қолишлик кўзга ялт этиб ташланмайдиган инсоний фожеалардандир. Ҳаётдан кўнгли тўлмаслик, нолишлик, ичиқоралик, кўролмаслик, ҳамкасбини зимдан чалишлик, ғийбат, иғво каби ижтимоий иллатлар кўпинча ана шундай “ўртача”лардан келиб чиқади. Қандай касб-кору соҳа кишиси бўлишдан қатъи назар иши ва турмушидан мамнун бўлиб яшамок бу ёруғ дунёдаги энг катта бахт-саодатлардан биридир. Бу дунёда нолимай яшанларнинг у дунёдаги жойлари жаннатда бўлса ажаб эмас.

* * *

Дунёқарашим, дидим, эстетик оламим болалигим, ўсмирлигим ва ўспиринлигим ўтган муҳит таъсирида шаклланган. Отасиз қолган оиламиз (онам, мен, синглим ва укам) Ҳастимомда — Ҳалимкўп маҳалласидаги она томондан бобомнинг ҳовлисида 1947 йилнинг кеч кузидан то 1958 йилнинг ёзигача яшадик. Художўй ва бағрикенг инсон Мирориф тоғам маънавий оталиқ қилдилар, отасиз етимлигимизни билдирмадилар, ҳеч кимга ўқитиб қўймадилар. Уша пайтдаги бу маҳалладаги ҳаёт тарзи ижобий маънода тарихий-бадий асарларда тасвирланган ўрта асрлардаги турмуш тарзига ўхшаш эди. Уртасига қайроқтош, йўлкаларига харсанг терилган катта-кичик кўчалар, кўклам кезлари долақизгалдоқлар гилам-гилам бўлиб очилувчи тупроқ томли иморатлар, монтерларнинг темир тирноқли махсус оёқ кийимлари туфайли “чўтир” бўлиб кетган эски симёғочлар, улардаги хира чўроқлар ҳамон кўз олдимда турибди. Деярли ҳамманинг ҳовлисидан оқиб ўтувчи, зилол ва покиза ариқлар, маҳалладаги ҳовузлар, қиш кезлари музини ёриб, шу ҳовузлардан ичимлик сув олиб келинарди. Қалин қор ёққан кезлари томни кураш ва кўча эшиги олдини қордан тозалаб қўйиш ҳар бир хонадон эркагининг нонуштадан аввалги биринчи вазифаси ҳисобланарди. Чиллак ўйини, ланка тепиш, ошиқ ташлаш, ёнғоқ ўйини, қувлашмачоқ, бекинмачоқ, куроқ ва варрак учиреш, тарафма-тараф бўлиб “жанг” қилиш биз болаларнинг севимли машғулотларимиздан эди. Рўза ойларида “Ё, Рамазон” кўшиғини айтиб, уйма-уй юриларди. “Тиллашайх” жоме масжиди мезанасидан туриб сўфи ота беш маҳал айтган азон товуши эшитилганда ҳамма жим бўлиб қоларди, юриб кетаётганлар ҳам тўхтаб, азонни тинглардилар. Рамазон ойида ўттиз кун давомида субҳи содиқда Бароқхон мадрасаси пештоқи устида ногора, қарнай-сурнай, доиралар чалиниб, халойиқни саҳарлик қилиш пайти бошланганидан огоҳ этарди. Ҳа, бу ерда диннинг таъсири кучли эди. Ҳалол ва ҳаром, савоб ва гуноҳ қабилар нима эканлиги болалигимиздан қулоғимизга қуйиб қўйиларди. Ёши катталарга салом бериш, кичикларга озор етказмаслик, ариқларни ифлослантирмаслик, нонни эъзозлаш кераклиги қайта-қайта таъкидланади. Отахонлар, онахонлар, нуруний, файзли, ширинсўз ва айни пайтда салобатли эдилар. Биз уларни қанчалик ҳурмат қилсак, шунчалик улардан ҳайиқиб турардик. Ана шу ҳайиқишда гап кўп экан.

Ёшлигим ўтган “Ҳалимкўп” маҳалласидаги турмуш тарзимизни кейин Ойбекнинг “Болалик” қиссасида, Фафур Фуломнинг “Менинг ўғригина болам”, “Ҳасан кайфий” ҳикояларида, Айнийнинг “Эсдаликлар”ида, Асқад Мухторнинг “Бухоронинг жин кўчалари” қиссасида учратгандай бўлдим. Масалан, “Менинг ўғригина болам” ҳикоясида тасвирланган буви образида катта ойим (она томондан бувим)лар Руқиябиби сиймосини кўргандай бўлганман. Ўғри образида эса кўшни маҳаллада яшовчи С. исмли машҳур ва танти ўғри кўз олдимда гавдаланган (кейинчалик бу йигит ўғрилиқни ташлаб, тўғри йўлга кирди, туман ободонлаштириш бўлимида қабристонлар бўйича назоратчи бўлиб кўп йиллар ишлади, одамлар унинг орқаси-

дан “Ўғри қариса сўфи бўлади” деб қўйишарди. Мен “Зўлдир” номли сатирик комедиямни ёзишда шу деталдан ҳам фойдаланганман). Хуллас, менинг дунёқарашим, дидим ва эстетик олашим шаклланишида тарихий, миллий ва диний муҳит ҳамда бундай муҳитнинг бадий инъикоси бўлмиш адабиёт, санъат асарлари муҳим рол ўйнаган. Фалсафага келсак, узун қиш кечалари болаҳона-меҳмонхонамизда бўладиган, мулла Розик домла бошқарадиган бедилхонлик менинг дунёқарашим шаклланишига ўчмас таъсир кўрсатган. Масалан, Бедилнинг гулғунчалигида гулнинг шоҳида турарди, очилдию шоҳдан узилди — қўлма-қўл бўлиб кетди, охири хор бўлиб, қора тупроққа ташланди, деган фикри бир умр эсимда сақланиб қолди.

* * *

Динга бўлган муносабатим шундай: етти пуштим мусулмон ўтган. Алҳамдулиллоҳ, ўзим ҳам мусулмонман. Шўролар замонида компартия сафида бўлганман, лекин ҳеч қачон коммунистик эътиқодда бўлмаганман. Компартия ҳеч қачон сиёсий партия бўлмаган, балки ҳукмрон совет ташкилоти, аниқроғи, давлат ташкилоти бўлган, давлат ташкилотига ишловчилар собиқ иттифоқда ягона бўлган шу партиёга киришга мажбур эдилар.

Ислонинг роли шахсий турмушда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам беқийёсдир. У инсониятни фақат эзгуликка чорлайди, унда мажбур этиш йўқ, ислом диндорга ҳеч бир оғирликни раво кўрмайди.

Камина мактабдан илгари масжидга борганман. Олти-етти ёшимдан бошлабқ она томондан бобом раҳматли Уста Миролим ота сайидул айём, ҳажжул масокин бўлмиш Жума куни мени ўзларига эргаштириб Хастимондаги Тиллашайх жоме масжидига намозга олиб борардилар. Илк марта муфтий Эшон Бобохон ибн Абдулмажидхон ҳазратларига иқтидо қилиб жума намози ўқиш шарафига ноил бўлганим билан ҳали-ҳали фахрланиб юраман. Ҳар гал жума намозидан қайтишда бобом менга ширинлик олиб берардилар ёки бўлмаса сингиллари бўлмиш Тилла амманикига меҳмондорчиликка олиб борардилар. Рамазони шариф ойида ифторликдан кейин Қуръон тиловатини тинглаш ва таробих намозини ўқишга етаклардилар. Таробихдан қайтгач, мени ёнларида олиб ётардилар, чўпчаклар, топишмоқлар айтиб берардилар, Қуръони каримнинг қисқа суралари — намоз сураларидан ёдлатардилар (болаликда ёдлаш осон кўчаркан, ёш улғайгач, бу машғулот анча мушкул). Саҳарликка ҳам ўзлари уйғотардилар, агар уйқум ўчмаса, уйқумни қочириш учун опичиб олиб, маҳалламиздаги ҳовуз бўйларигача олиб-бориб келардилар, токи саҳарликда тўйиб овқатланай, рўза тутиб, толиқиб қолмай. Ана ўшандай меҳрибон ва художўй боболар бўлганига ҳозир баъзилар ишонмаса ҳам керак.

Мавжуд сиёсий тузум ва турмуш тарзи кишининг динга муносабатида, диний расм-русумларни адо этишида катта рол ўйнаган экан. Деярли қирқ йилча (Оллоҳ таоло ёди ҳамisha қалбимда бўлгани ҳолда) намоз ўқиш, рўза тутиш каби диний буйруқларни бажара олмадим. Ўқувчилик, талабалик йилларимда ҳам, ундан кейинги хизмат фаолиятимда ҳам буларни адо этишга имкон бўлмади, буларга расмий руҳсат йўқ эди ҳам. Саксонинчи йилларнинг охирларига келиб, Аллоҳ таолонинг инояти ва марҳамати туфайли Ислон нури, иймон нури, Қуръони карим ёди яна кучайди, диний ибодатларни адо этишга киришиб кетдим. Бу даврга келиб сиёсий тузум ҳам, шунга мувофиқ турмуш тарзимиз ўзгарган эди. Виждон эркинлигига ҳам йўл очиб берилган эди.

Кишининг ёши улғайгач, турмушнинг ўзи уни бора-бора мусулмон қилиб қўяр экан. Охиратини ўйлаб қолар экан киши. Шундан келиб чиқиб, хулоса чиқарсак, бир куни келиб бутун Ер юзиде ислом шариати қарор топажак. Охиратини ўйлаган одам бу дунёдаги беҳуда орзу-ҳавасларга муккасидан кетмайди, яхши амаллари учун мукофотланишига ишонч билан яшайди, ёмон амаллари учун албатта, жазога мустаҳиқ бўлишидан қўрқиб, ножўя ишлардан ўзини тияди, ўтмишда қилган гуноҳ ишлари учун Оллоҳ таолога тавба-тазарру қилади, унинг лутфи карамидан, Муҳаммад алайҳиссаломнинг шафоатларидан умидвор бўлиб, бундан бўёғига фақат эзгу ишларга қўл уради, хуллас, ўзини руҳоний ва маънавий жиҳатдан поклай бошлайди.

Президент Ислон Каримов биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзлаган маърузасида “Одамларнинг яхшиси — бу дунёни деб, охиратини ва охират деб бу дунёни тарк этмайдиган, бошқаларга оғирлиги тушмайдиган кишилардир” деган Ҳадиси шарифни тилга олиб, “Биз бугун барпо этётган жамиятимизнинг ижтимоий-маънавий асосларини белгилашда мана шундай гоёларга суянсак, хато қилмаган бўламиз”, деб жамиятимиз йўлини, демакким, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри белгилаб берди.

* * *

Профессионал ёзувчи бўлиш учун қандай сифатларга эга бўлишни тўлиқ маънода ёлғиз Аллоҳдан ўзга ҳеч ким билмас керак, бу — Яратганнинг ўзигагина аён бир хилқат бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки профессионал ёзувчи бўлиш илми ёки сирини билиш мумкин бўлганда, непрофессионал ёзувчиларнинг бир қисми ҳам профессионал маҳоратни эгаллашга интиланган бўлардилар, деб ҳисоблайман. Булар умумий, назарий гаплардир.

Энди конкретликка ўтаман. Аввало профессионал ёзувчи деганда ким назарда тутилади, қандай маъно тушунилади? Маълумки, профессионал атамасининг ўзгаги профессиядир, профессия дегани ҳозирги адабий тилимизда касбдир. Касбий нуқтаи назардан олиб қаралганда, “профессионал ёзувчи” ибораси ёзувчиликни ўзига касб қилиб олган ижодкорни англатади. Касб эса тирикчилик ўтказиш, ўзини ва оиласини моддий таъминлаш воситасидир. Яъни бунда ёзувчи бошқа соҳада хизмат қилмай, фақат ёзувчилик билан шуғулланиб, ёзган асарларига оладиган қалам ҳақи билан кун кўради. Шўролар замонида “фалончи-фалончилар профессионал ёзувчи, ҳеч қаерда ишламай, фақат қалам ҳақи билан бемалол кун кўрмоқда” деган гаплар қўлоғимизга чалинарди. Бироқ ўша назарда тутилган профессионал ёзувчилар ҳам оригинал асар яратиш, бадиий ижод қилиш билан бирга таржимачилик билан фаол шуғулланишарди, кўшимча қалам ҳақи олардилар. Масалан, домла Абдулла Қаҳҳор ҳам таржимачилик билан шуғулланардилар, бу борада ҳам моҳир эдилар. 1964 йилнинг ёзида Дўрмондаги боғларида бўлган бир суҳбатда “Ўзбекфильм” киностудиясида суратга олинган “Дорбозлар” бадиий фильмининг сценарийсини ўзбекчага таржима қилаётганидан сўз очиб, бу савиядаги асарни ўзбекчага ўгиришдан кўра оригинал асар ёзиш осонроқ ва завқлироқ эканини, лекин буюртма бўйича бажариладиган таржиманинг қалам ҳақи нақд бўлишини ўқтириб ўтган эдилар. Ойбек ва Ғафур Ғулوم Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиклари ҳамда Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходимлари сифатида 1943 йилдан бошлаб то умрларининг охиригача узлуксиз моддий таъминланганлар. Доимий моддий таъминот заминига эга бўлмай туриб, фақат ижодий иш билан шуғулланиб бўлмайди. Утмишда ҳам, ҳозирда ҳам шундай. Шу сабабли ижодкор одам тирикчилигини ўтказиш учун бирор касб ва ҳунар билан шуғулланган. Ёки давлат (сарой) ва бирор бадавлат кишининг ҳомийлигидан фойдаланган. Бир мисол. Ўтган асрда шоир ва уламо Алмаий “Калила ва Димна” асарини Шарифхўжа қизининг буюртмасига биноан, унинг таъминотида, меҳмонхонасида яшаб туриб, ўзбекчага таржима қилган. Бу аснода шоирнинг оиласи ҳам қози томонидан моддий таъминланиб турилган. Хуллас, профессионал ёзувчи бўлиш учун доимий киримга эга бўлиш ҳам керак. Чунки кундалик чиқимсиз яшаб бўлмайди.

Энди масаланинг маҳоратга боғлиқ томонига тўхталсак, назаримда, профессионал ёзувчи деганда маҳоратли, тажрибали, ўз ишини пухта билган, ипидан игна-сигача ўрганган, бу касбни ҳурмат қилган, ёзувчи номига эришгани билан фахрланадиган истеъдод соҳиби бўлган, устоз даражасига етган ижодкорни тушунмоқ керак. Профессионал ёзувчилар томонидан матбуот ва нашриётларга тақдим этиладиган матнлар мазмунан талабга жавоб беришидан ташқари шаклан ҳам пухта бўлади, имловий ва услубий хатолар деярли учрамайди, машинкада кўчирилган ёки компьютерда терилган саҳифалар озода бўлади, газета-журнал ва нашриёт ходимлари бундай матнларни оғринмай кўздан кечириб чиқадилар: бундай пухта тайёрланган матнларга эҳтиёткорлик билан, ўйлашиб қалам тегизилади. Профессионал ёзувчи матндаги ҳар бир сўзи учун ўзида масъулият ҳис этади, иложи борича матни ўзгартирилмаслиги, таҳрир этилмаслиги ва қисқартирилмаслиги учун курашади, тақдим этган матни ўзгартирмас эрув дунё юзини кўришини истайди.

Профессионал ёзувчи газета, журнал, нашриёт томонидан буюртма вазифа топширилган вақтда бажарган ишини белгиланган ҳажмда ва муддатда тақдим этади, беш саҳифа сўралса, ун саҳифа олиб бориб, “ўзларингиз қисқартириб оларсизлар” демайди.

Профессионал ёзувчининг ёзишга сарфлаган вақтига кўра ўқишга сарфлаган вақти кўпроқ бўлади, деб ўйлайман. Профессионал ёзувчи аввало ўқувчи, кейин ёзувчидир. У кўп ўқиши керак.

* * *

Саккизинчи синфда ўқирдим. Бошқа мактабдан мактабимизга бир қиз келди. У кўшни синфда ўқий бошлади. Уни севиб қолдим. Ёнимдан ийманиб, ерга қараб ўтишидан унинг ҳам менга мойиллиги бордек туюлди. Узоқдан менга тикилиб турга-

нига неча марталаб кўзим тушган. Унга қарашим биланоқ кўзини четга оларди. Бизлар сўзлашмасдик. Кўз билан, дил билан гаплашардик. Қанчалар бокира, маъсума, марғуба ва губорсиз туйғулар эди. Мен унга битта ҳам сўз айтмасдим. Атрофдагилардан, унинг атрофидагилардан истиҳола қилардим, гап-сўз бўлишдан чўчирдим, ўзим учун эмас, унинг учун! Бир куни ишқий мактуб ёздим, лекин унга топширмадим. Топшириш учун эмас, ўзим учун ёзган эдим... Уни ўнинчини битирар-битирмас узатиб юборишди. Орадан йиллар ўтди. Бир куни ўша мактубни қайта ўқиб кўрсам, тайёр ҳикоя экан. Унга “Жўнатилмайдиган мактуб” деган ном қўйиб, радиога топширдим... Ҳикоя билан танишибми-танишмасданми, бу ёғи менга қоронғу, радионинг адабиёт бўлимидагилар фалончининг “Жўнатилмаган хатлар” деган асаридан ўз вақтида фойдаланганмиз; бу мавзуга яна қайта олмаймиз, дейишди. Менинг бундай асар борлигидан мутлақо хабарим йўқ эди. “Эълон қилинган асар “Жўнатилмаган хатлар” экан. Меники эса “Жўнатилмайдиган мактуб”, бошидан жўнатиш учун мўлжалланмай ёзилган мактуб. Ўртада нозик фарқ бор. Лирик қаҳрамоннинг бир ҳолати тасвирланган”, дея эътироз билдирдим. Шундан кейин радиомухаррир ҳикояни яна бир кўриб чиқиш учун олиб қолди. Орадан бир-икки ой ўтказиб, хабар олгани яна радиога бордим. Иш столи устидаги тахлам-тахлам қоғозлар орасидан ҳикоямни топишолмади. “Узр. Бошқа нусхасини олиб келинг. Албатта кўриб чиқамиз, маъқул келса, эфирга бериб юборамиз”. Афсуски, тажрибасизлик қилиб бир нусха кўчиртирган эканман. Кўлёмани ҳам тополмадим. Илк ҳикоям изсиз кетди. Лекин қалбимда мангу сақланиб қолди. Бу мавзуга кейин ҳам яна қайтдим. “Биринчи бўса” номли лирик драмани ёзишда қўл келди. Асарнинг бош қаҳрамонларидан бири Шокир ва ғойибона иштирок этувчи Лайло образларида “Жўнатилмайдиган мактуб” излари ҳам бор.

“Жўнатилмайдиган мактуб”ни айнан тикламоқчи бўлдим. Лекин чиқмади. Шунда билдимки, бадий асар фақат бир марта яратилар экан.

Кейинчалик маълум бўлдики, ўша саккизинчи синфда ўқиб юрган кезларимдаги ҳолатим муҳаббатнинг ўзи эмас, муҳаббатнинг арафаси экан. Янги ҳикоя ёзиб, унга “Муҳаббат арафаси” деб ном қўйдим.

Афсуски, ижодни янгидан бошлаб бўлмайди. Ўтган умр қайтиб келмайди. Бўлган иш бўлиб ўтди, зеро, башорат келажакка нисбатан айтилади. Ижодимни янгидан бошлаганимда нималарни ёзган ва нималарни ёзмаган бўлардим, дея фикр юритиб, ёзганларимни бирма-бир кўз олдидан ўтказиб, шундай қарорга келдимки, кўпгина пьесаларимни драматургия жанрида эмас, балки прозада ёзсам бўлар экан. Чунки, биринчидан, асосийси ҳам шу бўлса керак, драматургиянинг қадами калтароқ экан, айниқса, бизнинг замонда. Драматургик асарлар кам нашр этилади, бошқа тилларга оз таржима қилинади! Қолаверса, драматик асарларнинг қабул этилиши жараёнида тўсиқлар кўп учрайди, “фикр” айтувчи “билимдон”лар бисёр бўлади.

* * *

Маълумки, Оллоҳнинг иродаси бор, бандасининг иродаси бор. Оллоҳнинг иродаси бандасининг иродасидан устундир. Банданинг иродаси Оллоҳнинг иродасига ҳаммавақт ва ҳар борада бўйсунди. Шунга ўхшаш жамиятнинг менга бўлган муносабати ҳаётимда устувор бўлиб, тақдиримда ҳал қилувчи рол ўйнаб келмоқда. Маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, қонунга риоя қилмаслик каби ижтимоий иллатлар турмушимда ҳам, фаолиятимда ҳам, ижодимда ҳам салбий таъсир ўтказган. Чунки киши қаерда, қайси оилада туғилгани учун эмас, жамият равнақи йўлида қилган хизматлари эвазига жамият томонидан эъзозланишга, қадрланишга лойиқ, деб биламан. Бундаги асосий мезон халққа хизмат қилиш самараси бўлиши лозим.

* * *

XX асрни илмий ва техникавий юксалиш, маънавий жиҳатдан эса, бир томондан, таназзулга учраш, иккинчи томондан, баъзи жиҳатларда илгарилаш асри деб биламан. Илмий ва техникавий юксалишга ядро физикасида қўлга киритилган ютуқларни, инсон қадамини Ойгача етиб борганини ва шу каби юзлаб мисолларни келтириш мумкин. Инсон ақл-заковати билан вужудга келган фан ва техника ютуқларидан инсоннинг ўзига қарши фойдаланиш (1945 йили Япониянинг икки шаҳари-

га атом бомбасининг ташланиши) маънавий таназзулнинг кўринишларидандир. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушлари, ҳозир ҳам дунёнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида бўлиб турган катта-кичик урушлари, нарқобизнес, терроризм, СПИД сингари ўлатларнинг пайдо бўлиши, пул қадрининг одам қадридан ошиб кетиш ҳоллари, кўпсонли халқлар томонидан камсонли халқларнинг Ватанга бўлган эгаллик ҳуқуқининг топталиши (масалан, қиримтатар, болқар, чечен, месхетиялик туркларнинг Қримдан ва Кавказдан ёппасига ҳайдаб чиқарилиши ва уларнинг ўз юртларига қайтиб боришларидаги машмашалар ва шу кабилар ҳам маънавий таназзулга киради.) Ер юзиде мустамлака ўлкалар ва тобе халқларнинг тобора камайиб бориб, мустақил давлатларнинг вужудга келгани, собиқ СССРнинг парчаланиб кетиши ва унинг ўрнида 15 та мустақил давлатнинг қад ростлаши, Шарқий ва Ғарбий Германиянинг бирлашиши, Шимолий ва Жанубий Кореялар ўртасида илиқ муносабатлар ўрнатишга мойиллик пайдо бўлгани, социалистик лагер мамлакатлари деган тушунча йўққа чиққани эзгулик даракчиларидандир. Эзгулик тантана қилган жойда маънавий қарор топади. Дунё миқёсида олганда XX асрдаги энг муҳим ижтимоий ҳодисалар ҳақида сўз юритганда жаҳон мустамлакачилик тизими йўқолганини оламшумул ҳодиса деб биламан. Шу манзарада 1917 йилги феврал ва октябр инқилоблари, 1941-1945 йиллардаги уруш, шахсга сизиниш, қайта қуриш, СССРнинг тарқаб кетишини нисбатан майдароқ воқеалар деб ҳисоблайман. Ўзбекистон миқёсида сўз юритсак, бизким, ўзбеклар учун XX асрдаги энг муҳим ижтимоий-тарихий воқеа (билиштиёр ҳодиса сўзи ўрнида воқеа сўзини қўллайман, чунки тасодифларга ҳодиса дейилади, воқеа эса табиий юз беради) 1989 йилнинг 21 октябрида ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши бўлди, деб ҳисоблайман. Маълумки, мустақиллик учун кураш тилимизнинг қадрини, миллатимизнинг қаддини тиклаш учун курашдан бошланган эди. 1990 йили Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги декларация эълон қилинди. Ва, ниҳоят, 1991 йилнинг 31 августиде Олий Кенгашимиз сессиясида бир овоздан Ўзбекистон мустақил ва суверен давлат деб эълон қилинди. Шундан бошлаб ҳаётимизда янги даврга қадам қўйдик.

* * *

XX асрда ўзбек адабиёти дунёдаги илғор маданиятга эга халқлар адабиётида мавжуд деярли барча адабий жанрларга эга жаҳоний адабиётлардан бирига айланди. Бирор миллий адабиётнинг жаҳон адабиётидаги ўрни шу билан белгиланадики, аввало унинг асарлари йирик тилларга таржима қилинган бўлиши, бошқа халқлар ҳам ундан хабардор бўлиши лозим. Адабиётимиз бу асрда собиқ Иттифоқ доирасидан деярли четга чиқмаган, шунда ҳам асосан рус тили орқали миллий тилларга таржима қилинган. Бунда рус таржимонларининг диди, дунёқароши ва Москвадаги нашриётларнинг хоҳиш-ихтиёри асосий рол ўйнаган. Шўролар даврида Иттифоқ доирасидан ташқарига чиққан адабий асарларимиз эса бармоқ билан санарлидир. Шу манзарадан қараб фикр юритсак, ўзбек адабиётининг жаҳон адабиётидаги ўрни ҳақида гапиришга ҳали пича вақт бор.

Ўзбек адабиёти ўзбек миллатининг шаклланишида ҳамиша маънавий озуқа бериб, сиёсий жиҳатдан етакчилик қилиб келмоқда. Жадид адабиёти ва унинг атоқли вакилларининг фаолияти бунга ёрқин мисолдир. Ёки бўлмаса, 1988-1989 йилларда Бўстонлиқ табиатини сақлаб қолиш ва ўзбек тилига давлат тили мақомини бериш учун олиб борилган курашда асосан ёзувчилар фидойилик кўрсатганига шохидимиз.

Ҳа, айтгандай, ўзбек миллатининг шаклланишида таржима адабиётнинг жаҳон тилларида яратилган энг сара асарлардан ўзбек тилига моҳирона ўгирилган асарларнинг ўрни ҳам борлигини эсдан чиқармаслик лозим. Мен бу ўринда Сервантес, Данте, Шекспир, Байрон, Ҳейне, Гюго, Гёте, Андерсен, Мопассан, Пушкин, Гогол, Лев Толстой, Достоевский, Александр Островский, Тагор, Несин, Айтматов кабиларнинг асарларини кўзда тутмоқдаман. Бу санокни яна узоқ давом эттириш мумкин. Агар ўзбек тилидан бошқа тилга битта асар таржима қилинган бўлса, бошқа тиллардан ўзбек тилига камида юзта асар ўгирилган. Бу она тилимиздаги улкан адабий висотдир. Галдаги муҳим вазибаларимиздан бири ана шу бой маънавий бойлиқни лотин алифбосига асосланган янги ёзувимизда қайта чоп этиб, бўйсиря бўлиб келаётган ёш авлодга тезроқ тақдим этишдир. Ёшларни маънавий озуқа заҳирасиз қолдириб бўлмайди.

* * *

XX асрда ўзбек зиёлилари қандай рол ўйнагани ҳақида сўзлашдан аввал “зиёли” атамаси кенг қамровли эканини, ўзида турли соҳа кишиларини ифодалашини айтиб ўтмоқ керак. Одатда зиёли деганда ақлий меҳнат ва ижод билан шуғулланувчи барча кишилар тушунилади. Лекин аслида бундай эмас. Илмий ходим ёки қаламкаш бўла туриб, миллати тарихига, ҳозирги тақдирига ва келажакига лоқайд қаровчи кишиларни зиёли деб бўлмаса керак. Менимча, куюнчак, фидойи, жасоратли ва, албатта, билимдон, ўз соҳасида камолотга етган кишига нисбатан зиёли иборасини қўллаш мумкин ва лозим. Ана шундай кишилар миллат тақдирида муҳим рол ўйнайдилар ва халқ тарихида из қолдирадилар. Афсуски, сиёсат, иқтисод, тижорат, илм-фан соҳаларида жон бошига ҳисобланганда зиёлилар нисбатан озроқ, қалам аҳли орасида нисбатан кўпроқ.

Ҳозир миллат ривожидида зиёлилар ўйнаётган ролидан қаноат ҳосил қилаётганим йўқ. Сир эмаским, ҳозир ўзимбўлайчилик кучайиб кетди. Давринг кепти, сур бегим, урганингни уриб қол, ўрганингни ўриб қол, вақт ғанимат қабилида иш тутаетганлар кўп. Қўшнинг ғилай бўлса, кўзингни қис (яъни унга ёқ) қабилида иш тутиб, ўта мурасасозлик қилувчилар ҳам кўп. Отасидан мерос бўлиб қолган, ҳали яна камида ярим аср яшаса бўладиган уй-жойни буздириб ташлаб, ўрнига икки-уч қаватли улкан иморатлар кураётганлар энг шарафли касб эгалари бўлмиш ўқитувчи ва врачлар эмас, солиқ, божхона, милиция, суд, прокуратуранинг ўрта бўғинидаги ходимлари, савдо-тижорат кишилари, сердаромад жойларда ишловчилардир.

Лоқайдлик шу даражага бориб етাপтики, Юртбошимиз томонидан “Туркистон — умумий уйимиз” дея тарихий ватанимизнинг, ҳозирги минтақамизнинг номи тўғри ифодаланган бўлса-да, гоҳ “Ўрта Осиё”, гоҳ “Марказий Осиё” атамалари ишлатилмоқда. Ваҳоланки, Марказий Осиё — Осиёнинг маркази бўлмиш худуд бу ер эмас, Олтой тоғи, Тува Республикаси жойлашган, совуқли иқлимли бепеён бир ўлкадир. Шуни била туриб, яна ўзимиз “Марказий Осиё” деб ёзишда давом этаверамиз. Бунда зиёлиларимиз ўзининг тўғри фикрини ёқлаш ўрнига ўзганинг нотўғри фикрини ҳурмат қилиб, ўринсиз мурасасозликка бориш нуқсонини кўзга ташланади.

* * *

Инсон сифатидаги ушалмаган орзуларим кўп. Буларнинг ҳаммасини ошкор қилишимнинг лузуми йўқ. Ёзувчи сифатидаги орзуларимдан бири шуки, ноўрин таҳрир ва қисқартиришларга учраб, нашр қилинган ва саҳналаштирилган бадиий ва илмий асарларимни, айрим публицистик мақолаларим ва эсселаримни асли ҳолида қайта нашр эттиришдир. Токи, асарларимда ўз қиёфам кўринсин ва сақланиб қолсин.

XX асрдаги тақдиримдан нолимайман. Бундаги энг ёруғ ва ҳаяжонли нуқта миллий мустақилликка эришганимиз бўлди, деб ҳисоблайман.

XXI асрга қадам қўйдик. Янги асрда янги ижодий режалар туғилишига, янги имкониятлар очилишига умид қиламан. Адабиётда ҳар бир муаллиф ўз қиёфасини кўрсата олсайди, дейман, ўринсиз таҳрирлар, қисқартиришлар бўлмасайди, дейман.

Ҳозирги кунда халқимизнинг 60 фоизи Ўзбекистонда, қолган 40 фоизи эса мамлакатимиздан ташқарида — Москвада 1924 йили чизиб берилган чегаралардан ташқарида — бизга қўшни янги давлатларда, шунингдек, олис юртларда яшамоқда. Бундай қисмат дунёдаги ҳеч бир миллат бошига тушмаган бўлса керак. Шу боисдан ҳам биз ёзувчилар, муҳаррирлар, ноширлар ва матбуотчилар ўша миллатдошларимиз олдида миллий масъулият ва миллий бурчимизни чуқур ҳис этиб, уларни маънавий озуқа билан таъминлашга ўз ҳиссамизни қўшишимиз лозим, деб биламан. Токи улар ҳам мамлакатимиздаги янги адабиётлардан, газета ва журналлардан воқиф бўлиб туришларини орзу қиламан. Ягона миллатга мансублик ва биринчи навбатда ўз миллатимга хизмат қилиш туйғуси менинг бош орзуимдир.

Кўланкадаги Россия

ҲОЗИРГИ РОССИЯНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ИЛЛАТЛАРНИНГ УЯСИ

С. Дондаги Ростовда олий ўқув юртида соатбай ўқитувчи бўлиб ишлайди. У 40 ёшда. Хотини ва болалари билан уч хоналик стандарт квартирада яшайди. Унинг сўзларига қараганда, зарур таомларни еб-ичишда ва кийим-кечакда тежамкорлик қилмаслик имкониятига эга, ҳатто узоқ муддат мобайнида фойдаланиладиган буюмларни харид қилаолади. Қора кунга деб уч-тўрт рубл чегириб ҳам қолади. Сўнги беш йил давомида Шарқий Оврўпа мамлакатларининг иккитасига бориб дам олиб келди, икки марта эса таътилини Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида ўтказди.

Яқинда қариндошларимиздан бири оёғини синдириб олди. Уни шифо-хонага олиб боришган, лекин тиббиёт ходимларидан ҳеч қайсиси у билан шуғулланишга рағбат билдирмаган. Беморлар кўп экан. Назаримда, врачлар ўз вазифаларини расмият юзасидан бажарганлар, холос. Бизга тушунтирганларига кўра, шифохонада ҳар бир бемор ётиб турадиган кўрпа-тўшагини, бинтларини, шприцларни, томчи дори учун системаларни ва табиийки, дори-дармонларни ўзи топиб келмоғи керак экан. Биз бунга тайёр эдик, чунки бутун Ростов шундай яшамоқда (бутун мамлакат ҳам шу аҳволда) ҳамма тиббиёт воситаларини ўзи сотиб олади ва беморнинг сарф-харажатларини тўлалигича ўзи кўтаради. Албатта, беморнинг қариндош-уруғлари унинг тезроқ шифо топиб, оёққа туриб кетишидан манфаатдор бўлишса, шундай қилишади.

Бироқ бизнинг қариндошимиз оёққа туриб кетсин учун унинг сарф-харажатларини кўтариш ва дори-дармон билан таъминлаб туришнинг ўзи кифоя эмас эди. Врач беморни кўриб бўлиши биланоқ бизга “оёғи ёмон синипти, бунинг устига ёши ҳам ўтинқираб қолган экан” деди. Кўйинг-чи, уни операция қилиш керак экан, лекин бу операциянинг муваффақиятли ўтишига ҳеч қандай кафолат йўқ экан. Табиийки, биз “ҳаммасини тушундик ва шунақа аҳволни бошидан кечирган танишларимиз билан маслаҳатлашиб, янаги келишимизга 2000 рубл тайёрлаб келдик. Мен ўзим шахсан врач билан ҳоли қолиб, “бўлғувчи операциянинг мураккабликлари” тўғрисидаги суҳбатни давом эттирдим, кейин эса унинг иш столининг бир чеккасига тўрт букланган қорозни кўйдим. Пул шу қорозга ўраб кўйилган эди. Бу врач билан хайрлашиб чиқиб кетаётганимда содир бўлди. Мен чиқиб кетаётиб, унинг бу пулларни шимининг чўнтагига солиб қўяётганини кўрдим. Кейин врач мени кузатиб кўяр экан, “Ҳаммаси яхши бўлади, деб умид қиламиз” деди. Ҳақиқатдан ҳам, операция етарли даражада муваффақиятли ўтди. Ҳамма мамнун эди. Одамнинг яхши меҳнатига яхши ҳақ тўламоқ лозим. Албатта, даволаниш учун ҳам-

Давоми. Боши олдинги сонда.

мада ҳам (беморларда ҳам, соғларда ҳам) пул бўлавермайди. Айтганча, аслида кекса одамлар (нафақа ёшидагилар) кўпроқ касал бўлади ва уларнинг пули ҳатто яшашга ҳам кифоя қилмайди.

Мана, бошқа бир воқеа. Менинг бир танишим (махсус хизмат ходими) бир йил мобайнида қайнонасини даволаш билан андармон бўлди. Унинг ошқозонида касали бор эди. Танишим операция қилдиргани қайнонасини шифохонага ётқизди. Ошнамнинг ҳамкасабаси бош врачга “ўз каналлари” бўйича кўнғироқ қилиб операцияни яхшилаб қилиш кераклигини, негаки бемор (аниқроғи, унинг қариндоши) оддий одам эмаслигини тайинлапти. Йигитлар идораларининг “обруйи”га умид боғлаштипти. Аммо операцияни “одатдагидек” қилиштипти, яъни икки ойдан кейин операция қилинган жой тешилиб, оқа бошлапти. Қайнона яна шифохонага ётқизиштипти — қайта операция қилиш зарур бўлипти. Яна “органлар” орқали тазйиқ ўтказиштипти, лекин беморнинг аҳволи ёмонлашаверипти — у чўпдай озиб кетипти, уни ногиронликка чиқариштипти. Учинчи гал уни овора қилиб, ҳеч қаёққа олиб боришмапти. Қайнона ҳозир ҳам яшаб юрипти, лекин анча ҳолдан тойиб қолган. Хулоса: менинг ошнам “идорасининг қудрати”га инониб, унинг кучи билан беморни соғайтириб юборишдан умидвор бўлмай, биринчи галдаёқ операция ҳақини бериб қўяқолганда, олам гулистон эди. Шифохонанинг врачлари теварагида кўтарилган бу тала-тўпалон, уларнинг қисувга олиниши, умуман, жамики муолажа жараёнига салбий таъсир кўрсатган бўлса ажаб эмас. Аммо махсус хизмат идораларининг ходимлари (худди милиция ходимларига ўхшаб) бошқаларнинг бирон бир хизмати учун ҳақ тўлашни ёмон кўришади, ҳамма нарсани текин туширишни исташади. Лекин яхши мутахассисни ўз ишини ижодий тарзда адо этишга мажбур қилиб бўлмайди. (Бунга фақат Сталиннинг қамоқхоналарида муваффақ бўлишган.)

Яқинда хотиним бетоб бўлиб қолди. Муниципал поликлиникага боришга хоҳиш ҳам, вақт ҳам йўқ эди. У ерга ўзининг ташвишларининг билан борсанг, ё грип бўлиб чиқасан, ё сенга ўхшаган бетоб бўлиб келган одамлардан қичима юқтириб келасан (мен, албатта, муболаға қиляпман). Сирасини айтганда, у ерда тузукроқ мутахассислар ишламайди. Умуман олганда, менга шундай туюладики, баъзи бир шаҳар поликлиникаларида ишлайдиган айрим врачлар бемордан шуниси билан фарқ қилардиларки, улар маҳаллий аптекаларда қандай дорилар борлигини билишади ва беморга шу аптекаларда мавжуд дориларни ёзиб беришади.

Биз саломатлик уйига мурожаат қилдик. Ташрифимиз учун 60 рубл тўладик. Ортиқча бош оғриқсиз (бунақа ғалавалар оддий поликлиникаларда тез-тез учраб туради) хотиним врачнинг ҳузурига бориб келди. Хасталик чекинди. Биз оддий поликлиникадагига қараганда ортиқча харжлаган бўлсак, 100 рублча харжлагандирмиз (врачнинг қабули учун, сифатли анализлар учун), лекин вақтдан ютдик, муниципал поликлиникада рўпара келишинг мумкин бўлган кўпол муомаладан, нохуш воқеалардан халос бўлдик.

Сўнгги вақтларда биз ё касал бўлмасликка ҳаракат қиламиз, ё бунинг иложи бўлмаса, пуллик поликлиникага ёхуд таниш врачларга мурожаат қиламиз. Ахир, бугун ҳар қандай одам тузукроқ хизмат кўрсатилишини истаса, бунинг учун ҳам тўлаши керак. Майда шаҳарларда тиббиёт муассасаларида пухта ишлаб чиқилган таъмагирилик тизими ёхуд “ошна-оғайничилик”ка амал қилиб даволаш йўллари мавжуд. Мен бу нарсаларни бировдан эшитиб билган эмасман. Ростовда бемалол яхши мутахассисни топиш мумкин, ўзингизга керак, ўзингизга мос врачни танлаб олса бўлади. Бундан ташқари Ростовда тиббий хизматларга ҳақ тўлашни ё расмий тарзда ёки етарли даражада беозорлик билан муниципал шифохона — поликлиникаларда амалга ошириш мумкин. Агар даволанишдан ўзингиз манфаатдор бўлсангиз, барибир, пул тўлашга тўғри келади. Муолажа учун тўлашга пули бор одамларнинг ҳаммаси бунга тайёр. Агар кимнинг пули бўлмаса, бу бошқа масала. Аммо менда ҳозирча ишлаб топиш имконияти бор, шунинг учун мураккаб ишлар тўғрисида кўп ҳам ўйлаб ўтирмайман. Агар менинг ёхуд қариндош-уруғларимнинг тан-сиҳатлиги масаласида аллақандай қатта мураккабликлар туғилиб қолса, мен тақ-

дирга тан берадиган одамман: шундай хасталиклар борки, уни пул билан даволаб бўлмайди, яъни шундай хасталиклар борки, уларни бизнинг мамлакатимизда муолажа қилишмайди ва умуман, уларни даволаш жуда қиммат туради. Шундай хасталиклар борки, уларни даволаш учун пул харжлаш керак, лекин қанча харж қилиш ҳамёнингизнинг қувватига боғлиқ. Ва, умуман, ҳали жуда кўп одам шуни англаб етмоғи керакки, одамнинг ўзи сиҳат-саломатлигини эҳтиёт қилиб асрамоғи лозим, чунки соғлиқ топилмайдиган нарса. Ҳолбуки, қанчадан қанча одамлар бор — бутун ёшликлари давомида молдай бўкиб ичишади-да, қариганларида врачлар мени тузукроқ даволама-япти деб шикоят қилишга тушишади.

Ўзимнинг касб-корим ҳақида гапирадиган бўлсам, олий таълим тизимида салкам 15 йилдан бери ишлайман ва айтишим мумкинки, ҳамма ўқитувчиларнинг тахминан 80 фоизи қай бир даражада бўлмасин мавжуд қонунчиликка хилоф иш юритишади (гайри-қонуний тадбиркорлик фаолияти, даромадларни яшириб келиш, таъмагирлик, пора, хизмат мавқеини суиистеъ-мол қилиш). Мен ўзим ҳам баъзи бир қонун бузишларга дахлдорман. Тахминан, ўқитувчиларнинг ярмида ҳар йили иккита-учтадан (баъзиларида эса ундан ортиқ) абитуриент бўлади — улар бу абитуриентлар билан кириш имтиҳонлари бўладиган фанлар бўйича қўшимча машғулотлар ўтказишади. Репетиторлик учун тўланадиган ҳақ бизнинг факультетимизда бир соатлик машғулот учун 100 рублдан 150 рублгача бўлади (Айтганча, шўро замонида ҳам худди шу иш билан шуғулланганлар).

Аммо ҳозир абитуриентларнинг ота-оналари репититорларга шунчаки машғулот ўтагани учун эмас, олий ўқув юртига киришга кафолати учун ҳақ тўлашга тайёрлар. Айни ана шу кафолат пулга арзийди. (Баъзи бир ўқув юртларида репетиторлик учун алоҳида пул олишади, институтга кириш учун алоҳида олишади, чунки бу репетитор кириш имтиҳонлари таркибига кирмай қолиши керак, бундай ҳолларда репетитор ҳамкасабалари билан бўлишишга мажбур бўлади.) Амалда ҳар бир факультетда “фаол” ўқитувчиларга институтга олиб кириши лозим бўлган абитуриентларнинг миқдори аввалдан белгилаб қўйилади. Масалан, бир ўқитувчи жорий йилда қабул комиссияси таркибига кирди. Табиийки, у ўз “абитуриентларини ва яқин ҳамкасабаларининг абитуриентларини ўтказишга ҳаракат қилади. Аммо улар таниш-билишлиги ёхуд муносабатлари жиҳатидан бир мунча нарироқ турдаги ҳамкасабалари тайёрлаган абитуриентларни ҳам ўтказиб беришга мажбур, чунки янги ўқув йилида бу ўқитувчи имтиҳон комиссияси таркибига кирмайди ва абитуриентларни ўқишга олиш ишига бевосита тазйиқ қўрсата олмайди. Шундай бўладикки, кундузги (бепул ўқиладиган) бўлимга ўқитувчилар йил давомида билимини пухталаш билан шуғулланган абитуриентлар киришади. Кейин эса студент ўзи мустақил ўқимоғи керак, лекин у буни ё эпполмайди, ё хоҳламайди. Ана унда ҳар қайси сессия даврида совға-саломлар туҳфа этиш жараёни бошланади. Бунинг натижасида давлатнинг таълим тизимида уччига чиққан порахўр ва бу жиноят учун деярли жазоланмайдиган ўқитувчилар гуруҳи пайдо бўлади, оқибатда икки пулга қиммат мутахассис ёшлар юзага келади. Бундай ёшлар кўланкадаги иқтисодиёт бобида биринчи сабоқларни олий ўқув юртида олади.

Пуллик бўлимларда ҳам вазият шунга ўхшайди. Рост, олий ўқув юртига кириб олмоққа тайёрланиш учун абитуриент бу ерда камроқ тўлайди, чунки бунда у суҳбатдан ўтади, холос. Аммо ҳар бир сессия “тижоратчи” талабалар учун ҳақ тўлаш мавсуми бўлади. Бунақа бўлимларнинг талабаларидан бепул бўлинмалардагига қараганда янада пастроқ савиядаги мутахассислар чиқади. Бу, айниқса, иқтисодиёт ва юридик факультетларига дахлдор. Юридик факультетда имтиҳон учун ҳақ тўламаслик — мислсиз ҳодиса. Шундай қилиб, бизнинг шаҳримизда ҳуқуқшунос ёшлар биринчи қадамлариданоқ қонунбузарликка тайёр бўлиб етишадилар. Олий таълим тизимида бирор нарсани ўзгартириш менимча, мумкин эмас. Минглаб ота-оналар ўз фарзандларининг ўқиши учун ҳақ тўлаб (пора бериб), бу тўғрида индамасликка рози. Бу, айниқса, армия хизматида чиқарилиши керак бўлган ёшларга тааллуқли.

Яна бир гап бор. Олий таълим тизимини қариндош-уруғчилик ва ошна-оғайнигарчилик зангдек чиритаётир. Бу — сўнгги ўн йилликдаги ислохотларнинг энг яхши оқибати. Институтга ишга фақат “ўз” одамлари қабул қилинади (булар — қариндош-уруғлар, “керакли” одамлар). “Институт хонимлари” бир замонлар ёхуд ҳозир ҳам турли-туман мансабдорларнинг хотинлари ёки ўйнашлари. Ван бобидаги корчалонлар ўз фарзандларини ҳам олий ўқув юртига ишга (ёхуд бошқа институтга “бошма-бошлик” йўли билан, яъни “сен меникини ишга жойлайсан, мен — сеникини” деган тарзда) осонгина жойлашга муваффақ бўлади. Олий ўқув юртларида бўшаб қолган ўринларни эгаллаш учун ўтказиладиган танловлар, шунингдек, аспирантурага кириш имтиҳонлари ёхуд номзодлик имтиҳонлари — турган-битгани сохталикдан иборат. Мен бу гапни айтишдан кўрқаман — ҳозирги Россиянинг олий таълим тизими бошдан оёқ ич-ичидан чириб кетган. Афтидан, бу иллатларни йўқотмоқ учун бутун мамлакатни йўқотиш талаб қилинса керак.

Агар институтларнинг ўқитувчиларига маош тўланмаса ҳам ҳечқиси йўқ — улар, барибир, ишга қатнайверадилар, чунки уларнинг таъмагирлик ва порахўрлик билан топадиган маблағларнинг манбаи битмас-туганмасдир.

Шуни ҳам айтиб қўяйки, менинг танқидий мулоҳазаларим, биринчи навбатда гуманитар факультетларга тааллуқли. Техникавий ва бошқа факультетларда вазият ўзгача бўлиши ҳам мумкин, лекин бу ўзгачалик кўланкадаги ўқитувчилик фаолиятининг кўламига алоқадор бўлади, холос.

Менинг назаримда, ишламайдиган олий таълим демократияси (“дорилфунунлар имтиёзлари” деб аталмиш нарса) олий таълимга зарар келтирмоқда, холос. Олий ўқув юрти сўнгги ўн йил ичида ислохотлардан четда қолган (ўқишни қай бир даражада пуллик қилиб қўйилганини айтмаганда). Олий ўқув юртлари давлат ҳисобидан шундай мутахассислар тайёрлаптики, жамият кўп ҳолларда уларнинг хизматларидан фойдаланишни истамаяптилар. Институтни битириб чиққан кўпгина мутахассислар (айниқса, гуманитар соҳа мутахассислари) — тарихчилар, филологлар, иқтисодиётчилар, психологлар ишсиз қолмоқдалар. Бироқ такроран айтаманки, олий таълим тизимида ислохот бўлганида ҳам, Россиядаги ҳамма ислохотлар ичида энг охириги навбатда ўтказилса керак, чунки ҳамма мансабдорларда, ҳамма тадбиркорликларда фарзанд бор — уларни, албатта, бирон жойга ўқишга жойлаб қўйиш керак. Молия маҳридаги ҳеч қандай ҳисоботни тан олмайдиган ана шу баҳайбат “қора ўпқон” ҳали анча вақтгача таълим соҳасида корчалонларнинг ризқи-рўзини таъминлаб туради. Уларнинг кўпчилиги райкомлардан силлиққина кафедраларга ёхуд лабораторияларга ўтиб олган одамлар.

Менга қолса, умуман ёлланиб ишламасаму, ўзим учун ишласам дердим. Аммо бунинг иложи йўқ. Кўланкадаги иқтисодиётдан узоқда турадиган раҳбарлар қўли остида ишлашни хоҳлардим, аммо кўланкадаги бизнесга дахли йўқ раҳбарни топиш анча мушкул иш. Лекин, чин юракдан айтадиган бўлсам, шундай бир ишда ишласамки, у кўланкадаги муносабатлардан нисбатан тезроқ бўлса... Шундай ишдан нафақага чиқиб кетсам... Биронта шунақа иш бўлсаки, маоши тузук бўлса-ю, лекин мени қонунга хилоф ишларни бажаришга мажбур қилишмаса...

Албатта, таълим ва ноширлик фаолияти соҳасида гоаялар бор. Биринчи навбатда, бирга ишлайдиган ҳамкасабаларинг халақит беради, бироқ буни тузатса бўлади. Лекин энг муҳими шундаки, дурустроқ бир иш қилгани ишончли шериклар йўқ. Бунинг устига тадбиркорлик фаолияти учун солиқлар ҳам анча юқори.

Сиз, албатта, фаҳмлаган бўлсангиз керак — мен, асосан, коррупцияга тақалишдан қочишга ҳаракат қиламан, лекин бошқа бир нарсани ҳам гапириб беришим мумкин. Сайловолди ташвиқоти бошланганда менинг собиқ талабаларимдан бирига вилоят маъмуриятидан бир иш топширилипти — у вилоятдаги шаҳарлардан бирида “Бирлик” гуруҳи учун имзо тўплаши ва айни чоқда сайловчилар ўртасида эшикма-эшик юриб, ташвиқот ишларини олиб бормоғи керак экан. Ҳақи ишбай экан. Бу ишга баъзи бир кам таъминланган талабаларни жалб қилипти. Битта сайловчига бир кунлик ташвиқотга бир рубл

ажрагилар экан. Бир рублнинг 50 тийини ташвиқотчининг меҳнати учун тўлар экан, қолган 50 тийини эса менинг ўша собиқ талабам билан (у жараёни ташкил қилгани учун олади) “Бирлик”нинг маҳаллий бўлимига етакчилик қилувчи раҳнамолар (казаклар билан маҳаллий амалдорларнинг янги чиққан вакиллари) ўзаро бўлишиб олишар эканлар. Ҳисоб-китоби жўн — шаҳарда 50 минг сайловчи бор, ташвиқот 20 кун давом этган. Сайлов бобидаги корчалонлар 500 минг рублни қуртдай қилиб ҳамёнларига солганлар. Буларнинг барини вилоят маъмурияти уюштирган.

Суиистеъмолчиликларга беихтиёр тўқнаш келасан. Яқинда бизнинг бир қариндошимиз дунёдан кўз юмди. Бу кутилмаганда рўй берди. Биз марҳумларни ташийдиган махсус машина чақирдик (350 рубл тўладик). Мурдани ёриб кўрмоқ талаб қилинганди. Постологоанатомнинг ҳисоботи қўлга теккандан кейин биз мурдани дафн қилишга тайёрлаган йигитларнинг ҳам ҳақини бердик (300 рубл). Қабристонда гўрковларнинг “катта”сига икки шиша ароқ билан газига ул-бул бердик (таомили шунақа экан). Дафн маросими бирон бир дабдаба билан ўтказиш ниятимиз йўқ эди, шунинг учун расмий маросимдан бошқа ҳеч нарса бўлгани йўқ. Лекин мен шуни жуда яхши биламанки, марҳумни эски қабристонга қўймоқчи бўлса (бу қабристон олдинроқ ёпилган) ёки Шимолий қабристондан жой олмоқчи бўлса, қабристонларнинг бошлиғига пул тўламоқлари шарт. Айтмоқ керакки, бу иш амалда ошқора қилинади ва бу ишга амалдорлардан ҳеч ким аралашмайди ва қариндошлардан ҳеч ким хафа ҳам бўлмайди.

Маиший хизматлар, ҳар хил таъмирлаш ишлари масаласига келсак, мен бор кучим билан маъқулроқ ҳаққа (менинг киссам учун маъқулроқ эмас, шаҳарда амал қиладиган нарх-наводан келиб чиққанда маъқулроқ) яхши усталарни топишга ҳаракат қиламан. Мен ўзимнинг хос этиқдўзим, телевизорим ва бошқа “темир-терсак” ишларини таъмирлайдиган хос устам, хос электригим, хос сантехниким ва ҳоказолар бўлишини орзу қиламан. Мен ораимизда ўзаро манфаатдорлик асосида узоқ муддатли муносабатлар бўлишини истайман.

Бунақа мутахассисликлар ходимлари билан мулоқот бобида шўролар замонида тўплаган кўп йиллик тажрибамнинг бари бош оғриқ ғалвалардан иборат эди. Мен бир нарсага ҳайронман — бизнинг Ростов вилоятида бутун бошли Сервис академияси (собиқ аҳолига маиший хизмат кўрсатиш институти) бор бўлатуриб, ўзимизда ишлаб чиқарилган кир ювиш машинасини таъмирлаш учун тузукроқ уста тополмайман. Машинани устахонага олиб бормаслигимга сабаб кўп:

- устахоналарда кўпинча тажрибасиз ёш-яланглар ишлайди;
- техникани олиб бориб — олиб келиш менга фалон пулга тушади;
- таъмирлаш муддатининг кети-охири бўлмаслиги мумкин;
- шу устахонанинг ўзидан машинамни узоқ муддат давомида бузилмай

ишлайдиган аҳволда қайтариб олишим учун ҳеч қандай кафолат йўқ. Агар менинг кир ювадиган машинам устахонада тузатиб берганларидан кейин яна бузилиб қолса, ҳар қандай нормал одам сингари мен бошқа малакалроқ уста изламоғим керак. Менга 3 ойга кафолат берганлари учун машинамни яна ёнимдан пул тўлаб ўша устахонага олиб бормайман-да! Аминманки, устахонадаги йигитлар пулсиз менинг буюимни яхшилаб созлаб бермайдилар.

Мен ўйлайманки, хусусий тарзда ишлаётган ва шундай ишлашини расман давом эттирмоқчи бўлган таъмирловчи ва созловчи мутахассисларнинг ҳаммасини лицензия олишга мажбур қилмоқ керак — тамом-вассалом. Лицензия учун йилига 500 рубл (тусмоллаб айтяпман) тўлаб қўй-да, одамларнинг ҳожатини чиқаравер. Бу одамларнинг қўлига “кишан уриш” керак эмас ва уларни кўланкадаги иқтисодиёт корчалонларига айлантиришнинг лузуми йўқ.

Сантехниклар, электриклар ва ҳоказолар масаласи мураккаброқ — улар бизнинг участкага бириктириб қўйилган ва уларни бегона жойларга таклиф қилиш маъқул кўрилмади. Мен маҳаллий ЖЭК да ишлайдиган бундай мутахассислар билан яхши муносабат ўрнатганман. Менга керак бўлган пайтда уларни чақираман, улар кеч қолмай, келишилган вақтда етиб келишади. Таъ-

мирлаш учун зарур бўлган буюмларнинг ҳаммасини бозордан харид қилишадди ва менинг олдимда ўз ишлари учун жавоб беришади.

Автомобиль ремонти бўйича менинг ўз устам бор. Агар машинадаги носозликни ўзи бартараф этолмаса, у таниш ошналаридан бирортасини тавсия қилади. Бу йигитлар ҳам ўз ишлари учун жавоб беришади. Улар машинамни менидан яхшироқ билишади ва шундай маслаҳатлар беришадики, унақа маслаҳатларни пулга ҳам тополмайман (жўяли маслаҳат бермоқ учун ё супер чилангар бўлмоқ керак, ё машинамни кўп йиллар мобайнида парвариш қилган бўлиш шарт).

Яна бир гапни айтиб қўяй: таъмирловчи устахоналарда (нимани таъмирлашларидан қатъий назар) кассага тўлайдиган ҳақингдан ташқари “ҳамиша ҳаммаси жойида бўлсин” десанг, таъмирловчи одамнинг қўлига ҳам бир нарса бермоқ керак бўлади. Хафа бўлмайсизлару, бу икки баравар харажат дегани бўлади.

Турар жойимни имкони борича ўзим таъмирлайман, агар мураккаб ишлар чиқиб қолса, танишлар орқали мутахассисларни чақираман. Табиийки, ҳақини нақд тўлайман.

Умуман айтганда, мен ўқиганларим ёхуд ишонишга майлим бор гапларни бир чеккага қўйиб туриб, ўзим ҳаётда кузатган ёки гапига ишонса бўладиган одамлардан эшитганим тўғрисида гапирсам, қуйидаги манзара ҳосил бўлади: порахўрлик касаллигига ҳаммадан кўра кўпроқ солиқ хизматининг одамлари ва милиция ходимлари чалинган: улар пора олишади, катта-кичик корхоналарнинг эгалари эса пора беришади. Бу эса, менинг назаримда ортиқ жиноятчи билан жабрдийданинг муносабатлари эмас. Шундай бир тамойил туғилган. Унга кўра, ҳар иккала томоннинг ўзаро келишувига биноан мансабдорлар ёки масъул ходимларнинг хизмати учун “уларни хурсанд қилмоқ” керак. Ҳаммадан ҳам ортиқроқ солиқ хизматининг ходимлари, бирон нарсани рўйхатдан ўтказадиган маъмуриятнинг мансабдорлари ва соғлиқни сақлаш ходимлари таъмагирлик қилишади. Солиқларни тўлашдан ҳаммадан кўра кўпроқ корхоналарнинг эгалари бўйин товлайди, чунки уларнинг ихтиёрида солиққа тортиладиган ишлаб чиқариш воситалари бор. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги корхоналари, колхозларнинг раислари, фермерлар ҳам солиққа чап бериш пайидан бўлишади — қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини аниқ ҳисобга олиш жуда қийин. Яна чакана бизнес (шаҳарма-шаҳар мокидек қатновчилар, савдо нуқталарининг эгалари, хизмат кўрсатиш соҳасининг ходимлари, транспорт ходимлари) одамлар ҳам солиқни тўла тўлашдан қочишади. Бундан ташқари, билишимча, кўламдаги ишлаб чиқаришда корхоналарнинг раҳбарларигина эмас, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ҳам ишлайди. Улар бундай корхоналарни ўз паноҳларида асрайдилар.

Бу ҳодисаларнинг ҳаммасида ташкилотчилар ва ижрочилар бор. Ташкилотчилар — мансабдорлар. Уларнинг рутбаси қанча юқори бўлса, суиистеъмол кўлами ҳам шунча кенг бўлади (бу мансабдорларнинг жаъмики ижозат берувчи ва назорат қилувчи соҳаларига тааллуқли). Юқори даражадаги ИИВ ходимлари борки, улар турфа хил ғайри қонуний фаолиятларга паноҳлик қилишади. Корхона раҳбарлари борки, улар ўзларининг хўжалик фаолиятлари орқасидан олган фойдаларини баҳам кўришда мансабдорлар билан ҳам, ИИВ вакиллари билан ҳам ҳамкорлик қилишади.

Ҳаммага маълумки, истаган маъмуриятнинг бошлиғи — у кичкинагина қишлоқ маъмурияти бўладими ёхуд кўп миллионли катта шаҳар маъмуриятими — бундан татъий назар, кўланкадаги иқтисодиёт билан боғлиқ бўлади. Ҳаётда биллурдек покиза маъмурият ходимлари бўлмайди. Эҳтимолки, ана шундай покизаликни даъво қилувчилар бўлса, улар махсус руҳий ҳасталиклар шифохонасида умри ўтадиган беморлар бўлса ҳам ажаб эмас. Бу ўринда гап унинг боғлиқми — боғлиқ эмасми эканида бормайди, балки ким билан қай даражада боғлиқ экани ҳақида бориши мумкин.

Мен маҳаллий сайловларда овоз бергани бормайман, чунки Ростовдаги истаган даражадаги мансабдорни жоним суймайди. Қолаверса, Россиянинг марказий органларига сайловлар қай бир даражада алланечук ўйинни эслатса

эслатар-у, лекин маҳаллий сайловлар — ҳозирги замон Гоголлари ва Шчедринларининг асарлари учун материал беришдан нарига ўтмайди. Ўз вақтида улар вилоятлардаги ўзбошимча амалдорларни роса бошлаб пўстагина қоқишган ва унутилмас нусхаларини чизиб беришган эди. Келиб чиқиши ошқора тарзда жиний илдизларга эга бўлган одамлар учун фақат бир ҳолдагина овоз беришим мумкин эди: мен суд маслаҳатчиси бўлсам-у, ўша одамнинг устидан умрбод қамоққа ҳукм чиқарилаётган бўлса, шу ҳукмни маъқулабгина овоз бераман.

Албатта, ҳаётда ҳамма нарса бўлиши мумкин. Агар менга нисбатан қандайдир адолатсиз қарор қабул қилинса, мен юқори ташкилотга шикоят билан мурожаат қиламан, шикоятим кўрилаётганда ўзимнинг шахсан иштирокимда менинг масалам бўйича бирон-бир расмий қарор чиқариб беришларини талаб қиламан. Эҳтимол, суд бўлар, лекин ҳақи рост, мен судма-суд саргардон бўлишни жуда ёмон кўраман. Шундай бўлмоғи ҳам мумкинки, мен муайян бир иш бўйича судда ютиб чиққан тақдиримда ҳам, кейинчалик таъқибга учрашим мумкин. Шубҳа йўқки, бунақа олишувларнинг ҳар бир босқичида мен таниш мутахассисларим билан маслаҳатлашиб турмасам бўлмайди.

Пора масаласига келсак... Очигини айтсам, бу сабилни сира ҳам бергиси келмайди одамнинг. Аммо унинг масаламнинг ижобий ҳал қилишидан кўрадиган фойдамдан берадиган порамнинг миқдори беқиёс даражада паст бўлса, мен пора беришга розиман.

Аммо-лекин, мону мулкингга таҳдид давлат органлари томонидан ҳам бўлиши мумкин. Агар шундай бўлса, мен ҳеч нарса қилолмайман. Жисмоний зўравонлик масаласига келсак, мен ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлайдиган танишларимга мурожаат қиламан ёки бўлмаса, ўзим яширинаман, балки мулкимни яширарман.

Энди солиқлардан бўйин товлаш тўғрисида батафсилроқ гапирадиган бўлсак, менимча, Локкнинг бир иборасини бир оз ўзгартириб тўламасликдан қонуний тарзда бўйин товлаш мумкин бўлса, бунга қарши ҳеч қанақа эътироз билдирмас эдим. Солиқларни тўлашдан бўйин товлаш истаги имкони бор даражада кўпроқ пул ишлаш иштиёқи каби одамнинг табиий истаклари сирасига кириди. Янги иқтисодий тизим (шўро замонидан кейингиси) солиққа тортишнинг муайян жараёнини тақазо этади. Мен, албатта, бунга розиман. Аммо шўролар замонидан кейинги йиллар мобайнида Ростовда биронта ҳам янги кинотеатр қўрилмади (еттитачаси, ёпилди, сотилди), биронта ҳам маданий-маиший бино, биронта ҳам олий ўқув юрти ёхуд техникум биноси барпо этилмади. Пуллар қаёққа гум бўляпти — ҳозиргача маълум эмас. Бор пул ҳатто нафақахўрларга арзимаган нафақасини тўлашга ҳам кифоя қилмайди.

Шуниси ҳам борки, ўзларининг меҳнат фаолиятларида ёлланма ишчи кучидан фойдаланилмайдиган одамлар — майли, улар “оддий фуқаролар” деб аталмиш тоифага мансуб бўлсин — солиқ тўлашдан бўйин товлашса, мен буни тушунаман. Бугунги Россиянинг оддий фуқаролари солиқларни тўламоқ учун қўшимча меҳнат қилишга мажбурлар. Хўш, қани, бугун ким бепул ишлаб беради? Сиз солиқ тарзида даромадингизнинг 30-40 фойизини тўлашингиз керак бўлса, бу шунчаки оддий пул эмас, балки давлатга текин ишлаб беришдир. (Мен такрор айтаман — бу ўринда гап ёлланма меҳнатдан фойдаланилмайдиган оддий фуқаролар ҳақида бормоқда.) Фараз қилайлик, сиз хусусий тадбиркор сифатида 1000 сўм пул ишладингиз ва қонунга кўра унинг 35 фойизини ҳар хил тўловлар шаклида давлатга беришингиз керак (айтайлик, сиз репититорлик билан шуғулланасиз). Сиз, албатта, бундан ташқари бирон олий ўқув юртида ёхуд техникумда асосий хизматдасиз. Шундай бўлгач, қўшимча ишлаган 8 соатлик иш вақтингиздан 2,5 соатини сиз бепул ишлаб берасиз. Қизиқ, агар солиқларни ўз вақтида ва тўла тўламоқ учун сиздан яна шу 2,5 соатни бировнинг ҳақиға ишлаб беришни илтимос қилишса, бунга қандай муносабатда бўлардингиз? Уйлайманки, сиз мабодо бепул ишлаб беришга рози бўлсангиз, бундан ҳам ортиқ даражада қўл учида қилинган “эгасига етгунча” қабилда бажарилган ишни топиб бўлмаса керак.

Шу тарзда мен ўйлайманки, оддий фуқаролар томонидан солиқларнинг тўланиши давлатга текин ишлаб беришдир (мана, сизга амалдаги қиймат на-зарияси). Умуман сизнинг ойлик ўртача маошингиз 1200 рубл. Бу доцент-нинг ўртача иш ҳақи. Ҳозирги меъёрларда ҳисобласак, Ички ишлар вазирли-гининг оддий ходими ҳам 1200 рубл олади (интервью олинаётган пайтда бу пул 42 долларга тенг бўлган). Давлат бизнинг қадримизни ана шундай баҳо-лайди. Мен репетиторлигимдан 10 фойиз солиқ тўлашга тайёрман ва даро-мадларимнинг ҳаммасини ошкора кўрсатишга розиман. Аммо ҳамкасбларим-нинг кўпчилиги бунга рози бўлишмаса керак — абитуриентларни олий ўқув юртига киришга тайёрлаш олий таълим тизимидаги энг ҳалол топиладиган иш ҳақидир. Бироқ таниш-билишчилик йўли билан ўқишга киритишдаги лўттибозликлар тўғрисида ва имтиҳонларда пора эвазига баҳо қўйишлар ҳақида ким ҳам гапириб беришни хоҳлайди, дейсиз? Шунинг учун ҳам ўзининг ҳалол меҳнати билан (ёхуд ўзининг пешона тери билан) ишлаб топган пулларини солиқдан яшириб қолишга тиришадиган фуқароларни кўп ҳам қораламайман, аммо хизмат мавқеидан фойдаланиш йўли билан топадиган катта-катта улгур-жи даромадларини яшириб қоладиганларни маъқул кўрмайман.

Албатта, амалда ҳамма ишлайдиган корхоналар иш ҳақини тўлашда ҳисоб-китобларда қинғирликларга йўл қўйишади, акс ҳолда, уларнинг ишлари юришмоғи амри маҳол. Мен бу ҳодисани ҳам тушуниш билан қабул қиламан. Афтидан, корхона раҳбарининг одамларга озми-кўпми пичоққа илинадиган иш ҳақи тўлаб туриш учун реал иш ҳақи фондани яширмоқдан ўзга иложи бўлмаса керак. Акс ҳолда одамлар бунақа корхонада ишламай қўйишади. Ти-жоратчи муассасаларда ҳам жуда кўп ҳолларда шунга рўпара келиш мумкин. Бу ҳол айниқса, савдо билан шуғулланадиган корхоналарда кенг тарқалган. Гумашталар фойизга ишлайди, яъни амалга ошириладиган ишдан 2-3 фойи-зини олади. Очиғини айтганда, бу мени кўп ҳам тавишга солмайди. Агар шу-нақа раҳбар кўлга тушиб — нетиб қолса, “ҳа, энди омади келмабди-да” деб кўя қоламан. Агар, иши юришиб, бароридан келиб турган бўлса, қандини урсин — ишлайверсин. Лекин биржадаги брокерлар (идоралари ҳам) даро-мадларидан тўла миқдорда солиқ тўламоқлари керак.

Сиз мендан “солиқ тўлашга муносабатингиз қандай?” деб сўрамоқчи бўляп-сиз. Агар одамдан устидаги бор кийимни ечиб олса, у совуқ қотиб музлаб қолади. Солиқларни тўла миқдорда тўласа ҳам худди шундай бўлади. Сиз шуни ҳисобга олингки, мен тўғри солиқлардан ташқари яна билвосита солиқлар ҳам тўлайман — мен харид қиладиган истаган товарнинг ичида шу бевосита солиқ мавжуд. Бу товарлар очикдан-очик сотилаверади. Бизда Ростовда баъзи турдаги солиқлар ҳақидаги Қонун узоқ муҳокама қилинади. Шаҳарма-шаҳар қатнайдиган ёхуд бозорда ўтирадиган чакана савдогарлар ҳукумат идоралари уларни касса аппаратлари билан таъминлаб, ҳисоб-китобни қаттиқ олиб бор-моқчи бўлишганда дод деб юборишди. Агар солиқчилар бунга муваффақ бўлишганда, бундай бозорлардаги нарх-наво камида икки баравар кўтарилиб кетарди. Бундай вазиятдан ким ютган бўлар эди? Ўз-ўзидан равшанки, од-дий харидор сифатида мен ютмаган бўлар эдим.

“ХУДОНИНГ МАРҲАМАТИДАН УМИДВОР БЎЛИШ ҚОЛДИ, ХОЛОС”

Б. — Вилоят марказидаги чоғроқ бир ибодатхона ходими. Ўзининг яшаш даражасини “ўртача кун кечиришга имкон берадиган” деб ҳисоблайди, яъни топгани ўзига етиб турипти.

Мен ҳайдовчи эмасман, лекин жуда кўп автомобилчилар билан таниш-ман, ўзим ҳам тез-тез машинада юриб тураман. Одатда орқа ўриндикда ўти-раман, у ердан ҳамма нарса жуда яхши кўриниб туради. Негаки, машинани тўхтатган милиционер, одатда, олдинги эшикка яқинлашмайди, балки ҳай-довчининг ўзининг олдига келишини кутиб туради. Милиционер билан ҳай-довчи орасидаги муомилага гувоҳлар бўмасин деган мақсадда шундай қилин-

са керак-да, лекин орқа ўриндиқдан ҳаммаси кўриниб, эшитилиб туради. Музокаралар жараёни жуда жўн, у ҳар гал энг майда тавсилотларигача так-рорланиб турадиган маросим тусига кириб қолган. Бу, охир-провардида, шу билан тамом бўладики, ҳайдовчи ҳар гал дастлаб талаб қилинган пулнинг тахминан ярмини ҳеч қандай тилҳатсиз, ҳужжатсиз милиционернинг қўлига тутқзади-да, ўз йўлига равона бўлади. Шуниси ҳам борки, анча-мунча ҳолларда милиционерларнинг ўзи ҳайдовчиларни қоида бузишга ундайди. Масалан, шунақа бир ҳол жуда кенг тарқалган. Кейинчалик маълум бўлишича, ДАНнинг ўзига қарашли машина (у, одатда ҳамма ёғи лой чапланган ҳолда бўлади, на номерини, на бошқа ёзувларини узоқроқдан ажратиб бўлмайди) олдинга тушиб олади-да, тошбақа юриш билан сенга йўл бермай кетаверади. Унинг орқасидан судралиб юриш жонингизга тегиб кетгандан сўнг, қувиб ўтишга ҳаракат қила бошлайсиз. У эса сизга тўхташга ишора қилади ёки рация орқали яқин ўртадаги постга хабар қилади ва у ердагилар сизга жарима солишади. Бунақа усуллар тўлиб ётипти. Менинг назаримда ДАН ҳозирги пайтда коррупция энг авжига чиққан жой.

Шунақа, кундалик ҳаётда тез-тез кўланкадаги муносабатларнинг турли-туман кўринишлари билан тўқнаш келиб турасан киши. Шуниси ҳам борки, ҳозир буларнинг барини одамлар худди табиийдек қабул қиладиган бўлиб қолган. Мени лол қолдирган яна бир воқеани айтиб берай: сабзавот харид қилгани бозорга бордим. Қарасам, сотувчи аёл тарозидан уриб қолиб, мени лақиллатмоқчи бўляпти. Буни бирам сурбетлик билан қиляптики, кўяверасиз — бир қўли билан тарозининг палласини пастга босиб турипти. Мен унга “уялмайсизми?” деб танбеҳ бердим. У бўлса, менга нима дейди денг: “Ҳой, поп! Уялсанг бўлмайдами? Яна устингга ридо кийиб олибсан-а!” Мен нимадан уялишим кераклигини сира тушуна олмадим, лекин бу аёлнинг муомаласи мени шу қадар лол қолдирдики, бозорга нимага келганимни ҳам унутиб қўйдим.

Олий ўқув юртларида, менинг фаҳмимча, асосий олди-берди кириш имтиҳонлари атрофида бўладиган кўринади. Бу борада — хотирамга қаттиқ ўрнашиб қолган воқеа шундай бўлган: Менинг яқин танишларимнинг қизи Москвадаги институтлардан бирига ўқишга кирадиган бўлди. Унинг билан бирга яна бир қиз ҳам ўқишга кираётган экан, лекин кўчириб олаётгани учун уни имтиҳондан чиқариб юборишпти. Бир қанча вақтдан кейин бу қизлар учрашиб қолишпти — маълум бўлишича, ҳалиги қиз ҳам ўқишга кирган экан. Бири иккинчисидан сўрапти: — “Қандай қилиб имтиҳон топширдинг? Сени имтиҳондан чиқариб юборишган эди-ку” Бунга иккинчиси жавоб берипти: — “Биласанми, мени бир хонага олиб киришди. У ерда жавоблар ётган экан. Ҳаммасини кўчириб олдим”. Шуниси ҳам айтиб қўй — баъзи бир ўқув юртларида, умуман, имтиҳонсиз ўқишга олиш усулини аллақачон ўзлаштириб олишпти. Сен пулини тўлайсан, холос, ведомост-у бошқа ҳужжатларни тўлдирши масаласида пул олганлар бошини қотиради. Институтлардан бирида иқтисодиётни ўрганаётган бир танишим бошқа бир воқеани гапириб берган эди: уларда расман имтиҳонларни пуллик қайта топширишни жорий қилишпти — адашмасам, бу 100 доллар турар экан. Бунинг оқибатида ўқитувчилар имтиҳонларда талабаларни очикдан-очик йиқита бошлашпти. Масалан, шунақа саволларни беришар эканки, бундай масалалар нафақат дарсларда ўтилмаган, балки, умуман, бу фанга тааллуқли бўлмас экан.

Ёки тиббиётдаги аҳволни олайлик. Мен реанимация бўлимида оқсил модадаги анализни қандай қилишганини кўрганим бор. Маълумки, реанимация бўлимида, ҳар қандай анализ ҳам ўта муҳим ҳисобланади. Ҳамшира иккита пробиркани силкитиб-силкитиб, ёруққа солиб кўради ва шундай дейди: — “Майли, бунисида иккита бирлик, бунисида учта бирлик экан. Барибир, улардан менга бир тийинлик фойда йўқ”. Кўпгина врачларнинг беморларга муносабатлари шундан ортиқ эмас. Табиийки, беморлар ёхуд уларнинг қариндош-уруғлари текширишнинг ё муолажанинг ҳар хил босқичларида врачлар ҳамда ҳамширалар меҳнатига кўшимча ҳақ тўлаб туришса, аҳвол бутунлай бошқача бўларди.

Ўзим шоҳид — ҳар қандай хизмат учун тўланадиган ҳақ кўпинча кассани четлаб ўтиб, тўғри ҳамёнга тушади. Сўнгги пайтларда мен телефонни ҳам

шундай ўрнатдим, пойабзални ҳам шу тарзда таъмирладим. Сенинг хизматингни қилишгандан кейин ҳақини тўлайсан-да!

Аммо мен бир гал “маросимлар хизмати”нинг расмий прејскурантида алоҳида сатрда “тобутни стеллаждан олиб автокатофалкка ортиш” учун тўланадиган алоҳида ҳақини кўриб, бу соҳадаги хизматлар аҳволи ҳам қандай эканини англадим-олдим. Бу ишга олинадиган ҳақ шу қадар баланд эдики, ҳеч қанақа коррупцияга ўрин қолдирмас эди. Лекин шунга қарамай, бу соҳада ҳам тўғридан-тўғри таъмагирликсиз ҳеч қанақа иш битмас экан.

Мен авваллари ибодатхонада хизмат қилганимда, шу ибодатхона қошидаги маросимлар борасида коррупциянинг ўзига хос бир шаклига рўпара келган эдим. Агар роҳиб ибодатхона ҳудудидан суяк-пуяк топиб олса, уни қонун-қоидаларга биноан тупроққа қўйиш учун маросим бюросидан чоғроқ тобут сўрайди. Бюрода унга тушунтиришадикки, тобутни тегишли маълумотнома кўрсатилганидан кейингина беришади. Ибодатхона мутаваллиснинг ҳеч қанақа қоғози-ю илтимоси улар учун дастак бўла олмайди, уларга суяклар ўликники экани ҳақида маълумотнома бўлмаса бўлмайди. Мен уларга: “Мен суякларни олиб келай, ўзингиз кўрингиз” дейман. Улар жавоб беришади: “Бунинг ҳожати йўқ, сиз бизга маълумотномани олиб келинг!” “Борди-ю, деб сўрайман мен, — суякнинг эгаси XVI асрда ўлган бўлса-чи?” “Бу ёғини, энди, ўзингиз биласиз” — дейишади улар. Шунақа деб туришиб, бутун важоҳатлари билан шама қилишади-ки, биттагина жуда арзимас, кичкина нарса етишмай турипти, холос. Агар ўша бўлса, бу иш хамирдан қил суғиргандай осон битиди. Охир-пировардида, бу ишга диний идоралар аралашиб, маросим ишлари бўйича катталарнинг таноби жиндай тортилгач, ўша кичкина “нарсасиз” ҳам жанжал ҳал бўлади. Кейинчалик мен шунга амин бўлдимки, энг оддий дафн маросимларида ҳам бу соҳада таъмагирлик ва ўғирлик тез-тез учраб турар экан. Вафот этгани тўғрисидаги расмий маълумотнома етарли, албатта. Лекин унинг ёнига йирик пуллардан жиндай қўшиб берилса, нур устига аъло нур бўлади. Акс ҳолда, “Маросим хизматлари”да тобут бир ойгача ҳам бўлмай қолиши мумкин. Фақат тобут эмас, майитга зарур бўладиган бошқа ҳамма нарсаларда ҳам худди шу аҳвол бўлиши мумкин.

Таассуфлар бўлғайки, ҳатто черков ҳам бугунги кўланкадаги бизнесга жалб қилинган. Ҳозир черков жуда оғир молиявий аҳволни бошидан кечирмоқда. Бу янги-янги черковларнинг очилаётгани билан боғлиқ. Улар кўпинча даромад келтирмайди. Нега дейсизми? Мана, ўзингиз чамалаб кўринг. Кичкина черков даромадини Пайриархияга ўтказди. Агар кичкина черков қашшоқ бўлса, у нафақат епархияга тўланадиган бадалдан озод қилинади, балки ўзи юқоридан бериладиган дотацияга муҳтож бўлади. Ҳолбуки, бизда шундай кичик черковлар борки, улар ойига бор-йўғи 100 рубл, яъни йилига 1200 рубл даромад қилади, холос. Сирасини айтганда, бунақа черковларда улар қораларини ҳам кўрсатишмайди. Уларни тушунса бўлади — ўзини ҳам, бола-чақасини ҳам тўйғазиши керак. Бизда яна бошқа тоифадаги руҳонийлар бор — улар архиерейнинг қарамоғида яшайдилар — архиерей уларнинг ҳисобига ҳар ойда ўз даромадидан маълум миқдорда пул ўтказиб туради. Архиерейнинг маоши расман унча катта эмас, шунинг учун бу пуллар бизнинг архиепископимизга йирик монастырларнинг мутаваллилари ёхуд бадавлат дин арбоблари томонидан мунтазам равишда юбориб туриладиган хайрли ионалар ҳисобидан олинади.

Ҳеч кимга сир эмаски, ҳар бир кичик черковнинг ҳисоб-китобида жиндай қинғирлик бўлади. Епархияга тўланадиган пул расмий ҳисоботда кўрсатилган миқдорда тўланади. Пулни камроқ тўламоқ учун ибодатхона мутаваллиси даромадлар миқдорини камроқ қилиб кўрсатади. Менимча, ҳужжатларда кўпинча черков идорасининг бир мажлисида иштирок этганман. Унда бир неча ибодатхонага мутасадди ҳазрат ҳам қатнашган эди. Мажлисда гоёта мамнун ҳолда бухгалтер аёл ўз черковининг йиллик ҳисоботини ўқиб берди. “Роҳибнинг маошига, — деди у, — бир йилга 300 рубл сарфланди (10 доллар атрофида). Буни қарангки, роҳибнинг ҳеч қаерда ишламайдиган рафиқаси, мактабда ўқийдиган иккита фарзанди бўлган. Унинг ўзи шаҳар ташқарисида истиқомат қилган ва ҳар куни шаҳарга, хизмат жойига бориб келган.

Мутасадди ҳазрат аллақандай тантанадан келган экан, бутун мажлис давомида бошини қуйи солиб ўтирди, биров билан баҳслашишга сира иштиёқи йўқ эди. шунинг учун бухгалтер аёлга “мен-ку, ҳисоботингизга қўл қўйиб бераман, лекин солиқ идорасидан келадиганлар ишонмайди-да”, деди. Одамлар англашдики, бухгалтер аёлнинг миси чиқиб қолди. Йиллик ҳисоботни дарҳол қайта ёзишди, энди бу ҳисоботда мутлақо бошқа рақамлар ўрин эгаллаганди. Лекин бундан ҳеч ким ҳижолат чеккани йўқ. Айтганча, бу бухгалтерни охир пировардида, бўшатиб юборишди, лекин мутасадди алмашгандан кейингина бўшатишди. Янги мутасадди “мен ўзим бориб, ҳамма молиявий ҳужжатларни текшириб кўраман” деганда, бухгалтер зудлик билан бетоб бўлиб қолди, шу ётганича уч ой ётди ва охир-пировардида, бўшаб кетди. Мураккаброқ найранглар ҳам бўлиб туради. Черковда амал талашишлар бўлиб туради, таъсир учун курашишади ва бунда, албатта пуллар оқими катта роль ўйнайди. Айтилик, маълумки, бизда кўпгина ибодатхоналар Епархиал бошқармага ҳеч нарса тўлашмайди. Лекин борди-ю роҳиб бадавлат черковнинг мутаваллиси қилиб тайинланган бўлса-ю, шу ўрнини сақлаб қолмоқчи бўлса, у епархияга мунтазам равишда пул ўтказиб турмоғи зарур. Мутасаддилар ҳам шунақа. Нима учун мутасаддилар одатда бадавлат ибодатхоналарнинг мутаваллиларини тайинлашади? Сабаби шундаки, агар сен мутасадди бўлсанг, епархия бошқармасига пул тўлаб турасан. Агар шундай қилмасанг, мутасаддилардан ҳам кетасан, бадавлат ибодатхонадан ҳам маҳрум бўласан? Ёки яна бир масалани олайлик. Ҳамма биладикки, бизда епархия бошқармасида навбатдаги епископ ким бўлади деган масалада доим кураш боради. Архиерей тириклигида бунақа гапларни гапириш унча яхши эмаслигини айтмаёқ кўяй, ҳозир гап бу ҳақда эмас. Бошқармамининг котиби билан биздаги энг йирик эркаклар монастирининг мутаваллиси бир-бири билан курашади. Бири хато қилиб кўйса, иккинчиси дарҳол ундан фойдаланади. Ҳазрат мутаваллининг иши осонроқ. Чунки монастирнинг ғазнаси унинг ихтиёрида. Мана, айтилик, бизда православ мактаб электр энергияси учун катта қарз бўлиб қолди. Унинг бошқа тўловлари ҳам бор эди. Епархия бу қарзларни тўлашга қурби етмади. Шунда ҳалиги монастирнинг мутаваллиси қарзларнинг ҳаммасини тўлаб юбормоқчи бўлди. У чиндан ҳам қарзларнинг ҳаммасини тўлаб юборди, фақат шу вақтга қадар мактабга раҳнамолик қилиб келган ҳазрат хотибнинг қадами бу мактабдан қирқилди қолди. Бунинг оқибатида мактаб шаҳардаги ибодатхоналардан бирининг тасарруфига ўтиб қолди. Бу ибодатхона бояги монастир билан илиқ алоқалари туфайли донг чиқарган эди. Яъни, пул харжлаб, унинг кучи билан таъсир доираси кенгайтирилади.

Роҳибга пулни кичкина черков идораси тўламоғи керак, аммо бунинг учун унинг даромади етарли бўлмоғи зарур. Бунинг учун янги ибодатхоналар очавермаслик даркор. Баъзи бир епархияларда янги ибодатхона очишдан олдин архиерей у ерга комиссия юборади. Комиссия у ердаги қавмнинг истиқболи бор-йўқлигини аниқлаши зарур бўлади. Бу комиссия аввалги ибодатхонанинг қай даражада вайрон бўлганини текширади (унинг пойдеворидан бошқа соғ жойи қолмаган бўлса, уни қайта тикламоқнинг нима зарурати бор?), қавм аҳлининг сони ҳозир қанча-ю, келажакда қанча бўлишини, у ерда роҳиб учун турар-жой бор-йўқлигини, агар роҳиб бола-чақали бўлса, унинг фарзандлари учун таълим олиш имконияти қанақа эканини аниқлайди. Комиссиянинг ахборотини эшитиб, муҳокама қилиб кўргандан кейингина архиерей у ерга роҳиб тайинлайди. Уйланган, бола-чақали роҳибларни ўзига тўқроқ қавмга жўнатади, сўққабош роҳибга эса қашшоқроқ қавмни беради. Роҳибнинг фарзандлари нечта экани, ёши нечадалиги, майллари қандайлиги, хўжалик юритишга иқтидори бор-йўқлиги эътиборга олинади. Агар қавмнинг даромади кам бўлса, бу ерда ибодатхона очиб ўтирилмайди-да, қавмни бошқа ибодатхонага бириктириб қўйилади. Бу борада анча эскидан яшаб келатган анъаналар бор — авваллари ўнлаб майда қавмларни ўзига бирлаштирган катта қавмлар бўлар эди. Масалан, Францияда католикларда бугун қай бир вилоятларда ўнта ибодатхонага битта роҳиб хизмат қиладиган жойлар ҳам бор. Роҳиб буларнинг ҳаммасида навбатма-навбат хизмат қилади. Агар

бироз қазо қилса ёки бирор чақалоқни чўқинтириш зарур бўлиб қолса, уни телефон орқали чақиртиришади. Табиийки, ўнга ибодатхона битта роҳибни бемалол боқиб олабдилади. Худди шунга ўхшаш тизимни бизда ҳам жорий қилмоқ керак. Бугунги мавжуд тизим эса роҳибни диний қонун-қоидаларни бузишга ва четдан қўшимча иш қидиришга мажбур этади. Диний арбоблар ўқитувчилар қилишади, табиблик билан шуғулланишади, маросим идораларида қўшимча даромад топишга ҳаракат қилишади. Бу тизимни ўзгартириш керак, айниқса, роҳибларга солиқ бобида имтиёзлар берилмоғи зарур. Бугун роҳиб ўз маошидан нафақа, тиббиёт, суғурта жамғармалари каби ҳар хил жамғармаларга ҳақ тўламоғи керак. Нафақа жамғармаси масаласида ҳатто Патриархнинг махсус фармони ҳам бор: роҳибларга епархиянинг ўзи маблағларидан нафақа тўлайолмагандан кейин, роҳиб даромадидан Нафақа жамғармасига ҳақ тўлаб турмоғи шарт. Буларнинг бари қавмда ҳисоб-китоб ишларида қинғир йўл тутишга олиб келади. Натижада роҳиб маошининг асосий қисмини ведомостдан ташқарида олади. Ҳеч ким ишлаб топган ҳақининг катта қисмини ҳар хил жамғармаларга тўлагиси келмайди. Бундан ташқари, давлат черковга музейлар билан бўлган бир қатор мунозарали масалаларни ҳал қилишда ёрдам бермоғи зарур. Музейларнинг заҳираларида кўпдан кўп роҳиблар киядиган либослар, ҳар хил маросимларда ишлатиладиган черков буюмлари бор. Улар ҳеч қандай тарихий аҳамиятга молик эмас, ҳатто тайинли моддий қиммати ҳам йўқ. Уларни черковга қайтармоқ даркор. Бир замонлар черковларга қараган иморатларни ҳам қайтармоқ жоиз. Мана, масалан, бизда вилоят марказининг чеккасида ибодатхона портлатилиб юборилган эди. Аммо шунда учта роҳибнинг иморати қолиб кетган. Улардан биронтаси ҳам черковга қайтариб берилмаган, чунки ҳозир қонунда фақат диний мақсадларда фойдаланилган иморатлар тилга олинган, холос. Дин арбобларининг уйларини маҳаллий ҳокимият сотиб олишни таклиф қилади ва уларга отасининг нарҳини кўяди.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқиб, мен нима учун солиқлардан бўйин товловчи одамларни унчалик қораламаслигимни тушуниб олгандирсиз. Ахир, маошнинг анча қисмини ушлаб қолаверса, маошда нима маъно қолади? Давлат одамнинг бор будини олиб қўйса-да, кейин унинг ёнига келиб “Биласизми? Жиндай етмаяпти. Яна бир оз қўшинг!” деб турса, бунақа давлатга одамлар қандай муносабатда бўлишлари мумкин?

Мен ўзим черков буюмлари билан савдо қиладиган фирмада тижорат бўйича директор бўлиб ишладим. Фирма уч кишидан — бош директордан, тижорат директоридан ва бухгалтердан иборат эди. Мен ўриндошлик йўли билан ошбор мудир бўлиб ҳам ишлардим. Бироқ на рэкетчилар, на солиқчилар черковнинг савдо-сотик ишларига кўпам эътибор беришмади ва бу маънода бизда ҳеч қанақа муаммолар пайдо бўлгани йўқ. Лекин кўча-куйда кўча дўконларда савдо қиладиган иккита ночор сотувчимиз ўзларининг учта бошлиқларини боқиб олишга қурблари етмаслиги маълум бўлгач, фирмамиз шов-шувсиз ёпилиб қолди.

Менинг коррупцияга муносабатим бундай — коррупция ҳамиша бўлган, бор ва бўлади. Бизнинг шароитимизда унга қарши курашмоқ самара бермайди, чунки коррупция билан шуғулланадиганларнинг ўзи коррупцияга қарши кураш олиб борадиган бўлса, бу курашдан одатда ҳеч қандай фойда чиқмайди. Назаримда шундайки, талон-тарож қилинган пулларнинг ҳар қайси манбаи — айни коррупцияга қарши курашга ажратилган маблағлардир. Шу сабабдан ҳам ҳозирги шароитда коррупцияга қарши кураш ҳаммадан аввал ана шу курашаётганларнинг ўзларига керак. ФХХ га ўхшаш тизимлар-ку, коррупцияга қарши курашмаса кунини ўтмайди. Агар бирдан коррупция ғойиб бўлиб қолса, улар нима билан шуғулланишар эди. Шунинг учун эл кўзига бўла, қуйи амалдорларнинг калласи кетиб туради-ю, катталарнинг калласи омон қолаверади. Агар уларнинг каллалари кетадиган бўлса, бизда бутун мамлакат барбод бўларди.

Суд ҳам, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳам бугунги кунда инсонни ҳимоя қилишга қодир эмас. Фақат худонинг марҳаматига сифинишдан бошқа чора йўқ.

Ҳамма жойда, масалан, у ёки бу раҳбарларнинг коррупцияга дахлдорлиги тўғрисида, кўланкадаги бизнес билан алоқаси борлиги ҳақида гапиришади. Мен эса бошқача ўйлайман — менимча, суд буни кўриб чиқиб, исбот қилиб бермагунча, бу — ҳар кимнинг шахсий иши. Бу муносабатларнинг қанақа эканини мен қайдан билай? Мен шамни ушлаб турган бўлмасам... Айбсизлик презумпцияси деган гаплар бор, ахир! Мен шуни биламанки, бизда шаҳар мэрини сайлаш вақтида номзодлардан бирини Нафақа жамғармасига солиқларни тўламаганда айблашди. Яна кимлар айблади денг? Ўша жамғармани талон-тарож қилганларнинг ўзлари айблашди. Шундоқ бўлгандан сўнг мен фақат судга ишонаман-да!

Коррупцияга қарши кураш тадбирлари тўғрисида фақат бир нарсани аниқ айта оламан — амалдорларнинг маошини кўтаришнинг фойдаси йўқ — ахир, порахўрнинг кўзи тўярмиди? У нафсини тияолармиди? Одам маоши кичик бўлган бўлса, бир амаллаб тирикчилигини ўтказиш, рўзгорини тебратиб тўғрисида ўйлайди. Каттароқ маош олабошлаганда эса у оладиган пулини янада кўпайтириш тўғрисида ўйлай бошлайди. Шахсан мен коррупцияга қарши курашнинг самарали бўлганини икки марта кўрганман, холос. Иккови ҳам Киев епархиясида рўй берган бўлиб епархия роҳиби архимандрит Зосиннинг номи билан боғлиқ. Кунлардан бирида у машинада бир бандаи мўминнинг тавба-тазаррусини эшитгани монастирлардан бирига кетаётган экан. Машинанинг деразалари қорайтирилган экан, йўл назоратчиси машинани тўхтатиб, одати бўйича, оладиган порасини олипти. Машинанинг орқа деразаси аста пастга тушипти-да, қария милиционер йигитни имлаб чақирипти-да, устидаги бут ва бош чаноғининг шакли чекилган ридосини кўрсатиб, “Мен сенинг ҳузурингга бормамайман, лекин сен менинг ҳузуримга келасан” депти. Бу гапни айтатуриб, архимандрит бош чаноғига ишора қилипти. Менинг билишимча, милиционер йигит дарҳол олганини қайтариб берипти. Бошқа бир гал худди шунақа вазиятда бузрук машинадан тушиб, милиционернинг оёғи ёнидан бир сиқим тупроқни олиб, хафсала билан дастрўмолига ўраб олипти. Ҳайрон бўлган милиционер сўрапти: “Ҳазрат, нима қиляпсиз?” Ҳазрат жавоб берипти: — “Ҳозир қабристонга кетаётган эдим. Баҳонада ана шу тупроғингга дам солиб, жанозангни сиртдан ўқиб қўя қоламан, бўталоғим!” Ҳанг-манг бўлиб қолган йўл назоратчиси машинага жавоб бериб юборипти, лекин кейинчалик уни номери орқали қидириб топибди-да, на фақат порани берипти, балки худо йўлига анчагина катта миқдордаги пулни садақа қилипти. Аммо бу мисоллар коррупцияга қарши муваффақиятли курашда истисно, холос. Бунақа мисоллар бошқа йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас. Агар бирор кимса бу иш билан жиддий шуғулланадиган бўлса, уни дарҳол даф қилишади-қўйишади.

“Знамя” журналининг 2000 йилдаги
8 ва 9 сонларидан олинди.

Озод ОБИД
таржимаси



Галина ВИШНЕВСКАЯ

Галина

Умр китоби

* * *

Большой театрининг машхур опера кўшиқчиси Галина Вишневскаянинг “Умр китоби” илк бора муҳожирликда, 1984 йили АҚШда инглиз тилида чоп этилди. Орадан кўп ўтмасдан Англияда, Австралияда қайтадан босиб чиқарилди ва дунёдаги энг харидор-гир китоблардан бирига айланиб қолди.

Уттиз беш босма тобоқдан иборат бўлган китоб (ҳажман “Ўтган кунлар”га нисбатан икки баробар катта) кўплаб хорижий тилларга таржима қилинади: Швецияда, Францияда, Финляндияда, Италияда, Испанияда, Японияда, Голландияда, Жанубий Африкада, Исроилда, Германияда, Югославияда, Исландияда миллионлаб нусхаларда нашир этилди. Китоб “Галина” номи билан 1985 йилда Парижда рус тилида босиб чиқарилган бўлса-да, аммо санъаткорнинг ватанида фақат собиқ Иттифоқ таназзулга юз тутган 1990 йилдагина тўлиқ нашир этилди.

Куйида ўзбек ўқувчиларига китобнинг айрим ибратли боблари ҳавола этилаётир.

* * *

Мен ўша йили онамни кўриш учун Ленинградга бордим. Кўшиқ айтишга ишқибозлигимни билиб, у Чайковскийнинг “Евгений Онегин” операси ёзилган пластинкалар билан патефонни туғилган кунимга совға (10 ёшга тўлган эдим) қилди. Татьяна ариясини Кругликова, Онегинни — Норцов, Ленскийни — Козловский ижро этганди.

Ажабо, Большой театрда мен ижро этган биринчи роль ҳам “Евгений Онегин”даги Татьяна, “Қорқиз”даги Купава образлари бўлади. Улар менга “совға” қилинган операларда бор эди.

Мана, умримда биринчи марта опера эшитяпман. Патефондан оркестр товуши янграйди, ширали овозлар эшитилади, сеҳрли шеърлар қалбимни ҳис-ҳаяжонга тўлдириб юборади, бутун борлигим ағдар-тўнтар бўлиб кетади. Худди безгак тутган одамдек титрай бошлаيمان. Атрофимда нималар рўй бераётганини сезмас эдим, овқат ейиш ҳам эсимдан чиқади, болалар билан ўйнаш учун кўчага югурмай кўйдим, фақат уйга биқиниб олиб нуқул патефоннинг дастасини қайтариб кўяман, Татьяна, Ленский иқроор бўлган изҳори дил, Онегиннинг совуқ панд-насихатлари мени мафтун этиб олганди...

Тез орада “Онегин” ҳаммани безор қилади. Бувим ошхона томондан ўшқирарди: — Ўчир-э, анави лаънатини! Худди аччиқ шолғомдек жонга тегди-ку!

Мен бўлсам, эриб ўтираверардим. Ниҳоят, операни бутунлай ёдлаб олдим. Барча партияларни, хорларни билардим. Ақлдан озиб қолган одамга ўхшаб эртдан кечгача кўшиқ айтардим ёки товушимни кўтариб шеър ўқир эдим. Сўнг столга ўтириб, мактабга олиб борадиган дафтарни очардим-да, ўзимча шеър ёзиб, кўшиқ айта бошлардим...

Табийки, бундай кўтаринки руҳий ҳолат фожиа билан яқунланади — мен севиб қолган эдим! Учқур хаёлларим, ҳис-ҳаяжонларим кўкрак қафасимни ёриб чиқишни истарди.

Мен суйган Онегин бизнинг синфимизда эмас, юқори, тўртинчи синфда ўқир эди. У нимаси биландир бошқалардан ажралиб турарди, ҳеч кимга ўхша-

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

110

масди. Ҳамма болалар жулдурвоқи, дуч келган уст-бошни кийиб юришаверарди. У бўлса, доимо сочларини тараб (фарқини тўғри очиб), узун, яхши дазмолланган кулранг шим, ўша рангда пиджак кийиб юрарди, кўйлаги ҳам доимо топ-тоза бўларди. Умуман, ўзим излаб юрган инсонни топганимга ишонч ҳосил қилдим. У эса менга мутлақо эътибор бермасди. Ҳатто қиё боқмасди. Ахир, унинг ёнига бориб: “Мен сизни севаман!” дея олмайман-ку! Албатта, унга хат ёзишга қарор қилдим. Хат бошдан-охиригача Пушкиннинг шеърларидан иборат эди... Хат жуда чўзилиб кетди, бир неча саҳифа бўлди. Битта қизчадан илтимос қилдим, у хатни элтиб берди. Вой худойим-эй, ўз устимдан чиқарилган ҳукмин билиш учун кейинги танафусни қанчалик интиқ бўлиб кутганимни билсангиз эди!.. Хўш, нима бўлди? Воҳ, даҳшат-ку! Кулранг шимли, фарқи очилган менинг Онегиним ҳеч нарсага тушунмабди-ку! У миқ этмади, ҳатто менга бир қараб қўймади. Мен уйга қочиб кетдим, алам қилганидан аччиқ-аччиқ йиғладим.

Ўшанда 10 яшар эдим, биринчи бахтсиз муҳаббатимни ичимга ютдим. Худди Пушкин ёзганидек бўлди. Ахир, Онегиннинг муҳаббати ҳам дастлаб Татьянага таъсир қилмайди-ку! Қачонки, у зерикарли қишлоқда худди аслзода арслонга ўхшаб пайдо бўлгандан кейингина Татьянага мафтун этади... Фарқи тўғри очилган эди... Кулранг шим кийиб олганди... Буларнинг ҳаммаси русларга хос хусусият эди. Пушкин ҳақиқатни яхши биларди...

Менинг буюк шоир ва бастакор — Чайковский билан учрашувим тақдиримни бир умрга ҳал этди. Бошдан-оёқ ичкиликбозликдан, яққол кўриниб турган ёлғонлардан, қулоқни қоматга келтирадиган тантанабозликдан иборат бўлган борлиқ ҳаётим тубдан ўзгариб, шу пайтгача ўзим кўрмаганим, билмаганим гўзаллик, илоҳий покизалик, сеҳрли оламга учиб кетдим. Кейин ҳеч қачон ортимга қайтмадим. Олдинги ҳаётим гўё хаёл кўзгусидан ўчиб кетади, келажак эса қувончли бўёқларда кўз ўнгимда намоён бўлади...

Дастлаб, опера театрини севиб қолган эмасман, мен кўшиқ айтишни яхши кўрардим, ўзим ич-ичимдан ҳис этган, ўзим яратган оламни яхши кўрардим. Уй-хаёлларимда яшаётган жонли оламда ясамалик йўқ эди, ёлғон йўқ эди, чунки у моддий олам эмасди, уни қўл билан ушлаб бўлмасди.

Ҳаётим ағдар-тўнтар бўлиб кетгач, қўлимга тушган китобни танлаб ўтирмасдан ўқий бошладим. Пушкинни ўқидим, Лермонтовни ўқидим, Толстойнинг “Анна Каренина”сини ва Бальзакнинг “Танноз аёлнинг тамтамаси ва таназзули” китобларини ўқидим. Шундан сўнг ҳаваскорлик даврим бошланди — драматик тўгаракка қатнадим, хореография мактабида икки йил таҳсил кўрдим. Эсимда, рақс тушишни унчалик хушламасдим, аммо дастгоҳ ёнида туриб, қўлларимни худди учиб кетаётгандек оҳиста силкитишни, қадди-қоматимни тик тутишни, бошимни нозли-нозли айлантиришни ёқтирардим. Ёки зал бўйлаб худди сузиб бораётгандек аста-секин одимлашни ҳам севар эдим. Бу ҳолат қандайдир улуғвор хотиржамликка ўхшарди: мен ўзимни худди қиролчадек ҳис этардим. Бироқ, ичимдаги ҳис-туйғуларимни ифодалашим учун с ў з г а эҳтиёж сезардим.

Санъат туфайли кашф этганим жозибадор олам билан ёнма-ён эса одатдаги мавжуд ҳаёт бор эди, атрофимдаги одамлар ўша ҳаётда истиқомат қилишарди. Табиийки, мен бу ҳаётдан узилиб кетолмасдим. Бу йиллар тарихимизга Сталиннинг “тозалаш даври”, “ежовчилик даври” сифатида киради. Мактабда ўқитувчиларимизнинг бизга газета ўқиб беришларини ҳали-ҳануз унутганим йўқ: улуғ доҳиймиз Сталин қандай қилиб троцкийчи халқ душманларини фош этганини ҳаммамиз билишимиз шарт эди. Якир, Тухачевский каби чет элларнинг жосуслари ҳам бор эди, уларни ҳам улуғ Сталин фош этганди. Пятаков, Бухарин, Каменев, Зиновьев номлари хотирамизга муҳрланиб қоларди. Айрим болалар эрталаб мактабга кўзлари қизариб келарди: билардикки, демак, кечаси уларнинг оиласидан кимдир — отаси ёки онаси ҳибсга олинган бўларди. “Халқ душманлари”нинг болалари ҳам кўп ўтмасдан мактабдан изсиз йўқолиб кетарди...

Кировнинг қотилларини ҳам улуғ Сталин излаб топади, фош қилади. Ҳаммаёқда Сталин-Сталин-Сталин — Сталин-Сталин-Сталин... Охир оқибат, биз Сталинсиз яшай олмаслигимизга иқдор бўлиб, шунга кўникама ҳосил қилганимизга қадар шундай ҳолат давом этади. Биз дастлаб Сталинни, кейин бошқа нарсаларни севишга мажбур эдик. Мактабдаёқ “ВКП(б) тарихи” ўқитиларди. Фарба Гитлер пайдо бўлади — биз унинг портретларини газеталарда тез-тез кўриб турардик. 7 ноябр ёки 1 май шарофати билан уюштириладиган намоишларда биз шунчаки ўзимиз истаганимиз учун эмас, балки мажбур бўлганимиз учун қатнашар эдик. Акс ҳолда, Сталинга душман бўлиб қолиш мумкин эди.

Бундай ифлос шароитда дастлаб кўнгилли чақимчилар пайдо бўлади — шамол қаёқдан эсаётганини биринчи бўлиб аблаҳлар сезиб олишади, улар биринчи бўлиб емхонага ўзларини урадилар. Сўнгра пионер ва комсомолларнинг йиғилишларида атрофимизни душманлар қуршаб олганини бизга тушунтириб берадилар: биз ҳар қандай шубҳали вазият ёки шубҳали кимса тўғрисида дарҳол мактаб маъмуриятига, милицияга хабар беришимиз лозим. Ҳар қандай чақув рағбатлантирилади, чақимчилар бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатилади. Кўп ўтмасдан ўрнак олишга арзийдиган қаҳрамон ҳам пайдо бўлади — у “синфий кураш жабҳасида жонини қурбон қилган” ўн икки яшар сотқин Павлик Морозов эди: сотқинлиги учун унга ҳайкаллар ўрнатилади, портретлари оммавий нусхаларда чоп этилиб тарқатилади, номи кўшиқларда, мадҳия шеърларда улуғланади. Келажак авлод сотқинлик руҳида тарбияланади. Павлик Морозов ўзининг отаси билан бобосини сотгани учун кўкларга кўтариб мақталади.

Гитлерчилар Германиясида болалар ўз ота-оналарини сотишга ўргатиларди, шўравийлар Россиясида ҳам мактабдан бошлаб бутун бошли чақимчилар авлоди онгли равишда тарбияланади. Бундай тарбия анча илгари — болалар боғчасиданоқ бошланади. Энди тетапоя бўлган гўдаклар, биласизми, ким тўғрисида шеър тўқишиб, кўшиқ айтишарди? Албатта, Павлик Морозов тўғрисида! Боз устига, болалар боғчаси ҳам Павлик Морозов номида эди. Шундай қилиб, қадрли болалар, агар сизлар ҳам ҳушёр бўлиб юрсаларинг, ота-оналаринг тўғрисида керакли жойга маълумот етказиб турсаларинг, шубҳасизки, сизлар ҳақингизда ҳам кўшиқ айтиб юрадилар. Шунинг учун ота-онангизга доим кўз-қулоқ бўлиб юринглар, уларнинг гап-сўзларини эшитинглар, пойлаб юринглар.

Ажабо, болалар қалбига биринчи бўлиб ким гўлгула солган экан — фашистларми ёки коммунистларми? Вақт нуқтаи назаридан олиб қаралса, бундай мудҳиш машғулот дастлаб Совет Иттифоқида бошланган бўлиб чиқади. Нима ҳам дердик, бахтли болалигимиз учун ўртоқ Сталинга раҳматлар айтамыз!

Яна кўп йиллар давомида барча йиғилишларда болалар ўзларининг маърузаларини ўша шиор билан якунлайдилар. Бепоеён мамлакатнинг барча киноэкранларидан, жамики театрларнинг сахналаридан, радиокарнайлардан узоқ вақт ўша шиорни эшитамиз. Биз Сталинга худди худога ишонгандек эмас, балки ер юзидаги беназир Инсон тимсолига ишонгандек ишонардик. Зеро, худони унутган эдик. Ақл-идрокимизни шу қадар тескари қилиб юборишган эдики, агар Сталин бўлмаса, ҳаммамиз қирилиб кетадигандек ҳис этардик ўзимизни! “Сталин — бугунги Лениндир!”

* * *

Бир куни ҳузуримга нотаниш аёл келиб: “Мен отангнинг хотиниман, ундан битта қиз туғдим. Афсуски, отанг эллик саккизинчи модда бўйича ўн йилга қамалиб кетди. Бу сиёсий жиноят учун қўлланадиган модда”, деди. “Қанақа жиноят қилди?” деб сўрадим. “Битта ўтиришда фирт маст ҳолда Сталин тўғрисида латифа айтган экан, кимдир дарҳол чақувни керакли идорага етказибди. Мана, энди ўн йил ётиши керак”, деб жавоб берди у.

Мен отамга ачинмадим. Эҳтимол, бу шафқатсизликдир. Бироқ, қамал пайтида у мени ўз ҳолимга ташлаб кетгани ва йўрғақдаги чақалоғим ўлаётганини кўриб туриб, ҳеч қандай ёрдам бермагани учун мен уни ўз ҳаётимдан ўчириб ташлаган бўлсам, ажаб эмас. Мен ундан умрбод юз ўгирган эдим.

Ўша йиллари янгитдан қама-қама даври бошланди. Дуч келган одамни қамай-веришарди. Мамлакат харобага айланганди — текинга ишлайдиган қуллар, янги тузилган қуллар армияси керак эди. Улар барпо этган мавжуд тузум шароитида эса давлат меҳнатга яраша ҳақ тўлашга қодир эмасди. Лекин “доно партия” бу борада катта тажрибага эга эди. Урушгача тутқун қулларнинг кучи билан “Беломорканал”, улкан электростанциялар, заводлар, комбинатлар барпо этилганди. Булар социализм билан коммунизмнинг ифтихори ҳисобланарди.

Шундай қилиб, урушдан кейин салланинг ўрнига калла келтирадиган аблаҳлар Ота ва Устоз раҳбарлиги остида ГУЛАГларни эркакларга, хотин-халажларга тўлдириб юборишади; бундай ярамас ишларнинг остига сиёсий пойдевор тўшаб қўядилар. “Марҳамат, энг камида ўн йил ҳунарингни кўрсатаверасан”. Диққатга сазовор томони шунда эдики, меҳнатга яраша ҳақ тўлаш шарт эмасди, боз устига, мамлакатда ишсизликка барҳам берилган эди — шаҳар кўчаларида арзон-гаров мардикорлар тўдалашиб туришмасди.

Кейин формалистлар билан космополитларга қарши кураш бошланади. Дастлабки зарбалар ленинградлик Анна Ахматова билан Михаил Зощенкога қарши йўналтирилади. Газеталарда Ждановнинг гоёвий мақоласи чоп этилади. Унда мафкура соқчиси Ахматовани “хосхона билан ибодатхона ўртасида жазаваси тутиб изғиб юрган хоним” деб атади. Бундай вайсақилик кишиларда ички норозилик уйғотади. Атрофимизда нималар бўляпти? Анна Ахматова — Россиянинг ифтихори-ку! Ахир, буюк шоирани, аёлни сурбетларча ҳақорат қилиш мумкинми? Наҳотки, вайсақи гоё яловбардори қилмишига яраша жавоб бермаса?!

Партия ва ҳукумат мусиқа соҳасидаги формализм тўғрисида қарор қабул қилади ва Прокофьев, Шостакович каби “формалист”-бастакорларни обориб-опкелишади. “Большевикларнинг буюк партияси” замонамизнинг даҳоларига мусиқадан сабоқ беради...

Илгари ақл-идрокни чирмаб олган пардалар аста-секин очила бошланади.

“Йўқолсин Космополитизм!” шиори остида бошланган вабо барча театрларни ялаб ўтади, санъатнинг кўплаб дурдоналари узоқ йиллар мобайнида дафн этилади. Театрларда замонавий совет пьесаларини саҳналаштириш тўғрисида кетма-кет фармонлар чиқарилади, анча йиллардан бери партияга маддоҳлик қилиб, қаламларни чархлаб юрган бутун бошли пасткаш ёзувчилар, драматурглар, шоирлар, бастакорлар армиясига худо беради. Улар бир-бирини ортда қолдириб, катта охурга интиладилар; совет ҳокимиятини, буюк йўлбошчини, барча замон ва халқларнинг доҳийсини кўкларга кўтариб мақтайдилар. Айнан ўша “доҳий”нинг айби туфайли урушнинг дастлабки ойларида қуролсиз совет аскарлари тўғридан-тўғри замбаракларга ем бўлганини, фашистлар Украина, Белоруссия бўйлаб шаҳдам қадамлар билан “яллама ёрим”ни айтиб ўтиб, Москва, Ленинград остонасига яқинлашиб келганининг унчалик аҳамияти йўқ; қамалда қолган Ленинградда бир ярим миллиондан ортиқ фуқаро — қариялар, аёллар, болалар очликдан ит азобида қийналиб ўладилар. Бундай кулфатларнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ эди гўё. Муҳими — вақти-соати келди. Санъат ва маданият ходимлари, олға! Танқидчилар, мусиқашунослар, малайлик қилинг! Янчиб ташланглар, бақириб-чақиринглар, ўмариб қолинглар! Беназир биродарларингни хомталаш қилинглар, балчиққа ботириб ташланглар; ушланглар, ана, қочди!..

— Шунақами, сен доҳиймисан? Биз сени халқ олдида шарманда қиламиз, башарангга шапалоқ тортиб юборамиз! Ур-ра! Отамизга, Устозимизга шон-шафлар бўлсин!

1947-1949 йилларда актёрлар бўм-бўш залларда рол ижро этишарди, одамлар театрларга борма қўйишади. Аянчли воқеаларни эсласам, юрак-бағрим эзилиб кетади: Александринский театрининг ажойиб артистлари ўзларидан ўзлари уялиб, ўлганларининг кунидан партия ва йўлбошчини мадҳ этадиган сўзларни бақириб айтишарди. Актёрлар номус қилишарди, омма олдида ўзларини ҳақорат қилишарди. Хайриятки, уларнинг товушини жуда кам одам эшитарди. Шу нарса уларга таскин берарди. Бахмал билан қопланган, тилло суви юритилган Александринский театрига 1200 томошабин сиғса ҳам, унда йигирма-

Ўттиз нафар санъат шайдоси ўтирарди, холос. Ўша бахтиқаро томошабинлар орасида мен ҳам бор эдим.

Совет театрлари маддоҳлик йўналишидаги репертуарларга кўмиб юборилгач, лаганбардор қаламқашлар ёзиб берган аҳмоқона олди-қочдиларни ижро этиш мажбурий эди. Шу боис мен 1948 йили театрни тарк этдим, концерт соҳасига ўтиб кетдим. Мен оломонга қўшилиб “ура!” деб қичқиришни истамасдим. Ваҳоланки, “қутқаринглар!” деб қичқирилса, тўғрироқ бўларди. Лекин менинг театрдан кетишим — сиёсий норозилик аломати эмасди. Мен фақат ёппа-галар ёлғонларга чидай олмадим, холос. Одамлардан қочиб, бир бурчакка биқиниб олишни истардим, ёлғизликни қўмсаб қолдим. Эстрада қўшиқларидан иборат программа тайёрладим, ўзимнинг концертларимни қўйдим. Тез орада Марк ҳам театрдан кетди — у менга ишбоши бўлди, менинг концертларимни уюштирди, ишларимга ёрдамлашди. Биз “Победа” энгил машинаси сотиб олдик. У пайтларда баҳоси 1600 сўм эди. Ҳозир эса нарх-наво бир неча баробар ошиб кетди-ю, аммо маошлар — ўша-ўша...

* * *

Агар Свердлов майдонида Большой театрга юзма-юз қараб турилса, сўл тарафда унча катта бўлмаган, бошқалардан яққол ажралиб турмайдиган бинони кўриш мумкин. Бу бинога Большой театрнинг кадрлар бўлими, яъни тозаловхона жойлашган. Қудратли ҳокимиятнинг театрига ишга киришни истайдиган ҳар қандай инсон мана шу хонада синовдан ўтказилади, бу ерда КГБ ходимлари жонларини жабборга бериб ишлайдилар. Бўлимни йирик амалдор бошқаради, лекин у ишга оддий фуқаро кийимида келади. У оғир эшикни ичидан қулфлаб, ўзини ўзи қамаб ўтиради. Ташқарига ҳеч қандай товуш чиқмаслиги учун эшикка увада аралаш қора чарм қопланган. Ходим сейфдаги ноёб бойликларни — Большой театр артистларининг “шахсий дело”ларини кўриқлаб ўтиради. Сен энг буюк, дунёдаги энг зўр артист бўлсанг ҳам, лекин ана шу камтарин хонадагилар рухсат беришмаса, саҳнага чиқмайсан.

Большой театр фақат санъатга эмас, биринчи навбатда ҳукуматга хизмат қилади. Давлат арбоблари бу ерда тез-тез меҳмон бўлиб туришади, артистлар эса ҳукуматнинг қабул маросимларида, зиёфатларида қатнашиш шарафига лозим топилади. Равшанки, Большой театр кадрлар бўлимининг асосий вазифаси — ҳукумат аъзоларининг қимматли ҳаётини юз фоиз хавфсизлигини таъминлашдан иборат. Қанчадан-қанча иқтидорли артистлар фуқаро кийимидаги қоровуллар томонидан қўйилган тўрга илиниб қолади!

Машаққатли ҳаёт мени ҳеч нарсадан кўрқмасликка, тап тортмасликка ўргатди, адолатсизликка дарҳол жавоб қайтараман. Мен бадқовоқ кимсаларни кўриб довдираб қолмадим, аксинча, фикр-хаёлимни бир жойга жамлаб, ўзимни қўлга олдим. Уларнинг синчковлигини, “хушёрлигини” яхши билардим. Улар одамга тешиб юборадигандек ўқрайиб тикилишарди, худди ўзинг ҳам билмайдиган сирларингдан хабардордек кўрсатишарди ўзларини. Бекорларнинг бештасини ебсиз, сизлар балони ҳам билмайсизлар! Бир соат аввал мен дунёдаги энг яхши театрлардан бирида кўрик-танлов ғолиби бўлдим. Қалбим завқ-шавққа тўлиб, осмони фалақда учиб юрардим, бундай қувончли кунларни ҳеч қачон бошимдан кечирмаган эдим. Энди қандайдир ифлос кимсанинг нигоҳларига дош беролмасдан дир-дир титрашим керакми?! Овора бўласиз, мен сизлар ўйлаган қулвачча эмасман!

Анкетани олдим. Вой худойим-эй, йигирма саҳифа экан. Аста-секин тўлдира бошладим. Бир пайт сокин, ширали товуш қулоғимга чалинди:

— Шошилманг, эслаб олинг, яхшилаб ўйлаб кўринг...

Нимани эслайман? Очарчилик даврига тўғри келиб қолган болалигимни-ми? Ўн беш яшарлик пайтимдан бир тишлам нон топаман деб эшақдек ишлаганимни эслайманми? Менинг хотираларим шундан иборат, холос. Миямни бир нарса тинимсиз пармалар эди: ота-онам тўғрисида ёлғон гапиришга мажбур эдим. Ваҳоланки, улардан пасткашлиқдан бошқа нарсани кўрмаганман,

энди бўлса ўшалар туфайли, ўшаларнинг касофати уриб, ўз иқтидорим, ўзимнинг машаққатли меҳнатим билан эришган ҳамма нарсадан мосуво бўлишим мумкин, ҳаётимни барбод этишим ҳеч гап эмас.

Анкета саволларининг охири кўринмасди: боболаринг, момоларинг кимлар эди? Инқилобгача нималар билан машғул бўлганлар? Хусусий мулки борми-ди? Ўлганми? Қаерда ўлган? Ота-оналаринг кимлар? Қаерда туғилгансан? Қаерда ўқигансан? Ота-онанг инқилобгача нима иш қилишган? Ҳозир нима иш қиладилар? Қаерда яшайдилар? Агар ўлган бўлишса, қаерга дафн этилган? Опасингилларинг, ака-укаларинг борми? Нима иш қилишади? Қаерда яшайдилар? Қаерда ишлайдилар? Чет элларда қариндошларинг борми? Қариндошларингдан кимлардир немисларнинг қўлида асирликда бўлганми? Душман босиб олган ерларда яшаганларми?..

“Отам уруш пайтида бедарак йўқолган”, деб ёздим. Балки, бу палидлар нима бўлганини кавлаштириб тополмаслар, деб ўйладим.

— Негадир жуда тез ёзясиз... Ҳеч нарса эсингиздан чиқмадимми?

— Йўқ, эсимдан чиқмади.

— Бўпти, жуда яхши.

— Жавобини қачон билсам бўлади?

— Ҳамон шошясиз, ҳа-ҳа-ҳа... Текширув ўтган заҳоти жавобини берамиз.

Айтмоқчи, Виктор Нечипайло ўн яшарлик пайтида немислар босиб олган Украинада яшаганлиги тўғрисида анкетага қайднома ёзиб қўйгани учун икки йил текширувдан ўтказилади ва қачонки Сталин ўлгандан кейингина театрга ишга олинади.

У ёқдан ўқдай отилиб кўчага чиқдим — Большой театр! Сен шунақа экансан-да, ҳайбатли ҳайкал... Оёқларинг сопол экан, увода қопланган эшик ортида яшириниб ўтирган куён ҳам жиғингни эзиб қўйиши мумкин.

Ленинградга қайтиб келгунимча хурсандчилигимдан асар ҳам қолмади. Анкета варақлари кўз ўнгимдан нари кетмасди, миямни фақат битта савол эговларди: улар кавлаштириб топадимми, топа олмайдимми? Битта нарса менга таскин берарди: отам тўғрисида мен билан Марқдан бошқа ҳеч ким билмасди. Демак, КГБга чақув етказадиган кимсанинг ўзи йўқ эди. Тасодифан билиб қолишса-чи? Ҳар куни КГБдан чақириқ қоғози келиб қолиши мумкин эди, у ерда қандай гаплашишни яхши билишади, у ерда пихини ёрган одамлар ўтиришибди...

Бир куни худди бир йилдек чўзиларди...

Кўрик-танловларнинг оғирлиги энди билина бошлади: овозим бўғилиб қолди, куч-қувватим йўқолди, ўзим худди сиқиб ташланган лимонга ўхшардим.

Орадан бир ой ўтса ҳамки, ҳеч қандай жавоб келмади. Пулим тамом бўлди, яна мардикорчиликка жўнаш керак. Начора, яна машинага ўтириб, эски ашуламингни айтаверамиз. Большой театрнинг ажойиб саҳнасида сўнг қишлоқмақишлоқ, хўжаликма-хўжалик санқий бошлаймиз...

Шу тарзда орадан уч ой ўтди. Бирдан телеграмма келиб қолди: “Дарҳол етиб келинг. Сиз Большой театрнинг ёшлар гуруҳига ишга олиндингиз. Театр директори Анисимов”.

Бўлди, муродимга етдим! Мен дунёдаги энг зўр театрлардан бирининг артисткаси бўлдим! Мен эндигина йигирма беш ёшга кирган эдим.

* * *

Сталиннинг шахсан ўзи театрни оталиққа олган эди. У асосан операларни томоша қиларди. Шу боис энг яхши ижрочилар “Князь Игорь”, “Садко”, “Хованшчина”, “Борис Годунов”, “Қарға хоним” операларида иштирок этишарди. Булар Большой театрнинг “олтин фонди”дан мустаҳкам жой олганди. Улар ҳар йили қайтатдан саҳналаштирилади. Ҳар бири 35-40 йилдан бери қўйиларди.

Театр ҳеч қачон моддий қийинчиликка учрамаган, давлат ўзини кўз-кўз қилиш учун маблағни аямасди. Декорациялар, кийим-кечаклар миллион-мил-

лион сўм турарди. Чунки уларни яратиш учун эллик фоиз қўл меҳнатидан фойдаланишга тўғри келарди, керакли хомашё ва машиналар етишмасди. Халқ ўз театри билан фахрланарди, аммо унинг харажатларини чўнтагидан тўлаётганини хаёлига ҳам келтирмасди. Албатта, саҳнани тўлдириб турган кулбаларни тиклаш учун Сталин ўз ҳамёнидан пул тўламасди.

Сталин даврида саҳнага чиқишнинг ҳар тарафлама фойдаси бор эди. Ҳар бир артист ўзини авайлаб-асрарди, агар афишада унинг номи бўлса, албатта, спектаклда нолиш қиларди. Император театри! Унда санъатга фидоийлик учунгина эмас, балки мамлакатда, халқ орасида обрў-эътиборга эга бўлиш учун ҳам тез-тез кўриниб туриш лозим эди. Ҳамма Сталин қаршисида ўйнашни, унга ёқиб қолишни истарди, Сталин эса Большой театр артистлари учун ҳеч нарсани аямасди. Шахсан ўзи артистларнинг мўмай моюнасини белгилаб берарди, ҳотамтойлик билан орден улашарди, ўзи Сталин мукофотига тавсия этарди. Кўпчилик артистлар икки-уч мартадан, Баратовга ўхшаганлар эса беш мартадан Сталин мукофотига сазовор бўлишган эди.

Мен театрга келган илк мавсумда — 1952/53 йилларда Сталин бир неча марта опера спектаклларига ташриф буюрди. У келадиган кунларда қандай кўрқув, ваҳима ҳукм суришини яхши эслайман. Бундай янгилик доимо олдиндан маълум бўларди. Соқчилар тун бўйи театрнинг ҳар бир бурчагини қайта-қайта текшириб кўришарди, қаричма-қарич титкилашарди. Спектаклда қатнашмайдиган артистлар нафақат томоша кўрсатиладиган куни, ҳатто ундан олдинги кунларда ҳам театрга киритилмасди. Спектакл иштирокчиларига махсус рухсатнома бериларди, паспорт бўлиши шарт эди. Афишада эълон қилинган ҳар қандай машҳур артистни маъмурият Сталиннинг дидига мос тушадиган бошқа ижрочи билан алмаштириб қўяверарди. Албатта, ҳеч ким бундан ошқора норози бўлмасди, шунақа бўлиши керак, деб ўйларди. Ҳар ким шўравий шаҳаншоҳнинг дидига ўтиришни истарди, унинг эркатойлари сафидан ўрин олиб, ҳамкасбининг камситилиши эвазига бўлса ҳам, омманинг кўз ўнгида тақдирланишни хоҳларди. Итоатгўй театрдаги бундай ярамас одатлар Сталин ўлгандан кейин ҳам яна узоқ йиллар давомида сақланиб қолди.

Сталин доимо “А” ложасида ўтирарди — агар саҳнага юзма-юз қаралса, сўл тарафда, оркестр тепасида, томошабинлардан парда билан тўсиб қўйиларди, фақат фуқаро кийимидаги соқчиларнинг кўплигидан ва артистларнинг кўзларидаги кўрқувдан ложада Сталин ўтирганини пайқаш мумкин эди. Ҳозирги кунларда ҳам агар ҳукумат бошлиғи спектаклни томоша қилаётган бўлса, одамларнинг театр ёнига машина миниб келишига рухсат берилмайди. КГБнинг юзлаб ходимлари театрни қуршаб оладилар, артистлари бир неча марта текшириб кўришади: дастлаб, эшикдан кираверишда текширадилар — бу бизнинг қоровул эмас, балки КГБнинг агентларидир, уларга махсус рухсатнома билан паспортни кўрсатиш керак. Сўнгра, мен грим қилиб саҳнага чиқмоқчи бўлман, яна рухсатномани кўрсатишим зарур (агар залда каттароқ амалдор ўтирган бўлса). Албатта, саҳна орқасида фуқаро кийимидаги барзангилар қаторлашиб турадилар. Баъзан бемаъни вазият рўй беради — хўш, балет артистлари рухсатномани қаерга қўядилар? Ахир, улар деярли яланғоч бўладилар-ку! Худди умумий ҳаммомдагидек оёғингга боғлаб олгин!

Сталин мусиқани яхши кўрар эдимиз? Йўқ. У айнан Большой театрни яхши кўрарди, бу театрнинг кўркемлигини, тамтамасини яхши кўрарди. Бу ерда ўзини худди императордек ҳис этарди. У театрга ҳомийлик қилишни яхши кўрарди, артистларнинг бошини силаб-сийпаларди, ахир, булар унга итоат этадиган санъаткорлар эди, шу боис уларга меҳр-мурувват кўрсатишни, “аълочи”ларни шоҳона тақдирлашни ёқтирарди. Фақат Сталин марказий — шоҳона ложага ўтирмасди. Подшоҳ халқнинг рўпарасида ўтиришдан кўрқмасди, Сталин эса кўрқарди, латта орқасида яшириниб ўтирарди. Унинг ложасидаги стол устида доимо (бу жойни артистлар “ҳаммомнинг даҳлизи” дейишарди) ваза тўла тухум бўларди, антрактлар пайтида у тухум еб ўтирарди. Сталин даврида ҳам, ҳозир ҳам спектаклни ҳукумат аъзолари томоша қилаётган бўлса, оркестр хандагида, оркестр билан ёнма-ён фуқаро кийимидаги КГБ ходимлари ўтирардилар.

Театрда Сталиннинг эркатой артистлари бор эди. Глинканинг “Подшоҳга аталган ҳаёт” операсида Иван Сусанин ролини ўйнайдиган Максим Дормидонтович Михайловни жуда яхши кўрарди. Советлар ҳукм сурган йилларда ўша опера “Иван Сусанин” деб аталарди. Сталин ўша спектакл ни тез-тез томоша қилиб турарди. Афтидан, ўзини подшоҳ сифатида ҳис этиб, рус эркаги подшоҳ учун ҳаётини қурбон қилаётганидан қувониб ўтирарди. Умуман, у монументал спектакллارни яхши кўрарди. Аслида, унга ёқиш учун ўшандай спектакллар саҳналаштирилди — ортиқча тамтамаларга зўр бериларди, ҳамма нарсага ёлгондакам улугворлик тусини беришарди. Саҳнадаги артистлар йўғон товушда куйлашмасди, балки дунёга жар солишарди, саҳна кўринишлари ҳам минбарга ўхшарди, ижрочилар деярли ҳаракат қилишмасди — ҳамма нарса санъат талаб қилгандан кўра “жиддийроқ” эди. Театр Сталиннинг дид-фаросатига мослаштирилди. Гап Сталиннинг дид-фаросати яхши ёки ёмонлигида эмас, ҳамма бало шундаки, Сталин ўлгандан кейин театр йўналишини йўқотиб қўйди, у ёқдан-бу ёққа ўзини ташлай бошлади, кўплаб тасодифий одамларнинг дид-фаросатига қарам бўлиб қолди.

... Сталин миллионлаб бегуноҳ одамларнинг ёстигини қуритди, деҳқончиликни, илм-фанни, адабиётни, санъатни янчиб ташлади. Бироқ, у ўлгандан кейин қуллаб ўкраб-ўкраб йиғлай бошлади, йиғлайвериб кўзлари шишиб кетади, йиғлаётган оломон кўчаларни тўлдириб юборади. Худди “Борис Годунов” операсидаги каби оч-наҳор оломон:

Отажон, бизни кимларга ташлаб кетяпсан?

Туғишганим, бизни кимларга қолдириб кетяпсан? деб дод-фарёд кўтаради.

Сергей Прокофьев ҳам Сталин ўлган куни — 1953 йилнинг 5 март куни вафот этади. Афсуски, у ўзининг жаббори тўғрисидаги хушхабарни эшитмайди.

* * *

Мен — ёшгина қўшиқчи Москва шоҳсупасида пайдо бўлган заҳотим Маданият вазирлигидаги амалдорлар қўлтиқлаб олишди: ҳукуматнинг қабул маросимларига, зиёфатларга бошлаб кетишарди. Бундай тadbирлар, одатда, элчи-хоналарда, “Метрополь” ресторанида ўтказиларди, энг муҳимлари эса Кремлда, Георгий залида уюштирилди. Бундай маъракалар артистлар учун жуда катта ишонч ва ифтихор аломати ҳисобланарди.

Бизни Кремлга олиб келишиб, соқчилар назорати остида Георгий зали ёнидаги битта хонага кузатиб қўйдилар. Бу ерда зиёфат берилаётган эди. Баъзан навбат келишини бир неча соатлаб кутишга тўғри келарди. Асаблар таранглашади — узоқ вақт кутиш натижасида овозинг чиқмай қолиши мумкин. Козловский, Рейзен, Михайлов, Плисецкая, Гилельс, Ойстрах каби машҳур санъаткорлар ҳам шу ерда ҳозир унозир...

Энг ёмони — қабул маросимининг охирида қўшиқ айтиш эди. Улкан зал, юзлаб одамлар, эстрада қаршисида — узун стол, бу ерда ҳукумат аъзолари ўтирадилар, аллақачон хурмачасига сиққунча ичиб олишган, ҳаммасининг юзлари бўғриқиб кетган, биттаси ёнидаги шеригининг қулоғига бир нималар деб қичқиради, бошқаси эса сенга еб қўйгудек тикилиб ўтиради... Саҳнага чиқасану уятдан, алам қилганидан ерга кириб кетишни истайсан. Ҳамма еб-ичиб ўтирибди, ўчакишгандек, сенга орқа ўгириб ўтирадилар, қошиқ-санчқиларнинг товуши эшитилади, бировлар қадаҳларини уриштиради, кимдир буруқситиб чекади. Мана шундай улкан такяхонада сен худди чўри қизга ўхшаб қўшиқ айтишинг, уларнинг кўнглини кўтаришинг лозим. Баъзан шундай шарафга сазовор бўласанки, кимдир сени ёнига чақиради: энди улар билан ёнма-ён ўтириб, стаканга тўлдириб қўйилган коньяк ичишинг керак.

Латтабошларнинг бундай сурбетлиги иззат-нафсимга тегар эди. Бир гал ўз навбатимни ўтказиб, саҳна ортига ўтган пайтимда жазавам тутиб қолди. Мендан олдин саҳнага чиққан қандайдир кўзбойлоқчи кўрққанидан ўликдек оқариб,

шоша-пиша бир четга бошлаб бордию гавдаси билан мени тўсиб олди. Менга соқчиларнинг кўзи тушиб қолишини истамасди.

— Узингизни босинг, сизга нима бўлди? — деди.

Мен бўлсам, ўпкамни босолмасдан хун-хун йиғлардим, холос. Ахир, уларга ким қўйибди, ким қўйибдики...

Энг катта артистлар ана шунақа концертларда қатнашганлар (Ростропович қабул маросимларида куй чалмасди, уни таклиф этишмасди: бизнинг хўжайинларимиз орасида виолончель машхур эмасди).

Шўро ҳукуматининг раҳбарлари билан хорижий делегациялар шарафига уюштирилган қабул маросимлари пайтида яқиндан танишиш мумкин. Бундай маросимлар махсус равоқларда ўтказиларди. Большой театрда иш бошлаган дастлабки йилларимда мен ўшандай маросимларда тез-тез қатнашиб турардим. Бизнинг аркони давлатимиз орасида Микоян каминада илиқ таассурот қолдирган: у самимий инсон эди, ўзига хослиги ва жозибатор табиати билан бошқалардан ажралиб турарди. Бошқалар эса ғира-шира гуруҳ ёки тўртбурчак ҳайкал сифатида хотирамда муҳрланиб қолган — миқ этмасдан, тўда ўртасида қимирламасдан туришарди, атрофларида лаганбардорлар гирдикапалак бўлиб юришарди.

Бундай маросимларга улар хоҳлаган пайтда — ҳатто ярим кечаси ҳам телефон орқали чақириб олишлари мумкин эди. Маълум бўлардики, бурнидан чиққунча тўйиб ичиб олган қандайдир валломат севимли артистидан қўшиқ эшитишни истаб қолади. Бемаъни таклифни рад этишни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмасди: дарҳол кийиниб, беш дақиқадан сўнг қоп-қора ЗИСда ўтирган бўларди. Артистларни ҳеч қачон эри ёки хотини билан биргаликда таклиф этишмасди. Боз устига, ҳукумат аъзолари ҳам асло зиёфатларга рафиқалари билан боришмасди; хотинларини болохоналарга яшириб келишарди.

Баъзан эркатой артистларни (жумладан, мени ҳам) спектаклдан озод қилишарди, оқшом пайти у навбатдаги зиёфатда ҳозир бўларди.

Ўзим учун янги бўлган “юқори табақа”га аралашиб юриб, биринчи марта партиянинг шотирларини фаолият майдонида кўрдим. Агар ҳукумат аъзоларидан бирортаси сенга эътибор бериб қолса борми, унинг атрофида гирдикапалак бўлиб юрган бир гуруҳ текинтомоқлар дарҳол шу томонга югуришади. Хўжайинга ёқиш учун кўзларини пирпиратишиб сенга тикилишади. Бундай ҳолат шу қадар жирканчки, асти қўяверасиз! Уларнинг ҳаммаси худди ҳарам оғаси ёки қўшмачига ўхшаб чиройли аёлни хўжайинига қўшиб қўйиш учун елиб-югурадилар...

* * *

Кадрлар бўлимидан уйимга сим қоқишди ва эртага у ерга кириб ўтишимни илтимос қилишди. Бундай пайтларда доимо кўнглимга гулгула тушиб қоларди: анкетада отам тўғрисида нотўғри маълумот берганимни кавлаштириб топишган бўлса-я! Кейин нима бўлади? Лаънати Сталин яқинда ўлган эди, “шахсга сифиниш”ни қоралаш ҳақида ҳали миш-миш ҳам тарқалмаганди. Оммавий қўшиқда айтилганидек, “Ленин ҳам лочин, Сталин ҳам лочин” бўлиб, улар битта мақбара остида деярли бир-бирларини кучоқлаб ётишарди.

Тун бўйи мижжа қоқмадим. Эрталаб кадрлар бўлимига бордим. Ҳаяжонланаётганимни сездирмаслик учун ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим, сирбой бермадим. Бир гапириб — бир куладиган бачкана аёлга ўхшатдим ўзимни. Увада қопланган таниш эшикни очдим. Хонада кадрлар бўлимининг бошлиғидан ташқари яна икки киши бор эди.

— Ассалому алайкум, Галина Павловна!

Биттаси — ўрта яшар, сочлари оқарган, чорпахил рус эркаги бўлса, иккинчиси ўттиз яшар атрофидаги ёшгина йигит эди. Иккови ҳам менинг сохта қувончимга шерик бўлиш учун афт-башарасига табассум аломатини ёпиштириб олдилар, кўзлари билан эса ичимда нима борлигини билиб олишга интилишарди — тешиб юборгудек тикилишарди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

118

— Ижозат берсангиз, биз ўзимизни таништирсак: менинг номим Василий Иванович, дўстимнинг номи эса Николай Петрович.

Улар гапнинг индаллосини бошлашга шошилмасди, мен ҳам жим турар-вердим, савол бермадим. Ёши каттаси чўнтагидан гувоҳномасини чиқарди ва:

— Мен Давлат хавфсизлиги қўмитасининг майориман (фамилиясини айтди), — деди.

Гўё юрагим товонимга тушиб кетди. Тамом, куним битди. Отамнинг кимлигини кавлаштириб топишибди. Бироқ, ҳамон ўзимни тетик тутавердим, асло сир бой бермадим. Хаёлимда эса, ҳар эҳтимолга қарши ҳукумат таркибидаги танишларимни бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказиб кўрардим.

— Галина Павловна, сиз ниҳоятда истеъдодли қўшиқчисиз, айтиш мумкинки, бизнинг умидимиз бўласиз...

Уҳ, сени қара-ю! Демак, улар балони билишмайди, агар ҳидини олишганда борми, бутунлай бошқача оҳангда гап бошларди... Худога шукр!

Ўриндиққа бемалол чалқанчасига ётиб, оёқларимни чалиштириб олдим. Қани, эшитайлик-чи, нима дейишар экан.

— Биз сиз билан яқиндан танишиб, суҳбатлашмоқчи эдик...

— Марҳамат.

— Бу ерда ноқулай бўляпти. Яхшиси, эртага “Метрополь” меҳмонхонасига борсангиз, иккинчи қават, № ... хона, ўнг тарафда. Ўша ерда суҳбатлашамиз.

— Мен билан қайси мавзуда суҳбатлашмоқчисиз? Нима учун бу ерда эмас, меҳмонхонада гаплашишимиз керак?

— Сиз асло хавотирланманг, сизга ҳеч нарса бўлмайди, ахир, менинг гувоҳномамни кўрдингиз-ку! Кадрлар бўлимнинг бошлиғи ҳам шу ерда ўтирибди — у ҳам кафолат бериши мумкин. Эртага айтилган жойга боришингизни илтимос қиламиз. Бу ҳақда эрингиз ҳам билмагани маъқул. Кўришгунча хайр.

Мени КГБга чақимчи сифатида ёлламоқчи эканликларини англадим. Юксак ахлоқий тамойиллар тўғрисида тинимсиз сафсата сотиладиган Советлар мамлакатига Большой театрнинг барча хонандалари, албатта, КГБга ёлланар эди: илгари ҳам шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай. Улар хорижий сафарга чиқиб тургани учун эмас, у пайтларда ҳеч ким хорижга сафар қилмасди — опера илк бора фақат 1964 йилдагина Миланга сафар қилади. Балки, ҳамма бир-бирини зимдан кузатиб юриши лозим, ҳамма КГБнинг қармоғига илиниб туриши керак. Улар қандайдир машғулот билан банд бўлиши зарур-ку! Улар юз-юз мингдан ортиқ эди, ҳаммасининг оғзи бор эди, ҳаммаси овқат ейиши керак эди.

Билардимки, тез орада “тозалов”дан ўтишим лозим эди: айнан театрда иш бошлаган санъаткорлар дастлабки йилларда чақимчиликка ёлланарди; артист юксак унвонларга сазовор бўлмаган, юқори доираларда таниш-билиш орттирмаган кезларда уни кўрқитиб қўйиш, товлаб олиш осон эди.

Эртаси куни Большой театрнинг рўпарасидаги “Метрополь” меҳмонхонасига бордим (улар чақимчилардан тез-тез маълумот олиб туриш учун атайлаб мана шу меҳмонхонадан ўзларига махсус жой ажратиб олишганди, ҳозир ҳам ўша хона КГБ ихтиёрида бўлса ажаб эмас; Малий театр ҳам, МХАТ ҳам, Опера ҳам Большой театр билан ёнма-ён жойлашганди). Иккинчи қаватга кўтарилиб, ўша хонага кирдим. У ерда кечаги иккови ўтиришарди. Улар мени худди қариндошларидек хурсандчилик билан кутиб олдилар.

— Ассалому алайкум, кадрли Галина Павловна. Сизни кўрганимиздан бағоят хурсандмиз! Марҳамат, ўтиринг!

Ўзини Василий Иванович деб таништирган муртад вақтни бой бермасдан дарҳол муддаога кўчди:

— Галина Павловна, бизга ёрдам беришингизни илтимос қиламиз, — деди.

— Қанақа ёрдам керак экан?

— Сиз ҳукумат вакилларининг даврасида кўп бўласиз, қабул маросимларида, зиёфатларда чет эликлар билан тез-тез учрашиб турасиз... Қолаверса, Большой театр ҳам ниҳоятда масъулиятли жой эканини яхши биласиз. Бизнинг мамлакатимизни душманлар қуршаб олган, ҳар бир совет фуқароси

душманларни фош этишда хавфсизлик идорасига яқиндан ёрдам бериши керак. Бу уларнинг бурчи ҳисобланади.

Бу гапларни мени кўндириш учун эмас, балки чақимчининг келажақдаги фахрли фаолиятини шунчаки тушунтириб қўйиш учун айтаётган эди. Ожизлигимдан нима қилишни билмасдим, улар мени жар ёқасига келтириб қўйишганди... Охири фожа билан яқунланадиган тўқнашувдан қандай қилиб омон-эсон чиқиб кетиш мумкин? Вой худойим-эй, нима қилсам экан? Агар уларга “йўқ” десам, чивиндек янчиб ташлайдилар. Демак, яна-тагин ҳийла ишла-тиш, ёлғон гапириш, ўзимни каллаварам аёлдек кўрсатишим лозим.

Кўларимни қатта-қатта очиб:

— Қандай йўсинда, қаерда мен душманларни фош қилишим керак? — деб сўрадим. — Ахир, менинг ишим жуда нозик, тез-тез асабим бузилиб туради, қўшиқчи бўлганим учунми, билмадим, кўпинча жазавам тутиб қолади, уйқумда ҳам сандирақлаб гапириб юборавераман, хаёлларим сира бир жойда турмайди...

Умуман, хаёлимга келган бўлмағур гапларни тўкиб солавердим. У бўлса, ўзиникини маъқуллашга интиларди:

— Қўйсангиз-чи, Галина Павловна, — деди. — Сиз ажойиб актриса бўлсангиз, ёшгинасиз. Асабннгизни даволатишга ўзимиз ёрдам берамиз, санаторияга йўлланма тўғрилаб берамиз... Бирпасда ҳаммасини тўғрилаймиз... Ҳе-хе-хе...

— Раҳмат, овора бўлманглар.

— Устига устак, биз сиздан мушкул вазифани талаб қилаётганимиз йўқ — фақат айрим шахсларни зимдан кузатиб, улар тўғрисидаги ўзингизнинг фикр-мулоҳазаларингизни бизга айтсангиз, олам гулистон! Наҳотки, бу иш шунчалик қийин бўлса? Асло қийин эмас, сиз бўлсангиз кўрқиб ўтирибсиз! Ой-йой! Биздан асло кўрқманг. Энди манави қоғозга имзо чекиб юборинг.

— Қанақа қоғоз? Нима учун?

— Бу фақат расмийчилик, холос. Ўртамизда бўлиб ўтган суҳбат сир бўлиб қолиши тўғрисида биз сизни огоҳлантирдик.

Имзо чекдим.

— Мен сизга хизмат телефонимнинг рақамини қолдираман. Агар керак бўлиб қолсам, дарҳол қўнғироқ қилинг.

— Қизиқ, нима учун сиз менга керак бўлиб қолишингиз мумкин?

Ўзимни аранг босиб турибман, унинг башарасига тупургим келяпти.

— Масалан, театрда қандайдир нохушлик бўлиб қолиши мумкин, кимдир сизни хафа қилиб қўйса, дарҳол бизга хабар беринг, биз зудлик билан тартиб ўрнатиб қўямиз. Биз дўстларимизга ёрдам берамиз.

— Қўйинг-э, раҳмат, мен доим ўзим...

— Ҳечқиси йўқ, олинг рақамни, балки керак бўлиб қолар. Бўпти, энди биз сизни ортиқча безовта қилмаймиз. Агар бизга керак бўлиб қолсангиз, ўзимиз сизга сир қоқамиз. Кўришгунча хайр.

Бир ойгача қўнғироқ қилмадилар. Эсларидан чиқиб кетган бўлсам керак деб суюниб юрдим. Чучварани хом санаган эканман, у ердагилар ҳеч нарсани эсларидан чиқаришмайди. У қўнғироқ қилди, товушини эшитган заҳоти бутун борлигим титраб кетди. Яна “Метрополь”га боришим керак эди.

— Ассалому алайкум, Галина Павловна! Гулдай очилиб кетибсиз! Театрда ишлар қалай кетяпти?

— Ҳаммаса яхши, раҳмат.

— Агар лозим бўлса, биз сизнинг орқангизда турибмиз!

Улардан қарздор бўлиб қолишим учун оёғимни ялашга ҳам тайёр эдилар. Лекин ҳозирча фақат қумурсқа овлаш билан машғул бўлишяпти, холос.

— Ростдан ҳам менга ҳеч қандай ёрдам керак эмас, ҳаммаси жойида.

Лаънатилар, менга фақат халақит бермасаларинг бас.

У дарҳол муддаога кўчди:

— Сиз балетда ишлайдиган пианиночи Петунин билан сирдош экансиз. Биздаги маълумотларга қараганда, у Совет ҳокимиятига қарши тез-тез гапириб туради. Ростдан ҳам шундайми?

Бу гапларни кулимсираб, сирли оҳангда айтди. Петунин тўғрисидаги маълумот тўғри эди. У шундай деганди. Ростини айтсам, биз у билан фақат шу мавзуда гаплашар эдик. Лекин ўзимни ажабланаётгандек этиб кўрсатаман:

— Йўқ, ундай эмас, нималар деяписиз? Наҳотки! Мен ҳеч қачон ундан бунақа гапларни эшитмаганман-ку!

— У сизга латифа айтиб берадимми?

— Айтиди.

— Қанақа?

— Вой, мен унинг латифаларини сизга айтишга уяламан. У шу қадар одобсизки, фақат уят латифаларни айтиди.

— Ие, бу қанақаси бўлди? Сизлар сирдош бўлсангиз-у, аммо ҳеч қачон сиёсий латифаларни айтиб бермас экан-да?! Бизда ишончли маълумот бор...

Англадимки, театрда ишлайдиган ҳамкасбларимиздан кимдир мен билан унинг устидан чақувнома юборганди.

— Бунақа бемаъни гапларни сизга ким айтди? Петунин шу қадар лапашангки, сиёсий мавзуда латифа айтишга мияси ишламайди.

— Бўпти, яхши, шундай деб ёзиб беринг.

“Пианиночи Петунин билан учрашиб тураман, у беҳаё латифалар айтишни яхши кўради”, деб ёздим. Имзо чекдим. Қўлим чўяндек оғирлашиб қолди. Василий Иванович чапдастлик билан кўлостимдаги варақни тортиб олди.

— Раҳмат. Кўришгунча хайр. Ўзимиз сизга қўнғироқ қиламиз, ҳозирча...

У муҳим топшириқ берди: Петунин шахмат бўйича собиқ жаҳон чемпиони Смилов билан дўст, шахматчи яқинда чет элдан қайтди; Смиловнинг унга нималар деганини билиб берасиз...

Кейинги кунларда мен Петунин билан учрашмасликка ҳаракат қилдим. Бироқ, худди ўчакишгандек, у доим рўпарамдан чиқиб қолаверарди: гоҳ театр буфетида, гоҳ кўчада учрашиб қолардик. Одатдагидек, у хаёлига келган гапни айтарди, латифа тўқирди.

Орадан икки ҳафтача ўтгач, яна қўнғироқ бўлди. Василий Иванович. Спектаклда қатнашишим керак, боролмайман, дедим. Бир кундан сўнг яна қўнғироқ бўлди. “Хотиним бетоб деб айтгин, илтимос”, дедим эримга. Орадан бир неча кун ўтгач, яна телефон жиринглади. Начора, энди бормасам бўлмайди... “Метрополь”, иккинчи қават, чап тарафда...

У оғзини ковушдек очиб, тиржайиб турарди.

— Ассалому алайкум, Галина Павловна! Тобингиз қочдимми? Ишқилиб, энди тузукмисиз? Театрда ишлар қалай кетяпти, хафа қилишмаяптими?

— Раҳмат, ҳаммаси яхши.

— Хўш, Смилов Петунин билан учрашибдими? Нима депти?

— Учрашибди. Қандай ўйнаганини, мусобақа ниҳоятда оғир бўлганини гапириб берибди.

— Хориж тўғрисида нималар депти?

— Ҳеч нарса демапти. Умуман олганда, театрдаги ишларим бошимдан ошишиб ётибди, икки кундан сўнг янги спектаклда қатнашишим лозим. Шунинг учун у ёки бу артистнинг нималар деб валдираб юрганини эслаб қололмайман.

— Бўпти, яхши, яхши, ҳаяжонланманг... Қандайдир совға-салом олиб келгандир?

— Ҳа, олиб келган. Петунинга чиройли бўйинбоғ совға қилибди.

— Бошқа ҳеч нарса совға қилмабдими?

— Ҳеч нарса.

— Раҳмат, шуларни ёзиб беринг.

Ахир, бу қанақа тентаклик! Буларнинг нима кераги бор экан? “Смилов чет эл сафаридан Петунинга чиройли бўйинбоғ олиб келди”, деб ёздим. Имзо чекдим.

Афтидан, менга мана шунақа майда-чуйда топшириқлар бериб, аста-секин ҳамкорликка ўргатиб оламан, кейин орқага қайтиб бўлмаслигини ўзи ҳам англаб етади, деб ўйлаётган бўлса керак. Балки, уларнинг иш услуби шундайдир. Албатта, ўзимни ҳар ёнга ташлаётганимни кўриб туришарди. Шу боис мени ҳуркитиб юбормасдан қопқонга туширишмоқчи бўлишди. Равшанки, бу фақат бошланиши эди, бир кун келиб ўзимни жинниликка солиб юришларим иш бермай қолиши аниқ. Улар зарур пайтда қандай гаплашишни, қандай ҳаракат қилишни яхши билишади.

Бирдан хаёлимга келдики, Женя Петунин иғвогар бўлса-чи? Ахир, у КГБ билан кўпдан буён ҳамкорлик қилаётган бўлиши мумкин ва уларнинг топшириғига биноан театрда сиёсий латифалар айтиб, сўнгра ўзининг чақувномаларида ким, қандай фикр билдираётганлиги тўғрисида оқизмай-томизмай ёзиб бераётган бўлса не ажаб? Эҳтимол, ҳозир Василий Ивановичнинг чўнтагида у имзолаб юборган чақувнома бордир... Балки, менинг устимдан бир балоларни ёзиб бергандир... Бу фикр аъзои баданимга худди ништар каби санчиларди, юрагимни музлатиб юборди. Йўғ-э, бундай бўлиши асло мумкин эмас, мен ақлдан озган бўлсам керак!

Қаллиоблар уясини тарк этганимдан сўнг анча вақтгача Москванинг тор кўчалари бўйлаб сайр этиб юрдим. Вой худойим-эй, ахир биз қачонгача бир-биримиздан шубҳаланиб яшаймиз? Қачонгача бундай хўрликларга чидашимиз керак? Наҳотки, бошқача яшашнинг иложи йўқ бўлса?! Кўпчилигимизга яхши маълум эдики, опера ва балетнинг деярли барча артистлари КГБ билан ҳамкорлик қиларди. Биттаси — истеъдодини рўёбга чиқариш имкониятидан маҳрум бўлишдан қўрқарди, бошқаси эса иқтидорсиз бўлгани туфайли қудратли суянчиққа муҳтож эди; учинчиси — келажакда овозини йўқотадиган бўлса, шу тариқа эҳтиёт чорасини кўриб қўярди. Бундай хавфсизлик тадбири асло панд бермасди, дунёда бунақаси йўқ бўлса керак. Театрда шунга ўхшаш ҳодисалар кўп учрарди: овозини йўқотган хонандалар йиллаб ҳеч қандай кўшиқ айтмасди-ю, лекин ўзларининг эски маошларини олишаверарди. Уларни ҳеч ким ишдан бўшатиб юбора олмайди. Чунки улар юқори тоифали чақимчилар ҳисобланади, ҳеч қандай куч уларни четга суриб қўя олмайди.

Уйга қайтгим келмасди, театрга боришдан жирканар эдим. Артистлар билан учрашсам, яна ёлгонга дуч келаман, атроф гиж-гиж ёлгон эди... Ёлгон ақлидрокни худди ўргимчак тўридек ўраб-чирмаб олганди, ҳис-туйғуларни ногирон этиб қўйганди... Туғилганингдан то қабрга киргунингча ёлгон тепангда осилиб турарди.

Шундай бўлса-да, мен ўша лаънати қопқондан ҳатлаб ўтиб кетишга эришдим. Одамларни овлайдиган қопқонга чап бериб ўтдим! “Метрополь” меҳмонхонасининг иккинчи қаватида, ўнг тарафда жойлашган хонага мен бошқа қадам босмадим. Чунки мен тез орада ўша пайтлардаги ҳукумат бошлиғи бўлмиш Н.А. Булганин билан танишиб қолдим, унга шикоят қилдим, у мени ўша ўргимчак тўридан бир умрга қутқариб олди.

Бизнинг танишувимиз қандай кечганини батафсил ҳикоя қилиб бераман.

* * *

Ўша йилларда бизнинг ҳукумат делегациямиз Фарб мамлакатлари билан “муносабатларни йўлга қўйиш учун” сафарга отланадиган бўлса, одатда, “оғир артиллерия”ни — артистларни ҳам бирга олиб кетишарди. Хонандалар, скрипкачилар, пианиночилар, чиройли раққосалар олиймақом табақаларнинг даврасида ўзларини қандай тутишни билмайдиган ҳукуматимиз аъзоларига қабул маросимларида, зиёфатларда эмин-эркин муомала қилиш учун шарт-шароит яратиб беришарди.

Бу галги сафар, айниқса, нозик эди: Сталин билан Титонинг ўзаро муносабати бузилгандан сўнг Совет ҳукуматининг делегацияси биринчи марта Югославияга ташриф буюраётган эди. Узр-маъзур сўраб, ярашгани боришаётган эди. Ўша яраш-яраш маросимида мен ҳам иштирок этдим.

Кун бўйи мажлис қилганларидан кейин уларнинг ҳаммаси Белграддаги Совет элчихонасига қабул маросимида келдилар. Шу ерда ўша пайтлардаги Вазирлар Маҳкамасининг раиси Н.А.Булганин билан ҳамда КПСС Марказқўмининг биринчи котиби Н.С.Хрушчёв билан танишдим. Бошқаларни илгаридан танир эдим. Ихчамгина меҳмонхонадаги кичик концертдан сўнг ёнимга Булганин келиб: “Большой театрда сизнинг қўшиқларингизни бир неча марта эшитганман”, деб мени марказий столга таклиф этди. Шундай қилиб, мен Хрушчёв ва Микоян билан ёнма-ён ўтириб қолдим. Бизнинг рўпарамизда Тито

билан унинг рафиқаси ўтирарди: Титонинг рафиқаси ёшгина, кўркамгина аёл эди. Мен бўлсам, Совет матбуотида бир неча йиллардан бери “сотилган аблаҳ” деб лаънатланаётган кимсага тикилиб қолдим. Тито гоҳ маршал кийимида, гоҳ яхтада спорт кийимида тушган портретларига асло ўхшамасди, баъзан от миниб тушган суратлари бутун Югославия бўйлаб осиб ташланган эди. Дўконларнинг деразаларига ҳам, пештахталарга ҳам, бозорларга ҳам, ҳар қандай бинога унинг портретлари ёпиштириб қўйилганини кўриш мумкин эди. Ҳатто Совет Иттифоқида Сталин ҳам ўзини бунчалик кўз-кўз қилишга эриша олмагани. Барча деворлардан Голливуд юлдузи тикилиб турарди — ёш, матонатли, елкалари кенг. Рўпарамда эса худди атайлаб ойна орқасида кичрайтириб кўрсатилаётгандек мўъжаз киши ўтирарди: ўрта бўйли, юзларини майин ажин босган, олтмиш ёшлар чамасидаги чол... Хатти-ҳаракатлари Сталинни эслатарди. Аста-секин, салмоқли ҳаракат қилишга интиларди, камгап... Бизнинг рассомларимиз ҳам Сталинни чиройли бўёқларда акс эттиришганди. Аслида, юзлари бужур, кичкинагина, кўримсиз одам эди.

Стол атрофидаги вазият ниҳоятда асабий эди. Тарихий музокаралар бизнинг “вакил оталаримиз” учун ниҳоятда оғир бўлгани шундоққина кўриниб турарди.

Тито ўзини бағоят хотиржам кўрсатишга ҳаракат қиларди, ниҳоятда сипо эди — ўзи билан меҳмонлар ўртасига девор қуриб олганини сезиш қийин эмасди. Бу деворни бир кундан кейиноқ бузиб ташлаш ниятида эмасдек кўринарди.

Бизникилар қандай ролни ижро этишни олдиндан келишиб олишганди: Микоян соқий сифатида кетма-кет қадаҳ сўзларини айтарди, Булганин олиймақом мавзулардаги суҳбатларни жонлантириб ўтирарди, Хрушчёв бўлса ўзининг дўлвор хатти-ҳаракатлари билан мезбонни ҳоли-жонига қўймас, худабехуда мезбонни чўлпиллатиб ўпиб олаверар эди.

— Йося, аччиғингдан тушсанг-чи! Жуда ҳам аразчи эканингни билдик! Кел, яхшиси, ичайлик, кимки ўтиб кетган гапларни эсласа, ўшанинг кўзи чиқсин!

Бироқ, Тито ҳамон сир бой бермасдан ўтирарди. Кўриниб турардики, унинг хотираси яхши эди. Ҳеч ким унинг кўзларини ўйиб ололмастлигини ҳам биларди — у ўзининг мамлакатада шаҳаншоҳ эди, худо эди. Буюк давлатнинг вакиллари унинг қаршисида нечоғлик товланаётганини хотиржамгина, хўжайинларга ўхшаб кузатиб ўтирарди. Бундай хузур-ҳаловатни иложининг борича узокроқ чўзишга ҳаракат қилаётганини яққол сезиш мумкин эди. Шундай пайт келишини кўпдан бери кутиб юрарди. У баъзан кўзлари билан муғомбирона кулиб қўярди. Ҳа, у қаттиқ ёнғоқ эди — ҳатто отахонимиз Сталин ҳам бу ёнғоқни чақа олмаган, тиши ўтмаган.

Бериядан кейин КГБнинг раҳбари бўлган генерал Серов орқа тарафдан аста менга яқинлашди-да:

— Титонинг рафиқаси учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилинг, — деб қулоғимга шипшитди.

Ие, бу қанақаси бўлди! Ана, эркаклар тикилиб ётибди-ку, хонимлар шарафига қадаҳ кўтаришни ўшалар таклиф этиши керак — менга нима! Ахир, аёл киши бошқа бир аёл учун қадаҳ кўтаришни таклиф қилса, ноқулай бўлади... Начора, ўрнимдан турдим-да, шикоятмуз оҳангда:

— Бу қадаҳни Тито хоним учун кўтаришларингни илтимос қиламан! — дедим.

Менинг қадаҳ сўзим ҳозирги вазиятга асло мос эмасди.

Бироқ, шу ерлик диктатор ўз табассуми билан ҳаммани хушнуд этди! Бутун оқшом давомида биринчи марта жилмайди, тишининг оқини кўрсатди:

— Хоним эмиш! У қанақасига хоним бўлсин?! Урушнинг бошидан-охиригача партизанлик қилган-ку, мерган эди, кўпчиликнинг ёстигини қуритган!

— Ростданми? Ҳеч қачон бундай деб ўйламаган бўлардим — шундай гўзал аёл...

У хаҳолаб юборди:

— Мана, энди гўзал партизан аёллар ҳам бўлиши мумкинлигини билиб олдингиз, — деб рафиқасига ғурур билан қараб қўйди.

Вазият мўътадиллашди — хавфсизлик хизматининг ходими ҳисоб-китобда янглишмаган эди.

Хрущёв дарҳол ташаббусни ўз қўлига олди:

— Қани, қизлар, энди рақс тушамиз!

Бизнинг йўлбошчиларимиз гурс-гурс ер тепиниб ўйинга туша бошладилар. Албатта, “оғир артиллерия” ҳам уларнинг сафига қўшилди. Фақат бу ўйин-кулгилар унчалик фойда бермади — Тито рақсга тушмади.

Совет ҳукмдорларида рақсга ишқибозлик қаёқдан пайдо бўлган экан? Устига устак, рақсга тушишни ҳам уддалай олмайдилар, фақат ер тепинишади, холос. Мен чет эллардаги қабул маросимларида бирорта буюк давлатнинг президенти ичиб олгандан сўнг ер тепиниб ўйинга тушганини асло кўрган эмасман. Кейинчалик Булганин менга айтиб бергандики, Сталин ўзининг тунги базмларида уларни рақсга тушишга мажбур қилар экан. Балки, шу боис жазаваси тутиб рақсга тушишга ўрганиб қолишгандир...

Эртаси кун менга чиройли гулдаста келтириб беришди — Булганин юборибди. Шундай... Ҳозир менга шуниси камлик қилиб турган эди. Жуда яхши билардимки, бизнинг янги шаҳаншоҳимиз яхши қўшиқ учун гулдаста ҳадя этмасди: уларни назокатга ўргатишмайди. Демак, мундоқ ўйлаб кўрсанг, сен алоҳида диққат-эътиборга лойиқ топилибсан... Кейинги кун ҳам ўша ҳолат такрорланди... Ҳукумат раҳбари очиқ-ойдин менга хушторлик қилаётганди. Энди ҳазил ҳаром эди. Э-э, мен ҳаммасига тупураман, бир иложини топиб қутилиб кетаман. Ҳозир мен учун энг муҳими — тезроқ Москвага етиб боришим керак: у ерда мени Слава кутяпти. Зиёфатлар поёнига етди. Артистларга мамлакат бўйлаб концертларда иштирок этиш таклиф қилинди. Мен бўлсам, ниҳоятда чарчаганимни баҳона қилиб уйга қайтдим.

Уйга қайтган заҳотим Маркка: “Мен Славани учратдим, у мени кутяпти, шу бугуноқ унинг уйига кўчиб кетаман”, деб эълон қилдим. Бу ҳол Марк учун ҳалоқат бўлди ҳисоб. У доимо менга яхши муомала қиларди, мен ундан ҳеч қачон дағал сўзларни эшитмаганман. У жуда меҳрибон, яхши инсон эди. Кутилмаганда унга зарба беришни асло истамасдим. У менга ялиниб-ёлворди, шовилмаслигимни илтимос қилди, буларнинг ҳаммаси шунчаки ҳою ҳавас, ҳаммаси ўтиб кетади, мен ўзимни ўлдираман, деди.

— Мен сени уйдан ҳеч қаёққа чиқармайман!

— Қўйвор, мен унга кўнғироқ қилишим керак...

Телефон умумий эди, йўлақда турарди. Мен унинг қўлидан чиқиб, кватира йўлақлари бўйлаб югуриб кетдим, у орқамдан югурди.

— Кўнғироқ қила кўрма!

— Наридур!

Кўни-кўшнилариимиз барча эшикларнинг тирқишларига қулоқларини қапиштириб олишганди: текин томоша бошланган эди, қизиқ-да!

— Слава, мен келдим.

— Мен ҳозир уйингга етиб бораман, кўчага чиқиб тургин!

— Иложим йўқ, эрим қўйвормаяпти...

— У сенинг эринг эмас, сенинг эринг мен бўламан! Ҳозир уйингга етиб бораман.

— Асло кела кўрма!

— Ундай бўлса, уйингга яқин бориб, сен чиққунча пастда кутиб туравераман. Керак бўлса, бир неча кунгача ўша жойда қимирламай тураман, — дедию трубкани жойига қўйди.

Билардимки, у ваъдасининг устидан чиқарди. Худойим-эй, бу жанжални энди бугун Москва эшитади-ку!

Марк эшикни қулфладию шу заҳоти ман этилган усулни қўллади:

— Эсингдан чиқдимки, отанг қамоқда ётибди, агар бу ҳақда хабар топсалар борми, сен билан ўша Ростроповичнинг барча орзу-умидлари чиппақка чиқади, — деди.

— Нима бало, сен чақимчилик қиласанми? Лекин бари бир сенга бундан ҳеч қандай фойда бўлмайди. Қани, эшикни оч, акс ҳолда, деразадан кўчага қараб қичқираман, айюҳаннос соламан! Мени яхши биласан, агар бирор нарсага қарор қилсам, ҳеч нарсадан қайтмайман!

— Яхши, чиқа қол. Лекин мен зинапоя майдончасидан пастга қараб тураман, агар беш дақиқадан сўнг қайтиб уйга кирмасанг, ўзимни ерга ташлайман! Зинапоя бўйлаб пастга югуриб тушдим, Слава аллақачон пастга етиб келган эди, у мени кўчага судрай бошлади.

— Тезроқ бу ердан кетайлик!

— Қаёққа судраяпсан, ахир, эгнимда фақат халат бор, холос.

— Аҳамияти йўқ...

— Шошма, кўряпсанми, у тепада турибди, агар мен ҳозир уйга қайтиб кирмасам ўзини ерга ташлайди. Яна бир марта у билан гаплашиб олишим лозим, биз яхшилиқча ажралишимиз керак. Қолаверса, мен кўрқяпманки...

— Нимадан кўрқяпсан?

— Бундан хабар топганингдан сўнг ўзинг тушунасан: мен сенга хотин бўлолмайман.

— Нима учун? Нима бўлди? Нима бало, ақдан оздингми?

— Нега деганда, менинг отам қамоқда ётибди...

— Менга деса, сен бевосита маймундан тарқалган бўлсанг ҳам, ҳеч қандай аҳамияти йўқ.

— Сен тушунмаяпсан. У 58-сиёсий модда бўйича айбланган. Мен бунга яширган эдим. Агар сен менга уйлансанг, ўша воқеадан хабар топсалар, тамом, келажакдан умидингни узишинг керак бўлади. Ҳеч бўлмаса, бундан кейин сени чет элларга чиқармай қўйишади...

— Э-э, ҳаммасини жин урсин! Сен айтаётган сафсаталар мени мутлақо қизиқтирмайди. Яхшиси сен менга айтгин, ҳалиям мени яхши кўрасанми?

— Яхши кўраман.

— Ундай бўлса, шу бугуноқ уйимга боришинг керак.

— Шошма, мен ҳозир уйга қайтиб киришим лозим. Эртага соат ўн иккида Колонна залининг рўпарасида учрашамиз!

— У сени яна-тагин қўйвормайди-ку!

— Мен унга, театрга кетяпман, дейман.

— Яхши, мен сени бурчакда кутиб тураман.

Уйга қайтдим, яна жанжал бошланди, ярим кечагача роса талашиб-тортишдик. Унга раҳмим келди, юрагим қон бўлиб кетди. Эртаси куни соат ўн иккиларда уйдан чиқишга ҳозирлик кўра бошладим.

— Қаёққа кетяпсан?

— Театрга.

— Мен сени кузатиб қўяман.

— Яхши.

У мени театргача кузатиб қўйди. Театрга Петровка томондан кирдим-да, сахна бўйлаб югуриб ўтиб, нариги йўлақдан Свердлов майдони томондан чиқдим. Колонна залининг ёнидан кўчани кесиб ўтдим, оёқларимни қўлга олиб югурдим! Слава ҳеч қаерда йўқ эди! Қарасам, бурчакда такси турибди, атрофида оломон тўпланганди, ҳамма ичкарига мўралаётган эди. Кўрқиб кетдим, Слава қандайдир бахтсиз ҳодисага учрадимикан деб ўйладим. Одамларни наридан-бери суриб таксига яқинлашдим; Ростропович орқа ўриндиқда ўтирарди, машинанинг ичкараси ёппасига марваридгулга бурканган эди. Маълум бўлишича, у мени кутиб турган пайтда ёнидан таниш-билишлари ўтаверибди. Шунда қандайдир хотиндан ҳамма гулларини сотиб олиб, машинанинг ичкарасига яширинибди ва гулларни атрофига қадаб чиқибди. Дарҳол оломон тўпланибди, ахир, бундай томоша Москвада ҳар куни кўрсатилавермайди. Одамлар энди нима бўлишини кутишаётганди. У худди куёвлардек гулларга бурканиб ўтирарди, ҳайдовчи эса тантанали маросим яқинлашиб келаётганини билиб бағоят ҳаяжонланмоқда эди. “Ҳозир менинг тақдирим ҳал бўлади”, деб ҳайдовчинини хабардор этиб қўйибди.

— Ўзингмисан! Ниҳоят, келди! Коля, шаҳар ташқарисига тезроқ ҳайда!

Борвихога яқинроқ бир жойда тўхтадик. Машинадан отилиб чиқиб, ўрмон томонга югуриб кетдик. Ниҳоятда бахтиёр эдик. Атрофда зоғ учмасди, бемадол гаплашиб, кўп нарсаларни муҳокама этиб олишимиз мумкин эди. Хаёлимга ажойиб фикр келиб қолди.

— Биласанми, тез орада театрда икки ойлик таътил даври бошланади? Шу вақт мобайнида икки томонга кетайлик, ахир, сен мени яхши билмайсан-ку! Агар шундай қилсак, ўйлаб олиш имкониятига эга бўламиз, ўзимизни яна бир бора текшириб кўрамиз... Икки ойдан сўнг учрашамиз, ўшанда ҳаммаси равшан бўлади.

— Нима! Икки ойдан кейин?! Мен ўзимни текшириб ўтирмайман, шундоқ ҳам ҳаммаси равшан. Агар сенга шу нарса керак бўлса, демак, сен мени яхши кўрмас экансан.

— Менинг Маркка раҳмим келяпти, — дедим йигламсираб.

— Менга раҳминг келмайдими?

— Шундоқ ҳам сени яхши кўраман-ку, нима учун сенга раҳмим келиши керак?

— Қисқаси, гап бундай: ҳозир орқамизга қайтиб кетамиз, агар бугун сен соат тўртгача уйимга келмасанг, демак, мени яхши кўрмайсан деб ҳисоблайман. Кейин орамиздаги муносабатга нуқта қўямиз, вассалом!

Аста-секин зинапоядан кўтарила бошладим. Яхшиси, хат ёзиб қолдириб, индамасдан кетишим лозим. У уйда бўлмагани маъқул... Уни дўконга чиқариб юбораман, қулупнай олиб келгин, деб илтимос қиламан...

У ташқарига чиққан заҳоти битта варақни олиб, шоша-пиша хат ёздим. Ундан мени кечиритишни илтимос қилдим. Бежиримгина жомадонимга кийим-кечакларимни жойлаштирдим... Вой худойим-эй, энди қаёққа бораман: ахир, адресни билмайман-ку! Йўлакка югуриб чиқиб, телефонга ёпишдим (қўшниларимиз эшикларидан мўралаб туришарди):

— Слава, уйлариингга боряпман. Адресингни айтиб юбор!

Трубкани жойига қўйиб, зинапоядан пастга учиб туша бошладим. Чаккаларим лўқиллаб оғрирди, адресни эсимдан чиқариб қўйишдан кўрқардим. Оёқларим худди уводага ўхшарди. Такси бекатигача зўрға етиб бордим.

— Немирович-Данченко кўчаси, фалон рақамли уй...

Ҳайдовчи менга ажабланиб қараб қўйди:

— Ахир, у ерга пиёда борса ҳам бўлади-ку, хув анави бурилишдан кейин, — деди.

— Тезроқ ҳайданг, яхши ҳақ тўлайман...

Назаримда, уч дақиқа мобайнида Москванинг ярмини кезиб чиққандек бўлдим.

Етиб келдик, подъезд олдида тўладан келган бир қиз турарди.

— Сиз Гальямисиз?

— Ҳа.

— Мен Славанинг опасиман. У сизни кутиб олишимни илтимос қилди...

— Ўзи қаерда?

— Дўкондан шампань олиб келгани кетди.

Қарасам, ишлар пачавага ўхшайди. Мен қўққисдан пайдо бўлиб қолганим учун довдираб қолишганди. Одобли ўғил бор эди, доимо онасининг айтганини қиларди. Онаси ўғлининг уйланишини истамасди, ўғлининг аёллар билан муносабатига ҳам аралашарди. У вақти-соати келгунча онасига итоат этиб яшайди. Мен билан учрашгандан сўнг ҳаммаси ўзгариб кетади.

У онасига ҳеч нарса демаганди, менинг келишимга унчалик ҳам ишонмасди. “Боряпман” деб кўнғироқ қилганимдан кейин онасига:

— Ҳозир хотиним келади, — дейди томдан тараша тушгандек. — Вероника, сен уни пастга тушиб кутиб олгин, мен шампань олиб келаман.

Керакли топшириқларни бериб, ўйдан учиб чиқиб кетади. Уларни қай аҳволда қолдириб кетганини тасаввур этиш мумкин.

Иккинчи қаватга кўтарилидик. Уйга кирсам, хонанинг ўртасида кичкинагина кекса кампир турибди, сочлари оппоқ эди, лекин сочлари узун — тиззасига тушарди; эгнида юпқа кўйлак, ҳаяжонланганидан титраётган қўлини халатининг энгига киритишга зўр бериб уринаётган эди. Софья Николаевна мана шу ҳолатда хотирамда бир умр муҳрланиб қолган: ички кўйлаги эркакларники (у доимо марҳум эрининг кўйлагини ичидан кийиб юрарди), битта қўлини халатнинг энгига тиқиб олган, узун оппоқ сочи тиззаларига тушиб турибди, оғзида папирос... Мен бир оғиз гапиришга ҳам мажолсиз эдим, кўрқиб кетганидан унинг тили ҳам гўё танглайига ёпишиб қолгандек эди. Жомадо-

нимга ўтирдиму ҳўнграб юбордим, улар ҳам менга қўшилиб йўғлай бошладилар. Шу пайт тўрхалта кўтарган Слава кириб келди:

— Худого шукур, аллақачон танишиб олишга ҳам улгурибсизлар! — деди.

Шундай қилиб, мен Ростроповичнинг рафиқаси бўлдим.

Собиқ эрим билан расмий ажралишим шарт эмас эди, чунки биз Марк билан ЗАГСда рўйхатдан ўтмагандик — уруш пайтида турмуш қургандик: у пайтларда қоғозбозликка ҳеч кимнинг тоқати йўқ эди, кейин эса турмушимизни расмийлаштириб қўйишни эсимиздан чиқариб юборган эдик.

Мана, Слава билан ЗАГСга боряпмиз. Илк бор биргаликда кўчага чиқдик. Мен ўзимни ниҳоятда ноқулай ҳис этардим, назаримда, барча йўловчилар менга тикилиб қараётгандек туюларди — ана, кўринглар, кап-катта хотин она сути оғзидан кетмаган битта болани қўлтиқлаб кетяпти... Боз устига, у тез юрарди, мен унинг ёнида чопқиллаб юришга мажбур бўлардим. Аслида, мен товус каби хиром этиб юришга кўниккан эдим.

Пушкин кўчасидаги нархи арзонлаштирилган дўкон рўпарасида — ҳовлида ЗАГС идораси жойлашган эди, ёнида мағзава ўраси бор эди. Ҳозир у ерлар қандай кўринишда эканини билмайман, лекин биз 1974 йилда муҳожирликка кетаётган пайтимизда ҳам ўзгармасдан сақланганди. Биринчи қаватда кўримсизгина пастқам хона бор эди: шу ерда эр-хотинлар рўйхага олинарди, сўнг расман ажратиб қўйиларди, охирида ўлим тўғрисида справка бериларди.

Хонага кирдик. Тўладан келган барваста хотин ёзув столига мук тушиб ўтирибди. Худди Бабелнинг ҳикоясида тасвирлангандек: “Сўл томонда фикус (япроқлари ҳамиша кўм-кўк тропик ўсимлик), ўнг томонда куманжир, ўртада атиргул”. Албатта, деворда Ленин билан Сталин портретлари... ЗАГС биноси ҳам Большой театр жойлашган туман худудида бўлиб, бу ерда артистларга муносабат ўзгача эди.

— Вой, Галина Павловна, сизни кўрадиган кун ҳам бор экан-ку! Большой театрда кўшиқларингизни эшитганман, мен сизни жонимдан ҳам ортиқ кўраман! Эрга тегяпсизми?

— Ҳа, эрга тегяпман.

— Марҳамат, ўтиринг. Кани, жонгинам, паспортингизни беринг-чи...

Сўнг Славага расмий-совуқ оҳангда мурожаат қилади; бахт қуши дуч келган аҳмоқнинг бошига қўнаверар экан-да, демоқчи бўлади, билинар-билинемас хўрсиниб қўяди.

— Сиз ҳам паспортингизни беринг...

Оғзи гагдан тинмайди, бошини кўтармасдан ёза бошлайди:

— Вой, Галина Павловна, қўшиғингизни эшитган одам эри-и-иб, сел бўлиб оқиб кетади-я! Сиз қатнашадиган навбатдаги спектаклга киришнинг иложи йўқмикан-а?.. Демак, ёзамиз: турмуш ўртоғи — Галина Павловна Вишневская ва Мстислав — худойим-эй, шунақа ҳам кўпол ном бўладими, Ле-о-пол-дович Ротр... Роср... Ўртоқ, фамилиянгиз қанақа?

— Ростропович.

— Нима-нима?

— Менинг фамилиям — Ростропович.

— Ўртоқ Рассупович, шуям фамилия бўлдимми? Мана, ҳозир сиз бахтли имкониятга эга бўлиб турибсиз: агар фамилиянгизни ўзгартирсангиз, биласизми, ким бўласиз? Вишне-е-е-вский! — деди у кўзларини ўйнатиб, гўё кўшиқ айтаётгандек хониш қилди.

Слава худди оёғи куйган товукдай типирчилаб қолди.

— Э-э йўқ, раҳмат, мен кўникиб қолганман, биласизми...

— Яхшилаб ўйлаб кўринг, кейин аттанг қиласиз... Лекин ниҳоятда гўзал бўларди-да!

Давоми бор.

*Олима НАБИЗОДА
таржумаси.*

Марина ЦВЕТАЕВА

Менинг Пушкиним

Кизил хона. Жозибали китоб жавони. Инглиз ёзувчиси Шарлотта Бронтенинг “Жейн Эйр” романи. Жавон мени ўзига доим тортиб туради. Унга қараб юрмоққа чоғлансам, девордаги “Дуэл” деб номланган суврат ҳамиша мени тўхтатиб қолади. У жавондан кучли.

...Қор. У қанчалик оппоқ бўлмасин дарахтларнинг куйиб, қора куюк бўлган шохларини ёполмаган. Шохлар йиртилган енг ичидан чиққан, дарё билан осмонга кўтарилган чандиқли қўллардай... Чанада ётгани — ярадор, ярадор этилган жон. Кетаётган — қотил. Негадир икки кўзи орқасида, негадир қордаги излари билинар-билинмас уни голиблик эмас, қўрқув, ваҳима итариб кетаётгандай. Қорга сочилган қон — совқотаётган чечаклар...

Бу “Дуэл” эмас, юрагимдаги Пушкиннинг илк суврати эди. ўзим билан бирга бу суврат улғая бошлади. Йўқ, тирила бошлади.

Пушкин-шоир.

Дантес-фаранги.

Пушкин шеър ёзади.

Дантес ёза олмайди.

Дантес Пушкинни ёмон кўради. Ўзи шеър ёза олмагани учун бир куяди.

Пушкин бўла олмаганидан икки куяди.

Шу ҳасад унинг қонини бузади, ёвузга айлантиради. Шоирни дуэлга чақиради. Нақ қорнини кўзлаб, ўқ узади. Негадир, гап Пушкиннинг қорнига бориб тақалса, кўнглим гаш бўлади. Шоирнинг қорни борлиги менга ёқимсиз туюлади.

Ўша пайтда мен ҳали Гончаровани танимасдим. Пушкинни сева-сева улғу муҳаббат ичида у билан ҳам танишиб олдим.

Хуллас, мен ўзимнинг Пушкинимни “Дуэл” да — ўлим онда топдим. Бу ўлим ёлғиз уники эмас эди...

— Сен тасаввур қил,- дея ҳаяжон билан ҳаяжонимни яна кучайтирарди онам. — Унга ўқ отдилар. Йиқилди. Лекин юраги чиқиб кетмади. “Балли, азамат!”- деди. Пичирлаб эмас, эҳтирос билан айтди. Шу туришда унда Африка уйғонган эди. Қасоскорлик шиддати жануб куёши янглиғ ўтли эди. Совуқ эмас эди у. Онаминг ётоғи. Унинг ўлим, фожиа ҳақидаги сўзларидан оппоқ пардаларга қора ранг сачрайди. Пардалар, уй, ҳатто, онаминг овози қораяди. Пушкин дунёда мен таниган Биринчи шоир эди. Менинг шоиримни ўлдирдилар. Шу лаҳзалардан бошлаб гўдаклигим, болалигим, ёшлигим— умр фаслларимга тинимсиз ўқлар отилди. Гўдаклигим — ярадор, болалигим, ёшлигим — ярадор.

Дунё мен учун иккига бўлинди. Энг улкан бўлаги Пушкин эди дунёнинг. Қолган бўлаги — бошқалар. “Сен меникисан”, деб шивирладим ўша Пушкинли дунёга. Юрагим зирқираб-зирқираб кетди. Кўзларимдан ёш тирқиради. Мен кичкинагина жоним билан ўз-ўзимникига айланиб булган бўлакни ҳамоя қилишга чоғландим.

...Уйимизда одамнинг кўргиси келадиган, кўрмаса юраги орзиқадиган учта картина бор эди:

“Исо пайғамбарнинг халқ олдидаги чиқиши”.

“Татарлар”.

“Дуэл”.

“Татарлар деразасиз уйда оқ устунлар орасида туриб, ўз йўлбошчиларини қатл қилишяпти. “Дуэл”да ҳам ўлим манзараси. Шу икки картинага узоқ термулиб турсам, бошлар бирлашади, қўллар, оёқлар ҳам. Баҳайбат одамга айланади. У ўз жонига қасд қилаётганга, ўзига ўзи хиёнат этаётганга ўхшайди. қотилларни дөврдан ҳайдаб тушириб, ҳаммасини ерда чўзилиб қолгунча қувлардим. қора терга ботиб, ҳаллослаб яна картинага қарасам, вожаб, ҳалигина чанада осмонга термулиб ётган беҳуш Пушкин ё дорда салланган татар йўлбошчи ёнида яна бошдан-оёқ қоп-қора кийинган қотиллар гимирлаб юришарди...

* * *

...Пушкин чинакам ҳабаш эди. Икки чеккасидаги бакенбарднинг ўзиёқ унинг ҳабаш эканлигини минг карра исботлаб турарди. /Чунки бу бакенбард дегани ё генералда ё ҳабашда бўлади, вассалом/. Сочлари жип-жингалак. Лаблари қалин. Қора кўзлари баъзан кўкиш учқунлар сочиб қолади. Ҳабаш нима бўлгандаям — ҳабаш-да. Шундай деб баъзан юрагимда баҳайбат бир ширин азобга айланган севгимга сув сепиб, совутмоқчи бўлардим. Аммо қаерга борсам, у йўлимдан чиқарди. Онам бизни кўпинча Александров растасида сайр қилдирарди. Бу ерда суви қуриб қолган фавворалар қотиб туришарди. Қизиқ, уларга қараб қачонлардир камалақдан белбоғ боғлаб осмонга отилган фаввораларни эмас, Пушкинни ўйлар-верардим. У ҳақидаги хотирам ёлғиз ўзимники эканига унчалик ишонмасдим. Бу хислат бобомдан отамга, отамдан менга мерос ўтгандай, ҳеч қачон занжирсимон хотиранинг бирон ҳалқаси бир жойда узилиб қолмагандек туюларди.

Ёдимнинг тўлқинсимон алангаси аро Пушкин ҳамиша энг баландга қалқиб, сузиб чиқаверарди. қўлида бош кийимини ушлаб, хиёл эгилган кўйи хаёлчан турарди доим.

Хотирамдаги шоирга қанчалик бино қўйган бўлсам Пушкин ҳайкалига ҳам шу қадар бино қўярдим. Қор, ёмғирлар остида мағрур, боши тик туришига қараб: “Баттар бўлларинг, у тураверади! Ёмғир қамчиласа нима? Қор бўронини юборса нима?” дердим. ўз овозимдан роҳатланардим. Россиянинг оқликларини елкасида кўтариб турган қора Африка, дердим баъзан.

Ася икковимизга шу жойда югуриш-сайримизнинг энг кўнгилли лаҳзалари эди. Ким Пушкинга биринчи бўлиб етиб келади? Биз биринчи бўлиб Пушкин ҳайкалига қўл теккизиш учун кўзларимизга қарамай ҳаллослаб чопардик. Ва биринчи бўлганимиз кун бўйи шу бахтдан маст юрардик. Фолибга етар одам бўлмасди.

Мен Пушкин ҳайкалига доим қулочимни ёзганимча борардим. Уни қучиб айланаверардим. Бошим мутлақо айланмасди, кўзим сира тинмасдим. Гоҳ унга кўзимни қисардим, шўхчан хохолардим. Бир оёқда ҳақкалардим. Йиқилиб тушмасликка жон-жаҳдим билан тиришардим.

Ўша пайтда Москвада чинни қўғирчоқлар, ҳайкалчаларни Пушкиннинг қадрдон оёқлари остига тизиб чиқардим. Бир марта бўлса-да, миттигина ўйинчоқларимни оёқлар атрофига юргизардим. Мен Пушкин кичраймайди деб ўйлардим. Тобора улканлашиб, баландлаб борарди. Мен эса унинг оёғи остига қарамаслигидан, эгилмаслиги, ҳамиша тиклигидан юз чандон, минг чандон суюниб ирғишлардим.

Мен Пушкин ҳайкалига қараб оқ ва қора ранглар барча рангларнинг султони эканини ҳис этдим. Зариф, нафис — оқ ранг. Улкан, кучли — қора ранг. Мен қорани танладим, қорани севдим. Чунки унда ҳаёт ва ҳақиқат бор эди. Пушкин ҳайкали-сирли дунё, мен унинг ўқувчиси эдим. Бошидан оёғигача мум ҳайкалчаларни қаторлаштириб қўйсам, нечта ҳайкалча керак бўларкин? Миямга шундай савол келган заҳоти: қанча бўлсаям, етмайди, дея қатъий жавоб қайтарардим.

Ўйинчоқларимнинг эгаси мен, менинг эгам эса Пушкин, деган хаёлимдан заррача хижолат тортмасдим. Аксинча, бу тасаввур ўзимга беҳад ёқимли эди. Айниқса, ўзимнинг жонсиз эмас, тирик, ўйинчоқ эмас чинакам одам эканлигимдан гурурланардим.

Шу жиҳатдан ўзимни унга муносиб деб билардим. Ва унинг атрофида айланишга, уни хоҳлаганча қучишга, ҳақкалаб ўйнашга, иссиқ кафтларимда силаб-сийпалашга табиий равишда ҳаққим бор деб ҳисоблардим.

Мен шу ҳайкал атрофида улғайиб борардим. Минглаб, миллионлаб мум ҳайкалчалар қўшилганда ҳам биргина Пушкинга ета олмаслигини жуда тез фаҳмлардим.

Пушкин ҳайкали роял каби қоп-қоралигини айтган эдим. Мен шу қора рангга термула-термула шу ранг яқинимга айланди. Шу рангга содиқ қолдим.

Москва кўчаларида бехос бирор ҳабашга кўзим тушса, юрагим “жиз” этиб кетарди. Унда менинг Пушкинимдан нимадир борга ўхшарди. Уни севишга бурчлидай туюлардим. Пушкин ҳайкали Россиянинг даҳо шоирига эмас, инсонни инсондан айиришга, кимнидир кўтариб, кимнидир ерга уришга, дунёдаги барча нотенглик, айирмакашликларга қарши ўрнатилган исён ҳайкали бўлиб туюларди, менга.

Бу исён Пушкиндан ҳам аввалроқ бошланган эди асли. Ҳабаш ўғли Осип Абрамович Ганнибал билан Мария Алексеевна Пушкина никоҳланган кезде!

Йўқ! Унда ҳам олдин. Буюк Пётр ҳабаш ўғли Иброҳимга меҳрли назар қараган чоғда. Бу қараш-Пушкин муқаррар туғилади, деган башорат эди, аслида.

Пушкиннинг ҳайкалидаги ҳар бир чизиқни китобдай ўқийвераман, ўқийвераман. Ҳайкал тош занжирлар билан ўралган. Ажиб, занжирланган шоир.

-Уни ҳимоя қилишяпти,- деди кимдир киноя билан.

Тош занжир, тош занжир... Уни тинглаб турсам кишанлар шалдираши эшитилади... Узоқ қараб турсам, Николайнинг қўлларига ҳам ўхшайди. Бу қўллар Пушкинни кучоқламаган, қўйиб ҳам юбормаган. Дунёдаги барча чинакам эркин ёмон кўрадиган шоҳлар каби... Пушкин эса занжирларга сигмаётганга, улардан кўтарилиб бораётганга ўхшарди.

Узоқ замон халқ меҳрига бўлажакман мушарраф.
Чунки чорловим билан эзгу ҳислар туғдирдим.
Шу ёвуз замонамда қўрқмай эркин мақтадим,
Хор-зорларга ачинмоққа чорладим.¹

Бизни оғриқли, қувончли дунё билан бойитган бу ҳайкални Опекушин яратганини биласизми? У ҳам эрксевар шоир қиёфасида ўз ботиний исёнларини сувратлантитардимикин? Тайёр бўлган ҳайкалига қараб: “Кечир, бу мен” дея шивирламадимикин?

Осмон худосига етди ноласи,
Қалбига илоҳий бир қудрат отди.
Ҳабаш Иброҳимнинг ўрис боласи
Буюк Русияда тонгни уйғотди.

Ҳозирги гапимни эшитиб, албатта: “Олиб қоч-а...” дейсиз. Аммо бу гап шу қадар ростки!

Кунларнинг бирида бизникига Пушкин ҳайкали меҳмонга келди. Деворлари, шифтидан оқ-совуқ ранг сочилиб, жунжиктириб турадиган хонада ирғишлаб ўйнаб юрардим. Эшик қўнғироғи жиринглади. Ва ҳеч кимга ўхшамаган бир жаноб бе-малол кириб келди. Онам уни тавозе билан қаршилаб, меҳмонхонага кузатиб келди.

— Муся, ҳозир келган жанобга қарадингми?

— Албатта-да, ойи.

— Бу Пушкиннинг ўғли. Тинчгина ўтир, безорилик қилма, қайтиб чиқаётганида яхшилаб танишиб ол...

Меҳмонхона эшигидан кўзимни узмасдан киприк қоқмай қараб ўтирибман. Юрагим “гурс-гурс” уради. Ниҳоят, чиқишди. Ойим, дадам, ўртада ўша жаноб. ҳаяжонланганимдан нуқул ойимга қарайман. Ойим жанобга ишора қилди. Фақат кўксидаги юлдуз эсимда қолибди.

¹ Шейрлардан парчалар А.С.Пушкиннинг 1979 йилларда ўзбек тилида чоп этилган икки жилдлик “Танланган асарлар”идан олинди.

— Хўш, Мусенка, Пушкиннинг ўғлини кўрдингми?
 — Кўрдим, — дейман хўрсиниб.
 — Қандай одам экан?
 — Юлдузи бор одам...
 — Дунё юлдузликларга тўлиб кетган, қизалоғим. Дарахтни силкитсанг, юлдуз-ли одамлар “тап-тап” ёғилаверади. Доим керак бўлмаган жойни кўрасан.

— Мусенка, -дея онамининг гапини оҳиста кесади отам. — Сен тўрт ёшингда Пуш-киннинг ўғлини кўрдинг. Бу ҳазилакам гап эмас. Ҳали невараларингга афсонага ўхшатиб, гапириб юрасан.

Мендай одам невара кўргунча бу гапни бировга айтмай чидаб тура олармиди? Ванянинг ёнига учдим.

Ваняниг ким, дейсизми? Энагамизнинг невараси. У қалай ишлаб чиқарадиган заводда ишлайди. Якшанба кунлари бизникига келиб туради. У ёқимли, сахий ин-сон. Ҳар қанақа қувончни айтсанг, тушунади. Менга ўзи ясаган кумуш каптарни совға қилган. Ваня уйимизга келиб ҳеч қачон ялпайиб ўтириб олмасди. Дарров бувисининг ёнига кирарди, уйларни ҳам тозалаб кетаверарди.

Уни ётсирамасдик. Хонамизга бемалол кирар, бирга чақчақлашиб чой ичар-дик.

— Ваня, бизникига ҳайкал- Пушкиннинг ўғли келди!

Назаримда, унинг офзи ланг очилиши керак эди. Аммо у жўнгина оҳангда:

— Ойимқиз, бир нарс деддингизми? — деб сўради. Овозимни кўтариброқ айт-ганимни такрорлайман.

— Сенга бу гапни етказишим шарт экан. Отам айтди, -қўшиб қўяман хабарим-ни тоши оғирроқ бўлсин деб.

— Отангиздан нимадир керак бўлган-да, бекорга келармиди...

Ванянинг гапи мингирлаш бўлиб эшитилди.

— Ҳеч нарса сўраб келгани йўқ.-Ваняни шарт кесди энага.— Шунчаки меҳ-мон бўлиб келди. У ахир генерал-ку! —Энага қўлларини елкасига қўйиб погон қилиб кўрсатди. Бели бақувват одам. Твер хиёбонидаги Пушкинни биласан-ку, ўшанинг ўғли.

— Ҳа-а...-Ванянинг овози кўтарилди. Нимадир тушунди,шекилли.

— Соч-соқоли оқариб кетибди, қарибди,-деди энага.

Мен бу суҳбатдан қаришнинг яхши эмаслигини ҳис этдим. Ва яна отам, онам, энагамнинг айтганлари қулоқ ёнидан ўтиб кетадиган гаплар эмаслигига, уларни хотирамда сақлаб қолишим шарт эканлигига фаҳмим етди.

...Мен ҳайкал- Пушкиннинг ўғли ҳақида шу қадар кўп ўйладимки, бора-бора у менга шоирнинг ўзи бўлиб туюла бошлади. Яъни, оппоқ тонгда совуқдан жун-жикиб турганимда уйимизга ҳайкал Пушкин меҳмон бўлиб келди!

* * *

Келинлар, яна ўша сирли китоб жавони бор қизил хонага қайтамиз. Мен билан бирга чопиб, чарчаб қолмадингизми? Ўзим билан туйғуларим, сўзларим, ово-зим ҳеч қачон оҳиста қадам ташламайди. Баъзан эҳтирослардан ўзим ҳам толи-қиб кетаман. Эҳ, гап менда эмас-ку, сирли жавонда! Бу жавоннинг бор-йўқ сири-таъқиқланган Пушкин! Яна ҳам тушунарлироқ айтсам-“А.С.Пушкиннинг сайлан-ма асарлари”.

Мен таъқиқланган сайин унга қаттиқроқ ёпишаман. Бутун вужудим КАТТА-КОН кўзга айланади. Бутун вужудим билан ўқийман Уни. Ҳарфдан ҳарфга сак-раган сайин оловланаётган туйғуларим бўғзимга тикилади, куйдиради. Жисми-жоним заррама-зарра Пушкинга ўта бошлайди, бармоқларим,қорачиғларим, ово-зимда Муся, Марина йўқ. Пушкин, фақат Пушкин бор. Унда топган дунёи давла-тимнинг биринчиси-да – Лўлилар! қандай чиройли жаранглайди, лўлича исмлар--Алэко, Земфира, қария... Мен шоирнинг “Лўлилар” дунёсига киргунча қария деса кўз олдимга Таруса хилхонасида хизмат қиладиган Осип келарди. Акасини бод-ринг билан уриб ўлдирганидан кейин, қўли қуриб, ёғочга ўхшаб қолган экан.

Бобожоним Мейнни зинҳор-базинҳор қариялар қаторига қўшгим келмасди.
Чунки:

Қария кўча-куйда тентираб юради.

Уни ҳеч ким севмайди.

У ҳаммага бегона.

Ҳа-я, мен лўлилар ҳақида гапираётган эдим. Уларни сира кўрмаган эдим. Фақат энагамдан эшитганим бор. Унинг айтишича, тиллога ўлгудай ўч лўлига олтин суви юритилган зиракни тозаси, деб сотишибди. Лўлижон ҳақиқатни билгач, зиракни қулоғидан шунақа ғазаб билан тортибдики, бир парча гўштиям қўшилиб, юлинибди.

Ана томоша-ю мана томоша... Лўли ўзининг тилида роса чинқириб, зиракни-ям, қулоқнинг йиртиғиниям тепиб-тепиб хумордан чиқибди.

Лўлилар ўз йўлига. Мен асардан муҳаббат деган бу дунёдаги энг чиройли сўзни топдим.

Кўксингда ўт ёнса, юрагининг туб-тубида денгизсифат нимадир шовулласа...

Севги экан-да, шу!

Мен гўдаклигимдан, эҳтимол, туғилмасимдан олдинроқ шундай ҳиссиётлар аро яшай бошлаганман. Лекин унинг исми севги эканини “Лўлилар”дан ўргандим.

Оҳ, Алэко Земфирани севди. Дунёда яна биров лўлилардай севолармикин? Мен эса Алэко, Земфира, Мариул, улар яшаган макон, улар юрган йўллар, босган излар — бари-барини яхши кўриб қолдим.

Йўқ, айтолмадим.

Тирноғимгача, кўзимгача, сочимнинг толаларигача яхши кўрдим, ўлгудай яхши кўрдим. Мен ана шу яхши кўриш ичида ўзимни танидим. Ўшанда билганларим, ўйлаганларимни яна кимгадир айтиб бергим келадиган бўлди. Тингловчи ҳам тезда топила қолди: Аснинг энагаси ва унинг чевар ўртоғи. Онам тез-тез театрга тушиб турарди. Ася ширингина бўлиб уйқуга кетганда, учовимиз чойхўрликка ўтирардик. Энаганинг ўртоғиям кунда-шундалардан эди-да.

Бизнинг Мусенканинг билмагани йўқ. Энага мени тил учиди “Муся, Мусенька”ларди. Аммо пайгани топиб ота-онамга етказадиган тил топса, мақтаб қўярди: — Бўри билан кўзичоқни гапириб, манови мошиначи холангнинг оғзини бир очиб қўй. Ё ногорачидан оласанми?

Ё тангрим! Беш ёшимданоқ ёзуғимга кимларгадир “маънавий озуқа” бахш этиш ёзилибди. Мен бу қисматдан ҳеч қачон ғурурланган эмасман. Ҳозир... тўғриси, алдаб нима қиламан, ачинаман!

Мен суҳбатдошларимга бир зум тикилиб тураман. Аввал қизғонаман. Юрагимдаги “Лўлилар”ни тилимга чиқарсам, улар бировнинг мулкига айланиб қоладигандай рашким келади. Сўнг “Нима бўлса, бўлди”, дейман ичим ёниб.

— Лўлилар ҳақида гапиргим келяпти.

— Лў-ли-лар?-дея қўзиб сўрайди энага. — Улар ҳақидаям эртак тўқишибдими? Вой, савил-ей, ўша исқиртларга эртак тушиб қолибди-да.

— Улар таборда яшайдилар! — дейман алам аралаш ғурур билан.

— Таборлари борми? Саройи бор, дегандай гапирасиз-а, оймқиз. Ёшроқлари-ку йўлдан ўтказишмайди. “Тахтингдан очайми, бахтингданми?” Дарди бизнинг бахту тахтимиз эмас, ақча! Ёши ўтганларини-ку, бурнига хода етмайди. Башанг, қулоқлари, қўллари ялтирайди. Бари — ўғрилиқ, бойлардан ўмаришган.

— Бу-булар бошқача лўлилар! — дейман. Лабларим титраб, кўзларим чарақлаб кетгани ўзимга сезилади.

— Ўз эркига қўйсанг-чи! Гапирсин! — дейди энаганинг ўртоғи. Балки, оймқизнинг лўлилари чиндан ҳам бошқачадир.

Менинг лўлиларим! Мен бу ҳадя учун мана шу лаб-даҳанини бўяган хотинни ўпишга тайёр эдим.

— Зўр йигит бор экан, йўқ олдин бир чол ва унинг бир қизи бор, сўзларим ўзимникига ўхшамасди. Туфлаб ташлагим келди шу бечорагина “бор эди, бор эди”ларни! — Йўқ, шеър айтиб бераман!

— ...

— Қандай яхши-я, қандай яхши! — юзлари нурланиб кетди мошиначи аёлнинг.

— А-айиқ, — деди энага бепарвогина. — Лўлиларнинг айиқ ўйнатиши рост. “Қани, Миша, ўйнаб бер”, дейди. Маймоғи ликонглаб айланади. Фу, шуям ўйин бўпти-ю...

— Э, гапнинг белига тепмай тур. Кейин нима бўлди, Мусенка?- шоширади машиначи.

— Қизи келди... “Отажон, мен севган шунқорнинг оти Алэко деди!”

— Ни-ма-а?

— Алэко!

— Шуям исм бўпти-ю, лўлига ит ҳам от, бит ҳам!

Энагани қулочкашлаб туширгим келди. Минг, минг афсус, бизда муомаланинг ундай усули қатъиян ман этилган.

— Алэко! - тишларим гижирлаб кетади.

— Алека-калека.

— Алека эмас, Алэко!

— Мен нима дедим?

— Сен Алека дединг.

— Ўртоғим ўзи шунақа демоқчи эди. Тили айланмас, ўрганмаган-да, - машиначи бизни муросага келтиришга уринарди. — Жаҳлинг чиқмасин, Муся, айта қол, кейин нима бўлди?

— Гўзал Земфира/ лўли қизнинг исмини иложи борича аниқ, чиройли айтишга ҳаракат қиламан/ отасига: “Энди Алэко биз билан бирга яшайди. Тангри уни менга саҳрода дуч этди. Чолга унинг саҳрода топилгани жуда ёқиб кетибди.

“...”

Мен ҳикоямга қўшиқни улаб юбораман. Энага ҳам менга қўшилиб куйлай бошлайди.

Улар доим йўлда эдилар. Ўрмонлар, дарё соҳилларида тўхташарди. Болалари йўлларда туғилди. Шу қадар бахтли эдиларки! Митти лўличаларни /ча дегим келмади, улар ростдан қўзичоққа ўхшаш лўличоқ эдилар-да!/ саватларга солиб юришарди.

— Бўпти, бўпти, -дерди энага бетоқатлик билан. — Чол ҳақида гапир!

— Чолнинг хотини ёш, дилбар Мариул эди. Бора-бора чолдан унинг кўнгли қолди. Лочиндай бошқа бир лўли йигитни севди-да, шартта у билан кетиб қолди.

Лўлилар доим севиб, севилиб яшашни хоҳлашади. Битта одамни эса ҳар доим севиш уларга зерикарли туюлади. Шунинг учун Земфира ҳам бошқа янги севишли билан қабристонга кетди. Бу пайтда Алэко хуррак отиб ухлаб ётарди. /Ичимда “баттар бўлсин” деб қўйдим/. Уйғониб қараса, Земфираси йўқ. Қуюндай учди. Хотини билан ёш лўлини қабристондан топди. Лўлига пичоқ тортиб юборди. Земфиранинг юраги ёрилиб кетади. Уям... уям... ўлиб қолади.

— Одамхўр, ярамас! Пичоқ билан сўйибди, дегин. Бу лўлиларнинг бари бир гўр. Чолга нима бўпти, чолга?

— Бунча чол, чол, дейсиз? Земфира ўлди! — дейман йиғлағудай бўлиб. — Чолга балоям ургани йўқ. Кетди. Алэко эса... битта ўзи қолди.

— Ажаб бўпти. Қотилнинг жазоси шу - яккамохов бўлиб қолаверсин. Қишлоғимизданам битгаси чиққан. Хотинини биров билан тутиб олибди. Икковиниям ўша заҳотиёқ нариги дунёга равона этибди. Вася, Василий дейишарди баттолни. Э, бу дунёда қанақа ваҳшийликлар бўлмайди, дейсан?

— Севги азоби ёмон... — энага алланечук бошқача бўлиб қолади.

— Эҳтимол, уям кимнидир эслагандир, ахи р, ёш бўлган-ку...

ох, севи азоби, севи азоби!

* * *

Мен Пушкинни севги боис қаттиқ севдим. У менга одам боласини гоҳ телба, гоҳ одил, гоҳ даҳо, гоҳ гадо қиладиган; гоҳ гулханга ўхшаб сачраб-сачраб ёндирадиган бир ҳиссиётнинг исмини топиб берди. Йўқ, ўзини кўрсатди. Бир куни уй ходимимиз бировнинг деразасидан неча кунлаб киролмай турган мушукчани уйга олиб келди. Мушукча бир бурчакка қунишиб, ҳар шарпага ётсираб қараб, уч кун яшади. Кейин тўсатдан гойиб бўлиб қолди. Шу кетганича қайтмади.

— Бу — муҳаббат.

Ёки Августа Ивановнанинг “Мен Ригамга етиб олсам бас, сира-сира қайтмайман”, дейиши ҳам муҳаббат.

Ноғорачи ўз ихтиёри билан урушга кетиб, қайтмади.

Буям - муҳаббат.

Мен буларнинг ҳаммасини кўксида ўзим биладиган ўтни шундоққина кўриб турибман. Бўри билан кўзичоқ эса муҳаббатга кирмайди. Ойижоним такрор ва такрор улардан гап очиб, икковини муҳаббатга яқинлаштирмоқчи бўлади:

“Оппоққина, майингина кўзичоқ...” дейди ачиниш оҳанги билан.

Ростини айтсам, мен аслида бўриларни яхши кўрардим. Аммо Криловнинг машҳур бўрисини яхши кўргим келмасди. У кўзичоқни еб қўйди! Оғизларидан қон оқизиб гўшт еган бўри билан менинг муҳаббатим мутлақо келиша олмасди.

Унга ялиниб ётган кўзичоқни ҳам севишни истамасдим. Унга кўра қирғоқдан битта тош олиб, бўрининг тумшугига солса, севиш мумкин...

* * *

Менинг севикли бўрим — Исёнкор йўлбошчи эди. Агар ким қулликка нафрат билан қараса, эркни севса, мен қайси исёнкор ҳақида гапираётганимни сўзсиз тушунади.

Бу - Пугачёв

Мен Пушкин, Пугачёв ва ўзим ҳақимда кейинроқ гапириб бермоқчи эдим. Ахир пугачёвли олам бу подпоручик Гринёвли оламдан ҳам бошқачароқ. У ертубан ётган ҳақорат, кўрлик дунёси аро ҳаммиша тик тургувчи кучли бир баландлик. Уни эгилиб эмас, ҳаммиша тикланиб кўрасан.

Мен исёнкор йўлбошчимни ҳамма сеvimли жонли, жонсиз нарса ва одамлардан кўра кўп, жуда кўп яхши кўрардим.

Мен сизга сирли жавонимда Пушкин яшайди, дегандим. Бу гапимга ишонинг. Аммо исёнкор йўлбошчи яшайди, десам кўпроқ ишонинг.

...Ота-онамдан ўғринча китоб ўқишларим сабаб бўлса керак, мен ҳовлидаги ўзимга тенгдош болалардан мутлақо бошқача сўзлардим.

Гапим мақтанчоқликка йўймаслигингиз учун онам билан бўлган суҳбатларимнинг бирини айтиб берай:

— Муся, қайси ўйинчоғингни яхши кўрасан? Немис қўғирчоғинг чиройлими ё французими?

— Французи дурустроқ.

— Нега?

— Чунки унинг кўзлари тирик.

— Нима-а?

— Унинг кўзига қараб қўрқмасаям бўлади, жозибаси бор!

Онам мени мутлақо тушунмади. Тўғрироғи, аввал кўрқиб кетди. Кейин қўл силтаб, қўя қолди. Мен оймдан ҳафа бўлмадим. Чунки менинг айтаётганларим сўзлар эмас, ҳислар эди. Мени фақат Пушкин тушунади. Балки, бошқа шоирлар ҳам англаб. Барибир, Пушкин жуда яхши тушунади. Чунки у Биринчи шоирим.

* * *

Муסיқа тинглаб, юрагим ағдар-тўнтар бўлганда олти яшар эдим. Мерзляков тор кўчасида Зограф-Плаксинанинг мусиқа мактаби бор эди. Рождество кечаларининг бирида онам ўша мактабга етаклади. Аввал “Сув париси”дан кўриниш томоша қилдик.

Энди қушдай учиб борамиз,

У Татьяна билан учрашган боққа.

Мен бу сатрларни эшитганимдан сўнг ростдан ҳам саҳнадаги воқеалар изидан қуш бўлиб учдим.

... Ўриндиқ. Татьяна ўтирибди. Онегин келди. У тик турган кўйи гапира бошлади. Қиз оҳистагина туради. Онегин сўзлайди, сўзлайверади. Татьяна тинглайверади. Э худойим-ей, кулранг мушук, Августа Ивановна, қўғирчоқлар-барилари ёлғон муҳаббат экан-да.

Онегинни жим тинглаётган Татьяна экан.

— Томоша зўр бўлдимиз? Сенга “Сув париси” ёққандир-а? Унинг ғаройиб те-гирмонлари, князлар, баҳайбат дев, Вагнеда?

— Татьяна билан Онегин ёқди,— дейман оймнинг майин товушинга мутлақо мос келмайдиган кескин оҳангда.

Ойим юзимга ажабланиб қарайди:

— Бирон нарсага ақлинг етдимиз? Нимани тушундинг?

— Татьяна билан Онегинни тушундим.

— Татьяна билан Онегинни?

Ойим қизиша бошлайди.

— Хўш, англаганингни гапириб кўр-чи.

Бўғзимга нимадир тикилади, жимман.

— Ана, айтмадимми? Олти яшар боласан-а, нима ёқиб, нима ёқмаганини билармидинг?

— Биламан: Татьяна билан Онегин...

— Бунчалик қайсарсан! — жавоб қилади ойим. — Энди минг маротаба сўрайвер, пластинка бир хил айланади: Татьяна, Онегин! Мен билган болаларнинг ҳаммасига “Сув париси” ёққан. Бу ўжарни нима қилишга ҳайронман! онам билан икковимизнинг суҳбатимизга беҳос келиб қолган мактаб директори Александр Леонтович Зограф қўшилади:

— Мусенька, нега айнан улар кўнглинга ўтиришди? — сўрайди директор.

— Чунки улар муҳаббат, ростакам муҳаббат, иссиқ муҳаббат, дегим келади. Аммо овозимни чиқармайман.

— Сабабини мен биламан, — дейди Валерий Брюсовнинг синглиси Надежда Яковлевна, маҳмаданагина бу қиз юқори синф ўқувчиси эди. — Муся еттинчи осмонда юрибди.

Еттинчи осмон? Муҳаббат яшайдиган жойми у? Директор менга бир нималар деб олмами, мандаринми узатади. Ҳаммасининг шакли-шамойили, овозлари узоқлашиб кетади. Мен тобора енгиллашиб бораман.

— Мандаринлар учун раҳмат ҳам демадинг-а, бу қандай шармандагарчилик. Олти ёшида муҳаббат деб ўтирса-я. Онегинни яхши кўраман деса-я ...

Ойим сал адашди. Мен уларнинг икковини бирга яхши кўриб қолгандим. Илк тасаввурим сабабли, бахтиёр севишганларни эмас, севилиб, айрилганларни севардим. Айрилиқли севгидан ҳузурланардим. Бу дунёдаги энг кучли ишққа ўхшарди. Ўша дамларданоқ ўзимни бахтиёр бўлмасликка кўндирдим.

Татьяна Онегинни севмаслигини, севолмаслигини биларди. Шунинг учун айнан уни танлади. Жавобсиз ишқ кучли одамга беқийс улкан куч бахш этади. Мен буни олти ёшимдаёқ билардим, фақат сузини топиб айта олмасдим.

Мен жамалак соч болалиқдан ўла-ўлгунча Татьянани ўйладим. “Мана у — шамнинг кўкиш ёруғида мрамардай елкалари, кўкси узра сочларини ёйиб турибди. У кўзларимда шундай туради. Уггим келади. Кўзларини кучгим келади. У мардлик суврати, сурур суврати. Бир умр ўқиб, тўймайдиган китобим — менинг Татьяна!

* * *

Татьяна “Евгений Онегин”дан чиқиб кўнглида севгиси бор одамларнинг севимли қахрамонига айланди, қолди. Гўзал маъшуқа! Татьянанинг хонишларида заррача бўлса-да, рад этилганлик алами йўқ. У мутлақо қасос алангасида ёнмайди. Аксинча, қалбидаги бениҳоя буюк севгини Тангридан инъом деб билади. Шунинг учун Онегин ҳайратда. Аммо уларнинг учрашув саҳнасидаги бор кайфиятни Татьяна бошқаради. У хоҳласа, Онегинни бир пул қилиши мумкин. Аммо у буни истамайди! Бир ўзи қолади, сукунат билан. “Мен сизни севаман!” дея айтолмаган лаблари, кўзлари билан Татьяна Онегинга ҳаминша севимли.

Қизлар, қизларжоним! Келинг, севимли қаҳрамонлардан бир нафасгина узилиб, мени тингланг! Илк севгини севинг, унга ишонинг. Севгидан ҳам кўпроқ ғурурингизни яхши кўринг. Зинҳор-базинҳор ўзингизни рельслар устига ташламанг! Жамият ҳам, муҳаббат ҳам эзгинларни баттар эзади. Бошингизни тик тутинг. Одамсиз, ахир! “Мен” денг!

... Менга қадар Танюша онамнинг қадрдони бўлган. Онамнинг ҳам ошиқлари қатор-қатор эди. Ҳаммасини рад этиб, дадамни танлади. Йўқса, дадам онамнинг икки ёшини яшаган, бунинг устига икки болалик тул эркак эди. Онам уни қандай бўлса, шундайлигича севди, шундайлигича қабул қилди. Баъзи саволларига ўзи, кўзи, юзидан тополмаган жавобни дадамнинг ёзганларидан топди. Онам жим севиш, жим садоқат кўрсатишни Татьянадан ўргангандай, назаримда. Шунинг учунми, менинг дунёга келишимга ҳам Пушкин ва унинг Татьянаси сабаб бўлган, деб ўйлайман. Ахир, Пушкин юраги қонаб, ўша дилбар шеърый романни ёзмаганда, онам Танюшага тақлид қилиб севмаганида мен маҳмадона Муся, Мусенька қайдан бунёд бўлардим, дейсиз...

* * *

Менинг Пушкиним бошқача.

Уларнинг, яъни қолган барча одамларнинг Пушкини бошқача. Улар “Евгений Онегин”даги заҳарханда кинояни пайқашган. Даврга киноя, давр қаҳрамонларига киноя ... Мен эса “Евгений Онегин”ни ўқиганимда ҳали етти ёшга тўлмаган эдим. Ҳали муҳаббатли юракка тош отилишини билмасдим. Ҳали ҳақоратланиб, хўрланиб кўрмагандим. Ҳали кувғин деган сўзнинг оғирлиги, оғригини ҳис этмаган эдим.

Фақат Тарусадаги чорбоғимиздаги боғни, бизнинг ётоқхонамиздагидай лип-лип ёнаётган шамни ва ўзимнинг бола қалбимдагидай тоза севгини билардим.

Ўқиш ман этилган, барча кўрқоқлар зир титраб, кўрганда ботирларнинг ҳам юраги “шув” этиб кетадиган мовий муқовали Пушкинимни қалбимнинг туб-тубига бекитиб қўйдим. Соғинсам, қалбимга мўралайман. Эҳ, қандай мазза! қанчалар улкан, қанчалар улуғ! Худойим балки уни ростдан ҳам кўрқоқларга қарши исён тарзида яратгандир.

...Хуллас, менга бошқа Пушкинни рўпара қилишди. Барибир эмасми? Бунисининг ҳам муқоваси мовий рангда. Фақат қоғози юпқароқ. Шаҳар билим юртлари учун чоп этилган дарслик китоби. Китобдаги барча ёзувлар, сувратлараро биттаси жону дилим. У ҳам бўлса ҳабаш бола. Мен ўша суратни ҳозир ҳам Пушкиннинг энг яхши суврати деб биламан. Соатлаб термулсам ҳам мутлақо зерикмайман. Балки, ўша суврат чизгиларидан ўзимга энг азиз дунёга кириб кетаман.

Айниқса, портретдаги қон белгисини берувчи чизгиларга бошқача бир ҳайрат билан қарайман. Бу ўз сукутига ўзи ўралиб ётган дунёда эрк овози бўлиб яралаётган шоир қони эмасмикан?

Китобчанинг ўзи эса менга ёқимли ҳисоби. Номланиш ҳам жўнгина - Шаҳар билим юрти ўқувчилари учун. Шуюм ном бўлди-ю... Улар ким эди ўзи? Совуқдан кўкариб, қалт-қалт титраб, очин-тўқин юрган болалар...

Пушкиннинг юзлари ҳам шундай чизилган эди. Фақат Пушкин оч бўлса нонга эмас, ҳақиқат, адолатга оч яшагандир... Бу сувратни кўрсанг, ачинмайсан. Ичичингдан кимгадир, нимагадир нафратинг тошиб келаверади. Айниқса, шоирнинг қўллари... қаттиқ тугилган икки мушт.

Бу аламни билмас осмон қушлари,
Бу ўкинч,бу ҳасрат ётдир уларга...

Ўша қушлар ростдан бормикин, осмон осмонмикин ўзи? Балки, бу дунё эмас, бечорагина капалақдир. Бу сатрлар-ку Пушкинга ўхшайди. Аммо “Қиш. Деҳқон нашидаси” деган одам боласининг юрагини “жиз” эттирмайдиган сатрларни ноширлар қайси чуқурдан ковлаб топишди экан?

Тавба, нега чуқур деса кўз олдимга Пушкин ҳайкали келади... Занжири етмагандай занжирларига мих ҳам қоқилган. Узоқ қараб турсанг, мих ўйилган кўзларга ҳам ўхшайди.

Бироз чалғидим. Мен Пушкиннинг шаҳар билим юрти болалари учун чоп этилган китоби ҳақида гапираётган эдим. Китобни мен тугул ўша юпун болалар ҳам севолмайди. Чунки улар Пушкиннинг қаттиқ тугилган муштларини очишга қурбилари етмасди. Очганда ҳам унинг кафтидаги ёзувни ўқий оладиган кўзнинг ўзи йўқ эди.

Мен ўзимнинг китобларимни болалардай, болаларни эса китобларимдай яхши кўрардим.

Андрюшанинг эса ўқишга тоби йўқроқ эди. Ўқиш майли-я, уни қисқартириб, кўчириб ёзиш, аллақандай саволларга жавоб топиш... Айниқса, гал шеърга келганда, Андрюша бир ёқда қолиб, онамнинг ҳам кўзларига савол қалқарди:

Ой ва юлдуз порлаган оқшом,
Тулпорни шамолга боғлаган кимдир...

Онам:

— Нима дегани бу? - дея сўрайди.

Андрюша ҳафсаласизгина елкасини қисиб қўя қолади.

Икки қўллаб қалпоғига ёпишар, нега?
Чунки унда хуфя, ёвуз битга хабар бор.
Хуфя хатнинг сир-асрорни
Кочубей билар,
Шоҳ Пётрни этмоқ истар
Бундан хабардор.

Хуфя хабар нималигини ўша пайтларда аниқ билмасдим. Фақат шу сўзни эшитганда совқотиб, жунжикардим. Ойли, юлдузли совуқ тун. Тулпор шамолдай учди. Казак икки қўллаб қалпоғини ушлаб-ушлаб қўяди. ҳадик, хавотир олади. Чунки унда Гетман-Шоҳ Пётрга ёвуз Кочубейдан хуфя фитна хати бор.

Бу менинг тарих билан илк учрашувим эди.

Ёвуз Шоҳ... ҳар доим шу атамани тўдалигича тушунгим келади. Товушлари, ҳарфларнинг авра-астарини ағдарилгани хоҳлайман. Ким ўзи у?

— Ким у? - дея сўрайди онам ҳам Андрюшадан.

Андрюшага эса бу савол мутлақо ёқмайди.

— Мен қайдан билай? - дейди у одатдагидай елкасини қисиб.

— Хўш, Муся, сен нима дейсан? - онам ранжиганини билдирмаслик учун мени саволга тутлади.

— Паҳлавон, - дейман шартга.

— Нега? - энди ойимни тўхтатиб бўлмайди.

— Чунки унга ҳамма бўйсунди.

Шу каби савол-жавобларда шоҳ ҳақида ўзим гапириб, ўзим бир қадар англагандек бўламан. Кўпинча, унинг оти Пётр бўлиб туюлади. Аммо у ҳамшиша тасаввуримда шу исм билан қотиб туравермайди. Аста-аста ёвуз Гетман ва Кочубей билан бирлашиб кетади. Художоним-ей, наҳот Пётрни улардан ажратиб олиб бўлмаса? Бора-бора уларни бирлаштириб тургувчи менинг хаёлим эмас, тахт ва тож эканига ишона бошладим. Яна Пушкинга қайтаман. Йўқ, аслида ундан узоқлаб кетмадим. Фикримдаги барча саволларга Пушкин орқали ўтаман-ку, ахир.

Дарвоқе, савол... Шоирни ўқиганларимда унинг саволларига қараб ҳайрон қолардим. Наҳот шундай кап-катта одам шу нарсаларни билмай мендан сўраса, деб ажабланганим ажабланган эди. Энди билсам, Пушкин ўзи учун эмас, мен учун сўроқ қўяр экан. Мени шу саволлар аро улғайтирмоқчи, кўзимга дунёни аниқроқ кўрсатмоқчи экан. Мен сўроқли сайрлар аро дарёда оққандай оқаман.

Тўғриси айтсам, шеърлардаги сўроқ аломатини ёмон кўраман. Нимага, нечун деган саволлар шеърнинг руҳини ўлдирди. Шеър билан менинг руҳиятим орасини узиб-узиб ташлайди. Ахир, шеър дегани топишмоқ ё масал эмас-ку. Мана “Чўкаётганлар” шеъри. Унда ҳамма нарса табиий. Биз – болалар дарё бўйида чопқиллаб ўйнаб юрибмиз. Гоҳ ниманидир таллашиб қолсак, чувиллашиб, оталаримизни чақирамиз. Дарёга чўкканлардан эса қўрқиб ўтирмаймиз. Одамлар бизни нукул мурдалар, уларнинг руҳи билан қўрқитмоқчи бўлишади. Қўрқитиб бўпти! Тарусада яшаётганимизда ҳам чўкканлар, чўкаётганлар ҳақида бизга кўп гапиришарди. Дала ҳовлимизга жуда яқин жойдан шовуллаб Ока дарёси оқарди.

Болалар чўкишарди, маст-аластлар...

Баъзан ҳушёр одамларнинг ҳам чўкканини /эҳтимол, чўктирилганлигинидир/ пичирлашиб қўйишарди. Ҳатто азиз бобожонимиз Александр Даниловични ҳам чўкиб ўлганга чиқаришган.

Мен эса уларга рақ ёпишган деган фикрда эдим:

Кўпчиб ётган оғир баданга
Чип ёпишган қоп-қора рақлар.

Умуман, чўктирилганларда из қолмас экан. Балки, одамлар шунинг учун ҳам ҳар қанақа ажални сувга ағдариб қўя қолишар.

Саҳарданоқ тундлашар ҳаво,
Юракларда бўронли ғамлар.
Зич ёпилган дарчани гўё
Муштрай бошлар чўккан одамлар.

Бундай сатрларимни ўқиганимда чиндан ҳам кўз олдимда арвоҳлар ғимирлай бошлайди. Яна бунинг устига руҳлар ҳақидаги “Бурдалак” деган ваҳимали шеър бор. Ўшани ўқий бошласам, Ваня қўрқувдан титрай бошлайди. Ранги оқариб, пешонасидан тер чиқади.

— Оғзи қон Бурдалак ғажийди суяк...

— Бурдалак нима ўзи?

Ваня-ей, шуям савол бўпти-ю. Ахир, суякни қуш ғажимаиди-ку. Бурдалак - ит-да. Ваня энди қўрққани учун ит бечорани айбдор қилади. Аммо одам юрагидаги қўрқув учун акиллаётган итлардан ҳам кўпроқ юрак айбдор. Итлар ҳам бақувват эмас, япроқдай титраб турган юрак, жавдираган кўзга қараб вовуллайди-да. Хуллас, қўрқув ҳақида гапиришяпмиз.

“Жинлар” ҳам қўрқинчи шеър. Лекин севаман-да, шу шеърни. Шеърдаги Ой ўзи кўринмайди, лекин ҳаммани кўриб туради. У атайлаб ҳаммани кўриш учун кўринмас бўлиб олган. Тун сукунати тилиб, тулпорлар кишнайдди. Чавандоз – бўроннинг бир парчаси. Эҳ-ҳа, бундай ҳолатда оддийгина одам бўлиб ўтириб бўларканми? Қўлингни шундай баландга кўтарсанг-да, қушга айлансанг, кенгликлар кенгаверса, учаверсанг, учаверсанг... Товушларинг осмонларда рақс этса, тинмаса. Сен ўша қушлигингда ҳам ўзингни йўқотмасанг, ўзингни сезмасанг. Шундоққина Ойнинг дўстидай, у билан кўшиқ айтиб, ёнма-ён кетаётгандай бўлсанг...

Шунда мени Пушкин, албатта, кўради. Ахир, Ой уники-да. Ойга маъюс термулганда менга-да кўзи тушади.

Бу – тасаввурим эмасди. Мен чиндан ҳам Пушкиннинг шеърларида яшар эдим. Сатрлар ичига кириб кетардим. Узоқ-узоқ қолардим. Барча туйғуларим шоир асарлари ичида туғилганга ўхшарди.

Бурдалакка ачинардим. Уни очликдан, зулмдан ҳимоя қилгим келарди. Ўз-ўзи-ча суягини ғажиб юрган бу бечоранинг кимга зарари тегади деб ўйлардим.

Жинларга келганда савол қопим очиларди. Жинлар ҳам ўлармикин, йўқ, олдин улар турмуш қуришармикин? Ўлишса, уларни ҳам кўмишармикин? Ҳар на қилганига ишонса бўлади, аммо бу баттолларнинг шукрона қилишларига мутлақо ишонмасдим. Жину жодугарларни Худонинг ўзи уриб қўйган. Бизники ортиқча. Улар шу ҳолида ҳам менга гоҳ булутлар бўлиб кўринарди. Кулранг, ажабтовур булутлар. Осмон денгизда чўкиб, қалқаверади, чўкиб қалқаверади.

“Тўлқинли туманаро суза бошлар ой”. Сузар эпчил мушукдай, қароқчи хотиндай, ўзига ишонган тулкидай... “Ғамгин далаларга маъюс нур тарар”. Эҳ, нақадар улкан ҳасратлар ҳаммаси!

Қатл этасиз, эй мовий кўзлар,
Нега ахир бегуноҳ жонни?
Юраксиз, золимсиз нечун,
Қадр этмайсиз ҳатто инсонни?

Эҳтимол, “Мовий кўзлар, мовий кўзлар” ниям, бошқасиниям кимлардир Пушкин деб билмас. Мен йўқ жойда ҳам кўрадиганимни кўриб ҳаяжонланадиган оймни танимас... Аммо мен учун буларнинг ҳамма-ҳаммаси ўзимдай, кўзимдай, юрагимдай таниш... Улар менинг муҳаббатимдан ҳам улкан, бепоён. Улар Россия! Азиз Россиям! Россия Пушкинда бутунлашади, Пушкинда парчаланади.

“Суронли кунларим дўстисан, мунис кабутаргинам”...

Ҳар бир сатр – аниқ. У нима ёки ким... Аммо Асянинг энагасини мутлақо кабутаргина деб бўлмайди. Менинг энагамни шундай атасалар – бошқа гап, чиппа ёпишади. Ахир, Асянинг энагасини ўзини айтмай қўя қолай, фамилияси ҳам аллам-бало – умас, бумас – Мухина.

Кабутаргинам эса шу қадар ёқимли... Бу сўзни илк бор отамдан эшитганман. Отам онамни шундай эркалатарди.

— Кабутаргинам, бу нима дегани, тушунтириб берасанми?

— Уларни қўявер, кабутаргинам, ўзимизни бил!

Отам онамга ҳадеб шундай деявергани учун “кабутар” сўзи бизга кундай равшан эди. Фақат “дўст” деган сўз “кабутар”дан сал узоқроқ эди. Чунки Ася икковимизнинг деярли дўстимиз йўқ эди. Тўғрироғи, икковимиз бир-бировимизга дўстимиз, дўстроқ деса ҳам бўлади.

Кабутар – она. Пушкин энагасини жуда яхши кўргани учун “мунис кабутар” деганига чиппа-чин ишонса бўлади.

Мен кимни кўпроқ яхши кўраман? Энаганими ё Пушкинними? Албатта, Пушкинни! У ўзининг энагасини қанчалик юраги узилиб кутган бўлса, мен ҳам ўз Пушкинимга шундай интизор бўламан.

Ана, ўша энага... Дераза тагида ўтирибди. Дераза тагида фақат кимгадир илҳақ одам ўтиради. Энаганинг қўллари тез-тез ҳаракат қилади, нималарнидир тўқийди. Кўзлари эса йўлда. Пушкиннинг ўзи қаерда экан? Кўринмайди. Келмайди. “Қайинзор ўрмонлар бағрида мени кутиб яшайсан қануз”. Қайинзор ўрмонни ҳам биламан. Тарусамизда ҳам бор. Шундайгина Окага яқин. Қайинзор орол. Доим шовуллаб ётади. Жонингни яйратадиган ҳидлар олиб келади шамол. Чиройли ранглар сачрайди оролдан. Онам дарахт пўстлоқларидан турли-туман нарсалар ясашга уста эдилар. Елканли қайиқчаларни қотириб кўярди. Мен эса қайинчаларни бағримга, юзларимга, манглайимга босардим. Қайиқчалардан, қайинлардан Пушкиннинг энагасининг ҳиди келарди. Мен гўзал қайинларни эмас, мулойим, юзлари нурли энагани кучгандай бўлардим. “ўлтирасан шамга термулиб, деразанинг тагида мудом”. Энаганинг деразаси доим ёруғ ва топ-тоза бўлган. У Пушкинни тўйиб кўриш учун ўз деразаларини ҳамиша ораста тутган, қоронғуликни яқин келтирмаган.

Шеърлар жаранглайверади. Энаганинг кўзлари тешилади. Аммо шоир йўқ! Нима қилардинг Уни? Наҳот, энди ростдан ҳам келмаса?!

“Вақтга қўшилиб ёнаётган” энагажон! қанчалар тушунаман сени. Ана, бошинг узра девор соати. Тинмай чиқиллайди. Сен эса бот-бот соатга қараб қўясан. Гўё келиш вақтини айтиб етгандай. Гўё ваъда бергандай. Соатдаги каккуча ҳам бошини чиқариб “ку-ку”лайди.

Келади, деганими?

Пушкинни ўқиб ўйлайман, ўйлаб ўқийман. Энага ҳам аста-секин кабутардан чиқиб қўллар, кўзлар соғинчига айланади. Соат миллиларини эслатадиган тўқиш пилталари... Бари-барида интиқлик: серажин, юмшоқ қўллар, ланг очилган дарвоза, мунгайган дераза... Мен ҳар бири олдида узоқ-узоқ тўхтаб қоламан.

Болалиқда ёдинга нима ўрнашган бўлса, умринг охиригача сенга хиёнат қилмайди. Болалиги йўқ одамнинг ҳеч нарсаи бўлмайди.

Пушкин қисқа умри давомида кўп аёлларга меҳри тушган. Аммо у бирортасини энагасидай жон-тани билан яхши кўрмаган. Бошқаларни, эҳтимол, севмаган лаҳзалари бўлгандир, аммо энагасини ҳатто уйқуси, тушларида ҳам яхши кўриб яшаган.

“Энага” – Пушкиннинг ҳеч қаримайдиган, ҳамиша ёш муҳаббати...

* * *

Тўғриси айтиб қўя қолай: адабиёт дарсликларидagi Пушкин ҳақиқий Пушкин олдида хижолатдан ўлай деса керак. Чунки у шу қадар ғариб берилган. Дарсликдаги шеърларни ўқиётиб, иложи борица, бошимни кўтармасликка уринаман. Кўтарсам, шоирни истеҳзоли нигоҳларига дуч келишдан қўрқаман. Ва минг, мил-

лионинчи бор онамдан миннатдор бўламан. Пушкиннинг буюклигини аввал онамнинг кўзлари, сўзларидан кўрганман-ку. Мен шоир шеърларига кирганимда онам бахтимга у-бу деб сўрайвермасдилар. Мен Пушкинни саволларсиз ўқишни севардим. Айниқса, ёлғиз ўқишни. Ёлғизликда шеърнинг товушлари жонланади. Мен ҳар нафасни юрагим устида ҳис этаман. Фикрларни, ҳиссиётларни ушлаб кўра оламан, қорачиғларимга босаман, кафтларимда силайман. Дардқашим, дўстимга айланади.....

Далибош дегани иблис. Иблислиги учун қизил. Чир айланишни ҳам иблислар қойиллатади. Казак ер юзида бошқа дурустроқ урушувчи қолмагандай шу иблислар билан олишади.

Шу шеърни эсладим дегунча 1924 йил Прагадаги бир воқеани эслаб, тутуним чиқади. Бир эмас, икки эмас, бир варакайига учта талаба нима дейди денг? Далибош бу черкаснинг байроғи эмас, ўзи эмиш. Кечириб кўясиз! Кўзингизни очиброқ ўқинг Пушкинни. “Чир айланар қизил далибош”.

Байроқ эмасми шу чир айланаётган, гоҳ унга, гоҳ бунда юзини буриб? Иблис ҳам шунинг ўзи эмасми? Бундай ғалати образларни шеърятда адабиётчилар модернизм дейишади. Баъзи модернистларни умуман англаб бўлмайди. Пушкиннинг модерни ҳам тушунарли. Уларни кўздан ҳам кўра юрак тезроқ илғайди.

Далибош, яъни иблис (байроқ ҳам шунинг ўзи!) ҳилпирайди, казакнинг эса боши йўқ. Улар бир-бирининг бошини ейишган:

Эй, казак! Жангдан сақлан!
Далибош қизил тиғли –
Ханжар билан бешафқат –
Бошингни олар қасддан.

Байроқнинг ўтли тиғи казакнинг умуман, кўп замонлардан кўпларнинг бошини егани ҳақиқат. Хуллас, мен Россиянинг етти яшарли қизчаси Россиянинг энг жасур шоири шеърларини Прага талалабаларидан кўра чуқурроқ англардим.

Қорабоғликлар. “Қорабоғликлар Бонапартни кўради”. Қорабоғликлар ва Бонапарт - бир-биридан жуда узоқ бу номларнинг ёнма-ён келиши ҳам менга жуда қизиқ туюларди. Саволлар миямда ғужғон ўйнаган дамларда ҳам онамни безовта қилавермасдим. Ўзим топган жавобларимга маҳкам ёпишардим. Баъзи-баъзидагина онамдан жавобларимнинг шилвираб турган жойларини тўлдиришга интилардим.

— Ойи, Наполеон дегани нимаси?

— Ростдан билмайсанми?

— Ахир, ҳеч ким ҳеч қачон менга Наполеон ҳақида гапириб бермаган-ку?

— У осмоннинг одами. Ҳамиша осмонда осилиб туради.

Шу мулоқотдан сўнг осилиб турган нарсага кўзим тушса, уни Наполеон билан боғлардим. “Осилиб турмоқ” иборасининг ўзида қандайдир бир қора қисмат бор эди. Ўз ихтиёридан ташқарилик, эрксизлик, маҳкумлик яшарди. Наполеон нимага, қандай тасаввурларда осилган?. Шухратгами, тожу-тахтгами, чексиз хукумронликками?

Уйларверсанг, толиқиб кетасан. Лекин шу ўйларнинг бари баланд-пасти билан меники эди.

* * *

— Ася, Муся! ҳозир битта гап айтама...а...а...н! – бўйлари чўзилиб қолган Андрюша /Андрей Иванович Цветаев/1890-1933/ М.И.Цветаеванинг акаси, санъатшунос/. Доктор Ярхо бор-ку, онамизни кўриб кўйди, биласанми, сил бўлганмиш. Тезгина ўлармиш. Кейин-чи, кўзимизга оқ кафанда кўринармиш. Қизиг-а?

Ася ўша заҳотиёқ ҳўнграб юборди. Мен қотиб қолдим, оёқ-қўлим музлади. Андрюша эса бир оёқлаб ҳаққаларди. Онамни кўриб, оёқ-қўлимга жон киргандай бўлди:

— Болалар! Доктор Ярхонинг фикрича, жиддий даволанишим керак эмиш. Денгиз бўйига борамиз, маззами?

— Йўқ. Керакмас, - деди Ася ҳиқиллаб: - Андрюша... у айтдики, у... Сиз... кўзимизга оқ кийим... им...

— Алдама! – деди Андрюша бақириб. – Оппоқ кафанда деганман.

— Кийимми, кафанми, бу гапни фақат сен айтгансан, Андрюша! Чунки қулоғингга тушгани дарров оғзингга чиқариш фақат сенинг қўлингдан келади. Менга ҳеч нарса бўлгани йўқ, қизалогим. Иссиқ жон, ҳамма касал бўлади. Мен эса сизларни денгизга олиб бормоқчиман.

Денгизга! Менинг эгизим денгиз. Марина... Мари... Море... нақадар ўхшайди бу исмдар. Фақат товушлари, оҳангларигина эмас, бир оламнинг икки палласига ўхшардик денгиз икковимиз.

1902 йил. Мен Пушкиннинг “Денгиз”ини адабиёт дарслигидан қўлбола китобчамга кўчириб олдим.

Мен бирданига бойиб кетгандай бахтиёр эдим. Ахир, қўйнимда Пушкиннинг “Денгиз”и шовуллаб ётарди. Аммо буни ҳеч кимга билдиргим келмасди. Бировга айтсам, сиримнинг ширинлиги тўкилиб кетадигандай туюларди.

Оҳ! “Денгиз”ни кўчирган пайтларим ундан-да тотли, ундан-да ҳаяжонлироқ эди. Ёлғизман. Панжараларига гуллар чирмашган балконда мук тушиб ўтираман. Денгизни қўлбола китобчага сиғдирмоқчи бўламан. Қўлларим, кўзимнинг нури тўлқинларга айланади. Шундай шовуллаймизки! Ҳаяжондан қаламим эгилиб-эгилиб кетади.

Баъзан ёзганларим ўзимга бирданига ёқмай қолади. Қоғозларни гижимлаб отаман. Ҳаммасини бошқатдан бошлайман. Яна ўша аланга, ўша ёнишлар, алвидо зўр қудрат, асов ғалаён!

— Алвидо! Илҳом денгизига нега алвидо дейди у? Чунки жон-дили билан севади. Севги бор жойда айрилиқ бор, видо бор. Видонинг армони ҳам улкан. Қалбим бир дақиқага бўлса-да, сокин яшай олмайди. Ўзим унинг эҳтирослари изидан югурганим югурган.

У томонга талпинар юрак...

У томон дегани қайда экан? Оканинг нариги қирғоғимикин? Холам бир пайтлар шивирлаб гапириб берарди. Ўша тарафда қоп-қоронғи тунларда қоровуллар оҳиста куйлашар экан. Қайси хонадонни чироғи ёниқ, ёруғ бўлса келиб, олиб кетишар экан. Олиб кетилганлар эса деярли қайтиб келмайди.

Мен бу нарсанинг даҳшатини бутун вужудим билан ҳис этсам ҳам, нариги соҳилга қизиқавераман. Ўша тарафга ўтсам, бошқа одамга айланиб қолгандайман. Исмимни ҳам Катями ё Рогнеда деб ўзгартиришадигандай...

Шундай дейману ўйларимдан кўрқиб кетаман. Ахир, мен ўз исмимсиз, ота-онамсиз, Ася, Андрюшасиз яшай олармидим?

Сен кутдинг, чорладинг... мен кишандайдим,
Рухим қанотланди бекордан-бекор.
Қудратли орзуга мафтун бандайдим,
Шу сабаб мен қолдим қирғоқларда зор.

Пушкин ҳам мендай денгизни севган. Тош қирғоқларга урилиб, увлаб изига қайтаётган, баландга сапчиб, яна йиқилаётган тўлқинларга узоқ термулиб турган...

Қирғоқларда қолиб кетдим зор...

Худди севгилимдай таниш соғинч, таниш интизорлик.

У битта қоядир-шон сағанаси,
У ерда ухлайди совуқ уйқуда.
Улкан хотиралар ҳамма-ҳаммаси,
Наполеон ҳаёти сўнган ер шу-да.

Сағана, тош, Наполеон. Бир-бирини жон-жаҳди билан рад этувчи тушунчалар. Агар мен бу сатрларни илгарироқ ўқиганимда эди, онаизоримни: “Наполеон ким?” деб қийнаб ўтирмаган бўлардим.

У ерда азобда бўлди у ҳалок,
Унинг орқасидан довул сингари –

Ўзга даҳо учди, дилни айлаб чок
 Ақлимизнинг ўзга бир ҳукмдори.
 Ким эди ўша? Байрон!
 Шовқин сол пўртана, уни улуглаб,
 У сенинг қўшиқчинг эди-ку, денгиз!

Кўзларимда ёшлар тирқирайди. “Алвидо, эй денгиз, унутмайман ҳеч...”
 Денгиз билан ҳар ким ҳам видолашмас. Денгизга ҳар ким ҳам ваъдалар бер-
 мас. Мен ҳам бир замонлар Тарусамиздан чиқиб кетаётганимизда худди шундай
 йиғлаган эдим. Арчалар, қайинлар, ёнғоқларимга, дарёмга видо сўзларини тит-
 раб-титраниб айтгандим.

Ўрмонлар ва жимжит саҳролар томон –
 Ёрқин хотиралар ола кетаман.
 Қоялар, кўрфазлар, тўлқин ва сурон
 Соя, жилғаларинг ёдда тутаман.

Пушкин, менинг Пушкиним!

Денгизларни кучоқлаб йиллардан-йилларга ўтади. Тўлқинлари шовуллайди,
 узоқ-яқинларни уйғотади, ҳаракатга келтиради. Шоир бағридаги денгиз осмонга
 ҳам ўхшайди. Осмонда чақмоқлар қарсиллаб, момақалдироқлар гулдураётган-
 дай. Менинг денгизим – Пушкин. Осмоним – Пушкин.

* * *

Ўша 1902 йил ноябр охирларида онам ётоғимизга кириб “Денгиз” деганлари-
 да дунёдаги энг чиройли сўз шу, деб ўйлагандим. Шу сўздан онамнинг юзларига,
 ётоқхонамизга, менинг юрагимга шуъла таралган эди. Шу лаҳзадан бошлаб юра-
 гим чағалай бўлди. Тунда, тонгда, оқшомда - қайси соат, қайси кун бўлмасин
 ўйлаган ўйларим мени денгизга етаклаб кетарди. “Денгизга кетамиз” дердим. То-
 вушимдан учқунлар сачарди. Товушим гўзал эди. Ўзим қаттиқ ишонардим то-
 вушларимга. “Келинг, орзулашайлик”. Бу сўзим ҳам “Денгизга кетамиз” каби азиз
 эди менга. Онам тинимсиз йўталарди, оғир ҳансирар, зўриқиб нафас оларди. Ўтин-
 чим ичимга чўкиб кетарди. “Келинг, орзулашайлик”нинг “к-е...з...”лари синиб-
 синиб, парчаланиб-парчаланиб ичимга чўкарди.

Менинг орзуларим ёлғиз орол. Ҳаётнинг шафқатсиз қонунлари эса оролимга
 муттасил ҳужум қилувчи ваҳший аждаҳо эканин пайқадим. Пайқаманган чоғла-
 рим жуда ёш эдим. Англаб етгунимча умр ўтибди.

— Ася, кел, хаёл сурамиз! Йўқ дема, жон сингилчам, бир зумгина, бир нафасгина.
 — Хаёл суриш жонимга тегди! Яхшиси, расм чизаман.
 — Мен сенга Серёжани бераман /Серёжа деганим тухум/.
 — Ишониб бўпман! Аллақачон пачоғини чиқаргансан!
 — Пўчоғи сағал дарз кетган, холос. Ичи бут-бутун, мана қара...
 — Майли, - дейди Ася хўрсиниб, - орзу қилсак, қилибмиз. Аммо роса расм чизгим
 келаётган эди.

Тухумни берган заҳоти қайтариб оламан. Чунки Асягина хаёл суриш, орзу
 қилишга тоқати йўқ. Наридан борса, қайроқ тошлар, чиғаноқлар дейди... Унинг фикрича,
 бу зерикарли машғулот эмиш. Хоҳламасмиш!

Оҳ, мен-чи! Денгиз орзусига тушганимда қандай ҳайқираман, қанчалар
 шовуллайман! Туйгуларим қон томирларимни ёриб юборай дейди.

Валерия Асядан бошқа чароқ. У катта опам. Валерия Қрим, Қора денгиз, Парилар,
 Дарвешлар чўққиси ҳақида менга ажабтовур тушунтиришлар қилади. Татарча
 туфлилару дала ҳовлилар ҳақида ҳам яхшигина маълумотларга эга эдим. Аммо
 унинг суҳбатига заррача ёмонлик бўлмаса-да, менинг ҳам юрагим сиқиларди.

У менинг “мен”ларимдан йироқ нарсалар эди. Ахир, мен Асядан, Валериядан, уй
 ходимамиз Генрихова, оқсоч Аришадан нима истадим?

Истаганим, излаганим Твер хиёбонидаги Пушкин ҳайкали атрофидаги
 занжирланган эрк исёнларимиди? Йўқ. Улар ҳамини менинг юрагимда эди. Йўқса,
 нега ҳиссиётларим бунчалар чопарди, бу қадар учарди? Нимага етолмасдим? Нени
 туюлмасдим! Пушкинона чорловларними, видоларними?

* * *

Кутавериб, тоқатим тоқ бўлди. Қачон сафарга чиқамиз? Қа-чон? Сабримнинг сўнгги томчиси узилай-узилай деб турганида Надя Иловайская /М.И.Цветаевани отасининг биринчи хотини В.Д.Иловайскойнинг қариндошларидан бири/ ташриф қоғози келди. Денгизга таклифнома! Умрим бўйи бу қадар чиройли қоғозни кўрмаган эдим. Кўкиш тусли қайинлар, қоронғуликдан қоचाётган осмон, юпқа тортаётган булутлар, пориллаётган ой, чўққилардан бошланган денгиз суврати бор эди таклифномада. Ундаги ҳар чизги: Тезроқ келинглар, дея чорлаётган эди.

Бирпасда мен бу мўъжизакор қоғознинг хўжайинига айландим. Қўлимга ҳам, кўзимга ҳам ишонмайман уни. Бировга бериб қўйса-я, бировга кўрсатиб қўйса-я, деган хавотир доим ёнимда пичирлаб туради... Кўрсам, берсам бу мўъжизакор қоғознинг сеҳри заифлашадигандай...

Уни энг севимли китобларимнинг энг севимли саҳифаларига бекитиб қўяман. Бекитиб қўйган жойларимдан денгиз шовуллаб туради. Мен, фақат ўзимгина бу қудратли товушларни эшитаман. Эҳ, қанчалар ажойиб эди ўша дамлар. Чинакамига ҳаёт деса бўларди ўша кунларни. Орзуларим, қувончларим бир лаҳзага бўлса-да, кичраймади, улканлашгандан улканлашаверди. Мен умримнинг бундай лаҳзаларини ҳеч қачон эсимдан чиқармайман. Муся, Марина фақат ана шундай кунларда яшаган, қолган дамларда...

* * *

— Ася, Муся, қаранглар - денгиз!

— Қани?

— Ана, ана-ку!

“Ана”га ўзимизни ташлагудай термуламиз. Ўрмон дейишга мутлақо арзимайдиган ёғочзор, пастроқда бир текис сув, худди кўпираверганидан кимдир сапчиган тўлқинлар бошларини шарт узиб ташлагандай – теп-текис. Ася икковимизнинг ҳафсаламиз пир бўлди. Онам бир қарашдаёқ буни ҳис қилдилар:

— Бу - Генуэс қўлтиғи. Сувнинг шиддати бу жойда ҳамиша пасаяди. Чинакам денгизни эртага кўрасизлар.

Эрталаб эрталарга уланаверди. Аммо денгизга борадиган йўл кўринмасди. Қайси йўлга тушсак ҳам бизни торгина кўчада қунишиб турган меҳмонхонага ё унга ёпиштириб қурилган уйлар тизимига бошлаб борарди. “Денгиз”га қарагим келмасди, чунки унинг қўлтиқ эканини аллақачон билиб олган эдим.

Аммо ҳақиқий денгиз сира хаёлимдан кетмасди. Қўлларим, кўзларим, юзларимда ҳайқирарди бу денгиз. Аммо ҳар нарсанинг кўтарилиши, баландлиги, тушкин лаҳзалари бўлганидек, денгизга бўлган ишонч, иштиёқим ҳам оҳиста сўна бошлади. Отам онамнинг иссиғини ўлчаб: “Болақайлар, ва ниҳоят бугун кечқурун денгизни кўрасизлар”, дегани менга оддийгина “Ухлаб турасизлар” дегандек эшитилди.

Билсам, бу бекорга эмас экан. Бир-икки соат ўтар-ўтмас уйимиздаги вазият ўзгарди. Кўчишимизга тўғри келди. Бутун кучимиз перронлардаги кутишга, юк тушириб, киритишга, “Рус пансионати”га етиб келишга ем бўлди. Шунгача тун яримладию онамнинг иссиғи кўтарилиб кетди, ахволи оғирлашди.

Онамнинг тепасида туриб, денгизга бўлган севгим, соғинчимни ёмон кўриб кетдим, ундан кўра Яратган Эгамга онам учун илтижолар қилсам бўлмасмиди? Онажоним, мен энди денгиз билан дийдорни эмас, Худодан сизнинг жонингиз, азиз жонингизни сўрайман...

Бу илтижом қанчалик чин бўлмасин, мени кўринмас бир қудрат денгиз билан абадий боғлаган эди.

Мана, у! Денгиз. Орамизда тун. Икковимиз туннинг икки қирғоғидамиз. Тонг отгандагина мен Денгиз билан туташаман. Балки у ҳам менга севгилисига интилгандай интилгандир. Балки тўлқинлар туннинг қора кўзларидан ўпиб: “Марина, Марина!” дея эҳтиросли шивирлагандир. Мени кутгандир, соғингандир. О, художоней, ахир, мен ҳам денгизнинг эҳтиёжман-ку! Икковимиз ҳам эҳтиёж болаларимиз.

Биласизми, айнан шу қабатимда мени ҳамма тушунаётганга ўхшайди. Дунё денгизлангандай, бўронми, пўртамнами босиб келаётгандай.

Бу тасаввур эмас, бу қаттиқ истак. Ахир, ҳаммаси шу ҳолича, сукунатда абадий қолиши мумкин эмас-ку. Сукунат ҳам жаранглайди-ку, гулдурос солади-ку.

* * *

— Ҳидини сезяпсанми? Оҳ, оҳ! – деди Валерия тонгда.

Сезмай бўларканми? Денгиз ҳиди гуркираб кетди. Ташрифномадаги сувратига термулиб қувончдан юрагим ёрилай деганди... Қани, мен кутган денгизми шу? Нега руҳим жисмнигина ечиб ташлаб, оппоқ тўлқинларига қўшилиб гувилламайди? Нега шеър қуюлиб келавермайди, нега оддий ҳаяжон?

Балки, менинг кутганим бошқача денгиздир... ҳа-а...

* * *

Энг аввал кўзларим чиқиб кетди денгизга вужудимни ташлаб. /Орадан ўн саккиз йил ўтгач, мен Блокка худди шундай кўз билан термулганман/.

— Бу чўққининг номи росаям қизиқ - Бақа, – уй эгасининг ўғли Володя бизни ён-атроф билан таништира бошлади.

Биздан бир қадамча нарида сув! Қайроқ тошлар ярқирайди.

— Пастда гор бор, бу жойларнинг бари бизники. Эҳтиёт бўлинглар, йиқилиб тушманглар.

Аксига олгандай, йўл кўрсатувчимиз гапини тугатар-тугатмас, йиқилиб тушамиз. Бошдан-оёғимиз шалаббо бўлади. Володя сурғалаклаб олиб чиқиб тошга ўтқазади. Кўйлақларимни қуритгим келмайди. Ася билан Володя тош теришга тушиб кетишган. Мен эса бутун борлигим билан сувга тикиламан. Ярқирайди. Синади, бутунланади. Чўққига узайиб, бармоғим учиди ёза бошлайман.

Алвидо, эй асов ғалаён!

Сўзлар чўққига сиғмайди, пастга тушаман. Яқин атрофда ёзса бўладиган силлиқ жой йўқ. ҳарфларни сиқштираман. Шамол кўзғалади. Тўлқинлар чопа бошлайди. Мен эса тўлқин етиб келгунча ёзиб тугатаман:

АЛЕКСАНДР СЕРГЕЕВИЧ ПУШКИН

Аммо тўлқин тилларини осилтириб югуриб келади, ҳарфларимни ювиб юборади. қоп-қора тош билан ёлғиз қоламан.

* * *

Денгизга узоқ интилган бўлсам ҳам илк учрашувданоқ севиб қолганим йўқ. Ҳаммаси аста-секинлик билан юз берди. Қайроқ тошчалар териб денгизга ташлайман. Такрорлардан ниманидир қаттиқ кутаман.

Орадан ўттиз йил ўтгач, билдимки, денгиз бу сувлоқ эмас. Александр Сергеевичнинг дунёси экан. Мен бу ғалаёнли дунёга ёлғиз ўзим эмас Байрон, Напалеон билан, тун орзулари, кундузнинг ишончлари билан интилган эканман. Кейинчалик ўрта Ер денгиз бўйлари, Қора денгиз, Бақалар чўққиси, Атлантида уммони дея аталган улкан сувлоқларда ўша мурғак пайтимдаги ташрифномадагидек поёнсиз денгиз кўрмадим.

Денгиз ва Пушкин тасавурида мудом ёнма-ён яшади.

Денгиз Пушкинни кутади.

Пушкин, қайтаман, дея ваъдалар қилади.

Тасавури шу қадар чексиз эдики, доим бу чексизликдан шошиб, оташланиб, адашиб юардим. Шу оташланиш, адашиш ўзим учун қанчалар ёқимли эканини айтиб тушунтира олмайман.

Мен чўққига қайта-қайта “Алвидо, эй асов ғалаён” деб ёздим. Аммо бу видо мендаги ғалаённинг интиҳоси эмас, ибтидоси эди. Мен жонажон денгизим – Пушкин дунёсида муттасил ғолибликни ўргандим, қўрқувни унутдим. Зулм, ўлим – бари-бари денгиз тўлқинларида ювилиб кетажак, йитажак хас-чўпга ўхшаб туюлди.

Мени ана шу хаёлот улғайтирди, юраклантирди. Тўлқинлар гулдурос солиб, тонгги, шомги шафақлар аксида ёлқинланиб, мен билан йиллардан-йилларга ўтаверади. Шеърят, шеърятим, ўзим Денгизга қўшила бошладик. Шунда қачонлардир севганим видо сўзининг кучи заифлашганини ҳис этдим. “Салом”га ишқ, ишонч боғладим. Ҳар эрк соғинчи, ҳар қулликка исён, ҳар қўзғолиш, ҳар гулдуросда уйғона бошладим.

Уйғона бошладим.

1937 йил.

* * *

Рус халқи, дунёдаги барча эрксевар халқлар адабиёт ихлосмандлари Марина Цветаева асарларини соғиниб ўқийдилар. “Менинг Пушкиним” шоиранинг исёнкор руҳи манзаралари сувратланган машҳур асарларидан бири. Марина бу асарни 1936 йил охирларида – Россия баҳайбат эрксизлик исканжасида сиқилаётган, ҳурликка ташна бир пайтда ёза бошлаган эди

Рус шеърятининг қуёши дея шуҳрат қозонган Александр Сергеевич Пушкинда ёш Марина ўз қалбини ҳис этади.

Пушкин шеърятини унга Озодлик бўлиб туюлади. Зулмга қаршилик тимсоли бўлиб тасаввурига ўрнашади. “Менинг Пушкиним” ана шу тасаввурлар ҳосиласи ўлароқ дунёга келди. Муаллиф шоир шахси, шеърятни узоқдан кузатмайди. У билан бирга нафас олади, бирга азобланади, бирга курашади.

Бу азобланиш, курашлар ростлиги учун ўқувчини ҳам ўзига эргаштиради.

Барча йўллар, йилларни, шеърят ва воқеаларни Марина Цветаеванинг Пушкинга бўлган беҳад улкан муҳаббати ва ихлоси бирлаштириб туради. Ҳар бир халқни Тангри шундай муҳаббат билан сийласин, ҳар бир халқни шундай ихлос билан севсин, дегинг келади асарни ўқиб.

Ойгул СУҲОНДИКОВА
Қутлибека РАҲИМБОЕВА
таржимаси



Чўлпон ва Камю

“Кеча ва кундуз” ва “Бегона” романларининг айрим
типологик хусусиятлари

XX аср жаҳон адабиётига бир қатор буюк сўз санъаткорларини берди. Улар ўз ижоди билан жаҳон адабиёти хазинасини бойитдилар. Адабиёт майдонида шуҳрат қозонган ёзувчилар қаторида Альбер Камю ҳам бор. Яқин-яқингача Альбер Камю бизнинг тасаввуримизда яримфасонавий деб номласа бўладиган Фарб мутафаккирлари ва сўз усталари қаторига кирарди.

1960 йилнинг қишида Камю автомобиль ҳалокатида ҳалок бўлади. Дастлаб Камю билан яқин дўст бўлган, кейинчалик эса ажрашиб кетишган, Сартр “Камю билан видолашув” мақоласида Фарб маънавий ҳаётида унинг ўрни ва сиймосини тасвирлаб берди: “Камю бизнинг асримизда ва жорий тарихга қарши баҳсларда ахлоқпарастлар қадимий тоифаларининг бугунги вориридир. Бу ахлоқпарастларнинг ижоди француз адабиётидаги ўзига хос саҳифани ташкил қилса ажаб эмас. Камюнинг тор ва соф, шафқатсиз ва ҳиссий қатъиятли гуманизми нима билан тугаши мужмал бўлса-да, даврнинг қақшатғич ва бадба-шара эпкинларига қарши кураш олиб борди. Шунга қарамай, у ўжарлик қилиб айтилган “Йўқ”лари билан макиавелличиларга хилоф ўлароқ, корчалонликнинг олтинларига хилоф ўлароқ унинг қалбидаги маънавият қатламларини мустақамлайди.”

1913 йил 7 ноябрда Жазоир шаҳри яқинидаги қишлоқда француз ишчиси оиласида дунёга келган Камю дастлаб Жазоир университетиде қадимий юнон фалсафаси билан шуғулланди, маърифий ишларга бош-қош бўлди. 1935 йилда у сайёр Меҳнат театрини ташкил қилиб, у ерда ўзи ҳам драматурглик, ҳам

актёрлик, ҳам режиссёрлик қилди. Шу давр ичида унинг лирик эсселаридан иборат икки кичик китоби нашрдан чиқди — “Авра ва астар” (1937) ва “Никоҳ” (1939).

1940 йил баҳорида Камю Парижга кўчиб ўтди ва йирик газеталардан биринда ишлай бошлади. Бўш вақтида Жазоирда бошлаб қўйган қўлёмаларини тугалаш устида ишларди. 1938 йилга келиб адибнинг “Калигула” трагедияси, “Бахтли ўлим” романи; “Сизиф ҳақидаги миф” фалсафий эссеси, “Бегона” романи ёзиб тугалланди. “Бегона” 1940 йил май ойида тамомланганига қарамай, фақат 1942 йилнинг ёзида нашрдан чиқди. Икки йил давомида бу асар Камю билан биргаликда йўл кезди. Дастлаб Клермон-Ферран, кейин Лион, у ердан ўзининг юртига ва озроқ вақт Орандага саёҳат қиларкан, Камюнинг йўл халтасида “Бегона” ҳам унга ҳамроҳ бўлди. Бу орада “Сизиф ҳақидаги миф” асари ҳам тугалланди ва ёзувчининг қўлёмза дафтарида “Вабонинг дастлабки сатрлари қораланди. 1947 йилда чиққан “Вабон”, 1948 йилда “Қамал” ва 1949 йилдаги “Тақводорлар” пьесаси Камюга халқаро миқёсда шуҳрат келтирди.

1951 йилда эълон қилинган “Исёнкор одам” фалсафий памфлети атрофидаги баҳслар ёзувчининг дўсти — Сартр ва сўл зиёлилар билан келишмовчиликка сабаб бўлди. Ўз ғояларини олдинга суришга интилган Камю “Долзарб қайдлар” деб номланган уч китобдан иборат публицистик асар ҳам яратди.

1957 йилда Альбер Камю Нобель мукофотига сазовор бўлди.

“Ёз” қиссаси ва “Кулаш” лирик эссесиде ёзувчи Жазоирда ўтган ёшлик чоғ-

ларини эсласа, “Кувгин ва подшолик” ҳикоялар тўпламида қалб изтиробларини тўкиб солган. Уни кўп доираларда “Ғарбнинг виждони” деб атай бошладилар.

Умрининг охириги йилларида Камю деярли ҳеч нарса эълон қилган эмас. У режиссура билан шуғулланишни лозим топди ва Фолькнернинг “Роҳиба аёл марсияси” ва Достоевскийнинг “Алвастилар” асарини саҳналаштиришга ҳаракат қилди.

Камю 1960 йил 4 январда Париждан — рождество кунларидан қайтаётиб, автомобиль ҳалокатига учради. Ўлимидан кейин унинг ёзув столидан, фақатгина, “Биринчи одам” деб номланган қиссининг дастлабки саҳифалари ва ён дафтарчалари топилди, холос.

Буюк сўз усталари реалистик адабиётга янги имкониятларни очиб бердилар. Камю ижодида инсон янада ёрқин ва кенг тасвирланади. Шундай асарлардан бири Камюнинг “Бегона” романидир. Шундай бўлиб чиқдики, ўзбек адабиётида бу романнинг даракчиси ҳам эълон қилинди. Бу Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи эди...

Камюнинг катта шов-шувларга сабаб бўлган “Бегона” қиссаси — XX аср француз адабиётининг машҳур асарларидан бири. Бу асар ҳақида кўп ёзишган ва ёзишяпти ҳам. Кўпгина баҳсларга сабаб бўлган бу қиссанинг бош қаҳрамони — Мерсо атрофидаги мулоҳазалар турли фикрларни келтириб чиқаради. Қаҳрамонни гоҳида ахлоқ-одоб нормаларидан чиқиб кетган, деб айблашса, гоҳида эгулик ва ёвузлик нормаларидан устун турувчи қандайдир мавҳум қаҳрамон сифатида талқин этишди. Асарни ўқиган китобхон жазоирлик камсуқум хизматчи Мерсонинг ҳаётида рўй бераётган муҳим эпизодларни бир қаторга териб кўриши мумкин: ғарибхонада онасининг тобути ёнида ўтган тунги бедорлик, ёзнинг жазирама иссиғидаги дафн маросими; эртаси куни бирга ишлаган аёл билан бўлган учрашув ва икки ёшнинг шаҳвоний эрмаги; якшанбадаги сафарда тасодифий танишлари билан денгизга бориши ва қасддан қилинмаган жиноятнинг содир этилиши; жиноятчи устидан ўтказилган тергов ва суд. Суддан сўнг ўз жазосини кутаётган бахтсиз қотил хоҳласак ҳам, хоҳламасак ҳам ҳукмнинг ҳаққоний ёки ҳаққоний эмаслиги тўғрисида бизни ўйлашга мажбур қилади, олий судга, яъни — инсон виждони судига мурожаат қилишга даъват

этади. Қонун ҳимоячиларининг адолатсиз ҳукми ҳам ўз-ўзидан жиноятдир. Асар биринчи кўринишда содда, ўзининг “тарифдор” ва “қарши”лари билан диққатини тортади ва тинчлик бермайдиган бошқотирмага айланади. “Бегона”ни баён қилувчисидан ярамас ва ваҳший маҳлуқ ва донишманд, разил инсон ва халқ ўғлони, инсонийликдан махрум ва инсониятдан юқори турувчи шахсни кўришади. Камю аввал ҳайрон бўлар, кейин жаҳли чиқарди. Охирига бориб эса ўзи бу чалкашликларни ошириб юборди, унинг кўзида бу “биз арзийдиган ягона Худо” (Христос) эканлигини маълум қилди.

Ҳозирга қадар ўзбек адабиётшунослигида “Бегона”нинг “Кеча ва кундуз” билан ўзаро муносабати муаммоси кўтарилмаган.

Камюнинг “Бегона” қиссаси билан Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи деярли бир вақтда яратилган. Мақолада Чўлпон ва Камю романларида ёзувчилар қўллаган айрим усуллар чоғиштирма таҳлил этилади. Шу билан бирга Камю ва Чўлпон қўллаган стилистик усулларнинг умумий типологик ўхшашликлари аниқланади.

Энди бевосита романларга мурожаат қилайлик. Чўлпон романида Зеби атрофидаги воқеалар қандай содир бўляпти? “Зеби шундай бир отанинг қизиким, унинг қўлида ҳар қандай кучли майллари ҳам юганлаб тутмоққа, кўнгилнинг ҳар бир ҳавас ва тилагини кўринган жойида бўғиб ташламоққа тўғри келади”.

Зебини ўз ихтиёрисиз мингбошига эрга беришди. У қанча уринмасин, охиروқибатида хотинликни тан олади... Мингбоши ўлди ва унинг ўлимида Зебини айблашяпти. Зебининг бу ўлимга ҳеч ҳам дахли йўқ. Бизни қизиқтираётган нарса — унинг устидан олиб борилаётган тергов ва суд жараёни.

Иккала воқеада ҳам жиноят содир этилган. Бундай олиб қараганда, фарқи шундаки, Мерсо пистолетдан ўқ узиб, одам ўлдирди, Зеби эса жиноят қилгани йўқ, лекин ҳар иккаласи жазога ҳукм қилинган. Бироқ Мерсони содир этилган қотиллиги учун эмас, балки онасига (онасининг ўлимидан кейин) бўлган муносабати учун айблашяпти. Икки қаҳрамон тақдирида ўхшашлик бор. Асарлар ҳар иккала ҳолда ҳам китобхонни XX асрнинг тарихий-маънавий чорраҳасига олиб чиқади: Чўлпонни ҳам, Камюни ҳам адолатсизлик билан якка-

ма-якка қолган ёлғиз шахс тақдири, дунёси қизиқтиради.

Акбарали мингбошининг ўлдирилиш саҳнаси “Кеча ва кундуз” романининг сюжетига (“Бегона”да арабнинг ўлдирилиши) бурилиш ҳосил қилади. Бу саҳна асар йўналишини бир-бирига мурожаат қилувчи қисмларга ажратади. Биринчи қисмда Зебини турмушга бериш воқеалари, мингбоши уйдаги шароит, кундошлар билан бўлган муносабатлар; иккинчи қисмда эса Зеби устидан тергов ва суд жараёни ҳақида сўз боради. Биринчи қисмдан китобхонга таниш бўлган фактлар иккинчи қисмга ҳам киради, бироқ қонун ҳимоячилари талқини остида умуман бошқа мазмун касб этадики, Зеби уларни тасаввур қилиш у ёқда турсин англаб етиш имкониятига ҳам эга эмас. Маълумки, суд жараёни рус тилида олиб борилади, савол-жавоб тилмоч ёрдамида ўтади. Бу эса Зеби вазиятини янада қийинлаштиради...

Жаҳон адабиётшунослигида кўпчилик ёзувчилар ўз асарларига “ойна” образини киритадилар. Бу билан улар тасвирга аниқлик киритадилар. “Ойна” образи Джойс, Пруст, Набоков асарларида қўлланилган. Шу билан бирга Камю ва Чўлпоннинг биз кўриб чиқаётган асарларида ҳам ойна образи киритилганини гувоҳи бўламиз. Бу ўринда Камюнинг сўзларини эслаш жоиз: “...китобнинг мазмуни икки қисмнинг фақат параллел келишидан ташкил топади. Иккинчи қисм — бу ойна, лекин шундай ойнаки, ҳақиқатни таниб бўлмас даражага олиб чиқади”. Бу фикрни далиллаш учун “Бегона”дан парча келтирайлик: “Ҳимоячи ҳирқасининг кенг енгларини ҳилпиллатиб, баралла хитоб қилди:

— Мана, қанақа экан бу жараён! Ҳаммаси тўппа-тўғри ва ҳаммаси тескарига бурилган!”

“Кеча ва кундуз” ва “Бегона”нинг қисмлари орасида (суд жараёни парчалари назарда тутиляпти) китобхонда абсурд туйғусини туғдирувчи тафовут борлиги сезилади. Зеби ва Мерсонинг ҳақиқий ҳаёти ва суд аҳлининг буни қандай “кўриши” орасида номутаносиблик вужудга келди. Худди мана шу нарса ёзувчиларнинг бадий тизимида етакчи асимметрия (абсурд)дир.

Иккинчи қисмда Чўлпон ҳам, Камю ҳам ўз қаҳрамонларини суд аҳлига юзмаюз кўяди, шунда ҳам тергов давомида улар фақат саволларга жавоб берадилар (эслатиб ўтамиз, Зебининг аҳволи Мерсоникидан ҳам оғирроқ), лекин улар-

нинг эътирофлари қонун ҳимоячиларининг ақлига сигмайди. Агар Мерсо жамият қонунларига риоя қилмас экан, бу билан у ҳеч нарсани яширмайди, ҳеч нарсани бўрттирмайди, ёлғондан нажот кутмайди; Зеби бўлса, жамиятда бундай ўйинлар мавжудлигидан умуман беҳабар: “Зеби суд раисининг бола эмаслигини қайдан билсин? Шу ерда ўтирган шунча эркакнинг ойдайд равшан бир нарсани англамасликларини қайдан билсин? “Ўрис-мусулмон бўлиб шунча одам ўтирибди, ахир. Мингбошини ўлдирган Зеби эмаслигини ҳаммаси билади. Билиб туриб яна қайталаб сўрай бергани қизиқ! Ё ўсмоқчилаб сўрармикин?”

Суд раиси гапирмоқчи бўлиб ўридан турган вақтда Зеби — “ана, сўроқ тамом бўлди. Энди уйимни қандай қилиб топиб бораман?” деб ўйлади. Мана, Зебининг фожиаси! Унинг тақдири ҳал бўляпти, у эса уйини топиб бориш хавотирида. “Суд раиси қандай ҳукм чиқарар экан” деб, у ҳатто хаёлига ҳам келтирмайди. Зеби ўзига ишонади, “ахир, ўлибдими, ўз эрини ўлдириб”. Шу ўринда Зеби психологиясига хос бўлган яна бир хусусият кўзга ташланади. Ёзувчи Акбарали образини таърифлашда, унинг нақадар “бадбашара, ўлгудек хунук, одам кўрса кўрқадиган хотинбоз” эканини айтади. Шуларга қарамай, Зеби ҳаммасига кўнди ва ҳатто фарзанд кўриш ниятида. Ахир, чойнақдаги сув “ирим сув” эди-ку! Мингбошининг ўлимида Зеби айбдор эмас, — бунга ишончи комил, чунки чойнақдаги сувни ўзи берган бўлса ҳам, ичига заҳар солинганидан хабари йўқ. Бу масаланинг бир томони. Тарознинг иккинчи палласида суд аҳли турибди. Айбнома хусусида уларнинг фикри, умуман, бошқа. Зеби ўз айбини инкор этмоқда, суд аҳли эса айбига ўзи иқдор бўлганини таъкидламоқда, мана шу икки қарама-қаршилиқ юқорида айтганимиздек, абсурдга олиб келяпти. Ҳам Мерсо, ҳам Зеби устидан ўтказилган “ҳаққоният маросими” абсурд элементларига бой. Шундай қилиб, ҳар иккала вазиятда қаҳрамонларнинг суд аҳли билан тўқнашуви бу ноошкор ва уюштирилган зулми мужассамлаштирувчи жамият билан учрашувдир. Зеби ҳам, Мерсо ҳам самимий. Ҳар иккала қаҳрамон ижтимоий шахс эмас, лекин суд аҳли уларнинг аввалги ҳаёти лавҳаларидан ўзлари учун керак бўлган ашаддий жиноятчи образини яратадилар. Романга мурожаат қилайлик. Мерсо прокурорнинг айбловидан ҳайратга тушади:

“ — Жилла қурмаса, у афсус қиялп-тими? Гўё ҳеч нарса бўлмаганди! Тергов давом этган шунча вақт ичди бирон марта бу одамнинг ўз қилмишига сал-пал бўлса ҳам пушаймон бўлганини эшитмадик, деган гапи қулоғимга етиб келгунча, уни эшитмай қўйдим... Бунақа ёвузлик, деди у, сира ақлга сифмайди. У инсоний суд жиноятчига шафқатсиз жазо беришига умид қилишга журъат этади. Лекин у ҳатто бундай мудҳиш жиноятдан ҳам менинг тошбағирлигимни кўрганчалик даҳшатга тушмаганини кўрқмай айтади. У шундай ёндашади: тошбағирлиги билан ўз онасини ўлдирган одам отасига жинояткорона қўл кўтарган одам билан баб-баравар инсониятдан юз ўгиради. Ҳарҳолда, биринчиси иккинчисининг қилмишларига йўл очиб беради ва маълум маънода, бу қилмишларга бошланғич бўлиб, уларни муқаррар қилиб қўяди.”

Прокурор Мерсони айблов нутқида унинг қанчалар разил, ўз онасининг қотили (аслини олганда Мерсо онасини эмас, арабни ўлдирган!) эканини “тўлқинланиб” гапиради. Айбланувчи онасини дафн қилиш маросимида йиғламаган, ўликнинг тобути тепасида таклиф қилинган қаҳва ва сигаретдан бош тортмаган, булар прокурорнинг фикрича, “бу одамни онасини кўмган кунни кўнглида жиноятчи бўлгани”ни исботловчи далилдир. Худди шу ўринда Зебига билдирилган даъволарни эслайлик: “Прокурор ўрnidан туриб, икки қўлини столга қўйди-да, ярим энгашиб туриб деди:

— Мен бу таклифга қарши эмасман. Албатта, менинг бу масалада бошқа мулоҳазаларим бор. Мен уруш вақтининг нозик пайтларида бўлган бу ўлдиришга оддий ўлдириш каби қараёлмайман. Ўлдирилган одам Русия давлатига ва подшога садоқати билан танилган одам эди. Уни “ёш сарт” махфийлари, айниқса, уларнинг душманимиз бўлган Туркия билан фикран боғланишган унсурлари ёмон кўрардилар. Мен бу “сода” ва “гуноҳсиз” сарт аёлининг шундай унсурлар қўлида ўйинчоқ бўлмаганига амин эмасман...

Мана шу нуқталардан қараб, мен бу “содадил”, “ювош” ва “гуноҳсиз” сарт қизига энг олий жазо талаб қилмоқчи бўламан”. Шу билан бирга романда калтабин адвокат, инсофсиз прокурор, (Толстойнинг “Тирилиш” романидаги касбдошига ўхшаб, у ҳам ишни тезроқ аяқлашга ошиқади) сохталikka тайёр

суд раиси иштирок этувчи судга карикатура берилган.

Аслида, Мерсонинг иши унинг аралашувисиз ўтди:

“Мерсонинг ҳимоячиси сўз олди: “Ахир, уни нимада айблашяпти ўзи, — деб қичқириб юборди у, — одам ўлдирганидами ё онасини кўмганидами?!”

Прокурор қўллари ни паҳса қилди, мени айбдор ва тарикча ҳам шафқатга арзимади, деб айюҳаннос солди. Менга фақат бир нарса сал-пал ноқулай бўлди, ҳар қанча ўйга чўммай, бари бир, ҳар замонда гап кўшгим келди, лекин ҳар гал ҳимоячи:

— Жим туринг! Ўзингизга яхши бўлади, — деб изн бермади. Шундай бўлиб чиқдики, менинг ишимни мени аралаштирмай кўришди. Ҳамма нарса менинг иштирокимсиз бўлди. Тақдирим ҳал қилинжяпти, лекин мендан ҳеч ким ўзинг бу ҳақда қандай фикрдасан, деб сўрамади.”

Роман якунида алам доираси ўралиб қолди. Шундай қилиб, қудратли ёлгон механикаси билан заҳарланган Зеби ва Мерсо ўз ҳақиқатлари билан қолдилар.

Жамият Мерсони гильотинга жинояти учун юбормайди (арабнинг ўлдирилиши ҳақида моҳиятан сўз бормайди). Зеби тақдирида ҳам худди шундай. Агар жамият шундай йўл тутган экан, демак, ундан ҳам оғирроқ жиноят содир бўляпти.

Чўлпон ҳам, Камю ҳам инсон ҳимоясига туришга ҳаракат қилишди. Улар қаҳрамонни сунъийликдан озод қилишди. Роман устида ишлаш жараёнида бу икки ёзувчи ҳақиқат муаммоси билан алоқада бўлган озодлик муаммосини ҳал қилишди. Бу тезисни исботлаш учун Чўлпон ўз қаҳрамонини сунъий бегоналик вазиятига қўяди. Аслида, Зебининг устидан олиб борилган суд жараёни ҳам (худди Мерсо каби) қаҳрамон иштирокисиз ўтади. Ҳар иккала ёзувчининг суд жараёни тасвирланаётган парчасига синчковлик билан назар ташласак, бу эпизод саҳна кўринишига айлангандек бўлади: қаҳрамонларнинг костюмлари, декорациялар (стол, курсилар, кресло, кўзойнак қутичаси, вентилятор...). Ҳар икки романга мурожаат қилайлик: “Суд мажлиси бўладиган кенг залда шамоллар учиб ўйнардди. Қатор-қатор тизилган Вена курсилари ҳафталик уйқуларидан ҳали ҳам уйғонмаган эдилар. Энг олдинги қаторда ҳоким, нойиб, гарнизон бошлиғи, полиция бошлиғи, поп, учинчи қатордаги энг чекка курсида оппоқ

ва зўр саллалани чол — жомеъ мачитнинг ингичка овозли имоми ўтирарди. Бир томонда — закунчи, бир томонда — тилмоч; бошқа ҳеч ким йўқ.

Зеби икки конвойнинг яланғоч қиличи ўртасида залга кириб келди; устида қора барқут паранжи, қора чиммат, оёғида амиркон маҳси-калиш билан суд қаршисига келиб тўхтади. “Келтирилган парча тайёр саҳна кўриниши ва биз яна абсурд элементларга дуч келамиз: “зўр саллалани чол — жомеъ мачитнинг ингичка овозли имоми”; “Зеби икки конвойнинг яланғоч қиличи ўртасида залга кириб келди”. Чўлпон зўр саллалани чолни тасвираб туриб, унинг овози ингичка эканини таъкидлаб ўтади; биз учун бегубор, дили ҳам, тили ҳам пок, ўзи ҳимояга мухтож бўлган Зебини, ваҳший жиноятчини ушлагандек, яланғоч қиличи ўртасида залга олиб киришади.

“Бегона”даги парчани ҳам кўриб чиқамиз:

“Чап ёнимда тарақлатиб курси суришди, ўгирилиб қарадим — баланд бўйли, пенсне таққан қотма бир одам қизил ҳирқасини ҳафсала билан тўғри-лаб энди ўтираётган экан. Бу — прокурор эди. Суд ижросиси суд келатганини эълон қилди. Айни шу пайти иккита баҳайбат вентилятор гувиллашга тушди. Уч киши — суд кирди — иккитаси қора, биттаси қизил ҳирқа кийган, ҳар бирининг қўлтиғида қоғоз солинган жуздон, тез супага йўл олдилар, қизил кийгани ўртадаги курсига ўтирди, папоғини рўпарасидаги столга қўйди, тепакалинни рўмолча билан артиб, суд мажлисини очик, деб эълон қилди.

Мужбирлар аллақачон қаламларини шайлаган эдилар. Уларнинг юзи беғам ва жиндайгина истеҳзоли кўринарди. Айтгандай, юпқа кулранг костюм кийган, ҳаворанг галстукли, уларнинг ичида энг ёш биттаси ҳали рўпарасидаги столда ётган ёзғичини қўлига олмай, фақат менга тикилиб ўтирган эди.”

Саҳна кўриниши элементлари биз кўриб чиқаётган романларда жонли тасвириланган яна бир парчани киритмоқчимиз: “Эрталаб етти яримда келиб, қамоқхона машинасида мени суд биносига олиб боришди. Иккита миршаб мени зах тортган бир ҳужрага олиб кирди, бу ерда қоронғилик ҳиди анқирди. Эшик одида кутиб ўтирдик, эшик нарёғидагилар эса гаплашади, бир-бирини чақиради, курсиларни суради, хуллас, гала-говур, талатўп, гўё концерт ўтиб, энди жуфт-жуфт рақс тушишга хона

ўртаси бўшатилаётган хайрия оқшомига ўхшайди. Миршаблар ҳали мажлис бошлангани йўқ, деб айтишди, бирови менга сигарет тутди, мен рад қилдим. Салдан кейин менга кўрқмаяпсизми, деди, мен йўқ, дедим. Қай бир маънода менга ҳатто қизиқ эди, кўрай-чи қанақа бўлар экан, ҳали бирон марта судга тушиб кўрмаганман.” “Бегона”да суд бошланиши олдидан бўлаётган саҳна тасвириланаётган бўлса, “Кеча ва кундуз”-да суддан кейинги саҳна тасвириланади:

“Суддан сўнг уёқ-буёқда тартибсиз қолиб кетган курсилар бозорчиларнинг карвонсаройга боғлаган отлари сингари бир-бирларига тескари эврилганлар...” Кўрамазки, ҳар икки ёзувчи суд залининг тасвирига бефарқ қарамайди. Шу билан бирга бир-бири билан боғланмаган, тарқоқ диалоглар — драматик ҳолатни кучайтирувчи парчалар ҳам келтирилган: “Закунчи суд раисининг муурожаатини кутмасданоқ ўрнидан турган эди:

— Мен ҳам сўз айтишдан воз кечаман! — деди у, яна дарҳол жойига ўтирди.

Суд ҳайъати ўрнидан туриб, ичкарига чекинди.

“Ана, — деб ўйлади Зеби, — ўзим айтган ҳамма гап ойдай равшан... Энди уйимни топиб кета олармикинман?”

“Бегона”да Мерсонинг кўшнисини Селест гувоҳлик бераётиб, содир этилган жиноят хусусида шундай дейди:

“—Мен шундай ҳисоблайман, бу бахтсизлик. Бахтсизлик нима, буни ҳамма билади. Бахтсизлик қаршисида ожизсан одам. Мана, шунинг учун ҳам буни бахтсизлик, деб ҳисоблайман. У яна давом этмоқчи эди, аммо раис, жуда яхши, раҳмат деди. Лекин, бари бир, у яна баъзи нарсаларни айтмоқчи-ман, деб туриб олди. Ундан қисқароқ қилишни сўрадилар. У яна менинг бахтсизликка учраганимни қайтарди. Шунда раис:

— Ҳа, тушунарли, — деди. — Лекин биз ҳам сиз айтаётгандақа бахтсизликни суд қилиш учун бу ерда турибмиз. Раҳмат сизга.” Мерсо жараён давомида пушаймон бўлмади, балки қонун ҳимоячиларига бегоналарча ва ҳайрат билан қарайди. Бахтсиз қотилнинг қадамма-қадам гильотинга яқинлашиши, унинг қилмишлари муфассал ва бир-бирига зид ҳолда таҳлил қилинган. Мерсо шаънига мақтовлар ҳам, таъна, гина-кудурат ҳам айтилган. Хуллас, маълумот ва фикр, мулоҳазалар керагидан ортиқча. Қайси бир парчани ўқимайлик, дастлаб-

ки фикр ўзгармай қолади: у “бегона”. Лекин нимага бегона? Бу ўринда Камю шубҳа қолдирмайди: гайриихтиёрий қотил атрофдагиларнинг ўйинини ўйнамагани учун жазога ҳукм қилинган. Бу маънода у ўзи яшаётган жамиятга ёт. У ҳаётда бошқалардан нарироқда юради. У ёлгонни рад этади... Бор нарсани гапирди, ниқобланишни четлаб ўтади, жамиятда ўзини таҳдид остида сезади.

Омади келмаган судланувчи — ҳимоя ва айблаш ўйинида ортиқча, унинг ҳаёти тикилган бу ўйин қоидаларини англамайди. Ўйин иштирокчиларининг юришлари сирли, бу Мерсога залда бўлаётган йиғилишнинг “хаёлда бўлаяптими” деган фикрни уқтираётгандай

бўлади. У ҳайрон, чунки чиндан ҳам тушунмайди. Бироқ бу тушунмовчилик ўзига хос ожизлик эмас, балки сергаклидир.

Чўлпон ҳам, Камю ҳам адабиёт тарихига ўзига хос услуб асосчиси бўлиб кириб келдилар. Уларнинг асарлари жаҳон дурдоналари қаторидан жой олгани бежиз эмас. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, маълум бир шароитдаги инсонни тасвирлашда, бири иккинчисидан беҳабар ҳолда мана шундай икки асар дунёга келди. Бунинг сабаби, албатта, адабиёт қонунларига бориб тақалади, яъни бу сўз санъаткорини бирлаштирувчи, уларнинг ягона мақсадга ундовчи ҳаёт ҳақиқатидир.

*Шаҳноза ТЎЙЧИЕВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси аспиранти*



Жавоҳирлар сандиги

“Ўзбек тилининг этимологик луғати”

Тошкент-2000

Миллий тилдаги луғатлар мулоқот маданиятининг қудратли қуроли бўлиб, улар айна чоғда шу маданиятнинг маҳсули ҳисобланади. Шундай экан профессор Шавкат Раҳматуллаев томонидан тузилган “Ўзбек тили этимологик луғати”нинг миллат зиёлилари ҳукмига ҳавола қилинишини адолатли демократик жамият барпо этишдек олий мақсад йўлида толмай тер тўкаётган заҳматкаш халқимизнинг XX аср сўнгида ижтимоий-маданий ҳаётида рўй берган қувончли ҳодисалар сирасига кира олади, десак муболага бўлмайди.

Эътироф этиш жоизки, ҳар қандай луғат тузиш ўта машаққатли, оғир ва мураккаб жараён. У луғат яратувчидан кенг қамровли билим, ўткир зеҳн ва салоҳият, қатъий чидам ҳамда бардошдан ташқари бир неча асрлик тил тарихини пухта эгаллашни, тилда содир бўлувчи фонетик, морфологик ва лексик қонуниятлардан юқори даражада бохабар бўлишни, улар негизида илмий ҳулосалар чиқара олишни талаб қилади.

Луғат тузишни игна билан қудук қазиш ёхуд омборхонага устма-уст тўкилган турли дон-дунларни бир-биридан саралашдек заҳматга ташбеҳ қилса тўғри бўлади. Умри давомида бирор юзта сўзни жамлаб, уларнинг пайдо бўлиш ёки асл маъносини аниқлаш ёнки уларга хос маъно нозикликларини изоҳлашдек қийин ишга қўл урмаган киши луғатчининг меҳнатини қадрламаслиги, назарга илмаслиги, луғатнинг кундалик аҳамиятини тўла тасаввур этмаслиги эҳтимолдан холи эмас.

Ҳозирги вақтда муайян мамлакатдаги тилшунослик фанининг ҳолати, қай даражада ривожланганлиги шу

юртда мавжуд бўлмиш тилларда чоп этилаётган луғату қомусларнинг мавзу жиҳатдан ранг-баранглиги, сифати билан ўлчанмоқда. Қатор ривожланган давлатларда лексикографияга оид ишларга катта миқдордаги сармоя ажратилмоқда, луғатшунослик марказлари фаолият кўрсатмоқда, луғатшуносларнинг меҳнати юқори баҳоланмоқда. Зеро, жавоҳирлар ҳазинасидан ҳам қимматли ва аҳамиятли ҳисобланмиш луғат ва қомуслар ажодлардан авлодларга ўтмиш садосини етказувчи, бобокалонлар тил бойлигидан, суронли тарихидан, бетакрор русуму удумларидан, ҳулқу атворидан хабардор қилувчи, мажозий тил билан айтганда, мозийдан ёғду сочувчи мангу қосид вазифасини ўтайди.

Бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек миллатининг бугунги намояндалари Маҳмуд Қошғарий, Маҳмуд Замахшарий сингари номи ўчмас луғатшуносларнинг “Девону луғотит турк”, “Муқаддиматул-адаб” каби ўлмас асарларидан қанчалик ифтихор қилаётган бўлсалар, шубҳасиз, 1997-1999 йилларда тўрт китоб шаклида эълон қилинган, кейин қисқа муддат ичида маълум бир ўринлари қайта ишланиб, яхлит ҳолатга келтирилиб нашрдан чиққан “Ўзбек тилининг” этимологик луғати”дан ҳам керакли даражада баҳраманд бўлади, уни муносиб баҳолайди.

Маълумки, луғат тузиш илмининг ибтидоси эрамиздан аввалги XVII-XVI асрларга бориб тақалади. Инсон тафаккурининг маҳсули сифатида ёзувнинг 5 минг йил муқаддам ихтиро қилиниши тилнинг луғат таркиби ҳақидаги дастлабки тасаввурларни вужудга келтирди. Натижада, Қадимги Миср, Бобил, Месопотамия, Юнонистон, Ҳинди-

стон, Рим, Хитой каби минтақаларда турли ономастиконлар, идеографик, изоҳли, икки, кўп тилли лугатлар дунё юзини кўрди. Бу борада милoddан олдинги 257-180 йилларда Александрияда яшаган тилшунос Аристофон Византийскийнинг том маънодаги илмий лексикографияга асос солишини, эра-мизнинг биринчи асрида юнон олими Памфилнинг ўзига қадар тузилган 95 китобдан иборат лексикографик асарларни умумлаштириши ва тартибга солишини эслашнинг ўзи кифоядир.

Сўзларнинг “асл, чин маъноси”, яъни этимологиясини беришга бўлган уринишларни биринчилар қатори Афлотун (э.а.427-347) қаламига мансуб “Кратил” диалогиди Кратил ҳамда Гермоген орасида нарс-предмет ва унинг номи ҳақида ўтган баҳсга ҳакамлик қилган Сукрот мулоҳазаларида кўриш мумкин бўлади.

Этимология истилоҳини Эллинизм даври фалсафа мактабларидан стоикларнинг атоқли вакили Хрисипп (э.а. 281-209) биринчи бўлиб илмий истифодага олиб кирганига тарих шоҳид. Стоиклар физика, космология, этика ва теология фанларига доир дунёқарашларини баён этишда бевосита сўзларнинг этимологиясидан келиб чиқар эдилар. Бироқ стоиклар берган аксар этимологик таҳлилларнинг асоссизлиги ва сохталлиги кейинчалик аён бўлиб қолган эди.

Абу Райҳон Берунийнинг “Сайдана”, Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону луғотит-турк”, Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддиматул-адаб”, муаллифи номаълум “Таржумон турки, ажами ва мўғали”, “Ат-туҳфауз-закийа фи-л-луғатит-туркийи”, Толи Имони Ҳиравийнинг “Бадоеъул-луғат”, Алишер Навоийнинг “Муҳокаматул-луғатайн”, Румийнинг “Абушқа”, Маҳдийхоннинг “Санглоҳ”, Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғати чигатойи ва турки усмони”га ўхшаш чашмалардан зилол сув ичиб, қуртак отган ўзбек луғатшунослик мактаби Л.Будагов, А.К.Боровков, С.Акобиров, З.Маъруфов, О.Усмонов, П.Шамсиев, С.Иброҳимов, Э.Фозилов ва ўзга ўнлаб олимлар томонидан мумтоз адабиёт дурдоналари тилига тузилган луғатлар, чоп этилган фразеологик, терминологик, изоҳли, энциклопедик ва ҳоказо луғатлар негизида шаклланди, ўзига хос йўлни белгилаб олди.

Мақсад ва вазифалари муайян жиҳатгагина йўналтирилган, номлари юқорида зикр этилган асарларда сўзларнинг асл шакли ҳамда маъноси-

ни аниқлаб берувчи этимологик луғатга тааллуқли тамойилларнинг баъзи унсурлари кўзга чалинса-да, улар тилимизда асрлар оша қўлланиб келаётган туб лексик бирликларнинг том маънодаги этимологиясини очиб беришга нисбатан ожизлик қилар, шу сабабли луғатнинг бундай турига бўлган эҳтиёж жамиятда, айниқса, луғатнависликда яққол сезилиб турар эди. Мавжуд ташналикни маълум даражада қондириш мақсадида биз имконият бори-ча XIX-XX асрларда Х.Вамбери, М.Рясянен, Ж.Клоссон, Г.Дёрфер, Э.Севортян ва ҳоказо хорижий туркийшуносларнинг олмон, инглиз, рус тилларида чоп этилган умумтуркий характердаги луғатларига мурожаат қилар, улардан фойдаланар эдик.

Ўзбек лексикографиясидаги қайд этилган кемтикни бартараф этиш зарурлигини тилшуносларнинг аксарияти яхши тушунса-да, бироқ мазкур вазифанинг ҳаддан зиёд қийин ва мураккаблиги узоқ йиллар давомида унга қўл уришга кўпчиликка изн бермади. Мана шундай жуда мушкул ва масъулиятли, айни чоғда, беҳад шарафли юмушни адо этишни ўзбек тилшунослиги дарғаларидан Шавкат Раҳматуллаевнинг ўз зиммасига олиши олимнинг масаланинг на қадар долзарблигини тўлаллигича англаб етганлигидан, қолаверса, журъату шижоатидан далолат беради.

Этимологик луғатдан ўрин олган лексемаларга берилган таҳлиллар устидаги дастлабки кузатишлар муаллифнинг ўз олдига қўйган мақсадга жиддий ёндашганлигини, сўзларнинг асл шакл ҳамда маъноларини очишда туркийшуносликда бор бўлган адабиётларни синчковлик билан ўрганганлигини, керакли ўринларда улардан истифода этганлигини, баъзи ўринларда ўзининг бир неча ўн йиллар давомида орттирган илмий кўникма ва тажрибасига суянганлигини кўрсатади.

Маълумки, тилшуносликда тил лексик бойлиги ўзининг мураккаблиги нуқтаи назардан тўрт гуруҳга, яъни 1) этимологияси аниқ ва равшан сўзлар; 2) назмий лексика; 3) сўзлашув лексикаси; 4) этимологик таҳлилга бўйин эгмайдиған, ўзига хос ўзаккагина эга бўлиб, бошқа лексик бирликларни яшашда иштирок этмайдиған кўҳна сўзларга тақсимланади. Жуда қадимдан этимологик тадқиқотларнинг илмий асосда муваффақиятли кечишига қатор омилларнинг монелик қилиши аниқланган. Булар сирасига: 1) сўзнинг вақт-замон ўтиши ёки экстралингвис-

тик жараёнлар боис тилдан, аниқроғи, истеъмолдан чиқиб кетиши; 2) сўз ташқи қиёфасининг ўзгариши, яъни турфа фонетик ходисаларнинг рўй бериши; 3) муайян сўздаги дастлабки се-мема ўрнига янги маънонинг пайдо бўлиши; 4) ўз сўз деб қаралаётган лексеманинг аслида қачонлардир ўзга оилага мансуб тилдан ўзлашганлиги; 5) сўзнинг тил қонуниятларига хилоф равишда хато ясаллиши қабилар киради. Ушбу хусусиятларни “Ўзбек тили эти-мологик луғати”нинг тузувчиси назардан қочирмасликка, диққат марказида тутиб туришга ҳаракат қилган. Буни дийдийо, варрак, билкиси, игна, йалқов, совқот, совчи, тамға, қайчи сингари кўпгина сўзларнинг этимологик таҳлили-нинг берилишида пайқаймиз.

Тилда ишлатилаётган маълум бир сўзнинг мозийда қандай фонетик қиёфада бўлганлиги, давр ўтиши туфайли унда юз берган товуш ўзгаришларини ҳисобга олмай лексик бирлик-нинг этимологиясини очишнинг иложи йўқлигини луғатдан ўрин олган бирги-на “ғилдирак” маъносидаги дўнгалақ мисолида кўрса бўлади. Шавкат Раҳматуллаев тўғри таъкидлаганидек, мазкур сўз эски туркий тилда қўлла-нишда бўлган ҳамда “дўнг ҳолат ҳосил қилмоқ”ни ифодаловчи ТОНГ= феъли-нинг ўзлик маъносини билдирувчи - / ил қўшимчаси иштирокида ҳосил қилинган эканлиги, унинг аслида ёр-дамида ясалган. Кейинчалик содир бўлган товуш ўзгаришлари оқибатида сўз дўнгалақ шаклини олган. Сўз юри-тилаётган этимологик луғатнинг дунё юзини кўриши баъзи бир сўзларнинг келиб чиқиши борасида шу кунга қадар ҳукм сурган фикр-мулоҳазаларни ўзгартиришга мажбур қилади. Алалху-сус, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”-даги пойга сўзига форсча-тожикча ўзлашма тарзидаги қайднинг ҳақиқат-га хилоф эканлиги, унинг аслида соф туркийча бўлиб, “отда ким ўздига югур-моқ” маъносини англатган бай= феъ-лидан –га қўшимчаси ёрдамида ясал-ганлиги тўғрисидаги илмий таҳлил бунга далил бўла олади.

Мухтасар қилиб таъкидлаганда, 2400 дан ортиқ туркийча-ўзбекча сўзларнинг этимологиясини таҳлил қилишга мўлжалланган луғатнинг на-шрдан чиқишини, биринчи галда Мир-зо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Мил-лий Университети тилшунос олимла-рининг, қолаверса, ўзбек тилшуносли-гининг лексикография соҳасида кейин-ги йилларда эришган ютуғи тарзида баҳоламоқ тўғри бўлади.

Луғатнинг илмий-назарий ҳамда амалий аҳамиятини асло камситмаган, унинг ютуқларини эътироф этган ҳолда, айрим такомиллаштирилиши, келажакда эътиборга олиниши зарур бўлган жиҳатлар ҳақида куйидаги фикр-мулоҳазаларни билдиришни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

1) Турли бадиий асарлардан олин-ган иллюстратив мисолларни келти-риш, асосан, изоҳли луғатлар тузиш тамойилига мос тушади. Этимологик луғатлар бундан мустасно.

2) “қадимги туркий тил” истилоҳи-ни ҳам Ўрхун-Энасой, ҳам қорахоний-лар даври манбаларига нисбатан иш-латиш ўзини оқламайди. Зеро, туркий-шуносликда бу истилоҳнинг рун, сўғд, моний, брахма ёзувларида битилган VI-X асрларга оид туркий манбалар ти-лига, “эски туркий тил” истилоҳининг эса Маҳмуд Қошғарийнинг “Девону лу-готит турк”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қу-тадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибатул-ҳақойиқ”, Носируддин Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий”, Хораз-мийнинг “Муҳаббатнома” сингари XI-XIV аср обидалари тилига нисбатан қўлланиши ўз ифодасини топган.

3) қадимги туркий тилнинг д-лов-чи тил, эски туркий тилнинг эса з-лов-чи тил ҳисобланишини диққат мар-казидан қочирмаган ҳолда қийим, қудук, эзгу, ойоқ I сингари сўзлар этимоло-гик таҳлилининг яна ҳам мукамалроқ берилиши мазкур лексик бирликлар-нинг ўтмиши ва бугунги шакли бора-сидаги тушунчаларнинг янада тўлақон-лироқ бўлиши учун имконият яратади.

4) қакра, текин, туман, қошиқ, дочин, йомонга ўхшаш сўзларда юз берган фонетик жараённигина қайд этиш би-лан чекланмасдан, уларнинг этимоло-гик таҳлилининг беришга ҳаракат қилин-са, маъқул бўлар эди.

5) туркийшуносликда ижтимоий-си-ёсий соҳа терминологиясига оид хон, ҳоқон истилоҳларининг жуан-жуанлар тилидан туркий тилларга ўзлашганли-ги исботланганлиги сабабли уларга туб туркий сўзлар тарзида муносабат-да бўлиш эътирозлидир.

6) луғатда баъзи бир мўғулча ўзлашмаларга ўз сўз сифатида муно-сабат билдирилган ва этимологик таҳ-лил берилган. Жумладан, “қуролли куч-лар бирлашмаси” маъносидаги қўшин истилоҳининг “бирлаштирмақ” маъно-сини касб этувчи қош= (транслитера-цияда — қўш=) феълидан -/у/н қўшим-часи билан ясалган, деган Л.З.Буда-говнинг хато фикри асос ўрнида кел-тирилган. Юзак қараганда, бу муло-

ҳазада жон борга ўхшайди. Аммо тил тарихи мутахассислари ҳарбий ишга хос мазкур сўзнинг туркий тилларга, хусусан, ўзбек тилига XIII асрнинг 20-йилларидан кейин, яъни Чингизхон бошлиқ истилочиларнинг Мовароуннаҳрни забт этгандан сўнг ўзлаша бошлаганини, унчалик катта бўлмаган ҳарбий бўлинмаларни ифодалаш мақсадида онда-сонда қўлланишда бўлганлигини, фақат XIX аср охири-XX аср бошларида черик, сипоҳ, лашқар каби терминларни тилимиздан сиқиб чиқариб, “армия, қуроли кучлар” маъноси касб этганлигини яхши билишади.

7) баъзи ўриндаги этимологик таҳлиллар ўз маромини топмагандай туйилади. Киз, эчки, эртақ каби сўзларнинг таҳлилида “ясалган бўлса керак” иборасининг ишлатилиши луғат муаллифининг ўз фикрида қатъий эмаслигидан, иккиланишидан далолат беради.

Юқорида кўрсатилган жузъий ноқисликларга қарамасдан, таъкидлаш лозимки, профессор Шавкат Раҳматуллаев саъй-ҳаракати маҳсули ўлароқ, дастлабки муҳим қадам йўсинида юзага чиққан “Ўзбек тилининг этимологик луғати” ҳозирда сўз бойлиги бир неча ўн мингдан иборат тилимиз хазинасидаги дуру инжуларнинг асл шакл ҳамда маъносини аниқлаш мақсадида эрта-индин тузилажак янги луғатларга асос бўла олади.

Луғатнинг нашриёт белгилаган сони ҳақида бир калима сўз. Республикамининг биргина мактабларида ишлаб турган кутубхоналар сонининг 10 мингдан ортиқ эканлигидан келиб чиққан ҳолда қайд этиш жоизки, ҳозирча минг нусхада чоп этилаётган этимологик луғат унга мавжуд бўлган талабни узил-кесил қондира олмаслиги табиий. Шундай экан, ўзбек луғатшунослигидан муносиб ўрин олишга ҳақли ушбу асарнинг сири қотмасдан нодир китоблар сирасига кириб қолмаслигининг олдини олиш ниятида унинг ададини имконият даражасида орттириш устида бош қотирмоқ зарурга ўхшайди.

Хуллас, Республика мустақиллигининг яқинлашаётган 10 йиллик шодиёнасига арзирли туҳфа армуғон этган, сермаҳсул умрининг 75 – баҳорини қаршилаган, ўзбек тилшунослиги равнақи йўлида собитқадамлик билан ижод қилаётган, сўз мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳазратларининг

Умрни зое этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатинг калиди бил,

деган ибратомиз ўғитларига амал қилиб келаётган Шавкат Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг этимологик луғати” олимнинг фразеологик, имло ва изоҳли луғатлари қатори ўзбек тилшунослигининг бойиши учун хизмат қилади.

Ҳамидулла ДАДАБОЕВ,
профессор.



Сан АНТОНИО

Таъқиб

Роман

БИРИНЧИ ҚИСМ

Чангютарнинг бўғиқ гўнғиллашидан уйғониб кетдим.... Ҳарҳолда мен ўзимга келганимда худди шундай товушни эшитдим. Бошим оғрир, қулоғим гувиллар, оғзим бирам бемазаки... Тавба, оғиз деган ҳам шунақа бемаза бўлиб кетадими. Бунинг устига анови чангютарнинг шовқинини айтмайсизми! Қайси аҳмоқ бу балони менинг бошимга ўрнатди экан. Бошқа жой қуриб кетганмиди?!

Назаримда хона чир айланар, ағдарилиб тушмаслик учун каравотга ёпишиб олдим. Кўзларимдан учкунлар сачради. Қаерда бунчалик ичиб олганимни сира эслай олмайман. Балки маркиз де Талередюниқидаги зиёфатда ошиқча отгандирман. Қанча уринмай, сира эслай олмайман. Утиб кетар, ўзимга келиб қоларман деб кутдим, қаёқда дейсиз. Бундай касаллик ўзича ўтиб кетмаслигини тушуниб, оёғимни кўрпадан чиқариб пастга узатдим. Ерга тўшалган гиламни ҳис қилиб ўрнимдан турдим — гурс! Лаънати тўшама мени бағрига олди. Пешонамда гурра пайдо бўлди. Яна шундай гурраки каркидонлар серкаси ҳам кўрса ҳавас қиладиган.

Ерга чўккалаб олдим. Волидаи муҳтарамам Фелиси “Электролюкс”ини ўчириб, тепамга келди.

— Нима бўляпти, Антуан?

Мен бошимни кўтариб унга қарайман. Кўз ўнгимда бир эмас, ўнлаб онам, ўнлаб Фелиси... Тағин ҳаммаси ташвишда денг.

— Нима бало касалмисан?

“Йўқ” деб бош силкийман. Натижада касаломуз инграшим кучаяди.

— Дўхтирни чақирайми?

— Йўқ... Менга сода, қора қаҳва... лимон!

Мен буларни санашдан олдин ерга чўзилиб олдим. Чунки у гир айлана бошлаганди. Албатта, бу ҳол илк бор юз бермаётганди. Фелиси шошилинич ёрдам кўрсатишга ошиқди. У шиша идишда муз олиб келиб, пешонамга қўйди. Бир стакан қаҳва, икки стакан лимон шарбати келтирди. Булардан мен анча ўзимга келишим керак эди. Ниҳоят, икки ош қошиқда дори ҳам ичириб юборди.

Мен бутунлай унинг ихтиёрида эдим. Аввалги шўхлигимдан асар ҳам қолмаганди. Кўзларимни қисганимча, ҳозиргина Фелиси ичирган дорилар таъсирини кутардим.

Таржимон
Файзи
ШОҲИСМОИЛ

Сан Антонио — француз адиби Фредерик Дарднинг тахаллуси бўлиб, ёзувчи сиёсий детектив асарлари билан машҳур. 1921 йилда таваллуд топган бу муаллифнинг “Таъқиб” романи ўзбек тилида илк бор эълон қилинмоқда.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ
156

Дарҳақиқат, мен аста-секин ўзимга кела бошладим. Ниҳоят, бориб муздеккина сувда ювинишга ўзимда куч топа олдим. Фелиси мени ошхонада кутиб турарди. У яхна гўшт ва бир шиша ичимлик тайёрлаб қўйганди. У аччиқни аччиқ кесишини яхши биларди. Мен тугаб бораётган сигарамнинг қолдигини чайнарканман, пешонамни тириштирганча, бир стакан Арамонни ичиб юбордим. Ичимни алланима ёндириб ўтди. Кейин меъдам шундай роҳатландики, асти қўясиз. Фелиси дадиллашди:

— Қаерда бунчалар отиб олдинг?

— Берюриенинг мартабаси ошганини ювдик... У менинг шароб бозоридаги ошналаримдан бири...

Мен ўзимни оппоқ қилиб кўрсатиш учун қўшимча қилдим, — Биласанми, ҳалиги, бу кўп ичганимдан эмас... Ҳалиги, шаробхона ҳидидан...

Орага чуқур жимлик чўқди. Лекин Фелисини бу гапларга ишонтириб бўлсан! Менинг жон куйдириб ишонтиришга уринишларим эскимосларга музлатгични пуллашдай гап эди.

Шу пайт эшикни тақиллатишди. Каллайи саҳарлаб қайси аҳмоқ безовта қилаётган экан деб фикрим. Фелиси эшикни очиб, хабар қилди:

— Ҳамкасбинг Пино кепти!

Шағал тўкилган хиёбонда унинг оёқ товушлари эшитилди. Меҳрибон Фелиси эшикни очиб, меҳнатдан қабарган қўлларини айёр айғоқчининг қоқсуяк қўлларига қўйди.

Шундай қилиб, қария Пиновой кириб келди. Шляпасини қошлари устига қўндирган. Мўйлабидан ёмғир суви аралаш мишиги томчилаб турибди. Ифлос қалин жун кашне¹ сини бўйнига ўраб олган. Совуқ кўзларини менга қадайдди. Нигоҳи силга чалинган одамни эслатади.

— Жуда зўрсан, — дейди у саломлашиш ўрнига.

Жон-поним чиқиб кетди.

— Стулга ўтиргин-у, — дейман унга, — овозингни ўчир!

У гапимга кириб, стулга ўтирди, лекин чакаги тинмади:

— Кеча айш-ишрат зўр бўлганга ўхшайди-а? — унинг сўз оҳангидан афсуслангани сезилиб турарди. — Менинг роса ўша ерда бўлгим келувди, — давом этди у, — лекин жуда нозик иш билан банд эдим...

Унинг калтафахмлигини кўрсатувчи митти кўзлари гашимга тегди.

— Пино, — дейман унга, — мен кечаси билан роса ўйлаб чиқдим ва сенинг ҳақингда охирги қарорга келдим.

— Менинг ҳақимда?

— Ҳа, сенинг ҳақингда!

— Хўш, менинг ҳақимда қандай қарорга келдинг?

— Бутун дунёни қидириб, сендақанги хомкалла айғоқчини топиб бўлмайди!

Қария Пиновой лабларини қимтиди. Сўнгра ҳамдардлик истаб, Фелисига юзланди. Лекин у кулгидан ўзини зўрға тийиб турарди. Шу боис унга ҳамдард бўлишга имконсиз эди.

— Хўш, ташрифингга боис не? — сўрадим тоза сув тўла стаканни ундан нарига суриб қўярканман.

— Сенинг телефонинг боис.

— Телефонининг нима алоқаси бор?

— Чунки телефонинг ишламаяпти.

— Сенга ўхшаб-а?

Гапга Фелиси аралашди:

— Ҳа, мен кеча кечқурун телефон алоқаси хизматига хабар бердим. Улар бугун келишлари керак...

Лекин мен буни ўйламасдим. Ўй-хаёлим бошқа ёқда эди. Демак қария (Пинони фақат ўшагина менинг олдймга юбориши мумкин эди) мени уйда безовта қилаётган экан, шошилинч иш бор. Лекин ёқмаган томони шундаки, биринчидан, бугун менинг дам олиш куним ва мен япониялик бир хонимникига ташриф буюриш ниятида эдим; иккинчидан, бугун идорамда ишлаб, Коинот Маликаси билан учрашиш олдидан тўйиб ром ичмоқчи эдим.

¹ К а ш н е — шарф.

- Сени Қария юбордим?
- Бўлмасам-чи! Тезда топиб беришимни буюрди.
- Нима ўт кетдим?
- Унинг кайфиятига қараганда, шундайга ўхшайди!

Шу топда кийиниш, машинани қариянинг қароргоҳигача ҳайдаб бориш, кейин унинг алжирашини тинглаш нақадар оғир, деган ўй мени ўртарди.

- Бир дангасалик қилсам-чи!
- Маслаҳат бермайман, — ишонтирди Пино. — У ҳар бир дақиқа ҳисобда деб менга қаттиқ тайинлади!
- Бўпти, мени кутиб тур. Ҳозир кийиниб чиқаман.
- Илтимос, тезроқ...

Мен бошлиқни бундай ёмон кайфиятда сира кўрмаган эдим. Башарасига қараб, эгим жунжикиб кетди. Кўзлари бозорда хонтахтасини ижарага олинг деб заргарга илтижо қилаётган одамдек мўлтираб турар, лаблари шу қадар қисилган эдики, ҳароратини оғзидан ўлчатмоқчи бўлаётган беморни эслатди.

— Ўтир, Сан-Антонио.

У менга узоқ тикилди. Лекин мен ўзимни йўқотмадим. Буришган афти-ангоримга қараб, кеча нечта шиша бўшатганимни санаётгандай бўларди.

- Кўринишингиз унчалик яхшimas!
- Жигар, ҳалиги... ўтиб кетади...
- Жуда кўп ичиб юбормадингизми?

Бу сўзлари ғазабимни тоширди. Бўралаб сўкай дедим-у, лекин журъат қилолмадим.

— Ҳалиги, Берюриенинг мартабаси ошганини ювдик...

— Менга қаранг, Сан-Антонио, ичишни эплашингизни яхши биламан. Лекин бу менга унчалик маъқул эмас. Алкоголь рефлексни ишдан чиқаради...

У бошланғич мактаб ахлоқидан маъруза ўқиб, роса насихат қилди.

— Менга нима даъвоингиз бор, шеф?

У товушимдан қоним қайнаганини сездим. Аммо ўзига жуда кераклигим туфайли мавзуни ўзгартирди.

— Сан-Антонио, мен жуда қийин аҳволдаман... Умуман, дарҳол Швейцарияга жўнашингиз керак...

Устимдан муздек сув қуйиб юборгандай бўлишди. Ахир, кечқурун соат олтига учрашувга боришим керак. Буни қандай тушунтираман унга. Нима деб айтаман... Эътирозимнинг бефойдалигини яхши биламан, ахир. Қария ажин босган пешонасини артди.

— Сиз Матиас билан танишмисиз?

— Бўлмасам-чи, Шарлни яхши танийман. У менинг энг яхши ҳамкасбларимдан. Ёш, Сорбонна университетини битирган.

— Эришган мартабаларига қараганда ошиғи олчи...

— Мен у билан танишман, холос, патрон!

— У катта жасорат кўрсатди...

— Шундайми? Бунга ажабланмаса ҳам бўлади!

— Сиз Мохари ташкилотини эшитганмисиз?

Мен ўйланиб қолдим.

— Араб мамлакатларини қурол-яроғ билан таъминлаётган ташкилот эмасми?

— Ўша. Матиас унинг сафларига кириб олишга муваффақ бўлибди.

Хуштак чалиб юборганимни ўзим ҳам билмай қолдим. Кайфим тарқаб кетди. Кечқурун Мариньян ёнида мени кутиб турмоқчи бўлган нозанинни ҳам унутиб юбордим.

— Ростдан ҳам зўр иш бўлибди. Қандай эпладийкин?

Қария тиржайди. Лабларининг таноби қочди. Кўзлари мўлтиради.

— У менинг кўрсатмаларимга амал қилди, бор гап шу!

— Бунга шубҳа қилмайман, шеф!

У фил суягидан ясалган, қоғоз кесиш учун ишлатиладиган қаламтарошини олди-да, столга уриб “Лион аккордеончилари марши”ни чала бошлади.

— Ўша ерда менинг одамим бўлиши шарт... Ўша қароргоҳ, агар шундай аташ мумкин бўлса, яъни Мохари ташкилоти Бернда эканини мен билардим. Ўшанда мен уни ўша ёққа юбордим... У кириш йўлини топа билди. Матиасда Шимолий Африкадаги жараёнга доир стратегик маълумотлар бор эди... Матиас буни уларга хабар қилди. Бу тузоққа қўйиладиган айни хўрак эди.

— Унинг икки ёқлама ўйин қилаётганидан шубҳаланишмаяптими?

— Ўйлашимча, йўқ! У қўплаб синовлардан ғолибона ўтди. Қисқаси, у Мохарининг ишончини қозонган, ундан бизнинг кўнглимиз тўқ...

Унинг нимага шама қилаётганини мен билмасдим. Ахир, у мени бекорга чақиртирмаган бўлса керак. Бирор гап бордир. Ниҳоят, мақсадга кўчди.

— Шундай қилиб, Берндаги ишларимиз жойида. Барча жиддий тайёргарликлар ҳақида Матиас бизни хабардор қилиб турибди. Энди гап унинг ўз жойида маҳкам туришида.

— Нима, унга бирор нарса ҳалақит бериши мумкинми?

— Кимдир...

— Ким?

— Қандайдир Влефта...

— У ҳақда сира ҳам эшитмаганман!

— Асли албанлардан, Мохари ташкилотининг аъзоси... У Қўшма Штатлар бўйича асосий айғоқчи ҳисобланади...

— Гап нимада ўзи?

— Гап шундаки, у бултур Денгиз вазирлигидан ўғирланган режалар хусусида Матиас билан иш олиб борганди. Демак, у дўстимизни яхши билади!

— Э-ҳа!

— У эртага Нью-Йоркдан Бернга келяпти... Бу Матиас учун ҳалоқат. Влефта уни кўриши билан таниб қолади, демак, ишнинг пачаваси чиқади...

У бошқа гапирмади. Яна нима ҳам дерди?

— Хўш, кейин нима бўлади? — сўрадим мен.

— Нима бўларди, сиз аралашингиз керак...

— Мен?

— Ҳа. Шу бугуноқ Бернга жўнайсиз, эрталаб албанни аэропортда кутиб оласиз...

Ё худо, энг ёмон кўрганим мана шу нарса. Мен Қариядан унинг ниятини аниқлашга уринаман:

— Хўш, унга бирор топшириқ беришим керакми?

— Ҳа, сиз унинг қулоғига аста шипшитиб қўясиз, тўппонча билан, албатта...

Энди ҳаммаси тушунарли, ҳазилга ўрин йўқ. Умуман, ҳазиллашгим ҳам келмай қолди. Албатта, менда жанжаллашган одамимни тинчйтиш истаги бўлади. Лекин умуман танимайдиган бир одамни самолётдан чиқаётганда кутиб олиб асфаласофинга жўнатиш, қандай қилиб...

Мен бурнимни жийирдим. Қария буни сезиб тўнғиллади:

— Нима, розимасмисан?

Мен томоғимни қириб қўйдим.

— Биласизми, шеф, мен сиз ўйлаганчалик қонхўрликка қодир эмасман.

У қўли билан столга муштлади. Қария бундай ҳолатга камдан-кам тушарди. Одатда ўзини тута оладиган одам эди.

— Сан-Антонио, шуни яхши билгинки, гап Влефта ёки Матиас ҳақида кетяпти. Менимча, орадан Влефтани олиб ташлаган маъқул... Дўстимиз учун бу ҳаёт ё ўлим масаласи. Буни сизга тушунтиришнинг ҳожати бўлмаса керак, деб ўйловдим. Шуни ҳам қўшимча қилишим мумкинки, бу муаммонинг кўнгилашчанликдан ташқари янада муҳимроқ томони, яъни миллий манфаатдорлик томони ҳам бор. Матиас ўз жойини сақлаб қолиши керак, билдингизми?

Кўнглим айний бошлади.

— Шеф, — дедим мен, — бу ишнинг зарурлигини тан оламан. Лекин негадир кўнглим чопмаяпти шу нарсага. Мен жангчиман, жаллодлик ролига хушим йўқ... Баъзи ҳамкасбларим бу ишни хамирдан қил суғургандек эп-лашлари тайин.

Эҳ, йигитлар! Ҳайқиргим келяпти! Қария Миронтонинг авзойи бутунлай бўлакча! Негадир, энди унинг катта-катта кўзларида қуёш чарақламасди!

— Мен ушбу ишни сизга топширар эканман, демак, мен сизни уни ба-жаришга энг малакали деб ҳисоблайман! Бунинг учун сизни танлаганим та-содиф эмас.

Нақадар содда ҳақиқат. Эшитиб лол қолдим. У ҳақ эди. Одатда ўта сергап бўлган бу Қария беҳудага валақлайдиганлардан эмасди. Унинг асли кучи ҳам шунда эди-да.

— Менимча, Сан-Антонио, сиз сафарингизнинг нозиклиги ҳақида тасав-вурдасиз. Гап аэропорт билан шаҳар ўртасида бир одамни қўлга олиш ҳақида боряпти. Шундай қилиб, сиз Швейцарияда, тинч бир мамлакатда, одамлар орасида бўласиз. Бу ишда бизга сизга ўхшаган чиқитга йўл қўймайдиган одам керак. Библи қўйинг, ишни барбод қилсангиз сизга ҳеч қандай ёрдам берол-майман!

Ана, холос!

— Майли, шеф, кечирасиз. Мен уни қандай аниқлайман?

У қутилардан бирини очди-да, ичидан таъриф ёзилган қоғозга қистирил-ган суратни узатди.

— Мана сурати, таърифи ҳам бор.

— Раҳмат...

Мен ғайриоддий чеҳрали шахсни акс эттирувчи тасвирга қарадим. Унинг сочлари кенг пешонасига тушган. Қалин қошлари остидаги тийрак кўзлари одамга тешиб юборгудек қараб турарди.

Жин урсин, шунақа ҳам бемаъни касб бўладими? Мана бу йигитни, у яхшими, ёмонми, мен билмайман. Шунга қарамай, уни ўлдиришим керак!

— Унинг эртага Бернга учиб келишига ишончингиз комилми?

— У бугун кечқурун Нью-Йоркдан учадиган самолётга чипта олган.

— Уни Парижда ушлаб қолишмайдими?

— Самолёт Парижда қўнмайди.

— У учиб келишдан воз кечса-чи?

— Унда мен хабардор бўламан. Зеро, у ерда уни кузатиб турганлар бор...

— Ўша уни кузатиб турган дафн маросимини ҳам зиммасига оладими?

Яна ноўрин берилган саволдан бошлиқнинг жаҳли чиқди.

— Сизнинг маслаҳатингизга зор эмасман, Сан-Антонио! Мен бу ишга сўнгги дақиқагача аралашмаган эканман, демак, шундай қилишга имконим бўлмаган, ишонаверинг!

— Мен ҳам шуни айтаяпман-да...

— Эртага менга барвақтроқ қўнғироқ қилинг. У самолётда учиб келяпти-ми, йўқми хабар қиламан.

— Хўп бўлади, шеф!

— Шундай қилиб, мана, Матиаснинг манзили, бу Влефтани бартараф этолмай қолганингизда асқотади. Самолёт эрталаб ўнда қўнади. Матиас сизни ўн биргача кутади. Ўн биргача етиб боролмасангиз, у ташкилот раҳбарияти тайинлаган йиғилишга боради. Файритабий бу йиғилиш жараёнида муҳим қарорлар қабул қилинади.

Мен ташриф қоғозидаги манзилни ўқидим. Виеслер пансион. Тессэн кўча-сидаги 4-уй.

— Ўқидингизми?

— Ҳаммаси жойида, тақсир...

— Ундай бўлса, мана, самолётга чипта, икки соатдан кейин учасиз...

— Ташаккур...

— Пулингиз борми?

— Бор...

— Француз пулими? Қанча...

— Минг икки юз франк!

У елкасини қисди-да, қутидан ўроғлиқ қоғоз олди.

— Бу ерда беш юз швейцар франки...

— Ташаккур.

- Қуролингиз борми?
- Мана, — дедим ўзимнинг “Р 38” тўппончамни кўрсатиб.
- Дўқонга бориб, товуш тутгич танланг.
- Маъкул гап...

Мен унинг жонсиз қўлини қисиб қўйдим.

— Ҳаммаси яхши ўтади, деб умид қиламан, Сан-Антонио.

— Мен ҳам умид қиламан, шеф!

Қаршидаги қовоқхонада мен Пинога дуч келдим.

— Бирор нарса ичасанми? — сўради у мендан.

— Мартабам ошгани учун аллақачон ичиб бўлдим.

— Айтдим-ку, сенга, кайфияти жойида эмас деб. Хавфли ишми?

— Серташвиш десанг-чи! Дарвоқе, уйга телефон қилиб, Фелисига айтиб қўй. Мен икки-уч кун уйда бўлмайман. Телефонни тузатишгандир.

Пино телефон тармоғининг тарихи ҳақида гап бошлаган эди, мен уни тўхтагдим.

— Кечирасан, мен жўнашим керак. Ҳикоянгнинг давомини ёзиб қўй, мен кейин бўш вақт топиб ўқиб оларман.

* * *

Олдиндан айтиб қўяқолай, самолётда ҳам аҳволим яхшиланмади. Бернда, самолётдан тушгач ҳам ўзимни пажмурда сезардим.

Ўзим билан йўлхалта ҳам, юк ҳам олмагандим. Қўлларимни чўнтакка тиққанча анча вақт айланиб юрдим. Бир нотаниш жанобни тинчителиш учун ўзим билан ҳарбий бўлинма олиб юришнинг ҳам ҳожати йўқ эди.

Лекин бари бир қаердадир тунашим керак-ку, ахир. Дўқондан катта бўлмаган жомадон сотиб олдим-да, Парламент яқинидаги одмигина бир меҳмонхонага жойлашдим.

Меҳмонхона хизматчилари мени оддий француз коммивояжерларидан¹ бири деб ўйлашди, шекилли, унча эътибор беришмади ҳам. Фақирона бир хонаданман. Уша ерда тушгача ухлаб, анча ўзимга келгач, тамадди қилгани ресторанга кирдим.

Овқатланиб ўтирарканман, вазиятни жиддий ўрганиб чиқдим. Топшириқни ўйлаб кўриш ва астойдил тайёрланиш керак эди. Вазифа анча оғир. Афтидан, Қария ниманидир айтмаганга ўхшайди. У топшириқни соддагина қилиб тушунтириб қўя қолганди. Ҳолбуки, самолётдан тушган йигитни пойлаш ва отиб ташлаш оғиздагина осон иш. Амалда эса, анчагина бош қотиришга тўғри келади. Мен кўпгина нарсаларни ҳисобга олишим керак эди. Эҳтимол, Влефта бир ўзи эмасдир. Бунинг устига уни кутиб олувчилар ҳам бўлиши мумкин!

Мана сизга хитой бошқотирмаси! Агар у оғайнилари қуршовида бўлса, ўлдиришнинг иложи бўлмайди. Ёки бошимни сиртмоққа тутиб қўя қолайми?! Сирасини айтганда, оддий йўл тутиш керак. Эҳтиётлик билан режа тузиб, қулай фурсатни кутишдан бўлак илож йўқ. Бундай шароитда менга ёрдамчи жуда ҳам асқотарди. Лекин, Қария бошқача ўйлаган бўлиши керак.

Ниҳоят қорин тўйиб, кўнгил жойига тушгач, кечаси кайф асоратидан асар ҳам қолмади. Ўзимни яхши ҳис қила бошладим.

Гаражга бордим-да, икки кунга машина ёлладим: ўзиям: машинамансан, машина — алюминий рангли аъло “Порш”. Миямга “лип” этиб бир фикр келди. Мен, дарҳақиқат, ҳар нарсага қодир одамман, ишонаверинг. Ҳарбий сўқмоққа қадам қўйдимми — бас, ҳеч қандай тўсиқ менга писанд эмас. Менинг устунлигим ҳам шунда. Бу лаънати касби-қорда мен қандай қилиб муваффақиятга эришдим? Бор гап шундаки, каллам жойида, унда эса гоёлар тўлиб ётибди.

Машинага ўтириб, аэропортга қараб ҳайдадим. Йўлни ўрганиш керак-да, ахир. Влефта шаҳар марказига аэропорт автобусида бориши эҳтимолдан ҳоли эмас. Борди-ю, мўлжалим тўғри чиқса, зўр совға бўларди-да!

¹ Коммивояжер — хусусий корхона вакили.

Мен аэродромга шошилмасдан борардим. Чорраҳага етиб келгач, вазифамни қойилмақом қилиб бажариш учун бундан қулайроқ жойни топиш амри-маҳол деб ўйладим. Машинани тўхтатиб, ҳаракат режасини ўйлаб чиқдим! Ҳа, менга худди мана шу керак!

Бироз ўйлаб кўргач, “Порш”ни бекатда қолдириб, меҳмонхонага қайтдим. Кейин қора кўзойнак сотиб олдим. Уни таққач, башарам анча ўзгаргандай бўлди. Сўнгра оқ плаш ва қирғовул пати қистирилган яшил шляпа харид қилдим. Кўринишим бутунлай ўзгарди-қолди. Куйиб кўйган немис сайёҳи бўлдим-қўйдим.

Мен бошқа машина ижараси ваколатхонасига бориб каттагина “Мерседес” олдим. Филдираклари анча бақувват ва ишончли бу машинани биринчи уловим — “Порш” билан ёнма-ён қўйдим. Буларнинг ҳаммаси режамнинг бир қисмини ташкил этарди, холос. Энди қандай бўлмасин кунни кўнгиллироқ ўтказишим керак эди. Ишонаверинг, Бернда уззу-кунни кеч қилиш унча осон эмасди.

Кўҳна шаҳар бўйлаб роса санғидим. Ажойиб, мўъжазгина пойтахт. Мен кўрган шаҳарларим ичида энг чекка марказ деса бўлади. Турли рангдаги фавворалар саф тортган ғалати кўча бўйлаб борарканман, ўзимни Рембранд чизган расмдагидай ҳис қилардим.

Кейин дарё соҳилига тушдим. Бу дарё шаҳарни айланиб оқарди. Кўприкдан ўтиб, айлана майдонга чиқдим. Берндаги машҳур айиқ уяси ана шу ерда. Ана шундай уя — чуқур ўпқонлардан бирининг ёнида одамлар уймалашиб туришарди. Мен ўпқонга энгашиб, иккита товонида юрувчи (Бюффон уларни шундай атарди)ларни кўрдим. Улар миттивойлар қўлидан сабзи олиш учун ўзларини минг кўйга солишарди. Таъбим тирриқлашди. Ёввойи жониворларни тутқунликда кўрсам, жуда хафа бўлиб кетаман. Шунини яхши билинглар, мен ялпи озодлик тарафдориман! Умуман, бу ажойиб жониворлар кимнингдир ётоқхонасида оёқлари остига тўшалган тери бўлишдан кўра шу ўпқонда яшагани маъқулроқ.

Мен айиқвойга сабзининг ўнинчи паррагини едириб бўлган ҳам эдимки, кўзим Берннинг энг гўзал қизига тушди. У ўпқоннинг нариги томонида, уя чеккасига тирсақларини тираганича, айиқларни томоша қилиш ўрнига менга кўз сузарди.

Мен шу заҳоти қисқа туташувдан миямга ток ургандай сездим ўзимни. Бу кўғирчоқ қуёшда юзи кўнғир тус олган малласоч офатижон эди. Оппоқ тишларини айтмайсизми? Ута машҳур тиш пастасига тимсол расм бўла олади. Кўзлари эса, агар шеърият тили билан айтганда, икки бўтакўзнинг ўзгинаси. (Бугун илҳом парилари менга ҳамроҳ, шундай эмасми?) Мен унга бир мафтункор табассум ҳадя қилдим-да, кўзойнагимни олиб қўйдим. Афтимни тузукроқ кўрсин, дедим-да.

Мен доира шаклидаги ўпқон тўсиқлари бўйлаб айланиб ўтиб, гўзал хоним қошига бордим. Ҳақиқий фаришта! У ҳар қанча ҳандақни айланиб ўтишга арзийди, ишонаверинг.

Офатижон ўттиз ёшларда эди. Икки думалоқ кўкрагига ҳар қандай немис энага ҳасад қилгудай. Унча-мунча эркак бунга бардош бериши қийин.

Эғнида сичқон тусидаги бўз костюм, оёғида олчаранг этик, қўлқоп ва сумкаси ҳам шу тусда. Куйиб кўйган бир расм дейсиз! Бутун вужудни жунбушга келтиради бундай кўриниш!

Соатга қарайман: кечки олти бўляпти. Худди шу пайтда қаердадир Елисей хиёбонидаги қаҳвахонада худди мана шундай кетворган бир гўзал ўз хуштори Сан-Антониони кутиш билан овора.

Офатижон кўз қири билан менинг унга яқинлашувимни кузатиб турибди. Менинг тирсагим унинг тирсагига теккач, у менга қараб, айиқларга ишора қилди-да, швейцарча-немисча алланима деди. Лекин мен ҳеч нарса тушунмадим.

— Мен немисча тушунмайман, — дедим.

У ҳайратланиб, менга тикилди. Яшил қалпоғим ва оқ плашим туфайли мени немис деб ўйлади, шекилли.

- Сиз Женеваданмисиз? — сўради у.
- Йўқ, Парижданман. Белвилда туғилганман, яъни икки бор парижликман. Отам оверник, шу боис уч бора парижлик бўлишга ҳақлиман...
- У, албатта, мафтун эди.
- Сиз жуда чиройли шаҳарда яшаяпсиз, — дейман унга қизиқишини ошириш учун.
- Сиз шундай деб ўйлайсизми?
- Бўлмасам-чи... У жуда сурурли... Мен бу ерда умр бўйи яшай олмасдим, лекин бирор соат яшашга арзийди.
- Берн хорижийлар учун жуда зерикарли шаҳар. Бу ерда бирор одатга кўникмасдан яшаш қийин...
- Шунинг учун ҳам мен ўзимга савол беряпман: сизнинг ёрдамингиз билан бирор кўникма ҳосил қилсаммикан деб!
- Бу гапим унга жуда маъқул тушди. Юзига илиқ табассум югурди. Офатихон кўзлари билан еб кўйгудек тикилди менга. Иссиқ кўллари баданимда ўрмалай бошлади.
- Таътилдамисиз? — сўради у.
- Нима десам экан...
- Бир ўзингиз-а??
- Афсуски, ҳа!
- Нима, уйланмаганмисиз?
- Йўқ, сиз-чи?
- Эрим бор, — деди у.
- Кейин “фойдаланиб қол” дегандай кўшиб кўйди:
- Эрим Италияда саёҳат қилиб юрибди.
- Ажойиб инсон! Мен у билан таниш эмасман, лекин унга ҳурматим баланд. Умуман, эркак киши шундай чиройли билан сайру саёҳатга чиқмас экан, ўз замондошларини нима билан сийлаши мумкин? Мен сиздан сўраяпман. Шундай эмасми?
- У маза қилиб саёҳатда юрибди, сиз бўлсангиз вақтни ўтказиш учун бечора айиқларни томоша қиляпсиз, шундайми?
- Ҳа...
- Бирор жойга бориб чой-пой ичмаймизми?
- Бу ташланган дастлабки қармоқ. Агар рози бўлса, демак, ошигим олчи. Бу кеча банд бўламан.
- Жоним билан...
- Ундай бўлса, бошланг мени. Чунки мен Бернга эндигина келдим, бу ерда бирор кўнгилочар жойни билмайман...
- Яхшиси уйга бора қолмаймизми?
- Бир зум гангиз қолдим. Ё тавба. Ана аёлу, мана аёл. Сира бўш келгиси йўқ. Истагини дарҳол қондириш ниятида. Имкони борича тезроқ эриша қолса истагига. Бироз тортинган бўлиб эътироз билдираман:
- Сизни қийин аҳволга қўйишни хоҳламайман.
- Сира ундай эмас-да. Ҳеч ҳам қийнамайсиз. Чунки мен ҳозир уйда ёлғизман, оқсоч қиз ҳам таътилда...
- Сезяпсизми, бекорчилик нимага олиб келишини! Хонимлар зерикмасликлари керак, акс ҳолда ҳолингизга маймунлар йиғлайди. Агар сизнинг ўз хонимингиз кўнглини хушлаш учун вақтингиз бўлмаса, унга бирор эрмак топиб беринг, акс ҳолда сизга хиёнат қилиши ҳеч гапмас.
- Яшайдиган жойингиз узоқми?
- Унчалик узоқмас, мўъжазгина уйчам бор.
- Трамвайда борамизми?
- Йўғ-е, машинам бор.
- Машинаси қизил “Фольксваген” экан. Худди кўлқопи рангида. У рулга ўтирди. Мен ёнига. Ана ҳайдашу, мана ҳайдаш! Оғзим қулогимда. Омадни қаранг-а...
- Машинани соҳил бўйлаб ҳайдаб кетди. Кейин чиройли қилиб безатилган уйчалар томон бурилди. Кўчанинг энг охиридаги уйча олдида тўхтади. Орага сукунат чўкди. Хоним машинадан тушди-да, мени ўз кошонасига бошлаб кирди.

Роҳатбахш маскан. Гулдор гиламлар, ранг-баранг расмлар, жиҳозу жавонларга гап йўқ. Шундоққина пул ҳиди анқиб турибди. Оқсоч қиз чиндан ҳам дам олгани Явага кетганга ўхшайди, чунки жиҳозлар устини қалин чанг қоплаган.

— Чанг учун мени кечирасиз, — деди хоним, — бу ерда камдан-кам бўламан...

Хоним сумкасини диванга улоқтирди-да, қўлқопини ечди. Сукунат ва нимқоронғулик мени сархуш қилди. “Жиноятга ундовчи” бир вазият ҳукм сурарди. Бир қўлим билан офатижоннинг нозик белидан кучиб, бўш қўлимни қўйлагининг ичидан киндигининг пастига тикиб, лозими боғичини пайпаслай бошладим. Унинг ҳамма нарсаи ҳирс уйғотиш учун мукаммал эди.

— Исмингиз нима, гўзал хоним?

— Гретта!

— Жуда соз. “А” билан туговчи барча исмлар сирли бўлади, ўлай агар...

— Ростданми?

— Албатта.

— Сизнинг исмингиз-чи?

— Норбер!

Мен уни бироз бўшаштириш учун шундай ҳазиллашдим. Янглишмаган эканман... У менга оғзини тутди. Лаблари совуқ ва қаттиқ эди. Уларни қиздиришга уринарканман, офатижоннинг ўзини диванга томон сура бошладим. У бўш келмади.

— Йўқ, йўқ! Дарров эмас-да! Бунақамас!

Қизиқ, бунга яна нима керак? Эҳтимол, вертолётда учаётган ҳолатда антиқа қилиқлар билан ниш уриш хушёқар. Лекин мен бунақа мураккабликларни ёқтирмайман. Ҳамма нарсанинг жўн бўлгани яхши.

У қўлимдан сирғалиб чиқиб кетди.

— Мен чой қўйворай...

— Қўйсангиз-чи, менинг чойга унчалик ҳушим йўқ.

— Унда нима ичасиз?

Мен ўзингни ичаман дегандай унга тикилдим. У қизариб кетди.

— Вой, шўх миттивой-ей!

Одатда барча фоҳишалар шундай ҳазиллашишади. Мен шўх миттивой эканманми? Ана, холос!

— Скотч ичасизми?

— Бўлади!

У кулганича жавондан шишани олди ва ошхонага йўналди.

— Фақат менда муз йўқ! — деди у ўша ердан туриб. — Музхона ишламаяпти.

— Ҳечқиси йўқ, миттича...

У ошхонадан иккита стакан кўтариб чиқди, улардан бири лиммо-лим эди.

— Айт-чи, шунинг ҳаммаси менгами?

— Ҳа. Мен вискини унчалик ёқтирмайман! Соғлигинг учун!

У бу сўзни жарангдор оҳангда айтди. Мен қадахни у билан чўқиштириб, ичимликдан татиб кўрдим. Греттанинг скотчи унчалик эмасди, лекин бари бир эмасми, унинг ўзи ҳаддан ташқари яхши эди-да. Шу боисдан уни коийишга не ҳожат. Мен яна бир қултум ичдим-да, стаканни столга қўйдим.

— Ўтиринг...

Мен диванга чўқдим. У мени маҳкам кучоқлаб олди ва лабларимиз ўзаро қапишди. Мени ток ургандай бўлди. Энди мен эркак эмас, трансформаторга айланган эдим... Қўлларим юпқа пайпоқ кийган оёғини силай бошлади. Бу силаб-сийпашлар ҳам майин, ҳам ҳирс уйғотувчи эди. Бутун вужудим жунбушга келди. У бўлса унчалик қаршилик қилмасди ҳам, шунга кўниккан бўлса керак-да. Унинг оёқларини силаётган қўлим борган сари юқори кўтариларди. Яна юқори... яна... Бирданига қўлим оғирлашиб қолди. Менга худди кўрғошин куйишгандай. Ўзиям бир тонна чиқсам керагов... Йўқ, ўн тонна! Менинг ялпи оғирлигим ўлик китчалик, ёки гўнг ортилган аравачалик келар! Греттанинг табассуми ўчди... Менга узоқ-узоқлардан қўнғироқ жаранглаши

эшитилгандай бўлди... Кейин ҳеч нарсани ҳис этолмай қолдим ва йўқсизлик қаърига шўнғидим.

* * *

Икки қултумгина ичиб, сархушликдан жунбушга келган ҳолатим ҳозир-гисига нисбатан ҳолва эди, десам ишонаверинг. Бошим гувулар, ташқарига чиқишга уринаётган йиртқишлар тўла қафасга ўшарди... Ичим бураб-бураб оғрир, ичак-чавоқларим илма-тешик бўлиб кетгандек эди. Қилмиш-қидирмиш деб шуни айтсалар керак-да!

Атрофим қоп-қора зимистон эди. Қаерда ётганимни аниқлашга уриндим. Бу ердан чиқиш амримаҳолга ўшайди. Бир амаллаб гугурт чақдим. Унинг хира шуъласи бўм-бўш, темир эшикли ертўлани зўрға ёритди. Яккаю ёлғиз туйнукча ҳам цементлаб, суваб ташланганди. Совуқ қабр ичра қолгандим.

Гугурт ўчди, яна зимистон чўкди. Кўнглим айнир, ҳар ўқчиганимда ичим ағдар-тўнтар бўларди. Пешонамни совуқ тер қоплаган, тишларим орасида қум гижирларди, юрагимнинг уриши ҳам бежо эди.

У менга тутган ичимликка уйқу дориси эмас, заҳар қўшганини тушундим. Яхшиям кўп эмас, икки қултумгина ичган эдим. Агар ҳаммасини ичганимда борми, аллақачон у дунёга равона бўлур эдим.

Агар қайт қилиб, бу мараздан қутулмасам, яшашим гумонлигини тушуниб, икки бармоғимни оғзимга тиқиб, ошқозонимни ағдар-тўнтар қилаётган балодан халос бўлишга уриндим.

Бу ҳолат мени анча ҳолдан тойдирди... Плашим ёқасини кўтариб, бурчакка тиқилдим. Бироз куч тўплашим учун анча кутишим керак эди. Бир мунча муддат гаранг аҳволда қолдим, юрагим зўр-базўр уриб турарди. Бирдан миямга бир фикр келди, дарҳол ўзимни ўнглаб олдим.

Эсимга Матиас тушди. Борди-ю, соат ўн биргача уни огоҳлантирмасам ва ҳалиги албанни бир ёқли қилмасам, у йиғилишга боради-ю, ўзини фош қилиб кўяди! Соатга қарадим: олти бўляпти... Демак, самолёт тўрт соатдан кейин учиб келади. Нима бўлса ҳам ушбу иблис тузоғидан қутулиб чиқишим керак. Анави манжалақи шу ерда ўлиб кетади, деб мени бу ерга судраб келган. У кимга ишлаётган экан? Мени севиб қолган ва йўқотиш пайига тушган ким бўлди экан? Бу тезда ечишим зарур бўлган жумбоқ мен учун...

Мен туришга уриндим, лекин деворга қаттиқ урилдим. Тиззаларим қалтирарди. Мен яна гурурт ёқиб, бир амаллаб эшикка етиб олдим. Елкам билан итариб кўрган эдим, қилт этмади. Унда қулф йўқ, демак, ташқаридан сурма зулфин билан маҳкамланган.

Нақадар кўнгилисизлик! Сал ақлни ишлатиб қулфни бирёқли қилса бўлади. Лекин эшикнинг нариги томонидаги зулфинга бирор чора кўриш амримаҳол!

Ҳафсалам бутунлай пир бўлди. Афтидан, мен шу тор қафасда очликдан ўлиб кетадиганга ўшайман. Ўйлаб-ўйлаб, бу жойни мен билан ҳисоб-китоб қилиш учун ижарага олишган экан-да, деган хулосага келдим. Мени бу ерда топиб олишганда батамом чириб битган бўлсам керак.

Ўйлаб, сира ўйимга етолмайман, мени бу ерда дафн қилишга кўрсатма берган ким бўлди экан? Эҳтимол, Мохари ташкилотидир? Демак, улар менинг топширигимдан хабардор эканлар-да?!

Бу ғайритабиий, чунки менинг Бернда нима қилишимни фақат Қария ва менгина билардим... Балки босқинчиларнинг бошқа гуруҳи менинг самолётдан тушганимни кўриб қолгандир? Бўлиши мумкин! Бу бепоён оламда менинг душманларим шу қадар кўпки... Бу йигитлар мени уларни байрам билан табриклашга келган деб гумон қилиб, тезроқ асфалософилинга жўнатишга қарор қилишдимикин? Ҳа бўлиши мумкин. Шу тариқа Сан-Антонио деган кимса боглаб қопқонга тушиб ўтирибди-да.

Мени бало-қазолардан асраб юрган жинларим бундай шароитда ҳовлиқ-масдан вазмин бўлишни, вазиятни ҳисобга олишни маслаҳат беришди. Яхши маслаҳат... Мен дарҳол ўз иқтидоримни ва имкониятимни чамалаб кўрдим.

Не бахтки, малла офатихон мени бутунлай хушсиз деб ўйлаб, чўнтакларимни титиб кўрмаган экан. Қани, кўрайлик-чи, ёнимда нима бор экан: тўппонча, эҳтиёт ўқлар обоймаси, ручка, гугурт қутиси, чўнтак қаламтароши, калитлар боғлами, дастрўмол... Яна ҳужжатлар ва пуллар солинган ҳамён.

Шундай қилиб, ёнимда менга анча-мунча ёрдами тегиши мумкин бўлган турли ашёлар бор экан. Қани энди менга дафн маросими учун рухсатнома берувчи бирортаси келиб қолса! Унга маҳкам ёпишиб олиб, жаннат неъматларига элтувчи калитларни тортиб олган бўлардим. Лекин сафсатанинг нима кераги бор! Бу ерда ҳозир депутатлар палатаси ҳисоботи янглиғ бир сукунат ҳукмрон. Худди қудуқ тубига кўмиб ташлангандайман...

Бир неча гугуртни ёқиб, эшиккача сурилиб бордим. Зулфин қаердалигини аниқладим-да, қаламтарош билан эшик кесақисини ёнидан туйнукча кавлай бошладим. Цемент қаттиқ бўлганидан зўрға икки гишт орасидан ковакча очдим... Бу ўйиқ кичкинагина бўлса ҳам режамни амалга ошириш учун етарли эди. Мен эҳтиёт обоймани бўшатиб, патронларни олдим. Кейин қаламтарош ёрдамида гилзаларнинг портлатгичларини ажратдим. Шундай қилиб, олтита порох тўла мис капсулага эга бўлдим. Сўнгра ручкамни олиб бураддим-да, сиёҳ учун қўйилган цилиндрни чиқариб олдим ва бўшаган ручка бўшлигини порох билан тўлдирдим. Шундан кейин дастрўмолдан бир парча йиртиб олиб эшдим ва порох билан тўлдирилган ручка ичига тиқдим, ручканинг қопқоғини бураб беркитдим. Ручкани ҳозиргина деворга ўйилган чуқурчага ўрнатдим. Дастрўмол парчасининг ручка ичидан чиқиб турган иккинчи учини ёқдим-да, эшикдан чап томондаги деворга қисилдим. Қаттиқ портлаш юз берди. Ертўлани порох ва ёнғин ҳиди тутди. Эшикка яқинлашиб қарасам, портлаш кесаки ёнидаги цементни анча ўпириб ташлабди. Эшикни итариб кўрдим. У ҳамон маҳкам турарди. Лекин унинг қимирлаётганини ҳис қилдим. Елкам билан кучлироқ итарган эдим, эшик сурилди. Зулфинни ушлаб турган темир ҳалқалар девордан суғурилиб чиқди. Олтинчи зарбамдан кейин эшик кўпорилиб тушди. Шундай қилиб, шоввоз Сан-Антонио қоронғи йўлакка чиқди.

Бутун кучимни тўплаб, охириги гугурт донасини ёқдим. Тепага кўтарилган зинага кўзим тушди. Кўтарилганимда яна бир эшик йўлимга ғов бўлди. У ёғочдан бўлгани учун бирёқли қилиш қийин бўлмади. Ниҳоят, даҳлизга чиқдим. Кейин Гретта мени бошлаб ичирган хонага кирдим. Биз қадаҳ кўтарган стаканлар ҳануз ўз ўрнида — пастқам столчада турарди. Мен ўзим икки қултумгина сипқорган стакандаги ичимликни ҳидлаб кўрдим. Ундан аччиқ ҳид анқиб турарди. Греттанинг стаканидан фақат скотч ҳиди келарди. Мен хоналарни айланиб кўрдим. Тахминим тўғри чиқди, бу ижарага олинган уй экан. Бошқа хоналардаги жиҳозларга ёпинғич тутилган. Бор-йўғи бир шишагина скотч бор экан, холос... Бу ерда кўпдан бери ҳеч ким яшамаганлиги шундоққина кўриниб турарди.

Соат миллари саккизни кўрсатиб турарди. Мен ташқарига чиқдим. Ташқарида бефарқ кўёш оламга оқиш нур сепарди.¹ Мен Швейцариянинг дунёдаги энг яхши ҳавосидан кўкрагимни тўлдириб-тўлдириб нафас олдим. Ушбу шуҳратли мўъжазгина миллатнинг бойлигини ташкил этувчи ҳавони Гельвеция Конфедерацияси дунёнинг тўрт томонига экспорт қилаётгир. Ё Тангрим, мени бу бало-қазолардан асраганинг учун ўзингга шуқр. Баъзан менда мана шундай диний эҳтирослар ҳуруж қилади.

Бекатда трамвайга сакраб чиқиб олдим. Топ-тоза, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг худди ўйинчоқ дейсиз бу трамвайни, (ишонмасангиз, ундан нарига). Заҳарланган бўлишимга қарамай, ўзимни жуда яхши ҳис этардим. Сизга айтсам, бу мен учун ўзига хос тозаланиш эди. Мен қарийб оч қолган эдим!

Шаҳар марказида, ранг-баранг фаввора ёнида трамвайдан тушиб, почта бўлимига кирдим. Париж билан боғланишга буюртма бердим. Беш дақиқа ўтар-ўтмас телефондан Қариянинг овози эшитилди:

¹ Бундай жумлалар мен сохта адабиёт деб атовчи адабиётга хосдир. Гарчи у мазкур асарга шеърый оҳанг бахш этса-да, ундан намуна сифатида фойдаланиш мумкин, зеро сийқа сатрлар мендек истеъдод соҳиби бўлган ёзувчига нолюйқдир.

— Мен Сан-Антониоман...

— Саёҳатчи жўнаб кетди, — деди хириллаб Қария, — яхшилаб кутиб олинг...

— Жуда соз...

Мен бошимга тушган ташвишлар ҳақида гапириб бермоқчи эдим, мавриди эмасди. Ҳозир унинг эътиборини иккинчи даражали нарсаларга қаратишнинг пайти эмасди.

— Керакли ҳамма нарсани эътиборга олдингизми?

— Бўлмасам-чи. Сиз ташвиш тортманг!

— Ундай бўлса, ҳозирча!

Бошлигим жуда некбин одам-да. Полиция бошқармасининг учинчи қава-тида айланувчи ўриндикда ўтириб, гаштини сураётган бошлиқнинг ташвиш тортадиган жойи йўқ, шунинг учун ҳам истаганча завқланиши мумкин.

— Ҳозирча, — дедим мен ҳам гўшакни иларканман.

Қани, бўлмаса ишга. Шоша-пиша ширин кулчалар билан қора қаҳвага қор-нимни тўйғаздим-да, устидан Бургунд шаробидан ичиб олдим. Қаҳвахонадан отилиб чиқдим. Ижарага олганим иккала темир тулпор бекатда мен қолди-риб кетган жойда ёнма-ён туришарди.

Аввалига “Порш”ни олдим-да, чорраҳага қараб ҳайдадим. Аэропорт йўли-нинг қоқ ярмида бўлган бу чорраҳани кеча кўз остига олиб қўйгандим. Мен машинани Влефта йўлини кесиб ўтадиган кўчага қўйдим-да, ўзим трамвай-да шаҳарга қайтиб келиб “Мерседес”га ўтирдим. Аэропорт йўлини яхшилаб ўрганиб чиққан эдим. Соат ўнда мен керакли жойда кутиб турардим. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас, Нью-Йоркдан учиб келадиган самолётнинг қўни-шини эълон қилишди. Менда ҳали ҳашаматли майхонага кириб, коньяк би-лан томоқни хўллашга вақт бор эди... Майхона соҳибаси жуда гўзал, худди ... эди (худди юракдек, демоқчи эдим. Сизнингча қандай: Юрак гўзалми? Ме-нинг нўқтаи назаримда жуда хунук. Бу эса рамзлар ҳамма нарсани бузишини кўрсатиб турибди!). У худди баҳор гулдастасидек гўзал десак, шунинг ўзи етарли. Мен у томонга қараб-қараб қўйишдан ўзимни тиёлмасдим, ҳолбуки, бундай нозанинларга нисбатан менда қизиқиш анча сўнган эди. Унинг қараш-ларидан юрак ларзага келар, офатижон кўкраклари эса Швейцария эмизув-чилар мамлакати эканини эслатиб турарди.

Мен унинг кечқурун нима билан банд бўлишини сўрадим. У кечқурун қайлиги билан сайр қилажagini айтди. Унинг исми Франк, учувчи экан. Ҳа, учувчининг омади бор экан, бугун ҳам бўш келмаслигига ишонаман!

Мен қизчани ёнимга таклиф қилдим. “Чинзано”дан қуйиб бердим. У бўлса менга ўз йигити ҳақида сўзлай кетди. Хоним танлаган йигит, жамиятнинг гули экан, билсангиз... Барча конкурсларда ғолиб чиқаркан... Бунинг устига денг ўлгудай севаркан. Ўзи кетворган! Фақат кўнгилга ғашлик солувчи бир томони — йигит протестант, қиз бўлса католик экан! Шу ҳам иш бўлди-ю, ахир, ўғирда сув туйишнинг нима кераги бор, а! Бечора ўз қисматидан ши-коят қилаётганди. Ахир у ўз қайлигини севишни истарди, унинг динини эмас.

Мен унга умумий тенглик топишни маслаҳат бердим: иккаласи мусул-монликни қабул қилишса қандай бўларкан. У кулиб юборди, мен ҳам. Лекин кулгимиз узоққа чўзилмади. Чунки майхона кўзгусида ўз аксимга кўзим ту-шиб қолганди. Рангимни кўриб, ўзим кўрқиб кетдим. Афтим мурдани эсла-тарди. Бахтимизга радиодан эълон бериб қолишди. Мен кутаётган самолёт қўна бошлаганди.

Мен стаканда қолган ичимликни даст кўтариб, ҳақини тўладим.

— Қайлигингизни мен учун ҳам ўпиб қўйинг! — дедим унга хайрлашаё-тиб.

— Бировни кутяпсизми? — сўради у.

— Ҳа...

У кулиб, бош ирғади.

— Хонимингизими?

— Йўқ. Куролдош дўстимни! Биз олдин бирга жанг қилган эдик. Балки яна... Тарки одат — амримаҳол, биласиз-ку!

Мен шундай дедиму майхонани тарк этиб, қўниш майдонига йўналдим. Осмонда кумуш нуқта худди қуёш парчасидек ялтирарди.¹ Нуқта гувиллаб, шақли-шамойилини намойиш этди, самолёт оқиста айланиб қўниш майдонига кирди. Ана, унинг парраги кўзга ташланди, унинг айланиши секингина бориб ниҳоят тўхтади. Мен қутяпман.

Ошигим олчи, десам унчалик тўғри бўлмас, чунки ғалати бир аҳволда эдим. Ҳисоб-китоб қилишинг керак бўлган одамни кутаётганда жуда ноқулай сезасан ўзингни. Влефтани унчалик кўп кутишга тўғри келмади. У самолётдан иккинчи бўлиб чиқди. Кузатиб турган жойимдан уни тезда таниб олдим. Туя терисидан тикилган пальто кийиб олган Влефтанинг қўлида каттагина чарм портфель бор эди. Баланд бўйли рангпар бу одам анча ёш эди. Бошида шляпаси йўқ, ўсиқ сочлари бўйнига тушиб турарди.

У зинадан жадал тушди-да, божхонага қараб юрди. Шунда нарироқда турган машинадан тушиб, унга қараб бораётган баҳайбат кимсани кўриб қолдим. Буғдойранг бу киши анча-мунча олифта кийинганди. Қизил бўйинбоғига қадалган йўлбарс тирноғи унинг салобатини янада оширгандай эди.

Божхонадан чиққан Влефта ҳалиги баҳайбат олифтага яқинлашди. Улар ўл бериб сўрашишди. Албаниялик тунд бўлиб кўринди. Эҳтимол, у ўзини қўли кутаётганини ҳис қилгандир. Унинг шериги товадан ҳозиргина олинган бўғирсоқни эслатарди... Бўйни ва башараси ёғлиқ тер билан қопланган эди.

Иккаласи биргаликда ҳалиги баҳайбат бўғирсоқнинг машинасига ўтиришди. Мен дарҳол ўз машинамга югурдим. Улардан бир неча ўн метрлар чамаси олдинда йўлга чиқиб олдим. Уларда “Альфа Ромео”. Бу бир томондан мени ташвишга соларди, чунки “Альфа Ромео” анча тез юради. Иккинчи томондан шуниси маъқул эди-ки, унинг кузови жуда юпқа бўлади.

Улар мени қувиб ўтишмоқда. Бирдан қалбимга ғулғула тушди: ишнинг пачавасини чиқаришса-я! Лекин улар ҳеч нима қилишмади, соатига саксон километр тезликда физиллаб кетаверишди.

Мен бир оз сабр қилдим, кейин чорраҳага яқин қолгач, акселераторни босдим. Спидометрнинг миллари чапдан ўнга қараб жадал силжий бошлади. Тўқсон, юз, юз ўн... Мен уларни қувиб ўтишга тайёр эдим, “Альфа”даги иккала йўловчи ҳам ҳеч нарсадан шубҳаланмасди. Кутилмаганда машинани уларга қараб бурдим, гўё бошқарувни эпполмай қолгандай. Ростини айтсам, бу одамда ғалати таассурот ҳосил қиларкан. Одам-торпедо ролини бажариш учун ҳақиқий япон бўлиш керак экан... Қарасам орамиздаги масофа қисқариб, “Альфа Ромео”нинг орқаси йириклашиб бормоқда. Рулни маҳкам ушла, Сан-Антонио, — дедим ўзимга-ўзим. — Тўғри ойнакни мўлжалла... Лекин бошни ойнакка уриб ёрадиган аҳмоқлардан эмасман.

Зарб билан бориб “Альфа”нинг орқасидан урдим. У бошқарувни йўқотиб, йўлдан чиқиб кетди ва ўнг томондаги деворга бориб урилди. Менинг “Мерседес”им олдинга ўтди-ю, йўлга кўндаланг туриб қолди.

Влефта билан унинг шериги гаранг бўлиб қолганди. Биз томонга одамлар чопиб кела бошлашди. Мен ички чўнтагимдан тўппончамни олиб, Влефтанинг кўкрагига тирадим. Влефта менга қараб бақрайиб қолди. Тепкини босдим. Унинг кўзларидаги нур сўнди. Унинг ёнидаги бақалоқ қамир этмас, кўкариб кетганди. Мен дарҳол Влефтанинг тиззасида ётган чарм портфелни олдим. Нега шундай қилдим, ўзим ҳам ҳайронман. Албатта, буни мен Мохари тармоғи югурдаклари олдида ўз қилмишимни оқлашим учун қилганман. Ахир, бу ишни портфелни ўғирлаш учун қилганимга ишонтиришим керак эди-да.

Мен шунақа усталик билан ҳаракат қилдимки, тўпланганлар ниятимни сезмай ҳам қолишди. Фақат иккинчи машинамга қараб югурганимдагина гап нимадалигини пайқаб чувиллаб қолишди:

— Ушланглар уни!

Мен олға ташландим... Хат ташувчи йўлимни тўсди. Мен унинг чотига тепдим. У хат тўла халтасига ўтириб қолди.

¹ Бу образда нақадар куч, нақадар оригиналлик бор! Йўқ, Сан Антонио, ўз авлоди орасида олий даражадаги чинакам романчидир. Сент-Бев.

Мен машинам турган жойга етиб келдим. “Порш”нинг стартери салга ўт олади. Шошганимдан алоқани улашни унутибман. Ниҳоят, мотор гувиллади. Газни босдим. Машина олдинга ташланди. Мен уни елдириб кетдим.

Негадир мени ваҳима босди. Шундай қилиб, мен ўз вазифамни бажардим. Лекин энди мени таъқиб қилишмоқда. Мени йигирматача одам кўрди, улар машинам номерини ҳам кўриб қолишган бўлса керак. Тез орада ишсизликдан пашша кўриб ўтирган Швейцария полислари менинг изимга тушишса керак. Шу боисдан имкон бориша тезроқ жуфтакни ростлаб қолишим лозим. Мен машиналарни ортада қолдириб, темир йўлни кесиб ўтиб, асосий йўлга чиқиб олдим.

Қандайдир сония давомида довдираб қолдим. Нима қилсам экан: Бернга қайтиб бораёми, ёки Францияга жўнаворайми? Иккинчиси мени кўпроқ қизиқтиради. Лекин Францияга бориш анча хавфли. Нега деганда анча юришга тўғри келади. Демак, полислар кўлига тушишим ҳеч гапмас. Бу эса менинг саломатлигим учун жуда ёмон. Ойижоним Фелиси мени Нестле қоришмалари билан боққан эди. Шунча йиллар давомида қилинган саъйи-ҳаракатларни биттагина нотўғри қадам босиш билан йўққа чиқариш аҳмоқликдан бошқа нарса эмас, ахир.

Шундай қилиб, мен Бернга қайтишни маъкул топдим. Ишчилар маҳалласини кесиб ўтиб, шаҳарга чиқиб олдим. Бирдан кўпорилган дарвозага кўзим тушди. Кимнингдир уй-жойи қаровсиз ётарди. Мен кенг ҳовли ичкарасига кириб, машинамни яримқулаган девор орқасига яширдим. Шляпа ва плашимни ечиб, кўзойнакни тақдим, портфелни ҳам олдим. Ташлаб кетилган ҳовлини, худди меъморлардек, кўздан кечириб чиқа бошладим.

Кейин яна трамвайга чиқдим. Мана, яна шаҳардаман. Эркин қуш мисоли юрибман айланиб. Ҳой тентак, нима қилиб юрибсан? — дейдиган одам йўқ. Ахир, Пантрюшга қадар бориш учун чипта олишим керак-ку. Чунки ҳадемай Берн полислари оёққа туришади. Бу жаноблар мени кўлга тушириш учун зир югуртиришади ҳали...

Худди мактаб болаларидек, мен мағрур ҳолда вокзалга кирдим. Бу пайтлар одатда вокзал одамлар билан гавжум бўлади. Мен кассага бориб, Парижгача чипта олдим. Чипта чўнтакда. Мен ўзимни Парижга етиб олгандек ҳис қилдим. Табло олдига бориб, поезд қачон жўнашига қизиқдим. Эҳ-ҳе, ҳали икки соат бор экан. Буниси таъбимни тирриқ қилди. Яна шунча вақт йўқотаманми? Иложи бориша бу ердан тезроқ қорамни ўчиришим керак.

Бу вокзал дегани пойлоқчилар учун жуда қулай жой-да! Айниқса, қаёққадир шошаётган одамни доим кутиб туришади. Нима ҳам қилардим. Халоскор фариштам менга йўл кўрсатар деган умиддаман.

Бир неча газета сотиб олдим-да, буфетга кирдим. “Нешатель” шаробидан, пишлоқли нон-луқма буюрдим-да, газета ўқишга тутиндим. Унинг мазмуни мени сира қизиқтирмасди. Лекин ўзимни унда босилган фельетонни ўқишга мажбур қилдим.

Унда черков эшиги олдига ташлаб кетилган қизча ҳақида қалбни ларзага солувчи воқеа ҳикоя қилинарди. Қизчани топиб олган лейтенант уни тарбиялаш учун бувисига топширади. Ҳозирги пайтда қизча анча катта бўлиб қолган. У фан номзоди бўлиш учун имтиҳон топширади. Лейтенант эса олис мустамлакадан қайтиб келади. Уттиз беш ёшлардаги келишган лейтенантнинг ошиғи олчи. У бадавлат, ҳарбий мукофотлари анчагина. Бўй етган қизни кўриб, хушёр тортади. Умуман, воқеанинг бориши ҳалиги зобитнинг шу қизга уйланажagini кўрсатиб турибди. Албатта, асар муаллифининг жигари ишдан чиқиб ёки лейтенантнинг бўйинбоғи қисқичидан қизча йигитнинг ноқонуний синглиси эканлиги ҳақидаги ҳужжат топилиб қолмаса шундай бўлиши мумкин.

“Давоми бор” деган ибора менинг хаёлларимга қанот бахш этди. Атрофимни диққат билан кўздан кечирдим. Афтидан, ҳаммаёқ осойишта кўринади. Мен яна ичимлик буюрдим, Ўртамиёна бу шароб шундай қувноқ кайфият бағишладики, ўзимни давра кўриб, ашула айтиб, рақсга тушаётган болалар орасидагидек ҳис этдим.¹ Емакхонада ўтириб, вақтни ўтказишим зарур эди.

Нима бўлса ҳам хотирамдан бечора Влефганинг қўлимда тўппончани кўрган пайтидаги аянчли нигоҳини чиқариб ташлашим керак эди... Начора! Агар ихтиёрим ўзимда бўлганда эди, Қарияга, ташкилотларга, ҳар қандай топшириқларга қўл силтаб қўя қолган бўлардим. Лекин...

Орадан бир соат вақт ўтди. Ҳеч қандай ўзгариш йўқ. Одамлар киришяпти, чиқишяпти. Мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Янгиликларни ўқишга уринаман. Ҳарфлар ўйноқлаб тутқич бермайди. Асабларим ўта таранглашган. Дўстларимдан бири Фернан-Қизиққон, айтгандек, ўйлаяпсанми, демак, яшамоқдасан.

Бу уйдирманома битилган газетани бир четга суриб қўйдим. Ўзимни ғалати сезиб турган маҳалим емакхонага уч нафар бақувват йигит кириб келди.

* * *

Уларнинг мени қидириб юрганига шубҳа қилмасдим. Сени кимдир пойлаб юрганини ҳис қиларкансан, беихтиёр ҳушёр тортасан киши. Улар улкан зални диққат билан кўздан кечира бошлашди. Одам жуда кўп эди. Бундай ҳолат улардан ўта эътиборли бўлишни талаб қиларди. Мен емакхона хизматчисига ишора қилдим. У ёнимга келиб, мени айғоқчилар нигоҳидан тўсди. Мен еб-ичганимга ҳисоб-китоб қиларканман, валақлаб, вақтни чўзишга уринардим. Ўнг томонда ҳожатхонага олиб кирувчи эшикка кўзим тушди. Нима бўлса ҳам ўша ёққа ўтиб олишим керак. Бошимни елкаларим орасига қисганча ўша томон шошилдим. Вақтдан юганим менга қўл келди. Ҳожатхонада ўтириб, ўлжа қилиб олганим чарм портфелни очдим. Унда минг хил нарсас бор экан. Биринчидан, инглиз тилида ёзилган аллақандай қоғозлар, лекин уларнинг нималигини тушунмадим. Иккинчидан, Шимолий Африка харитаси. У кўк қаламда чизиб, қизил ҳарфлар билан белгилар қўйиб ташланганди. Учунчидан, миллион швейцария франкига ёзилган чек. У Магиб деган кимса томонидан Берндаги Федерал банкка ёзиб берилганди. Чек бристол картонидан қилинган конвертга солинган бўлиб, устида ҳеч қандай ёзув йўқ эди. Чекнинг ўзига “ушбунни кўрсатувчига” деб ёзилганди. Бундан юрагим ҳаприқиб кетди. Ҳазил гап эмас. Ахир, бир миллион швейцария франки юз миллион француз франкига тенг. Эҳ-ҳе, бунча пул билан ҳамма нарсани қилса бўлади.

Ушбунни кўрсатувчига юз миллион! Юз миллионни дуч келган одам, яъни, масалан, мен, шартга бораман-у, оламан! Гангиб қолдим. Йўқ, мен қизғанчиқ эмасман. Шундай тоифадагилардан ҳам эмасман. Мен кўп пулинг бўлиши керакмас, лекин у етарли даражада бўлиши керак деб ҳисоблайдиганлар тоифасиданман. Шахсан менга дяхшигина яшашим учун пул ҳамиша етиб ортарди. Пулим онамни боқишга ҳам, мени хуш кўрадиган аёлларга сарфлашга ҳам етарди.

Лекин биз пул бошқараётган чирик даврда яшаяпмиз — бу ҳеч кимга сир эмас. Шу боисдан юз миллионлик чек — Ниагара шаршарасидек таассурот қолдириши табиий.

Ҳайратлиси шундаки, қаердалигимни эсдан чиқариб қўйдим: Ҳожатхона эшигини бир неча бор тортиб кўришди. Кимникидир жуда қистаб қолган бўлса керак. Мен қоғозларни буклаб, ички чўнтагимга тикдим, харитани икки буклаб курткамнинг аврасига жойладим... Чекни ўз ҳамёнимга солдим.

Ўйлашимча, Влефта Миср пулдорларининг Мохари ташкилоти учун тўлов сармойасини олиб кетаётган бўлса керак. Агар ушбу пулни олишга муваффақ бўлсам, ошиғим олчи бўларди.

Мен ҳожатхонадан чиқишга таваккал қилдим. Чиққанимдан афсусланганим йўқ, зеро, бу ернинг ҳидидан зўрға турган эдим. Эшик олдида биттаси менинг жойни бўшатишимни типирчилаб кутиб турган экан, шекилли, эшик очилиши билан ўзини ичкари урди.

¹ Сан Антонио тенги йўқ метафора устасидир. Сен-Симон.

Мен кўзгу ўрнатилган эшикка яқинлашдим. Эшикни очарканман, кўзгу орқали бутун зални кўздан кечирдим. Ҳалиги изқувар йигитлар гойиб бўлишганди...

Радиокарнай менинг поездим, “К” йўлидан жўнашини эълон қилди. Мен сакраб иккинчи тоифадаги вагонга чиқиб олдим, бўш портфелни йўлакдаги тўрхалтага ташладим-да, биринчи тоифадаги вагонга йўл олдим. Поезд деярли бўм-бўш эди. Мен бўш купелардан бирини танладим-да, йўлакка очилувчи эшик ёнидаги ўриндиққа жойлашдим. Энди эшикдаги пардани тортиб қўйсам бас, у мени ташқаридан қизиққон кўзлардан тўсиб туради. Борди-ю, изқуварлар вагонни тинтишганда ҳам ташқаридан мўралаб қўйиш билан чекланишлари турган гап...

Мен нафасим тикилиб кутардим. Ҳақиқий полисларда ўзига хос ички туйғу бўлади. Хавф пайдо бўлди дегунча ана шу туйғу ишга тушади. Мен кутардим. Сенга ҳеч нарса бўлмаслиги керак, дерди онгим. Лекин туйғум, “қоч!” — дея огоҳлангирмоқда эди.

Бир неча дақиқа ўтди. Йўловчилар вагонларга жойлашишди. Қўшни купедан швейцарча-немисча чуғурлашлар чалинди қулоғимга. Қаердадир бола йиглади (тавба, йигиси ҳам швейцарча-немисча-я). Ур-сур... Қийқириқ. Ҳансираш... Умуман, вокзалнинг ажойиб товушлари. Ажойиб, чунки булар ҳаёт товушларидир! Маст қилади бу товушлар одамни.

Мен ўзимни беҳузур ҳис этдим. Ичимда нимадир гулдуради, ички совуқ юзимга урди. Мен кутардим... Кўз қирим билан соатимга қарадим. Соат гарчи Швейцарияники бўлмаса ҳам вақтни кўрсатяпти. Демак, мен ўтирган экспресс ўн уч дақиқадан кейин жўнайди. Бу рақам менга бирор тухфа ҳозирламагандир, деган умиддаман... Чегарадан омон-эсон ўтиб олсам қандай зўр бўларди дейман ўзимга-ўзим.

Эҳ, йигитлар! Нақадар соз! Диванга чўзиламан-да, мазза қилиб ётаман. Ахир, сўнгги йигирма тўрт соат ичида бундоқ мириқиб дам олганим ҳам йўқ! Мени таъқиб этишди ва зиндонга ташлашди. Мен автохалокат уюштирдим ва одам ўлдирдим... Мен... Мен ҳамёнимга қўл югуртирдим. Мен ўз бурчимни бажардимгина эмас, душманларимиздан юз миллионни ўғирладим ҳам...

Чегарадан ўтиб олишга муваффақ бўлармиканман? Тегишли идоранинг хизматчиларида менинг тўла тавсифим бор, албатта. Менинг қиёфамни соатма-соат аниқлаб беришяпти. Қотилликнинг гувоҳлари тўлиб-тошиб ётибди: Машинани ижарага берганлар, менга ётоқхона берган меҳмонхона бошқарувчиси, аэропорт майхонасидаги хизматчи — мени жуда яхши таърифлаб берган бўлишса керак.

Бирдан қадам товушлари эшитилди. Бу қадамлар ҳар бир купе олдида тўхтар ва яна юришда давом этарди. Мен ҳар бир эшикнинг очилиши ва ёпилишини эшитиб турибман. Шубҳа йўқ... Булар патрул... Мен имкон қадар кичикроқ бўлишга ҳаракат қилардим! Агар шу тарзда давом этаверса, мен диваннинг қопламасига айланишим турган гап. Ушбу сонияда бу менинг энг олий истагим эди.

Қадамлар яқинлашиб келмоқда. Эшик дастаси қимирлаганини кўриб турибман. Ана, эшик очилди. Мен кўзларимни юмиб, ўзимни ухлаётганга солдим... Киприкларим орасидан қараб икки тунд юзли кимсани кўрдим. Булар ўша емакхонада мен кўрган икки полис эди.

Улар мени кўздан кечиришди. Улардан бири купега кирди. Бошқаси эшик оғзида қолди. Ичкари киргани қўлимга туртиб немисчалаб нимадир деди. Мен чўчиб уйғонгандек кўрсатдим ўзимни. Аввалига тиржайдим, кейин жиддий тус олиб, чўнтагимдан чиптани чиқардим-да, унга узатдим. Бу билан уларнинг талабларини тушунмагандек кўрсатдим ўзимни.

Ҳийлам ўтмади. Бари бир бу бесўнақай полисни анча чалғитган эдим. У шеригидан ниманидир сўради. Шериги ҳам купега кирди.

— Сизларга нима керак ўзи? — сўрадим шошқалоқлик билан.

— Ҳужжатларингизни кўрсатинг!

Табиий, бундай вазифани бажариш учун мен сохта гувоҳнома ҳам эҳтиётлаб қўйган эдим. Аммо шу аснода мен бундан афсусландим. Чунки бу ҳуж-

жатни уларга кўрсатсам, мен ҳам уларнинг ташкилотига тегишли одам бўлиб чиқардим.

Сочи калта олдирилган, тўртбурчак иякли малла йигит ҳужжатларимни кўздан кечира бошлади. У шеригига нимадир деди. Унинг бесўнақай шериги, мени пайпаслашга киришди. Ё алҳазар! Жуда бошлабман-ку! Тўппончамни олиб қўйиш ҳаёлимдан кўтарилибди-ю. Унинг каттагина овоз ўчиргич қурилмаси пиджагим тагидан бўртиб турарди. Йигит чаққонлик билан қуролимга ёпишди. Иккинчи полис эса қўлларимга солиш учун кишанни чиқарди. Миллий лотереяда бахтни синаб кўриш вақти келди, шундай эмасми? Умуман, нимадир қилиш, бирор чора кўриш керак эди.

Сал орқага тисарилар эканман, оёқларимни тиззадан букиб, кишан тай-ёрлаётган йигитнинг иягига зарб билан тепдим. Айни пайтда унинг шериги қорнимга қаттиқ тепиб қолди. Гурс этиб ерга қуладим. Ўзим бир ҳолатда бўлиб ётган жойимда у боксёрлик санъатини намойиш қилмоқчи бўлди, шекилли, пешонамга мушт туширди. Кўзларимдан ўт чақнаб кетди. Мен тепган полис рўпарада оғзи қонга беланиб ўтирарди. У уваланган тишларини бирин-кетин олиб диванга тахларди. Бу манзара уни нақадар ерга урса, шеригининг қонини шу қадар қайнатди. У баттар қутуриб ҳужумга ўтди. Зарб билан мушт туширди. Афтидан мени бир ёқлик қилмоқчи эди. Лекин мен ўзимни четга олишга улгурдим. Унинг мушти зарб билан эмалланган темир қопланган тўсиққа урилди. У жон аччиғидан чинқириб юборди.

Бу чинқирик мени ҳам хушимга келтирди. Бошлаб тумшугига тепки солдим. У орқага учиб тушди. Яна бир тепки туширмоқчи эдим, азбаройи жой торлигидан оёқни яхши сермай олмадим, натижада тепким лунжигга эмас, чотига тўғри келди. У купе йўлагига чўзилиб тушди. Шартта устидан ҳатлаб ўтиб, йўлакка отилдим. Лунжи дабдала бўлган полис дивандаги тишларини қолдириб орқамдан ташланди... Лекин мен эллик сантиметрча олдинга ўтиб олган эдим. Вагон тўлган, одам ғуж-ғуж. Мен қора кийинган беванинг енгидан ушладим-да, унинг қўлини мени таъқиб этиб келаётган полиснинг қўлига топширдим. Кампир ҳам жон ҳолатда полиснинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Мен бўлсам қандайдир чемоданга оёғимни қўйиб, деразадан перронга сакрадим.

Энди бўлса, хонимлар ва жаноблар, оёқларни қўлга олинглар! Сешанбагача, яхши қолинглар! Одамларни наридандан бери итариб, кимларгадир урилиб олға чопаман. Тартиб кўриқчилари пайдо бўлди. Ҳуштаклар чуриллади.

Менда эса қанот пайдо бўлди! Фақат, Жази рекордини ортда қолдирганимни ҳисобга оладиган ҳакамлар бригадаси етишмай турибди. Мен вокзалнинг чиқиш эшигига етиб олдим. Бу ерда эса баҳайбат бир посбон турибди. Уни огоҳлантиришган, шекилли, йўлимни тўсди. Мен унга чиптамни чўздим, лекин муштумимни очиб эсимда йўқ, чипта тутган муштумим унинг жағига тўғри келди. У панжарадан ошиб тушиб, боши билан деворга урилди. Бечора, ўз мамлакатининг кантонлари маслаҳатчилари кимлигини ҳам эсидан чиқарган бўлса керак. Вокзалдан чиқиб кетаётган қизил юк машинасига кўзим тушиб қолди. Югуриб, шунга чиқиб олдим.

Шошиб қолган ҳайдовчи кўзини лўқ қилиб менга қарайди.

— Йўлдан адашманг, отахон, қани газни босинг-чи, — дейман унга.

“Маъқул” дегандек бош эгади у орқа ойнадан менга қараб. Биз йўловчиларни лол қолдириб учиб боряпмиз. Полислар ҳадемай изимизга тушишади. Уларнинг мотоцикллари эса бизнинг юк машинамиздан анча тез юради. Демак, юк машинасини тарк этиш керак.

Бурилишда машинадан сакрадим. Атрофга кўз югуртирдим. Ҳозирги вазиятда Польша мустамаलाкалари учун қанд лавлагининг фойдаси ҳақида маърузанинг асло ҳожаги йўқ. Бошни ишлатиш лозим.

Мен увоққина қандолатчини кўриб қолдим. У “Муқаддас Шаън” торти солинган саватни ушлаганича велосипеддан тушди. Мен “Шаън” тортини йўлакка чаплаб, унинг шаънини булғадим-да, шартта велосипедга ўтириб, ша-

молдай елиб кетдим. Педални тез айлантирганча учиб бораяпман. Ҳаллослаганимдан тилим осилиб қолди. Кескин буриламан. Йўналишга парво қилмайман. Қанақа йўналишлиги ҳозир мени қизиқтирмайди ҳам. Шарпини айтгандай, зўр бериб педални айлантираман, айлантираман. Мен тақиқланган йўналиш бўйлаб кетяпман. Бу йўналиш зинали кўчалардан иборат экан, денг. Ана, холос! Бу жасоратимни кўрганлар тан бермасдан иложлари йўқ.

Ҳар замон-ҳар замонда елкам оша орқамга қараб қўяман. Атроф жимжит, сукунат ҳукмрон. Берн шаҳри куёшнинг хира шуъласида чўмилаётир.¹ Аҳоли хотиржам, ҳеч ким юз беражак тўполонни хаёлига келтирмайди ҳам.

Мен қандолатчининг велосипедини кимнингдир эшиги олдида қолдириб, тор ва эгри-бугри эски кўча бўйлаб юришда давом этдим. Яшаш нақадар яхши. Осойишталик дилга ҳузур бағишлайди.

Ҳозир мен юриб бораётган маҳаллада осойишталик ҳукмрон. Бу ердаги уйлар бадавлат. Агар бу ердан чиқиб кетсам, полислар пистирмасига дуч келишим аниқ. Улар менинг шаҳарда эканимни яхши билишади. Ҳадемай тинтув бошланиши турган гап. Ахир, улар бунақанги шов-шувли жиноятга илк бор дуч келиб турибдилар-да!

Ҳозир мен иложи борича, тезроқ яширинадиган жой топишим керак. Лекин бу фақат назарий жиҳатдангина мумкин. Хўш, назарий жиҳатдангина яширин жой нима дегани? Бу мен ўрнашиб олиб, кўриб қолишади деб кўрқмасдан яшашим мумкин бўлган жой, шундай эмасми? Лекин мен таъқиб қилинаётган бир пайтимда, бирор меҳмонхона ёки оилавий пансионда бошпана топишим учун қаерга бора олишим мумкин...

Мен тўхтаб қолдим. “Оилавий пансион” сўзи миямга урилди. Бу сўз менга жон бахш этгандай бўлди. Эсладим. Магиас оилавий пансионда яшарди. Агар менинг у билан боғланишга имкони бўлса эди, бу меҳрибон ўстим мени кутқаришга ёрдам берган бўларди. Менга шундай ёрдам бериш унинг маънавий бурчи, чунки уни кутқараман деб мен шундай аҳволга тушиб қолдим.

Лекин у билан қандай боғланаман? Мен унинг болалар боғчаси қаерда эканини билмайман. Уйида телефон борми, йўқми, беҳабарман. Почтага бориб, манзилени суриштирай десам хавфли... Кўчанинг нариги бошида полисни кўриб, қотиб қолдим. Ҳаҳ, қовун туширдим-а. У мени кўриб қолганди. Уша заҳоти кимлигимни таниди, шекилли, хуштак чалди. Вой-бўй, чуриллатишини қаранг!

Мен орқамга бурилдим! Тфу, лаънати! Беғамлигим қимматга тушадиган бўлди-да... Хуштакни эшитган бошқа полислар ҳам кўчанинг бу бошида менга пешвоз чиқиб туришарди. Чинакам босқин! Мунча кўп бўлмаса булар. Фалати мамлакат-а, уруш бўлмапти-ю, аскар билан тўла! Бу ерда ҳеч ким бировни ўлдирмайди, лекин полис деганинг Швейцария пишлоғининг энг кичик тешигидан ҳам чиқиб келаверади. Нақадар даҳшат...

Менинг хавфсираганим бежиз эмас. Швейцариялик ҳамкасбларим учун мен хавфли жиноятчи эдим. Борди-ю, улар билан яна муштлашгудек бўлсам, адабимни беришлари турган гап.

Ҳаёт нақадар бемаъни! Манави йигитларни қаранг, ахир, мен улар билан яхши муносабатда эдим, уларга ҳурматим ҳамшиша баланд эди. Лекин вазият шуни тақозо этмоқдаки, улардан вабодан кўрққандай қочаяпман.

Ҳашаматли бинога кўзим тушди, ичкари кириб оғир эшикни беркитиб олдим. Қулф оғзида калит турарди. Калитни бураб, эшикни қулфладим, вақтдан ютай дедим-да. Улар эшикни очгунча, мен каламуш инини кавлаб яширинишим мумкин, деб ўйладим.

Эҳтимол, мен ортиқча неқбинлик қилаётгандирман, сизнингча, бироқ ҳаёт етарли даражада қоронғу бўлса-да, уни сал-пал ёруғроқ кўриш яхши-ку! Мен ички ҳовлини кесиб ўтдим, унинг ўртасида йўсин билан қопланган кенгина ҳовуз бор эди. Ҳовуз кўкимтир сув билан тўла эди.

Ҳовлининг нариги буржида эшик кўринди. Фақат қулфлоқ бўлмасин-да, жин ургир! Мен эшик дастасидан ушлаб тортдим, эшик очилдигина эмас,

¹ Сан Антонио бизнинг энг асл шоиримиз бўлиб қолмасмикин? Дидро.

устимга қулаб тушди. Чунки у деворга суяб қўйилган экан... Чиқиб кетишга йўл йўқ! Бўлди, қўлга тушдим энди! Қўлимни кишанлаш учун чўзиб:

— Амрингизга мунтазирман, — дейишдан ўзга чорам қолмаганди.

Мен қулфлаб келганим оғир эшик зарбалар остида гижирлай бошлади. Яна бир неча сониядан сўнг у очилиб кетиши турган гап. Ҳовлини кесиб ўтиб, томга элтувчи зинага чопиб боришга ҳам улгурмайман. Том устида у ёқдан-бу ёққа югуришнинг фойдаси бормикин. Бари бир менинг шу ердалигимни билишади-ку!

Мен жон ҳолатда атрофга кўз югуртирдим. Бинодаги деразалар берк. Мени ҳеч ким кўрмайди. Йўлак эшиги гижирлай бошлади. Ҳовузга назар солдим... Миямга бир фикр келди. Унча зўр фикр бўлмаса ҳам, таслим бўлишдан кўра яхшироқ эди. Мен ҳовузга югурдим. Йўсин тўла тўсиқни ҳатлаб, сувга кирдим. Мана мен белимга қадар сув ичида турибман. Нилфия япроқларини наридан бери суриб, сувга чўзиламан. Сувдан юзим аранг чиқиб турибди. Мен ёпишқоқ япроқлар билан ўзимни беркитаман. Шилимшиқ бу япроқлардан кўнглим беҳузур бўлади. Совуқ ва сассиқ сувдан эгим жунжикади. Шу ҳолатда қимир этмай турибман. Ишқилиб, ҳовузни тинтиб кўришмасин-да, дейман ичимда. Текширишлари гумон. Чунки, эшикдан кирилганда бу эътиборни унчалик тортмайди.

Сувда ётган бўлишимга қарамай, оғир эшикнинг зарбаларга бардош беролмай, тарақлаб очилганини эшитдим. Кейин қулогимга оёқ тапир-тупири, қийқириқлар, буйруқлар, хуштаклар чалинди. Яна хуштаклар... Ҳовлига бос-тириб кирганлар, бинони тинтиб чиқа бошлашди. Ҳамма эшикни бирма-бир тақиллатиб чиқишди. Бечора дам олувчилар нима бўлаётганини тушунишмасди. Ғала-ғовур авжида эди.

Лекин мен ҳам ушбу сурурли ҳовузда ўзимни жуда беҳузур сезардим, худо ҳақи! Қандайдир шилимшиқ ҳашаротлар изғиб юрибди ҳамма ёқда. Ишқилиб, бу ерда зулуклар урчитиш билан шуғулланишаётган бўлишсин-да! Бўлиши мумкин. Чунки ҳозиргина дастрўмолни олиш учун чўнтакка қўл солсам, қўлимга зогорабалиқ илинса денг.

Ростини айтганда ҳар қанча оғир бўлмасин, чидаса бўлади. Кийим билан сувга тушганда жуда нохушлик сезасиз. Лекин усти бошингиз яхшилаб ивиб бўлганидан сўнг совуқни унчалик сезмай қоласиз. Ғалати бир дармонсизлик қамрайди сизни. Мен шу қадар толиққан эдимки, ушбу мажбурий ҳордиқ адоий тамом қилиш ўрнига мени анча тетиклантирган эди.

Шундай қилиб, кута бошладим.

* * *

Айтиш керакки, Швейцария полислари ўта уддабурон, қилни қирқ ёрадиган кишилар! Уларнинг уйни тинтиб, текшириб чиқишлари ўта илмий ва пухталиқ билан амалга оширилади. Улар мени яшириниб ётмаганмиканман деб ҳар бир жавон ғаладонини очиб кўришган бўлишса керак.

Ярим соатча кутишлардан сўнг мен уларни том бошида кўриб қолдим. Нилфия япроқлари орасидан мен уларни аранг кўриб турардим. Лекин яхшироқ кўришга ҳаракат қилмасдим ҳам. Чунки пайқаб қолишларидан кўрқаётгандим-да... Улар том устида у мўридан бу мўригача бир неча бор бориб келишди. Сўнгра кенгашиб олиш учун ҳовли йўлагига тўпланишди... Улар мени кўринмас одам деб ўйлашди, шекилли. Иккитаси гуруҳдан ажралиб чиқиб, ҳовлида ётган эшик ёнига борди. Эшикни ағдариб кўришди-да, шерикаларини чақирди. Улардан биттаси французчалаб у эшикдан зина сифатида фойдаланиб девордан ошиб ўтган бўлса керак, деб тушунтирди. Унинг тахмини яқдиллик билан қабул қилинди, шекилли, чопиб кетишди.

Мен ҳамон кутардим... Лекин бари бир қимирлашга жазм этолмасдим. Чунки хавф ҳали аримаганди. Энди мазкур уйдаги барча яшовчилар деразалари олдига тўпланиб, ишнинг боришини кузатишарди. Уларга детектив фильмда иштирок этишаётгандек туюлар, воқеанинг нима билан тугаганини эрталаб-ки газеталардан олдинроқ билишга ошиқишарди.

Мен нилфия япроқлари орасидан деразалардаги кўплаб одамлар юзларини кўриб турибман. Уй соҳиблари деразалардан мўралаб бир-бирига гап қотишмоқда, таассуротларини баҳам кўришмоқда.

Мен тепадан қараб турган нигоҳлардан хавфсирардим. У ердагиларнинг мени кўриб қолишлари ҳеч гап эмас. Худо кўрсатмасин, бирортаси мени кўриб қолса борми, шўрлик Сан-Антонионинг ҳолига маймунлар йиғлайди. Менинг бахтимга ҳовузнинг ўртасида каттакон руҳ кўзиқоринга ўхшаш нарса турибди. Бир вақтлар сув ўшандан оқиб турган бўлса керак. Ҳозир ўша қалпоқ мени беркитиб турибди. Демак, унчалик ташвишланишга ҳожат йўқ.

Вақт ўтиб боряпти, лекин ҳовуздаги сув ҳамон ўша-ўша. Мен тритонга айланиб қолаётганга ўхшайман. Оёқ ва кўлларим музлаб қолди, шекилли. Ҳар замон-ҳар замонда томоғимга сув кетиб қолади. Бирам сассиқ, ачимсиқ ва бадбўй-ки. У кўпроқ қабристондаги чириган тувак гуллар исини эслатарди.

Мен ҳамон кутаяпман. Бир соатча бўлди-ёв бу ерда ётганимга. Деразалар олдидаги одамлар бирин-кетин ғойиб бўла бошлади. Баъзи уй соҳиблари радиолари қулоғини бурашади. Бошқалари қулишяпти. Қизиқ бир ҳолат. Болалар қийқириғи, автомашиналар сигнали...

Ана ҳаёт нашъаси! Қаранг-а! Падарингга лаънат! Шу ҳам ҳаёт бўлди-ю!

Ўрнимдан турсаммикин? Бу аҳволда чангак бўлиб қоламан-ку! Лекин иччимгача сувга бўккан бу аҳволда қандай тураман. Ўрнимдан кўзғалишга ҳам кўзим етмайди. Бунинг устига икки қадам юриш ҳам амримаҳол. Ҳаммаёқда ҳуштак чуриллаб турибди. Дарҳол қўлга олишади. Қоронғи тушишига ҳали анча бор... Яна бир неча соат кутишим керак! Аҳволим борган сари оғирлашаётир. Ҳовузнинг сассигидан бошим гангийди... Хушимдан кетиб қолсамчи? Унда нима бўлади? Павел VI айтгандай, мен пуфақлар чиқаришга тайёрлана бошладим.

Лекин мендек ҳаёт кечирган бир йигитга бундай ўлим муносиб эмас. Жиним қулоғим тагида мингирлаб турганини эшитаяпман, лекин оғзим сувдан атиги уч миллиметр чиқиб тургани учун унга “овозингни ўчир” дейдиган ҳолатда ҳам эмасман.

— Сан-Антонио, — дейди у, — сен ўнгача сана... Кейин астагина қараб кўр, дераза олдида ҳеч ким йўқмикин. Агар ҳеч ким кўринмаса, сувдан чиқавер. Сен ҳовлини кесиб ўтиб зинапоядан чиқа бошлайсан, энг охиригача кўтариласан. Бошқа жойларда бўлгани сингари, Швейцарияда ҳам ҳар бир уйда чордоқ бўлади. Сен ўша ерда яшириласан, ечиниб, устингни қуритиб оласан...

Жиннинг овози ўчди. Чунки кимнингдир сояси ҳовуз томон келмоқда эди.

ИККИНЧИ ҚИСМ

Мен унинг келганини кўрмаганимдан ва оёқлари товушини эшитмаганимдан гангиб қолган эдим... Кимдир оёқларининг учида юриб ҳовуз бўйига келди. Келганини менга сездирмаслик учун шундай қилгани шубҳасиз. Нотаниш бу кимса ҳовуз четига ўтирди. Қўли билан менинг юзимни беркитиб турган нилфия гулини узиб олди. Кўзларимиз тўқнашди. У аёл киши эди.

Мен унинг кўзларидан ҳиссиёт ифодасини қидирардим. Нигоҳ — ўзига хос бир нарса. Унинг кўзлари ғанимона боқаяптими ёки кўрқув биланми? Шуни билмоқчи эдим. Унинг кўзларида бу нарсалар йўқлигига ишонардим. Бу кўзлар мовий, жиддий ва хотиржам экан. Гўзал эмас, йўқ... Лекин ёвуз ҳам эмасди бу кўзлар. Улар жозибатор эди, билсангиз! Жозибали аёл юзлари кам учрайдиган ҳол! Жозибали аёллар ҳам, афсуски, кам.

У лабини қимирлатди. Унинг нима деганини мен эшитмадим. Чунки у секин гапирди, менинг қулоқларим эса сув билан тўла эди.

— ... сиз ўлиб қолдингиз деб ўйладим, — деди. У менинг эшитганимни сизди, шекилли, сўзини яна такрорлади.

— Бир соатдан бери ойнадан қараб, сизни кузатиб турибман... Офтоб нури тушиб тургани учун сувдан бир оёғингизни кўриб қолдим. Кейин театр биноклини олдим-да, сувдан чиқиб турган юзингизни ҳам кўрдим... Ҳеч кимга айтганим йўқ. Улар кетгандан кейин сиз сувдан чиқасиз деб ўйладим. Лекин чиқавермаганингизга ростдан ҳам ўлиб қолдингиз, деб ўйладим.

Мени ғалати шайтон васвасаси қоғлади. Бу мен тушиб қолган вазиятдан бўлса керак. Чиндан ҳам танг аҳволда эдим. Аҳволимга ачинган аёлни кўриб юрагим орзиқиб кетди. Унинг қайғураётгани шундоққина кўзларидан кўриниб турарди.

— Бу ерда бунчалик узоқ вақт қололмайсиз, — деди у, — ҳалок бўласиз!

— Мен у билан... ўлим билан танишман, — дедим тўнғиллаб...

— Чиқинг бу ёққа!

Кулгили бир ҳолат. Аҳволимга бир қаранг. Мен зоғорабалиққа айланиб, аквариум чеккасига ўтириб олган дилгир бир аёл билан суҳбатлашяпман. Ҳам-касбларим мени шу аҳволда кўрсалар борми, турқи-тароватимга роса кулишган бўлишарди-да. Францияда кулги Сент-Этьен заводларида ясалган милтиқдан кўра тезроқ ўлдиради, дейишади.

Ҳолбуки, ёш аёл менинг устимдан кулиш ниятидан узоқ эди. Аксинча, мен билган воқеалар уни кўпроқ қизиқтирарди.

— Агар сувдан чиқсам, — эътироз билдирдим мен, — мени кўриб қолишади... Фақат сизгина бу ерда ётганимни кўрганингизнинг ўзи мўъжиза...

— Бироқ, сиз умрбод шу ерда ётиб қололмайсиз-ку.

— Албатта.

Мен нима қилсам экан деб бош қотира бошладим. Энди ёрдам берадиган одамим бор, бирор чораси топилар.

— Бу ерда турманг. Сизнинг шу ердалигингиз бошқаларнинг эътиборини тортиши мумкин, — дедим мен.

Аёл ўрнидан турди, бироз нима қилишини билмай ўйланиб турди-да, жўнаб қолди. Ишқилиб, бошқа бирор одамни ёрдамга чақиришни ўйлаб қолмасин-да! Янги Ерни кашф этувчилар, буни ҳамма билсин, деб жар солиш-ни яхши кўрадилар. Бу аёл ҳам шундай қилмаса бўлгани...

Вақт жуда чўзилганга ўхшаб кетди. Ниҳоят, уй йўлагига шовқин эшитилди. Бу ўша. Ана, ҳовузга яқинлашди. У ҳовуз бўйида тўхтаб, нимадир қилди. Мен буни билолмадим. Уй билан менинг нигоҳим оралиғига соя тушди. Чиройли, тўқ сариқ соя. Ҳа, энди тушундим: У чўмилишда ишлатиладиган соябонини олиб келган экан. Уни ҳовуз бўйига шундай ўрнатдики, соябон ҳовуз-ни тўсиб қўйди. Аёл ёнимга қайтиб келди.

— Қимирламай туринг, мен бориб деразадан қарайман, соябон сизни яхши беркитиб турибдими, йўқми?

— У мени яхши беркитиб турган бўлсин. Лекин бу қўшнилариңизни ҳайрон қолдирмайдими?

У бошини сарак-сарак қилди.

— Йўқ. Мен куёшда тобланиш учун кўпинча шу ерга келаман, шу соябонни ёйиб, панасида ётаман.

— Тўхтаңг...

Менинг Сан-Бернарим яна жўнаб кетди. Мен кутяпман, қалбим умид билан ёришаётир.¹ Мана, у яна келди. Хурсанд, оғзи қулоғида. Юзидан нур ёғилаяпти.

— Уйдан ҳеч нарса кўринаётгани йўқ, — деди у. — Мана, ҳаммом халати олиб келдим. Устингизни ечиб, буни кийиб олинг... Мен қайтиб келаман.

Бу бориб-келавериб оёғидан тўзийди, шекилли. Ҳовуз ичидан бир амаллаб чиқдим-да, ҳовлидаги асфальтга чўзилдим. Тинкам қуриганидан узоқ вақт қимирламай ётдим. Сув ҳашаротлари талагани етмагандай энди менга чўмоллар ёпирилди. Мен судралиб бориб, соябон тагига кирдим-да, ечина бошладим. Кийимимни эски халтага жойлаб, халатни кийдим. У бир неча жойидан сўкилиб кетди, чунки гавдамга нисбатан икки баравар кичик эди. Чўнтақларимни кавлаб, керакли қоғозларни олдим. Пуллар ивиб кетибди! Шимолий Африканинг харитаси нақ икки кило келади! Фақат чек сақланиб қолибди. Целлофан пакет уни яхши асраган экан. Дастрўмолни сиқиб ташладим-да, хужжатларимни ўрадим.

¹ Иш жараёнида ифода гўзаллигини нечун таъкидламаслик керак. Э-ҳ! Сан Антонио ўнлаб конкурс мукофотига лойиқ-ку, ахир. Мюссе.

У яна қайтиб келди. Қўлида термос ва одеколон шишаси бор эди. Термоснинг қопқоғини узатди.

— Мана буни ичиб олинг... — Ундан енгил буғ чиқиб турарди.

— Нима бу?

— Қайноқ қаҳва. Қувват бўлади. Унга ром қўшганман.

Балки буни айтиш тентакликдир, лекин негадир хўнграб юборгим келди.

* * *

Ҳовлидаги ҳовуз бўйида соябон панасида бир соатча бўлдик. Менга ёрдам берган бу қиз паст бўйли, шахло кўз, буғдойранг экан. Хушбичимгина. Йигирма беш ёшларда бўлса керак. Сизга такрор айтаманки, уни гўзал деб бўлмасди, лекин хўшрўйгина эди. Истараси иссиқ деб шунақаларни айтса керак-да.

Қалин чойшаб устига ёнма-ён чўзилар эканмиз:

— Нега бундай қилдингиз? — деб сўрадим.

— Ўзим ҳам билмайман, — деди у. — Радиода сизнинг қотиллик содир этганингиз ҳақида гапиришди. Полислар гап жосуслик ҳақида кетяпти, деган фикрни билдиришяпти.

Ҳа, швейцарияликларга қойил қолиш керак.

— Шунақами? Полислар шундай фикрдами?

— Ҳа. Сиз ростдан жосусмисиз?

Бу саволдан гангиб қолдим.

— Унчалик эмас... Мен махфий француз хизмати вакилиман...

— Демак, ўз бошлигингиз амри билан ўлдирибсиз-да, ҳалиги одамни?

— Бу касбий сир бўлгани учун айтмасликка ижозат бергайсиз.

У бошқа сўрамади.

— Биз туни билан шу ерда қолиб кетмаймизми?

У бошини чайқади.

— Йўқ, лекин ҳадемай қўшни кўчадан “Тур де Сюис” ўтади. Ҳамма уни томоша қилгани чиқади. Ушанда сиз менинг уйимга чиқсангиз бўлади.

Нақадар ақли аёл, бунақасини топиш қийин. Мен бошимни букланган тирсақларимга қўйиб ўйга толдим. Ёнимда швейцариялик аёл борлиги ҳам хаёлимдан кўтарилаёзибди. Бир маҳал у мени силкий бошлади.

— Юринг энди... Вақт бўлди.

— Шунақами?

— Бўлмасам-чи... Мен учинчи қаватда яшайман. Соябонни олинг-да, юзингизни берқитиб юришга ҳаракат қилинг...

У менинг ҳўл уст-бошимни йиғиштириб олди-да, чойшабга ўради. Биз ҳовлини кесиб ўтдик. Зина... Кўз қиримни улкан эшикка ташлайман. Ҳозир очилиб қолмасайди, дея юрагим така-пука. Қизик, ҳозир бирортаси чиқиб қолса, чўмилиш халатига бурканган эркакни кўриб нима деб ўйларкин?

Ҳеч ким чиқмади. Биз югуриб учинчи қаватга кўтариламиз. Яхшиям у эшикни кулфламаган экан, тортиши билан очилиб кетди. Шошиб ичкари кирдим. Нотаниш бу аёлнинг хонадони кенг ва ёруғ хона, каттагина ошхона ва ҳаммомхонадан иборат экан.

Мен соябонни эшик олдида қолдирдим. Уст-бошимни қўйиш учун ҳаммомхонага йўналдим. У хонанинг эшигини очиб берди.

— Ўтиринг... — Мен лимон рангдаги диванга ўтирдим...

— Ётинг, — дея маслаҳат берди ҳамроҳим. — Жуда чарчаган кўринасиз.

Мен ростдан ҳам жуда чарчаган эдим. Ўзимни роса ёмон ҳис қиляпман. Бўшашиб боряпман, кўнглим айний бошлади. Иссигим кўтариляпти, шекилли, чунки қўлларимдан олов чиқяпти. Сезиб турибман, мендан қўланса ҳид анқиётир. Уй соҳибаси мени одеколон билан артиб чиқди, лекин ҳовузнинг бўрсиган ҳиди кучлироқ экан.

— Айтинг-чи, мадемаузель, ҳаммомда бир ювиниб чиқсам қандай бўларкан?

— Мен ҳам худди шуни таклиф қилмоқчи эдим...

Ана, хоним ҳаммомдаги сув мурватини буради. Чайқала-чайқала ҳаммомга кирдим. Ёш хоним мендан кўзларини узмайди. Унинг мовий кўзлари ўйнай бошлади.

— Кўринишингиз жуда аянчли, — деди у.

— Йўқ, мен... Афтидан мен ҳовузнинг ифлос сувида касалга чалинганга ўхшайман!

Ҳаммомдаги сув бирам иссиқ, бирам ёқимли. У худди момик кўрпадай мени бағрига олди. Бутунлай бўшашиб, сувга чўзиламан. Юрагим портлағудай, бўғила бошлайман. Бир амаллаб сувдан чиқаман. Сувнинг босимини кўтаришга мадорим йўқ. Ҳолбуки, у ўта майин ва илиқ. Бу сув менга ҳовуздаги ҳолатимни эслатарди. Ҳовуздаги нилфия гуллари тагида атиги бир соат ётганим ҳаётимнинг энг оғир дамлари бўлса керак.

Халатни қўлимга оламан. Лекин уни кийишга қурбим етмайди. Ҳаракатларим беҳуда кета бошлайди. Худди туман ичида қолиб кетгандайман. Ҳаммаёқ ғира-шира. Этим жунжикиб, совқота бошлайман. Тишларим такирлайди. Бир амаллаб ётоқхонага ўтаман. Хоним жойни тайёрлаб қўйган экан, иккита оппоқ чойшаб мени кутиб турибди. Мен ўзимни ўринга ташлайман...

— Совқотяпман, — дейман тишим такирлаб, — совқотиб кетяпман...

У устимни кўрпа билан ёпади. Лекин фойдаси йўқ... Ичиш учун спирт узатади.

— Менга қаранг, — дейман шивирлаб, — мен касалга чалиндим... Сиз яхшиси полисни огоҳлантириб қўйинг...

Бутунлай мадорсизланиб қолдим. Унинг муздек қўллари пешонамни силай бошлади.

— Ҳеч нарсадан қўрқманг, — шивирлади у. — Ҳеч нарсадан қўрқманг.

Мен чиндан ҳам оғриб қолдим. Мен ёрқин ёғду тўла лаҳмдан ўтгандай бўлидим. Кўзимни очиб теваракка қарайман. Атрофимдаги нотаниш муҳит ниманидир эслатгандай бўлади... Эҳ-ҳе, бу мени кутқарган аёлнинг уйи-ку... У қўлида шприц билан менга яқинлашади, қатъият билан чойшабни кўтариб совуқ пахтада чап сонимни артди. Бурнимга эфир ҳиди урилди. Мен қаршилик кўрсатмоқчи эдим, юмшоқ жойимга нина санчди.

— Аҳволингиз қандай? — деб сўради.

Мен гапирмоқчи бўлдим у оғзимни очолмадим. Иягим қотиб қолгандек эди.

— Энди анча яхши бўлади, — деди у.

Оҳиста жилмайишга уриндим. Пешонам тиришиб, ўзимнинг “мерси” деганимни эшитдим. У диван четига ўтирди.

— Зотилжам бўлибсиз... Сизни шифохонага ётқизишга тўғри келади, деб роса кўрқдим. Мен ўз-ўзимга, агар бугун эрталаб аҳволингиз яхшиланмаса...

Унинг гаплари менга жуда кечикиб етиб келарди. Шундай бўлса ҳам нима демоқчи бўлганини тушунардим. Унинг ҳар бир сўзи менда савол уйғотарди. Лекин, жин урсин, гапиролмасдим. Нега? Зотилжам мияга қон қуйилишига йўл очмасди-ку...

— Мени сиз... — дедиму бошқа гапиролмадим. Ҳа, тушундим, бу шол бўлиб қолганимдан эмас, балки мажолсизликдан.

— Ҳа, сизни мен даволадим. Мен Берндаги касалхоналардан бирида ҳамшира бўлиб ишлайман. Буни қарангки, ҳозир таътилдаман... Аҳволингизни кўриб, касалингиз нималигини тушундим ва сизга сульфамидлар эмладим.

— Неча кун?

— Икки кун... Қимирламанг... Ҳароратингиз туша бошлади.

— Исмингиз нима?

— Франсуаза...

Мен бармоқларимни аста қимирлатиб кўрдим. У менинг қўлимдан ушлади, шунда ўзимни анча яхши ҳис қилаётганимни сездим. Сал ўтмай ухлаб қолдим.

Уйғонганимда тун чўккан эди. Франсуаза хонасини пушти ранг нур қоплаганди. Ёш хоним электр ўчоқда нимадир пишираётганди. Хонани тўлдирган ажойиб исдан иштаҳамни кўзгади.

— Франсуаза, — деб чинқириб юборганимни билмай қолибман.

Шу заҳоти у бир қўлида санчқи билан тепамда пайдо бўлди.

— Сизга нима бўлди?

— Қорним оч!

У кулиб юборди. Биринчи марта. Унинг кўриниши жуда яхши эди. Қора шойидан чалвор кийиб олганди. Мовий нимчаси жуда ярашиб турарди. Сочи тасма билан турмакланганди. Шу топда у барча имтиҳонлардан қутилган та-лабани эслатарди.

— Аҳволингиз яхшиланиб боряпти.

— Сиз туфайли!

— Қўйсангиз-чи...

— Рост айтаяпман! Сиз мардонавор иш қилдингиз. Нима, менинг ёвуз одамлигимни сезмадингизми?

— Ёвуз одам ҳовузга яширинарканми?

— Нима эди?

— Чунки ёвузлар қўрқоқ бўлади.

Унинг фикри қатъий. Ёқимли ҳид ўрнини куйинди қоплай бошлади ва Франсуаза ошхонага югуриб кетди.

Ажойиб аёл. Мундоқ ўйлаб қаранг-а, мен уни аввал ҳеч кўрмаганман. У бўлса ўз жонини хавф остига қўйиб, мени полис ва ўлим чанглидан қутқариб қолди.

Франсуаза қайтиб кирди.

— Куйиб кетибдимми?

— Сал-пал... Ҳечқиси йўқ!

— Мени деб бошингиз балога қолмайдими?

— Бу ердалигингизни ҳеч ким билмайди, ахир!

— Қўшниларингиз-чи?

— Улар билан кирди-чиқдим йўқ...

— Нима, иноқ йигитингиз йўқми?

Унинг нигоҳи совуқлашди.

— Қайлигим бор эди... Қазо қилди...

— Ҳа, ачинарли ҳол. Демак, хотиралар билан яшаётган экансиз-да.

— Илож қанча... мен билан овқатланасизми?

— Жоним билан.

У столни диванга яқинроқ суриб, менга ҳам овқат сузди.

Овқатни ҳам жуда боплаган экан. Ўзимни ўта пазанда чўпон қизининг қайлиғидай ҳис қилдим. Ростини айтсам, баъзан касал бўлиб туриш ҳам ёқимли бўларкан. Лекин мен камдан-кам касалга чалинаман... Франсуаза тайёрлаган овқатни маза қилиб туширдим.

— Эртага эрталаб кетолсам керак, деган умиддаман, — дедим, у идиш-товоқни йиғиштириб бўлгач.

Қиз ҳайратдан қотиб қолди.

— Эртага? Жинни бўлдингизми... Ҳали оёққа туришга дармонингиз йўқ-ку...

— Мен тезда оёққа туриб кетаман.

— Бемаъни гапни қўйсангиз-чи!

У чиқиб кетмоқчийди, тўхтаб қолди.

— Нима, меникида зерикаяпсизми?

— Бу нима деганингиз! Мен иккиланиб турибман, бор гап шу.

— Бемаъни хаёлларни чиқариб ташланг каллангиздан!

У чиқиб кетди. У айтгандай қилдим: кўнглим бирам хотиржам тортдики...

* * *

Франсуаза нима деса десину, эртаси куни мен оёққа тура оладиган даражада куч сездим ўзимда. Ўрнимдан турдим. Белимга сочиқни ўраб олдим. Ҳали вақт эрта эди. Жавонча устида турган зарҳалли соат миллари бешни кўрсатарди. Сас-садо йўқ, ҳеч ким кўринмайди, хавфсираб, ошхонага кирдим. Ерга

дамлама кўрпа тўшалган, унда митти Франсуаза ухлаб ётарди. Унинг ухлаши мафтункор эди.

Эшикнинг гичирлашидан уйғониб кетди. Тирсагига таяниб, кўзларини уқалай бошлади.

— Ишониш қийин.

— Нимага ишониш қийин, Франсуаза?

— Туриб кетибсиз-ку! Ҳозиргина тушимга кирувдингиз.

У қаддини ростлади. Оқ пижама кийган экан, қадди-қомати шундоққина кўриниб турарди.

— Қани, дарҳол жойингизга ётинг-чи! Яна шамоллаб қолишингиз ҳеч гап-мас!

— Бу нима деган гап, мен хонларга ўхшаб тоза кўрпада ухласаму, сиз куруқ ерда ётсангиз!

У мени диванга бошлаб келди. Озгина юрганимга ҳам чарчаб қолган эканман, ўзимни диванга ташладим. У ёнимга ўтирди. Кўзлари ёниб тургандай туюлди менга.

— Ҳа, айтмоқчи, Франсуаза, шу кунларда матбуотни ўқиб турибсизми?

— Албатта...

— Мен ҳақимда нималар ёзишяпти?

— Полисларнинг фикрича, сиз қандайдир яширин самолётда учиб кетгансиз ва Гельвеция худудларини тарк этгансиз...

— Жуда соз...

Мен ўйланиб қолдим. Тўла ўзимга келишим учун ҳали икки уч кун бор. Яхшилаб тузалсам, чек бўйича пулларни олиб, Францияга қайтишим керак... Лекин пулларни ўзим олишим тўғри бўлармикин? Агар менинг турқи тароватим маълум эканлигини, олинадиган пул эса анча-мунча эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу ақлдан эмас. Мени дарров таниб қолишди ва кўлга олишди. Иккинчи томондан эса, мен билан юз берган воқеани Қарияга етказиш керак. Ҳозир балки у машҳур комиссар Сан-Антониога нима бўлдийкин? деб бош қотираётгандир.

Мен унга хат юборишим мумкин... Ана шу хатга чекни қўшиб юборсам ҳам бўлади. Шунда у пулни олиш учун ҳеч нарсадан қайтмасди. Одатда омбор ҳамиша шундай тўлдирилади... Камомадларни тўлдиришнинг жўн усули.

Бирдан Франсуаза ёнимда эканлигини ҳис қилдим. Мен қалтираётган кўлимни астагина унинг нозик елкасига теккиздим. У сесканиб тушди. Уни секин ўзимга тортиб, диванга ётқиздим. Менинг қақраб қолган лабларим унинг лаблари билан учрашди.

Билмайман, балки уни бундай ўпишишга марҳум эри ўргатгандир. Нима бўлганда ҳам у сира бўш келадиганлардан эмасди. Эҳтимол, Швейцариянинг тиббиёт талабалари ҳам француз ҳамкасблари сингари бу борада шу қадар пихини ёришганки, тунги навбатчилик пайтларида шоввоз навбатчи ҳамшираларга қиёсий анатомиядан сабоқ беришар?

Ҳаш-паш дегунча, у қип-яланғоч ҳолатда кўрпага кирди. Титраб турган бадани танамга ёпишди. Эҳ, бу дақиқаларни у қанчалар кутган экан.

“Бутун борлигим сеники, билганингни қил” дегандай илтижо билан термулди менга. У қанчалик меҳрибон бўлса, шунчалик ҳиссиётли ҳам экан! Таъқибдаги француз жосусининг танг аҳволдаги оғуши унинг ҳирсини жунбушга келтирганди. У мени парвариш қиларкан, ўз нафсини ҳам эсдан чиқармаганди.

Ё тавба, мунчалар ҳам мураккаб бўлмаса бу аёллар! Улар ўз ҳирсини қондириш учун ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Улар эркакни “Гигоз” сути билан тўйдириб, пишиб етилган маҳали ўз тўшакларига тортишга шай туришарди.

Франсуаза ишқ рақсини ҳамшираларча бажо келтирарди. Яъни у ўз шеригига ўта гамхўрлик кўрсатарди. У шаҳвоний машқлар пайтида мени асал суркалган аспири билан тўйдиришга тайёр эди. У ғайрат отини қамчилар, бу ҳаракат ҳаддан ташқари шиддатли тус олганда тинчлантирар, керак бўлган паллада эса дам олишга мажбур қила оларди.

Бироқ, унинг барча саъй-ҳаракатлари ва моҳирона санъати (албатта, мен бундан усталик билан фойдалана олардим)га қарамай ана шу узоқ давом этган тўсиқлар оша югуриш пойгасида Бомбар қайлиғини шатакка олиб, Атлантика уммонини денгиз велосипеда кесиб ўтгандан ҳам ортиқ толиқар эдим.

Кўрпа ости жангидаги менинг маҳоратимдан у яхшигина қониқиш ҳосил қилди, шекилли, мени иссиқ бўсаларга фарқ этди, айна пайтда ўзи ҳам шундай қилиқлар кўрсатдики, менингча, унинг қайлиғини ўлдирган мана шундай шаҳватлар бўлиши турган гап.

Шу тариқа ширин олишувлардан кейин, бутун дунёнинг ошиқ-маъшуқлари сингари биз ҳам донг қотиб ухлаб қолдик.

* * *

Яқин орадаги шаҳар соати ўн иккига бонг урди. Уйқусираб бўлсам аниқ санадим. Ҳа, кун туш бўлди. Франсузанинг ёнида маза қилиб ётибман. Унинг иссиқ бадани қонтомиримга ёшлик нафасини уфурмоқда. Энди ҳароратим ҳам йўқолди. Ўзимда куч ҳис қила бошладим.

Унинг теп-текис, чиройли елкасини силарканман, ўзимча: “Яна бир марта, йигит!” деб қўяман. Мен шуҳратпараст эмасман, ишонаверинг, лекин менинг эркаклик гурурим учун аёлларда янги муваффақият қозонишим керак. Худди шу белгига қараб эркак ўзининг эрлигини ҳис этади.

У менинг ёнимда сутга тўйган қўзичоқдек яйраб ётганини ҳис қилиб турибман, шунинг учун ҳам бахтлиман. Одатда, мен яхши доирадаги қизлардан бирортаси билан кўнгил очгудек бўлсам, ер қуррасининг бошқа бурчагида сигарет чекким келаверади, лекин ҳозир ўзимни ёмон ҳис қилганим учун уни бироз эркалагим келди.

У хиёл кўтарилди-да, лабларимдан иссиқ бўсалар олди.

— Мен сени севаман...

— Мен ҳам, Франсуаза, — дедим ва қўшиб қўйдим: — Билсанг, бўридай очман!

— Мен бирор егулик нарса оламан. Нима егинг келяпти?

— Ветчина ва тўхум қўймоқ...

— Бўлгани шумчи?

— Яна шампан... Ҳамёнимдаги пулдан олақол. Бугун мен тўлайман.

Бир амаллаб уни кўндирдим.

— Дўконларни айланганимда менга шим билан кўйлак ҳам олгин. Устимдагилар яроқсиз ҳолга келиб қолди...

— Қанақа рангда бўлсин?

— Ўзингга ёққанидан олавер...

Кўрдингизми, нақадар нафис, фаровон ҳаёт. Сен мени севасан, мен сени севаман, биз бир-биримизни севамиз! Бу ҳамиша завқ бағишлайди, устига-устак арзон ҳам тушади.

— Сенда ёзадиган ва ёзиш мумкин бўлган бирор нарса борми?

— Бор...

У менга бир даста қоғоз ва ручка узатди.

— Мана булар бўладими?

— Жуда бўлади-да. Тўхта-чи, сен Бернда яшайдиган бир дўстимга телефон қилиб қўйсанг бўларди. Мени бир кўриб кетишини истардим. Бу сенга қийин бўлмайдами?

— Нега энди жоним билан...

— Сен энг сеvimли...

— Энг сеvimли нима?

Баъзан менда аёллар истагини топа билиш қобиляти уйғонади. У мендан нима кутаётганини яхши биламан.

— Энг сеvimли қайлиқлардан бири.

Бу сўзлардан унинг боши осмонга етди. Бағримга ташланиб, эркалай бошлади.

— О севгилим! О севгим менинг!

Эҳ, соддадил тентакча! У шу топда телбаларча эркалаш ва никоҳ узугини орзу қиляпти. Унга умид бахш этиб, ўзимни қандай хавф остига қўймоқдаман. У мен учун қилган иши билан таққослаганда ҳеч қандай, шундай эмасми?

— Борақол... Маълумотномада Виеслер пансионини қидир. Дю Тессен кўчасидаги 4-уй.

— Бўпти.

— Эслаб қолдингми?

— Албатта.

— Сен телефонга М.Матигасни чақириб, дўсти Сан-А. сенинг уйингда ку-таётганини айтасан... Ахир мен манзилингни билмайман-ку.

— Жуда яхши...

— Агар аниқликлар киритишни сўрайверса, айтиб ўтирма...

— Ташвишланма...

Мен уни ўпиб қўйдим.

— Ветчина эсингдан чиқмасин. Сен иштаҳамни очиб юбординг, малагим!

* * *

Бошимда ҳамма нарса айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Мен тоза қоғозга бир оёқли калтакесак расмини чиза бошладим. Кейин мавзу уйғунлиги учун уни тугаллаш зарур деб ҳисоблаб, ўриндиқсиз стул чизиб, унга сунъий жағни ўтқазиб қўйдим.

Бундай мавзу Пикассога маъқул тушиши турган гап. Бироқ мен уни йиртиб ташладим. Қарияга бир энлик хат ёзиб, унга мен ҳали кислород билан нафас олувчилар рўйхатида эканимни маълум қилдим. Менинг соғлигим учун ташвиш чекмаслигини, зеро, тез орада ўзим унинг ҳузурига ташриф буюра-жагимни ҳам қўшиб қўйдим.

Мен қисқагина қилиб, гажакдор имзо чекдим-да, хатни беркитдим. Ўйлаб туриб, унга чекни жўнатмадим. Бунинг боиси жуда оддий: сармойани зудлик билан олиш керак эди. Влефтани ўлдирганимга, мана, уч кун бўлди. Шу уч кун давомида касал бўлиб ётдим. Мохаричилар пул тўловчини аллақачон огоҳ-лантириб қўйишган бўлсалар керак. Шу боисдан пулни иложи борича тезроқ, шу бугундан қолдирмай олиш лозим.

Бир соатлардан кейин тўрхалталар тўла юклар билан Франсуза кириб келди. У кийим-кечак ҳам, егулик нарсалар ҳам олиб келганди. Олиб келган қўйла-ги менга, жуда ёқди. Дарҳол кийиб олдим.

— Айтмоқчи, Виеслер пансионини билан боғлана олдингми?

— Боғландим. Лекин мен Матигас билан гаплашганим йўқ, қандайдир аёл жавоб қилди.

— Уй соҳибасими?

У бошини силкиди.

— Йўқ. Аввалига менга уй соҳибаси жавоб қайтарди. Мен сенинг дўстинг номини айтганимдан кейин гўшакни қўймай туришимни сўради ва мени унинг хонаси билан улади. Шунда мен билан аёл киши гаплашди.

Ҳм-да, менинг бўларим бўлди, худди устимдан муздек сув қуйгандек бўлди.

— Қанақасига... Нима, сен бошқа биров билан гаплашдингми?

Ҳа, бу бор гап. Ахир, у махфий ходим эҳтиёткорлигига эга эмасди-да.

— Нима дединг?

— Мен жаноб Матигасга дўсти Сан-А. уни Боллери хонимникида, Золи-керштрассе, 13-уйда кўришдан бахтиёр бўлишини етказишни тайинладим.

— Фақат шуми?

— Ҳа. Нима эди?

Менда умид уйғонгандай бўлди. Ахир, топшириқ мазмунини бирор хавф туғдирадиган даражада эмас-ку. Ҳарҳолда ўша Матигаснинг уйидаги ким бўли-шидан қатъи назар, тармоқдан бўлиши керак ва унга дўқ-пўписа билан га-пирилмаган-ку.

Бунинг устига менга эркакдан кўра аёл овози бўлгани маъқул. Мен Матиасни яхши биламан. Келишган бу йигит Монтгомери Клифга жуда ўхшаб кетади. Аёллар унинг оғушида эриб кетишади. Буни унинг ўзи ҳам хуш кўради, шунинг учун ҳам ошиғи ҳаммиша олчи. Шундай экан, Сан-Антонио унга биринчи бўлиб тош отадиған тентаклардан эмас.

— Майли... У топшириқни Матиасга етказса керак, деб умид қиламан.

— Нима, мен унга ҳеч нарса айтмаслигим керакмиди? — деди у ҳаяжонланиб.

— Биласанми, — дедим унга юпатгандай бўлиб, — бизнинг касбимизда хат фақат тегишли одам қўлига топширилади, топшириқ эса фақат тегишли шахс овозига айтилади... Лекин сен ташвишланма, бора қол.

У егулик бирор нарса тайёрлаш учун ошхонага кириб кетди. Мен ҳам унинг орқасидан эргашдим, ёрдамлашиб юборай дедим-да... Қандай кўмаклашимни ўзингиз тушунаси! Унга ёпишавериб жон-ҳолига қўймадим. Иккаламиз ҳам шундай қизишиб кетдикки, дамлама тўшакка ағанашдан бўлак иложимиз қолмади. Шунда умримдаги энг яхши кунларимдан бири келди ва мен ҳаётнинг энг ширин ўйинини қотириб ижро этдим! Муҳаббат лаззатидан сархуш бир ҳолда Франсуазага қарайман. Адойи тамом бўлибди у ҳам. Қанчалар куч сарфлади шу ўйинни деб. Мана, энди ўрнидан туришга ҳам ҳоли йўқ. На илож, тухумни чақиб, қуймоқ тайёрлаш ҳам каминага қолди.

Иккаламизга икки идишга суздим ва биз дамлама тўшакда ўтириб қуймоқни туркчасига тановвул қилишга киришдик.¹

Тамадди қилиб олғач, зотилжамдан бутунлай қутулгандай ҳис қилдим ўзимни. Бу ҳамшира тушмагур ташхисни жуда ошириб юборганга ўхшайди. Эҳ, аёллар, аёллар! Қачон қараманг, бизларни ўзлари олдида бурчли қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишади! Гўё биз ҳаммиша қарздормиз улардан.

* * *

— Мен сендан яна бир нарсани илтимос қилмоқчиман, Франсуаза.

У ошиқона термулди менга. Кўзларидан меҳр ёғилиб турарди.

— Нима истасанг розиман, азизим.

— Мана бу хатни сен жўнатишинг керак, жуда шошилнч.

Франсуаза кийиниб, хатни олди.

— Кўпроқ марка ёпиштир. Францияга бориши керак.

У “хўп” дегандай бошини ликиллатди-да, чиқиб кетди. Мен сигара тутатдим. Бир-икки тортган эдим, ўпкам тўйиб, жойига тушгандай бўлди. Ҳаёт нақадар соз! Айниқса, омад сенга кулиб боқаверса, оф кос!²

Ҳозирча омадим чолиб турибди. Ҳарқолда Франсуазанинг менинг ишимга аралашуви мўъжиза эди. Йўқ, деб кўринг-чи. Ахир, ҳовузда ётган пайтимни бошқа биров ҳам кўриши мумкин эди-ку. Ёки истеъфодаги жандарм кўриб қолганда нима бўларди! Франсуаза-ку, мени кутқариб қолди, бошқаси бўлганда томоқ йиртиб бўкирмасмиди.

Шундай хаёллар билан банд бўлиб турганимда, эшик қўнғироғи жиринглаб қолди. Чўчиб тушдим. Мен Франсуазаникида меҳмон бўлиб турганимдан бери илк бор жиринглаши бу қўнғироқнинг. Унинг жиринглаши миямга паншаха санчгандай бўлди. Ўзимни йўқотиб қўйдим. Бирдан эсимга Матиас келди. Шубҳасиз, бу менинг даъватимга жавоб. Эшик ёнига бордим. Қулфни очмоқчи бўлдим иккилашиб қолдим. “Бошқа биров бўлса-чи? — дедим ўзимга ўзим. Масалан, Франсуазанинг ўзини излаб келишган бўлса-чи?” Астагина эшик қулфидаги тешикдан ташқарига мўраладим. Даҳлизда икки киши турарди. Улар полис бўлишлари ҳам мумкин эди. Нафасимни ичимга ютиб,

¹ Мен чинсўз одамман. Баъзан лоф уришга тўғри келади, бу шеърят учун, “гўзаллик” учун, албатта. Шундай қилиб, мен ошқора тан олиб, тўғриси айтманки, ўзим овқатланаётган туркни сира кўрган эмасман.

² Албатта. (инглизча).

уларнинг ҳаракатини кузата бошладим. Улардан бири яна эшикка яқинлашиб, кўнғироқ тугмачасини босди. Кейин шеригига нимадир деди. У қандайдир мен тушунмайдиган тилда гапирди. Униси чўнтагидан очқични чиқарди. Капалагим учиб кетди. Наҳотки, эшикни очиса? Уларнинг кайфи бузуқ. Бундай қулфбузарлардан ҳар нарсани кутса бўлади. Вой, бернлик аҳмоқлар-эй!

Худди шундай бўлди. Қулф тешигига калит тиқиб бурай бошлашди. Агар улар ичкари кириб, бу ерда мени топишса борми, шўрим қуриди деяверинг. Шунда ҳадемай “Ётибман зах зиндонда” қўшиғини айтишим турган гап.

Мен ичкариги хонага ўтдим. Умидсиз юриш. Бу тор каталакда яширинадиган жой ҳам йўқ. Яна эшик олдига бордим. Улар ҳамон қулф билан овора эдилар. Вой нўноқлар-эй! Тоқатлари тоқ бўлди, шекилли. Улар қулф билан ҳамон тил топишолмасди. Сан-Антонио ўзининг сим-пими билан аллақачон ичкари кириб олган бўларди. Одам қулф билан муомала қилишни ҳам билиши керак-да, ахир!

Ўзимни ҳаммомхонага урдим. У ерда торгина бир дарча бор экан. Туйнукдан ташқарига мўраладим. Дарча ушбу уй билан қўшни уй туташган жойда эди. Шундоққина дераза тагида сув оқиб тушадиган мўри ўтганди. Мен ўзимни дарчага урдим. Бахтимга эпчиллигимни ҳали йўқотмагандим. Оёғимни мўрига тираб дераза рафини қўйиб юбордим ва мўрига осилиб олдим. Мен муаллақ осилиб турардим. Юрагим шув этиб кетди. Қўлларим бўшашиб, ана тушиб кетаман, мана тушиб кетаман, деб турибман. Йўқ, ўзимни эплаб олдим, ваҳима ўтиб кетди. Мўрига маҳкам ёпишиб олдим. Бахтимга денг, қўшни уй анча баландроқ экан. Шундай қилиб, худо мени қизиқувчи бегона кўзлардан асраб қолди. Ушбу ҳаммомхона деразаси ёнида бошқа дераза ҳам бор эди. Мен бир амаллаб ўша деразага ўтиб олдим. Оҳиста ичкарига мўраладим. Бу ер ҳаммомхона эмас, балки марказий иситишнинг тақсимлагич қурилмаси жойлашган қазноқ экан. Яна бир уриниб, шу омборхонага ўтиб олдим. Деразани беркитиб, тагига ўтирдим. Бу ерда мени ким ҳам қидирарди, деб ўзимга далда бердим. Анча ўзимга келдим.

Мен кута бошладим. Вой-бўй, ишни расво қилибман-ку: Влефтанинг портфелидан олинган барча қоғозлар ичкарида қолиб кетибди! Фақат чек ёнимда эди. Ҳалиги қоғозлар менинг Франсуаза ёнида бўлганимни исботлайди. Жиноятчини яширгани учун энди уни қамаб қўйишади. Бечора олижаноблиги унга жуда қимматга тушадиган бўлди-да. Энди ҳар қандай бўлмасин, бу атрофни диққат билан кузата бошладим. Нима қилиб бўлса ҳам бу ердан чиқиб кетишнинг иложини топиш керак. Қани энди чиқиб кета олсам.

Энди ҳолингга маймунлар йиғлайди, нотавон қўрқоқ! Боягина жосуслар кўнғироқни босишган палла осмонларда учиб юрган эдинг-а! Худо ярлақан арзанда деб ўйлардинг ўзингни... Энди ҳаммаси тамом! Гўшакни қўйинг жойига, сиз адашиб тушиб қолдингиз! Иблис малайлари базм қурмоқда!

Вақт шунақа ҳам имиллаб ўтардики. Мен яширинган қазноқдан димиққан ва эски ёғоч ҳид анқирди... Нам иссиқ ва эзувчи сукунат ҳукм суларди. Мен эшик ёнига бордим. Уни очиш қийин бўлмади. Эшик орқа зинага очиларкан. Мен ташқари чиқдим. Қаватлар орасида дераза бор эди. Қани кўрайлик-чи. Дераза кўча томонга қараган экан. Уйга кирадиган йўлакда машина турибди. Яқинлашиб келаётган Франсуазага кўзим тушди. У тез-тез одимларди.

Нима қилиб бўлса ҳам уни юз берган воқеадан огоҳлантириш керак, дейман ўзимча. Дераза тутқичига ёпишаман, уни очмоқчи бўлиб қаттиқ тортаман, лекин даста узилиб чиқди! Тфу, мараз! Бор кучим билан пастки қаватга қараб чопаман. Бировга дуч келиб қолишим мумкин деган хавфга қарамай, уни тўхтатиб қолай дейман. Лекин мен деразани очганимда Франсуаза ичкари кириб бўлган эди. Ҳаммаси чаппасига кетди-я! Иложи борича тезроқ ҳаркат қилишим керак.

Пастга қараб югураман. Пастда кутиш хонасини кесиб ўтишим лозим. Бу ерда эса кекса бир хоним тўшамани ювиш билан овора. Ё тавба, ҳали бери

бўладиган эмас. Орқага қайтиб тепага кўтарила бошлайман. Қўлларим асабий титрайди, томоғимга алланарса тиқилгандай бўлади. Яна дераза тагига қайтиб келаман... Чорак соатча вақт ўтди. Қарасам, ҳалиги нотаниш кишилар уйдан чиқишяпти. Улар ўз машинасига ўтириб жўнаб қолишди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Туш кўраяпман, шекилли! — дейман ўзимга-ўзим. Наҳотки, улар Франсуазани эркинликда қолдириб кетишган бўлишса?

Аёлларнинг ишонтиришига қодир эканликлари ўзимга ҳам ёқади, лекин шунга қарамай, бунга ишониш қийин!

Яна бир оз кутиб турдим, бирор пойлоқчи қолдириб кетишмадимикин, деб атрофни кузатдим. Йўқ! Кўча бўм-бўш, худди Мину Друе достонидек, атроф осойишта. Ҳозир мен қила олишим мумкин бўлган бирдан-бир иш — Франсуаза ёнига қайтиб бориш ва бу ёнига нима қилишимиз ҳақида ҳарбий кенгаш ўтказиш...

Боя машқини олганим учун деразадан осилиб деразага ўтиш унчалик қийин кечмади. Бечора Франсуаза менинг қаёққа гумдон бўлганимни билолмай роса жиғибийрони чиқаётгандир. Ҳозир ҳаммомхонадан чиқиб, уни лол қолдирмасамми. Эшикни очиб хонага кираман.

— Ку-ку, — дейман креслода ўтирган Франсуазага. Бироқ у қувонганидан ўрнидан сакраб турмади ҳам, қичқириб юбормади ҳам. Кекирдаги у қулоғидан бу қулоғигача кесиб ташланган одам қандай қилиб қичқирсин, ахир!

УЧИНЧИ ҚИСМ

Мен креслони айланиб ўтиб, унга қарадим. Шу қадар ўзимни йўқотиб қўйдимки, унинг қаршисидаги диванда ўтириб қолдим. Бу фалокатни ҳис қилиш учун менга вақт етарли эди. Мана шунақа ишлар!

Франсуазанинг афти ўзгариб кетибди. Ўлим уни мум ҳайкалга ўхшатиб қўйибди. Унинг ёноқларида ва кўкрагида сигаретдан куйган излар бор эди. Кўйлаги йиртилиб, ярми узиб олинганди.

Мен ҳалиги икки дайди ҳақида қанчалик янглишганимни энди тушундим. Шубҳасиз, улар полислар эмасди. Нима содир бўлганини тушуниб етдим. Франсуаза Матиасга телефон қилганида гўшакни олган аёл топшириқни қабул қилиб, уни менинг дўстимни огоҳлантириш ўрнига тармоқ раҳбарларига берган. Улар эса зарур бўлган маълумотларни олиш учун анави икковини юборишган. Бу одамлар хонадонни тинтиб, ҳеч кимни топиша олмаган, лекин қўлларига мен Влефтадан олган ҳужжатларим тушиб қолган. Шу пайт кутилмаганда Франсуаза кириб қолган. Улар аёлдан мени суриштира бошлаган. Шафқатсиз қийноқларига қарамай, у менинг қаердалигимни айтиб беролмаган, чунки қаердалигимни билмасди ҳам-да. Шунда бу аёл бўлган воқеани оғзидан гуллаб юрмасин деб, тинчителиб қўя қолишган.

Мен жасада сўнги бор қараб қўйдим. Кўзлари юмуқ. Бироқ унинг азиз чеҳрасида қўрқув қаттиқ муҳрланиб қолганди.

Аста шивирладим:

— Мен уларнинг терисини шиламан, Франсуаза, онт ичаман! Ҳали бу қилмишлари учун, сен учун жавоб берадилар, бу гўнг қўнғизлардан ўч олмай қўймайман.

Ўрнимдан турдим. Чунки мурда билан ёнма-ён туриш қийин эди. Ўликнинг ёнида узоқ вақт туриш мумкин эмас, буни тиб ходимлари ҳам тасдиқлайди! Мен чўнтақларимни текшириб кўрдим: пул, ҳужжатларим жойида. Франсуазанинг жасади билан видолашдим.

Эшикни очсам, йўлакнинг нариги чеккасида учта жаноб турибди. Улар қаергадир сим қоқишмоқчи шекилли. Булар ҳалиги кишилар — янглишиш мумкин эмас, худди ўшалар. Йўқ, бундай башараларни унутиб бўлмайди.

Буюк Сан-Антонио ўзидан кўпол бир тарзда: “Бу, тасодифан, тугайдиган ишнинг бошланиши эмасми?” — деб сўрадим.



Шундай айғоқчилар бўладики, гап нимадалигини дарҳол тушунишади, албатта, ҳаммасини олдиндан чайнаб берсанг. Лекин булар унақалардан эмасга ўхшайди. Кўрган заҳоти менга ташланишди. Худди бўрилар галаси етим кўзичоққа ёпирилгандай. Қўлларимни шундай қайириб ташлашдики, ўзимни ҳимоя қилишга уриниб ҳам кўролмадим. Шақ-шук, мана қўлларимга кишан ҳам урилди. Тан оламан, ҳамини бировлар қўлига кишан соладиган одамга бу жуда эриш туюларкан. Шундан кейин менинг валинеъматларим ойнаванд эшикни очиб, айюҳаннос солганча менга таъна тошларини ёғдира кетдилар. Мазкур қотиллик шу ернинг ўзида менга тўнкалди-қўйилди, вассалом. Полис бирор жасадга дуч келиб, унинг ёнида қотиллик содир қилган кимсани кўрдими, бас, бошини оғритиб ўтирмайди. Ҳалиги учовлоннинг энг барвастаси, вагонда ожиз жойига бошлаб туширганим — ўзини тутиб туролмади. Кучли зарб билан бурнимни пачақлади. Оғзи-бурним қонга беланиб, гандираклар кетдим. Иккинчиси тиззаси билан кўкрагимга солди. Юрагим орқамга тортиб кетди.

Қийқирик! Сўкишлар! Бири қўйиб, бири олиб мушт туширишлар!

Мени ердан кўтариб олишди, машинага итариб киргазишди, мен икки барзанги айғоқчи орасида кўрдим ўзимни. Бурним қонга тўла, нафас олишга қийналяпман. Ҳаммаси тамом... Энди, дўстлар, эшиттириш тайёрлашингиз мумкин! Мени шуҳрат шоҳсупасидан қулади, деб ҳисоблайверинг.

Мени миришабхонага карнай-сурнайсиз, дабдабаларсиз олиб киришди. Бу ерда кўп кутиб ўтиришимга тўғри келмади. Дарҳол катта бошлиқ олдига олиб киришди. Унга менинг жасоратларим ҳақида хабар қилишган экан. У ҳам дарҳол мени сўроқ қилишга киришиб кетди.

Кимсан, қаердансан? Полис одатда ана шундай сўроқдан бошлайди. Мен сохта ҳужжатларим бўйича кўрсатма бера кетдим. Бир куни келиб, бу шошқалоқлар ўз хатоларини тушуниб қоладилар. Лекин менда бошқа чора йўқ эди. Кейин касбимни сўради.

— Вакилман, — дедим тунд оҳангда.

— Ниманинг вакили?

— Педалли штопорнинг. Бу қўлсиз ногиронлар учун кашфиёт. Айтайлик, сиз қўшнингизни чақириб, штопорни бутилка тиқинига киритиб беришини сўрайсиз. Кейин сиз педални босасиз, у тишли филдиракни айлантиради. Филдирак ўз навбатида штопорнинг юқориги охирига уланган ричаг, яъни пишанга куч беради. Ва “пўк”! Тиқин олинди... Бизда шампан шишалари учун махсус мослама ишлаб чиқилган...

Агар сиз ўта галварсни ҳеч қачон учратмаган бўлсангиз, марҳамат, кўришга шошилинг! Буни кўрсангиз арзийди. Баланд бўйли бу полис каттақони бир неча бор оғзини тўлдириб ҳаво олди-да, ёвуз кўзларини менга қадади.

Дароз ва озгин, чўзиқ бошли бу кимса ёғий нигоҳли бир одам эди. Шу дақиқада у ўзига-ўзи швейцарча-немисчами, французча ёки итальянчами, ҳарҳолда эшакларча аҳмоқона: бу жинни эмасми, ўзи? — деган саволни берарди. Буни аниқлаш учун эса вақт керак эди.

Менинг ўзимни шундай тутишим болалиқдан бошқа нарса эмасди. Тўғри, фикрингизга қўшиламан. Лекин мени ҳам тушунинг, ахир. Мен ўзимни бошқача ҳимоя қилолмасдим, “чунки мен ҳеч нарса гапирмаслигим керак эди”.

Гапимни тугатишим билан:

— Қаерда яшайсиз? — деб сўради у.

— Ҳинд океанидаги чиганоқда, — дедим мен жиддий. Мен у ерда мазутли иситиш дастгоҳи ва буғли телевизор ўрнатиб беришларини илтимос қилдим. У ер менга жуда ёқади.

— Нима, мени масҳара қиляпсизми? — сўради у киноя билан.

Мен қошларимни чимирдим:

— Мен ўзимга бунга раво кўриш учун чиганоқлар жуда паст учишади! У қўли билан пешонасини сийпади — уни тер босганди, уни тушунса бўлади.

Бироз иккиланиб турди-да, ўрнидан кўтарилди, эшик ёнига бориб, уни очди. Кейин кимнидир чақирди. Анча ёш, кўринишидан жуда пихини ёрган,

“прэнс де галль” жунидан костюм кийган йигит кирди. Шивирлашиб олиб, иккаласи ҳам ўтирди. Унвони каттароғи сўроқни давом эттирди.

— Сиз Влефтани нега ўлдирдингиз?

— Чунки Буюк Қора Қуёш менга шуни буюрганди.

— Буюк Қора Қуёш деганингиз ким? — деди тепиниб бошқаси, бутунлай эсанкираб.

— Гипотенузнинг квадратини кўрсатган бор-ку, ўша-да!

У ўз ҳамкасбига нимадир деди. “Мана, кўрдингизми?” — деган бўлса керак.

— Қуролни қаердан олдингиз?

— Кучли қўл ҳамиша қуролланган бўлади.

— Влефтадан ўғирланган портфелни нима қилдингиз?

— Пиёда юриш учун эгар қилиб миндим.

Мен тиз чўкиб, қўлларимни қовуштирдим-да, ибодат қилаётгандай юзларим қизиб бидирлай кетдим: пиёда юриш, ер гуваласи, Франц-Иосиф ери, Гўзал Иосиф, ажойиб туш, “Ёз тунидаги туш”, “Нафис кеча”, дунёга ўлим ҳам қизил, қизил шапкача, бузоқ буйраги, кимники ютса ўзига олади, ўзиники дилида, алмаштирган муттаҳам, авлиё қиёфаси, унисими, буниси...

Энди ҳар иккала полис вакили ҳам лаққа тушди-қўйди.

— Бўлди, бас! — ўрнидан туриб кетди ёшроғи.

Униси қўнғироқ қилди, соқчилар кириб мени бўлак хужрага олиб чиқиб кетишди. Яхши. Кўлмакда ўтирган бўлсам ҳам, ҳимояланишим ёмон эмасди. Менингча, яхшигина йўлини топдим. Агар бу майнавозчиликни чўзишга муваффақ бўлсам, эҳтимолки, суддан қутулиб қолсам!

* * *

Мен кечани ғалвасиз ўтказдим. Мени тинч қўйишди. Қамоқхона анча қулай эди, ҳарҳолда француз турмаларидан яхши кўринарди. Чойшаблар тоза, овқати тўйимли.

Қизиқ, мени ҳалигача тинтиб кўришмаганди; шу боис чек ҳамон ўзимда эди. Қандалалар макони бўлган сўри узра чўзилиб, қўлларимни бошим тагига қўйганимча, ўз этимни ўзим ердим... Ута бемаъни бир аҳволда эдим. Мени бу ердан қутқариб олиш учун Қария ҳеч нарса қилолмасди. Бу борада мени огоҳлантириб қўйганди. Ўзим бир амаллаб чиқиб кетишим керак эди. Бу лаънати касби-корнинг ўзи шунақа, ўзинг учун ўл етим! Сиз бутунлай аниқ топшириқ оласиз. Сизга ноқонуний ҳаракатлар қилишни топширишади, кейин эса, агар ишлар чаппасига кетса, ўзингизга ёмон бўлади!

Мен хизматга кирарканман, бу тартибни билардим. Мен таваккалига иш тутдим, чунки ҳар қандай қопқондан чиқиб кета оламан деган ишончда эдим. Бироқ қўлидан ҳамма иш келадиган суперменлар, яъни ҳеч кимни назар-писанд қилмайдиган одамлар фақат кинолардагина учрайди. Уларнинг кўриниши ҳам Гарри Купер ёки Ален Делонга ўхшаган бўлади. Марҳаматли Тангри таолонинг чинакам ҳаётида бу бошқача кечади. Баъзан разиллик тантана қилади. Ҳаётда ахлоқ-одобни тўғрилаб турадиган цензуранинг ўзи йўқ. Аҳвол оғир. Мағлуб учун янада оғир. Сиз бир матални биласизми? Сичқонни мушук ейди. Мушукни машина босади. Машина йўлини чинорлар тўсади, ва ҳоказо, дея қандай завқ билан гапирарди бақалоқ Берюрие...

Ўзимни аҳмоқона тутаяпман, дедим ўзимга-ўзим. Бекордан бекорга ғазабланмасдан, бу аҳволдан қутулиш йўлини қидириш керак. Мен ҳозир Швейцариядаман, бу ерда полислар усули илмий, бошқа жойдагиларга сира ўхшамайди, масалан, Франциядагига нисбатан қўлга тушганларга кўпроқ ҳурмат билан қарашади. Бунинг исботини шундан ҳам кўрса бўладики, мен ўзимни жинни қилиб кўрсата бошлаганимда катта қамоқхона раҳбарлари унча талаб қилмадилар. Улар сўроқни давом эттиришдан олдин мени асабшунос кўригидан ўтказдилар. Улар мен терговчиларнинг бошини қотиряпман, деб ўйлашапти. Бу табиий, лекин ҳамонки сал-пал бўлса-да, шубҳа бор экан, улар ўйин қоидаларига амал қилишаётир.

Соқчилар мен баъзи-баъзида ўзимдан кетиб қолишим ҳақида огоҳлантирилган бўлишса керак. Агар мен уларга ҳаваскорлик томошаси кўрсатгудек бўлсам, демак, мени шифохонага жўнатишлари учун имконият бор... У ердан бўлса... У ердан ҳар нарсага умид боғласа бўлади.

Айтилган сўз — отилган ўқ. Мен каравотдан чойшабни олиб, ипга ўхшатиб бураб ташладим-да, ўзимга ўрадим. Кейин ерга ётиб олиб, у ёқдан-бу ёққа думалай бошладим. Думаларқанман, жон ўртовчи овоз билан чинқирардим.

Мен инсонга хос бўлмаган чинқириклардан ажойиб яккахон томоша кўрсатдим. Аввалига мен думини эски жавон қисиб қолган чўчқачага ўхшаб чийилладим, кейин иссиқдан қийналиб, ақиллаётган шоқол бўлиб бердим. Сўнгра жуфтиҳалоли хиёнат қилган ғазабнок филга айландим. Буларнинг ҳаммаси турли-туман қилиқлар билан амалга ошириларди. Бу ишга шу қадар берилиб кетдимки, кўрпани ерга тўшаб, устида юмалай бошладим, юмалайвердим, юмалайвердим, то соқчи кириб келмагунича юмалайвердим.

Эшикни очиб мени тинчлантиришди. Улар икки киши эди. Учинчиси қалпоғини чаккасига кўндирганча қараб турарди. Енгидаги кумушранг каштадан у бошлиққа ўхшарди.

— Уни тибхонага олиб боринглар, — деди у. — Мен бориб, директорни огоҳлантираман.

Мени ушлаб олиб, йўлак бўйлаб лифтгача судраб кетишди. Шошиб-пишиб пастга тушишди. Яна йўлак. Эфир ҳиди анқиётган хона... Демак, биз етиб келдик. Дўхтирни чақирдишди, мени каравотга ётқизишди. Мен ўзимни сулайиб қолган қилиб кўрсатаман. Дўхтир ҳозир у нозир. У менинг қовоқларимни кўтариб, қорачиғимга қаради, юрагимни тинглаб кўрди, бошини чайқади.

— Танглик ўтиб бўлди, — деди у. — Уни шу ерда қолдиришлар, мен кузатиб тураман. Агар яна кўзгаб қолса, эмлаймиз, тинчлантирамиз.

Соқчилар бошлиғи огоҳлантирди:

— Биласизми, дўхтир, у жуда хавфли.

Дўхтир бош ирғади:

— Ташвиш тортманг. Оёқларини боғлаб қўйишади, иккита санитарга тайинлайман, уни кўриқлаб туришади.

Уни чалғита олармиканман?

* * *

Ҳамма кетиб, икки санитаргина қолди. Улар эшик билан менинг каравотим орасида жойлашишганди. Афтидан, бу кимсалар сира ухламоқчи эмасга ўхшардилар. Улар ярим овозда мен кўрсатган жасоратлар ҳақида пичирлашарди. Бундай жасоратлар оқшомги газеталарда кенг ёритилаётган эди. Қотил шахсияти уларни ҳам қизиқтирар, ҳам ташвишга соларди. Иккаласи ҳам ёш ва бақувват эдилар. Уларни бекорга боқишмагани шундоққина кўриниб турарди. Эҳтимол, улар касалларни товоқчаларда отиб-илиб ўйнашар.

— Сен бунинг жиннилигига ишонасанми?

— Билмасам, балки... Жинни бўлмаса қизнинг кўкрагини сигарет билан куйдирар, бўғизлаб ташлармиди?

Бу мен учун янгилик эди. Шунда мен бошлиқлар нега менинг миям айниганига ишонишганини тушундим. Табиий, менинг аёл кишини шунчалар қийнаб ўлдирганимга ишонишгач, шундай хулосага келишлари ҳеч гап эмасди.

Мен ҳамон қимир этмай ётардим. Мен кўриб улгурган нарсаларга қараганда, тибхона турма жойлашган бинонинг ўзида эди. Бу нарса қочишни анча мураккаблаштирарди, лекин тунги қоровуллар камчил эди. Эҳтимол, бу ерда мижозлар ўлик мавсумдаги ҳашаматли меҳмонхоналардаги сингари жуда сийрак эди.

Менинг санитар кўриқчиларим ақлий аҳволим ҳақидаги фикр алмашувларини тўхтатишди. Улар бир текис нафас олишарди. Бу яхшилик белгиси эди...

Агар оёқларим камар билан танғиб ташланмаганда эди, уларга муштум зарбини кўрсатиб қўйган бўлардим! Камар тугунига етиш учун илондек

биланглашимга тўғри келди. Аста-секин, аста-секин... Ниҳоят, мана. Икки полвон ҳамон ухларди. Мен уларнинг ҳаммаси жойида эканига ишончларини бузмаслик учун пусиб ётдим. Кейин камар тугунини ечишга урина бошладим. Мана, тугун бушади. Ниҳоят, оёғимнинг биттасини боғламдан чиқаришга муваффақ бўлдим. Кейин... иккинчисини...

Мен куч тўплаш учун каравотга чўзилдим, санитарларга қарадим. Улардан бири кўзини очди, мени кузата бошлади. У тирсағи билан шеригини туртди.

— Қара, Ганс, у уйғонди!

Шериғи дарҳол ўзига келди. Иккови мени текшириб кўра бошлашди. Худди улар машҳур биологлару мен маданий муҳитман.¹

Мен ўз ниятимни яшириб, аянчли оҳ чекдим. Бу қўриқчиларимга таъсир қилиши турган гап. Яхшиси, кутиш... Мен қотганимча ўзимни ухлаганга солиб ётавердим. Бироқ, хушёрлик иккала санитарни ҳам ўзига келтирди. Улар тиббий шамдорилар ҳақида баҳслаша кетишди: Шамдорининг ингичка учи билан киритиш тарафдори бўлган у шундай ёзилгани учун шу усулни ёқларди. Бошқаси янада инқилобий усул — яъни йўғон учи билан киритиш маъқул дерди. У ўз назариясини аэродинамикага асосларди. Товушлари баланглашиб борарди. Мавзу уларни қизиқтириб қўйди, шекилли. Бу жаноблар мусобақалашига тайёр эдилар. Қани энди бир мириқиб томоша қилсам. Бориб-бориб, уларнинг баҳслашуви жонга тегди. Зерикиб кетдим. Уларни ўз ҳолларига қўйиб, ўзимнинг шахсий мавзуимга қайтдим. Албатта, баҳсталаб масалалар доираси анчагина, улар янада мароқли бўлиши мумкин.

Бирдан ўрнимдан сакраб туриб кетдим. Миямга даҳшатли бир фикр келди. Шу пайтгача бу ҳақда нега ўйламаганимга ўзим ҳам ҳайронман. Агар Мохари тармоғидаги корчалонлар Франсузага қотилларни юборишга шошилишган экан, демак, улар Матиасни шубҳа остига олишган. Франсуза ёнидан топилган ҳужжатлар Матиаснинг фош бўлганини англатиб турибди. Нимага деганда унинг дўсти — Влефтанинг қотили.

Демак, экспедиция қайтиб келгач, Матиас бир ёқлик қилинади, албатта, агар бирор мўъжиза рўй бермаса. Эҳтимол, унинг изидан пойлоқчи қўйишар. Мўмайгина пулга ёзилган чек соҳиби бўлган мени топиш учун ҳам шундай қилишлари турган гап. У ҳолда дарҳол Матиасни огоҳлантириш зарур. Мен гурурланмайман. Ўз топширигимни бажаришда муваффақият қозондим деб ўйловдим. Лекин менинг аҳмоқлигим ана шу сохта ишончни йўққа чиқарди. Ҳар қандай шароитга ҳам мен Матиас билан боғланмаслигим керак эди... Қария менга унинг манзилини ишимиз барбод бўлсагина керак бўлади деб бериб қўйган эди... Бунақанги аҳмоқлик қилганимни билган заҳоти у мени асфаласофилинга жўнатиши турган гап.

Мен яна эътиборни пойлоқчиларимга қаратдим. Улар мавзунини ўзгартиришган, энди зўр бериб бошқа масалада баҳслашишарди. Мен тирсагимга тиралиб гавдамни кўтардим-да, аянчли овозда минғирладим.

— Худо ҳаққи, сув беринглар менга.

Йигитлар ўринларидан туришди.

— Унга сув берақол, — деди бақувватроғи ўз кучига ишонган ҳолда.

Иккинчиси металл бачоқдан сув қуйди. Менга қарамади ҳам.

— Барбитуратдан солайми? — сўради у ҳамкасбидан.

— Бир неча томчи уйқу дорисидан қўш. Шундагина бизни тинч қўяди!

Менга сув бермоқчи бўлган санитар жигарранг шиша идишни олди-да, томчиларни санай бошлади:

— Йигирма беш, йигирма олти...

Жуда кучли доза... Шундай қилиб Пикассо билимдонлари юртига қисқагина саёҳат қилишимизга озгина қолди. Сув тутган йигит менинг ўриндиғимга яқинлаб келди. Билмадим, ҳеч эътибор берганмисиз, сув тўла стаканни олиб бераётган киши бутун диққат-эътиборни ўз мувозанатига қаратади, бошқа ҳеч нарсани ўйламайди.

¹ Сан Антонио санъати — нишонга тўғри тегадиган қиёсларни топа билишдир. Флай-Токс.

Мана, у каравот четига келди, менга уйқу дорини чўзаяпти... Мен ўзимни шу қадар мадорсиз қилиб кўрсатдимки, у чўзган сувни олишга ҳам мажолим келмади. У янада яқинроқ келди ва энгашди. Шунда мен унинг қўлини силтаб ташладимда, кекирдагига ёпишдим. Ажойиб човут солиш. Бу усулни менга ошнам Артур-ле-Гренше кўрсатганди: зарб бериш, танани четга тортиш, елкани кўтариш, олдинга чўзилиш ва қараб турибсизки, менинг томчи сановчи пойлоқчим хонанинг нариги томонида чўзилиб ётибди. Бўйнининг оғригидан ҳали-бери қутула олмаса керак. Шу заҳоти каравотдан сакраб туриб иккинчи санитарга ташланаман. Ҳали ўтирган стулидан туриб улгурмаган барзанги яна жойига ўтириб қолди, лекин қўлини чўзишга улгурди. Дарҳол қўлидан ушлаб қайирдим, у бўкирганича ерга чўккалади. Тиззам билан башарасига туширдим. Тишлари қисирлаб кетди. Қорни билан ерга чўзилди. Жағига тепиб бир йўла тинчитиб қўя қолдим...

Кейин вақтни бой бермай, иккаласини каравот устига қўндалангига ётқизиб, уларни бир-бирига орқама-орқа қилиб, олдин менга мўлжалланган камар билан боғлаб қўйдим... Кейин оғизларига чойшаб тиқиб бақаришдан маҳрум этдим. Сизни ишонтириб айта оламанки, улар шағамнинг қандай қўйилишини ҳам эсдан чиқариб юбордилар-ов. Кўзларига шарпалар кўрина бошлади, бошларида эса Римдаги Авлиё Петр собори қўнғироқлари занг ура бошлади.

Мен жавонни очдим, буюмларим шу ерга тахланган эди. Дарров кийиндим-да, санитарларни тинтиб кўрдим. Улардан бирида (шағамни тескари қўйиш тарафдорида) калитлар шодасини топдим.

Энди навбат ҳаракат қилишга. Мен каттакон қамоқхонада бир ўзим, қуролсиз қолган эдим. Дарвоқе, шундай бўлгани маъқул, чунки қўлимда қурол бўлганида, мен уни, албатта, ишга солган бўлардим...

Мен хона эшигини очиб, оқ ранга бўялган йўлакка чиқдим. Шифтда мовий ёритқич хира ёниб турарди. Йўлакнинг нариги четида янги эшик. У осонгина очилди.

Мана, мен даҳлиздаман, чапда лифт, ўнгда зинапоя. Мен сўнггисини танладим. Шунда шовқин ҳам камроқ бўлади, қаватлар орасида қамалиб қолиш хавфи ҳам йўқ.

Пастга туша бошлайман. Қамоқхонанинг тиб бўлими иккинчи қаватда жойлашган. Пастда оппоқ кутиш хонаси. Ўнгда ва чапда эшиклар, хув-в тўрроқда маҳкам ёғочдан ишланган яна бир эшик. Худди ана шуниси мени қизиқтиради. Бироқ у қулфлоглиқ... Қулф тешигини қараб, қўлимдаги калитларни чамалаб чиқдим. Ҳа, кўзим ўткир менинг. Керагини топдим.

Калитни икки марта бураб, эшикни туртган эдим, очилиб кетди. Мана, баланд девор ва ўткир учли панжара билан ўралган ҳовлидаман. Бундай баландликдан ошиш учун вертолёт кераг-ов... Мен ҳовлини айланиб чиқдим. Яна бир эшик. Буниси темирдан, яна панжара билан жиҳозланган денг. Панжара симларининг қалинлиги нақд сонимдек келади. Ҳа, бу ерда, Бернда пачакилашиб ўтиришмаскан.

Мен калитларни бир-бир солиб кўраман, қаёқда дейсиз. Сира очилай демайди. Оғзимга келганини аямай, бўралаб сўкаман. Нима қилиш керак?

Кўзларим қоронғиликка сал-пал кўниккач, эшикнинг ўнг томонида қўнғироқ борлигини кўрдим. Бу эшикни очиб берувчи хизматчини огоҳлантирувчи қўнғироқ бўлса керак, деб тахмин қиламан. Буни ҳам эплаш лозим. Қўнғироқни икки марта енгилгина босаман, худди “ўзлари” никидай. Орага жимлик чўқади. Кейин қандайдир электр титраши пайдо бўлади ва эшик ўз-ўзидан очилади. Бахтимни қаранг. Қувончдан ўзимни йўқотиб қўйишимга сал қолди. Афтидан, қўнғироқ тугмасини икки марта босиб гоёси яхши нагижа берди. Қоровул балки уйқусираб, тугмачани босиб юборди. Мен ўтиб олишим билан эшик ўз-ўзидан ёпилди.

Мана, мен даҳлиздаман, унинг охирида гира-шира дарча кўринди. Иккиланиб қолдим... Лекин ҳаяллашнинг вақтимас. Дарча томон юрарканман, ўзимни панароқда тутишга уринаман.

Бўйнимни чўзиб қоровуллар хонасига кўз югуртираман. Оёқларини стулга қўйганча, тўқима креслода қоровул ўтирибди. Ён-верида сочилиб ётган

журналлар йигитнинг мудраб қолганидан дарак берарди. Бир амаллаб пухта эшиккача етиб олдим. Танидим: бу қамоқхона эшиги. Унинг ёнида, худди даҳлиздаги сингари яна бир соқчилар хонаси бор эди. Унда тўрт соқчи қарта ташлашарди.

Ёнимда тўппонча бўлмаганидан жуда афсусландим. Уларни қўрқитиб эшикни очишга мажбур этардим. Аҳвол жуда оғирлашди. Агар қоровуллар хонасига кирадиган бўлсам ё мени отиб ташлашади ёки қўлга олишади. Ҳар ҳолда шовқин кўтирилиб, мени бир ёқлик қилишади. Мен бирваракайига тўрт кишига бас келолмайман-ку! Бунақаси ҳатто Тэнтэн саргузаштларида ҳам бўлмайди!

Агар буйинбоғим бўлганида нақд ютиб юборардим. Нима қилай? Роса гангиб қолдим. Шу пайт қадам товушлари эшитилди. Мен қоровуллар билан ташқи эшик оралиғидаги панага беркиндим.

Янги келган тўлагина, гавдали киши эди. Бошига чеккалари қайрилган крот мўйнасидан телпак кийган, эгнида пальто бор эди. У қоровулхонанинг дераза ойнасини чертди. Соқчилардан бири эшик олдига бориб алланималар деди. Гап оҳангидан келган одам катта амалдор, балки қамоқхона бошлиғидир, деб ўйладим.

Шу пайт бошқа соқчи қўлида катта калит билан ташқи эшик олдига борди ва уни очиб юборди. Мен суюнганимдан титраб кетдим. Соқчи менинг қаршимдаги қопқани шундай очдики, у мени бутунлай тўсди-қўйди. Пальтоли амалдор эшикка қараб юрди. У остонага қадам қўйиши билан мен олдинга ташландим, уни итариб юбордим-да, эшикдан отилиб чиқдим. Ортимдан қичқирдиқ янгради. Кейин унга бошқа қичқирдиқлар қўшилди. Лекин мен анча олислаб кетгандим... Бир вақт яхшигина ёритилган хиёбондан чиқиб қолдим. Атрофда ҳеч ким кўринмайди. Оёғимни қўлимга олиб шундай югурдимки, орқамдан шамол визиллаб қолди.

Мен энг қоронғи кўчаларни танлардим... Ўнгга, чапга, ўнгга бурилиб, чопиб кетавердим. Иложи борица изимни йўқотишга ҳаракат қилардим. Бордию изимга искович итлар билан тушишганда ҳам, (бунга унчалик ишонмасам-да) ҳар ҳолда уларга анча ташвиш орттирардим.

Кутилмаганда шаҳардаги бош кўчанинг муюлишига келиб қолибман. Яккам-дуккам йўловчилар уйларига шошилишарди. Сал нафасимни ростлаб олиш учун соя жойга беркиндим. Ошқозонимда бир нима ловуллаб ёнарди, типирчилаётган юрагим эса тошдек қотган. Ундаги оғриқ жонимни суғуриб олгудек бўларди. Ниҳоят, ҳаммаси тинчиди.

Бўм-бўш чорраҳани кесиб ўтдим. Мўлжални тўғри олгандим. Шундоқ ёнгинамда равоқлар, кейин турли фавворали кўча бошланди. Ўзимни равоқлар соясига урдим... Нима қилсам экан? Кўчада турган машиналарга кўзим тушди. Бу машиналар кечаси билан тоза ҳавода турарди. Улардан биттасини ўғирлашим керак: шунда у менга вақтинчалик бошпана бўлади ҳамда бошқалар эътиборини тортмай, ҳаракат қилишимга имкон беради.

Атрофга алангладим. Ҳеч зог йўқ. Мен “Ситроен”ни танладим, чунки танлаш имкони бўлганда ўзинг яхши биладиган машинани олганинг маъқул. Эшиги қулфланган экан. Лекин мен сира хафа бўлганим йўқ. Дудуқ хали учгача санаб улгурмай бечора қулф менга: “Марҳамат, бемалол кираверинг” деб қўйди.

Рулга ўтирдим. Ҳеч қийин жойи йўқ, олиб қочилишига қарши ҳеч нарса ўрнатилмабди ҳам... Қандингни ур! Мотор бир текис ишлаб кетди. Унинг таниш товуши мени руҳлантириб юборди. Каттагина фалокатдан омон-эсон кутулиб олдим... Энди Матиасни оғоҳлантириб қўйиш керак... Мен таваккал қилиб бўш кўча бўйлаб ҳайдадим машинани. Йўлда кўппагини айлантириб юрган кимсани кўрдим. Ёнида тўхтаб, бошимни ойнадан чиқармасликка уриниб сўрадим:

— Тессинштрассега қандай ўтсам бўлади?

У яқинроқ келди. Бундан фойдаланган кўппак орқа оёғини кўтариб машина эшигига чоптирди. Итнинг соҳиби уни жеркиб берди. Ҳечқиси йўқ! — дедим унга. Нима қилибди. Берн кўппаклари ушбу машина эшигини хўлласа осмон узилиб ерга тушармиди!

Ҳалиги киши менга яхшилаб тушунтирди. Мен миннатдорчилик билдириб, у тушунтирганидек юриб бордим ва кўпи билан ўн дақиқалардан сўнг Виеслер пансионини эшиги олдида қўнғироқ қилдим.

Сабрим чидамай эшикни тақиллата бошладим. Бу анча хавфли эди, лекин эҳтиёткорлик вақти ўтиб бўлганди. Мен ҳозир ўзимни эмас, вақтдан ютишни ўйлашим керак эди. Муҳими Матиасни огоҳлантириш. У иложи борича тезроқ ғойиб бўлиши лозим. Агар тирик бўлса, шу кечасиёқ қочиш қилиши зарур.

Тақиллатишимга ҳеч ким жавоб бермади. Мени жосуслар пойлаб юришибди. Менинг унча-мунча жойдан қочмаганим уларга яхши маълум. Бутун маҳаллани бошга кўтаришимнинг боиси шунда. Ниҳоят, биринчи қаватдаги деразалардан бирида чироқ ёнди. Соя яқинлашди. Парда кўтарилди. Кекса хонимнинг юзи дераза ойнасига ёпишди. Шу пайтда у экзотик балиқнинг бошига ўхшаб кетди. Мен унга қараб иржайдим. Хоним деразани очди.

— Нима бўлди? — сўради у.

— Мени кечирасиз, сиз соҳибамисиз?

— Мен мадемуазель Виеслер бўламан...

— Кечирасиз, мен сизни уйғотиб юбордим, мадемуазель. Лекин гап фавқулодда ҳодиса ҳақида кетяпти. Мен жаноб Матиас билан гаплашишим керак, жуда шошилишч...

Кампиршо юмшадилар. Хоним мисс Англиш карикатурасига жуда ўхшаб кетарди.

— Жаноб Матиас ҳали қайтиб келгани йўқ.

— Қайтиб келгани йўқ?

— Йўқ. Нима гапингиз бор эди?

— Яқин қариндошларидан бири қаттиқ касал!

— Вой, худойим-ей! Онасими?

— Ҳа, шундай...

Кампир ҳаяжонланди. Мен давом этдим.

— У қачон келаркин, билмайсизми?

— Билолмадим. Ҳар куни турли вақтда келади...

Унинг овози ғалати чиқарди. Оққушни бўғишаётганда шундай овоз чиқарди.

— Оҳ! Тўхтанг-чи, унинг қаерда бўлиши эсимга тушай деяпти.

— Наҳотки?

— Ҳа... Бугун тушдан кейин биттаси билан гаплашганида эшитгандай бўлувдим... У “Гранд Кав”да соат ўн бирга учрашув тайинлаганди.

— У нима ўзи?

— Сиз Берни биласизми?

— Йўқ.

— Бу катта ресторан, фақат ертўлада жойлашган, аттракционлари ҳам бор...

— Шунақами! Жуда соз!

— Адашиб қолмайсизми?

У менга бориш йўлини тушунтириб берди.

— Соат ўн бирда учрашуви бор, дедингизми мадемуазель?

— Худди шундай.

— Айтолмайсизми, ҳозир соат неча бўлдиёкан?

— Йигирма дақиқаси кам ярим тун...

Мен машинага қараб чопдим. Сал омадим келса, вақтида етиб бораман. Эҳтимол, Мохари тармоғидаги дўстлар Матиаснинг келажагига оид маълум режалар тузишгандир. Уларнинг учрашуви бироз чўзилади-ю, мен улгураман, деган умидда эдим. Ё тавба, эсимни еб қўйдим, шекилли, шаҳарнинг энг катта ресторанига қандай бораман, ахир, суратим газеталарнинг биринчи саҳифаларини эгаллаб турибди-ку. Лекин бошқа иложим йўқ эди. Мана, “Гранд Кав” олдидаман. Унга кириш метрога киришни эслатади. Қалтираётган қўл билан рангли ҳарфларда: “Рейн қизлари! Лўлилар оркестри!” деб ёзилган афиша.

Энди бир зина пастга тушган ҳам эдимки, касса ортида турган мафтункор аёл тўхтатиб, чипта олиш кераклигини уқтирди. Мен чипта олдим. Яна бир зина пастга тушдим. Дарҳақиқат, “Гранд Кав” ажойиб жой экан. У каттакон бочка шаклида жиҳозланган. Зал, саҳна ҳам бочка шаклида. Столлар — бочкалардан иборат. Галереяда ёшлар тўпланиб туришибди, у-бу егулик учун

уларда тўлашга ҳеч вақо йўқ, бадавлат буржуйлар эса пастда, хоҳлаганини еб, узун-узун, худди дирижёр таёқчасидек келадиган сигаралар чекиб ўтиришибди.

Тепадан пастга нигоҳ ташлайман. Бу ерда Матиас кўринмайди... Пастга тушиб устунлар ёнидаги столга ўтирдим.

Саҳнада “Рейн қизлари” барчани жунбушга келтирарди. Уларнинг ўртача ёши етмишлардан ошган бўлса керак. Оркестрга дирижёрлик қилаётган скрипкачи аёлнинг боши шунақа каттаки, “Мадам Пипи” тимсолига даъвогарлик қилиши мумкин... Бироқ мен бу ерга мусиқа тинглагани келганим йўқ. Мен залга кўз югуртирдим ва олдинга энгашиб, столлардан бирида Матиас ўтирганини кўриш шарафига муяссар бўлдим. У бир қиз билан ўтирарди. Кўринишидан муносабатлари илиққина эди. Матиас қизнинг қўлини ўпиб кўярди. Бехуда ташвишланган эканман. Мохари ташкилотининг югурдаклари мен ўйлагандан кўра анча сабр-қаноатли эдилар. Улар Матиасга имкон бериб кўйишди, керак бўлган пайтда фойдаланиб қолишни ўйлашиб.

Тепамда пайдо бўлган аёлмижоз официант швейцарча-немисча талаффузда савол берди.

— Сиз французча гапирасизми, оғайни? — сўрадим ундан.

— Сал-пал, мен Табрэнда тўрт йил хизмат қилганман, — деди у.

— Сиз Панамадан эмасмисиз?

— Билиняптими?

У менга тикилиб қолди.

— Бирор нарса демоқчимисиз?

— Сиз кинода роль ўйнамаганмисиз?

— Йўқ, нимади?

— Сизнинг суратингизни қаердадир кўргандайман...

Бурним терлаб кетди.

— Бу оддий ўхшашлик. Ҳамма менга Кэри Грантга ўхшайсан дейди.

— Мен бундай ўйламайман, — деди чалаэркак.

— Сизнингча, мен кўпроқ Габриэлога ўхшамайманми?

— Мен бундай деганим йўқ...

Бошқа ҳазиллашгани ҳушим бўлмади. Чунки у газетани қидириб қолса, гап кўпайиб, хавф туғиларди.

— Менга нордон карам билан бир шиша оқидан беринг...

— Қанақасидан?

— Маъкулидан!

— Хўп бўлади, жаноб.

У шипиллаб жўнаб қолди. Мен Матиасни кузатишда давом этдим. Бу иккаласи кимнидир кутяпти, шекили. Эҳтимол, бу қизни у Бернда илаштириб олгандир, тармоқдаги бошқа чала туғилганлар уни бир ёқли қилиш учун тезда етиб келишар. Мен эса ўзимга фақат диққат билан кузатишни маслаҳат бера олардим. Ҳарҳолда мен эшик билан Матиас оралигида ўтирардим. Фақат кутиш керак эди. Эҳтимол, мен Матиасни сездирмасдан огоҳлантириш йўлини топарман.

Ўзини парижлик қилиб кўрсатишга уринаётган қилтириқ официант тантанавор юриб келди... Унинг қўлидаги кумуш идишда бир уюм карам бор эди. Унинг ҳиди димоғимга урилиб, иштаҳамни кўзгаб юборди. Мен бўридай оч эдим...

* * *

Шошилмасдан димланган нордон карам, буғи чиқиб турган сосискалар, тузланган чўчқа ёғи, дудланган гўшт ва картошка уюмини паққос туширдим. Шиша тўла оқ мусаллас ҳам ўша ёққа равона бўлди. Тарелкани нарироқ суриб кўярканман, ўзимни тоғдек ҳис қилдим.

Матиас бўлса ҳамон шеригининг бармоқчаларини ўйнаб, учрашувга келадиганларни кутиб ўтирарди. Шайтонбачча Матиас қаерда бўлмасин бирор хо-

нимчани илаштириб оларди. Мен ўзимдан ташқари бунақанги кўнгилихушликларда Матиасдай эпчил ва шўх кимсани билмайман. Баъзан уларнинг қилиқларини кузатиб ўтириб, кулгинг қистайди киши.

Бир шиша оқни бўшатиб бўлгач, сал хушёр тортиш учун кучлироғидан буюрдим ва жиддий сархушландим. Агар мана шу бўлмағур таваккалчиликдан эсон-омон қутилиб чиқсам, сизга сўз бераманки, ложувард соҳилда дам оламан. Бу Қарияга ёқадими, йўқми, менга бари бир.

Лекин мен у ерда эмасман ва бундан жуда узоқман.

Нихоят, дедим мен ўз-ўзимга, уларнинг столига бориш мумкин-ку. Агар Матиас мени кўрса лозим топса, мен билан боғланиши турган гап. У жуда иродали, сергайрат ва ҳамиша ташаббускорлиги билан ажралиб турарди.

Мен официант билан ҳисоб-китоб қилдим-да, улар столига қараб юрдим. Бор-йўғи уч қадам берида эдим. Ўз шеригининг бўйнини ўпаётган Матиас мени кўриб қолди. Кўзлари олайиб кетди. Мен унга ҳайрон бўлишнинг ҳожати йўқ, деган ишорани қилдим-да, улар ўтирган стол ёнидаги ойнага қарадим.

Миямга нина санчилгандай бўлди! Ё тавба, ахир Матиас ўпаётган қиз мени заҳарлаган мафтункор Грэттанинг ўзгинаси-ку!

Мана буни қутилмаган совға деса бўлади! Яна қанақа денг! Мен кескин бурилиб, ҳожатхонага қараб юрдим, орқамдан келади деб бир оз кутдим.

Дарҳақиқат, кўп ўтмай у ранги бўзариб кириб келди. Ўзини мени танимагандай қилиб кўрсатиб, кўзгу олдига бориб турди. Чўнтагидан тароқ олиб сочини тарашга тушди. Мен томон қарамай, шивирлади:

— Хўш, нима бўляпти ўзи?

— Менинг Голливудда Буффало Билл ролини ўйнашим тахмин қилинмоқда, шунинг учун ҳам машқ қиляяпман...

— Майнавозчиликни қўйсанг-чи! Нима бўлди?

— Сен Влефтанинг келишидан Қарияни хабардор қилдингми, ахир, у сени биларкан-ку?

— Ҳа.

— Қария уни ўлдиришни менга топширди...

— Мен кўрдим...

— Фақат анави сен билан ўтирган қиз сал қолди бунга ҳалақит беришига!

— Греттами?

— Ҳа... У мени бошлаб тузоққа илинтирди, алдаб, совуқ бир хонадонга бошлаб кириб, заҳар ичирди. Агар меъдам бақувват бўлмаганида менга таъзия билдирган бўлардинг.

Гапларимга ҳайрон бўлди:

— Янглишмаганингга ишончинг комилми?

— Худого ишону, ўзинг янглишма, бола! Менинг кўзим пишиб кетган! Кўрган нарсамни чалкаштирмайман. Бир учратдим, тамом, сира эсимдан чиқмайди... — Бу сенинг илоҳангми?

— Ҳа...

— Ундай бўлса, эҳтиёт бўл! У ўта хавфли.

У менга қаради.

— Лекин... унинг тармоққа алоқаси йўқ, Сан-Антонио! Мен у билан...

— Ана кўрдингми, у билан олхўри сотиб олаётганингда танишгансан, шундайми? Сен ёшсан, Матиас... Бу қиз анави тўданнинг одами, сени яхшироқ кузатиш учун уни рўпара қилишган...

— Шунақа деб ўйлайсанми?

— Тентак! Эрталаб сеникига борганмиди?

— Ҳа...

— Сен-чи? Уйда йўқмидинг?

— Йўқ эдим.

— Мен бериб юборган хатни сенга топширмадимми?

— Йўқ.

— Мана унинг айбдорлигига яна бир далил. Унга ишониш учун зарурат борми? Сенга етказиш учун берилган хатни шерикларига топширган. Улар бўлса мени йўқ қилиш учун иккита аблаҳни юборишди. Мен бир амаллаб қутилиб қолдим. Лекин менга бошпана берган бечора қизни ўлдиришди.

— Ёлгон!

— Айт-чи, Матиас, сен нима, ундов сўзлар билан тарбияландингми?

У тароғини чўнтакка солди.

— Бўпти, отахон, бундай томошаларга бизни сен ўргатасан!

Мен чўнтагимни тита бошладим.

— Менга қара, Матиас, нима бўлганда ҳам сен шу кечани ютишинг керак. Тўдадан кимларнидир кутаяпсанми?

— Ҳа.

— Мен тайёр тураман. Иложи борича улар билан ёлғиз қолмасликка ҳаракат қил. Биласанми, шу ернинг ўзидаёқ ўзингни ёмон ҳис қил, токи сени касалхонага жўнатишсин... Ёки официантнинг тумшугини ёр, сени кечаси қамаб қўйишсин.. Эртага федерал банкка бориб миллион швейцария франкини оласан. Кейин элчихонага, борасан. Мен кечаси қандай бўлмасин, Қарияни огоҳлантираман. У бўлса ўз навбатида сен учун бошпана ҳуқуқига розилик олади. У сени пул билан Францияга жўнатишнинг йўлини топади.

— Ҳалиги пуллар қаердан келиб қолди?

— Влефтадан ҳарбий ўлжа... Тушундингми?

— Ҳа.

— Ёнингда тўппончанг борми?

— Йўқ.

— Афсус! Менга қулоқ сол. Тармоқни тарк эт энди. Сенинг унда қолишинг хавфли. Уйинни бой бердинг. Қайтараман: эҳтиёт бўл!

Унинг нигоҳида таҳсин ифодаси акс этди.

— Мен сен каби азаматни сира учратмаганман. Сан-Антонио!

— Мерси.

— Бернда сени ҳибсга олишди деган хабар тарқалди!

— Ҳа, мени ҳибсга олишувди. Лекин мен қамоқхонадан қочдим...

— Кейин ҳеч иккиланмай, мени огоҳлантириш учун бу ерга келдингми?

— Кўриб турибсан-ку...

— Қойил...

— Лекин хомхаёл бўлма, йигит. Сенинг қадринг ҳам меникидан кам эмас. Биз иккаламиз ҳам қийин аҳволга тушиб қолдик!

У менга қўлини узатди.

— Мен бу яхшилигингни ҳеч қачон унутмайман, Сан-Антонио.

— Мен ҳам, ростини айтсам. Анави нозаниннинг эътиборини чалғитиб тур. Агар мени таниб қолса, ишимиз чатоқ бўлади.

— Ташвишланма. Уч дақиқа сабр қил!

У кетди. Мен орқасидан қараб қолдим. Унинг дадил юриши менга ёқади. Латта эмаслиги кўришиб турибди.

Мен бир оз кутдим... Ювиниш хонасининг кўзгуси афт-башарамни акс эттирди. Ўҳ-ҳў, намунча, соч-соқол роса ўсибди-ку. Бир ҳаммомга тушсам ёмон бўлмасди. Бугун мен ўзимга сира ўхшамайман.

Ҳожатхоналарга телефон сими ўтганини пайқаб қолдим. Бу Париж билан боғланишнинг ноёб имкони. Тор коридор бўйлаб юриб мўъжазгина хонага кирдим. У ерда зерикканидан уйқусираб ўтирган бир жаноб қора дафтarga қандайдир рақамларни ёзаётган эди.

— Парижга қўнғироқ қилсам бўладими?

У кўзойнагини пешонасига кўтарди.

— Шу маҳалда-я!

— Жасурлар учун вақт сезилмайди.

У ҳазилни сезмади, шекилли, хўрсиниб қўйди.

— Сизга қайси номер керак?

Мен айтдим.

Очигини айтганда, шундай пайтда Қарияни топиш амримаҳол. Ҳарҳолда навбатчи билан боғлансам, унга менинг хабаримни етказар.

Бирдан мунгли ҳисобчининг мени диққат билан кузатаётганини сезиб қолдим. Ё тангрим! Ахир, мени таъқиб қилишаяпти, шакли-шамойилим эса ҳаммага таниш-ку.

Афсуски, Матгасда қурол йўқ экан, менга бериб турганда, ўзимни бунчалар ғариб сезмасдим...

— Париж уланди!

Мен кўрсатилган хужрага сакраб кирдим-да, гўшакни олдим. Илоҳий муסיқа! Телефон симида Қариянинг овози.

— Сан-А! — танитдим ўзимни.

Хужра ойнасидан ҳалиги найновнинг коммутатордан менинг гапимни тинглаётганини кўриб қолдим.

— Бир сония! — дея огоҳлантирдим Қарияни. Хужра эшигини очдим.

— Ўзингизни қийнаманг! — бақирдим унга. — Ҳозир гўшакни қўлингизга тутқазаман.

У сесканиб тушди.

— Ие! Сиз боғландингизми?

— Ҳа...а...а!

У гўшакни илди, мен ўз жойимга қайтдим.

— Биз танг бир ҳолда... босс. Матгаснинг иши пачава. Аҳвол биз ўйлаганнинг тескариси: дўстимиздан бошқалар фойдаланяпти. Мен унга эртадан бошлаб элчихонада яширинишини маслаҳат бердим. Бунгача у америкалик дўстимиздан мен олиб қочган чек бўйича анчагина пул олиш керак...

У тушунди.

— Ростдан анчагинами?

— Ҳа. Фақат чекни кўрсатган одамгагина берилади. Қўлдан чиқарсак, алам қилади-да...

— Жуда соз. Нима керак бўлса, ҳаммасини қиламан. Сиз учун-чи?

— Мен учун, менга атаб фақат шам ёқиш мумкин. Элчихонага мурожаат қилай десам, бу ерда анча ошириб юбордим. Барча меъёрдан ўтиб тушдим, Гельвеция ҳукумати мени тутиб беришларини талаб қилиши мумкин.

— Демак? — гулдурди Қария.

— Демак, ҳеч нима... Кутулиб кетишга ўзим уриниб кўраман.

— Омад ёр бўлсин...

— Мерси... Тез орада кўришамиз деб умид қиламан...

Биз иккаламиз ҳам гўшакни илишдан олдин анча ҳис-ҳаяжонларга берилиб кетдик. Мен хужрадан бироз гангиб чиқдим. Найнов лунжини осилтириб ўтирарди. У тўрт букланган газетанинг кечки нашрида босилган менинг суратимдан кўзини узмасди!

Бу мени ларзага солди! Агар шунақанги ёзарлар бўлмаганида мен полисларга қандай тушардим! Бунинг устига менинг латофатли кўринишимни айтмайсизми! Худди қуйиб қўйган “Скарфас”даги Поль Мюни денг!

Телефондаги қурбақа башара найнов ғалати қараш қилди. У билан ҳисобкитоб қилиб, эсини киритиб қўйиш лозим. Мен унга қарайман. У кўзини лўқ қилади. Шошилинч нимадир қилиш керак. Уни ҳозироқ бетараф қилиб қўймасам, бутун оломонни бошига кўтаради. Унга яқинлашдим.

— Қанча тўлашим керак?

— Беш франк...

Мен оқ тангани узатдим.

— Мана... Мен ростгўйман, азизим. Энди сиз менга баъзи маълумотларни маълум қиласиз...

У чайналди.

— Ҳа, йўқ, ҳалиги...

— Менга эшиги қулфланадиган хона керак. Сизни ўша ерга қамамоқчиман. Биласизми, сизни бўғиб ўлдириш менга ёқмай турибди.

У ўрнидан туриб кетди. Ранги қув оқарганди.

— Лекин мен...

— Сизми?

— Ўзим, шундай...

— Қани тулинг, кетдик...

Хона ичкарасида эшикча бор эди. Биз эски қадронлардек ундан чиқдик. Официантлардан бири шеригим ишини тугатди деб ўйлаб, қўл силтаб қолди:

— Хайрли тун, жаноб Фред!

Жаноб Фредга ўлганнинг устига чиқиб тепгандай бўлди! Хайрли тун! Бўлмасам-чи! Бу сўзлар ҳуда-беҳуда гапирилмайди!

* * *

Мана, коридорда фақат иккаламиз кетяпмиз. Миямга бир фикр келди.

— Айтинг-чи, бу ерда билдирмасдан чиқиб кетадиган айланма йўл йўқми?

— Бор. Хизматчилар учун.

— Унда менга ўша йўлни кўрсатинг. Фақат қилиқ чиқариб юрманг, билдингизми?

У бош силкиди. Мен унга ишондим. Биз тик тош зинадан кўтарилиб, боши берк жойга келиб қолдик. Ҳамон аввалгидай мен найнов ҳамроҳлигида ўз машинам томон борардик. У “Гранд Кав” эшигидан эллик метрлар чамаси нарида турарди. Ёритилиб турган майдонни кесиб ўтишдан олдин мен атрофга аланладим. Жуда пайтида қараган эканман, чунки ресторанга олиб борувчи зинанинг ҳар икки томонида икки сояни кўриб қолдим. Афтидан, уларни танигандайман: булар Франсуазани қийнаган икки барзанги эди. Сизлар билан гаров ўйнашим мумкин, булар Матиасни кутишяпти... Чиқди дегунча ўқ ёмғирига дуч келади. Нима қилиш керак?

Мен кўзойнакли найновнинг кўлини қўймасдан ўзим турган девор бўйлаб юра бошладим. Қоронғироқ жойда уни кесиб ўтдим-да, машинамга яқинлашдим. Мен уни атайлаб шу ерда қолдириб кетгандим. Машина Матиасни кутаётган икки барзангидан пана қилиб турарди.

— Қани, чиқинг-чи!

— Ёлвораман, — чулдиради у. Тиззалари қалтирарди.

— Чиқинг деяпман, қани... Мен сизни емоқчи эмасман.

У бўйсунди.

— Сурилинг!

У жойлашгач, мен рулга ўтирдим-да газни босдим. Фақат қочиб қолиш учун эмас, балки “Гранд Кав”га олиб тушадиган йўлак олдида тўхташ учун. Машина чироқларини ўчириб кута бошладим. Кўп ўтмади. Бир неча дақиқадан кейинроқ Матиас билан Гретта кўринди. Улар йўлакка чиқишди. Иккала соя уларга яқинлашди. Шунда Сан-Антонио, ҳамишагидек ўз ишининг устаси, Д тизимининг устаси фаранги машина чироғини бирдан ёқиб, нурини уларга қаратди. Айни пайтда мен клаксонга босдим. Қаттиқ сигнал қулоқларни қоматга келтирди. Тўла муваффақият! Ҳаммаси театрдагидек. Раймон Руло саҳналаштирган томошадагидек. Барзангилар ўгирилишди. Мен қотиллардан бирини танидим: у Влефтани аэропортга кузатиб чиққан эди.

Улар малласоч хонимга нимадир дейишиб, машиналарига қараб чопиб кетишди. Нарироқда турган машинага шоша-пиша ўтириб газ беришди. Мен улар қочиб қолишди деб ўйлабман. Қаёқда дейсиз. Бу ярамаслар менинг изимга тушишди. Нима юз берганини дарров сезган Гретта уларни менга қарши гиж-гижлади. Улар ўзларининг “болид”ларида ярим айлана ясаб, олдимга ўтиб олишди. Мен ўз тулпоримни ўт олдиришга улгурмагандим.

— Энгашинг! — қичқирдим ранги бўзарган телефончига. Бўйинбоғидан тортиб энгаштирдим. Айни вақти экан. Тариллаган автомат ўқлари машинам ойнасини илма-тешик қилиб ташлади. Тоза ҳаво уфурди. Уларнинг машинаси ёнимиздан физиллаб ўтиб кетди. Мен қаддимни ростлаб, машинани ўт олдиридим-да, уларнинг изидан тушдим. Менинг йўловчим ҳамон гужанак бўлиб ётарди.

— Қаддингизни ростлашингиз мумкин, — дедим унга. — Анча тинчиб қолди.

Мен у ҳақда бошқа ўйламасдим. Фикри-зикрим узоқлашиб бораётган икки қизил чироқда эди. Яхшиямки, мен “Ситроеп 15- si X” ни олиб қочган эканман. Бу пойгалар учун тенги йўқ машина. Уларни тезда қувиб етдим.

Улар ўқлари хато кетганидан аламзада эдилар. Энди бўлса ўқ узиш улар учун жуда ноқулай. Мўъжазгина машиналарнинг орқа ойнаси жуда кичкина эди. Ҳали уларни қувиб ўтмасканман, хавфсирамасам ҳам бўлади.

Шундай қилиб мен уларни таъқиб этяпман. Ана, шаҳардан чиқдик. Таъқиб тўғри йўлда давом этмоқда. Шу тариқа ўнларча километр йўлни босиб ўтдик. Машинани секинлатдим.

— Бу ёққа қаранг, бобой, — дедим мен беҳуш ҳамроҳимга, — мен сизга ёмонлик қилиш ниятида эмасман. Ҳозир тўхтайман, сакраб тушиб олинг. Назокатли бўлинг ва дарҳол полисларга бонг уриб юрманг. Мен қароқчи эмасман, ахир...

У “хўп” дегандек бошини қимирлатди. Хурсандлигининг чеки йўқ эди. Уни шу ерда тушириб қолдириш фикри келди миямга. Биз бийдай далада эдик. У бу ердан етиб бориб, полисларга хабар қилгунча мен бир амаллаб кутулиш умидидаман!

У эшикни очди-да, мен ҳали машинани тўхтатишга улгурмасдан сакраб тушиб қолди. Мен эшикни ёпиб, яна газни босдим. Хув, ана, қайрилишда қизил чироқлар сийрак туман ичра эриб кетишди. Энг юқори тезликда ҳайдаб борардим. Мана, бурилиш... Лекин қизил чироқлар сира кўринмасди.

Йўллар кесишганини кўриб, барига тушундим... Иккинчи йўл қишлоққа элтувчи қинғир-қийшиқ сўқмоқ мисол аранг кўзга ташланарди. Уддабуронлар дала йўлида яширинишибди. Улар чироқни ўчириб кутиб туришган бўлишса керак. Бизни кўрмай тўғри ўтиб кетади, ёки машинани тўхтатиб тушади, деб ўйлашган. Агар тушсам борми, мени қуёндек отиб ташлаб, бир хузур қилишмоқчи.

Мен чорраҳага яқинроқ бориб, лимузинни тўхтатдим, чироқларини ўчириб, йўл бўйида қолдирдим. Машинадан аста чиқиб, кўндаланг йўлга қараб ўрмалай бошладим. Мен эмаклаб юришни биламан, ҳа, ишонаверинг. Гарчи бу ўзига яраша бир санъат бўлса-да, ўрмалаш қўлимдан келади. Мен йўл ажралиб чиққан жойга етиб олдим ва ихота буталари ёқалаб илгарилай бошладим, қилт этган товуш чиқармасликка ҳаракат қилардим. Ҳозирча ишлар яхши кетяпти. Ҳалиги икки чалавачалар ҳам ўз машиналаридан чиқишди. Улар ўз машиналари копоти устига энгашганча қўлларидан автомат ва тўппонча билан шай туришарди. Бу ҳаромзодалар мени кутишарди. Ўзларича, мен қўлларимни чўнтакка солиб, уларнинг хузурларига бораман деб ўйлашарди.

Мен ихотазорни айланиб ўтдим. Шундагина уларга орқадан ҳужум қилса бўларди. Энг қийини, улар ёнига нариги томондан эмаклаб бориш. Бахтимга енгил шабада барглари шитирлатиб, менинг судралишим товушини бўғарди. Қирраси ўткир тошдан қўлим шилиниб кетди, мен тошни чангаллаганимча олдинга силжийвердим. Уларга шундай яқин бордимки, нафас олишимни тўхтатишим керак эди.

Мен қўлимни кўтардим. Тўппонча ушлаб турган йигит сизди, шекилли, орқага ўтирилди ва чинқириб юборди. Бу унинг сўнгги чинқириви эди. Қўлимдаги тош билан чеккасига туширдим. Ёрилган қовоқ товушидай ғалати овоз эшитилди. Лаънати гурс этиб йиқилди. Ёрилган бошини ямаш учун сирач қидиришнинг ҳожати қолмаганди. У қилмишига яраша жазосини олди. Бундай зарб каркидонларнинг бутун бир пансионини сулайтириши мумкин эди. Унинг шериги гангиб қолди. Унинг қўлидан келадигани автомат тепкисини босиш эди. Лекин ўйинчоғини тушириб юборди. Мен шу заҳоти унга ташланиб, оёғига ёпишдим. У мувозанатини йўқотиб, қулади. Йиқилаётиб, бошини кеманинг қанотли тумшугини эслатувчи радиаторнинг хром тиқинига уриб олди. Мен сакраб турдим. У этиги билан тепиб, чап сонимни шикастлади. Оғриқдан жоним чиқиб, унинг ёқасига ёпишдим, жағини яхшигина мушт билан сийладим. Бурнидан қон тирқиради. Яна бир неча мушт туширдим. Чинакам латта экан бу барзанги. Эҳтимол, у ёлғиз аёлга ёпишганда ўзини шер деб билар, лекин жасур эркакка қарши чиққанда ҳолига маймунлар йиғларкан.

Мен ундан тўла ўчимни олгунча тепкилайвердим. Латтага ўхшаб илвираб қолгандан сўнг машинага ортдим. Ерда ётган тўппончани олдим. Боши ёрил-

ган жасад билан ўқлари олинган автоматни шу ерда қолдирдим. Бу ёғини полислар текшираверишсин. Хоҳлаганча тахмин қилаверсин. Полислар ўзи ҳамиша тахминларда ўралашиб юрадилар.

Энди бу ёғига нима қилишимни билмасдим. Бутун вужудимни қамраб олган ҳаракат ҳисси билан Бернга қайтишга қарор қилдим. Бу ўта нодонлик. Ҳа, шундай. Лекин бари бир...

* * *

Мен йўлтўсарларнинг машинасига ўтириб, орқага қайтдим. Бу машина ҳам “меники” сингари ўғирланган бўлиб, қараб бўлмас бир аҳволда эди. Унда узоққа бориш амримаҳол. Шалоғи чиққан бу аравани йўлда кўришлари билан тўхтатишлари турган гап. Эгаси уни яхшилаб суғурта қилдирган, деган умиддаман. Эслатиб қўяй, суғурта гелветларнинг ихтисосларидан бири.

Иккинчи қотил ҳали уйқуда. Тўппонча менинг чўнтагимда, шунинг учун ҳам ўзимни кучли сезяпман. Ҳозир менга энг керакли нарса — ҳоли жой топиш ва манави қотил билан яхшилаб гаплашиб олиш. Бундай жойни қаердан топаман, айтинг, ахир?

Йўл четида кимдир қўл кўтариб турарди. Машина чироғида уни танидим — бу ўша. “Гранд Кав”даги алоқачи. У бирорта йўловчи жонига оро кирармикан деб, қўл силкирди.

Кўлгим қистади. Жонига оро кирадиган ўша одам мен бўламан. Мана, ўша хотиржам жой ёки мени ўша ерга бошлаб борадиган одам. Унинг ёнида машинани тўхтатдим. У эшикка яқинлашиб, бошидан кечирганларини гапирмоқчи эди, мени таниб қолди. Гангиб қолгани сезилиб турарди. Эшикни очдим.

— Ҳа. Бу менман. Зорронинг қайтиши, иккинчи кўриниш. Қани, куёнвой, чиқиб ўтир-чи. Афтингни буриштира, жиним кўзийди.

У бошини силкиди.

— Ҳм... Йўқ... Мен...

— Ўтирсанг-чи, тезроқ!

Овозимни сал кўтарган эдим, уни кўрқитиш учун шунинг ўзи етарли бўлди. У машинага ўтирди. Ёнимдаги иккинчи жасадни кўриб, дудуқланди:

— Ие! И...

— Ўпкангни бос, найнов... Кўрдингни, бу жаноблар менга ёвузлик қилмоқчи бўлишди, лекин мен ютиб чиқдим...

У бутунлай букчайиб олди, лекин бирор сўз демади. Мен Бернга қараб оҳиста борардим. Қаршимдан полис машинаси келиб, ўтиб кетди. Сал қолди-я, қўлга олишларига. Мен энгил нафас олдим.

— Қаерда яшайсан? — сўрадим шеригимдан.

У менга бир кўчанинг номини айтди, штрассе билан тугайдиган номни худди Япон шеърларидай эслаб қолиш жуда қийин эди.

— Бир ўзинг яшайсанми?

— Ҳа.

— Хотининг борми?

— Йўқ.

— Кекса онанг-чи?

— Вафот этган.

Унинг кўринишиёқ бўйдоқлигидан дарак берарди.

— Уйинг қайси қаватда?

— Ер-да...

— Жуда соз. Бу кеча уйингда тунаймиз.

— Меникидами?

— Ҳа. Тўполон қилмаймиз, шовқин солмаймиз, чин сўзим.

У қовоғини уйди. Агар унда сал-пал мардлик аломати бўлганда эди, жағимга тушириб қоларди. Ҳар эҳтимолга қарши, тўппончамни чиқариб қўйдим. Бунақанги пандавоқилардан ҳар нарсани кутиш мумкин.

— Қара, мен чўнтагимда нима топиб олдим! Зўр-а! Швецияда ишланган! Куролларнинг пошшоси бу. Эй, қаёққа борамиз, барон!

У вақтни чўзарди. Танбеҳ беришга тўғри келди.

— Вақтни ўтказмасанг-чи. Ёки егинг келяптими?

У менга бўм-бўш, хира ёритилган кўчани кўрсатди.

— Тўғри!

Мен бўйсундим. Машинани дарёга элтувчи чиройликкина кўчада тўхтатдим.

— Шу ерда, — деди у, мўъжазгина икки қаватли уйни кўрсатиб.

— Яхши... Бориб эшикни оч. Лекин айёрлик қилишни ўйлама. Жаҳлим ёмон...

Мен машина чироғини ўчириб, орқа ўриндикдан омадсиз қотилни елкамга олдим. Алоқачи мени қўлида калит билан эшик олдида кутиб турарди.

* * *

Одмигина, озода ва эски усулда қурилган хонадон. Кичкина даҳлиз, ошхона, ётоқхона... Мен эшикни беркитиб, қулфладим-да, калитни чўнтакка солдим.

Елкамдаги юким қимирлаб қолди. Уни каравотга элтдим-да, алоқачига ёндошдим. Йўл-йўлакай қўлимга ип олволдим. Одатда барча детектив фильмларда ва полис романларининг кўпчилигида шундай қилишади.

— Нима қилмоқчисиз? — ташвишланиб сўради найнов.

— Ҳеч нарса. Сени боғлаб қўймоқчиман. Бизга ҳалақит бермаслигинг учун...

— Лекин мен сизларга ҳалақит бермайман.

— Энди хафа бўлмайсан. Шундай қилиш керак.

Мен унинг қўлларини орқасига қайириб стулга маҳкам боғладим. Кейин стули билан бирга кўтариб, стол устига ўтқазиб қўйдим.

— Билиб қўй, стулинг оёғи стол қиррасидан атиги миллиметр масофада турибди. Сал қимирласанг, башарнг билан йиқиласан. Тушундингми?

У шундай қалтирардики, “ҳа” дейишга ҳам бемажол эди. Мен ётоқхонага кириб, анча ўзига келиб қолган қотил билан юзлашдим. У ўзини ҳимоя қилмоқчи бўлганда кучли мушт туширдим. Яна каравотга ағанади.

У ўзининг кимлигини эслашга уринаётган бир пайтда мен парданинг иккинчи боғичини ҳам суғуриб олдим-да, хонадон соҳибига ўхшатиб бунни ҳам чандиб боғладим. То ҳушига келгунча ёнларини тинтиб чиқдим. Чўнтагидан топилган ҳужжатга қараганда унинг исми Ҳусайн бўлиб, суриялик экан. Италияда яшаркан. Швейцарияга келганига тўрт кун бўлибди. Кўпмас... Умуман, Брасенс куйлаганидек, ҳамма ҳам Люраи бўлавермайди, шундай эмасми?

Стол устида бир шиша “Квантро” турган экан. Шиша оғзини очиб, унинг оғзига тикдим. Алкогол уни ҳушига келтирди. Кўзини пирпиратди, кейин мени кўриб қолди. Унинг кўкимтир юзи бўзарди. Қора кўзлари ялтираб кетди.

— Шундай қилиб, Ҳусайн, буёғига нима дейсан?

У қимир этмади. Менга тикилиб туриши кўкрагимда оғриқ уйғотди. Яна бир мушт туширдим кўзлари ёшга тўлди.

— Аблаҳ! — деди гижиниб.

Яна мушт билан сийладим.

— Бошидан бошлаймиз. Аввало хушмуомалалик. Тушунарлими?

Афтидан, у бунга тушунмасди.

— Шуни яхши билишинг керакки, бу ерда ўжарлигинг ёрдам бермайди. Менинг қўлим баланд келди, сен енгилдинг. Кучга қарши боролмайсан, ахир. Тушундингми?

У сезилар-сезилмас имо қилди. Мен бунни розилик аломати деб тушундим.

— Сенинг Мохари ташкилотига аъзолигингни биламан. Менга худди Влефта сингари, сени ҳам йўқ қилиш топшириғи берилган, — дедим мен қатъият билан.

У ҳайрон бўлгандай кўринди, унинг ҳатти-ҳаракатидан хатога йўл қўйганимни тушундим. Гапимдан у сескангандай бўлди.

— Розимисан? — дедим мен жағига тушириб.

Оғзидан қон келди, бу унинг кайфиятини янада бузди.

— Менинг тармоққа алоқам йўқ, — деди у. — Мен Греттанинг дўстиман, холос!

Ҳа, бу менинг фойдамга эмас. Биров олдида бурнинг сал-пая кўтарилиб кетдими, ҳеч бўлмаганда ундан бор ҳақиқатни билиб олишинг лозим, акс ҳолда, у хатога йўл қўйганингни пайқаб қолса борми, аҳмоқ бўлиб қолишингиз ҳеч гапмас. Мен унга оғзаки таъсир ўтказишга киришдим.

— Ўзингни умид билан алдама, ҳой тухумни ёриб чиқмаган аҳмоқ! — Ўша ташкилотга мансублигинг шундоқ ҳам кўриниб турибди. Бунинг учун озгина ақл бўлса, бас.

У гижиниб, тўнғиллади:

— Айтинг-а, айтинг!

Ростини айтганда, унинг башараси аблаҳлигини айтиб турибди. Мен жуда яхши биладан, кишиларга ташқи кўринишга қараб баҳолаб бўлмайди. Лекин сиз ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўринг-да, ахир. Бу лаънати кичкина Франсуазани ўлдиргани ҳақидаги ўйлар миямни кемирар эди. Асабларим тараңглашди. Унга ташланиб, бор кучим билан тепкилаб, муштлай бошладим. Муштларим зарбидан афт-башараси шаклини анчагина ўзгартирди. Кўзи, боши ва ниҳоят, бурнининг дабдаласини чиқардим. Эртага у бутунлай бошқача кўринса керак. Туққан онаси ҳам танимамай қолиши аниқ. Бордию махфий учрашувга борадиган бўлса ҳам қиз танимамай гвардияни чақириши мумкин.

Мен ўлгудай толиқиб, тўхтадим. Хусайн инграрди. Афт-башарасига қараб бўлмасди.

— Яр-рамас, — дедим дудуқланиб, — роса чарчатдинг! Энди бор гапни айтсан, бўлмаса ҳаётдан умидингни узавер! Қани, гапир-чи... Биринчидан, Гретта ким ўзи?

— Кларамонининг собиқ хотини...

Қошларим чимирибди. Кларамони — ижтимоий душман нўмер бир, италиялик. Аниқроғи, душман эди. Чунки, бултур у полислар томонидан ўлдирилганди...

— Кейин-чи?

— Кларамони ўлдирилгач, Гретта Швейцарияга келди. У ҳашаматли меҳмонхоналарга танда қўйганди... Кейин битта французни учратиб қолиб, жосуслик қилувчи ана шу йигит билан яшай бошлади.

Ҳа. Ўша йигит, Матиаслиги аниқ. Қизиқ фаолият билан банд экан.

— Яхши, кейин-чи?

— Гретта хат юбориб, мен ва Моффреддининг келишимизни ҳамда катта бир ишга қўшилишимизни маълум қилганди. Биз шунинг учун келдик.

— Катта иш дегани нимаси?

— Америкадан биттаси келаётган экан. Ёнида катта пулга чеки бор экан... Биз ўша чекни қўлга киритишимиз керак эди. Моффреди уни кутиш учун аэропортга кетди...

— Яхши, мен бу ёғини биладан.

Демак, сенинча, Гретта Мохари тармоғига мансуб эмасми?

— Албатта, йўқ. Бу унинг услуби эмас...

— Телефон гўшагини олиб, менинг қаердалигимни билган ҳам ўшамиди?

— Ҳа.

— Матиасни йўқ қилиш ҳақидаги буйруқни ҳам ўша бердимми?

У ҳайрон бўлди.

— Матиасни йўқ қилиш?

— Бўпти, майли. Сизлар-чи? Ахир, сен ва ўртоғинг “Гранд Кав” олдида писиб ётгандинглар-ку?

— Сизни кутаётгандик!

Бу сафар ҳайратдан қоним қайнади.

— Яна такрорланг-чи?

У овозини пасайтириб, кўзини четга олди.

— Сизни кутаётгандик, шундай!

— Нима учун?

— Ўзингиз кўрдингиз-ку!

— Сизларга ким буюрди, Греттами?

— Ҳа.

— Қачон?

— Биз етиб келишимиздан икки дақиқа олдин...

— Гретта ёлғизмиди?

— Ҳа, унинг дўсти ҳожатхонада эди!

Демак, бу ярамас аёл мени ҳамкасбим билан гаплашмасдан олдинроқ кўриб қолган экан-да! Маҳорати зўр экан-ку, бу манжалақининг. Бу юксак санъат шундай эмасми? Бечора Матиас, унинг илинганини тушуниб турибман. Бу аёл бир қарашда сизни шифтда юришга мажбур қиладиган хонимлар тоифасидан!

Негадир ўзимни ёмон ҳис қилдим. Шу тун Матиасга нимадир бўлади. Бу ўйдан ўзим даҳшатга тушдим. Уни огоҳлантириб қўйсам яхши бўларди-да. Қанжиқ йигитни ўлдиришга қарор қилдим, тамом, Матиас ҳарқанча эпчил бўлмасин, Греттага бас келолмайди.

Ўлгудай чарчаган эдим.

— Майли, — дедим Хусайнга, — шу билан суҳбатга нуқта қўямиз.

Мен тўппончани олдим. Уни боягина суҳбатдошимдан тортиб олган эдим. У ҳаракатимни кўриб йиғламсиради:

— Йўқ, раҳм қилинг!

Тўппонча дастаси билан калласига туширдим. Гурс этиб йиқилди. Агар бош чаноғи ёрилмаган бўлса, демак, болалигида уни онаси кальций билан роса боққан экан. Мен уни каравот ёнидаги гиламчага ётқизиб, қимирлай олмасин деб орқасига столни тираб қўйдим-да, ошхонадан хабар олгани кирдим. Алоқачи ҳамон жойида, боғланган стулда қимир этмай ўтирарди.

— Кечирасиз, бундай ноўрин қилмишим учун. Лекин, чиндан ҳам бошқача йўл тутолмасдим, — дедим алоқачи найновга.

Мен ҳамёнимни очиб, ундан юз швейцария франки олдим-да, унинг чўнтагига тикдим.

— Олинг, бобой, бу сизга ноқулай ўтган кеча ўрнини босади.

У ғалати илжайди.

— Раҳмат, месье, — гўлдиради у.

Мен ҳам унга тиржайдим.

— Бориб бироз мизғиб оламан. Сен ҳам ухлаб қолма, тагин. Йиқилиб тушсанг яхши бўлмайди.

Ва азамат Сан-Антонио мизғиб олгани каравотга чўзилди. Хусайн бўлса гиламча устида хуррак тортарди.

* * *

Даҳшатли шовқин мени Морфей оғушидан узиб олди. Мен уйғониб кетдим. Тонг отган эди. Каравот ёнида Хусайн бир ҳолатда ётибди. Йўқ, ўлгани йўқ, ўлгандан дурустроқ. Ошхонага чопаман! Бари бир қулаб тушибди. Бир неча соатлик бедорликдан сўнг найнов ўз кўноғидан учиб тушибди. Боши билан газ плитасига урилиб, тепасида каттагина ғурра орттирибди. Оғзидан сўлаги оқиб ётибди. Шу тобда у менга бир боксчини эслатди. Мен уни жуда яхши кўрардим. Унга раҳмим келиб кетди.

— Вой, бечора қуёнчам, юрақол! Буларнинг бари унут бўлиб кетади...

Мен уни кўлидан ётақлаб, каравотга олиб бордим.

— Келақол, яхшилаб ухлаб олгин.

Соатга қарадим. Эрталабки етти. Ўзимни жуда нохуш сезардим. Нима қилиш керак? Аччиқ алтернатива. Қайси бирини танласам экан? Хонадонда талвасага тушиб, наридан-бери юра бошладим. Одатдагидек, миямга бир фикр кел-

ди... Вақтим борлигидан фойдаланиб ташқи кўринишимни ўзгартиришга қарор қилдим. Таъқибдан қутилиш учун — бу ягона йўл эди. Хусайннинг асл паспорти менда эди. Ундан фойдаланиб қолишнинг вақти келди.

Ювениш хонасига кираман. Табиий, соқолим ўсиб кетибди. Алоқачининг устарасидан фойдаланиб соқолни олдим. Чеккаларимда ингичка қилиб соқол қолдирдим. Кейин қайчини олиб сочимни “А ля Марлон” услубида калта қилиб кесиб чиқдим. Ҳарҳолда, ташқи кўринишим анча ўзгаргандай бўлди.

Жавонни тинтиб, ағдарма чармли пойабзални бўяш учун восита топдим. Уни стакандаги сувга қўшиб, қоришмани юзимга сурдиму бугдойранг бўлдим-қўйдим. Шиша тиқинини оловда куйдириб, қошим ва қовоқларимни қорага бўядим.

Рост гап, кўринишдан халифа Ар-Рашид бўлдим-қўйдим. Агар кимдир мени таниб қолгудек бўлса, демак, “Минг бир кеча”ни ёдлаган бўлади. Уй соҳибининг кийим жавони унчалик бой эмасди. Шунга қарамай қорамтир-кўк костюм топиб олдим. У менга жуда мос келди. Энди мени танишиб бўпти.

Мен хужжатларимни куйдирдим. Фақат пул билан бегона паспортгина қолди. Бироз иккиланиб тургач, тўппончани чўнтагимга солиб олдим. Мундоқ ойнага қарасам, шу қадар ўзгариб кетибманки, ҳатто жасур онагинам Фелиси ҳам мени таний олмасди. Шубҳасиз, мен бутунлай бошқа одамга айланган эдим.

* * *

Эркатой Сан-Антонионинг, шу худо арзандасининг барометри қатъий бир тўхтама қолди. Кўчага чиққан заҳотим бутун бир полислар тўдасини кўриб қолдим. Улар Хусайн машинасини ўраб олишганди. Агар найнов бурни билан гурсиллаб йиқилиб тушмаганида, мен ҳали ухлаб ётган бўлардим. Бу жаноблар эса мени осонгина қўлга тушириб, “Мана, болакай, бу сенга сийлов” деб тумшугимга бошлаб туширишган бўларди.

Мен ўнг томонга бурилдим-да, кибру ҳаволи юриш билан жўнаб қолдим. Мен ўзимни хавфсиз ҳис этардим. Нодон каллам эса яхши тўлқинлар тарата бошлаганди. Жуфтақни ростлаб қолиш ўрнига, дедим ўзимга-ўзим, сўнгги бор Матиасга ёрдамлашим керак. Агар у ҳали тирик бўлса, Федерал банкка келиши тайин. Ахир, Влефтанинг пулини олиши керак-ку! Мени “Гранд Кав”да таниб қолган. хоним, нимадандир шубҳаланган бўлса, демак, мен ўз ҳамкасбимни орқадан ҳимоя қилишим лозим.

Мен ҳашаматли таксини чақириб, унга ўнғаигина жойлашдим.

— Федерал банкка, — дедим шоферга виқор билан.

Ҳайдовчи унчалик рўйхуш бермади. Негалигини дарҳол пайқадим: банк бу ердан атиги беш юз метрча нарида эди. Бу машинани беҳуда овора қилишдан бошқа нарса эмасди. Агар бу нарса Парижда юз берса бормиди, таксичи бўралаб сўккан бўларди.

Кира ҳақини тўлаб, машинадан тушдим. Бахтимга банкка кираверишда қаҳвахона бор экан. Мен дераза олдидаги столга ўтирдим-да, нонушта буюрдим. Овқатлана туриб ғазнахонага кимлар кириб чиқяпти, у қачон очилади — кўриб туришим мумкин эди.

Тонгги газеталарда босилган сафсаталарни ўқиб, тамадди қилдим. Швейцарияда анчагина шов-шувлар кўтарилишига сабабчи бўлдим. Рост айтаяпман, ишонаверинг. Биринчи саҳифа уч устун, давоми кейинги бетларда. Уюшган халқаро тўда ҳақида роса кўпиртиришибди. Жосуслар ўртасида ўзаро ўч олишлар, яна ҳар хил бемаъни уйдирмалар.

Нафақахўр чолларга мўлжалланган бу олди-қочди гаплардан чарчаб, газетани йиғиштирдим-да, кута бошладим. Бу касби-қорда асабга тегадиган ягона нарса — кутиш! Қаердадир соатлаб кечаю кундуз қимир этмай кутиш лозим. Афсуски, бу сафар менда бемалол кутиш ёки қарағайзор оралаб қўзиқорин териш учун вақт етишмасди. Банкнинг очилаганига чорак соатча бўлди. Бирдан банк олдида оқ-яшил, хромиланган америка лимузини келиб тўхтади.

Ундан дўстим Матиас тушди. Ўз тахминларимда янглишмаган эканман:

ёнида Гретта ҳам бор эди. Хонимча қўлини Матиаснинг қўлтигидан ўтказиб олганди. Улар бино ичига кириб ғойиб бўлишди.

Миямга қон қуйилди. Жўжаларига хавф таҳдид солаётганини кўрган курк товук мисол ўрнимдан отилиб турдим. Матиасни кутқариш зарур эди. Хонимча унга пулни олгунга қадар парвона бўлиши турган гап. Ундан кейин эса, йигитнинг Франция элчихонаси билан боғланиши амри маҳол. Пулга хоним эга чиқиши мумкин. Йўқ, аралашмасам бўлмайди.

Қатъий қарорга келдим. Нонушта ҳақини тўлаб, лимузин олдига бордим. Орқа эшигини очиб, ўриндиққа ўтирмай, тўшамага ётиб олдим. Ўриндиқда жомадонлар турганди. Яхши бўлди. Яшириниш учун уларни устимга тортиб олдим. Менимча, ташқаридан мени кўришмаса керак, атайлаб қарашмаса, албатта. Греттада шубҳа уйғотадиган бирор сабаб бўлмаслиги керак.

Жомадонлар эса менда бу хоним мамлакатдан қочиб қолиш пайида бўлса керак деган фикр уйғотди. Мен бўлсам худди асаларидек гул устида пайдо бўлгандим. Анча вақт ўтди. Зўрға нафас оляпман, лекин чидаш керак! Ниҳоят, олд эшик очилди. Икковлон жойларини эгаллашди. Гретта энгил нафас олди.

— Биласанми, мен жуда кўрққан эдим, — деди у. — Ҳозир буни тан олсам ҳам бўлади...

Машина юриб кетди. Матиас уни тез ҳайдаб борарди. Шаҳар маркази учун бу катта тезлик.

— Нимадан кўрқдинг? — сўради у.

— Нимадан бўларди, сенинг тармоғингдаги айғоқчилар васиқа берувчини огоҳлантиришса, у чекни бекор қилдиртирарди. Ахир, таҳлика катта эди-да!

Матиас кулди. Унинг кулгисини таниёлмай қолдим. Баданим жимирлаб кетди.

— Таваккал қилмаган ютолмайди, — деди у. — Мен ҳам кўрқувдим. Пул олишга жуда кечикмадикми, деб. Бахтни қарангки, бу тентак ўзи келиб чекни кўлимга тутқазди.

Иккаласи бараварига қаҳ-қаҳ уришди.

— Бу чиндан ҳам сира кўрилмаган ҳодиса, — чийиллади қанжиқ. — У қамоқхонадан қочиб, ўз жонини минг бир таҳликага кўйиб, биз энди тополмаса керак деб бутунлай умид узган нарсани олиб келиб берди-я!

Бунга сиз нима дейсиз, йигитлар? Шунақасиям бўларкан-да, ҳаётда. Лекин бунақаси камдан-кам бўлади. Вой, Иблис Матиас-эй, шошмай тур ҳали! Вой, аблаҳ-эй, мени ҳам, Қарияни ҳам бошлаб тумшугимиздан илинтирган экан-да. Бу ҳазилакам иш эмас, ишонаверинг!

Энди мен яхши тасаввур қиляпман. Мохари тармоғидаги кишилардан у Влефтанинг жамғармалар билан юрганини эшитиб қолган... Табиийки, тармоққа мансуб йигитлар унга ишонишарди. Фақат Матиас Гретта билан муҳаббат боғидан гул териб юриб даҳшатли зарба тайёрлаган. Унинг ўзи йигитлари билан Влефтани талаб, кейин ўлдира олмасди. Чунки тармоқ тергов ўтказиб, сирни билиб оларди. Шунинг учун ҳам Матиасда Француз хизматидан кимнидир чақириш гоёси туғилган. У Қария билан боғланган. Қария эса бу ишга мени жўнатган. Натижада Гретта мени кутиб олиб, ижарага олинган уйга бошлаб келган. Ҳа, кўриб турибман. Жуда яхши кўриб турибман. Мени заҳарлашди деб янглишган эканман. Уйқу дорисидан кўпроқ ичиришган экан-да.

Демак, менинг тирик қолишим шарт экан. Влефтани ўша уйга бошлаб келишиб, менинг тўппончам билан ўлдирмоқчи бўлишган. Шунинг учун ҳам уни ўз ёнимда қолдиришган. Огоҳлантирилган полислар мени мурда ёнида, кўлимда қурол билан топиб олишарди. Яна виски ичиб, денг... Мени ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким танимайди. Иккинчи қаллобга бўлса албанни чавоқлаб, ундан ҳужжатларни тортиб олиш вазифаси топширилганди. Матиас билан унинг хонимчаси чекни бўлишиб олишмоқчи эди. Менинг “дўстгинам” Қарияга бошқа ҳужжатларни юбориб, табриклар олар ва ўзида ҳар икки лавозимни ҳам сақлаб қоларди.

Менинг оёқ-қўлларим увишди. Биз шаҳардан чиқиб олгандик. Буни мен машинанинг тезлигидан ва шамолнинг увиллашидан сездим.

— Сен Германияга ўтиб кетишни маъқул деб ўйлайсанми? — сўради Матиас.

— Албатта. Улар сенинг чек бўйича пулни олиб, Француз элчихонасига бормаганингдан хабар топишса, ҳаммаси ошкор бўлади-қўяди. Биз Гамбургга боришимиз керак... У ердан кемага ўтириб, Қўшма Штатларга жўнаймиз!

Қўлимда тўппончани ўқталганча, худди қутидан чиққан жин мисоли қад ростладим.

— Йўловчи ҳам оласизларми? — сўрадим мен.

Матиас эсанкираб қолди, малласоч хонимча эса қичқириб юборди. Тепадаги кўзгудан “ҳамкасбим”нинг ранги қув оқарганини кўрдим. Биз оққарагай ўрмони оралаб борардик. Йўл четидаги ёзувлар ҳайдовчиларни кийикларга эҳтиёт бўлинглар, деб огоҳлантирарди.

— Тўхта, Матиас!

У машинани тўхтатди. Рулни ушлаб турган қўллари қалтирарди.

— Кўтар қўлингни, иккаланг ҳам!

Улар бўйсунди.

— Матиас, — дедим унга, — бунақанги касбни танлаганингда пул ҳақида ўйламаслигинг керак. Акс ҳолда хонумонинг куйиб кетади. Бу муқаддас, учинчи йўл йўқ, тушунасанми?

У сўкинди.

— Фосиқ одамнинг ҳалоллик ҳақида сўқишини!

— Матиас, сен ахлат қутиларига ташланадиган чиқиндилардан ҳам ачи нарлисан... Аҳмоқ ва аблаҳсан! Икки карра, уч карра жосуссан! Пасткаш ва доғулисан!

— О, етар энди!

— Фақат сен қутилмаган тўсиққа дуч келдинг, болагинам! Мен ўз ишимни биламан. Доно эмасман, аммо ўз ишимни яхши биламан...

Гретта қўлини туширди. Машина эшигидаги чўнтақдан қурол чиқарди. Оғзимдан сўкиниш чиқиб кетди, шу пайт тўппончам ҳам гумбурлаб қолди. У чаккасини тешиб ўтиб, ён ойнани синдирди. Қизнинг танаси аста ёнбошлаб Матиасга суяниб қолди. Йигитнинг ранги бутунлай ўчди. Мен унга ачи ниш билан қараб турардим.

— Сан-Антониони боглаб чув туширдим, деб ўйладингми? Ҳамма балога мени гирифтор қилмоқчи бўлдингми?

У индамади.

— Кел, бу томондан чиқа қол...

У тўнғиллади:

— Нима қилмоқчисан, Сан-Антонио?

— Хонимни олиб ташла... Машинада туриши хавфли.

У юзимга қараб ниятимни билишга уринарди. Лекин қатъий нигоҳимга дуч келди...

— Тезроқ бўл! Шошаяпман. Хонимингни кўтар, ҳеч ким йўқлигида ўрмонга олиб бориб ташла.

У бўйсунди.

— Қочишни хаёлингга келтирма, Матиас. Менинг ўқим, сенинг чопишингдан илдамроқ. Қуролингга ишонма. Бари бир менадан чаққонроқ отолмайсан.

У машинадан чиқди. Мен ҳам изма-из юрдим. Эшикни очиб, Греттани чиқариб олди. Қонсиз юзини кўзёши қоплаганди.

— Уни чинакамига севармидинг?

— Ҳа, Сан-Антонио.

— Севармидинг?

— Ҳа, Сан-Антонио. Ҳаммасини у режалаштирганди. Мен гангиб қолдим.

— Бўпти. Уни олиб, юр!

У жасадни қўлга олди. Ўликни эмас, аёлни кўтариб бораётгандай эди.

Биз қирққулоқзор бўйлаб борардик. Ўрмоннинг анча ичкарасига кирдик. Ўрмон ичи нам ва қоронғу эди. Ун метрча нарида очиқ майдонча кўринди.

— Уни анави жойга қўй, Матиас.

У бўшашиб, ўша жойга борди, оҳиста тиз чўкди ва жасадни шудринг билан қопланган буталар устига қўйди. Ўрнидан туриб қадини ростлади. Менга қаради. Мен тўппончани сонимга босганча унга рўбарў турардим...

— Энди нима қилмоқчисан? — сўради у сўник бир оҳангда.

Чуқур нафас олдим. Томоғим қуриб қолганди.

— Нима қилишимни истайсан?

Тепкини босдим у то ўқдон бўшагунча ушлаб туравердим. Кейин қуролни Матиаснинг ҳамон титраб турган жасади устига ташладим. Бошимни ҳам қилганимча машинага қайтдим. Миллион франк ва божхона ҳужжатлари жойидалигини текшириб кўрдим-да, рулга ўтирдим. Юрагимга оғир тош чўккандек эди.

Ушбу америка лимузини тезликни автоматик тарзда ўзгартирарди. Ўрмон ичи анча салқин эди. Машинани, ишдан сўнг сайр қилаётган одамдек, секин ҳайдаб борардим. Менинг ишим эса оғир, машаққатли эди.

У ер-бу ерда кийикларга раҳм қилишга даъват этувчи ёзувлар кўзга ташланарди. Мен уларга андуҳ билан қараб ўтардим. Швейцариядаги одамлар жониворларга жуда меҳрибон. Тушунарли. Швейцариялик дўстлар, мен кийикларга жуда эҳтиёт бўламан!



SUMMARY

The June issue of the magazine introduces samples of creative works of famous Kalmik poet David Kughiltinov and celebrated writer of the Azerbaijan Republic Bahtiyor Vahobzoda to the readers. The continuation of the novel by German writer E.M. Remarque "There is no change on the west front" is also in this issue. We also offer to the magazine fans Leonid Filatov's comedy "Alarm clock", A. Ibrohimov's article "The writer is not a special phenomenon", I. Klyamkin and L. Timofeev's publicistic issue "Russia in the shadow", M. Tsvetaeva's essay "My Pushkin", Sh. Tuychiyeva's article "Chulpan and Kamyu". Those who are interested in the detective genre in the June issue can find San Antonio's novel "Persecution".



АЗИЗ ЖУРНАЛХОН!

“Жаҳон адабиёти” журналининг кейинги сонлари саҳифаларида куйидаги асарларни босиш кўзда тутилмоқда:

Ж.ФИТОНИЙ. *Аз-Зайний Баракот. Роман.*
И.ДРУЦЭ. *Асл маконга қайтиш. Қисса.*
Ж.ОРУЭЛЛ. *Ҳайвонлар хўжалиги ҳақида ғаройиб қисса.*
Ж.ОЛДРИЖ. *Ғаройиб мўғул. Қисса.*
Э.СИГАЛ. *Муҳаббат тарихи. Қисса.*
В.БИКОВ. *Ўпқон. Қисса.*
К.ФУЭНТОС. *Артемино Круснинг ўлими. Роман.*
Ё.БАҲОДИРЎҒЛИ. *Алвидо, Хоразм. Роман.*
А.П.ЧЕХОВ. *Ҳикоялар.*

Булардан ташқари Ғарб ва Шарқ шеъриятидан намуналар, фалсафий ва тарихий мақолалар, адабий-публицистик тадқиқотларга кенг ўрин берилади.

Муҳтарам муштарийлар!

“Жаҳон адабиёти” журнаliga обуна бўлишни унутманг.

Индекс:

Якка тартибда — 828

Ташкилотлар учун — 829